

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутди. Улуғ шоир ўзининг шеърӣ ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.


Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК



ТОШКЕНТ – 2022

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ИККИНЧИ ЖИЛД

*** **

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ

НАВОИЙХОНЛИК СУҲБАТЛАРИ

*** **

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ

БУЮК БЕШЛИК САБОҚЛАРИ

*Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади*

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Муслиҳиддин Муҳиддинов, Муҳаммаджон Имомназаров,
Сирожиддин Саййид, Иброҳим Ҳаққул, Шухрат Сирожиддинов,
Баҳром Абдуҳалимов, Мирзо Кенжабек, Жаббор Эшонқул, Нурбой Жабборов,
Афтондил Эркинов, Исажон Султон, Ваҳоб Раҳмонов, Шухрат Ризаев,
Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов,
Султонмурод Олим, Каромат Муллахўжаева

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов,
Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВ

**НАВОИЙХОНЛИК
СУҲБАТЛАРИ**



МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Адабиёт тарихини тадқиқ қилиш замонавий ижодкорлар ҳақида фикр юритишга нисбатан мураккаброқдир. Бунга сабаб, адабиётимиз тарихи бугунги адабий жараёндан кўп жиҳатдан фарқ қилишидир. Бу фарқ қарийб минг йиллик адабиётимиздаги дунёқарашнинг хилма-хиллигида ҳам эмас, балки унинг асосий замири бўлмиш тилнинг мураккаблиги, вазннинг кам ўрганилганлиги, жанрларнинг нисбатан турғунлиги, ижод маҳсулотларининг бир маромда бизгача етиб келмаганлигида ҳамдир. Бу мураккабликларга қарамасдан ўзбек адабиётшунослигида қатор тадқиқотчилар етишиб чиқдики, уларнинг илмий текшириш ишлари натижасида бой ўтмиш адабиётимиз анчагина кенг ва чуқур ўрганилди. Бу ўринда биринчи авлод вакиллари Абдурауф Фитрат, Олим Шарафуддинов, Порсо Шамсиев, Ойбек, Ғулом Каримов, Ҳомил Ёқубов, Натан Маллаев, Шайхзодалар кўплаб тадқиқот ишларини амалга оширдилар. Булардан кейинги адабиётимиз тарихини ўрганаётган олимларимиз ичида Абдуқодир Ҳайитметовнинг ўрни ўзига хосдир.

Тўғри, адабиёт тарихини тадқиқ қилувчи авлод билан иккинчи авлод ўртасида узвий боғланиш бор. Биринчи авлод вакиллари кўп жиҳатдан кейинги авлод вакилларига устозлик қилишди, йўл-йўриқлар кўрсатишди. Шу маънода Абдуқодир Ҳайитметов П. Шамсиев, Ойбек, С. Мирзаевнинг номларини фахр билан тилга олади. Ҳатто ўзи адабиёт тарихи хусусидаги биринчи тадқиқотининг мавзуси Ойбек томонидан таклиф қилинганини айтади.

Бу ўринда бор ҳақиқатни ҳам қайд қилишни лозим кўрардик. Гап шундаки, ёшларда маълум касбга ёки илмий-ижодий йўналишга қизиқиш ўз-ўзидан пайдо бўлавермайди. Бу ишда унга туртки бўлган, замир ҳисобланган сабаблар бўлади. Биринчи қарашда кўзга илинавермайдиган бу сабаб ва замирлар бўлажак яхши хунарманд, олим ёки ижодкорнинг бутун умр қиладиган ишига асос бўлиши мумкин. Абдуқодир Ҳайитметов шундай ҳодисани эслаб:

– Кўҳна маданиятимизнинг мени биринчи бўлиб ўзига тортган, маҳлиё қилган томони бобом ўқиган, эҳтиёт қилиб сақлаган эски китоблар ва қишлоғимиздаги масжид бўлган... Масжид ҳовлимизнинг ёнгинасида бўлиб, мен унинг нақш бериб ишланган ҳар бир устунини, гулдор тўсинларини, сеҳрли қилиб терилган – тарошланган вассаларини ҳавас билан томоша қилар эдим, – дейди.

Дарҳақиқат, дунё сирли. Энди кўз очиб дунёга назар ташлаган ёш бола учун унинг бутун борлиғи сирлидир. Санъат билан яратилган ҳар бир ашё эса унинг эътиборини бир қарашда барча жозибаси билан дарров онгига бориб етавермаса ҳам унинг мурғак тасаввурда доимий сақланиб қолиши аниқ. Гулдор тўсинлар, сеҳрли қилиб терилган вассалар Абдуқодир Ҳайитметовнинг онгида инсон қудратини намойиш қиладиган мўъжизалар сифатида ханузгача сақланган ва ўзига сезилмаган равишда ўтмиш маданиятимизнинг ижод сирларини эгаллашда ўз хизматини қилган.

Шу ўринда иккинчи омилни ҳам ҳисобга олиш керак. Бу – Абдуқодир Ҳайитметовлар оиласидаги китобга бўлган муҳаббатдир. Бир оз четга чиқиб бўлса ҳам айтиш керакки, биз бир неча йиллар ўзимизни «маданиятсиз эдик, саводсиз эдик», деб таҳқирлаб келдик. Бу тарихий ҳақиқатга қарши туҳматдир. Аслида қарийб ҳар бир ўзбек оиласида китоб ўқилган, жуда бўлмаса, китоб сақланган. Агар шу оилага бирор ўқимишли киши келиб қолса,

китобни унинг қўлига бериб ўқиб бериши илтимос қилинган. Абдуқодир Ҳайитметов ҳам ёшлик пайтларини эслар экан, унинг оиласида китобга бўлган муҳаббатни шундай қайд қилади:

– Бобом (Исмоил – дурадгор) иш камайган вақтларда яқини, дўстлари билан китобхонлик қилиб ўтирарди, – дейди.

Табиийки, ўзбек оилалари учун типик ҳол ҳисобланган бу йиғилишлар – китобхонликлар ёш Абдуқодирга таъсир қилмай қолмади. У:

– Бизнинг хонадонда кўпроқ Аҳмад Яссавий, Машраб асарлари, халқ китоблари ўқилар эди. Онам Ҳайринисо (Исроил ҳожи қизи), кўпинча, «Иброҳим Адҳам қиссаси»ни кўп ўқир, унинг тугалланиш қисмларини эса йиғлаб ўқир, мен ҳар гал уни кўзимда ёш билан тинглар эдим. Айниқса, Иброҳимнинг ўз ўғли билан учрашуви, ота-боланинг бир-бирларига дил сўзлари, Иброҳимнинг ўз севиқли ўғлини Худо йўлида қурбон қилиши мени мислсиз бир ҳаяжонга солар эди, – деб эслайди.

Булар шуни кўрсатяптики, Абдуқодир Ҳайитметовда маданиятимиз тарихига, адабиётимиз ўтмишига нисбатан рўй берган қизиқиш унинг болалик давридаёқ бобо ва бувилари, ота-оналари таъсири туфайли пайдо бўлган. Яна қайд қилиб айтаманки, бу ўзбек оиласи учун типик бир ҳол эди. Балоғат йиллари унинг Ўрта Осиё Давлат университети қошида эндигина очилган Шарқшунослик факультетига интилиши ва унга кириб ўқиши ҳам бежиз эмас эди.

Ушбу сатрлар муаллифи (М. Қ.) ва Абдуқодир Ҳайитметов бир даврда ўқиб, илм сирларини эгаллашга интилган зиёлилардандир. Мен унинг талабалик пайтларини яхши эслайман. У камтарин, камсуқум, ўта меҳнаткаш талабалардан эди. Доим қўлтиғидан китоб тушмас, университетнинг кутубхонаси унинг асл макони эди. У кутубхонада узоқ-узоқ ўтириб эски ёзувдаги китобу қўлёзмаларни мутолаа қилганига кўзим тушгани бор, ўша кезлари. Бизга ўхшаб жамоат ишларига ҳам кўп вақт сарф қилмас, кўпроқ мутолаа билан банд бўларди.

Биз сабоқ олаётган дорилфунунда у пайтларда филология, шарқшунослик, тарих илмларининг етакчи олимлари кўпроқ йиғилган эди. Абдуқодир Ҳайитметов ўша даврларни қуйидагича ҳикоя қилади:

– Менинг ўзбек адабиёти тарихидан мутахассис бўлиб етишувимда САГУнинг Шарқ факультетини тамомлаганим катта аҳамиятга эга бўлди. У ерда биз Е. Э. Бертельс, М. С. Андреев, И. П. Петрушевский, А. К. Аренде, С. Мирзаев каби атоқли шарқшунос олимлардан шарқ тиллари, шарқ халқлари тарихи ва адабиётлари бўйича ғоят кўп мароқли суҳбатлар тингладик. Улар бизнинг илмий шаклланишимизга катта таъсир кўрсатди.

А. Ҳайитметовнинг Навоий хусусидаги илмий ишлари шоир ижодига тегишли бир масалага бағишланган номзодлик диссертациясидан бошланган бўлсада, бора-бора у навоийшуносликнинг негиз масалаларига қўл уришга ҳаракат қилди. Гап шундаки, 60–70-йилларда методология масалалари – умум тарзда бўладими ё бирор сиймо ижодига бағишланган бўладими муҳим ҳисобланарди. Қатор олимлар, жумладан В. Зоҳидов И. Султонов, Ғ. Каримов, Н. Маллаевлар Алишер Навоийнинг ижодий методи хусусида баҳсли фикрлар айтдилар. Сўзсиз бу баҳслар Абдуқодир Ҳайитметовни ҳам жалб қилди. Шу асосда у «Навоийнинг ижодий методи масалалари», «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан» сингари салмоқдор монографияларини эълон қилди. Мана унинг хулосаларидан бири:

«Бадиий адабиётнинг назарий масалалари ичида ижодий метод масаласига катта аҳамият бераман. Чунки ижодкорлар учун нимани ёзиш ва қандай қилиб ёзиш масаласи ҳам-

ма вақт биринчи даражали масала бўлиб келган. Шу билан бирга бизда яқин вақтларгача яхши асарларнинг ҳаммаси реализмга тегишли, ёмонлари романтизмга қарашли деб тушунадиган ва «тушунтирадиган» одам кўп эди. Мен ўз докторлик диссертациямда Навоийнинг ижодий методи романтизмга яқин, прогрессив романтик характерда, – деб асослашга ҳаракат қилдим».

Абдуқодир Ҳайитметовнинг адабиётшунослик олдигаги хизматлари фақат унинг шахсий тадқиқотларидангина иборат эмас. Мана кўп йиллардирки, у республикамизда фақат навоийшуносликни эмас, балки умуман тарихга тегишли адабиётшуносликни бошқариб келяпти. Унинг раҳбарлигида ўзбек тилида 5 жилддан иборат 1917 йилгача бўлган «Ўзбек адабиёти тарихи», икки жилддан иборат «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг рус тилидаги нусхаси эълон қилинди.

Абдуқодир Ҳайитметов адабиётимизнинг буюк классиги Алишер Навоий ижодини ҳар томонлама ўрганган навоийшунос олимдир. Ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодида шундай нуқталар бўладики, улар хусусида катта монографик асарлар битиб эълон қилиш шарт эмас. Улар ҳақида ихчам тадқиқотлар олиб бориш – новелла, мақолалар ҳам эълон қилиш мумкин. Сиз қўлга олаётган мазкур – «Навоийхонлик суҳбатлари» китоби кўпроқ шу хилдаги тадқиқотлар мажмуасидандир.

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,
Ўз Р ФА мухбир аъзоси

ШЕЪРИЯТИМИЗ СОҲИБҚИРОНИ

Алишер Навоийдек шоиримиз борлиги билан чексиз фахрланамиз. Ўзбек халқи ўтмишда жуда кўп улуғ зотларни етиштириб берди. Лекин Навоийнинг бошқа улуғлардан фарқи шундаки, у ўзбек адабиёти, илми ва маданияти тарихида бир неча киши қиладиган ишни бир ўзи бажарди. Навоий «Хамса» дostonларидан фақат биттасини ёки «Хазойин ул-маоний» таркибидаги тўрт девондан бирини яратганда ҳам барибир адабиётимизнинг буюк намояндаси бўлиб қолаверар эди. Бунинг устига Навоий бир неча насрий асарларни ёзган адиб, адабиёт ва тарих бўйича ноёб илмий тадқиқотлар яратган олим, улуғ давлат арбоби, маданият ҳомийсидир.

Навоий бу ишларнинг ҳаммасини буюк муҳаббат, фидойилик билан бажарди. Чин ватанпарварлик туйғулари унга мададкор бўлиб, у йўлда дуч келган ҳар қандай қийинчиликни матонат билан енгди. Айни вақтда унда буюк истеъдод олови ёнар, шунинг учун барча ижодий ниятлари осонлик билан кўчар эди. Шундай бўлмаса, у икки йилда (1483–1485) «Хамса»дек буюк асарни ярата олармиди? Ёки минглаб шеърларни ўз ичига олган «Хазойин ул-маоний»дек улкан мажмуани юзага келтира олармиди?

Навоий, менинг назаримда, аввало, шеърят учун, адабиёт учун туғилган инсон эди. Шунинг учун у етти-саккиз ёшиданоқ қўлига қалам олиб шеърлар ёза бошлаган. Унинг шоирлик иқтидори бениҳоя юксак эди. Авлоддан авлодга ўтиб куйланиб келаётган «Қаро кўзум», «Келмади» каби ғазалларини у болалигида, жуда кечи билан йигитликда ёзган.

Шоирлик Навоийнинг зуваласида, табиатида бўлиб, у ўзининг ҳаётини бу касбнинг машаққатларисиз тасаввур эта олмас эди. Шу маънода унинг «Ҳайрат ул-аброр»да ўзини парвонага, телбага, шеърни эса парвона келиб уриладиган ўтга, болаларнинг тош отишига ўрганиб қолган телбага қиёслаши ғоят шоиронадир:

*Ўт аро парвонаға девонавор
Кирмагига қайда эрур ихтиёр.*

*Телбанинг атфол тоши ёраси
Емагидин борму дурур чораси?*

*Шеърки, ҳам тушти менинг шонима,
Ул ўту бу тош дурур жонима¹.*

Ижодкорнинг буюклиги унинг фақат истеъдодигагина боғлиқ эмас. Агар у эл-юрт дардини чекмаса, замонасида юз бераётган воқеа ва ҳодисаларга юрагидан муносабат билдирмаса, унинг ижоди замондошларини ҳаяжонлантираётган муаммолар билан боғланмаса, қалби шу алангаларда ёнмаса, у ҳақиқий ижодкор бўла олмайди. Масалан, Навоий вазирлик даврида туну кун халқ билан бирга бўлгани ҳақида шундай дейди:

¹ Алишер Навоий. Хамса. Тошкент, 1960, 143-бет. (Бундан кейин ҳам «Хамса»нинг шу нашридан фойдаланамиз. – А. Ҳ.)

*Бир дам улус меҳнатидин ком йўқ,
Бир нафас эл жавридин ором йўқ¹...*

Бу ўринда Навоий арзга келувчиларнинг кўплигидан бир оз шикоят қилаётгандек бўлса ҳам, лекин у бир умр шу халқ оммасининг дард-аламларидан, даврнинг адолатсизликларидан, замондошларининг шодлиги ва ғам-андуҳларидан, бунга ўз муносабатидан келиб чиқиб қалам тебратди.

Навоий ёзишча, Оллоҳ таоло инсонни ҳамма нарсадан улуғ қилиб, энг муҳими, ўзига сирдош, ўзига «махрам» қилиб яратган. Буни инсон яхши билиши, билмаса, билишга интилиши керак. Инсон вужудида, унинг ақлий ва ҳиссий оламида чексиз куч-қудрат ва олий фазилатлар яширинган. Шу маънода Навоий узлуксиз равишда инсонни огоҳликка, ўзлигини англашга, бутун борлиқ саҳнида хулқ-ахлоқи билан юксак бўлишга чақиради. Шундай инсонпарварлик ғоясидан келиб чиқиб Навоий дostonларида Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Дилором, Искандар каби ошиқ ва маъшуқларнинг, ҳунарманд ва жангчиларнинг, шоир ва санъаткорларнинг, шоҳ ва шаҳзодаларнинг, авлиё ва мутасаввуфларнинг образларини яратиб берди. «Лисон ут-тайр» асарида шоир инсон зотига мурожаат этиб:

*Ўз вужудунгга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил!²*

деб ёзган экан, бунда инсоннинг ақл-заковатига, куч-қудратига буюк ишонч балқиб туради.

Навоий асарларининг бизнинг давримизда ҳам қизиқиб ўқилиши ва қадр топганлигига сабаб шундаки, у инсон муаммосининг умумий томонларини қайд этиш билан чекланмай, уни аниқлаштиришга, унинг ички жиҳатларини ҳам билишга, таҳлил этишга ҳаракат қилган.

Навоий фикрича, дунёдаги ҳамма инсонлар бир хил эмас. Уларнинг орасида одили ҳам бор, золими ҳам; яхшиси ҳам бор, ёмони ҳам; билимдони ҳам бор, жоҳили ҳам... Ташқи кўринишдан улар бир-бирларига ўхшасалар ҳам, аслида улар бошқа-бошқа. Шунинг учун ҳар бир инсонга уни яхши ўрганиб муносабатда бўлиш зарур. Шоир фикрича, ер юзидаги одамлар осмондаги юлдузча кўп бўлиб, нахс юлдузини бахт юлдузидан ажратиш қанчалик зарур бўлса, одамни ҳам одамдан фарқ этиш шундай муҳим. Шоир «Садди Искандарий»да ёзади:

*Кўринур бори одами одами,
Мушобих нечукким сипеҳр анжуми.*

*Бу бирға нухусат иродат дурур.
Яна бирға нури саодат дурур³.*

¹ Ўша асар, 141-бет.

² Алишер Навоий. Асарлар. 11-том. Тошкент, 1966, 218-бет.

³ Алишер Навоий. Хамса, 695–696-бетлар.

СЎЗ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ

Ўзбек адабиёти ва адабий тилининг асосчиси, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий жаҳон адабиётининг Ҳомер, Фирдавсий, Низомий, Данте, Шекспир, Гёте, Пушкин, Шевченко, Л. Н. Толстой каби улкан сўз санъаткорларидан бўлиб, у ўз авлодларига, дунё халқларига беқиёс даражада катта адабий ва илмий мерос қолдирган. Унинг ҳар бир асари маънавий поклик, фикрий етуклик ва бадиий юксакликнинг буюк мезони сифатида ҳар хонадонга кириб бормоқда ва кишилар қалбидан тобора чуқур жой олмоқда.

Алишер Навоий Ўрта Осиёда темурийлар ҳукмронлик қилган даврда яшаб ижод этди. Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудидаги ўзбек қавм ва уруғлари биринчи марта ягона давлат атрофига бирлашди, уларнинг давлатни идора қилишдаги мавқеи кучайди. Шу даврда яшаб ижод қилган ўзбек шоирларидан Ҳайдар Хоразмий ўз «Гулшани асрор» достонида: «Турк зуҳуридур очунда бу кун!»¹– яъни бугун биринчи марта туркий халқлар уйғонган, бош кўтара бошлаган давр! – деб ёзганида катта тарихий бир ҳақиқат ўз ифодасини топган эди. Ўзбек уруғларининг бир давлатга бирлашуви Ўрта Осиёнинг узвий қисмлари – Мовароуннаҳрда ҳам, Амударёнинг нарёғи – Хуросонда ҳам ўзбек тилини, ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожлантириш масаласини кун тартибига қўйди. Замон шоирлари бунини чуқур тушунган ҳолда ўз ижод ва истеъдодини шу вазифани ватанпарварлик қалби билан бажаришга йўналтирдилар. Баҳор қўйнида гул ва лолалар қийғос очила бошлагандек, ўзбек маданияти заминиди ҳам бир-биридан гўзал асарлар бирин-кетин пайдо бўла бошлади. Бунга мавлоно Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Саккокий, Дурбек, Гадоий, Амирий, Яқиний, Аҳмадий, Ҳофиз Хоразмий, Саййид Аҳмад ибн Мироншоҳ каби шоирлар ноёб асарлари билан катта ҳисса қўшдилар. Навоий ижоди, биринчи навбатда, ўзбек халқи, қолаверса, унга ёндош ва қондош халқларнинг адабий ва маданий мероси, миллий анъаналари асосида юзага келди. Ўрта Осиёда ва унга чегарадош мамлакатларда яшовчи халқларнинг кўп вақт бир давлат ҳудудида ёнма-ён яшаб, истиқомат қилиши, уларнинг маданий, адабий ҳаётидаги муштарак хусусиятлар, ўзаро тарихий яқинлик бу халқлар адабиёти, маданияти тарихида ҳамма вақт ижобий воқеа ҳисобланди. Шунинг учун ҳам, масалан, Алишер Навоий ижоди ривожланишида, шаклланишида форс-тожик адабиётининг, Низомий, Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Румий, Жомий каби намояндаларнинг таъсири ниҳоятда катта бўлди. Темур ва унинг авлодларидан Шохруҳ, Бойсунғур Мирзо, Абдулқосим Бобур, Хусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қабиларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли XIV асрнинг иккинчи ярмидан XVI асрнинг бошига қадар бўлган даврда Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Урганч, Марв каби шаҳарларида кучли маданият марказлари юзага келди. Фан, адабиёт, санъатнинг кўп турлари ривожланди ва катта ютуқларни қўлга киритди. Ҳозирга қадар дунё халқларини хайратга солиб келаётган гўзал ва нақшинкор масжид ва мадрасалар қад кўтарди.

Шоир Юсуф Амирий эса «Даҳнома» асари муқаддимасида XV асрнинг биринчи ярмида Ҳиротда Бойсунғур Мирзо академияси юзага келгани, фан, адабиёт ва санъатнинг турли йўналишлари бўйича илмий текширишлар олиб борилгани ҳақида ҳикоя қилади. Навоий ўз фаолиятида ўзигача фан ва маданият соҳасида юзага келган илмий ва адабий анъаналарга суянган ва уларни давом эттириб, янада ривожлантирган.

¹ «Муборак мактублар». Тошкент, 1987, 221-бет.

* * *

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳиротда дунёга келди. Ҳирот Хуросон ўлкасининг пойтахти бўлиб, темурийлар даврида Хуросон ва Мовароуннаҳр кўп вақт бир мамлакат, бир давлат ҳисобланар эди. Шунинг учун ўзбек адабиёти ва адабий тилининг асосчиси Навоийнинг Ҳиротда туғилгани ва ўша ерда яшагани, фаолият кўрсатганига ҳеч ажабланмаслик керак. Бу ўринда Хуросонда туғилиб, ўша ерда ижод қилган Лутфий, Атойи, Гадойи каби хуросонлик ўзбек шоирларини ҳам эслаш, уларнинг ўзбек адабиёти тарихидан мустаҳкам ўрин олганини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Кичкина темурийларга яқин амалдорлардан бўлиб, ўз даврининг обрўли ва маърифатли кишиларидан эди. Давлатшоҳ Самарқандий унинг ўз ўғли Алишер тарбиясига, келажакда фазилатли одам бўлиб етишмоғига астойдил уринганини ёзади. Навоийнинг онаси Кобул амирзодаларидан Абу Саид Чангнинг қизи бўлиб, шоирнинг отаси ҳам, онаси ҳам темурийларга хизмат қилишни ўзларига фахр деб билганлар. Бу ҳақда Навоий «Вақфия» асарида:

*Отам бу остоннинг хокбези,
Онам ҳам бу саро бўстон канизи¹ –*

деб ёзади. Бўлажак шоирнинг тоғалари Мир Саид Қобулий яхши шоир, Муҳаммад Али Ғарибий шоир, созанда ва хаттот эдилар. Алишер оилада учинчи ёки тўртинчи фарзанд бўлиб, мактабда бўлажак подшоҳ Ҳусайн Бойқаро билан бирга ўқиди. У жуда эрта савод чиқариб, болаликдан унда шеър ўқиш ва шеър битишга, ўзига замондош бўлган ва олдин ўтган шоирларнинг шеър ва дostonларини кўп-кўп ёд олишга ҳавас уйғонди. Унинг болаликда форс шоири Фаридиддин Атторнинг тасаввуф руҳидаги «Мантиқ ут-тайр» дostonини бошидан охирига қадар ёд олгани унинг ёшлик истеъдодининг муҳим қирраларидан биридир.

Подшоҳ Шоҳрух Мирзо вафотидан кейин (1447 йил) Хуросонда нотинчлик бошланди. Ғиёсиддин Кичкина оиласи Ироқ томонга кетишга мажбур бўлди. Тахтга Абулқосим Бобур ўлтиргач, улар яна ўз ватанларига қайтдилар. 1452–1453 йилларда Абулқосим Бобур Ғиёсиддинни Сабзавор вилоятига ҳоким қилиб тайинлади. Орадан кўп ўтмай, Ғиёсиддин вафот этиб, ёш Навоий Абулқосим Бобур хизматига ўтади. Кутилмаганда 1457 йили Абулқосим Бобур ҳам ҳаётдан кўз юмиб, Навоий ҳеч бир ҳомийсиз Машҳадда ўз ўқишини давом эттиради. Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилаётган Абу Саид Хуросонни ҳам босиб олиб, ўз пойтахтини Самарқанддан Ҳиротга кўчиради.

Бу даврда Навоий ўқишда ва ёзишда тиним билмас, шеър мутолаасида чарчамасди. «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида ўзининг йигитлик чоғида 50 минг байт шеърни ёд билганини сўзлайди. Бу кимларнинг шеърлари эди? Ҳеч шубҳасиз, бу шеърлар, аввало, ўзбек шоирларидан Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Хоразмий, Лутфий, Амирий, Атойи, Саккокий кабиларнинг, форс-тожик ва озарбойжон шоирларидан Фирдавсий, Хоқоний, Низомий, Насимий, Қосим Анвор, араб шоирларидан Ҳассон Собит, Лақит ва бошқаларнинг шеър ва дostonлари эди.

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 1-том, Тошкент 1987, 17-бет. (Бундан кейин Алишер Навоийнинг «Мукаммал асарлар тўпламининг 1-том, 1987, 2-том, 1987; 3-том, 4-том, 1989; 5-том, 1990; 6-том 1990 йил нашрларидан фойдаланамиз – А, Ҳ.)

Болалик вақтларидаёқ Навоий ўз даврининг Амир Шоҳий, Лутфий, Камол Турбатий каби шоирлари билан ғойибона ёки бевосита яқиндан алоқада бўлди. Отаси вафотидан кейин унга замонидаги таниқли илм, адабиёт ва санъат арбобларидан Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад кабилар оталик қилдилар. Навоий сабзаворлик олим ва шоир Дарвеш Мансурдан аруз бўйича илм олди.

Навоий «Ҳазойин ул-маоний» девони дебочасида етти-саккиз ёшдан шеър ёза бошлаганини айтади. 14–15 ёшида эса у ўз шеърлари билан бутун мамлакатда танилган. Шеърни ҳар томонлама яхши тушунган олим Саййид Ҳасан Ардашер унинг 14 ёшида ёзган қуйидаги ишқий матлаълар билан бошланган шеърларини қайта-қайта ўқиб, завқланар экан:

*Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар ...*

*У л паривашким бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқдин олам манга ҳайрону мен ҳайрон анга¹...*

Биринчи матлаъ билан бошланган ғазал бизнинг давримизда машҳур «Ялла» дастаси ижросида жаранглай бошлади. 18–19 ёшларга кирган Навоийнинг:

*Оразин ёпқоч, қўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким пайдо бўлур, юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш –*

матлаъи билан ёзилган ғазалига эса, Хондамир ҳикоя қилишича, кекса Лутфий ўзининг ўн икки минг байтдан иборат туркий ва форсий девонини алишмоқчи бўлгани ёш шоирга катта мукофот эди.

Навоий 1465 йилгача Машҳадда мусофирликда юриб ўқиди. Бу даврда шоир шеърияти мухлислари унинг шеърларидан ўзларича турли девон ва тўпламлар тузар эдилар. Навоийнинг иштироки ва ихтиёрисиз 1465 йилда тузилган шундай девонлардан бири бизгача етиб келган бўлиб, у ҳозир Санкт-Петербург шаҳридаги Салтиков Шчедрин номли Давлат халқ кутубхонаси инв. № 564 да сақланмоқда. Бу девон фанда Навоийнинг «Илк девон»и номини олган бўлиб, 1968 йилда унинг факсимиле нашри эълон қилинди.

1465 йили Навоий Ҳиротга қайтади. Бу вақтда у 24 ёшда эди. Унинг нияти уйланиш, бола-чақа қилиш, Абу Саид саройида бирон ишнинг бошини тутиш эди. Лекин унинг қариндошларининг Ҳирот тахтига даъвогар Хусайн Бойқаро билан яқин дўст эканини билган Абу Саид ва унинг одамлари ёш шоирдан шубҳаланиб, унга ёрдам бериш, иш билан таъминлаш ўрнига уни қаттиқ таъқиб этдилар. Шу туфайли моддий ва маънавий қийин бир аҳволга тушиб қолган, ўз қадрини топмаган шоир ўз ниятларидан қайтиб, Самарқандга бош олиб кетишга ва у ерда ўқишни давом эттиришга мажбур бўлади. Навоийнинг бу давр ҳаёти унинг Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърини мактубида бутун тафсилоти билан баён қилиб берилган. Шу даврда Навоийнинг тоғалари Мир Саид ва Муҳаммад Али Хусайн Бойқаро томонда жанг қилаётган бўлиб, улар Абу Саид қўлига тушгач, қатл этилдилар.

Навоий Самарқандда авваллари қийналиб яшаган бўлса ҳам, кейинчалик Мовароуннаҳр ҳукмдори Султон Аҳмад, катта амалдорлардан Аҳмад Ҳожибек, олимлардан Хожа Фазлул-

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 14-том, 77-бет.

лоҳ Абулайсийлар ёрдамида ҳурмат ва иззатда яшади. Бу даврда Самарқандда Темур, Улуғбек қурдирган масжид, мадраса ва расадхоналар ўз гўзаллигини ҳали тўла сақлаб турган, гавжум эди. Навоий Самарқандда Абулайсий мадрасасида таълим олди. Бу ерда у Шайхим Суҳайлий, Мирзобек, Улойи Шоший, Мавлоно Юсуф, Мавлоно Сафойи каби шоир ва фозил кишилар билан дўстлашди. Тарихчи Абдулмўминхон «Томут-таворих» асарида ёзишича, Навоий Самарқандда «Чиғатой амири» деган юксак унвонга ҳам сазовор бўлган, юқори доираларда юриб, давлат ишларига аралашиб ҳам турган. Хондамир «Макорим ул-ахлоқ» асарида ёзишича, Ҳусайн Бойқаронинг икки аскарлари Самарқанд ҳокими Амир Аҳмад Ҳожибек қўлига тушиб қолганда, Навоий уларни қутқаришга ёрдам берган. Навоий тўрт йил давомида Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандда бутун ўлка ҳаёти ва табиати билан яқиндан танишди.

Султон Абу Саид Ғарбий Эрон ўлкаларини қайтариб олиш учун ҳарбий юриш бошлаб, 1464 йили ҳозирги Қорабоғда ўлдирилган. Туркманистон ерларида гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда жанг қилиб, ҳукмронликка интилиб юрган Ҳусайн Бойқаро бу қулай фурсатдан фойдаланиб, дарҳол Ҳирот тахтини эгаллайди ва Навоийни ўз саройига хизматга чақиради.

Навоий подшоҳ саройида авваллари муҳрдор, вазир, сўнг бош вазир лавозимларида фаолият кўрсатади. Навоий Ҳусайн Бойқаро давлатини мустаҳкамлаш учун ғоят кўп куч ва ғайрат сарф этди. Темурийлардан Ёдгор Муҳаммад Ҳусайн Бойқаро подшоҳлигига катта хавф солган пайтларда Навоий фақат доно маслаҳатлари билангина эмас, қўлида қилич билан уни ҳимоя қилди. Ёдгор Муҳаммадни, у Ихтиёриддин қалъасида маст бўлиб тунда ухлаб ётганда Навоий икки навкар ёрдамида асир олиб, Ҳусайн Бойқарога олиб келиб бериши сиёсий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Шундан кейин мамлакат тинчликка юз ўттирган эди. Ёдгор эса ўлдирилган эди.

Навоий юксак шоирлик иқтидорига эга бўлиш билан бирга катта давлатни бошқариш қобилиятига ҳам эга бўлиб, мамлакатда ҳўжалик ишларини тартибга солиш, ривожлантириш, касб ва ҳунар, савдо-сотиқ, ободончилик ишларини йўлга қўйиш, адолат билан халқ оммасининг шикоятларига муносабатда бўлишга киришди. «Илигимдин келганча, – деб ёзади «Вақфия» асарида Навоий, – зулм тигин ушотиб, мазлум жароҳатиға интиқом марҳамин қўйдум. Ва илигимдин келмагани ул ҳазрат (Султон Ҳусайн Бойқаро – А. Ҳ.) арзиға еткурдум».

Ҳиротнинг ўзида янги савдо расталари, дўконлар, боғ-роғлар юзага келди. Шаҳарнинг шимолий қисмидаги Мусалло деган ерда Навоий Ихлосия номи билан мадраса, Халосия деган хонақоҳ, Жомеъ масжиди, табиблар учун махсус Дор уш-шифо, қорилар учун Дор ул-хуффош деган иморатларни қурди. Бундай хайрия бинолари, кўприк, ариқ, ҳовуз, боғ ва работлар Хуросоннинг Машҳад, Марв, Астробод каби шаҳарларида ҳам барпо этилди. Навоийнинг Марвда Султон Санжар мақбарасини таъмир этгани, худди шу ерда яна машхур «Хусравия» мадрасасини бино этгани, Машҳад аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш учун махсус ариқ қазиб, сув келтиргани маълум. Булар ҳаммаси Навоий шуҳратига шуҳрат қўшди.

Навоий ўзи қурган иморатларига бефарқ қарамас эди. Бунинг далили шу хайрия биноларини ҳужжатлаштириб, 1481 йилда «Вақфия» асарини ёзишидир. Бу асарида Навоий XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатлар, ўз фаолияти ҳақида қимматли маълумотларни берган.

XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросон ва унинг пойтахти Ҳиротда адабиёт, санъат, илм-фан, умуман маданий ҳаёт гуллаб, яшнади. Бу даврда Навоий ҳомийлигида Мирхонд, Абдураззоқ Самарқандий, Хондамир каби тарихчилар, Шайхим Суҳайлий, Осафий, Сайфий, Биноий, Ҳилолий, Ҳотифий каби шоирлар, Муҳаммад Олим, Султон Маҳмуд, Мавлоно Кавкабий, Хожа Авҳад Муставфий каби мунажжимлар, Мавлоно Ҳаким, Мир Ислом Ғаззолий, Абулҳай Табиб, Дарвешали Табиб каби шифокорлар, Абдулқодир Нойи, Ҳусайн Удий, Шоҳқули Ғижжакий, Дарвеш Аҳмад Қонуний каби муסיқачилар, Беҳзод, Шоҳ Музаффар, Қосим Али, Муҳаммад Наққош, Абдулла Марварид, Мирак Наққош каби моҳир мусаввир ва наққошлар, Султонали Машҳадий, Абдулжамил котиб каби хаттотлар етишди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур уларга Навоийнинг моддий ва маънавий ёрдами ҳақида гапириб, «Бобурнома»да: «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай», – дейиши бежиз эмас.

1476 йили Навоийнинг ҳаётида муҳим бир воқеа юз берди. Шу йили у форс-тожик адабиётининг улкан намояндаларидан бири, буюк мутафаккир ва олим Абдурахмон Жомий (1414–1492) билан яқинлашиб, уни ўзига пир ва устоз деб таниди. Бу яқинлик Жомий ва Навоийнинг бундан кейинги фаолиятларида ҳамда умуман шу давр ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида катта ижобий аҳамиятга эга бўлди. Навоийнинг барча хайрли ишларида Жомий унга маънавий суянчиқ, доно маслаҳатгўй, меҳрибон дўст эди. «Мурасалот» номли мактублар тўпламидан маълум бўлишича, Жомий кимгадир бирон масалада ёрдам қилмоқчи бўлса, кўп вақт Навоийга мурожаат этган.

Навоийнинг вазирлик даври унинг ижтимоий-сиёсий ва маданий фаолиятининг энг муҳим даври, дейиш мумкин. Бу даврда у улкан давлат ишлари билан ўз ижодий ишларини қўшиб олиб бора олди. 1470 йилларнинг ўрталарида Навоий подшоҳ топшириғига кўра, ўзининг биринчи девони – «Бадоеъ ул-бидоя»ни тузди. 1483–1485 йиллар орасида, яъни икки йил давомида эса у ўзининг беш дostonни ичига олган ва 51230 мисрадан иборат буюк «Хамса»сини яратди.

Навоий «Хамса»сини унинг замондошлари, шу жумладан, унинг устози Абдурахмон Жомий катта қувонч билан кутиб олдилар. Жомий «Хирадномаи Искандар» асарида туркий тилда янги «Хамса» яратган Навоийнинг сеҳрли қалами ҳақида қуйидаги мақтов сатрларини битди:

*Осмондан мақтов ёғсин у қаламга,
У қаламдан келди гўзал сўз оламга.*

*Кечирсинлар форсий тилда гул терганлар,
Дари тилда назм инжусин келтурганлар.*

*Агар ул ҳам назмин ёзса дари тилда,
Қолмас эди сўз айтишга куч ҳеч элда.
(Ғ. Ғулом таржимаси)*

Подшоҳ Ҳусайн Бойқаро эса ўз рисоласида Навоийни «... сўз мулкининг соҳибқирони», «... турк тилининг ўлган жасадиға Масих анфоси билан руҳ кюрди» деб улуғлади. Умуман, подшоҳ Навоий ижодининг, сиёсий ва маданий фаолиятининг ҳар томонлама ривожланишига тўла имкон яратди ва қўллаб-қувватлади. Бу эса Ҳусайн Бойқаронинг маърифатпар-

вар, шоиртабиат инсон бўлганини, Навоий билан самимий дўст эканини кўрсатувчи хусусиятлар эди. «Бобурнома»да ёзилишича, машҳур хаттот Султон Али Машҳадий ҳар куни Ҳусайн Бойқаро учун 30 байтдан, Навоий учун эса 20 байтдан шеър кўчирган. Демак, Ҳусайн Бойқаро ўз давридаги маданий ҳаёт ривожига маърифатпарварлик ишлари, шоирлиги, истеъдодли кишиларни қаттиқ қўллаши билан ҳам ўз ҳиссасини қўшган.

Навоий даврасида фақат шеър ва илм аҳллари эмас, бошқа касб эгалари ҳам кўп эди. Навоий кўп қиррали истеъдод эгаси бўлиб, хаттотларга ҳам, санъаткорларга ҳам оқилона маслаҳатлар бериш билан чекланмай, ўзи ҳам мусиқий асарлар ёзгани, Бобур сўзлари билан айтганда, мусиқада «яхши нақшлар» ва «пешравлар» ихтиро қилгани, «Занжирланган шер» каби расмлар чизгани, китобларни кўчиришга тайёрлагани, улфатлар даврасида кўшиқлар айтгани маълум.

Лекин Навоий яшаган даврни ички ижтимоий-сиёсий, маънавий зиддиятларсиз, Навоий ҳаётини бир текисда яхши кечган деб тасаввур этиш тарихий объектив ҳақиқатга мутлақо зид. У ўзининг ҳаёти бир хилда кечмаганини, бошидан кўп қийинчиликлар ҳам ўтганини Маҳбуб ул-қулуб» асарида жуда яхши тавсифлаб, бу тўғрида қуйидаги шеърий парчаларни келтирган:

*Гаҳи топтим фалакдин нотавонлиғ,
Гаҳи кўрдум замондин комронлиғ.*

*Басе иссиғ, совуғ кўрдум замонда,
Басе аччиғ, чучук тоттим жаҳонда¹.*

У, масалан, подшоҳга қанча яқин бўлмасин, сарой муҳитида доим эҳтиёт бўлишга, ҳушёр туришга мажбур эди. Бу ҳақда шоир шундай дейди:

*Шаҳ ҳаримида неча топсанг, Навоий, эҳтиром,
Билгил ўз ҳаддингнию беҳад риоят қил адаб².*

Навоийнинг халқпарварлик, инсонпарварлик ва маърифатпарварлик йўналишидаги ишларига ҳамма бир хил қарамас, буни ёқтирмайдиган амалдорлар ҳам бор эди. Шу билан бирга Навоийнинг обрў-эътибори халқ орасида, шоҳ олдида ортиб бораётганидан ташвишга тушган одамлар ҳам топилар, бундай кишилар унинг мавқеини пасайтириш йўллари излар эдилар.

Ҳиротга қайтганда ёши ўттизларга яқинлашиб қолган Навоий кейинги беш-ўн йил ичида уйланиш учун ўз тенгини – кўнглидагини топа олмаган, оқибатда, оила қуриш ниятидан қайтган, ўзининг бутун куч-ғайратини ижодга, халқ ва мамлакат ишларига бағишлаган ва шундан кўнгли таскин топар эди. Навоий ҳатто 1476 йили расман вазирликдан истеъфога чиққан бўлса ҳам, лекин улуғ амир, шоҳнинг энг яқин дўсти сифатида саройда унинг таъсири доим кучли эди.

1487 йилнинг бошларида Навоий ҳаётида катта кўнгилсизлик юз берди. Шоҳга ички харажатлар учун икки туман пул керак бўлиб қолади. Хазинадан эса бу пул топилмайди.

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 13-том, 7-бет.

² Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами. 4-том, 38-бет

Шунда Навоийнинг мухолифларидан Муҳаммад Маждиддин шоҳга тилёғламалик қилиб, агар у Навоийнинг ўрнида бўлса, унга бундан кўпроқ пулни ҳам топиб бериши мумкинлигини айтади. Ҳусайн Бойқаро унинг гапига кириб, Навоийни саройдан узоқлаштириб, Астробод вилоятига ҳоким қилиб жўнатади. Кўп йиллик онгли ҳаётини Ҳиротда ўтказган, унинг ободончилиги учун кўп ишлар қилган Навоий учун бу ғоят ўкинчли эди.

Навоий Астрободда ҳам ободончилик ишларига, қўшни мамлакатлар билан тинч, яхши муносабатлар ўрнатишга катта аҳамият берди. Шоир 1489 йили яна Ҳиротга қайтди. Султон Ҳусайн Бойқаро унга бир қанча мансабларни таклиф қилди. Лекин Навоий қабул этмади. Шунда подшоҳ унга «Муқарраби ҳазрати Султоний» деган фахрий унвон берди. Бу унвон унга подшоҳлик ишларига тўла аралашиш ҳуқуқини берар эди. Шундан кейин Навоий кўпроқ ижодий ишга берилиб, ўз режаларини амалга ошира бошлади.

Навоий «Хамса»дан кейин 1485 йилда Ҳазрат Алига оид «Наср ул-луолий» асарини ўзбек тилида шеърга солиб, 266 та рубоийи тарона яратди ва унга «Назм ул-жавоҳир» деб от қўйди. Шу йилларда шоир Жомийнинг «Чихл ҳадис» асарини ўзбек тилига ижодий ўғирди. 1480 йиллар охирида эса иккинчи шеърый девони – «Наводир ун-нихоя»ни тузди. Шу йиллари у аруз бўйича «Мезон ул-авзон» илмий асарини, дин тарихи бўйича «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарини, Эрон подшоҳлари тарихига доир «Тарихи мулуки Ажам» китобини яратди. Ўзбек тилидаги шахсий мактубларидан эса «Муншаот» деб аталган тўпламини тузди.

Навоийнинг энг яқин, улуғ замондошларидан Саййид Ҳасан Ардашер 1488–1489 йилларда, Абдурахмон Жомий 1492 йилда, Паҳлавон Муҳаммад 1493 йилда бирин-кетин вафот этдилар. Орадан кўп ўтмай, улар ҳақида Навоийнинг «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» номли насрий асарлари юзага келди. 1490–1491 йилларда Навоий шу даврда яшаб ижод қилган шоирлар ҳақида «Мажолис ун-нафоис» деган тазкирасини яратди ва 1497–1498 йилларда уни янада тўлдириб, қайтадан тузди. 1492–1498 йиллар орасида Навоий яна бир мураккаб вазифани амалга оширди. У олдинги тузган икки девонидаги ва янги ёзган ўзбекча шеърларидан «Ҳазойин ул-маоний» номи билан янги девон тузди. Бу йиғма девон бўлиб, тўрт қисм – тўрт девондан ташкил топган ва уларнинг биринчисига «Ғаройиб ус-сиғар», иккинчисига «Наводир уш-шабоб», учинчисига «Бадоеъ ул-васат», тўртинчисига «Фавоид ул-кибар» деб ном қўйилган эди. Шарқ адабиёти тарихида бундай катта ва мураккаб девон Навоийгача тузилмаган эди. Шундан кейин форсча шеърларидан у «Девони Фоний»ни тузди. Чунки форсий шеърларини у «Фоний» тахаллуси билан ёзар эди.

Бу даврда, хусусан 1480 йилларнинг ўрталаридан бошлаб, Навоийнинг соғлиғи ёмонлаша бошлаган, шеърларида тез-тез соғлиғи, кайфияти ёмонлигидан шикоят қилар эди. У ғазалларининг бирида:

*Оқара бошлади бошу тўкула бошлади тиш;
Сафар яроғини қилғилки, тушти бошинга иш.*

*Йигитлигим борибон, келди бошима қарилиғ;
Фано йўлида бу янглиғ эмиш боришу келиш¹, –*

деб ёзиши бежиз эмас эди.

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 6-том, 168 – 169-бетлар.

Шунга қарамай, Навоий мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида фаол қатнашар, ижодий режаларини тезроқ амалга оширишга интилар эди. Бу вақтда Ҳусайн Бойқаро хонадониди, хусусан, тахтга ворис фарзандлар – Бадиуззамон ва Музаффар Мирзо ўрталариди ички низолар кучайган эди. Баъзан улар очикдан очик ўз отасига қарши жангга чиқишдан ҳам тортинмас эдилар. Бу йилларда Навоийнинг кўп вақти ота ва бола темурийларни бир-бири билан яраштиришга кетди. Бадиуззамоннинг ўғли Мўмин Мирзонинг 1496 йили ноҳақ ўлдирилиши бу воқеаларнинг авж нуқтаси бўлди. Шундан кейин мамлакатда сиёсий ва маънавий вазият ниҳоятда ёмонлашади. Бу мамлакатни бошқаришда темурийларнинг путури кета бошлагани аломати эди.

Навоий 1498–1499 йилларда Ҳиротнинг бош Масжиди жомеъи таъмири билан шуғулланди. Худди шу икки йилда у ўзининг «Лисон ут-тайр» достонини яратди. 1499 йили ўзбек тилининг ҳақ-хуқуқлари, бойлиги ва гўзаллиги ҳақида «Муҳокамат ул-луғатайн» рисоласини ёзди. Шундан кейин қисқа бир муддат ичида XV аср ўзбек насрининг «Маҳбуб ул-қулуб» пандномаси яратилди. Улуғ шоир 1501 йил 3 январда мияга қон қуйилиши натижасида ҳаётдан кўз юмди.

* * *

Алишер Навоий ўз авлодларига катта адабий ва илмий мерос қолдирди. Навоий даврлар ўтиб, унинг вазирлиги узоқ тарихнинг бир қисми бўлиб қолишини, қурган иморатлари эса абадий турмай бузилиб кетишини, фақат унинг ёзган асарларигина абадий сақланиб қолиниши тушунган, шунинг учун у ўз фаолиятининг бу томонига алоҳида эътибор берган эди. У шу ҳақда:

*Эй Навоий, риштаи давронға чеккил дурри назм,
Ким замон авроқиға сендин сўз – ўқ осор бас¹ –*

дейди.

Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний» бўйича ҳаммаси бўлиб ўзбек тилида 2600 ғазал, 133 рубоий, 210 қитъа, 86 фард, 52 муаммо, 13 туюқ, 10 мухаммас, 10 чистон (шеърий топишмоқ), 4 мустазод, 4 таржеъббанд, 5 мусаддас, 1 қасида, 1 мусамман, 1 таркиббанд, 1 маснавий, 1 соқийнома туркум шеъри, форсий девони бўйича 554 ғазали, 343 муаммоси, 73 рубоийси, 72 қитъаси, 16 шеърий тарихи, 9 луғзи бизга етиб келган. Навоийга қадар ҳеч ким ўзбек тилида бунча кўп шеър ёзмаган, ғазал, рубоий, қитъа каби шеърий турларни бунча ривожлантирмаган эди.

Шоир йигитлик даврида кўп шеър ёзган. Шу билан бирга у қариган чоғларида ҳам шеър ёзиш билан фаол шуғулланган. Масалан, «Ҳазойин ул-маоний» дебوحасида вазирликдан кейинги даврда маълум бир вақтда қийин аҳволга тушиб қолган чоғда «оз вақтда кўп шеър» ёзганини хабар қилади. Олимларимиз Навоий девонларини қиёсий ўрганиб, унинг бу даврда мингдан ортиқ шеър ёзганини айтадилар.

Навоийнинг аксарият шеърлари анъанавий ишқий мавзуда бўлиб, шоир бу мавзуга янгидан жон киритди. У «Ҳайрат ул-аброр» достониди ишқни улуғлаб:

¹ Алишер Навоий, Мукаммал асарлар тўплами. 6-том, 163-бет.

*Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун¹ –*

деб ёзар экан, инсоният жамиятини у ишқсиз тасаввур эта олмайди. Шоир ҳар бир инсонда иккинчи бир инсонга, умуман одамзодга, ҳаётга, табиатга муҳаббат бўлишини, жамият муҳаббат қонунларига асосланиб қурилишини истаган. Навоий ишқий шеърларининг асосий мавзуси ошиқнинг ўз ёрига ўтли ва самимий, лекин бахтсиз, омадсиз муҳаббати, ўз севгилисига етиша олмаган софдил ошиқнинг ҳижрон оғушида чеккан азоб-уқубатлари, ички кечинмалари ҳамда бевафо ёрнинг гўзаллиги, ўз ошиғига нисбатан бепарволиги, худбинлиги, ўз чиройи билан фахрланиб, рақибга ён босиши, кўпроқ у билан бўлиши, бу билан ошиқнинг рашкини кўзғаши, унинг фожиасига асосий сабабчи бўлишидир. Навоий ишқий шеърларининг лирик қаҳрамони ошиқ бўлиб, кўпгина ўринларда ошиқ Навоийнинг ўзи бўлиб чиқади. Ошиқ Навоий ўз ёрининг хуснини таъриф ва тавсиф қилар экан, бунинг учун у энг яхши, чиройли, таъсирли сўзларни қидириб топишга ҳаракат қилади. Қуйидаги рубоийсида шоир маъшуқани тасвирлаб, ошиқ номидан чексиз самимият, тиниқ ҳис-туйғулар билан ёзади:

*Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши;
Юз бирла сўзунг яхши, дудоғинг яхши;
Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши;
Бир-бир не дейин, боштин аёғинг яхши².*

Бу каби шеърлар XV асрда ўзбек адабиётининг таркидунёчиликдан кўпроқ дунёвийликка юз ўгирганини, аниқ инсон ва унинг ҳис-туйғулари, орзу-умидлари ва интилишларини куйлашга катта ўрин бера бошлаганини билдиради. Навоий севгини баҳор шабадаларидай ёқимли, булоқ сувларидай тиниқ, қуёш нуридай ёруғ образ ва иборалар билан тасвирлашга, йўғиришга интилади. Шундай ғазалларидан бирида у ёзади:

*Кўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санга³.*

Навоийнинг яна бир машҳур ғазали матлаъида:

*Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо⁴. –*

дейди.

Бу хил юксак дид ва ёрқин образлар билан битилган шеър ва байтларни шоир девонидан юзлаб, минглаб келтириш мумкин. Шу маънода «Ҳазойин ул-маоний» нафис туйғулар уммони, гўзал сўз ва иборалар хазинасидир.

¹ Алишер Навоий. Хамса. 85-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 3-том, 583-бет.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 3-том, 37-бет

⁴ Ўша китоб, 54-бет.

Навоийнинг ишқий лирикасида катта ўрин ҳижрон мавзусига берилган. Бундай шеърларида Навоий ҳаётида ўз орзу-умидларига етиша олмаган, ўз ишқи ва самимиятини севгилисига етказа олмаган, натижада, ёлғизлик дардига мубтало бўлиб, дунёнинг ҳамма азоб-уқубатларини чеккан, кўз ёши тўккан бахтсиз инсоннинг ички оламини ёритишга ҳаракат қилади. Шу маънода унинг қуйидаги дардли сатрлар билан бошланган ва шундай тугалланган бир ғазали ажабланарли эмас:

*Ер юзини тутти ашким, кўкка етти нолишим,
Юқори тангрию қуйи сендин ўзга йўқ кишим...*

*Тиш қадабмен лаълинг, узмасман ондин тама, –
Анбури ҳижрон билан бир-бир суғурсалар тишим...*

*Эй Навоий, гар сенинг нолангга йиғлар андалиб,
Бир кун ул гул қўнглига ҳам кор қилғай нолишим¹.*

Бундай ғазаллар Навоийнинг йигитлик даврида ҳам, қарилик чоғида ҳам кўп ёзилган. Навоийнинг айрим даврлардаги ўз шахсий бахтсизлиги, муваффақиятсизлигидан, севгили ёридангина эмас, унга бевафолик қилган дўстларидан норозилик туйғулари ҳам ўзининг таъсирли ифодасини топган. Масалан, Навоийнинг йигитлик даврида ёзган «Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим...» деб бошланган ғазалига унинг қарилик даврида ёзган:

*Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим...
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим –*

матлаъи билан бошланган ғазали ҳар томонлама тўла ҳамоҳангдир. Навоий кексаликда ёзган «Эй дўстлар» радифли, анъанавий мавзудаги ишқий ғазалида ўз ишқи билан боғлиқ фожиани ҳам ғоят донолик ҳамда дард-ҳасрат билан гўзал ифодалаб берган ва ёшларни ёшликнинг, севги ва хурсандчиликнинг, оилавий бахтнинг қадрига етишга чақирган:

*Айламанг бекаслигимни таън, бир кун бор эди
Менда ҳам бир-нозанин, чобуксувор, эй дўстлар.*

*Ёрсиз вайронда қон йиғлармен охир, сиз қилинг –
Ёр бирла гашти боғу лолазор, эй дўстлар.*

*Ёрсиз ифрот ила гар йиғласам айб этмангиз,
Ким эрур бу иш менга беихтиёр, эй дўстлар².*

Навоий лирикасининг умумхалқчиллиги, таъсирчанлиги унинг чуқур инсоний дард билан ёзилганида. Бундай шеърлар бекорга кейинчалик халқ қўшиқларига айланиб кетмаган. Навоий ишқий шеърларида инсонни сабр-тоқатли, пок, руҳан юксак, одамини ҳақиқий

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 3-том, 330-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами, 5-том, 140-бет.

одам бўлишга чорлаш, шу йўналишда тарбиялашга интилиш кучли. Шу маънода унинг ошиқ номидан айтган қуйидаги каби сатрлари ҳаммага ибрат:

*Эй Навоий, ул пари ўлтурса ҳам оздур сени.
Кимки инсондур, анинг маҳбуби ҳам инсон керак¹.*

Навоий ўз даври адабий ҳаётида мавжуд барча шеърӣй шакллардан юксак маҳорат билан унумли фойдалана олди. Унинг ғазал ва туюқлари, мухаммас, мусаддас, мустазодлари кўпроқ ишқӣй мавзуда бўлса, рубоӣйлари ижтимоӣй-фалсафӣй мазмунда ёзилган. Навоий қуйидаги рубоӣйсида ҳаётнинг ёмон қурилганини, унда хурсандчиликнинг ёнида юзта нохушлик – хафачилик тайёр туришини шундай ифодалаган:

*Ким кўрди экин жаҳонда, оё, хушлуқ,
То бир киши айлагай таманно хушлуқ,
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуқ,
Омода дурур ёнида юз нохушлуқ².*

Навоийнинг қитъалари кўп вақт бирон ҳаётӣй ҳодисалар, учрашувлар, кузатувлар муносабати билан ёзилган. Кузатувчан шоир атрофида юз бераётган ҳеч бир катта ва кичик ҳодисани эътиборсиз қолдирмаган. Навоий ўзбек адабиёти тарихида энг кўп қитъа ёзган бўлиб, қитъалар тўрт девонга бўлиб жойлаштирилган.

Шоир ўз даврида энг жанговар жанр – ҳажвнинг ҳам устаси эди. Унинг иккиюзламачи шайхлар, ўз гапига амал қилмайдиган воизлар, ҳаётга бефарқ қаровчи, тарки дунё қилган зоҳидлар ҳақидаги ғазал ва рубоӣйлари, ишқӣй шеърлари таркибидаги уларга бағишланган байтлар ёрқин, кескин танқидӣй руҳдадир. Бунга шоирнинг «Хонақаҳда ҳалқаи зикр ичра ғавғо қилди шайх», «Ул шайхни, минбар уза афсунға берур тул», «Мени ишқдин манъ этар сода шайх...» деб бошланган ғазаллари ёрқин мисол бўла олади.

Навоий динӣй ва тасаввуф мавзусида ҳам кўп шеърлар ёзган бўлиб, улар девонларда, ўзининг дебоҳада уқтиришича, ҳар қайси ҳарфга оид шеърларнинг бошланиш қисмларидадир. У динӣй ва ахлоқӣй мавзуларда кўплаб мазмундор шеърлар яратди. Бундай шеърлар унинг ҳамма жанрга оид шеърлари (ғазал, рубоӣй, қитъа, фард ва ҳоказо) орасида мавжуд.

Навоийнинг бир қатор шеърлари риндона мазмунга эга бўлиб, уларда май мавзуси куйланади. Бунда май тасаввуфӣй маънога эга бўлиб, муҳаббат уларда Худо ва унга интилиш, садоқатни билдиради, ишқ мажозӣй маънода тушунилади.

Навоийнинг бир қанча шеърлари автобиографик кўринишда бўлиб, шоир ҳаётининг турли даврларини, турли даврдаги турлича кайфиятларини акс эттиради. Навоий таржимаи ҳолини ўрганишда уларнинг аҳамияти ғоят каттадир. Шу маънода унинг «Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш» деб бошланган рубоӣйси автобиографик шеърнинг энг яхши намунасидир.

Умуман Навоий ўз лирик шеърӣяти билан адабиётимизни беқиёс даражада бойитди. Бу мерос ўзбек шоирларидан Бобур, Машраб, Мунис, Огаҳӣй, Комил, Муқимӣй, Фурқат кабиларнинг ижодида ғоят муҳим роль ўйнади. Кўпгина бошқа туркӣй халқларнинг шоирлари, аввало, унинг лирик шеърӣяти туфайли уни ўз устозлари деб тан олдилар.

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 4-том, 243-бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 3-том, 577-бет.

* * *

Алишер Навоий ижодининг чўққиси унинг «Хамса»си, аниқроғи, унинг «Хамса»га кирган беш достонидир. Шоир «Хамса» ёзишга 1483 йилда киришган ва уни қисқа муддатда ёзиб тугаллаган бўлса ҳам, лекин уни жуда ёшлигидан ўйлаб юрган. Бу ҳақда у «Садди Исқандарий» достонининг кириш қисмида, биринчи хамсанавислардан Низомий ва Хусрав Деҳлавийларга мурожаат қилганда қимматли маълумотлар берган. Туркий тилда «Хамса» яратиш ғояси унда аввало улар таъсирида юзага келган:

*Кичик эрканимдин бўлуб қошима,
Улуғ муддао солдингиз бошима¹.*

«Хамса» достонлари маснавий услубида (қофияланиш: а-а, б-б) бўлиб, бунда шоир ўз фикрларини бадиий ифодалашда ғазал ёки қасидадагидек қийинчилик сезмайди. Шунинг учун Навоий шеърини шакллар орасида маснавийни мақтаб дейди:

*Маснавийким, бурун дедим они,
Сўзда келди васеъ майдони.*

*Вусъатида юз ўлса маъракагир,
Кўргузур санъатин бори бир-бир².*

Навоийнинг «Хамса» яратишдан кузатган бош мақсади форсий забон халқлар Низомий ва Хусрав Деҳлавий хамсаларидан қандай баҳраманд бўлган бўлсалар, туркий халқларни адабий асарларнинг юқори намунаси бўлган туркий «Хамса»дан шундай баҳраманд этиш эди:

*Форсий ўлди чу аларға адо,
Туркий ила қилсам ани ибтидо.*

*Форси эл топти чу хурсандлиқ,
Турк доғи топса барумандлиқ³.*

«Хамса»нинг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр» ва бошқа достонларнинг кириш қисмларидаги мадҳ ва муножот, наът бобларида Навоий Оллоҳнинг олами ва ундаги барча мавжудотларни яратиши, беқиёс кучи-қудрати ҳақида сўзлар экан, улар орасида одамни яратишга алоҳида аҳамият берганини уқтиради.

Навоий «Хамса» достонларининг кириш бобларида сўзнинг, бадиий асарнинг, адабий мероснинг, шеърининг жамиятда тутган ўрнига жуда юксак баҳо беради ва бир қанча ўринларда ўз ижодий концепциясига оид мулоҳазаларини баён этади. Шоирнинг бу мулоҳазаларидан, асарларидан маълум бўлишича, у салафлари ижодига қанча яхши муносабатда бўлмасин, бадиий ижодда ўз йўлидан борган, шу асосдагина бу соҳада юксак чўққиларга кўтарила олган.

¹ Алишер Навоий. Хамса. 629-бет.

² Ўша китоб, 469-бет.

³ Ўша китоб, 32-бет.

«Ҳайрат ул-аброр» достони ахлоқий-дидактик мазмунда бўлиб, улуғ шоир бу асарида ўз давридаги ижтимоий-сиёсий, маънавий ва маданий ҳаётни донишманд шоир ва мутафаккир сифатида таҳлил этган. Асар асосан 20 мақолатдан иборат бўлиб, шоир жамиятдаги барча ижтимоий табақаларнинг феъл-атворидаги салбий ва ижобий хусусиятларни аниқлашга, ижобий томонларни кишиларга ибрат қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади, салбий томонларни эса қаттиқ танқид қилиб, фош этиб, истехзоли кулги остига олиб, бу нуқсонларни йўқотишга даъват этади. Унинг фикрича, шоҳлар, амалдорлар, асосан икки хил бўлиб, бирлари одил, инсофли, саҳий, маърифатли; иккинчи турлари жоҳил, золим, худбин, хасисдирлар. Лекин яхшиларига нисбатан ёмонлари кўп. Шоир уларни инсофга, одабийликка, адолатга, олижанобликка чақиради. Навоийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларида одабийлик биринчи ўринда туради. Унингча, кимки ўзидан бошқаларни тан олмаса, бировнинг ғам-ташвишига шерик бўлмаса, фақат ўз манфаатини ўйласа, бундай одамни ҳақиқий одам деб бўлмайди:

*Одабий эрсанг, демагил одами
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.*

Инсон ҳақиқий инсон бўламан деса, ўз бойлигини бошқалар билан баҳам кўриши, шайхлар риекор бўлмаслиги, олимлар амалга интилмаслиги, амалдорлар кишиларга зулм қилмаслиги, деҳқон, косиб ўз вазифасини жойига қўйиб бажариши, кўп моддий бойлик яратиши, ҳамма саҳийлик, тўғрилиқ, бир-бирига меҳрибонлик фазилатларини тўла эгаллаши зарур. Шу маънода Навоий бу асарида жамиятни такомиллаштириш, инсонларни қайта тарбиялаш масалаларини қўяди ва уларни ўз даврининг энг илғор мутафаккири сифатида ҳал этади. Шунинг учун ҳам унинг панднома жанрига оид бу асари халқимиз манфаати йўлида хизмат қилиб келмоқда.

«Фарҳод ва Ширин» достонида меҳнат ва ишқ мавзуси қаламга олинган. Фарҳод – Хитой ҳоқонининг ўғли. У Шарқда ўтган машҳур ошиқларнинг бири. Айни вақтда Фарҳод меҳнат ва ҳунар эгаси, илм ва санъат шайдоси ҳам эди. У ёшлиқдан яхши инсоний фазилатларни, барча билимларни, хусусан, тошйўнарлик касбини эгаллашга астойдил уринади. Фарҳод севгилиси Ширин истаги билан қурилаётган канал тепасига келиб қолганда, одамларнинг қийналиб тош кесаётганларини, ариқ ўтказиш секин бораётганини кўриб, дарҳол ўзининг тош кесиш ҳунари билан уларга ёрдам беришга киришади ва дейди:

*Ҳунарни асрабон нетгумдур, охир?!
Олиб тупроққаму кетгумдур, охир?!*

Фарҳод канал қурилиши тугаллангач, Меҳинбону саройида ўтказилган базмда турли илм ва санъат билимдонларидан ўн қиз билан баҳсга киришади ва улардан ғолиб келади.

«Хамса»нинг учинчи достони – Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган «Лайли ва Мажнун»дир. Унда Лайли ва Мажнуннинг бир-бирига бўлган оташин севгиси ва бу севги фожиаси батафсил тасвирланади. Мажнун болаликдан ҳиссиётга берилувчи, шоиртабиат, соддадил бўлиб, мактабда жуда эрта Лайлини севиб қолади. Лекин икки севишган ёш ижтимоий тенгсизлик ва ҳуқуқсизлик қурбони бўлиб, бир-бири билан қовуша олмайдилар. Чунки Лайли Мажнунга нисбатан бойроқ қабиладан эди.

Достонда Лайли ва Мажнун севгисининг бошланиши, уларнинг учрашувлари, Мажнуннинг кишанга солиниши, унинг саҳрода ёлғиз ҳайвонлар билан дўстлашиб яшаши, Лайлининг Мажнунга ва унинг ота-оналарига ачиниши шеърӣ-бадий жихатдан ниҳоятда таъсирли ифодаланган. Масалан, саҳрога қувилган Мажнун Лайлини соғинса, унинг қабиласига яқин ердаги Нажд тоғи чўққисига чиқиб, Лайли қабиласи уйларида кўтарилган тутунни кўзларига сурма каби суртиб ўлтирар экан:

*Чиқса эди ул қабилдин дуд,
Айлар эди кўзни сурма андуд¹.*

«Лайли ва Мажнун» достони Навоӣ давридаги ижтимоӣ-сиёсий ҳаётга, шоир шахсиятига жуда яқин эди. Шунинг учун шоир бу асарини: «Йиғлай-йиғлай тугаттим охир», – дейиши тасодифӣ эмас.

«Сабъаи сайёр» достонида Навоӣ қадимги Эрон подшоҳи Баҳром образи орқали ишрат-парастлик, худбинлик каби салбий сифатларга эга бўлган кучли шахсни қайта тарбиялаш масаласини ёритади. Ўз севгилиси Дилоромга нисбатан ноҳақ, ғайриинсоний муносабатда бўлган Баҳром ўз хатосини тушунади, қаттиқ изтироб чекади. Улар маълум айрилиқдан кейин яна қовушадилар. Бироқ Баҳром умуман ҳаётида кўп қон тўккани, адолатсизлик қилгани учун ўз севгилиси ва барча аъёнлари билан достон охирида ботқоққа ботиб кетиб ҳалок бўладилар. Достондаги етти мусофир ҳикояси эса мавзу нуқтаи назаридан ранг-баранг, ғоявий жихатдан халқчил бўлиб, ўзбек ҳикоячилигининг энг яхши намуналаридир.

«Хамса»нинг яқунловчи достони «Садди Искандарӣ» юнон лашкарбоҳиси Искандар (Александр Македонский) нинг оламни забт этиш, унда адолат ўрнатиш учун қилган ҳарбий юришлари ва урушларини, Искандар шахсиятидаги жасурлик, одиллик, илм-маърифатга ҳурмат каби сифатларни эпик йўналишда тасвирлаб беришга қаратилган. Бу Навоӣ достонларининг энг каттаси – 7215 байтдан иборат. Достонда Искандар фақат лашкарбоҳи сифатида эмас, доно подшоҳ, табиат сирларини билишга қизиққан олим, онаси олдидаги вазифаларини яхши тушунган меҳрибон фарзанд сифатида ҳам гавдаланади.

«Хамса» достонлари Навоӣнинг жаҳон адабиёти хазинасига қўшган энг катта тухфасидир.

Навоӣнинг «Лисон ут-тайр» достони қушлар ҳақида бўлиб, мажозий услубда ёзилган. Достонда одамлар ўрнида қушлар тасвирланган. Достон сўфиёна мазмунда бўлиб, унда дунёнинг, ҳаётнинг фонийлиги, вақтинчалиги, инсонлар шуни яхши тушунишлари, ўз умрларини фойдали, пок ишларга сарф этишлари, олижаноб мақсадларни кўзлашлари, юксак фазилатларни эгаллашга интилишлари зарурлиги шоир сўзлари ва кўп ҳикоялари орқали таъкидланган. Навоӣ бу асарида моҳир ҳикоянавис ва масалчи сифатида ҳам кўзга ташланади.

* * *

Алишер Навоӣ ўз адабий мероси ҳақида «Лисон ут-тайр» достонида гапирганда «назму насрим» деб гапиради. Чиндан ҳам Навоӣ шеърӣ асарлар билан бир қаторда, бир қанча насрий асарлар ҳам ёзган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзбек адабиёти тарихида ўз ўрни,

¹ Алишер Навоӣ. Хамса. 432-бет.

аҳамиятига эга. Шу билан бирга у даврда шеър билан ёзилмаган илмий, илмий-тарихий асарлар ҳам насрий асар ҳисобланган. Шу маънода Навоийнинг ўз девонларига ёзган дебо-чалари, «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Мажолис ун-нафоис» каби асарлари илмий насрнинг яхши намуналаридир.

Навоийнинг биринчи ёзган насрий асари «Вақфия» бўлиб, уни шоир ўз қурган хайрия иморатларининг ҳужжати сифатида тузган. Бироқ бу асар шу иморатлар билан боғлиқ оддий ҳужжатлар бўлиб қолмай, Навоий таржимаи ҳоли, Ҳусайн Бойқаронинг давлат тепасига келиши, шу даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, шоирнинг вазирлик фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи, қимматли маълумотларни берувчи тарихий-насрий асар бўлиб қолган.

Навоий жамият тарихини, дин ва тасаввуф тарихини, айрим мамлакатлар тарихини ўрганишга аҳамият берар, оддий одамдан тортиб подшогача ҳамма тарихни яхши билиши зарур деб ҳисобларди. У ўзининг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида кўп адабий ва форсий манбалардан фойдаланган ҳолда пайғамбарлар тарихини барча тафсилотлари билан қизиқарли ва ишонарли қилиб ёритди. Бу асарда Нух ёки Сулаймон, Юсуф ёки Довуд афсонавий кишилар сифатида эмас, тарихда аниқ яшаб ўтган кишилар қаторида ёритилади. Улар ўз фаолиятларида яхши ишлар билан бир қаторда баъзан хато ишларни ҳам қилиб, жазосини тортган, пушаймон бўлган кишилар қаторида тасвирланадилар. Навоийнинг қадим дунёда ўтган Фишоғурс (Пифагор), Букрот (Гиппократ), Суқрот, Афлотун (Платон), Аристотель, Батлимус (Птоломей), Лукмон Ҳаким (Эзон) ва бошқалар ҳақида ёзганлари ҳам қизиқарлидир.

Навоий ўзининг «Насойим ул-муҳаббат» асарида 750 дан ортиқ сўфий ва мутасаввуфлар, уларнинг ноёб хатти-ҳаракатлари, панд-насиҳатлари ҳақида маълумот беради ва улар билан боғлиқ ўнлаб ҳикояларни келтиради. Навоийнинг Боязид Бистомий, Жунайд Бағдодий, Ҳаким Термизий, Ҳусайн Мансур Халлож, Абдуллоҳ Ансорий, Юсуф Ҳамадоний, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд ва бошқалар ҳақида ёзганлари тасаввуф, фалсафий-ижтимоий фикр тарихини ўрганишда энг муҳим биринчи манбалардан бўлиб қолди.

Навоийнинг биринчи марта 1785 йили Венада, сўнг 1841 йили Парижда нашр этилган «Тарихи мулуки Ажам» асари тарихчилар учун қандай зарур бўлса, адабиётчилар учун ҳам шундай зарурдир. Чунки бу асар Шарқ халқлари адабиётларидаги Эрон тарихи ва адабиётлари билан боғлиқ лавҳаларни тушунишда, изоҳлашда муҳим аҳамиятга эга. Эрон подшоҳлари фаолиятига эса Навоий уларнинг адолатли бўлгани ёки бўлмаганига қараб баҳо берган. Навоий фикрича, Хўшанг, Жамшид, Фаридун, Феруз, Нўширвон, Турондухт каби подшоҳлар одил подшоҳ бўлганлар. Масалан, Феруз яхши подшоҳ бўлгани учун жуда кўп жойлар ва нарсалар унинг номи билан боғланган.

Навоийнинг бир қатор асарлари замонавий мавзуларга, тўғрироғи, унга замондош илм ва адабиёт аҳлларига бағишланган. «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида Навоий ўзига замондош 459 шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқа-қисқа, лекин муҳим маълумотларни беради. Бир шоир ҳақида Навоий хурсанд бўлиб, фахрланиб ёзса, иккинчи бир шоир ҳақида танқидий руҳда ёзади. У, масалан, Шайхим Суҳайлий ҳақида ўзининг энг яхши дўсти сифатида муҳаббат билан гапирса, Мирзобек фожиаси ҳақида йиғлаб, фарёд чекиб сўзлайди. Мавлоно Наргисни бировларнинг образ ва фикрларини ўзлаштириб олишда танқид қилса, Мавлоно Мир Ҳожи Сўғдийни шеърида халқ иборасидан яхши фойдалангани, яъни ирсо-лулмасал санъатини тўғри қўллагани учун кўкларга кўтариб мақтайди. Хуллас, Навоий ўз тазкирасини оддий илмий тил билан эмас, кўп ўринда жонли тил, шоирона ҳиссиёт билан ёзган. XV аср ўзбек ва форс-тожик адабиётини Навоийнинг бу асарисиз ўрганиш мумкин

эмас. У ўзининг бу асари билан ўз давридаги юзлаб қалам эгаларининг номини тарих саҳифасида абадийлаштирган.

«Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» рисолаларида Навоий икки буюк арбобнинг, ҳозирги ибора билан айтганда, ижодий портретини берган, инсоний қиёфасини чизган. «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да биз Жомий таржимаи ҳоли билан боғлиқ маълумотларни, бир неча қизиқ ҳикояларни ўқиймиз. Навоий учун унинг даврида Жомийдан улуғ шоир, мутафаккир, диний арбоб, адабиёт ва санъат бўйича ҳакам бўлмаган. Навоий Жомийнинг қанчалик улуғ одам бўлишига қарамай, ўзини оддий тутишини, содда кийинишини, ҳазил-мутуйбага бойлигини қизиқ ҳаётий лавҳалар орқали кўрсатади.

Навоий 1490 йилларнинг ўрталарида ўз замондошларига (кимларга экани аниқ айтилмаган) ёзган мактубларидан «Муншаот» асарини тузган. Бу мактублар бир одамнинг иккинчи бир шахсга йўллаган хатлари бўлиб, уларда улуғ шоир ва давлат арбобининг кўп масалалар бўйича доно фикр ва мулоҳазалари, маълум бир шахсдан мамнунияти, кимлардандир ўпка-гина ва қаттиқ норозиликлари гоҳ насрий, гоҳ назмий тилда ифодаланган. Бунга шоирнинг отасини кўп хафа қилаётган шахзода Бадиуззамонга, ўз фарзандлик бурчини адо эта олмаган ноқобил бир шахсга йўллаган мактублари ёрқин мисол бўла олади.

Навоий насрининг гултожи унинг «Маҳбуб ул-қулуб» асаридир. «Маҳбуб ул-қулуб» панднома йўналишидаги асар бўлиб, Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Кайковуснинг «Қобуснома», Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чор мақола», Саъдийнинг «Гулистон», Жомийнинг «Баҳористон» каби асарларига кўп жиҳатдан ўхшаш ва ҳамоҳанг эди. Навоий бу асарида ўз ҳаётий тажрибаларини умумлаштириб, бошқаларга сабоқ бўлишини ният қилган. У ўз давридаги 39 ижтимоий табақа ва касб эгалари тавсифига тўхталиб, уларнинг фазилатларини ижобий таъриф ва тавсиф этган, нуқсонларини эса танқид қилган, ҳажв қамчиси билан фош этган. Навоийнинг сабр ва қаноат, тавозуъ ва одоб каби ахлоқий фазилатларни махсус ҳикоялар воситасида таъриф этиши ҳам мароқлидир. Айниқса, асарнинг учинчи қисмида инсон одоби, сўз одоби, ҳиммат ва саховат, ишқ ва вафо ҳақида яратилган ҳикматли сўзлари, халқ донишмандлиги билан ҳамоҳанг панд ва насиҳатлари ҳамма авлодларга тарбия мактабидир.

Навоийнинг адабий ва илмий мероси кишиларимизни поклик ва ҳалоллик руҳида тарбиялаш ишига хизмат қилмоқда. Навоий «Мезон ул-авзон» асарининг тугалланиш қисмида ўз асарларининг, хусусан, шеърий асарларининг мангуликка дахлдор бўлишини, токи фалак айланиб, кунлар ҳосил бўлаверар экан, инсонларда шеър ёзиш ҳаваси сўнмас экан, токи шеърлар ёзилиб, байтларда сирли ноаниқликлар ва саволлар бўлавераркан, улар жамиятга, бутун дунё халқлари орасида тартиб ва интизом ўрнатишда хизмат қилишини орзу қилган эди:

*То чарх давойиридин ўлғай айём,
То шеър хаёлотига йўқтур анжом,
То байт тарокибида бўлғай ибҳом,
Топсун назминг била жаҳон аҳли низом¹.*

Бу орзулар амалга ошмоқда. Навоий доим биз билан. У ҳар соҳада бизга устоз ва ўрнак. Унинг нурафшон адабий ва илмий мероси эса халқимиз учун йўлчи юлдузидир.

¹ Алишер Навоий, Асарлар, 14-том, 182-бет.

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАСАЛАСИ

Шарқда кўпдан буён XII–XIII асрларда яшаб ижод этган буюк шоир ва мутасаввуф Жалолиддин Румийнинг шоҳ асари «Маснавийи маънавий» билан боғлиқ бир байт машхур. Мана, ўша байтнинг матни:

*«Маснавийи маънавий» и Мавлавий
Ҳаст Қуръон дар забони паҳлавий.*

М а з м у н и:

*Мавлави, (яъни Жалолиддин Румий) нинг
«Маснавийи маънавий» асари
Паҳлавий (яъни форсий) тилдаги «Қуръон»дир.*

Форслар севимли шоирлари Ҳофиз Шерозий девони ҳақида ҳам шундай фикрларни билдирганлар. Бизга етиб келган ривоятларга кўра, машхур ўзбек шоири Бобораҳим Машраб:

– Ер юзидан оят ва ҳадис кўтарилганда Ҳофиз девони уларнинг ўрнини боса олади! – дегани маълум.

Бунинг маъноси шуки, Румий, Ҳофиз каби буюк шоирларнинг асарлари муқаддас китоблардаги каби умуминсоний ғоялар билан суғорилган. Бу китоблар инсонларни ҳамма вақт тўғри йўлга, яхшиликка ундайди. Бинобарин, кишилик жамияти борки, бу асарларнинг жамияти ҳеч қачон камаймайди.

Савол туғилади: –Ўзбек адабиётида ҳам шундай китоблар борми? Мен ушбу саволга ижобий жавоб берган бўлур эдим: – Бор. Биринчи навбатда, Алишер Навоий асарлари, хусусан, унинг «Ҳамса» ва «Ҳазойин ул-маоний» девони ана шу мазмундаги ва шу руҳдаги асарлардир. Чунки бу асарлар бошидан охирига қадар умуминсоний қадриятларга ҳамоҳанг руҳда, инсон манфаатини, халқ ва бутун инсоният манфаатини кўзлаб ёзилган.

Шарқ Ўрта асрлари муҳиtida Навоий ижодини баҳолашга умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, Навоийнинг ва унинг асарларининг «Қуръон» ва ҳадисларга муносабати биринчи даражали аҳамиятга молик масаладир. Далиллар шуни кўрсатадики, бу масалада Навоий юксак даражада турган. У ҳеч қачон «Қуръон» ва ҳадисларга қарши борадиган йўлни тутмаган. Бу эса унинг асарларининг катта ва умумбашарий мазмун касб этишига олиб келган. Масалан, ҳадисларда: «Ҳеч ким ҳеч кимдан ортиқ эмас», «Ўзингга назар қил. Сен қизил ёки қора танли одамлардан афзал эмассан, балки Тангридан қўрқиш ва тақво билангина фазилатинг зиёда бўлиши мумкин», – дейилади.

Навоий ҳам шоҳни оддий одамларни камситмасликка чақириб, «Ҳайрат ул аброр» достонида:

Эрмас алар туфроғу сен нури пок... – дейди.

Навоийнинг асарларига келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаб айтиш керакки, у ҳеч бир асарини бирон синф ёки ижтимоий табақа учун, ўша ижтимоий гуруҳ манфаатини кўзлаб ёзмаган.

Навоий ўз давридаги жамиятнинг ижтимоий тузилишини жуда яхши билган. Бунга унинг «Маҳбуб ул-қулуб» асари ёрқин мисол бўла олади. Бу асарида Навоий 39 хил ижти-

мой гуруҳнинг аҳволи ва одатлари ҳақида сўзлаган. Лекин бирон гуруҳни бошқасидан ортиқ қўймаган. Навоийнинг айтишича, Худонинг олдида ҳамма тенг, ҳамманинг ўз вази-фаси бор. Тўғри, айрим шеърларида, хусусан, шу «Маҳбуб ул-қулуб»да Навоий деҳқонларни бошқалардан жамиятга, одамларга қўпроқ фойда келтираётган кишилар деб қарагандай бўлади. Бир рубоийсида Навоий бутун умрини илоҳиёт сирларини ўрганишга бағишлаган мутасаввуфларни, бутун куч-ғайратини осмон сирларини кашф этишга қаратган астро-номларни, ишқ йўлида жонини тиккан пок ва ҳалол ошиқларни улуғ, энг ҳурматга сазовор кишилар деб таърифлаган:

*Ё кошифи асрори ниҳон бўлса киши;
Халлоли рамузи осмон бўлса киши.
Ё ошиқи зори нотагон бўлса киши,
Девонау расвойи жаҳон бўлса киши¹.*

«Назм ул-жавоҳир» асаридаги рубоийларидан бирида эса Навоий ҳуқуқшуносларни, уларнинг майда ва ниҳоятда мураккаб, машаққатли меҳнатини улуғлаган. «Насойим ул-муҳаббат», «Тухфат ул-афкор» каби асарларида шоир косибларни мақтаган. Бу мисоллардан келиб чиқиб, биз Навоий ўз асарларини бирон ижтимоий табақа ёки ҳукмрон синф, деҳқонлар ёки ҳунарманд-косиблар учун яратган, – деб айта олмаймиз. Ўз асарларини ким учун, кимни мўлжаллаб ёзганига эса шоир, хусусан, «Хамса» дostonларида муҳим аниқлик киритиб кетган. Навоий «Сабъаи сайёр» дostonини ниҳоясига етказар экан, тангрига му-рожаат қилиб дейди:

*Деганимни улусқа марғуб эт,
Ёзғонимни кўнгулга маҳбуб эт.
Тилга лафзини ногузир айла,
Жонга назмини дилпазир айла...
Халққа зеби торак айла они,
Ўқуғонга муборак айла они.
Етти афлокни анга ёр эт,
Етти иқлим элин харидор эт².*

Навоий сўзларидан шу нарса англашиладики, у ўз асарларини, хусусан, дostonлари-ни ёзаётганда халқни, битта халқни эмас, бутун инсониятни кўзда тутган. Шунинг учун бу ўринда у менинг асарим халқда, ҳар инсон қалбига севимли бўлсин, ҳатто етти осмон, етти иқлим уни яхши кўриб, унга харидор бўлиб, излаб юрсин! – демоқда. «Фарҳод ва Ширин» дostonини ёзишга бошлаганда ҳам Навоий ўз олдига ҳаммага – шоҳга ҳам, қулга ҳам мақбул бўладиган асар ёзишни мақсад қилиб қўйгани бежиз эмас эди:

*Шоҳ олса доғи қилсун тожи торак;
Қул олса ҳам анга бўлсун муборак³.*

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 3-том, 585-бет.

² Алишер Навоий. Хамса. 615-бет.

³ Алишер Навоий. Хамса, 150-бет.

«Дин мима?» деган саволга ҳадисда: «Дин насиҳатдан иборат»,– дейилган экан. Диний китоблардаги барча насиҳатлар инсонларга қаратилган, уларнинг турмушини яхшилаш ва дунёқарашини соғломлаштиришга йўналтирилган бўлиб, бу асарларнинг умуминсонийлиги сирлари шунда. Биз шу нуқтаи назардан Навоий ижодига ёндашадиган бўлсак, унинг лирик ижодида ҳам, дostonларида ҳам одамларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига жуда катта аҳамият берилганини кўрамиз.

Биз шу мазмундаги асарларни фалсафий-дидактик асарлар деб аташга ўрганганмиз. Навоий эса ижодининг бошидан охиригача бу ижод туридан узоқлашмади. Масалан, Навоий саховатни улуғлаб, бир рубойида:

*Майдони сахо ичра жалодат кўргуз,
Топқонни берур амрига одат кўргуз.
Бухл айласа, нафсингга адоват кўргуз,
Ҳар нимаки топилса саховат кўргуз¹–*

деб ёзар экан, у саховатли бўлиш ғоясини кенг тарғиб ва ташвиқ этади. Бунинг кенг талқини учун у ўзининг «Ҳайрат ул-аброр» дostonидан махсус бешинчи мақолатини ажратади. Бу мақолатда у саховатни кишилардаги фазилатларнинг энг яхшиси эканини, «бухл», яъни бахилликнинг эса улардаги энг паст сифат эканини таъкидлайди:

*Жуду саховат чоғи бухл этмагил,
Шукр замони доғи бухл этмагил.*

*Бухл эрур борча сифатдин хасис;
Лек сахо жавҳари асру нафис.*

*Гарчи саховат санга ойин эрур,
Бошинга бу дур била тазйин эрур.*

*Бу дури серобни хор айлама;
Бухл ҳисобида шумор айлама².*

Навоийнинг жамият тараққиёти, шахс камолоти билан боғлиқ фикр ва мулоҳазалари Абулқосим Фирдавсий, Юсуф Хос Ҳожиб, Шайх Саъдий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Ҳайдар Хоразмий фикр ва қарашлари билан ғоят ҳамоҳангдир. У ўз ижодида улуғлар изидан борган, қатор ўринларда уларнинг инсоният учун фойдали бўлган гапларини ривожлантиришга ҳаракат қилган, айримларини такрорлашни ҳам айб санамаган.

Лекин бу йўналишда Навоий учун энг муҳим манбалардан бири «Қуръон» ва ҳадислар бўлган, – десак хато қилмаган бўламиз. «Ҳадис»да: «Ўзингиз севган нарсани одамларга ҳам раво кўринг – саломат юрасиз», «Ўзингиз ёққан нарсани бошқаларга ҳам раво кўр!» деган гаплар бор³. Навоийнинг «Садди Искандарий» дostonида бу гап Искандар номидан қуйидагича ифодаланган:

¹ Алишер Навоий. Асарлар, 15-том, 21-бет.

² Алишер Навоий. Хамса, 67-бет.

³ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Тошкент, 1990, 16 – 18-бетлар.

*«Халойиққа кўрма, қилиб бенаво,
Ўзунга раво кўрмагани раво!»¹.*

«Маҳбуб ул-қулуб»да ҳам Навоий шу гапга қайтиб, уни насрда ўз номидан шундай берган: «Ҳар кимки биров била ёрдур ёки ёрлиғ даъвоси бордур, керакким, ўзига раво тутмағонни ёрига раво тутмаса, кўп нимаким, ўзига ҳам раво тутса, анга тутмаса»².

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муқаддас диний китоблар билан яқинлик Навоийда кўпроқ хулқ-ахлоқ масалаларида кўринади, десак, хато бўлмас. Бундай яқинлик кўринадики, Навоий ижодида жуда катта ижобий роль ўйнаган.

Навоий ижодининг, хусусан, унинг лирик ва эпик шеъриятининг бош хусусиятларидан, қимматли томонларидан бири унда кишилар ўртасидаги меҳру оқибат, ҳурмат, вафодорликнинг қуйланишидир.

Бир-бирига муҳаббат ирқ ёки миллат, синф ёки табақа хусусиятларига қараб эмас, инсоний хусусиятларга, шахснинг муқаддас, самимий, пок истак ва интилишларига қараб белгиланиши лозим. Масалан, Ширин Эрон шоҳи Хусравдан келган совчиларни ёқтирмай, уларга:

*Менга не ишқу не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур,³ –*

деб жавоб берган. Навоий бу ўринда шахс эркини юқори қўйган, шоҳ сифатида Хусравнинг севгида зўравонлик қилмоқчи бўлганини қоралаган.

Худди шунингдек, Навоийнинг лирик қаҳрамони ошиқ:

*Кўнгулни олса малоҳат била, тафовути йўқ, –
Хитойи ўлсуну ё армани ва ё ҳинду⁴, –*

дер экан, бунда ҳам биз шоир севгида ҳар қандай миллий чеклашларнинг душмани бўлганини, изчил равишда турли халқлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ғояларини илгари сурганини кўрамиз. Чинлик йигит Фарҳоднинг арман қизи – Ширинга муҳаббат қўйиши, унинг оташин севгиси Ширин томонидан эъзозланиши, Навоий дostonларида турли халқ ва мамлакатларнинг вакиллари – арабистонлик Лайли, Мажнун, эронлик Баҳром, хитойлик Дилором, юнонистонлик Искандар кабиларнинг ёрқин образларининг яратиб берилгани – булар ҳаммаси Навоий шеъриятининг маънавий соф ва юксак бўлганига далилдир.

«Бўлиниб кетишдан сақланишлар», «Кимки кўпчиликдан ажралса, дўзахга йўл олган бўлади», – дейилади «Ҳадис»да. Бу фикр, аввало, «Қуръон»нинг 43-ва бошқа сураларида ҳам айtilган. Бир ёқадан бош чиқариб, аҳил яшаш – барча доно ва донишмандларнинг ҳам ғояси. Навоий ҳам бу фикрдан узоқ эмас. Замондошларидан бири ўз юртини ташлаб бошқа бир мамлакатга кетганда, шоир ачиниш ва нафрат билан қуйидаги рубоийни ёзган эди:

*Эл қочса бировдин, эл ямони бил они;
Аҳволида идбор нишони бил они.*

¹ Алишер Навоий. Ҳамса. 839-бет.

² Алишер Навоий. Асарлар. 13-том, Тошкент, 1966, 55-бет.

³ Алишер Навоий. Ҳамса, 263-бет.

⁴ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами, 4-том, 374-бет.

*Феъл ичра улус балойи жони бил они:
Олам элининг ямон-ямони бил они¹.*

Биз шу пайтгача Навоийнинг ахлоқий меросини чуқур ўрганишга, унинг замонавий аҳамиятини очишга етарли даражада диққат қилмадик. Масалан, Навоий «Мажолис ун-нафос» тазкирасида ҳиротлик ёш шоирнинг ўзидан катта самарқандлик шоир ва арбоб Аҳмад Ҳожибекнинг «Вафойи» тахаллусини тахаллус қилиб шеърлар ёзиб юрганини, бу нарса Навоийнинг ғашига тегиб, ундан тахаллусини ўзгартиришни илтимос қилганини, натижада, у ўз тахаллусини «Замоний» деб ўзгартирганини хабар қилади. Навоийнинг ўз тазкирасида шу кичик бир масалага ҳам катта аҳамият бергани шеър аҳллари ўртасида одобсизликнинг олдини олишга ёрдам берган. Навоий фикрича, «Аҳмад Ҳожибек «Вафойи» тахаллус қилур ва шеъри машҳурдур ва девони ҳам бор. Муносиб эрмас эрдиким, улуғ кишига (у) бежихат тахаллусда шерик бўлғай²».

Бундай ишлар ҳамма даврларда ҳам юз бериб турган. Бундай ахлоқий нуқсонларга қарши Навоий каби улуғлар қатъий кураш олиб борганлар. Бизнинг давримизда ҳам бошқаларнинг тахаллусига эмас, ишига шерик (ҳаммуаллиф) бўлиб, катта-катта китоблар «ёзган», катта-катта мукофотлар олган «олимлар» ва «ихтирочилар» баъзан учраб туради.

Навоийшуносликда ҳам баъзи туб ўзгаришларни амалга оширишимиз, унинг ижодидаги қатор муаммоларни янгидан кўриб чиқиб, янгидан баҳолашимиз зарур. Шундай масалалардан бири Навоийнинг тарихга, тарихий шахсларга муносабати масаласидир. Масалан, Навоий ўзининг деярли ҳамма асарларида қадим Эрон шоҳларидан Ануширвони Одилни (531 – 579 йилларда ҳукмронлик қилган) ижобий баҳолайди. Навоий ўз асарларида ҳикоя қилишича, Ануширвон ёшлигида ҳам жуда одобли бўлган. Шу одоби туфайли подшоҳликка сазовор бўлган. Подшоҳ бўлганда у одамлар ўртасидаги жанжалларни доим адолатли ҳал қилган.

Ануширвонга бундай баҳо беришда Шарқ адабиётида Навоий ёлғиз эмас. Тарихчи Низомулмулк «Сийёсатнома» асарида ёзишича, Ануширвон мамлакатда кенг авж олган порахўрлик, зулм ва бошқа бузғунчиликларга қарши қатъият билан курашиб, юртида жуда тез адолат ва тартиб ўрнатган. Лекин бизнинг тарих фанимиз Ануширвонни ўта золим подшоҳлардан деб ҳисоблайди. Чунки у маздакийлар ҳаракатини қонга ботирган, Маздакни эса ўз қўли билан ўлдирган экан. Бизнингча, эндиликда Маздак ҳаракатига, «Маздак дини» деб аталган ғоянинг ўзига бошқатдан қараш ва баҳолаш керак. Маълумки, у жамиятдаги бойликларни, ҳатто оилаларни умумлаштирмоқчи бўлган эди. Аслида, ўша тарихий шароитда ўз фикрларида Маздак ҳақмиди? Маздакнинг фикри устун келганда, жамият олға кета олармиди? Бизнингча, йўқ. Абулқосим Фирдавсий, Навоий ва бошқаларнинг Маздак фаолияти ва ғояларини салбий баҳолагани тўғри. Ануширвоннинг одил деб аталишида эса жон бор. Тарихий ҳақиқат Ануширвон томонда, – деб ўйлаймиз. Қолаверса, ҳамма Ануширвонни одил деган бўлса, нега биз тескарисини айтишимиз керак? Одилни одил дейиш, уни тарғиб этиш ҳам умуминсоний қадриятларни эъзозлашга киради.

Хуллас, биз бу ўринда Навоий ижодидаги умуминсоний қадриятларнинг бир қисмигагина тўхталдик. Ўйлаймизки, Навоий мероси инсоният эришган энг улуғ маънавий бойликлардан бири. Уни ўқиш, ўрганиш ва илмий талқин этиш навоийшуносликнинг доимий вазифаси бўлиши керак.

¹ Алишер Навоий. Асарлар, 15-том, 32-бет.

² Алишер Навоий. Асарлар, 12-том, 98-бет.

МЕРОСГА ИХЛОС

*Юз жафо қилса менга, бир қатла фарёд айламам,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.*

Алишер Навоий

Алишер Навоий ўз авлодларига мисли кўрилмаган даражада бой адабий мерос қолдирган. Бу мероснинг деярли ярмини унинг лирик шеърлари ташкил этади. Улуғ шоирнинг тўрт девондан иборат «Ҳазойин ул-маоний» мажмуаси жаҳон адабиётида ноёб ҳодисалардан биридир. Навоий ижодида, ўзбек адабиёти тарихида «Хамса» қандай ўрин тутса, «Ҳазойин ул-маоний» ҳам худди шундай мавқега эга. Фарқи – «Хамса» ни шоир икки йил давомида яратган бўлса, «Ҳазойин ул-маоний» даги турли жанрларга оид уч мингдан ортиқ шеърларни бутун умри давомида ёзган.

Навоий меросини, хусусан, шеъриятини матншунослик нуқтаи назаридан, образлар системаси жиҳатидан, жанр хусусиятлари, хронология ва бошқа томонлардан ўрганиш бўйича муҳим тадқиқотлар олиб борилди. Шунга қарамай, биз Навоий меросини, шу жумладан, унинг бой ва ранг-баранг лирик шеъриятини тўла ўргандик, деб айта олмаимиз.

Биз шу пайтгача Навоий ҳақидаги китоб ва дарсликларда унинг «Хонақаҳда халқаи зикр ичра ғавғо қилди шайх», «Ул шайхки, минбар уза афсунга берур тул», «Мени ишқдин манъ этар сода шайх...», «Масиҳ ойин минбарда зоҳир қилса ҳам воиз...» мисралари билан бошланган ҳажвий ғазалларига, «Кўрқутма мени томуғдин, эй зоҳиди ях», «Зоҳид, сенга ҳуру менга жонона керак», «Йиллар тутубон шайх мақолотиға гўш...» деб бошланган танқидий рубоийларига ортиқча ўрин бериб юборганмиз. Натижада айрим ўқувчиларда Навоий ижодида бундай шеърлар катта қисмни ташкил этар эканда, деган таассурот қолиб келди. Навоий ижодида ҳажв, шубҳасиз, муҳим ўрин тутади. Улуғ шоир риёкор, текинхўр шайх ва зоҳидларни чиндан ҳам ёмон кўрган. Бироқ бу мавзудаги шеърлар Навоий девонида бармоқ билан санарли даражада.

Худди шунингдек, Навоийнинг «Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим...», «Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим...», мазмунидаги ижтимоий ғазаллари, «Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш...», деб бошланган автобиографик мазмундаги рубоийларига, дидактик шеърларига дарсликлардан махсус ўрин берилиши тўғри. Навоий шеърларида ўз давридан норозилик ўзининг юксак бадий ифодасини топган. Бироқ бундай шеърлар, автобиографик лавҳалар унинг девонларида етакчи мавқеда деб айта олмаимиз.

Навоий шеъриятининг бош мавзуси – муҳаббат. Шоир девонидаги шеърларнинг, хусусан, ғазалларининг 80 – 90 фоизи шу мавзуга бағишланган. Навоийнинг лирик ижоди бу хусусиятлари билан Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Лутфий, Жомий шеъриятига тутшиб кетади. У ишқ ва муҳаббатни инсон ҳаётидаги энг муқаддас туйғу, кишилиқ жамиятини ушлаб турувчи устун деб тушунган. Оиласиз жамиятни тасаввур этиш мумкин бўлмаганидек, Навоий бу дунёни ҳам, у дунёни ҳам ишқсиз, муҳаббатсиз тасаввур эта олмаган. Навоий инсонпарварлигининг асоси ҳам шунда. Шунинг учун биз бундан буён Навоий шеърияти

тўғрисида хоҳ илмий тадқиқотларимизда, хоҳ мактаб дарсликларида мулоҳаза юритар эканмиз, унга тўғри баҳо беришимиз зарур.

Етти-саккиз ёшидан қўлига қалам олиб ижод қила бошлаган Навоийнинг болалик шеърларида ҳам, кейинги давр шеърларида, ҳатто вафотидан сал бурун ёзган ғазалларида ҳам муҳаббат тараннум этилган. Аммо шоир ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида кўп шоирларнинг, шу жумладан, ўзининг «ўн беш ёштин қирқ ёшқача» ёзган шеърларининг аксарияти «ҳар гул жамолиға шефта ва руҳи парвонаси ҳар шамъ ҳусниға фирефта» бўлган ҳолда, «биров ҳусн ва нозин ё ўз ишқ ва ниёзин шарҳлаш нияти билан ёзилганини, бу давр ишқий лирикаси дунёвий мазмунда эканини алоҳида таъкидлайди. Бинобарин, биз Навоий лирик меросининг катта қисми инсонларга, уларнинг инсоний туйғулари таърифи ва мадҳига, асл муҳаббатни улуғлашга қаратилган, деб дадил хулоса чиқара оламиз.

Навоий «Лайли ва Мажнун» достонида икки ёшнинг мактабда бир-бирларини севиб қолганлари ҳақида ҳикоя қилар экан, уларнинг муҳаббатини ғоят беғубор, пок туйғу деб ифодалаган ҳамда бу ҳақда сўзлашни одоб доирасида деб билган. Бизнинг жамиятимизда эса ҳамон ёшлар ўртасидаги муҳаббатни тўғри тушунмаслик, камситиш ҳолларининг учраб туриши ачинарлидир.

Навоийнинг ўзбек тилидаги шеърларининг умумий миқдори «Хазойин ул-маоний» бўйича 3130 тадан ошади. Бунга шоирнинг «Девони Фоний» даги, бошқа асарларидаги лирик шеърлари қўшилса, 4000 тадан ортади. Бироқ Навоий ҳақидаги асарларда, шу жумладан, навоийшуносларнинг асарларида шоир яратган асарлар миқдори бир ўринда 20 та, иккинчи ўринда 26 та, учинчи ўринда 32 та деб кўрсатилади. Бизнингча, Навоий асарларининг миқдорини бошқача санаш, унинг ҳар бир шеърини, у ғазал бўладими, қитъа бўладими, рубоий бўладими (ва ҳоказо), бундан қатъи назар, – бир тугалланган асар деб ҳисоблаш керак. Масалан, А. С. Пушкин ёки М. Ю. Лермонтовнинг ҳар бир шеъри алоҳида бир асар деб қаралади-ку! Навоийнинг ўзи ҳам ўзини 20 та ёки 26 та асар ёзган деб ҳисобламаган, аксинча, ўзининг бир қитъасида менинг асарларим миқдори мингларча, уларни ҳеч ким ўғирлаб, тўла ўзлаштириб кета олмайди, – деган:

*Эй Навоий, сўз ила онча гуҳар сочтингким,
Баҳру кон кирди қарб ерга сенинг килкингдан.
Бирига ё ўнига ё юзига ё мингига
Дегай эл, найлагай ортиқ эса эллик мингдин¹.*

Навоий лирик меросини кенг халқ оммасига етказишда 1950 йилларнинг охири 1960 йилларнинг бошида навоийшунос олим Ҳ. Сулаймон ташаббуси билан «Хазойин ул-маоний»нинг тўла нашр этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Улуғ шоир таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан 20 жилдлик «Мукаммал асарлар тўплами»да унинг ўзи томонидан тузилган биринчи девони «Бадоеъ ул-бидоя» (1-жилд), иккинчи девони «Наводирун-ниҳоя» (2-жилд), сўнг «Хазойин ул-маоний» таркибига кирган тўрт девон – «Ғаройиб ус-сиғар» (3-жилд), «Наводир уш-шабоб» (4-жилд), «Бадоеъ ул-васат» (5-жилд), «Фавоид ул-кибар» (6-жилд) тўла чоп этилди. Бу навоийшуносликда катта воқеа бўлди. Энди шоир шеърятини хронологик-тарихий томондан қиёсий ўрганишга имконият очилди. Тўғри,

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами, 5-том, 499-бет.

бу нашрда олдинги икки девондаги шеърлар кейинги девонларда такрорланиши баъзи кишиларнинг ғашини келтириши мумкин. Бироқ Навоийнинг олдинги девонлари ҳолатини билмай туриб, кейинги девонларига, бундаги ижодий ривожланишга тўғри баҳо бериш мумкин эмас-ку! Ахир шоир олдинги девонлардаги бир қанча шеърларни кейинги девонларига қайта ишлаб киритган.

Албатта, бу нашрнинг катта нуқсони ундаги текстологик камчиликлардирки, бу алоҳида мавзу.

ОЛАМ АҲЛИГА ДИЛХОҲ

Навоий 1469 йили апрель ойида Ҳирот тахтига ўлтирган Ҳусайн Бойқарога муҳрдор, сўнгроқ бош вазир бўлиб, сиёсат оламида иш олиб борар экан, унинг ниятлари пок, мақсадлари улуғ, қандай бўлса ҳам мамлакатда ўзаро низоларга барҳам беришни, давлатни мустаҳкамлашни, халқлар орасида ўзаро аҳилликни таъминлашни ўзининг биринчи вазифаси деб тушунар эди.

Хуросон давлатини сиёсий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан бошқаришда Навоий подшоҳ билан ҳамжиҳат бўлиб иш олиб боришга интилди. Навоий ўзининг “Вақфия” асарида ёзишича, Султон Ҳусайн Бойқаро давлат тепасига келгач, унинг улуғ ишларидан бири ижтимоий гуруҳлар ва турли қавм, уруғлар орасида тўғри муносабат ўрнатиш бўлган. У ушбу гуруҳ ва қавмларнинг ҳаммаси манфаатларини ҳимоя қилишга, давлатни бошқариш ишларида уларнинг иштирокини таъминлашга ҳаракат қилган, уларнинг вакилларига тегишли лавозимларни берган. Темурийларнинг ана шундай яқиндан ҳамкорлиги мамлакатни тинч бошқаришга ва бошқа сиёсий, ҳарбий ютуқларга олиб келган.

Хуросон ҳудудида, албатта, ўзбеклар ва тожиклар энг йирик этник гуруҳ бўлиб, Навоий бу икки халқ ўртасида доим яхши муносабатлар барқарор бўлишига алоҳида аҳамият берди. Шу маънода унинг Ҳусайн Бойқаро давлатида мамлакатни идора қилишда турк ва тожик баравар қатнашганидан мамнунлиги ўринли эди:

*Бири турк, – айвонида ости муҳр,
Бири сорт, – девонида бости муҳр¹.*

Хуросон давлати XV асрнинг иккинчи ярмида Эроннинг шарқий қисмини, ҳозирги Туркистоннинг катта қисмини, ҳозирги Афғонистоннинг кўп қисмини ўз ичига олган бўлиб, бу ерда турли миллат вакиллари яшар, улар мамлакатнинг ҳамма жойида ўз қобилияти ва ҳунарларини кўрсата олар эди. Навоий «Лисон ут-тайр» достонидаги бир ҳикояда ҳинд муסיқачилари ва раққосларининг ҳаётини, санъатини тасвирлар экан, бу ажойиб лавҳа орқали ўша давр Хуросон ва Ҳиндистон халқларининг санъат соҳасидаги алоқаларини акс эттирган эди. Навоий ўзининг:

*Не лўливашдур ул қотилки, қон тўкмаккадур яксар,
Қиё боқмоқлари поки, итик мужгонлари ништар²*

матлаъи билан бошланган ғазалида, Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Мухтасар»да хабар беришича, анъанавий гўзал маъшуқани эмас, аниқ бир лўли йигитни тасвирлаган. Бу йигит вақти-вақти билан Ҳиротга келиб, турли акробатик ўйинлар кўрсатган, шамолдан тез чопган, чамбарак орасидан сакраб ўтган, «туз қадди»ни ғайритабиий даражада букиб, ўзини турли ҳолатларга солган. Навоий унинг келганини эшитса, албатта, бориб, ўйинларини томоша қилар ва санъатига тан берар экан. Бу бир далилнинг ўзи ҳам шуни

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 13-том, 160-бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 4-том, 142-бет.

кўрсатадики, Навоийда бошқа халқ вакиллари, уларнинг қобилиятларини камситишга мойиллик заррача ҳам бўлмаган.

Мамлакат пойтахти Ҳирот кўп миллатли шаҳар бўлиб, у ерда турли миллат кишилари ва ҳар хил динларга сиғинувчи одамлар яшаган ва тинч ҳаёт кечирган. Бу ерда исломдан бошқа динларни таъқиб этиш ҳаракатлари бўлмаган, аксинча, бошқа диндаги кишиларга зиён етказмаслик одат бўлган. Масалан, маънавий ҳаётда турли диндаги кишиларнинг фикри кўп вақт бир ердан чиққанига Навоий «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарида ажойиб мисол келтиради. Ҳазрат бу асарида ҳикоя қилишича, унинг устозларидан бири – Паҳлавон Муҳаммад ўз даврининг елкаси ерга тегмаган паҳлавони бўлиши билан бирга, олим, бастакор, раққос, хонанда, шоир, табиб, моҳир ошпаз ҳам бўлган. Навоий бир одамда шунча қобилият борлигидан ҳайратланади. Паҳлавонни мусулмонлардан тортиб ҳамма – христианлар ҳам, яҳудийлар ҳам яхши кўрганлар, у билан суҳбатлашишга, унга яқинлашишга ҳаракат қилганлар. Бу ҳақда Навоий: «Такаллуфсиз ва муболағасиз подшоҳдан гадогача ва аҳлуллодин яҳуд ва тарсоғача Паҳлавонни севмас ва тиламас киши йўқ эрди», – деб ёзади.

Шу ўринда мен яна бир далилга диққатни тортмоқчиман. 1972 йили Ҳирот ўлкашунослик музейида бўлганимда, у ерда «Таврот»нинг қадимги яҳудий ёзувида терига битилган бир бўлагини деворга осиб қўйганларини кўрган эдим. Бу ҳам шаҳар тарихи учун тасодифий бир нарсаси бўлмаса керак, деб ўйлайман. Демак, қачонлардир, балки XV асрда Ҳиротда яҳудий жамоалари ҳам яшаган ва ўз динига эркин сиғиниб, ўз диний китобларини тарғиб ва ташвиқ этган. Навоийнинг ўзи ҳам исломни улуғлаш билан бир қаторда бошқа динларни камситмаган. «Қуръон» билан бир қаторда «Таврот», «Забур», «Инжил»ни муқаддас, «осмоний» китоблар сифатида тан олган. Бу ҳақда биз «Хамса»нинг «Садди Искандарий» достонида қуйидаги сатрларни ўқишимиз мумкин:

*Чу Мусоға «Таврот» этиб ҳақ баён,
Санга ул баён ичра муъжиз аён.*

*Бўлуб чунки Довуд қисми «Забур»,
Сенинг муъжизинг анда айлаб зухур.*

*Чу Исоға «Инжил» нозил бўлуб,
Ҳақ анда сифотингга қойил бўлуб,*

*Каломеки, мендин топиб интизом,
Анинг лафз бар лафз муъжиз низом.*

*Нечаким қутуб осмоний келиб,
Борисинда сендин нишони келиб¹.*

Бошқа халқларга ва мамлакатларга, динларга нисбатан дўстона ва мўътадил сиёсат олиб бориш XV асрда Хуросон давлатининг обрўсини оширди. Бу даврда қўшни мамлакатлар билан яхши муносабатлар ўрнатилди, ўзаро савдо ва маданий алоқалар ривожланди. Навоий қитъаларининг бирида Ҳиротга узоқ Рум-Италия ҳукмдори («Қайсари Рум») номидан эл-

¹ Алишер Навоий. Хамса. 625-бет.

чилар келгани, улар шоҳ саройида яхши кутиб олингани, улар олиб келган совға-саломлар эса талаш бўлиб кетгани ҳақида гап боради:

*Тухфаларким юборди қайсари Рум,
Бурса жинси, фаранг дебоси.
Турфа кўргилки, зумраи ислом
Анга солди фаранг яғмоси¹.*

Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонининг 11-мақолотида мадрасадаги муллаваччаларнинг ҳаёти ва ўқиши ҳақида гапирар экан, бунда у Ҳирот, Самарканд мадрасаларини ҳам кўзда тутган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Навоий ёзишича, бу мадрасаларда араб ва форс тиллари билан бир қаторда ибрий тили (яъни қадимги яҳудий тили), юнон тили, сурёний (яъни, сурияликлар тили), ҳинд тили ҳам ўрганилган. Мадрасани битирган киши шу тилларни ҳам билган:

*Ибрию юнонию сурёний ҳам,
Ҳинди агар сўрса, билиб они ҳам². –*

Бу, мадрасаларда таълим ишлари юксак даражада бўлганини, бу мамлакат халқлари ва зиёлилари бошқа мамлакатларда яратилган илмий ва маданий бойликларга жуда яқин бўлганликларини кўрсатади.

Миллатлараро муносабатнинг муҳим томонларидан бири тил масаласидир. Хуросонда бу даврда икки тил фаол истеъмолда эди. Бири форсий тил бўлиб, хусусан, адабиёт соҳасида кенг қўлланар эди. Иккинчиси туркий тил бўлиб, бу тилнинг мавқеи ҳам вақт ўтган сайин ортиб бормоқда эди. Навоий ўз халқининг ватанпарвар фарзанди сифатида туркий, яъни ўзбек тилини ривожлантириш, форсий тил даражасига кўтариш учун кураш олиб борди. Бунинг учун у ўзининг асосий асарларини ўзбек тилида яратган ҳатто умрининг охирида форсий ва туркий тилларини бир-бирига қиёслаб, «Муҳокамат ул-луғатайн» рисоласида туркий тилнинг ҳам мислсиз даражада бой эканини исботлашга ҳаракат қилган. Бироқ бу билан у форсий тилни камситмаган, ўз давридаги ижод аҳлини форсий тилда ҳам, туркий тилда ҳам фаол ижод қилишга даъват этган.

Албатта, халқлар, элатлар ўртасидаги муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши, ҳал этилиши кўп жиҳатдан ижтимоий-сиёсий масалаларнинг адолатли ҳал этилишига боғлиқ. Хуросон таркибида, масалан, ҳозирги Туркменистоннинг катта ҳудуди бўлиб, Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллагунга қадар, Хоразм ва туркман ерларида, хусусан, Адоқ деган ерда ҳокимлик қилган, туркманлар билан яқин ва яхши муносабатларда бўлган. Навоий ҳам вазирлик чоғларида ва ундан кейин туркманларнинг шаҳар ва қишлоқларида тез-тез бўлиб турган. Хусусан, у ёз ойларида гоҳ подшоҳ билан, гоҳ ўзи Марвда дам олишни ёқтирган. Марвда унинг Ҳусравия мадрасасини қургани, машҳур Султон Санжар мақбарасини таъмир этгани, шу ерда «Тухфат ул-афкор» қасидасини ёзиб тугаллагани маълум. Навоий ва Султон Ҳусайн ҳақида туркманлар орасида юзларча ривоятлар мавжуд бўлиб, улар бизнинг давримизгача етиб келган. Бу халқ ривоятларида Навоий улуғ ва адолатли арбоб,

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 4-том, 509-бет.

² Алишер Навоий. Хамса. 95-бет.

донишманд ва диёнатли инсон сифатида тасвирланади. Ривоятлардан бизга Навоийнинг бошқа халқларга, хусусан, туркманларга адолатли, чинакам инсоний муносабатда бўлгани англашилади.

Навоий лирик шеърларининг бирида дунё халқларига мурожаат этиб, «Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ!» деб ёзган. Шоирнинг ҳамма халқларга бундай дўстона муносабати унинг «Хамса»га кирган дostonларида ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Навоийнинг ўз қаҳрамонларини турли миллат вакиллари этиб тасвирлашида катта мажозий маъно борки, бундан кўз юмиш мумкин эмас. У ҳеч шубҳасиз, умуминсоний қадриятларни ирқчилик ва миллий тушунчалардан юқори қўйган.

Халқлараро ва миллатлараро алоқаларда, диний муносабатларда Навоий адолат масаласига доим катта аҳамият берган. Навоийнинг фикрича, Искандар шунинг учун улўғки, у дунёдаги барча халқларни адолат ўрнатиш йўли билан бирлаштира олди. «Садди Искандарий» дostonида яъжуж ва маъжужларга қарши буюк девор қурилар экан, бу девор дунёдаги барча халқларнинг усталари, қурувчилари ёрдами билан бунёд этилади. Бунда Искандарнинг барча халқларга тўғри ва адолатли муносабатда бўлгани катта ўрин тутди. Навоий шу дostonида ва «Ҳайрат ул-аброр»нинг шаҳзода Бадиуззамонга бағишлов қисмида золим мусулмон подшога нисбатан одил кофир подшони устун қўйиши унинг чинакам инсонпарвар ва халқпарвар шоир, мутафаккир бўлганини яққол намоён этади:

*Шоҳки, иш адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ милкини обод этар.
Кофири одил ани обод этиб,
Мўмини золим ани барбод этиб¹.*

Навоий ўз шеърлари ва бошқа дostonларида, «Тарихи мулуки Ажам» асарида бу фикрларини янада ривожлантиради ва чуқурлаштиради. Масалан, Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да ёзишича, Хусрав Парвезнинг қизи Турондухт тахтга ўтиргач, отаси даврида Мадойинга ўлжа сифатида келтирилган «Чалипо» деган бутни Византияга қайтаради ва бу тантилик икки мамлакат ўртасида тинчлик муносабатлари ўрнатилишига олиб келади. Навоий буни ғоят ижобий иш сифатида баҳолайди.

Хуллас, Алишер Навоийнинг халқлараро муносабатларга доир инсонпарварлик ғоялари ўз даврида ижобий ҳол эди. Буюк шоирнинг бу хил илғор фикрлари шу кунларда биз учун ҳам ниҳоятда ибратлидир.

¹ Алишер Навоий. Хамса. 137-бет.

ИНСОН ГУЛИ

Инсон ўзининг жамиятда, табиатда тутган ўрни, яратувчилик фаолияти, ақлу заковати билан бадий адабиётнинг битмас-туганмас мавзуси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Тасаввуф олимлари эса инсонни олам ичидаги олам, «оламнинг тожи», «тожи жаҳон» деб таъриф ва тавсиф қилганлар. Машҳур мутасаввуф Ибни Арабий (1165–3240) инсонни «кичик олам»–«олами сағир» деб, уни ўз ичига олган дунёни эса «катта олам – «олами кабир» деб таърифлаган¹. Мансур Халлож кабилар эса одамни Худога тенглаштириб, «анал-ҳақ» – «мен – Худоман» дегани учун дорга осилганлар. Шоирлардан Имодиддин Насимий (1369 – 1417) бу ғояни янада ривожлантириб:

Менга* сиғар икки жаҳон, мен бу жаҳона сиғмасман! – деб оламга бонг урган ва бундай кескин ҳурфикрлиги учун даҳрийликда айбланиб, териси шилиб ўлдирилган.

Ўз ижодиётида инсон масаласига кенг тўхталиб, изчил муносабат билдирган, унинг ўз даври учун энг чуқур ҳамда ҳаётий талқинини берган буюк шоир ва мутафаккирлардан бири Алишер Навоий бўлди. Улуғ шоирнинг бу соҳадаги илк мулоҳазаларидан бири унинг йигитлик йиллари – тахминан 1464–1465 йилларда ўз устози, отахони Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида баён қилинган. Саййид Ҳасан Ардашер ўз даврининг йирик фан ва маданият арбоби, шоир ва мутафаккири бўлиб, Навоийнинг тарбиясида муҳим роль ўйнаган кишилардан эди. Хуросонда 1464–1465 йиллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт тақозосига кўра Навоий Ҳиротни тарк этиб, Самарқандга кетар экан, у ердан Саййид Ҳасанга ёзган шеърий хатида ўз аҳволини шарҳлаш билан бир қаторда, устозини таърифлаб, бир қанча байтлар битар экан, улар орасида шундай бир байт ҳам бор:

*Тўни чарху анда ўзи бир жаҳон,
Жаҳонни қилиб бир тўн ичра ниҳон².*

Бунда Навоий Саййид Ҳасаннинг ўзини «бир жаҳон» деб ҳисоблаш билан бирга, унинг эғнидаги тўнини кенг осмон – «Чарх»га қиёслаб, бу тўннинг бутун бир оламни сиғдириб турганига ҳайратланмоқда. Саййид Ҳасан вафотидан кейин унинг тўғрисида «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» номли рисола ёзиб, Навоий унинг шахсини янада юксакларга кўтарган, рисолада мактубидаги гапларга содиқ қолиб, устозининг олимлик, одамийлик хусусиятларини чуқур очиб берган эди.

Навоийнинг инсон концепцияси, айниқса, унинг «Хамса» дostonларида ўзининг ғоят чуқур ифодасини топди. Навоий инсоннинг келиб чиқиши, моҳияти, табиат ва жамиятдаги ўрни масалалари талқинида нияти холис, пок ва ҳамма вақт ижобийдир. У «Ҳайрат ул-аброр» дostonида табиат қўйнидаги, оламдаги барча нарсаларни Худо яратган, деб тушунтиришга ҳаракат қилар экан, буларнинг ҳаммасини яратишдан унинг кўзлаган бош мақсади инсонни яратиш («Лек боридин ғараз инсон эди») дейди. Айни вақтда, Навоий фикрича, у инсонни ҳар жиҳатдан – ақлда ҳам, ҳуснда ҳам «комил», ўзига сирдош («Сирри ниҳонингга доғи ҳомил ул») қилиб яратган. Шунинг учун борлиқ, табиат, ҳатто илоҳиёт

¹ М. Ҳазратқулов. Тасаввуф. Душанбе, 1988 йил, 80-бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 3-том, 526-бет

* Таъкидлар бизники – А. Ҳ.

сирлари («ганжи илоҳий») ни инсондан бошқа бирон мавжудот билмайди, била олмайди ва билишга интирмайди ҳам. Шундан келиб чиқиб, Навоий ҳар достонида инсоннинг инсон бўлиб яратилганини унинг учун катта бахт деб изоҳлашга, буни ҳар бир инсоннинг онгига етказишга интилади.

Навоий «Хамса»даги ҳар бир дostonнинг кириш қисмларида ўз халқига чинакам хизмат қилган, бутун ҳаётини, истеъдодини илмга, адабиёт ва санъатга берган, тарихда яхши ном қолдирган Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий кабиларни маҳсус бобларда кўкларга кўтариб мадҳ этган. Масалан, «Фарҳод ва Ширин» дostonида Навоий ўз замондоши, улуғ шоир ва олим Жомий ҳақида шундай сатрларни битган:

*Жаҳон йўқ, олами кубро де они,
Жаҳонда мақсади ақсо де они,*

*Ки ҳар не олами суғрода мавжуд,
Бори бу олами куброда мавжуд¹.*

Навоий фикрича, Жомий шундай улуғ инсонки, уни оддий бир оламга қиёслаш тўғри эмас. Уни «олами кубро» – «катта олам» деб аташгина ўринли бўлади. Чунки Жомий ўлмас асарлари билан шундай янги бир маънавий олам яратганки, бу билан бутун инсоният фахрланади.

Демак, инсон таърифига Навоий, аввало, илм-фан, маданият соҳасидаги, қолаверса, ўз давридаги улуғ зотлар, алломалар фаолиятидан келиб чиқиб баҳо берди. Шу билан бирга, ўзининг бу таъриф ва тавсифларини ҳеч қачон мукамал деб билмади, доим уни янада такомиллаштиришга ҳаракат қилди. Шу маънода унинг «Садди Искандарий»да бу масалага ёндашиши диққатга сазовордир. Бу ўринда ҳам инсонни улуғлашда тасаввуф адабиётидаги анъанавий ибора ва услуб сақланиб, Худонинг оламини яратишдан мақсади одамни яратиш бўлганлиги, дунёда нимаики бўлса, ҳаммаси одам туфайли юзага келгани таъкидланади:

*Карам бирла халқ айлагай оламе,
Бу оламда мақсад анга одаме.*

*Ғараз – одаме, анга одам туфайл²,
Неким ғайри оламдур – ул ҳам туфайл³.*

Навоий бу асарда одамнинг оламдаги, табиатдаги ўрнини бошқа асарлардагига қараганда янада очиқроқ тушунгани, тушунтирмоқчи бўлгани кўзга ташланади. Бу ерда Навоий ортиқча муболағалардан қочиб, дунёни бамисоли бир гулшан деб олар экан, инсонни табиат билан боғлаб, уни шу гулшандаги гулларга қиёслайди, «оддий гул» эмас, балки «ризвон гули» – «жаннат гули» деб таърифлайди. Бунда шоирдаги самимият ва ҳаққониятни янада кучлироқ ҳис этиш қийин эмас.

*Очилғон бу гулшанда инсон гули,
Не инсон гули, боғи ризвон гули⁴.*

¹ Алишер Навоий. Хамса. 160-бет.

² Туфайл – баҳона, сабаб.

³ Алишер Навоий. Хамса. 622-бет.

⁴ Ўша китоб, 622-бет.

Навоийнинг фикрича, инсон шундай етук ва гўзал мавжудот бўлгани учун ҳам оламдаги бошқа барча нисбатан кўпроқ иззат ва икромга тани «шараф тўни» (дувож-тўн) билан, боши эса тож билан безатилган:

*Таниға шарафдин дувож айладинг,
Бошин ҳам сазовори тож айладинг¹.*

Бу каби сатрларда Навоий инсонни, унинг кадр-қимматини фалсафий йўналишда кашф қилган. Навоий инсонни «олам ичидаги олам», Худо ўз аксини тамоша қиладиган ойна («миръот»), табиатдаги энг ноёб гул сифатида улуғлар экан, бунда улуғ шоир инсондаги ижобий ички хусусиятларни, ундаги чексиз ақлий имкониятларни, унинг ўй-фикр ва интилишларининг мислсиз бойлигини кўзда тутди. Лекин шоир инсонни ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий йўналишда кашф этишга киришар экан, бунда манзара бутунлай бошқача. У тарихда, хусусан, мавжуд ҳаётда инсонларнинг аксарият ўринларда ҳали ҳақиқий инсонлик даражасига етмаганини, подшоҳларнинг адолатсиз эканини, вазирларнинг инсофсизлигини, дин пешволарининг иккиюзламачилигини, амалдорларнинг золимлигини, текинхўрлик билан кун кўришини, бойларнинг очкўзлигини, хасислигини, олимларнинг илмига амал қилмаётганлигини, ҳарбийларнинг халқларни талашга ҳирс қўйганликларини («ишлари талай олғонни таламоқ»), қозиларнинг порахўрлигини, «ошиқман» деганларнинг ҳақиқий ошиқ эмаслигини кўрди. Бундан унинг ранжимай иложи йўқ эди. Жамиятда инсон кадр-қиммати, аввало, унинг ўз касбига ҳалол муносабати орқали белгиланади. Деҳқон ерга яхши ишлов бермаса, боғбон ўз касбини пухта эгалламаса, дарахтларини яхши кўкартира олмаса, ҳунарманд ҳунарини элга кўрсата олмаса, хаттот китобларни хато билан кўчирса, муаллим («мактабдор») «беғуноҳ маъсумларга жафокор»лиғ қилаверса, савдогарлар халойиқни алдайверса, бундайларни қандай қилиб етук одамлар дейиш мумкин? Бу масалалар таҳлилига Навоий ўзининг «Ҳайрат ул-аброр», «Маҳбуб ул-қулуб» каби энг йирик асарларини бағишлади.

Бу асарларда ахлоқий муаммолар масаласи биринчи ўринга чиқиб қолгани бежиз эмас. Аввало, XV асрдаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий аҳволнинг ўзи шуни тақозо этган. Инсон ахлоқи, одоби билан одам. Инсонда яхшилик қилиш имкониятлари чексиз бўлгани каби, ёмонлик қилиш имкониятлари ҳам бениҳоя. У ўз одамийлигини, жамият олдидаги одамийлик бурчини чуқур тушунсагина, бу уни ҳар қандай ёмонликлардан сақлаб туради. Шунинг учун Навоий инсон қандай ахлоқий фазилатларга эга бўлса, у ҳақиқий инсон ҳисоблана олади деган масалага жиддий аҳамият берган. Навоий бу фазилатларни белгилашда диний ва тасаввуфга оид қарашлардан фойдаланган. Умуман олганда, бу масалалар талқинида улуғ шоир Шарқ адабиётининг халқчиллик, инсонпарварлик мавқеида туради. У бу соҳадаги Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби мутафаккирларнинг, Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Мавлоно Лутфий каби ижодкорларнинг фикр ва ақидаларига издошлик қилади, уларнинг илғор ғояларини янада ривожлантиради.

«Ҳайрат ул-аброр»да баён этилишича, ҳар бир инсон ўз инсонийлик бурчи, вазифаси ҳамда табиатига кўра ижтимоий-сиёсий, иқтисодий масалаларни ҳал этишда, баҳо беришда

¹ Алишер Навоий. Хамса. 622-бет.

одил, жамиятдаги моддий бойликлар тақсимоотида ҳалол ва сахий, одамлар билан ўзаро муносабатда ростгўй, шу моддий бойликларни яратишда меҳнатсевар, кундалик юриш-туришда камтар, бошига мушкул иш тушганда сабрли, қаноатли бўлмоғи, ҳеч қачон худбин, баднафс бўлмаслиги, бир умр яхши хусусиятларни касб этишга, илм олишга интиломи керак. Инсондаги энг олий фазилат эса бошқаларга яхшилик қилиш, ёрдам беришдир.

Навоий талқинича, бировларнинг ўлиmidан хурсанд бўладиган кишиларни ҳақиқий одам дейиш мушкул:

*Кимки киши ўлмакидин шод эрур,
Гўркану ғосилу жаллод эрур¹.*

Инсондаги инсонийликнинг яна бир муҳим белгиси, Навоий ёзишича, вафодорликдир. Бу масалага шоир деярли ҳамма асарларида тўхталиб ўтган. «Ҳайрат ул-аброр» ва «Маҳбуб ул-қуллуб»да эса бунга махсус боблар ажратилган.

Навоийнинг инсон ҳақидаги бош ғояси унинг «Лисон ут тайр» достони, «Ҳазойин ул-маоний», «Девони Фоний»даги шеърларида ҳам чуқурлаштирилган ва кенг изоҳланган. Навоий келажакка, инсон тақдирига том маънода ишонч билан қарайди. Шоир чин инсон бўлиш гарчи жуда қийин бўлса ҳам, лекин у бунга астойдил киришса, ўзини, феъл-атвори-ни назорат қила билса, жаҳолатни бутунлай тарк этса, фиръавнларга хос бўлган ғайриинсоний хусусиятларини унутса, нафсини тийса, у мақсадига тўла эриша олади. Бунинг учун унинг «зотида» ҳамма имкониятлар мавжуд. «Лисон ут-тайр» да шоир бу ҳақда мулоҳаза юритиб, инсонни энг юксак ахлоқий мартабаларга чорлаб дейди:

*Бордур инсон зотида онча шараф,
Ким ямон ахлоқин этса бартараф,*

*Бўлмаса фиръавнлиқнинг пайрави,
Қолмас ондин жуз сифоти мавлави².*

Инсонийлик ҳақида Навоийдан олдин яшаган Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Носириддин Рабғузӣй, Юсуф Амирий, Лутфӣй, Ҳайдар Хоразмӣй каби ўзбек шоирлари ва адиблари ҳам ўз фикрларини билдирганлар. Аммо Алишер Навоий ўзбек адабиёти учун инсонни янгидан кашф қилди. XV асрдан кейинги илғор ва демократик ўзбек адабиёти бу масалада Навоий йўлидан борди. Навоийнинг инсонпарварлик ғояларига ҳамовоз бўлди.

Ниҳоят Навоий инсонни бадиий жиҳатдан ҳам янгидан кашф этди. Лирик ва эпик асарларида ўнлаб маънавий бой ва юксак қаҳрамонларнинг образларини гавдалантириб берди. У минглаб шеърларни ўз ичига олган «Ҳазойин ул-маоний»даги лирик қаҳрамон – ошиқ ва маъшуқ, «Хамса» дostonларидаги Фарҳод, Мажнун, Ширин, Лайли, Дилором, Шопур, Навфал образларини ўзининг инсонпарварлик идеалларидан келиб чиқиб чизди. Бу образлар орқали бутун инсониятга оид тараққийпарвар ва халқчил ғояларни илгари сурди. Ёшлигидан бошқалар ғамини еган, меҳнатга ўрганган, билим излаган, вафони ўзига шиор қилган Фарҳод, тенги йўқ гўзал, қуёш нуридай мусаффо Ширин, ижтимоий тенгсизлик ва

¹ Алишер Навоий. Хамса. 104-бет.

² Алишер Навоий. Асарлар. 11-том, 217-бет.

адолатсизликка қарши исён кўтарган, муҳаббат ва садоқат рамзи – Лайли ва Мажнун, ҳақ сўз учун минг жафоларга маҳкум этилган, мустаҳкам иродали Дилором ва бошқалар ўзида улуғ шоирнинг инсон концепциясини ҳар томондан ёрқин гавдалантира олди.

Фарҳоднинг ёшлигидан бирон бахтсизликка учраган ёки йиғлаб турган одамни кўрса, унга бефарқ қарай олмагани, дардига шерик бўлишга интилгани ҳақида Навоий шундай дейди:

*Биравким зор йиғлаб, йиғлаб ул зор,
Топиб кўнгли эл озоридин озор¹.*

Бу Фарҳоднинг табиатидаги одабийликни кўрсатувчи порлоқ томонларидан биридир.

Шириннинг эса Хусрав совчиларига мағрур жавоб беришида унинг бутун ички маънавий гўзаллиги акс этган дейиш мумкин.

Хуллас, Навоий адабиётни, бадиий ижодни инсонсиз тасаввур эта олмайди. У ўзининг бутун ижодини инсонга бағишлади, инсон яхшиликларидан чексиз завқланди, илҳомланди. Салбий хусусиятларини, замон Хусравларини, замон жобирларини ва ёсуманларини эса муросасиз равишда қоралади. Инсон омили жамиятимизда биринчи ўринга чиққан қайта қуриш даврида Навоийнинг бой адабий меросини унинг инсон концепцияси билан боғлаб, янада чуқурроқ ва кенгроқ ўрганиш, амалий ҳаётга татбиқ этиш навоийшунослик фани ва педагогиканинг долзарб муаммоларидан биридир.

1

Алишер Навоий, Ҳамса. 189-бет.

ЮКСАК ФАЗИЛАТЛАР СОҲИБИ

Ҳар бир улуғ шоир ёки ёзувчи, олим ва санъаткор айна вақтда улуғ инсондир. Шунинг учун бундай ижодкорларнинг асарларини ўқиш, ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг шахсий ҳаётини ҳам билиш, уларнинг ҳаётини ижоди билан қўшиб ўрганиш керак.

Алишер Навоий ҳам шундай буюк сиймолардан эди. Навоийнинг ҳаётини ўрганишда олим ва ёзувчилардан О. Шарафиддинов, Е. Э. Бертельс, С. Айний, Ойбек ва бошқалар ўз илмий ва бадиий ижодларида кўп қимматли ишларни амалга оширдилар. Кейинги йилларда Навоийни ўрганиш яна ҳам қизиқ бормоқда.

Навоий вафотидан кейин унинг ҳақида яратилган биринчи йирик асар «Макорим ул-ахлоқ» эди. Буни Навоийнинг энг яқин шогирдларидан бири Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин Хондамир ёзганди. Чиндан ҳам Навоий замондошларини, аввало, юксак хулқ-ахлоқи, чин инсоний фазилатлари билан қойил қолдирган эди.

Хондамир Навоий ҳақидаги китобига бундан яхши ном топа олмаган бўлса керак. Хондамир Навоий сифатлари ҳақида бир китоб ёзди. Аслида бу бир неча китоблар мавзуси эди. Биз бу ўринда шу масаланинг айрим маълум ва номаълум томонларига қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Улуғ шоир шахсиятида биринчи кўзга ташланадиган нарса – бу унинг ўта юксак зеҳн ва қобилият эгаси эканлиги эди. У жуда эрта – тўрт-беш ёшларида ўқиш, ёзишни ўрганиб олди, шеърятга меҳр қўйди. Шоирнинг ўзи «Хазойин ул-маоний» дебочасида ёзишича, у етти-саккиз ёшларидаёқ шеърлар ёза бошлаган, ўн икки-ўн уч ёшларида Фаридиддин Атторминг бир неча минг байтдан иборат «Мантиқ ут-тайр» достонини бошидан охиригача ёд олган. Булар ҳаммаси унинг фавқулодда қобилиятидан дарак беради.

Навоийдаги бу ноёб қобилият ундаги меҳнатсеварлик сифати билан қўшилди. У ўз умрининг ҳамма даврларида меҳнат қилди, ўқиш, ўрганиш, ижод қилишда унда ҳеч қачон узилиш содир бўлган эмас. Буни Навоийнинг ўзи билан бирга барча замондошлари, хусусан, Хондамир ҳам қайд этади. Ижод касби бўлган Навоий Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърини мактубида йигитлик чоғлари ҳақида сўз юритаркан, бу вақтларда унга бир кунда юз байт шеър ёзиш ҳолва билан нонушта қилишдек осон иш эканини айтади. Бу Навоийдаги ижод соҳасида жуда эрта қўлга киритилган юксак малакадан дарак беради.

Навоий ўта саранжом ва саришталик билан, интизом ва изчилликда иш кўрар эди. Шунинг учун ҳам бизга унинг адабий мероси деярли тўла ҳолда, ҳатто қитъа ва фардларигача етиб келди. У ёзган нарсаларини эҳтиёт қилиб сақлар, йўқотмасликка ҳаракат қиларди. Дўстларига ва бошқа одамларга ёзган мактубларидан, одатда, нусха ҳам олиб қолган бўлса керакки, кейинчалик уларни тўплаб, ўзбек адабиётининг иншо намунаси бўлган «Муншаот» асарини яратди. У бошлаган ишини охирига етказмай қўймасди.

Навоийга хос яхши сифатлардан яна бири унинг ўта зийраклиги эди. Бу сифат ҳам унда жуда эрта кўзга ташлана бошлаган ва доим сақланиб қолган. Масалан, у 1464 йилда Машҳаддан Ҳиротга қайтиб келар экан, у ерда ўзига нисбатан ниҳоятда ёмон бир вазиятни сезади. Шу вақтда подшо Султон Абу Саиднинг ўзи бу ишнинг тепасида эди. Бундай аҳволни кўриб Навоий Самарқандга кетади. Акс ҳолда унинг ҳаётига катта шикаст етиши турган гап эди. Кейинчалик бош вазир лавозимини эгаллаган чоғларида ҳам у ғоят хушёрлик билан давлат ва мамлакат ишларини олиб борди. Мазлум халқнинг арз-ҳолига қулоқ солди,

доим уларга ёрдам кўрсатишга интилни. Шубҳасизки, Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро олдида катта обрў ва эътибори бор эди. Чунки унинг давлатини мустаҳкамлашда Навоийнинг меҳнати кўп сингганлиги маълум. Лекин Навоий бу билан ҳеч қачон мағрурланиб кетмади, доим эҳтиёткорлик билан иш кўрди.

Навоийнинг юксак фазилатларидан яна бири унинг адолат билан иш кўриши, доим ҳақиқат учун курашгани эди. Унинг адолат ҳақидаги тушунчалари ўз атрофидаги феодал ҳаётни кузатиш ва у ҳақда муҳокама юритиш, улў Шарқ шоирлари ва мутафаккирларининг бу масала юзасидан айтган фикрларини чуқур мутолаа қилиш ва танқидий ўзлаштириш асосида жуда эрта шаклланган эди. У бош вазир бўлиб турганида ва ундан кейин ҳам фақат Ҳуросон ва унинг пойтахти Ҳиротдан эмас, балки Мовароуннаҳрдан бошлаб одамлар унга арзга келганлар. Навоий кундузлари фақат шу хил ишларни ҳал қилиш билан шуғулланган. Ижодий иш билан эса кўпинча кечалари шуғулланар эди. Навоийнинг золимларга қарши нақадар қатъият билан, мардларча кураш олиб боргани, уларни фош қилгани ҳақида Хондамир бир қанча ажойиб ҳикояларни келтиради. Улардан бирида шундай дейилади:

«Мавлоно Соний золим киши эди. У бир қанча вақт вазирлик даражасига кўтарилган эди. Бошига катта салла ўрарди. Хуллас, унинг ёқимсиз қилиқлари Соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) нинг қуёшдек нурли дилига равшан бўлгач, унга ғазаб қилиб, бошидан салласини олиб ташлашга буюрди. Олийҳазрат (Навоий) ўша ернинг ўзида шу мисрани айтиб юборди:

*Чу бори сар сабук карди,
Сабук кун бори гардан ҳам¹.*

Мазмуни:

*«Бошининг юқини енгиллатдинг, энди (бошини олиб)
бўйнининг юқини ҳам енгиллатсанг яхши бўларди».*

Халқ олдида, подшо олдида Навоий Соний каби олимларнинг кўпини фош қилган, жазолаган. Бу эса ўз вақтида Навоийнинг инсоний шухратини кўкларга кўтарди. Навоийнинг раҳмдиллиги, инсонпарварлиги айрим ўринларда ҳатто афсонавий мазмун касб этган. Масалан, у подшо билан бир қиш Марвда турган. Шу фурсат ичида бир қашқар ғуррак Навоий яшаган чодирга тухум қўяди. Ҳиротга қайтиш вақти келганда эса Навоий чодирни бузмасдан, у ерда Хожа Ҳасан Бахтиёр деганни ўша қуш бола очгунга қадар махсус қолдириб кетади.

Ўз даврида Навоийнинг камтарлиги ҳам тилларда дoston бўлган. Унинг, масалан, бош вазир вазифасига кўтарилганда қоидага кўра барчадан юқорига эмас, балки энг қуйига муҳр босиб, ўз атрофидаги амалдорларни ҳайратга солгани ҳаммага маълум. Хондамир бу ҳақда сўз юритар экан «...Амирнинг ҳашамат ва эътибор байроғи юксала борса-да, тавозе ва камтарлиги ортгандан орта борди», – деб ёзиши бежиз эмас эди. Унинг кундалик ҳаёт тарзи ҳам ғоят оддий, ҳар қандай ҳашаматлардан холи эди. У «Вақфия»да барча даромадларидан ўз тирикчилиги учун оддий бир одамнинг харажати миқдоридагина маблағ олиб қолганини, қолган барча даромадларни эса эл-юрт йўлида сарф қилганини ёзади.

Навоий фазилатлари ҳақида гап борганда унинг дўстларига меҳрибонлиги тўғрисида ҳам сўзламай илож йўқ. У ўз ҳаётининг ҳамма даврларида одамлар орасида бўлишга ҳара-

¹ Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин Хондамир. Макоримул-ахлоқ. Тошкент, 1948, 62-бет.

кат қилган, кўп дўстлар орттирган ва дўстларга доим меҳрибон, ғамхўр бўлишга интилан. У бевақт ўлиб кетган дўсти Мирзобек ҳақида «Мажолис ун-нафоис»да: «Ҳайф ва юз ҳайф, водариғ ва юз минг дариғким, ҳаёт чашмасидан сероб бўлмади ва умр нахли мевасидан бар емади», – деб ёзади. Бу дил сўзлари шоирдаги дўстлик ҳиссининг нақадар самимий ва чуқур бўлганидан далолат беради.

Дўстлар даврасида Навоий ўзини эркин ва хушчақчақ тутган. У, айниқса, ҳазил-мутойибани севган. Унинг ҳазилкаш дўстлари кўп бўлган. Зайниддин Восифий «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида Навоий билан Биноий ўртасида кўп сўз ўйинлари ўтгани ҳақида маълумот беради. Бироқ Биноий ҳазилда кўп вақт ўлчовни йўқотиб, шахсиятга тегадиган гапларга ўтиб кетганки, бу Навоийга маъқул бўлмаган. Шу даврнинг машҳур қизиқчиси ва аскиячиси Мавлоно Абдулвосе билан эса Навоий тенгма-тенг ҳузур қилиб олишган. «Мажолис ун-нафоис»да Навоий шундай ҳазилкаш қизиқчилардан жуда кўпининг номларини айтиб ўтади.

Навоий ғаразгўй кишиларни, амалпарастларни, худбинларни жуда ёмон кўрган. Унинг ўша даврдаги энг катта сиёсий рақиби Мажиддин Муҳаммад бўлиб, ўтакетган худбин ва амалпараст эди. Унинг бош вазирлиги даврида «аҳволига футур етмаган киши қолмади», – деб ёзади Навоий. Навоий у билан бир умр келиша олмади ва ундай кишиларга асло бўйин эгмади. Яхшиликдан ёмонликни афзал кўрган, одамгарчиликнинг қадрига етмаган кўрнамакларга Навоий қандай муносабатда бўлганини билиш учун «Муншаот»нинг охиридаги 87-мактубни ўқиш kifоя.

Ниҳоят, Навоийнинг яна бир ўлмас фазилати – бу унинг олиҳимматлиги эди. Унинг бу фазилатини билмай туриб, асарларини тўла тушуниш қийин. Навоий ўз шахсиятида ўша даврнинг энг юксак ахлоқ қоидаларини мужассамлаб, ривожлантирган. Бу фазилат ва сифатлар ёшларимиз ҳаёти ва тарбиясида доим юксак намуналардан бўлиб қолмоғи керак.

ҲАЗАЛДА ИЧКИ РУҲИЙ ҲОЛАТ ТАСВИРИ

Ҳар қандай илғор адабиётдаги каби Алишер Навоий шеърӣй меросида ҳам инсон тасвирига асосий ўрин берилгани унинг улуғлигидан, умрбоқӣйлигидан гувоҳлик беради. Бу ҳол шоир ижодида ҳар қадамда яққол кўзга ташланади. Навоийдаги шеърӣй маҳорат инсон образини, унинг ички ва ташқи борлиғини атофлича чуқур, бадий гавдалантира билишида намоён бўлди.

Навоий ўз лирик шеърларида мавжуд адабий анъаналарга риоя қилиб, инсоннинг зоҳирӣй қиёфасини ошиқ, айниқса, маъшуқа образи воситасида кенг тасвирлаб бергани ҳаммага маълум. Лекин Навоий лирикасида ёр ва ошиқ ички дунёси бир хилда очилмаган. Навоийнинг ҳазаллари ва бошқа лирик жанрларга оид шеърларида унинг поэтик маҳорати кўпроқ ошиқнинг, баъзи ўринларда ошиқ-шоирнинг ички дунёсини, ички аҳволи руҳиясини бутун чуқурлиги ва нозиклиги билан очиб бериш орқали кишини ҳайратга солади. Масалан, Навоий бир ҳазалининг матлабиде ошиқнинг ўз севгилиси билан кўришиб, гаплашиб, чақ-чақлашиб, хайрлашишгандан кейинги ички кайфиятини шундай ифодалаган:

*Ёр бордию кўнглумда анинг нози қолибдур,
Андоқки қулоғим тўла овози қолибдур¹.*

Чиндан ҳам ҳаётда шундай: яхши кўрган одаминг билан хайрлашганингдан кейин бирдан уни унутишинг қийин. Тўғриси, унутгинг келмайди. У билан учрашувда бўлган гап-сўзларни, ҳазил-хузулларни эслаб, кечган ёқимли муносабатларни бир неча дамгача қайтадан кўз олдингга келтирасан киши. Навоий ҳазалидаги ошиқ ҳам ўз ёрининг ноз-карашмалари ҳаёлидан кўтарилишини истамайди. Унинг дилкаш сўзларини унута олмайди, жарангдор кулгилари қулоғида. Бу ғоят нозик ҳолат. Шундай тасвир Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достониде ҳам бор. Мажнун Навфалнинг қизи билан қовуша олмасдан, Лайли эса Ибн Саломнинг олдидан, яъни гўшангадан қочиб, икковлари дашт-биёбонда кечаси ҳаётларида биринчи ва охирги марта тўйиб кўришадилар. Шундан кейин Лайли уйига қайтганда узоқ вақтгача ўзини Мажнун билан бирга ҳис қилади, уни унута олмайди. Унинг димоғига эса Мажнуннинг бўйи ўтириб қолган эди, – дейди Навоий:

*Ёр иси топиб эди димоғи,
Онсиз бўла олмади фароғи².*

Бу бадий тасвирнинг юксак, энг таъсирли шаклларида бири. Бундай поэтик руҳӣй ҳолат тасвири орқали образнинг моҳияти, инсоннинг ички дунёси ёрқин очиб берилди. Биз Навоий лирикасида шу хил тасвирнинг ранг-баранг кўринишларига дуч келамиз. Ҳақиқӣй санъаткор ижодини бусиз тасаввур этиш ҳам қийин. Лекин бу соҳадаги Навоий бадий маҳоратининг реалистик санъатдан фарқ қилувчи анчагина томонлари борлигини ҳам унутмасликка тўғри келади. Масалан, Навоий лирикасидаги психологик тасвирга ҳам

¹ Алишер Навоӣй. Мукаммал асарлар тўплами. 3-том, 163-бет.

² Алишер Навоӣй. Ҳамса. 432-бет.

традицион образлар, традицион ғоя ва ташбеҳлар ўз таъсирини тез-тез кўрсатиб туради. Масалан, Навоийда шундай бир байт бор:

*Кўнгуллар ноласи, зулфунг камандин ногаҳон кўргач,
Эрур андоқки, қушлар қичқиршқайлар йилон кўргач¹.*

Бу ўринда ёрнинг соч ўримларини кўриб ошиқнинг афғон чекиши ҳамма шоирлар ижодида учрайди. Лекин бу байтнинг оригиналлиги шундаки, Навоий тасвирида ошиқнинг фарёд ва нолалари кучли, тоқат қилиб бўлмайдиган, бутун маҳалланинг диққатини тортадиган ноладир. Улар инига илон бош суқа бошлаганда жон талвасасида қичқира бошлаган қушларнинг нола ва фарёдига ўхшаб кетади. Ошиқ кўнглидан кўтарилган нолани бу хилда ҳаётий манзара орқали гавдалантириш натижасида Навоий лирик тасвири ички руҳий характер касб этган. Шарқ шеъриятида ёрнинг қадди ҳақида гап борганда, албатта, сарв дарахти эслатиб ўтилганидек, унинг сочи таърифланганда илон билан боғлиқ бир гап бўлади. Навоийнинг ушбу байтида ҳам шу анъана сақланган.

Навоий лирикасида психологизм баъзан ҳазил, мутойиба, кулги орқали содир бўлиши мумкин. Навоийнинг бир байтида ошиқ ўз севгилисининг дудоғини, яъни лабини орзу қилиб, афғон қилиб, бошини ҳар деворга уради. Ўзи ҳам биладик, бунга етишиш қийин. Лекин бу соддадил ошиқ ўз ҳавасини тарк эта олмайди. Бунга унинг иродаси етишмайди. Навоий ўз байтида бу фикрнигина ифодаласа, бунда ортиқча янги гап айтмаган бўлур эди. Шоир ошиқнинг ўз ёрининг дудоғини соғиниб, талаб қилиб йиғлашини – отасининг пули бор-йўқлигини суриштирмай бозордаги ҳолвадан олиб беринг деб қистаётган ва йиғлаётган содда, бегуноҳ, покдил боланинг аҳволига қиёслайдик, бу шеърга ёрқин ички кайфият бағишлайди:

*Хомтама кўнглум дудоғингни тилаб афғон қилур,
Бордурур ул тифлдекким, йиғлагай ҳалво учун!*

Навоий қуйидаги байтда ошиқнинг ишқини шундай таърифлайди:

*Ашк ичинда ғарқамен зулфингни тутмайманму деб,
Ўйлаким тожир тенгиз ранжин чекар савдо учун².*

Мазмуни:

«Денгиз тўлқинлари ва унинг бошқа азобларини чекиб савдо аҳллари охири ўз мақсадларига эришганлари каби мен ҳам кўз ёши тўка-тўка, оҳ-воҳ билан охири сенинг висолинга эришсам, гўзал сочларингни ўз қўлларим билан ушласам, силасам ажаб эмас», – демоқчи ошиқ ўз севгилисига.

Бу хил сатрларда Навоийнинг асосий мақсади ўз лирик қаҳрамонининг ички дард, ҳаяжон ва изтиробларини, қалб интилишларини, кўзга кўринмас қайғу ва ҳасратларини кўзга кўринарли, сезиларли қилиб тасвирлашдир. Бунинг учун Навоий кўп ўринда параллелизм усулидан фойдаланади. Унинг қаҳрамони ўз ўтли ишқидан сўйлаб, матлаъларидан бирининг илк сатрида:

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 3-том, 96-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 3-том, 375-бет.

Чиқиб ишқ ўти кўксам чокидин, бошимдин ошибдур, – дер экан, бу сатрда бадийлик кам бўлиб, традиционлик устундир. Бироқ шоир бу билан чекланмайди, ошиқнинг ушбу эмоционал ҳолатини кейинги сатрда янада кучайтиради ва охири енгилишини, қариб, қуриб, ичидан ўз-ўзидан ўт чиқиб ёниб кетган дарахтга ўхшатадики, бунда ҳаётини маъно чуқур:

Бу эскирган йиғочга ўз ичидин ўт тутошибдур¹.

Ошиқ ўзидан ўтганини ўзи билади. Унинг ҳижрондаги ички изтироблари билан кимнингдир иши бор, кўпларнинг эса иши йўқ. Шундай ҳолатда ошиқнинг ҳаётида фалокат юз бериши, бошқалар эса доғда қолиши мумкин. Қуриб, қақшаб турган дарахтнинг ёзнинг иссиқ бир кунда ўз-ўзидан ёниб кетиши билан ошиқнинг ички ҳолатида (ҳаётини фожиасида) катта ўхшашлик бор. Уларни бир-бирига муболағали таққослаш, ёнма-ён тасвирлаш орқали, бизнингча, бу ерда психологик тасвирнинг ўзига хос бир намунаси юзага келган.

Параллелизм Навоий лирикасида психологизмни майдонга келтирадиган ягона йўл эмас, албатта. Масалан, қуйидаги байтларда шоир ошиқнинг ўз душмани – рақиб билан-ўнгидагина эмас, тушида кўришганда ҳам қандай аҳволга тушганлигини, рашкдан, ғазабдан тишларини ғирчиллатганини, эртага ёридан айрилиб қолиши ҳаёлига келса, телбалардек кулиб туриб йиғлаб юборишини ҳаққоний, бевосита тасвирлаган:

*Тушда кўрдум ёрни: хандон рақибим ўтруда;
Рашкдин ҳар лаҳза тиш қарчилдотурмен уйқуда.*

*Ул пари васли аро ёдимга кирса фурқати,
Телбалар янглиғ тўкармен ашк айни кулқуда²*

Руҳий ҳолат тасвири Навоий асарларида алоҳида мақсадга эмас, шоирнинг умумий мақсади, ниятини чуқурроқ, аниқроқ, таъсирлироқ очишга, ҳаёт мураккабликларини, инсонларнинг ўзаро алоқаларининг мушкулликларини, турмушдаги турли-туман зиддиятларни бадийий изоҳлашга, улардан кўз юммасликка, уларни тўғри тушуниб олишга қаратилгандир. Бу жараён, яъни ҳаёт ҳодисаларини психологик йўналишда англашга, таҳлил этишга интилиш Навоий лирикасида ҳам ёнма-ён тасвирлаш каби оддий шакллардан мураккаб шакллар томон ўсиб боради. Баъзан бир ғазалнинг ўзида биз ошиқнинг турли-туман бир неча кайфиятлари ўз аксини топганлигини кўрамиз. Қуйидаги ғазалда Навоий ошиқнинг ўз ёрининг узоқда бегона ерларда, бегона одамлар орасида юрганини ўйлаб не-не ҳаёлларга борганини, бетоқат бўлганини лирик монолог шаклида баён қилган дейиш мумкин:

*Бировки, қўнди кеча ўзга ерга ёри анинг,
Кўзидин уйқу ўчарға не ихтиёри анинг.*

*Кишики, дилбари ағёр бирла тутти қарор,
Ажаб эмасдур, агар қолмаса қарори анинг.*

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 5-том, 109-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 5-том, 25-бет.

*Замона ҳўбларидин вафо тамаъ қилғон,
Ўт истагайки, сув қилғай аён шарори анинг¹.*

Навоийнинг бу ғазалига унинг «Ёнида бўлмасам...» деб бошланган ғазали кўп жиҳатдан – мавзу томондан ҳам, ички кечинмаларнинг баён шакли нуқтаи назаридан ҳам ҳамоҳанг кўринади. Бунда ҳам ошиқ ёнидан йўқотган ёрини қўмсаб, ўзини қаерга қўйишни билмай, ўзи билан ўзи гаплашиб тунларни тонгларга улайди. Уни рақиб билан бирга кўрганда эса ўзидан кетиб қолиш даражасига боришини тан олади, ўз қадрига йиғлайди, гарчи ишқ бобида унинг кўнгли қуёшдек пок бўлса ҳам, аммо замона ва ёри олдида қадр-қиммати йўқлигига, бамисоли «тийра хок» – қора тупроқ эканига ич-ичидан ўкинади:

*Ёнида бўлмасам нафасе – дарднокмен,
Кўрсам ёнида ғайр, худ ул дам ҳалокмен.*

*Жонимға юз ғам игнасини тикти ул Масих,
То билдиким, қуёш киби ишқида покмен.*

*Васлинг тахайюли, мену инсофдин эмас, –
Ким руҳи пок сенсену мен тийра хокмен².*

Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари, инсон қадр-қиммати ҳақидаги орзулари шу хил бадий-поэтик тасвир ва манзаралар шарофати билан ҳаётийлик касб этади. Натижада бу хил шеърлар одамлар қалбининг тўридан жой олиб, уларнинг маънавий мулкига, пок туйғу ва интилишларнинг ойнасига айлана боради. Навоийнинг ҳижрон мавзусидаги шеърларида ички кечинмалар кўп вақт ачинарли, мусибатли томондан намоён бўлади. Масалан, шоирнинг:

*Телба кўнглум жавридин андоқ паришонҳолмен,
Ким анинг бедодининг шарҳин демакдин лолмен³, –*

матлаъи билан бошланган ғазалида ошиқ ўзининг ғам хайлига помоллигидан, «заъф аро беҳол»лигидан, қамиш ичидаги қилдай нозиклашиб кетганидан («Нолмен») юраги эзилиб шикоят қилади. Бошқа бир ғазалида у ҳижроннинг дастидан сиқилган анордек бўлдим дейди. Қуйидаги байтда эса у ҳижрон мени шу даражага олиб бордики, ўзим йўлимни эплаб юра олмайман, деворга таяниб юраман, дейди. Ошиқнинг ташқи аҳволи тасвиридан ички аҳволини ҳам билиб олиш қийин эмас:

*Ҳажр бепоён йўлин қатъ айламак душвор эрур,
Заъфдин менким юрурмен қўл таяб деворга⁴.*

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 5-том, 245-бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 3-том, 363-бет.

³ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 6-том, 322-бет.

⁴ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 3-том, 434-бет.

Кўп ўринда ошиқ ўтли ва самимий ишқдан, азоб-уқубатлар, адолатсизликлар, раҳм-шафқатсизликлар туфайли куч-қувватидан, инсоний ташқи қиёфаси, ақлидан жудо бўлаётганидан арз қилади. Буни биз ушбу ғазалида яққол кўришимиз мумкин:

*Ишқ ила бўлдум масал, савдо билан афсона ҳам,
Шукриллинаҳким, яна ошиқмену девона ҳам.*

*То унутди ошнолик расмин ул бегонаваш,
Ошно йиғлар менинг ҳолим кўруб, бегона ҳам,*

*Ғам туни мендурмен оху ашкдин шамъим ўчуб,
Бошима емрулғали турмуш бузуқ қошона ҳам.*

*Элга меҳринг бор, бузуқ кўнглумга ҳам, бир зарра боқ,
Ким қуёшнинг тобидин маҳрум эмас вайрона ҳам¹...*

Охирги байт бизнинг хотиримизга Навоий анъаналарининг адабиётимиздаги энг яхши давомчиси Муҳаммадризо Огаҳийнинг машҳур мана бу байтини келтиради:

*Эй шоҳ, карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини,
Ким меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина.*

Демак, Навоийнинг ғазаллари адабиётимиз тарихида жуда муҳим ўрин эгаллаган. Бошдан-охир руҳий ҳолат тасвири билан суғорилган ғазаллар Навоий девонларида жуда кўп. Уларни илмий жиҳатдан ўрганиш эндигина бошланмоқда. Масалан, «Хазойин ул-маоний» да ошиқнинг (Навоийнинг баҳор палласидаги кайфиятларини тасвирловчи) бир қанча ғазаллари бор. Мана улардан баъзиларининг матлаълари:

*Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,
Булбул ўлғондек хазон фасли гулу гулзорсиз²...*

*Навбаҳор ўлдию айшим гулбуни очилмади,
Ком ила бир ғунчаси, билким, табассум қилмади³*

*Баҳор бўлдию гул майли қилмади кўнглум,
Очилди ғунчаю лекин очилмади кўнглум⁴...*

Бу каби ғазалларда ўрта аср шароитида моддий, маънавий, сиёсий исканжаларда беҳад қийналиб, азоб-уқубатларда кун кечирган, аҳволи забун, мазлум табақа кишиларининг ички дунёси ифодаланган, – десак хато қилмаган бўламиз. Бундай ғазалларнинг ҳаммасини унинг маҳоратини ўрганиш борасида ички руҳий тасвир йўналишида таҳлил қилиш ўринлидир.

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 3-том, 321-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами, 3-том, 175-бет.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами, 3-том, 489-бет.

⁴ Ўша китоб. 3-том, 317-бет.

Биз бу ўринда шоирнинг ошиқона ғазалларидаги бир неча ўринларгагина тўхталдик. Ички руҳий ҳолат тасвири билан боғлиқ Навоий шеърларидаги бу хусусиятлар унинг автобиографик мазмундаги ғазал ва рубойларида, мухаммас, таржеъбанд ва бошқа тур шеърларида янада чуқурлашди.

БОЛАЛИКНИНГ ШЕЪРИЙ ИХТИРОЛАРИ

Навоийшуносликнинг мураккаб масалаларидан бири улуғ шоирнинг шеърий меросини даврлаштиришдир. Бу масалага биринчи бўлиб 1940 йилларда шоир ва катта навоийшунос Мақсуд Шайхзода эътибор қилган. У «Хазойин ул-маоний»га кирган тўрт девон («Ғаройиб ус-сиғар»–«Болалик ғаройиботлари», «Наводир уш-шабоб» – «Йигитлик нодирликлари», «Бадоеъ ул-васат» – «Ўрта ёш бадиалари», «Фавоид ул-кибар» – «Кексалик фойдалари») киши умри фаслларига қараб номланганини ғоят шартли деб баҳолаган эди. Шайхзода «Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида» деган мақоласида «Ғаройиб ус-сиғар»даги:

*Кечти умрум нақди ғафлат бирла нодонлиқда, ҳайф
Қолғони сарф ўлди андуху пушаймонлиқда, ҳайф¹*

матлаъи билан бошланган ғазалнинг биринчи девондан жой олганини, уни асло болалиқда ёзилган шеърлар сирасига киритиш мумкин эмаслигини таъкидлаган.

Навоийшунос олим Ҳ. Сулаймоновнинг катта хизмати шундаки, у улуғ шоир девонларининг қадимий қўлёзма нусхаларини ўрганиб, уларни бир-бирига муқояса қилиб, таснифлаб, шу асосда шоир лирик мероси яратилишининг умумий шакллари белгилади. Бу унингча ҳам тўрт давр – болалик, ёшлик, ўрта ёш, кексалик даврларидан иборат бўлиб, биринчиси 1464–1465 йилларгача, иккинчиси 1480 йилларгача, учинчиси 1490 йилларгача бўлган ва тўртинчиси ундан кейинги даврлардир.

Булар орасида энг мураккаби – Навоийнинг болалик ва йигитлик даврларида ёзган шеърларини бир-биридан ажратишдир. Навоий «Хазойин ул-маоний» «Дебоча»сида ўзининг «кичик ёшдин ... шеърнинг паришон савдосига гирифтор бўлғони»ни, биринчи болалик («туфулият») девони – «Ғаройиб ус-сиғар»га «етти-саккиз ёштин йигирма ёшқача» бўлган даврда ёзилган шеърлари киритилганини айтади. Навоийнинг болалиқдан то 24–25 ёшгача ёзган шеърлари фанда «Илк девон» деб ном олган ва унинг мухлислари томонидан тузилган девон орқали бизга етиб келган. Бу девон 1464–1465 йилларда кўчирилган. Демак, биз 15–16 ёшгача бўлган даврни йигитлик даври деб оладиган бўлсак, бу девонда шоирнинг болалик ва йигитлик чоғида ёзган шеърлари аралаш ҳолда жойлаштирилган. Ҳ. Сулаймонов илмий тадқиқотларида эса бу девонга кирган шеърларнинг ҳаммаси болалик (ёшлик) даврига оид деб қаралган. Навоийшунослик фанининг вазифаси имкони борича шоирнинг болалик ва йигитлик даврларида ёзган шеърларини бир-биридан фарқлаб беришдир.

«Илк девон» ҳақида навоийшунос олим Ё. Исҳоқов махсус илмий текшириш олиб борган ва 1965 йили «Алишер Навоийнинг илк лирикаси» номли илмий монографиясини эълон қилган. Лекин олим «Илк девон»даги барча шеърларни Навоийнинг илк лирикаси деб қараб, уларни болалик ва йигитлик даврларига бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган.

Бу мураккаб вазифага биринчи қўл урган киши таниқли навоийшунос олим Иззат Султон бўлди. У «Навоийнинг қалб дафтари» (1968) илмий тадқиқотида буюк шоирнинг «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» асаридаги маълумотларга суяниб, унинг уч ғазали ва бир

¹ Ўша китоб, 247-бет.

маснанийсининг ҳижрий 860, милодий 1455–1456 йилларда, тўғрироғи, бундан олдин ёзилганини аниқлаган. Бу вақтда Навоий 14–15 ёшларда бўлган.

Бу уч ғазал матлаълари қуйидагичадир:

*Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар.*

*Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқидин олам манга ҳайрону мен ҳайрон анга.*

*Лабинг кўргач, илигим тишларам ҳар дам таҳайюрдин,
Ажаб ҳолатки, болни тутмайн, бармоқ ялайдурман.*

Навоий хабар беришича, Саййид Ҳасан Ардашер унинг шу матлаълар билан бошланган ҳазиломуз ғазалларини ёд билар, севиб, қайта-қайта ўқир экан. Демак, Навоий шу 14–15 ёшларидаёқ шеърларини одамлар севиб ўқийдиган машҳур шоир бўлган.

Иззат Султон Навоийнинг болаликда ёзган мазкур ғазалларини тўлалиги билан шоирнинг «Илк девон»ида ҳам борлигини аниқлаб, сўнг уларни таҳлил этган ва уларнинг бадийиятига юксак баҳо берган.

«Илк девон»даги шеърларда Навоийнинг болаликда ёзилганларини ажратиб олишнинг биринчи қийинлиги шундаки, уларнинг деярли барчаси анъанавий ишқ мавзусида. Бу мавзунини ёритиш учун танланган бадий образ ва тасвирий бўёқлар ҳам анъанавий шаклларга эга. Шунинг учун бундай шеърлар ҳақида шартли равишдагина фикр юритиш мумкин.

Навоий, масалан, «Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар...» деб бошланган ғазалида бадий маҳоратнинг шундай юксак нуқтасига кўтарилганки, бу ғазал ҳар жиҳатдан шоирнинг кейинги даврда ёзилган яхши ғазаллари қаторидан жой олиши мумкин.

Бунда шоир ўз ёр-дўстларидан, аввало, севган маъшуқасидан айрилиб, йўл ўртасида якка-ёлғиз қолган ошиқнинг аянчли ҳолатини карвондан ажралиб қолиб, атрофга йиғлаб нола қилаётган итга қиёслайдик, бу ғоят таъсирли ташбеҳ;

*Бордилар ахбобу мен йиғлармен ўз аҳволима, –
Карвондин қолғон ит янглиғки қилғай нолалар¹.*

Лекин ҳар қандай мушкулликларга қарамай, улуғ шоир меросининг даврий чегараларини аниқлашга ҳаракат қилмоғимиз, бунинг учун девонларни қиёсий ўрганиш усулидан, тарихий маълумотлардан, шеърларнинг ўзидан келиб чиқадиган ғоявий-тематик ва бадий хусусиятлардан фойдаланишимиз зарур. Шу жиҳатдан биз Навоийнинг «Қачон мактабда ул моҳи муаддаб...» – деб бошланувчи ғазалига диққатни тортмоқчимиз. Бизнинг назаримизда, бу ғазал Ҳ.Сулаймон жадвалида ўрта ёшда ёзилган дейилса ҳам, аслида, шоирнинг болалик чоғида ёзилган. Чунки бу ғазалда ўқиш учун мактабга қатнаётган бир қиз ҳақида гап боради. У қиз шундай гўзал ва шундай одоблики, мактабдошлари, қолаверса мактабдаги ҳамма каттаю-кичик унинг ой (моҳ)дек юзини кўриб ўзларидан кетадилар:

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 3-том, 138-бет.

*Қачон мактабда ул моҳи муаддаб –
Борур, ўздин борурлар аҳли мактаб¹.*

У қиз қўлига олтин билан безатилган тахтани олиши билан «лавҳи забаржад аҳли» – ўқувчи ва ўқитувчилар ҳам унга лоқайд қараб тура олмайдилар, ҳайратга ботадилар:

*Бўлур лавҳи забаржад аҳли ҳайрон, –
Чу олур илкига лавҳи музаҳҳаб.*

Қиз тахтадаги ҳарфларни бурро-бурро қилиб ўқий бошлаганида эса каттаю-кичик унинг ақл-заковати ва зеҳнига қойил қолиб, унинг атрофида ой ва қуёшдек айлана бошлайдилар:

*Дегач абжад, бошиға уйрулурлар
Қамар бирла қуёш яъни жаду аб.*

Бу ўринда унинг атрофида айланган ой ва қуёшни «жаду аб» – «ота ва она»га ўхшатилагани ҳам ғоят чиройли, самимий. Чиндан ҳам бола атрофида ота ва онадан ортиқ ким гиргиттон бўлиши мумкин!? Навоий таърифича, бу қизнинг истеъдодига фақат болалар («атфол») эмас, бундан хабар топган катталар ҳам ўз ижобий туйғуларини ҳаяжон, қичқириқ («фарёд») билан ифодалашга ҳаракат қиладилар:

*Нечунким мактаб атфоли хуруши,
Ғамидин халқ аро фарёд: «Ё Раб!»*

Синф ташқарисида бу қизни кутиб турган йигит – Навоий эса муаллимга хат орқали мурожаат этиб, ўз севиклисини дарсдан барвақтроқ олиб кетиш пайида:

*Муаллим қуллуғиға хат берурмен, –
Ғар озод ўлса ул сарви шакарлаб.*

Ғазал матлаъидан кўринишича, Навоий бу давр шеърларида юлдуз образидан тез-тез фойдаланган. Буни биз унинг «Оразин ёпқоч...» деб бошланган ғазали матлаъида ҳам кўрган эдик. Бу матлаъда ҳам Навоий ошиқнинг, яъни ўзининг кўз ёшини юлдузлар («анжум») га ўхшатиб шундай дейди:

*Навоий ашкидин то шом анжум
Тўкар, – чиққайму деб ул саъди кавкаб.*

Демак, ошиқ – Навоий, бу бахт юлдузи («саъди кавкаб») – ўз севгилисини гоҳ мактаб эшигида, гоҳ унинг уйи олдида кутиб, бир эмас бир неча бор кўз ёшлари тўккан. Биз бу шеър Навоийнинг болалигида – унинг шахсий туйғуларидан келиб чиқиб ёзилган деган фикрдамиз. Киши бундай беғубор туйғу ва кечинмаларга кўпроқ ёшлигида ошкора ва қаттиқ берилиши мумкин.

¹ Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами. 6-том, 38-бет.

Лекин масаланинг қизиқ томони шундаки, бу ғазал «Илк девон» ёки «Ғаройиб ус-сиғар» ёки «Наводир уш-шабоб»га эмас, балки биринчи марта «Наводирун-ниҳоя» девонига, сўнг эса охириги девон – «Фавоид ул-кибар»га жойлаштирилган. Навоий девонлари қўлёзмаларига юзаки муносабатда бўлган олимлар шундан келиб чиқиб, уни шоир ўрта ёшларида ёзган, деган фикрга келганлар. Аслида бу шеър ўз мазмунига кўра анча олдин – болаликда яратилган ва қандайдир сабаблар билан кейинги девонларга киритилган. Бундай «нотўғри» жойлаштирилган шеърлар, бизнингча, яна кўп аниқланиши мумкин.

Биз Навоийнинг болалик даври шеърлари билан танишар эканмиз, аввало кўзга ташланадиган фазилат – бу унинг шеър техникасини пухта эгаллагани, бирон жойда қофия ёки вазнда сохталик йўқлигидир. Шу билан бирга у ҳаёт, табиат, инсон ҳақида ҳам жуда эрта чуқур мулоҳазалар юрита бошлаган.

Навоий ёшлигидан бошлаб ўз бадий тасвирларида анвои ранглар топишга, ўз шеърларини ҳазил-мутоибалар билан суғоришга муяссар бўла бошлаган. Шу билан бирга у табиатга қанча маҳлиё бўлмасин, диққат марказида инсон, инсон гўзаллиги, инсон бахт-саодати турган. «Юзи олдида гул, – наззора қилдим, – ҳўб эмас онча...» – деб ёзган шоир маъшуқа тимсолида инсонни табиатнинг гултожи деб билган, уни ҳар қандай гул ва сарвлардан устун қўйган. Шу билан бирга инсонга муҳаббат, унга ғамхўрлик Навоий ижодининг бош ғоявий йўналишига айлана борган. Ўз маҳбубасининг бетоблигини эшитган шоир унинг тузалиб кетишини Худодан сўраб, ўз саломатлиги, бахти у билан боғлиқ эканини очиқ-ойдин ифодалаган:

*Ёрабки, Навоий ғаму дардиға даво бер,
Ким ёр саломатлиғи дардимға даводур¹.*

Навоийнинг бу даврда яратган севги лирикаси гоҳ борлиқ ҳаёт таассуротлари асосида, гоҳ у севган Мавлоно Лутфий, Гадой, Амирий, Саккокий каби ўзбек шоирлари, Шайх Саъдий, Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий каби форс-тожик шоирлари шеърлари таъсирида юзага келар эди. Масалан, Навоийнинг «Илк девон»идаги:

*Хаста кўнглум ўртанур, гўё севар жоним борур:
Йиғлағум келур магар гулбарги хандоним борур –*

матлаъи билан бошланган ғазали Шайх Саъдийнинг қуйидаги ғазали таъсирида ва йўлида ёзилган:

*Эй сорбон, оҳиста рон, к-ороми жонам меравад;
Он дил, ки бо худ доштам, бо дилситонам меравад.*

Мазмуни:

Эй, туякаш, туянгни секинроқ юргиз, ахир унда менинг севгилим кетмоқда. Менинг дилим эса у билан бирга бормоқда деб тахмин қилиш мумкин. Бу икки ғазал орасида, айниқса, радиф масаласида катта ўхшашлик бор («меравад» – «борур»).

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 6-том, 134-бет.

Навоийнинг болалик чоғида ёзилган яна бир ғазали «чўх» радифи билан яратилган:

*Ул париваш хўрнинг мен телбадек шайдоси чўх;
Не ажаб, гар бўлса олам мулкида ғавғоси чўх.*

«Чўх» сўзи озарбайжон ва туркман тилларида «кўп» деган маънони билдиради. Бу эса шуни кўрсатадики, Навоий ёшлигидан бошлаб ўзбек, форс-тожик тилларидаги адабиётларни ўқиш билан чекланмасдан, туркман, озарбайжон тилларидаги китобларни ҳам севиб ўқиган, шу халқларнинг вакиллари билан турли муносабатларда бўлиб, уларнинг айрим сўз ва ибораларини ўз шеърларига олиб киришни ёқтирган.

Бундай далиллар ёш Навоий шеъриятининг жуда эрта ҳаётий, ижтимоий-сиёсий ва маданий заминда ривожлана бошлаганидан далолат беради. Навоий болалик даврида ҳам катта шавқ-завқ билан ижод қилганини, кўп вақт мисралар ўзи дарёдай қуйилиб келганини айтади:

*Навоийё, қаламинг жавфи баҳр йўлимидур, –
Ки турмайин ичидин дурри шоҳвор келур.*

Лекин улуғ шоирнинг шу даврда яратган бой шеърый мероси кам ўрганилган. Бу меросни чуқур ўрганиш ҳозирги адабий ҳаёт, айниқса, ёшларимиз учун катта амалий аҳамиятга эгадир.

МЕҲНАТ, ТАБИАТ ТАЛҚИНИ

Табиат Шарқ шеърятининг бешиги, десак, хато қилмаган бўламиз. Хусусан, лирикани Шарқ халқлари адабиётида гулу булбулларсиз, боғу бўстонларсиз, сарву шамшодларсиз тасаввур этиш қийин. Алишер Навоий ижодида ҳам табиатга қараш ғоят чуқур ва гўзал талқин этилган бўлиб, бу улуг шоир шеърятининг ҳаётийлигини, умрбоқийлигини таъминлаган муҳим омиллардан биридир. Навоий табиатнинг кўп ишларини, ундаги талай воқеа ва ҳодисаларни одамларга ўрнатқилиб кўрсатади, ҳар қадамда табиатдан ўрганишга чақиради. Масалан, «Бадоеъ ул-бидоя» дебодасида шоир лоланинг пиёзи ер остидан ўзича ўсиб чиқади ва одамларнинг кўзини қувонтириб лола очади, ипак қурти эса одамларни яхши, нафис кийимлар билан безаш учун ипакка айланади, наҳотки одамзодда лоланинг ғайрати, ипак қуртининг ҳиммати бўлмаса?! Инсон улардан онгли ва юқори-ку, деган маънони илгари суради:

*Тухм ерга кириб чечак бўлди,
Қурт жондин кечиб ипак бўлди.
Лола тухмича ғайратинг йўқму?
Ипак қуртича ҳимматинг йўқму?*

Ўз даври учун анча илғор саналган ана шундай қарашлар ичида Навоийнинг деҳқон ва унинг меҳнатига, муносабати жуда юқори бўлган. У «Тухфат ул-афкор» қасидасида ерни қоида бўйича ҳайдаб, табиатни гўзал ҳолга келтирувчи деҳқонни мамлакатни обод этувчи одил подшога қиёслайди. Тинимсиз уруш қилиб, ўлкаларни, экинзорларни хароб қилувчи подшоларни эса ёввойи қобонга таққослайди:

Мамлакатни яшнатишда одил подшоҳ билан золим подшоҳ бир эмас,

Чўчқанинг «ер ҳайдаши» билан деҳқоннинг ер ҳайдаши бир бўлмагани каби¹ – дейди.

Жамиятга фойда келтирмайдиган, одамларни алдаб кун кўрадиган ижтимоий гуруҳлар қаршисида деҳқон ўзи яратган моддий неъмат билан доим ажралиб туради.

Навоийнинг деҳқон меҳнати, бу меҳнатнинг ўзига хослиги, деҳқоннинг кишилиқ жамиятида тутган мавқеи билан боғлиқ фикр ва мулоҳазалари унинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида тўла акс этган. Шоир ёзади: «Деҳқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар». «Маҳбуб ул-қулуб»да таъриф-тавсифи берилган бирон ижтимоий табақа ҳақида Навоий бу даражада пафос билан гапириб, унинг яратувчилик фаолиятидан бу қадар завқланмаган! У деҳқонни унинг қўши, ҳўкизисиз тасаввур эта олмайди. Унингча, ҳўкиз деҳқоннинг «ҳамдам ва ҳамқадами», ўзи эса уларни ишга солиш, бўйсундиришда Одам Атони эслатади: «Қўши ҳам икки зўр паҳлавон, юкуга бўюн сўнуб олида равон; иш қилурда ҳамдам ва ҳамқадам, деҳқон аларни сурурда андоқки Одам»².

Шоир талқинича, оламнинг маъмурлиги, дунёдаги барча одамларнинг хурсандчилиги деҳқон ва унинг ҳўкизларининг ҳамкорликда қилган меҳнатига, ҳаракатига боғлиқ: «Олам маъмурлиги алардин, алам аҳли мағрурлиги алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракат».

¹ Алишер Навоий. Асарлар, 5-том, II китоб, Тошкент, 1965, 352-бет.

² Алишер Навоий. Асарлар, 13-том, 30-бет.

Улуғ шоирнинг инсон ҳақидаги фикрлари деҳқон тимсолида ўзининг энг ёрқин ифодасини топган дейиш мумкин. Навоий фикрича, ҳақиқий инсон меҳнат қилиши, меҳнати билан кун кўриши керак. Шу билан бирга, инсон фақат ўзини ўйламаслиги лозим. У ўзидан бошқа мавжудотларнинг ҳаётини ҳам ўйлаши, имкони борида ҳалол меҳнати билан оламни маъмур ва кишиларни масрур этишга интиломи даркор. Шоирнинг нуқтаи назари, деҳқон том маънода яратувчи, оламни гўзаллаштирувчи, «қурту қуш»лардан тортиб, фуқаро ва амалдорларгача ҳаммасини боқувчи, шоирларнинг шеър, бастакорларнинг куй яратишига имкон туғдирувчи олижаноб бир етук инсон. У буғдой экиб, нон билан таъминламаса, тоат-ибодат қилувчилар аҳволи ҳам танг ва ҳоказо.

Деҳқон дон етиштириш, моддий бойлик яратиш билангина чекланмайди. Унинг фаолияти ранг-баранг. У одамларга руҳий озиқ беришга ҳам уринади: «Боғи жаннатдин намудор, полизида рух қути падидор. Ашжор (дарахтлари) нинг ҳар бир чархи ахзар, у шажар ва раёҳин (райҳонлар) ва фавоқиҳи (мевали боғ) нужум ва ахтар, фуқаро сирка ва душоби андин, ағниё нуқлу майи ноби андин».

Навоийнинг деҳқон ва унинг меҳнати билан боғлиқ қарашлари унинг бошқа асарларида, хусусан, «Ҳайрат ул-аброр» достонида ҳам ўзининг гўзал шеърӣ ифодасини топган. Лекин «Ҳайрат ул-аброр»да Навоий кўпроқ деҳқончилик маданияти, деҳқон масъулияти тўғрисида гапиради. Шоирнинг фикрича, ўз зиммасига жамиятни боқиш, ерни янада кўркамлаштириш, одамларга, турли касб эгаларига яхши ижодий кайфият бағишлаш вазифасини олган деҳқон, боғбон ўз меҳнатининг қадрига етиши, касбини улуғлаши, ғафлатда қолмаслиги, доим сергак ва хушёр бўлиб, ўз ишининг самарадорлигига эришиши керак. Боғбон, деҳқон тинмай туну кун» парвариш қилсагина, у эккан кўчат униб ўсиб, катта бўлиб, мева бериши, гул бўлиб очилиши мумкин:

*Нахлға деҳқон чу берур парвариш,
Бўлур анга мева-у гул бермак иш¹.*

Акс ҳолда унинг ўтқазган кўчати қуриб, ўтинга айланади. Унга тегишли чаман эса чаманликдан маҳрум бўлади:

*Боқмаса деҳқон чаманин туну кун,
Наҳли тарин англа қуруғон ўтун².*

Пахтакорми, ғаллакорми, ким бўлмасин, у ердан яхши ҳосил олиш учун деҳқончилик маданиятига қаттиқ риоя қилиши, ерга уруғ сочишдан олдин мола босиши, ерни текислаши, экин сувни тенг ичишига эришиши керак; экин сувни барабар ичмаса, уруғ ҳамма ерга бир хил сепилмаса, ҳосил ҳам ҳар жойда турлича бўлади:

*Моласиз ул тухмки, деҳқон сочар,
Сувни тенг ичмас – неча яксон сочар³.*

¹ Алишер Навоӣ. Ҳамса. 102-бет.

² Ўша китоб, 59-бет.

³ Ўша китоб, 91-бет.

Айни вақтда шоирнинг ёзишича, деҳқончилик ҳалол, покиза иш бўлиб, унга ҳаром ара-лашмаслиги шарт. Бирон бой (ғани) зўрлик билан экин экса, дон сочса, унинг деҳқончили-ги яхши самара бермайди. Сепган уруғларини эса чумолилар ташиб кетиши турган гап. Бой чапагини чалиб қолаверади. Навоий айтишича, деҳқончиликнинг табиати адолатсизлики-ни кўтармайди, зулм билан келиша олмайди:

*Экса ғани тухм, қилиб элга зўр,
Тухмини торож қилур хайли мўр¹.*

Ҳамиша деҳқончиликнинг зарур таркибий қисмларидан бери боғдорчилик бўлган. XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросон ва унинг маркази Ҳиротда боғдорчиликни ривожлан-тиришга алоҳида эътибор берилган. «Ҳайрат ул-аброр»да Навоий Ҳирот майдонлари ва боғларини таърифлар экан, бу ердаги боғбонларнинг маҳоратига таҳсинлар ўқийди. Улар етиштирган гуллар, мевалар, буларнинг хиллари кўзни қамаштирадиган даражада ранг-баранг бўлган. Бу даврда боғдорчилик соҳасида пайвандчилик тараққий этган бўлиб, бир дарахтга бир неча ниҳол навдаси пайванд қилинган ҳолларда бу ишдан кўп натижа-ларга эришилганлиги кўзда тутилган:

*Гуллари навъини не де анча гул,
Онча не гулким, санай олғонча гул.*

*Нахлини деҳқонки, баруманд этиб,
Шохиға юз мевани пайванд этиб.*

*Ҳар шажару юз гул ила шеваси,
Турфаки юз навъ бўлуб меваси²...*

Ўша кезларда қўлидан пайванд қилиш келмайдиган боғбонларнинг устидан эса кул-ганлар. Бундай боғбонни ҳақиқий боғбон ҳисобламаганлар. Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонида шундай нўноқ, беҳафсала боғбон ҳақида ҳикоя бор. Унда шоир ўз ишидан завқланмаган, ўз касбига нисбатан совуққонлик билан қараган боғбоннинг бу хил салбий хусусиятларини қоралайди, ундаги бу иллатлар уни охир оқибатда яхшиликка олиб бор-маганини, фожиали ўлимга сабаб бўлганини кўрсатади:

«Бир уқувсиз боғбон бор эди. У боғбонлик санъатидан хабардор эмас эди. У на дарахт-га пайванд қилиб, ундан ҳузур-ҳаловат берувчи мева олишни, на дарахтларни парвариш қилиб ўстиришни, на вақтида гули ҳосилга кира оладиган дон сепишни биларди. Боғ аро хас-хашак териш билан хурсанд эди. Аслида уни боғбон эмас, хашакчи дейиш керак. У шу тарзда заҳмат чекиб, ўз умрини ўтказар эди. Яқин ўртоқлари унга бу хил самарасиз ишни ташлаб, ўзингни бир фойдали иш билан овут, деган тарзда панд-насиҳатлар қилар, у эса буларга сира қулоқ осмас эди. Жоҳил боғбон бу машаққатли иш билан шуғулланишни тарк этмади. Кунлардан бир куни у жўяклар оралаб ток кезиб юрганида, уни илон чақиб ўлдир-ди». (Ш. Шариповнинг насрий баёнидан.)

¹ Ўша китоб. 103-бет.

² Алишер Навоий. Хамса, 132-бет.

Хулоса қилиб айтганда, Навоийнинг деҳқонни ва унинг меҳнاتини улуғлаши адабиёти-мизнинг катта фазилатидир. Навоий қиличидан қон томган подшоларни, лашкарбоши-ларни, феодалларни эмас, ажойиб касб эгасини, унинг яратувчилик меҳнатини тараннум этди. Бу улуғ мутафаккирнинг ўз давридаги энг буюк, илғор ижодкорлардан бўлганини кўрсатади. Навоий деҳқон ва унинг меҳнатларига бўлган қарашлари билан ўзининг табиат ва инсон ҳақидаги қарашларини янада мукаммаллаштирган, бойитган ва уни юксакликка кўтарган.

САДРИДДИН АЙНИЙ – НАВОИЙШУНОС

С. Айний фақат ёзувчи ва шоир бўлиб қолмасдан, фан ва маданият тарихи, адабиёт ва тил масалалари билан, адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари билан ҳам изчил ва чуқур шуғулланар эди. Бу жиҳатдан устоднинг фаолиятини Самад Вурғун, Мухтор Авезов, Берди Кербобоев, Ойбек, Ғафур Ғулом фаолиятига ўхшатиш мумкин. Бу улуғ сиймолар адабиёт тарихидагина эмас, фан тарихида ҳам чуқур из қолдирганлар.

Устод С. Айний машғул бўлган адабиётшуносликнинг аниқ муаммоларидан бири улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳаёти ва ижодидир. У ўзининг 1926 йилда тузган «Намунаи адабиёти тожик» номли китобига Навоийни ҳам киритиб, унинг форсийча-тожикча «Тухфат ул-афкор» қасидасидан 18 байт келтирди. Бу билан С. Айний Навоийга тожик адабиёти тарихидан ўрин бериб, унинг бу адабиётга хизматини мисоллар билан таъкидлаб кўрсатди. 20-йиллардаёқ устод буюк шоир ҳақида бир неча мақолалар ҳам ёзди. Ўзбек адабиётшунослари орасида «Навоий биз учун керакми ёки керак эмасми?» – деган масала юзасидан кескин баҳс бўлиб турган йигирманчи ва ўттизинчи йилларда, устод С. Айний ҳеч иккиланмай бу саволга амалий жавоб берди ва янги навоийшуносликни бошловчилардан бири сифатида майдонга чиқди.

С. Айнийнинг навоийшуносликдаги биринчи хизмати матншунослик билан боғланган. Бу – устод томонидан: бутун ижодий фаолияти давомида олиб борилди ва Навоийнинг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик даврида авжига чиқди. 30-йилларда С. Айний бир томондан Навоий «Хамса»сининг оммавий нашрини тайёрлаш устида иш олиб борди. Иккинчи томондан уни Навоийнинг форсча-тожикча девони – «Девони Фоний» ҳамда улуғ шоирнинг форс-тожик тилидаги меросини тайин этиш масаласи қизиқтиради.

Устод С. Айний томонидан қисқартирилиб, маълум қисмлари насрга айлантирилган, кўпгина байтлар ва сўзлар изоҳланиб, 1940 йилда лотин алифбосида, 1947 йилда рус алифбосида нашр этилган «Хамса» нусхаси ўзбек маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Гарчи ўтмишда Навоий асарлари бўйича бир қанча луғатлар тузилган ва кўпгина сўзлар изоҳланган бўлса ҳам, бу шаклдаги ишлар билан тор доирадаги мутахассисларгина таниш эди. Навоий дostonларининг матнлари эса кенг китобхонлар оммаси учун тилнинг мураккаблиги туфайли тушунарсиз бўлиб келарди. С. Айний «Хамса» дostonлари матнларини изоҳлаш, уларга луғатлар тузиш улардаги шеърини санъатларни тушунтириш, қийин байтларни соддалаштириб бериш устида кўп йиллар илмий текшириш олиб борди. Унинг «Хамса» байтларига ва айрим сўзларига изоҳлари ҳамон ўз қимматини йўқотмаган. Масалан, «Фарҳод ва Ширин» дostonидаги Меҳинбону исмини изоҳлаб С. Айний шундай ёзган эди:

«Меҳинбону – Буюк Бону маъносида бўлиб, Шириннинг холасининг номидир. Аммо машҳур бўлганидай Маҳин Бону ёзиш ва ўқиш хато, чунки «Маҳин» – биринчидан, «бўш» ва «заиф» маъносида, иккинчидан айтиш ва ёзиш номуносиб маънода бўлиб, ижобий қаҳрамоннинг номига тўғри келмайди»¹.

Худди шу дostonда Фарҳоднинг денгиз сайрига оид:

*Хиромон ҳар тараф юз турфа моҳи,
Хирад моҳиятин билмай камоҳи –*

¹ Алишер Навоий. Хамса. Тошкент, 1947, 118-бет.

байтига С. Айний шундай бир изоҳ берадики, мазкур байтни шу изоҳсиз тушуниш чиндан ҳам жуда мушкул:

«Шоир ушбу байтдаги «моҳият» ва «камоҳи» сўзларида сўз ўйини қилган. «Моҳият» араб тилида «ҳақиқат» маъносида келгандек, тожик тилида «балиқ» маъносида бўлган «моҳи» сўзига нисбатан берилганда, «балиғлиғи» маъносини ифода қилади. Шунингдек, «Камоҳи» сўзи араб тилида «ўзича» ва «таг-тубигача» маъносида, яъни ўхшатиш кўмакчиси – «ка» ҳарфи (сингари, ўхшаш маъносида ишлатилади), тожикча балиқ маъносидаги «моҳи»дан кўшма сўз қилиб олганда ҳам «балиқдай» деган маънони беради. Шоир мана шу икки сўзни иккала маънода ишлатган, ҳар икки маънода ҳам шеърнинг мазмуни тўла чиққан»¹. Изоҳ ниҳоятда мукамал бўлиб, буни уч тилни яхши билган, шеърятни тушунган одамгина бериши мумкин.

Биз Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони хотимасидаги:

*Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур*² –

байтини жўнгина ўқиб, шоир туркий халқлар юз қавм бўлса ҳам, минг қавм бўлса ҳам меники, – демоқда деб қўя қоламиз. С. Айний байтга анча чуқур маъно бериб, ундаги сўз ўйинларини ҳисобга олиб ёзади: «Навоий бу байтдаги «юз» ва «минг» сўзларини ҳам санок маъносида, ҳам маълум ўзбек қабилаларининг номлари маъносида ишлатган ва хулоса қилиб айтганда: «турк қавми хоҳ юз қабиласидан бўлсин, хоҳ минг қабиласидан (яъни ҳар қабиладан бўлса бўлсин) ёки турк қавми хоҳ юз нафар бўлсин, хоҳ минг нафар (яъни хоҳ юз бўлсин, хоҳ кўп) меники эканлиги муайяндир»³, – деган.

40-йилларда С. Айний Навоийнинг форсча-тожикча шеърини меросини тиклаш устида матншунослик ишини олиб борди. Лекин бу иш ғоят машаққат билан борди. Бунинг асосий сабаби собиқ Иттифоқ қўлёзма фондларида «Девони Фоний»нинг асл қўлёзма нусхаси йўқлиги эди. Шунга қарамай, С. Айний Фоний тахаллусли кўп шоирларнинг шеърлари орасидан Навоий – Фонийнинг 6 ғазалини аниқлаган. «Девони Фоний» қўлёзмаси олимларимиз томонидан чет эллар (Франция, Туркия, Эрон) да борлиги аниқлангунга ва фотонусхаси қўлга киритилгунга қадар асосий манба сифатида қаралди. Айнийнинг бу хизматларига тўғри баҳо бериб, проф. Ш. Сулаймонов ёзади: «Навоийнинг форсий шеърларини текшириш юзасидан иш олиб борган олимлар ўртасида Шарқ адабиёти ва қўлёзма ёдгорликларининг машҳур билимдони проф. С. Айнийнинг тадқиқотлари, айрим муваффақиятсизликларга қарамай, алоҳида диққатга сазвордир. «Девони Фоний»нинг асл нусхаси қўл остида бўлмаганлигига қарамай, Айний бир неча йил давомида Навоийнинг форсий шеърларини жуда кўп қўлёзма манбалардан излаган, ўнлаб нусхаларни тил ва услуб жиҳатидан ҳарфма-ҳарф муқояса қилган, ғоят сердиққат иш олиб борган. Алишер Навоийнинг форсий шеърларининг биринчи тадқиқотчиси Садриддин Айний бўлди»⁴.

С. Айнийнинг навоийшуносликда иккинчи катта хизмати улуғ шоирнинг биографияси ва ижоди устидаги илмий текширишларидир. 30–40-йилларда С. Айний «Алишер Навоий» монографияси устида иш олиб борди ва бу асар Навоий таваллудининг 500 йиллик юбиле-

¹ Алишер Навоий. Хамса. 105-бет.

² Алишер Навоий. Хамса. 190-бет.

³ Ўша асар, 190-бет.

⁴ Алишер Навоий. Асарлар, 1-том, Тошкент, 1963, 48-бет.

йига муносиб совға бўлди. Бу асарида С. Айний Навоий ҳаёти ва ижодини юзлаб манбалар ва навоийшунос олимлар қўлга киритган ютуқлар асосида ёритди. С. Айний улуғ шоир ижоди ва ҳаётини монографик жанрда ёритишга катта аҳамият берар эди. Масалан 1939 йилда таниқли адабиётшунос Олим Шарафиддиновнинг мазкур масалага доир «Алишер Навоий» монографияси босилиб чиққанда, муаллифни қутлаб устод унга шундай мазмунда хат ёзган эди: «Мен сиз томондан ёзилган Навоий таржимаи ҳолини диққат билан ва завқланиб ўқиб чиқдим. Сизни бу муваффақият билан табрик этишга рухсат беринг. Бу таржимаи ҳол бу кунгача Навоий тўғрисида ёзилган таржимаи ҳолларнинг энг тўғриси, энг тўласи ва энг мазмунлиги деб, даъво этишга журъат қила оламан ...»¹.

С. Айнийнинг «Алишер Навоий» монографияси кўп жиҳатдан унинг ўз илмий кузатишлари натижасида юзага келган бўлиб, машҳур рус шарқшуноси Е. Э. Бертельснинг «Навоий» монографияси билан бир вақтда яратилган, бир қанча масалаларда О. Шарафиддинов китобини тўлдирган эди. Бу асарда устод С. Айний темурийлар орасидаги ўзаро курашлар тарихига оид, Навоийнинг қаерда туғилгани, қандай муҳитда тарбия топгани, унинг ёшлиги қандай ўтгани масалаларига оид бир қанча янги маълумотлар берди.

Навоийнинг йигитлик йиллари, вазирлик даври, қариган чоғлари С. Айний монографиясида ўзининг бутун мураккабликлари билан тўғри ёритилган. Шу билан бирга, С. Айний бу китобида Навоийнинг бир қанча асарлари таҳлилини ҳам беради, бу таҳлил худди бугун ёзилгандай ҳамон ўз илмий қимматини тўла сақлаб келмоқда. Масалан, Навоий даврида, маълумки, адабиётда муаммо жанри кенг тарқалган эди. Навоийшунос олимлардан ҳеч ким устод Айнийчалик биринчи бўлиб бу жанр тарихи, хусусиятлари ва тарихий аҳамиятига тўғри ва холисона баҳо бермаган.

С. Айнийнинг адабий қарашлари 1917 йилдан олдин, мадрасада ўқиб юрган вақтларида шакллана бошлаган эди. Шунга қарамай, С. Айнийнинг Навоий ҳақидаги ишлари билан танишиб чиқар эканмиз, у киши ўз ҳаракати билан замонавий олим даражасига кўтарилганига қаноат ҳосил қиламиз. Устод адабиёт ҳодисаларини доим ҳаётга, тарихга боғлаб изоҳлашга интилади. Масалан, С. Айний ўз изоҳларидан бирида Фарҳоднинг тоғдан канал ўтказишдаги ишларини 30-йилларда Тожикистондаги Вахш канали қурилишига таққослаб, бундан Навоий тоғ кесиш ишларини яхши ўргангани ва буни тўғри тасвирлагани ҳақида хулоса чиқаради.

С. Айнийнинг Навоий ҳақида яна «Хамса»га ёзган «Алишер Навоийнинг «Хамса»си» мақоласи (1947 йил), «Улуғ ўзбек шоири» тўпламига ёзилган «Алишер Навоий ва тожик адабиёти» (1948 йил) мақоласи бор.

Устоднинг навоийшунослик фаолияти мазмунан ғоят ранг-баранг. У ўз фаолиятида навоийшуносликнинг назарий муаммолари билан ҳам изчил машғул бўлган. Масалан, унинг «Хамса» муносабати билан Навоийнинг ижодий методига тўхталиб айтган қуйидаги фикри эътиборга лойиқдир: «Алишер «Хамса»да замонасининг бор аҳволини ва қисман ўз аҳволини акс эттирган. «Хамса» дostonларидаги салбий типларни (Навоий) ўз замонасидан олган ва уларга қарама-қарши қилиб ўз хаёл ва орзусидаги ижобий типларни яратиб, тақлид ва ибрат намунаси сифатида берган»².

¹ О. Шарафиддинов, Танланган асарлар, Тошкент, 1978, 53-бет.

² С. Айний. Асарлар, 8 томлик, 8-том, 321-бет.

Шу нуқтаи назардан устод «Хамса»нинг охирги достони – «Садди Искандарий»даги бош қаҳрамон – Искандар образига тўхталиб «Алишер Навоий» монографиясида ёзади: «Навоий «Садди Искандарий»да ўзининг ширин орзуларини мужассамлаштириб берган. Бизга Искандарнинг кучли лашкарбоши бўлиб, ўз аскарларининг қора кучи билан кўп жойларни босиб олиб, у ерларнинг халқини оёқ ости қилгани маълум.

Аммо ҳоким табақаларнинг жабру зулми остида қолган вақтда фақат ширин хаёллар билан яшайдиган мазлум кишилар ва қуйи табақалар Искандар замонидан бир неча йил ўтиб ўз хаёлларида донишманд ва одил бир Искандарни яратганлар, у мазлумларни маҳаллий золим подшоҳлар қўлидан қутқаради ва улар бундай «халоскор» подшоҳни доим орзу қилиб келадилар. Дин таъсирида бўлган кишилар ҳатто уни пайғамбар даражасига кўтарганлар.

Навоий «Садди Искандарий»да ана шу афсонавий Искандарни олиб, уни яна ҳам чуқурлаштириб беради: у одил, қаҳрамон, донишманд бўлиб, доим машҳур юнон ҳакимларини ёнида олиб юради ва ҳар бир ишни» уларнинг маслаҳати ва раҳбарлигида қилади»¹.

С. Айнийнинг бу мулоҳазалари мутлақо тўғри бўлиб, афсуски, ҳозирги вақтда баъзи навоийшунос олимларимиз Искандар образини реалистик образ сифатида талқин қилмоқчи бўладилар.

Тўғри, Навоийнинг Искандар образида тарихий Искандарнинг баъзи хусусиятлари акс этган ҳамда дostonда реалистик деталлар учрайди. Лекин уларни ошириб баҳолаш хато. Умуман бу каби образларни С. Айний йўлида баҳолаш тўғри бўлур эди.

Бадийлик, поэтика масалаларида С. Айнийнинг 30-йиллардан бошлабоқ Навоий асарларидаги классик шеърий санъат намуналарига катта эътибор берганлиги ғоят таҳсинга сазовордир. Бадийлик, поэтика масалалари билан 40–50-йиллар давомида шоир Мақсуд Шайхзодагина фаол шуғулланди. Классик шеъриятдаги, шу жумладан, Навоийдаги бадий-поэтик тасвир кўп жиҳатдан шу санъатлар билан боғланган бўлиб, устод Айний бунга яхши тушунган. Шунинг учун ҳам у «Хамса» изоҳларида ифрот, саҳли мумтанеъ, ташбеҳ, ташбеҳи том, ташбеҳи мусалсал, талозум, тазод, таносуб, тарсе, тарди акс каби шеърий санъатлар ва бошқа сўз ўйинлари изоҳига Навоий дostonларидан ўнлаб классик мисоллар келтирган ва бу санъатларни содда» қилиб тушунтириб берган. Бу ҳам устоднинг навоийшуносликдаги катта хизматларидан биридир.

С. Айний Навоий ижоди ва Навоий ҳақидаги текширишлар ҳозирги кунга хизмат қилиши кераклигини яхши англади. У ўзининг барча тадқиқотларида Навоийнинг тожик адабиёти ва маданияти тараққиётида катта роль ўйнаганини, Навоий туфайли, унинг ғамхўрлиги орқасида форс-тожик тилида ўнлаб адабий ва илмий асарлар юзага келганини, кўп олимлар етишганини тарихий далиллар асосида фахр ва ғурур билан қайд этади. Хусусан, унинг «Алишер Навоий ва тожик адабиёти»² мақоласи бунга яхши мисол бўла олади. Бу билан устод ўзбек ва тожик халқлари орасидаги дўстликнинг илдизлари чуқур эканини яна бир карра намоиш этди.

Хулоса қилиб айтганда, устод С. Айний умум навоийшунослик ривожига ўзининг ғоят улкан ҳиссасини қўшди. Шунинг учун биз унинг табаррук номини замонавий навоийшуносликка асос қўйган энг буюк навоийшунослар қаторида тилга оламиз. Унинг бу соҳадаги чуқур илмий тадқиқотлари бугунги кунда ҳам жамиятимиз тараққиётига хизмат қилмоқда.

¹ С. Айний. Асарлар. 8 томлик, 8-том, 318—319-бетлар.

² С. Айний. Танланган илмий асарлар. Тошкент, 1978, 99 – 114-бетлар.

ОТ ЧОПИБ, МАЙДОНДА ЧАВГОН ЎЙНАДИ

Ҳамма халқларда спорт турларининг юзага келиши ва тараққий этиши кишилардаги ҳар томонлама соғлом ва чаққонликка интилиш мақсади билан боғлиқ бўлган. Спорт орқали шуҳратга эришиш масаласи, менимча, кейин келиб чиққан. Асрлар ўтиши билан спорт ўйинларининг турлари кўпайиб, мураккаблашиб борган, оммавийлашган. Спортнинг пидея юриш, отда чопиш, қиличбозлик, кураш каби турлари айрим подшоҳларни, хусусан лашкарбошиларни ҳам қизиқтирган. Шарқда табиблар спортни муолажанинг муҳим турларидан бири ҳисоблаганлар.

Кишиларни соғлом тарбиялаш, чиниқтириш масалаларига диний китобларда ҳам эътибор берилган. Бир кунда беш маҳал намоз ўқиш, эрталаб барвақт туриш, доим баданни тоза тутишнинг бадантарбияга алоқаси борми ёки йўқми, бу алоҳида масала. Лекин пайғамбарнинг ҳадисларида «Тангри ўз бандалари орасида ғайратлисини ёқтиради», «Сафар қилинглари, соғлом бўласизлар», «Ўйинларингиз ичида яхшироғи камондан ўқ отишдир», деган насиҳат ва ўғитлар кўп.

XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросонда маданий ва маънавий ҳаётнинг деярли ҳамма соҳалари ривожланган. Бу даврда яшаб ижод этган Алишер Навоий шеъриятида шу давр турмушининг кўп томонлари ўзининг ҳаққоний ифодасини топган. Бу даврда Паҳлавон Муҳаммад Куштигир деган буюк шахс яшаган. У ўз даврининг қирқ йил давомида елкаси ерга тегмаган паҳлавони ҳам бўлган.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўзи ҳам қиличбоз бўлган. Заҳриддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да Амир Темурдан кейин ҳеч ким Ҳусайн Бойқарочалик қилич чопмаган, дейди.

Бу каби воқеалар Алишер Навоий ижодига ижобий таъсир қилган. Навоийнинг ҳам лирик, ҳам эпик асарларида жуда кўп спорт атамалари учраши, ташбеҳ бўлиб келиши билан бирга спортнинг қатор турлари тавсифи ёки шу спорт тури билан боғлиқ лавҳалар, спортчиларнинг қиёфаси, сийрати чизиб берилган. Навоий куч синаш билан боғлиқ спорт турларига «зўри» атамасини қўллаган. Масалан, Фарҳод болалигида спорт ҳарбий машқларининг ҳаммаси билан қизиққан ва шуғулланган. Спортнинг мураккаб, жасорат кўрсатиш билан боғлиқ қийин турларида «диловарлиғ» деган атама ишлатилган. Фарҳод маънавий билимлар («улум») ни эгаллаб, ўқиб, ўрганиб бўлгандан сўнг, диловарлик санъатларини ҳам юқори даражада эгаллашга интилган.

*Улум авроқи чун бир-бир ёпилди,
Диловарлиғ силоҳи майли қилди¹.*

Фарҳод нишонга отиш, найзобозлик, қалқонбозлик каби машқларда ҳаммани ҳайратга солган. Шарқдан туриб мағрибдаги нишонни урган. Қиличи билан ер юзида ёриқлар пайдо этган, тоғларни кул-кул қилган. Навоий ундаги кучлилиқ, аниқ мўлжалга олиш, ҳарбий қуролларни ишлатишдаги чаққонлик хусусиятларини ажойиб муболағалар билан гавдалантирган:

¹ Алишер Навоий. Ҳамса. 175-бет.

*Олиб қавси қузаҳ чекмакка қуллоб,
Туруб машриқ, этиб мағрибға партоб.*

*Қаро тун гар нишон айлаб Суҳони,
Фалакча новакига ул нишони.*

*Дебон турки фалак отқонда зиҳлар,
Таваҳҳум торидин очиб гириҳлар.*

*Қиличи зарбаси олинда ҳар марз,
Шизоф андоқки сувдин ер аро дарз.*

*Қилиб гар ҳамла Албурз узра бир гурз,
Бўлуб гарду чиқиб гардунға Албурз¹...*

Навоий тасвирлаган ҳарбий машқлар спортга ҳам тааллуқли бўлиб, бу у вақтда «силахшўрлик» деб аталган. Фарҳод бундай спортга оид ва ҳарбий мусобақаларда ўзининг ҳам маҳоратини, ҳам жисмоний кучини кўрсата билган:

*Асад бўйнин узиб сарпанжа бирла,
Забуну бир асад ҳар панжа бирла².*

Фарҳод шунча катта қувват («зўри беандоза») га, маҳобатга эга бўла туриб, бундай мусобақаларда ўзини ғоят одобли ва босиқ тутган, енгилганлар олдида мақтанмаган. Навоий унинг бу камтарлигини энди қўлига китоб олиб, алифбе («абжад») ўқий бошлаган боланинг ўзини тутишига ўхшатади:

*Ҳамул илми баланд овоза бирла,
Бу янглиғ зўри беандоза бирла, –*

*Ўзин абжад ўқир элдин тутуб кам,
Дема донишки, зўри даст ила ҳам³.*

Демак, Навоий спортни тарғиб этиш билан бирга, спортчи ахлоқига ҳам катта аҳамият берган. Навоий «Садди Искандарий» достонининг бош қаҳрамони, лашкарбоши шоҳ Искандарда ҳам шу сифатлар бўлганини, ёшлигида тинмай от устида юриб, яёв чопиб машқлар қилганини таъкидлайди:

*Гоҳи маркаб узра силаҳшўр эди,
Яғликда гаҳ варзиши зўр эди⁴.*

¹ Алишер Навоий. Хамса. 175-бет.

² Ўша китоб, 175-бет.

³ Ўша китоб, 175-бет.

⁴ Алишер Навоий. Хамса. 653-бет.

Улуғ шоир «Фарҳод ва Ширин» достонини ёзиб тугаллар экан, Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғилларидан бири – Шоҳ Ғариб Мирзога ҳам махсус бир бобда панд-насиҳат қилиб ўтишни лозим топади ва шу ўринда инсоннинг маънавий тарбиясига боғлиқ қимматли фикрларни илгари суради. Навоий бу ўринда шаҳзодани ҳамма билимларни эгаллашга, инсофли, адолатли, шу билан бирга, маънавий бой бўлишга чақиради. Навоий инсон учун дунёдаги бор ҳунарларни, диний ва дунёвий илмларни, хусусан, ҳайъат (астрономия) ни ўрганиш қандай шарт бўлса, тиббиёт фанлари, фалсафа (ҳикмат) ни ўрганиш, соғлиқ тўғрисида қайғуриш ҳам шунчалик муҳим, дейди. Соғлиғи ёмон одам бошқа ишлар у ёқда турсин лоақал тоат-ибодатга ҳам ярамай қолиши мумкин. Оғзига пахтада сув томизиб турилган одамдан қандай қилиб рўза тутишни талаб этиш мумкин:

*Ва лекин тиббу ҳикмат ҳам эрур хуб,
Ки сихҳатдур киши жисмида матлуб.
Қаю жисмики, онинг сихҳати йўқ,
Қилурға тангри амрин қуввати йўқ.
Бировким пахта бирла сувни ютқай,
Ўзунг деким, не янглиғ рўза тутқай¹.*

Бундан хулоса чиқариб, Навоий диний илмлар билан бир қаторда дунёвий илмларни, улар орасида, айниқса, бадан илмини ўрганишни ҳар бир инсон учун, у ким бўлишидан қатъи назар, шарт қилиб қўяди:

*Ул уч дин илми-ю бу бир бадандур,
Булар муҳтожси яхши, гар ямондур².*

Бадан илмига, албатта, баданнинг тарбияси билан боғлиқ яхши ювиниш («Танни ювмоқлиққа маҳобат бериб»), жисмоний ҳаракатлар қилиш ва бошқа машқлар кирган. Навоийнинг шу ўринда бадан илми ҳақида гап кетганда, тиб илми ҳақида ҳам сўзлаши бежиз эмас. Шоир табибларга беморни даволашда жисмоний тарбияни ҳам ҳисобга олиши зарурлигига ишора қилган.

Навоийнинг лирик шеърларида гўй ва чавгон ўйини, улар билан боғлиқ атамалар кўп тилга олинади. Чавгон кўпроқ ёшлар ўйнайдиган ўйин бўлиб, маълум жиҳатлари билан ҳозирги хоккейни эслатади. Йигитлар, қизлар уни от миниб ўйнаганлар. Лекин шайба ўрнида копток ўйналган. Чавгон эса, миниатюрадан маълум бўлишича, худди ҳозирги «клюшка»нинг ўзи. Чаққон ўйинчилар коптокни мўлжалга кўпроқ урган. Ошиқлар маъшуқасига мурожаат этиб, садоқат рамзи сифатида ўз бошини гўй қилишни илтимос қилганлар. Бир шеърида Навоий ошиқ номидан чавгончи гўзал қизга шундай дейди:

*Санга иш жавлон қилиб майдонда чавгон ўйнамоқ,
Манга оллингда бошимни гўй этиб жон ўйнамоқ³.*

¹ Ўша китоб, 331-бет.

² Ўша китоб, 331-бет.

³ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 1-том, 272-бет.

Навоийнинг илк девонига кирган «Чобукиким, ҳар тараф майдон аро айлар шитоб...» деб бошланган ғазалида қовоқ ўйини тасвирланган. Ёш жангчи йигитлар осмонга отилган ёки баланд жойга осиб қўйилган қовоқни ёйдан мўлжалга олиб, ўқ узганлар. Кимнинг ўқи қовоққа тегиб, уни тешса, ё унга санчилса, ўқ узган йигит ютган ҳисобланади. Навоий бу ғазалда нишонга юлиш маҳорати ўткир йигитларни мақтаб, уларнинг мерганлигига осмондаги қуёш ҳам қойил қолиб, ўзини ўша қовоқ ўрнига қўйишга тайёр дейди:

*Ногаҳон отқайму деб бир ўқ, қовоқ шакли била
Боши устига келур майдонда ҳар кун офтоб¹.*

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг аруз вазнига оид «Мухтасар» асарида Навоийнинг «Не лўливашдур ул қотилки қон» – деб бошланган ғазалини келтириб, бу ғазалда бир лўли йигит ҳақида гап бораётгани, бу йигит ҳар замонда бир Ҳиротга келиб, турли қизиқ акробатик ўйинлар кўрсатгани, Навоий унинг ўйинини томоша қилганини хабар қилади. Чиндан ҳам бу йигит, ғазалдан маълум бўлишича, тез чопиши, айланаси ёниб турган чамбарак орасидан чаққон сакраб ўтиши, қаддини чавгондай букиши ва спортга оид ўйинлари билан Навоий замондошларининг олқишига сазовор бўлган. Мана, шу ғазалнинг айрим байтлари:

*Чу лаъб асбобини тузди, саломат риштасин узди.
Қамардек ҳола кўргузди, узори даврида чанбар.*

*Либоси нози часпондур, гаҳи туз қадди чавгондур.
Замони гўйи ғалтондур, зиҳи чобук, зиҳи дилбар...*

*Югурмакликда ҳар гумбазки, секрир ул маҳи гулҳад.
Гули меҳр олдараб беҳад, уёлур гумбази аҳзар².*

Навоий асарларида энг кўп эсланган спорт ўйинларидан бири шатранждир. Тўғрилиқ ҳақида гап борганда, кўп вақт шоир шатранждаги руҳни, эгрилик тўғрисида гап борганда эса фарзинни эслайди. Шоир ўзининг «Лисон ут-тайр» достонида шатранж ўйини, унинг қоидалари ҳақида махсус бир ҳикоя келтирган. Бунда Навоий шатранж тахтасининг оқ доналар турадиган томонини Рим (европаликлар) мамлакатига, қора доналар жойлашган томонини Занг аҳли (қора танлилар) мамлакатига ўхшатган. Ҳикояда ўйин бошланиб, сипоҳлар бир-бирига ҳужум қилиб, ҳарбий жангдагидек мудофаа усуллари қўлланиб, охирида бири енгиб, иккинчи томон енгилганига қадар бўлган ҳаракатлар қизиқарли тасвирлаб берилган. Навоий бутун инсониятни ўзига қизиқтирган бу ўйиндан хулоса чиқариб, бу тахтадаги «душманлик» бўлиб, томонлар ўйин тамом бўлгандан сўнг, ўз душманликларини бутунлай унутдилар, дейди:

*Арсанинг бир гўшасин бот, йўққи, кеч
Тортибон бузғоч, бу мажмуъ ўлди ҳеч.*

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 3-том, 58-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 1-том, 183-бет.

*Не қолур рамз ила киндин асар.
Не ҳамул тартибу ойиндин асар¹.*

Қизиғи шундаки, Навоийнинг ўзи ҳам шатранжга жуда қизиққан ва яхши ўйнаган. Навоий жамиятда тартиб тинчлик, тотувлик, адолат ўрнатиш, айна вақтда инсониятнинг ақлий ва жисмоний жиҳатдан чиниқиши учун ҳам кураш олиб борган.

1 Алишер Навоий. Асарлар. 11-том, 186-бет.

ОХИРГИ РЕЖАЛАР

Олти дoston ва беш шеърӣ девон муаллифи Алишер Навоӣй чиндан ҳам буюк ижодий иқтидор эгаси бўлган. Унинг ижодий режалари эса жуда кўп эди. Бемаҳал ўлим туфайли унинг бир қанча ёзмоқчи бўлган асарлари қоғозга тушмай қолган.

Навоӣйнинг ижодий режаларида яна қандай асарлар бор эди? Бу ҳақда шоирни яқиндан биладиган кишиларнинг фикрлари бизга етиб келган эмас. Шу қатори Навоӣйнинг шахсий архиви ҳам, афтидан, ўша замонлардаёқ йўқ бўлиб кетган. Бу ҳақдаги баъзи қимматли маълумотлар Навоӣйнинг ўз асарларидагина сақланиб қолган, холос.

Шундай маълумотлардан бири шоирнинг «Тарихи мулуки Ажам» («Эрон подшоҳлари тарихи») асарида учрайди. Навоӣй шижоатли ва баҳодир, айни вақтда айшу ишратни яхши кўрган, шу туфайли бошига кўп иш тушган Эрон подшоси Баҳром билан Яздижурд ҳақида ҳикоя қила туриб, Султон Ҳусайн Бойқарони Баҳромга ўхшатади. Яздижурд ўлганда ундан кўп жабр кўрган сарой аҳллари унинг ўрнига ўғли Баҳромни эмас, балки Ардашер подшоҳнинг насли бўлмиш Кисрони подшоҳ қилиб кўтармоқчи бўладилар. Баҳром бундан қаттиқ эзилади. Кисро шижоатсиз, ўз жонини қийнамайдиган киши бўлгани сабабли Баҳром уни тахтга асло лойиқ эмас деб биларди. Шунинг учун у давлат амалдорлари олдига бир шарт қўяди: «Салтанат тожини икки оч арслон орасида қўйғайлар, ҳар киши олса, боши ул тож била ораста бўлғай». Улар Баҳромнинг бу таклифини қабул қиладилар. Шунда Кисро тахтдан воз кечиб, «бош саломатлигини ғанимат билди. Аммо Баҳром арслонларни ҳалок қилиб, тожни бошига қўюб, тахтга ўлтурди ва адолат бунёд қилди», – деб ёзади Навоӣй. Бироқ Баҳром подшоҳ бўлиб олгандан кейин мамлакат иши билан бир оз шуғулланар-шуғулланмас айш-ишратга берилади. Қўшни турк ҳоқони бу ҳолатдан фойдаланиб унинг юртини босиб олади. Баҳромнинг кўзи очилиб, ўз тахтини қайта қўлга киритиш пайига тушади, шиддат билан кескин ҳаракатлар қилиб, турк ҳоқони устига кечаси ҳужум қиладди, уни «ўз илки била бошин» чопади ва тахтни қайтариб олади. Ўз ҳикоясининг шу ерига келганда, Навоӣй Баҳромнинг мардлигига қойил қолиб, тарихда шунга ўхшаш мардлик Султон Ҳусайн Бойқарогагина муяссар бўлди дейди ва ёзади: «Ва бу бир иш эрдиким, ондин бурун ҳеч подшоҳ қилмайдур эрди ва ондин сўнгра дағи ҳеч кишига даст бермайдур эрди, магарким Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон ҳаллада аллоҳу мулкаҳуға муяссар бўлдиким, бу навъ иш қилди».

Маълумки, Навоӣй Султон Ҳусайннинг тахт олиш воқеаларида қатнашган ва шахсий баҳодирлик кўрсатган эди. Навоӣйнинг бундаги сўнгги сўзларидан маълум бўлишича, Султон Ҳусайн подшоҳлиги тарихини махсус асарда майда-чуйдасигача тасвирлаб ёзмоқчи бўлган: «Ва бу фақирнинг хаёлига андоқ келурким, ул сахарким бу иш воқеъ бўлиб, ҳар нечаким мулоҳаза қилилди, юз кишига етмас эрдиларким, ул воқеада ҳозир эрдим. Иншо аллоҳул-азизким, ўз маҳалида шарҳ била битилгай ва нақире китмириға дегинча шарҳ қилилғай».

Умуман, Навоӣй ўз асарларида Султон Ҳусайн подшоҳлигини ижобий баҳолаган эди. Бу даврда мамлакатда нисбатан тинчлик ўрнатилиб, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ривожига йўл очилган эди. Навоӣй Султон Ҳусайн ҳақидаги китобини ёзиб тугаллаганда, биз бу даврнинг ижтимоӣй-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида ҳозиргига нисбатан анча кўп маълумот ва таассуротга эга бўлган бўлур эдик.

Навоий 1480–1490 йилларда ёзилган «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Юсуф қиссасига тўхталар экан, Юсуф ва Зулайҳо ҳақида дoston ёзган Фирдавсий Тусий, Абдурахмон Жомий, Хожа Масъуд Ироқий каби шоирларнинг номларини ҳурмат билан эслаб ўтади ва шундан сўнг ўзида ҳам улар сингари бу қиссани қаламга олиш нияти борлигини, уни бошқалар каби форсий тилда эмас, балки туркий тилда ёзажагини баён қилиб ўтади: «Бовужуди булар бу бебизоат (Навоий) ҳамки, иборати роқимдиндур, хотирға бу орзуни кечурурким, иншоолло, умр омон берса, турк тили била-ўқ кофири кавн варақ узра хомаи мушкин шамомани сургай, бу қисса назмин ибтидо қилиб, ниҳоясига етгургай». Бевақт ўлим бу режага ҳам зарба берган.

Навоийнинг вафоти олдида (1498–1499) ёзган сўнгги асарларидан бири «Лисон ут-тайр» достони эди. Бу дostonда ҳам шоир ўзининг ижодий режаларидан бири ҳақида жуда қимматли маълумот беради. У ушбу дostonнинг бир ерида машҳур Шайх Санъон ҳикоясини кучли шавқ-завқ билан ҳикоя қилиб бўлиб, Шайх Санъон билан ўзи ўртасида ишқ соҳасида кўп ўхшашлик борлигини, ишқ Навоийни ҳам Шайх Санъондан кам ўртантирмаганини гапиради. Шу ўринда Навоий Шайх Санъон ҳақидаги ҳикояни тамомлаб, ўзига шундай деб хитоб қилади:

*Кел, Навоий, сўзни ҳоло хатм кил,
Ишқ аро изҳори даъво қилмағил.*

*Бир неча кун умрдин топсам омон,
Шарҳи ишқим назм этай бир дoston.*

*Анда билгай кимгаким инсофдур,
Ким сўзум чинму дурур ё лофдур¹.*

Бундан маълум бўладики, Навоий ўзи, ўзининг шахсий кечинмалари ҳақида ҳам оловли бир дoston, яъни автобиографик характерда ғоят оригинал бир асар яратмоқчи бўлган. Унинг «Лисон ут-тайр» достонини ёзиб тугаллагандан кейин кўп ўтмай вафот этиши шоирнинг бу улуғ истагини ҳам барбод қилган. Бу асар юзага келганда, биз у орқали Навоийнинг улуғ инсоний хусусиятларини, орзу-умидларини янада ёрқинроқ кўз олдимизга келтирган бўлур эдик.

Умуман шу далилларнинг ўзи ҳам Навоий биографиясини бойитади ва унга янги нур сочади. Хулоса қилиб яна шуни айтиш керакки, Алишер Навоий бутун умри давомида ижод завқи билан яшаган. Шеърят доим унинг энг юксак орзуларидан бири бўлиб қолган. Агар у Шайх Саъдий ёки Гадоий, ёки Мавлоно Лутфий умрини яшаганда, ҳеч шубҳа йўқки, ўз авлодларини яна ўнлаб ажойиб насрий ва назмий асарлари билан бахтли қилган бўлур эди.

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 11-том, 102-бет.

СЎНГГИ КУН, СЎНГГИ ШЕЪР

Алишер Навоийнинг ибратли ҳаёти ҳақидаги ривоятлар ҳар қандай китобхонни бефарқ қолдирмаса керак. Айниқса, улуғ шоир ҳаётининг сўнгги куни ва унинг охириги асари ҳақидаги қуйидаги маълумот:

Алишер Навоий ҳаётининг сўнгги кунлари машҳур тарихчи Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарида тафсилоти билан ёритилган. Хондамир ёзишича, ҳижрий ҳисоб билан 906-йил (милодий ҳисоб билан 1500-йил) жумадил-охир ойининг еттинчи куни, яъни сешанбада Навоий Астрободдан отасига қарши бош кўтарган Муҳаммад Ҳусайн мирзони тинчлантириб Ҳиротга қайтаётган подшоҳ Султон Ҳусайн Бойқарони кутиб олиш учун Қусавия қишлоғига йўл олади. Шоир ва уни кузатиб бораётган кишилар Париён работида тўхтаб дам оладилар ва шу ерда тунайдилар. Чоршанба куни эрталаб Навоийнинг кўзи деворларга ёзилган шеърларга тушди. Бу шеърлар орасида, хусусан, ўлим ҳақидаги қитъа унинг фикрини ўзига тортган:

*Дар ин дақиқа бимонданд жумлаи ҳукамо,
Ки одами чу қунад ба қазойи кунфаякун.
Фуруғи набз чу шуд мунҳариф зи жумбиши асл,
Ба лойи ажз фуру рафт пойи Афлотун.
Салоҳи табъ чи сўйи фасод рўй ниҳод.
Бимонд беҳуда дар дасти Бу Али «Қонун»¹.*

Мазмуни:

*Бундай пайтда ҳеч бир доно ҳеч нарса қилолмайди...
Тангри қазосига қарши ким нима қила оларди?!
Томир уриши ўзгариб, асл ҳаракатдан четлашса,
Афлотун оёғи ҳам ожизлик лойига ботиб қолади.
Табъ соғломлиги айнишга юз ўгиргач,
Абу Али (Сино) қўлидаги «Қонун» бефойда бир нарса бўлиб тураверади.*

Бу шеърдан Навоий чуқур таъсирланади ва дунёнинг ишларига таассуф билдириб, бир нарсани олдиндан билгандай, сезгандай, ёнида турган одамларга шундай дейди:

– Ҳамма одам ҳам боқий дунёга юз ўгирмай иложи йўқ. Ўлим ва ҳаётни, яратувчининг истагини ҳеч ким қайтара олмайди.

Навоий шундай дейди-ю, йўлга тушиб, Поёб работига бориб тўхтайдилар. Кун бўйи шоир эрталаб ўқиган шеърининг таъсирида юради. Шу кеча, яъни чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси лашкаргоҳдан Мавлоно Вайс деган одам келиб, подшоҳнинг бу кеча Амир Шоҳмалик деган работга келиб тўхташини, сўнг яна йўлини давом эттиражагини хабар қилади. Навоийнинг бу вақтда соғлиғи анча ёмонлашган, тез-тез боши оғриб турар эди. Навоий бу кеча ҳам кам ухлайди ва шу кеча у Париён работидаги деворда ўқиган шеъри таъсирида ўзининг сўнгги ғазалини ёзган.

¹ Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин Хондамир. Макоримул-ахлоқ. 68- бет.

Бу тўғридаги маълумот Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарида эмас, балки Бухоро хони Абдуллахоннинг (1557 – 1598 йилларда ҳукмронлик қилган) ўғли Абдулмўминхоннинг «Томут-таворих» деган асарида учрайди¹. Абдулмўминхоннинг ўзи Навоий ва унинг ижодини яхши билган ҳолда, баъзи маълумотларни Мавлоно Али Бурҳоний тилидан келтиради. Абдулмўминхон улуғ шоир ҳаётининг сўнгги куни ҳақида ҳам маълумот берган бўлиб, улар қуйидагича:

«Ва Мавлоно Али Бурҳонийки, аз жумлаи китобдори Мир (Навои) буд, мегўядки, рўзе хабари омадани Ҳазрати Хоқони марҳум (Султон Ҳусайн Бойқаро) омад, он жаноб доия на-мудки, ба истиқбол равад. Чун шаб шуд, ҳангоми саҳар фақирро талабид, ғазали туркей гуфта буд ва маро фармудки би навис! Навиштам ва онро ба дасти фати дод ва ба Мирзо (Султон Ҳусайн Бойқаро) фиристонд. Ва мусаввадаи он ғазалро ба фақир супурд. Он шеър дар девонҳо навишта шуда буд ва дар он ғазал тамоми ҳолати видои худро баён карда буд».

Таржимаси:

«Мир (Навоий)нинг китобдорларидан бири бўлган Мавлоно Али Бурҳоний шундай дейди: «Кунларнинг бирида марҳум хоқон ҳазратлари (Султон Ҳусайн Бойқаро)нинг қайтиш хабари келди. У жаноб (Хоқон) унинг истиқболига чиқишни айтган эди. Кеч кирди. Саҳар вақтида у киши мени чақиртирди. Бир туркий ғазал ёзган экан. Менга «Кўчир!» деб буйруқ қилди. Мен кўчирдим. Уни бир чопар йигитнинг қўлига бериб, Мирзо (Султон Ҳусайн Бойқаро) га юборди. Ва у ғазалнинг мусаввада (қоралама) сини эса менга топширди. У шеър шоирнинг девонларига битилган. Ва у ғазалда шоир ўзининг ҳаёт билан тамом видолашув ҳолатини баён қилган эди».

Абдулмўминхон ўша ғазалнинг уч байтини келтирадики, бунда чиндан ҳам кекса ва кучини йўқота бошлаган буюк шоирнинг сўниқ кайфияти ўзининг таъсирли ифодасини топган:

*Не кўзум ёрой, ул оразни манзур айламак;
Не тилим ҳадди онинг отини мазкур айламак.*

*Яъни ул кўнглумда, бал жонимда дард ўти эрур;
Кўз била тилни анинг ишида маъзур айламак.*

*Эй Навоий, қил фидо жононгаким жон, лоф эрур –
Ошиқ ўзни ишқ даъвосида машҳур айламак.*

Бу ғазал шоирнинг бизга маълум қўлёзма девонларида ҳозирча учрагани йўқ. Бунда шоир ғазалнинг лирик қаҳрамони – ошиқ номидан кўзи яхши кўрмаётганини, ҳатто тили бир умр куйлаган севгилисининг отини айтишга ҳам ожизлик қилаётганини, кўзи ҳам, тили ҳам энди ҳориб, ёр олдида узр сўрашга мажбур эканлигини, қисқаси энди эмас, амалда ўз жонини ёри (яъни, Худо) учун фидо этишга тайёрлигини сўзлаб, ўз ҳасратини тўкиб солган ва аҳволининг паришонлигини Ҳусайн Бойқарога шу йўсинда маълум қилган. Шунинг учун ҳам Абдулмўминхон ҳақли равишда бу ғазални шоирнинг ҳаёт билан видолашув шеъри сифатида баҳолаган. Чиндан ҳам бу унинг охириги шеъри эди. Бу тасаввуф руҳидаги шеър ёзилганда Мавлоно Али Бурҳониддин жуда ёш бўлганига қарамай, бу ғазал мусавва-

¹ Бу асарнинг ягона нусхаси Мозори Шарифдаги (Афғонистон) Балх музейида сақланади (Inv. № 1614).

дасини эҳтиёт қилиб, табаррук ёдгорлик сифатида бир умр сақлаган ва оқибатда бу асар тарих саҳифаларидан жой олган. Навоий бу ғазални саҳарда ёзиб тугатган экан, демак, у ўз ҳаётининг сўнгги кунда ҳам қалам тебратган, ижод қилган.

Пайшанба куни тонг отгач, Навоий бомдод намозини эртaroқ ўқиб, отга миниб, Амир Шоҳмалик работи томон йўл олади. Шу пайтда унинг боши айланаётгани ҳам маълум бўлади. У Амир Хожа Шаҳобиддин Абдулла деган қадрдонини ёнига чақириб, ундан хабардор бўлиб туришни илтимос қилади ва унга аҳволи анча ёмонлашиб қолганини билдиради. Хондамир «Макорим ул-ахлоқ»да Навоий билан Ҳусайн Бойқаро қаерда учрашганини айтмайди. Абдулмўминхон эса уларнинг Ҳиротдан ўн бир тош наридаги Хожа Аббос деган жойда учрашганларини маълум қилади. Хондамир икки улуғ шахснинг қандай кўришганларини қуйидагича ҳикоя қилади:

«Шу пайтда аъло ҳазратнинг қўлини ўпишга етишмоқ учун (Навоий) отдан тушди. Тўсатдан ёпишган касалликнинг оғирлиги охирги нуқтага бориб қолгани ва юришга мадор қолмаганидан, мазкур амир ва Мавлоно Жалолиддин Қосим қўлтиқларига кириб, шу йўсинда илгари юриб, бошини баланд даражали подшоҳ кучоғига қўя олди. У буюклик ва дабдаба доирасининг маркази аҳволида ўзгариш кўриб, аъло ҳазрат ғоятда қайғули ва ғамгин бўлди. Бу ер тўхташ ўрни бўлмаганлигидан, аҳвол сўраш ва илтифот маросимларидан кейин ўтиб кетди. Шу онда бу касал сактага¹ айланиб, олий насабли Амирда қайтиб ҳаракат қилиш ва сўзлашга мажол қолмади².

Орадан жума ва шанба ўтиб, якшанба куни, яъни (мил. 1501 йил 3-январ) эрта билан улуғларнинг улуғи, даҳоларнинг даҳоси Алишер Навоий ҳаётдан кўз юмди. У ўзининг бутун умрини охирги кунигача ижодга ва хайрли ишларга бағишлаган эди.

¹ Сакта – ҳис ва ҳаракатнинг тўхтаб қолиши.

² Форсчадан П. Шамсиев таржима қилган.

НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ УЛУҒВОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Улуғ давлат арбоби ва лашкарбоши Амир Темур ҳамда унинг халафлари ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиёда кучли ва ягона давлат юзага келди. Бу даврда тарихда биринчи марта Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ўзбек қабилалари бир халқ, бир миллат сифатида ўзаро бирлаша бошладилар. Ўрта Осиёда катта этник гуруҳни ташкил этган бу халқ Темур ва темурийларни ҳар томонлама суяб турган асосий куч эди. Темур ва унинг авлодлари, аввало, ана шу халқ номидан иш кўрар, ўзларини шу халққа мансуб деб билар эдилар. Темур ва темурийлар даврида туркий халқлар орасида катта сиёсий ва маданий жонланишнинг юз бериши сабаби ҳам, аввало, шунда эди. Менингча, тарихда ҳеч қачон, ҳатто бизнинг давримизда ҳам ўзбеклар XV асрдигидек катта халқ бўлиб, шундай катта ҳудуддаги буюк бир давлатга бирлашмаган эди. Хусусан, Балх, Ҳирот атрофидаги ўзбекларнинг Мовароуннаҳрдаги ўзбеклар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий яқинлашуви ўзбек халқи тарихида катта воқеа бўлиб, ўзбек адабиёти тарихида чуқур из қолдирди. Алишер Навоийдек буюк шоир ва мутафаккирнинг, ўзбек адабиёти ва адабий тили асосчисининг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида эмас, балки Хуросонда дунёга келгани, Ҳиротда нашъу намо топгани, фаолият кўрсатганини фақат шу йўсиндагина изоҳлаш мумкин. Яъни бунга тўғри тушуниш учун XV асрдаги Ўзбекистонни, XV асрдаги ўзбек халқининг тарихий мавқеини кўз олдимизга келтиришимиз зарур. Хуросондан бу даврда фақат Навоий эмас, Мавлоно Лутфий, Гадоий, Атоий каби ўзбек шоирлари ҳам етишганини унутмаслик керак.

Ўрта Осиёдаги туркий халқларнинг, биринчи навбатда ўзбекларнинг бир давлат атрофига уюша бошлаши туркий халқларнинг уйғона бошлаганидан, сиёсий онги орта борганидан белги эди.

Ўзбекларнинг Амир Темур асос солган буюк бир давлатга бирлашиши шу давлат ҳудудида адабиёт, санъат, фан, умуман маданиятнинг ривожланишига, бу соҳада катта кўтарилишга олиб келди. Бунда темурий ҳукмдорларнинг роли катта бўлди. Масалан, шахсан Амир Темур меъморчилик соҳасида монументал қурилишларга алоҳида эътибор берди. Унинг ташаббуси ва кўрсатмаси билан Шаҳрисабзда Оқсарой, Самарқандда Бибихоним меъморчилик комплексларининг, Туркистонда Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси комплексининг қурилиши, қад кўтариши XV аср кишиларинигина эмас, бизнинг замондошларимизни, узоқ қитъалардан келган сайёҳларни ҳам ҳамон ҳайратга солиб келмоқда. Бу биноларнинг ҳар бири айрича кўринишга, салобатга эга. Шу жумладан, Оқсарой биносини, “ўз даврида дунёнинг томи” деб атар эканлар. Унинг пештоқига эса буюк Темур: «Кимки бизнинг куч-қудратимизни кўрмоқчи бўлса, бизнинг биноларимизга қарасин!» – деган сўзларни арабча қилиб ёздириб қўйган.

Темурийлардан бўлган Мирзо Улуғбек Самарқандда дунёдаги энг буюк расадхона қурди ва шу расадхонадаги илмий кузатишлар асосида улуғ «Зичи Кўрагоний» асарини яратди. Улуғбек қурган расадхонанинг улуғворлиги ва у ёзган «Зичи Кўрагоний» илмий асарининг буюк аҳамияти ҳақида Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида шундай ҳаяжонли шеърини сатрларни битган эди:

*Расадким боғламиш – зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.*

*Билиб бу навъ илми осмоний,
Ки андин ёзди «Зичи Кўрагоний».*

*Қиёматға дегунча аҳли айём –
Ёзарлар онинг аҳкомидин аҳком¹.*

Навоий Самарқандда бўлганда Улуғбек расадхонасини, унинг салобатини ўз кўзи билан кўрган ва унинг ёзганларида катта ҳақиқат акс этган эди. Яъни расадхона XV асрнинг иккинчи ярмида ҳам худди Улуғбек давридагидек савлат тўкиб, «зеби жаҳон», яъни дунёга кўрк сочиб турган эди. Бундай мисолларни темурийлар фаолиятидан кўплаб келтириш мумкин.

Санъат соҳасида ҳам биз ана шунга яқин бир ажойиб ҳолатни кўрамиз. Искандар Мирзо саройида хизмат қилган шоир Ҳайдар Хоразмий «Гулшани асрор» достонида ўзини шоир-муғанний қиёфасида кўриб, ўзига:

*Турк сурудини тузук бирла туз,
Яхши аёлғу била кўкла кўбуз!²*

дер экан, бунда у ўзини оддий куйлар билан чекланмасликка, «улуғ йир», яъни катта куйларни чалишга, катта ашулаларни ижро этишга даъват этадики, бу ўша давр санъати учун характерлидир:

Бошла улуғ йир била туркона ун!³

Орадан маълум бир вақт ўтиб, Навоий ҳам ана шу ғояни ривожлантирди. У «Садди Искандарий» достонида муғаннийга мурожаат қилиб:

Муғанний, улуғ йир навосини туз!⁴ ... –

деб ёзар экан, бу унинг санъат соҳасидаги ўз замондошларига ҳам нидоси эди. Чунки унинг даврида ҳам оддийликдан улуғворлик (монументаллик) ка кўтарилишни, аввало, даврнинг ўзи тақозо этар эди.

Санъат ва фаннинг бошқа соҳаларида ҳам бу даврда улуғвор яхлитликка интилиш кўзга ташланади. Масалан, шу даврда тарихчилардан Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ ус-саъдайн» каби буюк асарларининг яратилиши фанни бениҳоя бойитган эди. XV аср тарихини биз ҳозир бу асарларсиз ўргана олмаймиз. Мирхонднинг етти жилдлик «Равзат ус-сафо» асарида Ўрта Осиё тарихи Одам Атодан бошлаб XV асргача ёритилган.

¹ Алишер Навоий. Хамса. 331-бет.

² «Муборак мактублар». 221-бет.

³ Ўша китоб, 221-бет.

⁴ Алишер Навоий. Хамса, 771-бет.

Савол туғилади: – Бунга, яъни фан, санъат, маданият соҳасида улуғвор яхлитликка интилишни ёқлаш масаласига бадиий адабиёт қандай муносабат билдирди? Адабий ижод соҳасида катта асарлар яратишга уриниш қандай аҳволда эди?

Агар биз улуғворликни эпик маънода тушунадиган бўлсак, бу даврда ўзбек адабиётида Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Лутфийнинг «Гул ва Наврўз», Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшани асрор», Саййид Қосимийнинг «Мажму ал-ахбор», «Гулшани роз», «Ҳақиқатнома», «Садоқатнома» каби ишқий ва дидактик дostonлари яратилди.

Форс-тожик адабиётида эса Али Оҳий, Шайхим Суҳайлий, Котибий, Биноий, Фасиҳ Румий, Абдулла Ҳотифий кабилар қалам тебратиб, Низомий Ганжавий дostonлари йўлида бир қанча асарлар яратдилар. Лекин оддий дostonлар, шеърий қиссалар улуғвор жанр талабига жавоб бермас, уларни яратган муаллифларнинг кўплари бу даъводан узоқ ҳам эдилар. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида хабар берилишича, бу даврда «Шоҳнома» қабилида дoston ёзишга уринганлар ҳам бўлган. Лекин уларнинг ижодий орзулари орзулигича қолган. Бу даврда улуғвор жанр тараққиёти кўпроқ хамсачилик билан боғланган эди.

Илк «Хамсалар» улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий ва ҳиндистонлик форсийзабон шоир Амир Хусрав Деҳлавий томонидан яратилган бўлиб, XV аср Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги адабий ҳаётда дostonчиликнинг энг мукамал ва улуғ намунаси ҳисобланар эди. Айтишларича, темурийлардан бўлган Улуғбек Низомий «Хамса»сини, Ҳусайн Бойқаро Хусрав Деҳлавий «Хамса»сини мутолаа қилишни ёқтирар эканлар. «Хамса» одатда беш дostonдан иборат бўлиб, беш дostonнинг мавзуси, қаҳрамонлари, ғоявий йўналиши, шеърий тузилиши ранг-баранг бўлган. «Хамса» яратишга замоннинг ўз қобилиятига ишонган энг истеъдодли кишиларигина қалам ура олган. Навоий сўзи билан ифодаланганда, тажрибаси кам, «бебизоат»лар эса бу ишга журъат эта олмаганлар.

Алоҳида фахр билан шуни қайд этиш керакки, XV асрда адабиёт соҳасида улуғ ва яхлит жанр тараққиёти Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий номлари билан боғлиқдир. XV асрнинг 80-йиллари ўрталарида Жомий томонидан форс-тожик тилида, Навоий томонидан ўзбек тилида «Хамса» яратилиши шу давр адабий ҳаётининг энг катта воқеаси бўлди. Жомий бу иши билан форс адабиётининг дostonчиликдаги энг яхши анъаналарини тириктира бошлаганини кўзда тутиб, Навоий фахр билан:

Бир оққан ариққа яна оқти сув¹... –

деган эди.

Тўғри, Жомий ва Навоийдан сал бурун Ашраф деган шоир ҳам форс тилида «Хамса» яратган эди. Аммо унинг «Хамса»си ўз даврида ва ундан кейин ҳам унча катта шухрат топмаган. Ашраф «Хамса»сининг қўлёзмаси яқинда чет элларда борлиги аниқланди. Унинг дostonидан фотонусхалар олиниб, озарбайжонлик ва ўзбекистонлик олимлар ўрганишга киришдилар.

Бундан қатъи назар, Жомий ва Навоий «Хамса»лари шу йирик жанрнинг энг етук намуналари бўлиб, хамсачиликни янги босқичга кўтарди.

¹ Алишер Навоий. Хамса. 635-бет.

«Хамса» туфайли Навоий ижоди жаҳон адабиётининг энг юксак чўққисига кўтарилди. Бу давр форс-тожик ва ўзбек адабиётларининг ривожига ҳам, аввало, шу икки улуғ асар – Жомий ва Навоий «Хамса»лари билан белгиланади.

Алишер Навоийда «Шоҳнома» типига катта дostonлар яратиш, хусусан туркий тилда «Хамса» яратиш ғояси унинг болалик чоғларидаёқ пайдо бўлган. У Саййид Ҳасанга ёзган шеърини мактубида агар менга «Шоҳнома»га ўхшаш асарни ёзишга тўғри келадиган бўлса, уни мен Фирдавсий каби ўттиз йилда эмас, ўттиз ойда ёзган бўлур эдим! – дейиши бежиз эмас эди:

*Ани дерга бўлса қачон рағбатим,
Эрур онча ҳақ лутфидин қувватим.*

*Ки ҳар неча нутқ ўлса қоҳил сарой,
Битигаймен ўттуз йилини ўттуз ой¹.*

Навоий «Хамса» яратишга киришгунга қадар бадий ижод соҳасида, асосан, лирик шеърлар ёзиш билан шуғулланар ва бу иш бора-бора унга майда иш бўлиб кўрина бошлаган. Лирика унинг жамият ва маънавий ҳаёт билан боғлиқ улуғ «комлар», яъни улуғ мақсадларини, ғояларини шеърини ифодалаш учун тор эканини англай бошлаганини, кўнглидаги барча муҳим гапларини қоғозга тушириш учун Низомий ва Деҳлавийларнинг хамсачилик анъаналарига, уларни чуқур ва ижодий ўзлаштиришга бел боғлаганини қуйидаги каби байтларда у ғоят тўғри изоҳлаб берган эди:

*Вале қонез ўлмай ушоқ ишга ҳеч,
Димоғимда эрди улуғ печ-печ.*

*Не майдон аро сурсам эрди саманд,
Ҳавосин кўнгул қилмас эрди писанд...*

*Бу андешадин эрди кўнглумда шайн,
Ки бўлди кўнгул мойили «хамсатайн»².*

Навоийнинг халққа айтадиган гаплари эса кўп эди. Шоир ўз кўнглида шундай муҳим гаплари, яхши ниятлари борлигидан ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳисоблар ва бир умр ана шу ўйлаганларини ўзига сиғдира оладиган катта асарни ёзишга киришиш имконини кутиб юрар, шундай катта мақсадлар билан яшашни ўзига бахт деб билар, ўз муддаоларининг амалга ошишига умид билан яшар эди:

*Улуғ комлардин эдим бахтиёр,
Ки йўқ эрди анда манга ихтиёр.*

*Не тонг бўлса кўпдин-кўп ар қайғулуқ,
Тамаъ бўлса кимга улуғдин-улуғ.*

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 3-том, 529-бет.

² Алишер Навоий. Хамса, 638-бет.

*Ва лекин не ғам, Тенгри айлаб карам,
Улуғ муддао берса, мақсуд ҳам¹.*

Навоий бу ўринда «Ки йўқ эрди анда манга ихтиёр» дейиш билан «бу улуғ муддаоларни менинг кўнглумга Худонинг ўзи солган эди!» – деган фикрни ҳам уқтириб ўтган. Навоийнинг шу улуғ муддаолари унинг хамсачилигининг ривожланишига асос бўлган, деб хулоса чиқариш хато бўлмайди.

Навоий ижодида эпик жанрнинг ривож, улуғворлик даражасига кўтарилиши шоирнинг ўй-хаёллари билангина эмас, халқ тақдирига яқинлиги, халқ оммасининг ўз буюк орзулари сари интилиши билан ҳам боғлиқ эди. Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонида ўз давридаги жамият ҳаётини эпик-дидактик услубда, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий йўналишда мукаммал таҳлил қилиб берди, жамият тараққиёти, инсоннинг, турли ижтимоий табақаларнинг ахлоқий камолоти юзасидан ўз мулоҳаза ва фикрларини баён этди. Гарчи масалага бу тахлитда ёндашиш Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Низомийнинг «Махзан ул-асрор», Хусрав Деҳлавийнинг «Матлаъ ул-анвор», Жомийнинг «Тухфат ул-аҳрор», Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшани асрор» каби асарларида учраса ҳам, лекин Навоий бу достонида ўз яшаган тарихий шароити, муҳитига янада кескинроқ ва чуқурроқ мулоҳазалар билан ёндошди, муносабат билдирди, ўз салафлари адабий тажрибаларини юксак даражада ривожлантирди.

Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида Хитойдан то Юнон, Арманистонгача бўлган жуғрофий кенгликдаги воқеаларни Фарҳод ва Ширин образлари билан боғлаб ёритди.

Достонда Фарҳоднинг болалигидаёқ йилнинг тўрт фаслига мос тўрт қаср қурилишида гоҳ арракаш, гоҳ тошйўнар, гоҳ мусаввир сифатида қатнашиши, ойнаи жаҳон сирини билиш учун Юнонга лашкар суриши, ўз мақсадига эришиши, айниқса бир ўзи тошйўнарлик касбини ишга солиб, Ширин учун Арманистонда ариқ қазиши, тоғдан сув олиб келиши, ҳовуз, ҳовуз бўйида яхлит тошнинг ичини ўйиб қаср бунёд этиши, босқинчи Хусрав қўшини билан жанг қилиши ва ҳоказолар тасвири ҳақиқий эпик йўналишдаги тасвирлар эди. Бу эпизодларнинг ҳар бири китобхон онгидан, шууридан чуқур ўрин оладиган, уни ҳаяжонга соладиган яхлит манзаралардир.

«Сабъаи сайёр» достонида Навоий етти иқлим кишиларини, яъни Европа, Ҳиндистон, Миср, Хитой, Эрон, Мовароуннаҳрлик қаҳрамонлар ва сайёҳларни тасвирлар экан, бунда шоир бир мамлакат, бир халқ доирасида эмас, жаҳон миқёсида фикр юритади, бутун дунё халқлари тақдири, муаммолари ҳақида бош қотиради. Ушбу достоннинг монументаллиги, улуғворлиги шунда. Тўртинчи иқлимдан келган сайёҳ ҳикояси охирида Навоий ҳаётнинг гўзаллиги, ширинлиги ҳақида шундай хулоса чиқаради:

*Хушдурур боғи коинот гули;
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули².*

Бундай хулосалар ҳам бир кишига, бир халққа тегишли бўлмай, дунёдаги ҳар бир инсонга, ҳар бир халққа тегишли ва фойдалидир. Дунё миқёсида фикрлаш, ижод ҳаёлининг отини чоптириш «Садди Искандарий» достонида ўзининг ҳадди аълосига (авж чўққисига)

¹ АлишерНавоий. Хамса, 638-бет.

² АлишерНавоий. Хамса. 562-бет.

кўтарилган дейиш мумкин. Достонда Эрон подшоси Доронинг жавобларидан ҳақоратланган Юнон подшоси ва моҳир лашкарбоши, ҳар бир ишини олимлар билан кенгашиб қиладиган Искандар Эронга қарши уруш бошлайди. Бу жангда икки томондан миллионларча кишилар қатнашади. Дунёда, масалан, қалмоқлар нисбатан кичкина халқ. Бу жангда шу қалмоқларнинг ўзидангина бир юз эллик минг киши, ўзбеклар ва мўғуллардан юз минг киши иштирок этади. Навоий ёзади:

*Яна юз минг ўзбек мўғул бирла зам,
Юз эллик минг ул сори қалмоқ ҳам¹.*

Бадий адабиётда бундай катта жанг тасвирини буюк Гомернинг «Илиада», Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» каби асарларидагина кўриш мумкин. Навоий бу жангни Европа билан Шарқ ўртасидаги, айна вақтда дунё тарихидаги энг катта ҳарбий тўқнашув сифатида кўрсатган. Бу жангда Навоий таважжуҳи ёш ва ғайратли, инсофли ва маърифатли Искандар томонида туради. Искандар Дорони енггач, Искандарнинг бутун дунёни забт этиш ва ер юзида адолат ўрнатиш билан боғлиқ юришлари бошланади. Умуман, шу ғалаба туфайли Ғарб ва Шарқ бир-бирига яқинлаша бошлайди. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида селевкидлар ҳукмронлиги бошланади. Бу дунё тарихидаги катта воқеалардан бири эди.

«Садди Искандарий» достонининг улуғворлигини таъминлаган саҳналардан яна бири Қирвон вилоятида Искандар раҳбарлигида яъжуж деб аталган, одамхўр ёвуз махлуқларга қарши катта девор қурилишидир. Бу деворни темирдан, мисдан қурадилар. Уни қуришда бутун дунё халқларининг вакиллари, усталари иштирок этадилар. Яъни Навоий бу деворни қуришни жаҳондаги барча халқларнинг манфаати билан боғлиқ умуминсоний бир муаммо сифатида талқин этган ва халқлар доно раҳбарлар қўл остида бирлашсалар, ҳар қандай масалани осонлик билан ҳал этишлари мумкин! – деган ғояни илгари сурган. Навоий тасвирлашича, яъжужлар сочи узун, ёйилган, қулоғи бутун гавдасини ёпиб турадиган даражада кенг ва узун, бармоқлари девнинг бармоқларига ўхшаш, бурунларининг ичини тили билан тозалайдиган, оғзидан тўнғизникидай икки тиши чиқиб турадиган бир махлуқлар бўлган. Агар улар кўпайиб кетса, ер юзида одам уруғини қўймаслиги аниқ эди. Навоийнинг таърифича, Искандар яъжужлар йўлига сад боғлаб, дунёда энг савоб ишлардан бирини қилган эди.

Навоий ўз достонларининг қаҳрамонларини йирик режада тасвирлашга ҳаракат қилди. Масалан, Фарҳод ўз маъшуқасини туғилган юрти – Хўтандан эмас, узоқ, афсонавий гўзал ўлка – Арманистондан топса, Баҳром Эрон давлатининг подшоси бўла туриб, кўнглига ёққан маҳбубасини Хитойдан топади. Фарҳод улуғ тошйўнар уста ва ошиқ, мард жангчи ва паҳлавонгина эмас, балки иморатларга нақш соладиган мусаввир, табиат сирларини билишга қизиққан олим ҳамдир.

Навоий достонларида тасвирланган маъшуқалардан Ширин, Лайли, Дилором кабиларнинг ҳар бири гўзал бир оламдир. Шу билан бирга йирик, кенг бадий тасвир Навоий достонларида кўп вақт халқ афсоналаридан, тарихий ривоятлардан фойдаланиш орқали амалга оширилган. Шунинг учун Навоий достонларини яхлит «Хамса» шаклида ва алоҳида-алоҳида буюк «Гўрўғли», «Алпомиш» каби халқ достонлари билангина ёнма-ён қўйиш,

¹ Алишер Навоий. Хамса. 685-бет.

таққослаш мумкин. Чунки бу дostonларда ўзбек халқ оғзаки ижодининг кўпгина эпик анъаналари ҳам ўзининг етук ифодасини топган.

Навоий ижодида яхлитлик, аввало, унинг дostonларида намоён бўлса ҳам, унинг ижодида бунинг бошқача кўринишлари ҳам йўқ эмас. Навоий томонидан тўрт девондан ташкил топган ва ўз ичига уч мингдан зиёд мисрани олган йирик асар «Ҳазойин ул-маоний» ҳам лирик ижод соҳасида яхлитликка, улуғворликка интилишнинг ёрқин бир кўриниши эди. На Навоийгача, на Навоийдан кейин ҳеч ким бундай катта девон яратмаган.

Навоий умри охирида, маълумки, ўз адабий ва илмий асарларини куллийёт ҳолида – бир бутунликда кўриб (куллийётлар Навоийгача ҳам тузилган эди – А. Ҳ), уни ҳажман «юз минг байт» деб чамалаган эди. Шоир «Лисон ут-тайр» дostonида ёзади:

*Назму насрим котиби тахминшунос,
Ёзса, юзминг байт этар эрди қиёс¹.*

Бунда шоир, бизнингча, ўз адабий меросини дунё адабиётининг доҳий санъаткорларидан Фирдавсий, Низомий, Ҳусрав Дехлавий, Румий, Жомий кабиларнинг бой ижодий меросидан кам эмаслигини, ўшалар каби буюклигини, улуғвор кўринишга, салобатга эга эканини таъкидламоқчи бўлган. Шу билан бирга Навоий «улуғ», «буюк» деган сўзларнинг маъносини «Ҳамса»да кўпроқ ахлоқий йўналишда изоҳлаб:

Бийиклик келди ҳимматдин нишона!² –

деб ёзган эди. Навоий фикрича ҳимматли одамлар ўз халқига, ўз юртига ҳаётини тўла бағишлаган бўладилар. Улар буюк ишларни бажара оладилар ва буюк деб аталишга ҳақли. «Ҳамса», «Ҳазойин ул-маоний» каби улкан адабий ёдгорликлар Навоийнинг ўз халқига, бутун инсониятга кўрсатган ҳимматининг мевасидир.

Навоийнинг улуғ адабий жанрлар ривожини билан боғлиқ анъаналари XV асрдан кейин ўзбек адабиётида Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Солиҳ, XX асрда Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Ойбек каби ижодкорлар томонидан давом эттирилди.

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 11-том, 238-бет.

² Алишер Навоий. Ҳамса. 164-бет.

НАВОЙНИНГ САРБАДОРЛАРГА МУНОСАБАТИ

1337–1381 йилларда Хуросонда, 1365–1366 йилларда Мовароуннаҳрда юз берган сарбадорлар қўзғолони узоқ давом этди. Унинг иштирокчилари маълум бир ҳудудда мўғул ҳукмдорларининг ҳокимиятини йиқитиб, Хуросоннинг бир қисмида ўз давлатини барпо қила олдилар. Бу давлатда ерга солинадиган хирож солиғи 30 фоизгача камайтирилди, мўғуллардан тортиб олинган ерларнинг бир қисми деҳқонларга бўлиб берилди. Қуллар ҳам маълум даражада енгилликка эришдилар. Катта қисми деҳқонлардан ташкил топган сарбадорларнинг ёлланган аскарлари мўғул ҳукмдорларига қарши мардларча жанг қилдилар. Яхё Карробий ҳокимият тепасида турганда (1353–1360) Эрон ва Хуросонда мўғулларнинг ҳукмдорлиги батамом тугатилди. Тўғай Темурхон давлатининг яксон этилиши сарбадорларнинг энг порлоқ ғалабаларидан бири бўлган эди. Тарихчилар сарбадорлар тарихини ўрганишга катта қизиқиш билан қарайдилар¹. Бироқ сарбадорлар ҳаракатининг Хуросон ва Мовароуннаҳрда юз берган кейинги сиёсий воқеаларга кўрсатган таъсири, унинг адабиёт, санъат ва бошқа соҳалар тараққиётидаги хизмати шарқшуносликда етарли ўрганилмаган. Ваҳоланки, сарбадорлар ҳаракати ҳақиқий халқ ҳаракати сифатида, ҳеч Шубҳасиз, шоир ва адиблар ижодига ўз таъсирини ўтказган бўлиши, уларнинг ижодида ўз аксини топган бўлиши керак.

Сарбадорлар ҳаракати ва унинг ғоялари халқ онгига жуда чуқур жойлашган бўлишига қарамай, Амир Темур 1383 йил октябрь ойида сарбадорлар давлатини тугатган. 1405 йили сарбадорларнинг янги қўзғолонлари юз беради, уни Шохруҳ катта қийинчилик билан бостиради.

Сарбадорлик ғояларининг бадиий адабиётга таъсири XIV аср форс-тожик адабиётининг сарбадорларга яқин шоири Ибн Ямин Фарюмадий (1286–1368) ҳаёти ва ижоди текширилганда кўзга яққол ташланади. Адабиётшунос С. Имронов ўз мақоласида Ибн Яминнинг ғоявий-бадиий таъсири форс-тожик адабиётининг Амир Шохий, Бадриддин Ҳилолий, Зайниддин Восифий, Садриддин Масъуд Умидий каби шоирларига, айниқса, Абдурахмон Жомийга кучли бўлганини қатор далиллар билан исботлаб кўрсатган².

Шу муносабат билан Алишер Навоийнинг сарбадорларга ва уларнинг мафкурасига бўлган муносабатини ўрганиш биз учун ғоят аҳамиятли ва қизиқарли туюлади. Навоий асарларида бевосита сарбадорларга тегишли гап учрамайди. Лекин бу ҳол Навоий сарбадорларни билмас эди, деган гап эмас. Бу ҳақда гап борганда, биз, аввало, шуни эслашимиз керакки, Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Кичкина сарбадорларнинг собиқ пойтахти Сабзаворга келганда шоир ўн бир ёшда бўлиб, у ерда ҳали сарбадорлик анъаналари кучли эди. Икки-уч йилдан кейин Ғиёсиддин Кичкина вафот этди. Лекин бу давр, бизнинг назаримизда, бўлажак шоир учун изсиз кетмади. Проф. Е. Э. Бертельс шундай тахмин қилади: Афтидан, Алишер отасини кузатиб, унинг кетидан Сабзаворга бормаган, Ҳиротда қолиб, ўқишини давом этирган»³. Шоирнинг таржимаи ҳолига оид манбаларда бу ҳақда аниқ маълумот йўқ.

¹ Бу ҳақда қаранг: Р. Н. Набиев. XIV асрда Ўрта Осиёда сарбадорлар қўзғолони. Тошкент 1942; И. П. Петрушевский. Движение сербедаров в Хорасане. Статья («Ученые записки института Востоковедения АН СССР»), т. XIV, М., 1956, 91–162-бет; «История Узбекской ССР», т. I, Тошкент, 1967, 436–440-бетлар.

² С. Имронов. Ибни Ямин Фарюмадий ва XV аср адабиёти. «Чашнномаи Чомӣ» тўплам. Ленинобод, 1966, 83–97-бетлар.

³ Е. Э. Бертельс. Навоий. М. – Л., 1948, 90-бет»;

Алишер бошида отаси билан бормаган бўлса ҳам, кейинчалик, отаси жойлашиб олгандан сўнг бир эмас, бир неча маротаба Сабзаворга борган бўлиши ҳам мумкин. Ёш Алишер отаси Сабзавор ҳокими қилиб тайинланганига қадар ҳам бу шаҳар билан алоқа боғлаган эди. У Мир Шоҳий таҳаллуси билан машҳур бўлган сабзаворлик Оқмалик исмли шоир билан хат ёзишиб турар эди. Мир Шоҳий ёшлигида сарбадорлар ҳаракатининг фаол иштирокчиларидан бири бўлган ва шу сарбадорлиги билан танилиб, умрининг охиригача «сарбадор» сўзи унинг ижобий маънодаги лақаби бўлиб қолган. Кейинчалик у маълум бир вақт шаҳзода Бойсунғур Мирзонинг хизматида ҳам бўлган. Унинг Бойсунғур Мирзо саройидан кетиши сабабини В. В. Бартольд қуйидагича тушунтиради: «... чунки Оқмалик шаҳзоданинг кўнглига қараб ўзининг шоир бўлиш орзусидан воз кеча олмади, Бойсунғур эса унинг ёзганларини фақат ўз номига ўзлаштириб олмоқчи эди»¹. Навоий «Мажолис ун-нафоис»да унинг ҳақида қуйидагиларни ёзади:

«Мир Шоҳий – сабзаворлиқдур. Асли сарбадорлардин бўлур. Бойсунғур Мирзо мулозаматида бўлур эди. Оти Мир Оқмалиқдур. Фароғатдўст ва хушбош киши эрди. Анинг шеърини чошни ва салосат ва якдастлик ва латофатида таъриф қилмоқ ҳожат эмас. Ғазали агарчи оздур, аммо барча халойиқ қошида писандида ва мустаҳсандур. Фақир агарчи ани кўрмадим, аммо анинг била фақирни орасида эълom ва ирсол воқеъ бўлди. Мулк подшоҳи отамни ҳукумат расми билан Сабзаворға юбориб эрди ва Мир Шоҳийни Астробод ҳокими тилаб, Журжон мамоликига элтиб эрди. Астрободда анга қазo етиб, наъшин Сабзаворға келтурдилар ва обо ва аждоди даҳмасида халойиқни ўтру чиқориб, ани охират ерига дафн қилдилар...»²

Навоийнинг Мир Шоҳий билан бўлган ёзишмаларини В. В. Бартольд «оддий бир ёш боланинг чол билан ёзишмалари»³ деб баҳолайди ва бунга у ҳеч қандай аҳамият бермайди. Бизнинг фикримизча, Алишер собиқ сарбадор билан бекорга хат ёзишиб, хат олишмаган. Эҳтимол, Мир Шоҳий ўз шахсиятидаги қандайдир қарашлари ёки шеърларининг ўзига хослиги билан Алишернинг диққатини тортган бўлиши мумкин.

Асарларидан кўринишича, Навоий Сабзаворни яхши билган. У ўз тазкираси «Мажолис ун-нафоис»да Шоҳийдан ташқари сабзаворлик шоирлардан Дарвеш Мансур, мавлоно Зайний, Мавлоно Номий, Хожа Маҳмуд кабиларнинг номларини ҳам зикр этган. Навоий Мавлоно Зайнийнинг Мир Шоҳий билан яқин ҳамсуҳбат бўлганини қайд этади. Хожа Маҳмудга эса чуқур тавсифнома беради. Бу ва бошқа далиллардан хулоса қилиш мумкинки, Навоий Сабзаворда бир эмас, бир неча бор бўлган ва унинг одамлари билан учрашган. Бу вақтда сарбадорлик ҳаракатининг бир қанча қатнашчилари, Мир Шоҳийнинг тенгдошлари ва бошқалар ҳали шубҳасиз, тирик бўлган. Демак, Навоийнинг сарбадорлик ҳаракати билан танишиши биринчи маротаба бевосита унинг иштирокчилари орқали амалга ошган.

Навоийнинг сарбадорлар билан танишувиға иккинчи муҳим манба ўша даврда яратилган ва Навоийга ҳар бири яхши маълум бўлган тарихий асарлар эди. Навоий бу асарларнинг муаллифлари билан ҳам шахсан таниш, билиш, уларнинг айримларига ҳомийлик ҳам кўрсатган эди. Масалан, тарихчи Мирхонд ўзининг тарих бўйича йирик асари – «Равзат ус-сафо»ни ёзар экан, Навоий унга фақат моддий ёрдам кўрсатиш билан чекланмай,

¹ В. В. Бартольд. Сочинения, т. II, часть 2, М, 216 – 217-бетлар.

² Алишер Навоий. Асарлар. 12-том, 27 – 28-бетлар.

³ В. В. Бартольд. Сочинения. II том, 2-қисм, М., 1964, 216-бет.

маъавийжиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаб турган, қимматли маслаҳатлар берган¹. Мирхонд Навоий қурган «Ихлосия» мадрасасида истиқомат қилган ва ишлаган. Ҳиротдаги энг бой Навоий кутубхонаси унинг ихтиёрида эди.

«Ҳабиб ус-сияр» номли машҳур тарих асарининг муаллифи Хондамир Алишер Навоийнинг шогирди эди. Хондамирнинг тарихчи олим сифатида шаклланиши Навоийнинг оталарча васийлиги остида юз берган. «Мажолис ун-нафоис»да Навоий Хондамир ҳақида: «Мавлоно Хондамир Мирхонднинг фарзандидур ва салоҳиятлик йигитдур. Тарих фанида маҳорати бор...» – деб ёзган эди².

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида «Матлаъ ус-саъдайн» номли тарихий китоб муаллифи ҳақида ҳам бир неча илиқ сўзларни айтади: «Мавлоно Абдураззоқ мавлоно Абдулқаҳҳорнинг инисидур. Хуш муҳовара киши эрди. Зоҳир улумин такмил қилиб эрди ва фазлиёти ҳам яхши эрди. Хусусан, тарих илмиким, анда мусаннафоти бор ва машҳурдир. Ва ҳар киши бу фанда анинг маҳоратин билай деса, ўз тарихидин била олур»³.

Давлатшоҳнинг «Мажма уш-шуаро» номли тазкирасида ҳам сарбадорлар ҳақида ғоят қизиқарли маълумотлар ва фикрлар бор. Навоий Давлатшоҳнинг билимларини юқори баҳолар эди. Шоир «Мажолис ун-нафоис» да ёзади: «Амир Давлатшоҳ Фирузшоҳбекнинг амакизодаси, Амир Алоуддавла Исфаройинийнинг ўғлидур... Амир Давлатшоҳ хуштабъ ва дарвешваш ва кўп салоҳиятлиғ йигитдур.

Обо ва аждоди тариқидинким, аморат ва зоҳир азамат ва тажаммули бўлғай, кечиб, гўшае ихтиёр қилиб, фақр ва даҳқанат била қаноат қилди ва фазойил ва камолот иқтисоби била умр ўткарди. Ушбу мазмундаким, бу мухтасар («Мажолис ун-нафоис» тазкираси) битиладур, «Мажма уш-шуаро» тасниф қилибдурким ҳар киши ани мутолаа қилса, мусаннифининг истеъдод ва камолин маълум қилур...»⁴

Бу тарихий асарларнинг деярли ҳаммасида сарбадорлар ҳаракатига доир муҳим хабарлар, махсус боблар мавжуд эди. Ушбу тарихчилар аслида сарбадорлар ҳақида ёзганларидан кўпроқ нарсани билганлар. Навоийнинг бу тарихчилар билан шахсий танишлиги бизга унинг ҳам сарбадорлар ҳақида китобларда ёзилган маълумотларга нисбатан кўпроқ нарсаларни билган дейишимизга асос беради.

Навоийнинг сарбадорларга муносабатини, сарбадорлик мафкурасининг шоир ижоди-га кўрсатган таъсирини, унинг ижодини Ибн Ямин Фарюмадий ижоди билан қиёслаганда яққолроқ кўриш мумкин. Ибн Ямин сарбадорларга очиқ хайрихоҳлик билдирган, уларнинг бошлиқлари ва ҳукмдорларига бир неча қасидалар бағишлаган, уларнинг эрксеварлик ғояларини қўллаб-қувватлаган эди.⁵

Ибн Яминнинг номи Навоий асарларининг биронтасида, шу жумладан, «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг асл нусхасида ҳам зикр этилмаган. Лекин бу, Навоий Ибн Яминни билмас эди, деган гап эмас. Форс-тожик адабиётининг асосчиси Рудакий, машҳур шоир ва олим Умар Хайём номлари ҳам Навоий асарларида учрамайди. Лекин бу шоирларни Навий

¹ Алишер Навоий. Асарлар, 12-том, 125-бет.

² Алишер Навоий. Асарлар, 12-том, 125 – 126-бетлар.

³ Ўша китоб, 36-бет.

⁴ Ўша китоб, 147-бет.

⁵ Ибн Ямин Фарюмадий ҳақида қаранг: А. Р. Ҳеқмет. Рассказ о персидском поэте. М., 1965; С. Имронов. Ибни Ямин Фарюмади. Душанбе, 1966; И. Брагинский. 12 миниатюр. М., 1966, 221 – 224-бетлар. (Биз Ибн Ямин Фарюмади шеърларидан мисолларни С. Имронов ва А. Р. Ҳеқмет китобларидан олдик А. Ҳ.).

билгани, ҳатто улар ижодининг яхши, илғор томонларидан баҳраманд бўлгани маълум¹. Навоий ўз даврининг форс-тожик адабиёти бўйича энг билимдон кишиси бўлганлиги ўша даврдан бизгача етиб келган кўп ёзма манбаларда таъкидлаб ўтилади. У ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида форс-тожик шоирларидан шеърий девонини қайта-қайта ўқимаган, чуқур мутолаа қилмаган шоир деярли қолмаганини айтади. Демак, биз бундан Навоий XV асрда кенг машҳур бўлган Ибн Ямин девонини ҳам албатта ўқиган, деб хулоса чиқара оламиз.

Ибн Ямин ўз ҳаётида жуда кўп подшоҳларни кўрди. Хуросон вазири Хожа Алоиддин хизматида ҳам, Эроннинг охириги мўғул ҳукмдори Тўғай Темурхон саройида ҳам бўлди. Ибн Ямин ўз ихтиёри билан сарбадорлар хизматига ўтди, уларнинг амир ва ҳукмдорларини васф этди. Ибн Ямин ҳамма вақт инсонга инсонларча муносабатда бўлишга чақирди, жамиятдаги ҳоким табақа вакиллариининг очкўзлиги ва раҳмсизлигини, жоҳиллик ва пасткашлигини ўткир ҳажв қилди. У бир шеърида дейди:

*Мачу, Ибни Ямин, чуз, неқноми, –
Агар хоҳи, ки доим зинда монӣ.
Намирад ҳар ки номи неқ аз ў монд;
Ҳамин бошад ҳаёти човидонӣ.*

Мазмуни:

*Ибн Ямин, яхши номдан бошқа нарсани қидирма –
Агар сен доим тирик бўлиб қолишни истасанг.
Кимки яхши ном қолдирган бўлса, у ўлмайди;
Мангу яшашнинг маъноси ҳам шу.*

Ибн Яминнинг бу инсонпарварлик идеали Шарқнинг кўп улуғ шоирлари, шу жумладан, Алишер Навоийнинг идеаллари билан ҳамоҳангдир. Навоий «Саъд» исмига ёзган бир муаммосида шундай деган эди:

*Бу гулшан ичраки, йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур, чиқса яхшилик била от.*

Форс-тожик адабиёти тарихида Ибн Ямин ўзининг қитъалари билан шуҳрат топган. «Ибн Ямин ўзининг ҳамма қитъаларида мўъжаз ва ифодали шаклда виждонни ўзига тизгин қилиб олган эркин, фаол курашувчи шахснинг орзуларини куйлайди, – деб ёзади И. С. Брагинский. – Тўғрилиқ, софдиллик унинг шеърларининг гўзаллиги (эстетикаси)ни ташкил этади. Уларнинг баъзилари кўзғолончиларнинг кичкина-кичкина жанговар варақалари сингари жаранглайди»².

С. Имронов Ибн Ямин ижодини текшириб, унинг 13387 байт шеърий меросидан 4416 байтини қитъалар ташкил этишини, у ҳаммаси бўлиб 934 қитъа ёзганини тасдиқлайди. Ибн Яминнинг шарофати билан шеъриятнинг бу шакли форс-тожик адабиёти тарихида кенг оммавийлашди. Ўзбек адабиётида Ибн Яминнинг моҳир қитъа яратувчи сифатидаги

¹ Бу масалага биз «Навоий лирикаси» китобимизда махсус тўхтаган эдик, («Навоий лирикаси». Тошкент, 1961, 71 – 72-бетлар).

² И. С. Брагинский. 12 миниатюр. М., 222-бет.

таъсири биринчи маротаба Алишер Навоий ижодида кўзга ташланади. Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» тўпламида миқдор жиҳатидан ғазаллар биринчи ўринни эгалласа (2500 дан ортиқ), қитъа шаклидаги шеърлар иккинчи ўринни эгаллайди (210 та). «Девони Фоний» да ҳам 70 дан ортиқ қитъа бор. Демак, Навоий ҳаммаси бўлиб 300 га яқин ўзбекча ва форсча қитъалар ёзган. У ўз ёзган қитъаларини девонларига киритаётганда эса, ҳар бирига, унинг мундарижаси ва ғоявий йўналишидан келиб чиқиб, махсус сарлавҳа ҳам қўйган. Масалан, «Оз сўз демакнинг манфаатида ва қўп сўзнинг мазарратида», «Тузлук иртиқобида ва эгрилик ижтинобида», «Атфолни қарилар хизматига йўлламоқ ва чучук сўз била алдамоқ» ва ҳоказолар. Бу билан у қитъачиликда Ибн Ямин анъаналарини янада бойитди, такомиллаштирди.

Ибн Ямин ва Навоий ораларидаги яқинлик уларнинг шеърларига хос бўлган ғоявий-бадий хусусиятларни бир-бирига таққослаганда кўзга яққол ташланади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Навоий Ибн Яминнинг қитъаларинигина ўқиш ва ўрганиш билан чекланмаган. Масалан, Навоийнинг номаълум шахс томонидан тузилган девонига кирган машҳур бир рубойиси Ибн Яминнинг худди шу мавзуда ёзган бир рубойисига жуда ўхшаш. Ибн Ямин Ҳирот подшоси Мунзиддин Хусайн саройида беш йилдан ортиқ асирликда бўлган вақтида шу рубойини ёзган эди:

*Ғариб агар чи вазири шахиншаҳон бошад,
Ҳамеша майли дилаш сўйи хонмон бошад.
Агар чи соиди шоҳон бувад нишемани боз,
Вале ба коми дили боз ошён бошад¹.*

Мазмуни:

*Ғариб, мусофир одам жаҳон подшосининг вазири бўлса ҳам,
Унинг қалб тилаги ҳамиша ўзининг уй-жойи.
Лочин доим подшоҳларнинг елкасида ўлтирса ҳам,
Унинг юрак орзуси – ўзининг ошёни.*

Навоий Ҳиротдан, қариндош-уруғлардан узоқда Машҳадда ўқиб юрар экан, унинг бу вақтда ёзган шеърлари ҳам ғам-андуҳ билан тўла эди:

*Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш².*

Ибн Ямин ўз шеърини подшоҳнинг саройида, ейишдан-ичишдан камчилиги бўлмаган шароитда ёзган. Унга руҳан қийин эди. Шунинг учун у ўз аҳволини шоҳ лочинининг аҳволига таққослайди. Навоий эса отаси вафотидан кейин пулсиз, яқинларининг ёрдамисиз қолган эди. Унга моддий жиҳатдан ҳам, руҳан ҳам қийин эди. Шунинг учун у ўзини ўз ошёнига қайтишни орзу қилган қафасдаги булбулга ўхшатади. Ушбу икки рубойида лочин ва булбул образлари, «ошён» тушунчаси марказий ўрин тутади ҳамда шеърнинг асосий ғояси шулар орқали очилади.

¹ С. Имронов. Ибн Ямин Фарюмади. Душанбе, 1966, 86-бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 3-том, 573-бет.

Ибн Ямин қитъаларида унинг шеърий истеъдоди, ўз даврининг илғор кишиларига яқинлиги, халқ оммасига самимий ҳайрихоҳлиги жуда ёрқин ва чуқур намоён бўлган эди. Лўнда ва қисқа сатрларда у ғоят муҳим ва ҳаётий фикрларни изҳор қила олди, турли-туман ижтимоий қатламларнинг ўзаро муносабатларини кўрсата билди, форс-тожик поэзиясини янги образлар билан бойитди, сатирик оҳангларни ривожлантирди, ўзининг ноёб поэтик услубини яратди. Булар ҳаммаси Навоийнинг ёшлик шеъриятига сезиларли таъсир кўрсатган эди. Навоийнинг биринчи девонидаёқ биз Ибн Ямин қитъалари каби ижтимоий мазмун билан суғорилган янги қитъаларга дуч келамиз. Масалан, Ибн Ямин бир қитъасида ҳунарманд ва фозил кишилар амалдорларнинг хизматини қилса-ю, бунинг учун ҳақ олмаса, раҳмат эшитмаса, бундай ҳолда улар нега ўзларини камситишлари, вақтларини бекорга сарфлашлари керак, деган масалани қўяди:

*Ҳар ки бандад камар ба хидмати «халқ»,
Чун ҳунарманд бошаду фозил.
Назараш бар ду чиз агар набувад,
Пас бувад саъйи ў дар он ботил.
Аввало неъмату дуйум ҳурмат –*

*Ки бад-ин ҳосил аст шодии дил.
Гар нагардад зи хидмати махлуқ,
Ҳеч аз ин ҳар ду орзу ҳосил,
Пас паи чун ҳуде шабонрӯзи
Умр зоеъ чаро қунад оқил?!¹*

Мазмуни:

*Бировга хизмат қиламан деб (белига) камар боғлаган
Ҳунарманд ва фозил одам бўлади.
Агар бунинг учун у икки нарсага эришмаса,
Кейинчалик унинг кўнгли ишдан совийди.
Бунинг биринчиси неъмат, иккинчиси ҳурмат бўлиб,
Булардан кўнгли хурсандчилик топади.*

*Агар у махлуқларга хизмат қилиб,
Бу икки нарсанинг биттаси ҳам амалга ошмаса,
У вақтда улар кечасию кундузи
Умрларини бекорга ўтказиб нима қиладилар?!¹*

Навоий қитъалари ўзининг ғоявий йўналиши, кўп шеърий хусусиятлари, тили ва услуби билан Ибн Ямин қитъаларига жуда яқин. Навоийнинг «Махлуқ мулозаматидин танфир ва ғайри ҳақ мулозаматидин таҳзир» деган сарлавҳали ажойиб қитъаси худди Ибн Ямин қитъаси сингари бошланади:

*Кимки махлуқ, хизматиға камар
Чуст этар, яхшироқ ушолса бели.*

¹ С. Имранов. Ибн Ямин Фарюмади. 64-бет.

*Қўл қовуштурғуча бу авлодур,
Ки анинг чиқса эгни, синса али.
Чун хушомад демакни билмаса кош,
Ким тутулса дами, кесилса тили¹.*

Бу икки шоир қитъалари ўртасидаги муҳим фарқ шундаки, Навоий хушомадгўйликни ўз салафидан ҳам қаттиқ қоралаган, ўткир ҳажв қилган. Ўша жамиятдаги бошқаларга иш буюриб яшовчи амалдорларни эса икки шоир ҳам «махлуқ», энг пасткаш кишилар деб атаган.

Бошқа бир қитъасида Ибн Ямин ўз инсоний қадр-қиммати ҳақида шундай дейди:

*Маро луқмаи нон, ки дархур бувад,
Падид оварам аз раҳи деҳқанат.
Ба наздики дунон нахоҳам намуд,
Баройи ду он баъд аз ин масканат².*

Мазмуни:

*Бир луқма нон билан мен тўяман,
Уни мен деҳқончилик йўли билан топаман.
Мен пасткаш одамларнинг олдида,
Иккита нон учун ўз камбағаллигимни кўрсатмайман.*

Шу мазмундаги Навоий қитъасида эса бир товоқ ош учун шоҳ олдида қуллуқ қилган одам фош қилинади:

*Таваккулни улким қўюб хотириға,
Тушар шоҳ олдинда қуллуқ ҳавоси.
Насиби анинг бир аёқ ош эрур бас,
Агар ганжи Қорун эрур муддаоси.
Бировким бўлур бир аёқ ош учун қул,
Юзига керактур қозоннинг қароси³.*

Икки шоир ҳам ҳаётда фаоллик тарафдори бўлганлар, душманга нисбатан мурасасиз бўлишга чақирганлар. Навоий «Душмандин таҳзир қилмоқким, бийми бўлгай, хусусанким, ул душмани қадимий бўлгай», деган сарлавҳали асарида ёзади:

*Чу душман ўлди қадимий, зиёнидин ҳазар эт,
Агарчи нутқи равонбахши жонға роҳат эрур.
Сув бирла ўт аро зиддият ўлди чун азалий,
Агар ҳаёт суйидурки, ўтқа офат эрур⁴.*

Ушбу сатрлар Ибн Яминнинг қуйидаги сатрларини эслатади:

¹ Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами. 3-том, 545-бет

² С. Миронов. Ибн Ямин Фарюмади. 66-бет.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 3-том, 544 – 545-бетлар.

⁴ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 3-том. 547-бет.

Ҳар ки озурди ба кинаш, з-ў мадор уммеди меҳр.
 Морро чун дум зади ҳам боядаш сар қўфтан,
 Аз хирад дураст фурсат бо аду додан зи даст,
 Баъд аз он аз роҳи ҳасрат даст бар сар қўфтан.
 Пойро аз даст натвон додан онгаҳ пай задан,
 Хасм чун бар ҳисн шуд, ҳосил чи аз дар қўфтан.
 Чарбу нармӣ бо аду нояд гаҳи ғалзат бакор
 Оҳани сардаст натвони ба гавҳар қўфтан¹.

Мазмуни:

Кимга зарба берган бўлсанг, ундан яхшилик кутма;
 Илоннинг думини кесдингми, бошини ҳам эзиб қўй.
 Агар кучинг етса, жангдан бўйин товлама,
 Зафар вақтини бой бериб, кейин пушаймон бўлма.
 Душманни қўлдан чиқариб кейин орқасидан қувиб юриш қулгили иш;
 Душман қўрғонга беркинган экан, эшикни қоқишдан нима фойда?
 Жанг қизиб турган вақтда қўнғил бўшлиқ қилиш
 Темирни гавҳар билан уриб товлашдай бир гап.

Ибн Ямин шайх Халифанинг иши ва таълимотини давом эттирган сарбадорларнинг мутасаввуф сиёсатдони Ҳасан Журийга бир қанча қасидалар бағишлаган. Мирхонд «Равзат ус-сафо»да хабар беришича, шайх Халифани ўлдириш учун ёзилган фатвода унга дунёвий гапларни («ҳадиси дунё») ташвиқ қилганлиги бош айб қилиб қўйилган эди. Унинг шогирди Ҳасан Журий қуруқ ташвиқот билан чекланиб қолмасдан, ўз устози вафотидан кейин мўғул ҳукмронлигидан норози бўлган кишиларни қуролли қўзғолонга тайёрлай бошлаган ва қулай пайтни кутиб туришни буюрган: «Олоти ҳарб мураттаб дошта, мавқуфи ишорат бошад» («Уруш қуролларини тартибга келтириб, жанг ишорасини кутиб турсин»). Ибн Ямин шеърларидан англашилишича, у Ҳасан Журийнинг орқасидан борган ва сўфийларнинг илғор қисмига мансуб бўлган².

Навоий ҳам Нақшбандий нами билан боғланган тасаввуф таълимотини қўллаб-қувватлар, Баҳовуддин Нақшбандийнинг «даст ба кор» («қўл ишда бўлсин») деган гапига амал қилиб, одамларни фаол ҳаракатга, сусткашликдан қочишга, у юзига урса бу юзини ҳам тутиб бермасликка чақирар эди. Бунга шоирнинг қуйидаги қитъаси яхши мисол бўла олади:

Манга етса минг зулм неши фалондин,
 Иложиди ҳолимға хайрон қолурмен.
 Жафо қилғали қўйса вайронима юз,
 Агар қавлай олмон, қоча худ олурмен³.

Юқорида келтирилган қитъаларнинг аксарияти Навоий ҳаётининг биринчи ярмида ёзилган. Уларнинг баъзилари эса Навоийни ёмон кўрган, унинг бутун қариндош-уруғлари билан душманлик муносабатида бўлган темурий подшоҳ Абу Саид ҳукмронлиги даврида ёзилган.

¹ А. Р. Хекмет. Рассказ о персидском поэте. М., 1965, 72-бет.

² И. Брагинский. 12 миниатюр. М., 222-бет.

³ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 6-том, 525-бет.

Ибн Ямин қитъаларидаги баъзи образлар Навоий ғазалларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган кўринади. Масалан, бир ғазалида Навоий Султон Ҳусайн Бойқарони кўзда тутиб бўлса керак, шоҳнинг ўз ёнидан яхши, виждонли, тўғри одамларга эмас, балки ёмон ниятли, эгри одамларга жой беришини қоралаб ёзади:

*Шаҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиш, не тонг,
Ростравлар арсадин гар тутсалар руҳдек қироқ¹.*

Ўз давридаги подшоҳларнинг хатти-ҳаракатларини шахмат доналарининг хатти-ҳаракатига ўхшатиш Ибн Яминнинг қуйидаги қитъасида ҳам учрайди:

*Андарин айём ҳар к-ў ҳамчу фарзин кажраваст,
Дорад аз мансуб чу фарзин хона дар паҳлуйи шоҳ.
Онки то будаст чун рух рострав будасту ҳаст,
Доимо дар гўшае маҳруму дур аз рўйи шоҳ².*

Мазмуни:

*Шу кунларда ким фарзин сингари, қаёққа деса юра берса,
У тезда шоҳнинг ёнидан жойга эга бўлади.
Кимки руҳ сингари тўғри йўлдангина юрса,
Доим шоҳдан узоқда, бир бурчакда қолади.*

Навоийнинг баъзи қитъалари фақат ўзининг ғоявий йўналиши билан эмас, балки Шеърӣ вазни, оҳанги билан ҳам Ибн Ямин қитъаларини эслатади. Масалан, Навоий билим олишга чақириб, жаҳолатни қоралаб, бир қитъасини ёзади:

*Камол эт касбким, олам уйидин,
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотаом ўтмоқ биайниҳ,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ³.*

Ибн Ямин ҳам бу ҳақда шу вазн, шу оҳангда қуйидаги ажойиб қитъани яратган эди:

*Ман андар касби асбоби фазойил
Накардам ҳеч тақсиру тавонӣ.
Ҳунар парвардаам з-ин сонки бини,
Биё, ин кор кун, гар метавонӣ⁴.*

Мазмуни:

*Мен ўз билимларимни ошириш йўлида,
Ҳеч чарчамадим, ўзимни аямадим.
Мен ўзимни бу соҳада шундай тарбияладимки,
Боқ, қўлингдан келса, сен ҳам шундай қил.*

¹ АлишерНавоӣ. Мукамал асарлар тўплами. 3-том, 258-бет.

² А. Р. Хекмет. Рассказ о персидском поэте. М., 1965, 61-бет.

³ Алишер Навоӣ, Мукамал асарлар тўплами, 3-том, 545-бет.

⁴ С. Миронов. Ибн Ямин Фарюмади. 44-бет.

Ибн Яминнинг ўз отаси амир Яминиддин Туғройи билан мушоира олиб бориб, тақдирдан норозилик мавзусида яратган рубойлари у ҳаётлигида ва ундан кейин ҳам кенг шухрат қозонган эди. Амир Яминиддин ўғлига ёзган эди:

*Дорам зи итоби фалаки буқаламун,
В-аз гардиши рўзгори хаспарвари дун,
Чашми чу канораи суроҳи хама ашк,
Чоне чу миёнаи пиёла ҳама хун¹.*

Мазмуни:

*Фалак буқаламун сингари шундай бузуқки,
Дунёнинг айланишидан пасткашлик ривожлангани ривожланган.
Кўзларим май кўзасидек ёш билан тўла,
Юрак эса пиёланинг ўртасидек қон.*

Отасининг шеърдан таъсирланган Ибн Ямин унга жавобан ёзган:

*Дорам зи чафойи фалаки оинагун,
Пур оҳ диле, ки санг аз ў гардад хун.
Рўзе ба ҳазор ғам ба шаб меорам,
То худ фалак аз парда чи орад берун².*

Мазмуни:

*Оина ранг фалакнинг жафоларидан,
Дил ҳасрат билан шундай тўлаки, тошни қонга айлантиради.
Кечгача кунни минг ғам-алам билан ўтказиб,
Фалак ўз пардаси орқасида менга яна нималарни тайёрлаб қўйди
экан? – дейман.*

Бизнинг назаримизда, Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асаридаги тақдирнинг, фалакнинг ўзгарувчанлигини, бевафолигини қаттиқ қоралаб ёзган ва автобиографик характерга эга бўлган қуйидаги рубойи қофиялари ва ўқилиш оҳангига кўра, шу икки рубой таъсирсиз ёзилмаган:

*Гардун гаҳ манга жафоу дунлуқ қилди,
Бахтим киби ҳар ишта забунлуқ қилди.
Гаҳ ком сари раҳнамунлуқ қилди,
Алқисса, баса буқаламунлуқ қилди³.*

«Буқаламун» образини Навоий бу ўринда жуда муваффақиятли қабул қилган ва қўллаган. «Маҳбуб ул-қулуб» Навоийнинг сўнгги йирик асари эди. Демак, Ибн Ямин шеърляти Навоий учун умрининг охиригача илҳом манбаларидан бири бўлиб қолган. Сарбадорлик ғоялари билан суғорилган Ибн Ямин шеърляти Навоий учун Ҳофиз, Саъдий, Хайём, Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий ижодлари каби қадрли ва севикли бўлган.

¹ С. Имронов. Ибн Ямин Фарюмади. 47-бет.

² С. Имронов. Ибн Ямин Фарюмади. 47-бет.

³ Алишер Навоий. Асарлар, 13-том, 8-бет.

«Хазойин ул-маоний»нинг учинчи девони «Бадоеъ ул-васат»да шундай бир қитъа борки, унда Навоий, умуман, шоҳликни кескин қоралайди. У шоҳлик тожини бош оғриғи («дарди-сар») нинг манбаи, зулм воситаси деб атайди ва бутун ер юзида мавжуд барча тожларни йўқотиб ташлашни энг оқилона иш деб ҳисоблайди:

*Тож кўп дарди сар берур бизга,
Зулмидур ақли ҳуш торожи.
Бошимиздин бу тожни гум қил –
Барча гар бўлса салтанат тожи.*

Бу мисол шуни кўрсатадики, Навоий ўзининг сарбадорларга бўлган муносабатида уларнинг Ҳасан Журий бошлиқ энг кескин сўз усталари ва тарафдорлари фикрларига шерик эди. Чунки улар ҳокимиятни бошқариш ва бошлиқ тайинлашда династик қоида ўрнига сайлов ўтказиш учун курашар эдилар. Бу ҳақда И. П. Петрушевский ёзади: «Ҳасан Журий сулуки тарафдорларига келганда шуни айтиш керакки, уларнинг хатти-ҳаракатидан династик принципни қўллаб-қувватлагани кўринмайди. Шуни ҳам эслангки, Хожа Шамсиддин Али ўз вақтида (Амир Вазҳиддин Масъуднинг ўғли) Мирзо Лутфуллахонни, ҳали у бола, ҳокимиятни уддалай олмайди, деган баҳона билан тахтга ўлтиришига очиқдан очиқ тўсқинлик қилган эди; бошқача қилиб айтганда, династик принципга қарама-қарши ўлароқ, у сайлов принципини ҳамда ҳукмдорликка шахсий лаёқатлилиқ фикрини сурган эди»¹.

Бундай ғоя ўша замон учун энг илғор ғоялардан бири эди. Юқоридаги қитъани Навоий қачон ва қайси подшоҳ ҳукмронлиги вақтида ёзгани аниқ маълум эмас. Лекин, ҳар қандай бўлганда ҳам, бу шеър «сарбадорлик ҳаракати халқ оммаси ва ўша давр илғор кишилари онгида узоқ вақтгача чуқур из қолдиргани»дан гувоҳлик беради². Бундай кишилар орасида Алишер Навоий мустаҳкам ўринни эгаллайди.

¹ «Ученые записки института Востоковедения АН СССР», т. XIV, М., 1956, 150-бет.

² В. Заҳидов. Мир идей и образов Алишера Навои. Тошкент, 1961, 31-бет.

НАВОИЙНИНГ ИЖОДИЙ МЕТОДИ МАСАЛАСИ

Ижодий метод ёки бадиий метод деганда биз маълум бир тарихий шароит тақозоси билан вужудга келган бадиий тасвир принциплари ва умумлашмаларининг йиғиндисини ва шунга мос бадиий тасвир воситаларини тушунамиз. Ижодий метод масаласи ёзувчининг дунёқараши билан боғланган бўлади.

Ҳар қайси давр ўз адабиётини яратади. Бир давр адабиёти бошқа бир даврда вужудга келган адабиётдан фарқ қилади, бир-бирига ўхшамайди.

Демак, адабиёт ва унинг ижодий методи, умуман, бир даврнинг маҳсулидир. Навоийнинг ижодий методи деган гап, умуман, шу давр адабиётининг ижодий методи деган гапдир.

Навоий XV асрнинг иккинчи ярмида ўрта аср Шарқ муҳитида феодал шароитда яшаб ижод қилди. Бу даврда Хуросон ва Мовароуннаҳрда темурийлар ҳукмронлик қилар эди. Темурийлар ҳукмронлиги даврида вақтинча бўлса ҳам марказлашган феодал давлат вужудга келади. Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида бир қадар жонланиш юз беради. Шунга қарамай, мамлакат сиёсий ҳаётида ўзаро феодал низолар давом этар ва бу низолар халқ, мамлакат ҳаётига салбий таъсир кўрсатар эди.

Навоий ота-онаси вафотидан сўнг йигитлик давларида подшоҳ Абу Саиднинг қаҳрига учраб, бошидан жуда оғир йилларни кечирди; мусофирчиликнинг, моддий етишмовчиликнинг барча машаққатларини тотиб кўрди. Навоий Ҳиротда яшар экан, туриш учун ҳатто битта ҳужрага, яшаш учун чақага зор бўлган ва ниҳоят Ҳиротни ташлаб бошқа ерга кетишга мажбур бўлган.

Абу Саид ва унга тобе феодалларнинг кирдикорларидан ҳазар қилган шоир, табиийки, улар билан дўстлашиш йўлини ҳам қидирмаган. Натижада, у ўзини кўп вақт ёлғиз ҳис қилган:

*Манга бу эл ичра на бир ҳамдаме,
Ки бир дам иковлон дейишсак ғаме¹...*

Бизнингча, бу маънавий ёлғизлик замон билан шахс ўртасидаги конфликт асосида юз берган бўлиб, Навоийда, кейинчалик у Султон Ҳусайн подшоҳлиги даврида катта мансабга эришганда, ўз давридаги сиёсий ва маданий ҳаётнинг марказида турганида ҳам маълум даражада давом этди. Маънавий ёлғизлик шоирнинг ижодига, дунёқарашига, ижодий методига чуқур таъсир кўрсатди. Навоийнинг сарой аҳллари, феодал амалдорлар орасида яхши одамлар топилмаганидан, замоннинг ёмонлигидан, ҳаётнинг кишиларга душманлигидан шикоят қилиб, қариган пайтларида ёзган бир ғазали бу жиҳатдан диққатга сазовордир. Ғазалнинг охирида шоир ўз мулоҳазаларини чуқурлаштира бориб, ўз даври учун кутилмаган, ниҳоятда жасур, хайёмона бир хулосага келади. Бу олам шундай бузуқ қурилган экан, унда одамзоднинг ўз эзгу ниятларига етишиш имкони йўқ экан, Худо бундай оламни бузиб, қайтадан яратиши керак! – дейди шоир:

*Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,
Ҳақ магарким ком учун боштин ёротқой оламе².*

¹ АлишерНавоий. Мукаммал асарлар тўплами. 3-том, 533-бет.

² Алишер Навоий, Мукаммал асарлар тўплами. 4-том, 418-бет.

Навоийнинг эстетик орзуси унинг илғор ижтимоий фикрларига, умумлашмаларига асосланган бўлиб, феодал воқеаликка зид эди.

Шеърый ижодида ўз давридаги феодал воқеаликка ана шундай орзу асосида муносабатда бўлган Навоий бу даврдаги воқеликни ва унга ўзининг муносабатини, ранг-баранг бадий восита ва усуллар билан ифодалади.

XV асрга келиб ўзбек, форс-тожик, озарбайжон ва бошқа қатор Шарқ халқлари адабиётларида уч хил ижодий методнинг кўринишлари ҳамда бу методларга оид катта-катта асарлар мавжуд эди. Умар Хайём, Шайх Саъдий каби санъаткорлар ўз асарларида ҳаётда бор картиналарни, кишиларнинг бор образларини чизишга интилган бўлсалар, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий каби сўфий шоирлар тасаввуфга юз ўгирдилар, кишилар учун маънавий камолотни, илоҳиётни биринчи ўринга қўйдилар. Низомий Ганжавий, Ҳофиз Шерозий, Лутфий каби санъаткорлар эса бор ҳаётдаги ижтимоий иллатларни, золим феодалларни, маккор шайхларни рўйи рост танқид қилиб, уларнинг мавжуд образларини бериш билан бир қаторда, шу бор воқелиқдан юқори кўтарилиб, ҳаётнинг, кишиларнинг қандай бўлмоқлари кераклиги ҳақидаги ўз тасаввурларини ҳам ижодларида ёритиб бердилар. Демак, адабиётда реалистик йўналишдаги бадий тасвир услуби, мажозий, яъни аллегорик услуб ҳамда романтик характердаги тасвир услублари мавжуд эди. Реалистик тасвир услуби ҳали тўла шаклланган, мустақил ижодий метод даражасига кўтарилиб етмаган бўлса ҳам, лекин илғор адабиёт тараққиётида, адабиётнинг ҳаётга яқинлашувида муҳим роль ўйнар эди. Романтик бадий тасвир услуби эса, ҳаётни реалистик тасвирлаш услубига ўзини қарама-қарши қўймаган ҳолда халқ оммасининг орзу ва истакларини ҳаққоний акс эттиришда давом этар эди.

Навоий ўзининг бой шеърый ижодида мавжуд бадий тасвир услублари ва методларининг деярли ҳаммасидан фойдаланди. Ўз ҳаётининг қийин дамларида Навоий сўфиёна майлларга берилиб, шу мазмунда ҳам шеърлар яратди. У «Хамса» дostonларининг кириш қисмларида ва «Лисон ут-тайр»да эса ўзининг тасаввуфга бўлган муносабатини аниқлаштиради, илғор ғояларни ваҳдат шаклида илгари суради, дунёдаги барча нарсаларга илоҳий маъно бериш билан инсонни ҳам илоҳийлаштиради. Бизнингча, Навоий ижодида мажозий тасвир услуби етакчи ўринни ташкил этмайди.

Навоий поэзиясида реалистик характерга эга бўлган бадий тасвир ҳам ўрин тутати. Бундай тасвири биз, аввало, унинг «Ҳазойин ул-маоний» асаридаги лирик шеърларида кўп учратамиз. Навоий, масалан, «Бор эди, ул ҳамки бир, чоғ, бизга ёре бор эди» мисраси билан бошланувчи автобиографик ғазалида ўзининг қачонлардир севган ёри бўлганлигини, кўнгли у билан таскин топганлигини, лекин чархи кажрафторнинг ёмонлиги туфайли у билан қовуша олмагани ҳақида ҳасрат билан ёзади. Шоир бунда дарёларча кўз ёши тўкмайди, ортиқча оҳ-воҳларга берилмайди, балки, ўз ҳаётида бўлиб ўтган воқеани қандай бўлган бўлса шундай, борлигича сўзлаб беради. Шунинг учун бундай автобиографик ғазалларни реалистик тарзда ёзилган ғазаллар деб ҳисоблаш мумкин.

Навоий поэзиясидаги ҳаққоний тасвир унинг сатирик характердаги асарларида айниқса яққолроқ кўринади. «Шайх» радифли ғазалларидан бири диққатга сазовор. Шоир риёкор шайхнинг ярамас кирдикорларини очиб ташлайди. Навоийнинг тасвирлашича, шайх хонақоҳда зикр тушиб, ҳаммани лақиллатган ва бекорга вақтини олган. Унинг тасбеҳи ва жойнамози саловот ўгириш ва намоз ўқишга эмас, одамларни тузоққа илинтиришга хиз-

мат қилади. Унинг кароматлаъри бангининг хаёли билан тенг бўлиб, етишган юқори жойи хонақоҳдир. У гўзал аёлларни кўрса фарёд қилади, хилватда овқат еб, ўзини рўза тутган киши қилиб кўрсатади. Ўзини турли қиёфага солиб, натижада, у ўзига ўхшаш нодонларни жуда кўпайтириб юборган. Навоий ғазалнинг ҳар бир байтида шайхнинг фирибгарчиликларини ниҳоятда ўзига хос ва ишонарли деталлар орқали фош қилади.

Навоийдаги ҳаётий тасвир маҳорати унинг «Хамса»га кирган дostonларида, хусусан, «Ҳайрат ул-аброр» дostonида, «Лисон ут-тайр»даги қатор ҳикоятларида, «Мажолис ун-нафоис», «Маҳбуб ул-қулуб» каби прозаик асарларида ўз даврига нисбатан ғоят юқори поғонага кўтарилди. Бу асарларида шоир шоҳларнинг адолатсизликлари ва маишат-парастликларини, амалдорларнинг халққа нисбатан бебошликларини, савдогарларнинг инсофсизликларини ҳажв йўли билан қаттиқ танқид остига олди. Масалан, «Ҳайрат ул-аброр»да Навоий золим шоҳ ва унинг сарой аҳллари ҳақида ёзар экан, у бевосита шоҳнинг ўзига мурожаат қилиб, ҳокимиятдан халқни эзиш, талаш учун фойдаланганини, шу ҳисобга саройни безатганини, динни, Худони эсдан чиқариб, кечаю кундуз маишат билан машғул бўлганини, ахлоқий бузуқчиликни авж олдирганини айтадики, бу ўринда шоир реал воқеликдан илҳомланганига шубҳа қилмаса бўлади.

Навоий «Ҳайрат ул-аброр» дostonида шаҳар ва қишлоқларга бориб, косиб ва деҳқонлардан солиқ йиғадиган амалдорларнинг ўзбошимчаликлари ва зулмларини, бузуқчилик билан шуғулланишларини, уларга ярамас маҳаллий амалдорлар ҳам шерик эканликларини очиқ ташлайди.

Хуллас, ўша давр иллатларини фош қилувчи бундай реалистик моментларни Навоийнинг бошқа дostonларида ҳам кўплаб учратамиз. Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ўша замондаги ҳукмрон гуруҳларга тавсиф берар экан, унинг ҳажвий қалами янада ўтқирлашади ва бутун бир жамиятнинг ижтимоий манзарасини ҳаққоний тарзда гавдалантиришга эришади. Бу далиллар Навоийнинг ўзбек адабиёти тарихида реалистик бадиий тасвир хусусиятлари тараққиётида катта роль ўйнаганини, унинг бу хил тасвирлари феодал ўтмишни ўрганишда катта тарихий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Лекин бундан Навоий шеъриятида реалистик мазмунда ёзилган асарлар аксариятни ташкил этади ёки бу хил бадиий тасвир биринчи ўринда туради деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Навоийда бундай шеърлар кам сонни ташкил этади. Навоийнинг кўпчилик дostonлари ҳам, гарчи уларда ҳаётий тасвир муҳим ўрин тутса-да, асос-эътибори билан реалистик йўналишда эмас. Биз уларда маълум бир давр, тарихий реал кишилар тасвирини кўрмаймиз.

Фикримизча, Навоий ижодида романтик мазмундаги тасвир етакчи ўринда туради. Чунки Навоий ўз давридаги ҳаётни, унинг чиркин иллатларини танқид қилиш, фош этиш билан қаноатланмади. У ўз эстетик орзусидан келиб чиқиб, асарларида ажойиб кишилар образларини, хаёлий воқеа ва ҳодисаларни, инсониятни келажакка ундовчи улўф ғояларни илгари сурди ва куйлади. Ўз эпик асарларида кишиларга ҳамма даврларда ҳам тақлид намунаси бўладиган Фарҳод, Лайли, Ширин, Мажнун, Шопур, Ахи каби образларни яратди. Навоий шеъриятига хос бу образларга қараб, унинг ижодий методи романтик йўналишда эканини тан олишга тўғри келади ва шоир бу образларни яратишда илғор ғоявий мавқеда тургани учун унинг асосий ижодий методини илғор романтик метод деб аташ тўғри бўлади.

Навоийнинг илғор романтик методи Низомий, Хусрав Дехлавий, Ҳофиз, Жомий, Лутфий каби улуғ санъаткорларнинг ижодий методини чуқур ўзлаштириш, уларнинг анъаналарини давом эттириш натижасида шаклланган. Бу шоирларнинг ҳаммасида, В. Гёте таъбири билан айтганда, орзуга нисбатан интилиш кучли эди.

Навоийнинг ижодий методи хусусиятлари унинг ёшлик йилларида ёзган шеърлари, хусусан, ғазалларидаёқ кўзга ташланади.

Шоир шоҳ ва унинг одамларига мадҳ ўқишдан кўра, кўпроқ ўз ижодида анъанага кўра ишқий ғазаллар ёзишга катта ўрин беради. Лекин унинг ишқий ғазаллари ҳам романтик йўналишда бўлиб, уларда шоир идеал ишқни, идеал ошиқ ва маъшуқани, ошиқнинг ички кечинмаларини, садоқат ва гўзалликни, мардлик ва матонатни, висол ва унга интилишни, адолат ва тинчликни улуғлайди, чин севгига ғов бўлган кучларни лаънатлайди. Унинг ғазалларида ошиқ ўз ёри ҳажрида фарёд чекиб, унга нола билан шундай мурожаат қиладики, бу кайфиятни шоир поэтик тасвирнинг романтик шакл ва унинг воситалари орқали ифодалаган.

Навоий романтик шеъриятининг асосий хусусиятларидан бири шундаки, унда шахснинг фикр ва ўйлари, ҳис-туйғу ва интилишларига алоҳида ўрин берилади, Навоий тасвирлаган ошиқ ўзида кишиларнинг энг яхши фазилатларини мужассамлаштирган. Бу ошиқ кўп ўринларда Навоийнинг ўзидир. Ошиқ ўз ишқи билан фахрланади. У ҳеч қачон худбинликка берилмайди, ўз севгилиси ва халқ манфаатлари билан яшайди. Ишқ бобида гадони шоҳ билан баробар кўради.

Навоий лирикасидаги бу ажойиб хусусиятлар унинг романтик характердаги «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» каби достонларида янада чуқур акс этади. Навоий бу достонларни ёзишга киришар экан, уларнинг сюжетларини, қаҳрамонларини бевосита ўз давридаги ҳаётдан эмас, балки халқ афсоналаридан, тарихий асарлардан олди. У ўзининг юксак идеалларидан келиб чиқиб, инсонпарвар, халқпарвар чин ошиқ ва қаҳрамон, инсонпарвар олим ва файласуф Фарҳод, ташқи гўзалликда ҳам, ички гўзалликда ҳам тенги йўқ Ширин, ўзи яшаган муҳит билан қаҳрамонларча олишиб, унга бўйсунмасдан, ишқ туфайли қурбон бўлган Мажнун ва Лайли, одил Искандар, олижаноб Ахи, ҳақиқий дўст Шопур образларини киритди. Уларнинг ғайритабиий қаҳрамонликлари ва афсонавий саргузаштлари, инсоний фазилатлари, чексиз қобилият ва интилишлари ҳақида ёзишни шоир мақсадга мувофиқроқ деб топиб, улар орқали ўз даврининг муҳим сиёсий, ижтимоий, фалсафий, илмий, этик ва ҳоказо муаммоларини илгари сурди. Масалан, Фарҳод ўн ёшга етмай ҳамма илмларни, ҳатто ҳарбий санъатни ҳам эгаллаб олади, кишиларга раҳмдил бўлиб, бечораларнинг бошини силайди, шоҳлик дабдабасига берилмайди, отаси хазинасидаги ойна билан боғлиқ номаълум сирларни билишга қизиқиб, Юнонга сафар қилади, девларни, аждаҳоларни енгади; ойна сирини билгач, ватанига қайтиб, сирли кўзгуда Ширинни кўради, у Ширинга ошиқ бўлиб, яна сафарга чиқади. Кўп мураккаб саргузаштлардан сўнг йўлда дўстлашиб олган Шопур ёрдамида Арман мамлакатида келади. Оғир меҳнат остида ариқ қазиётган одамлар билан учрашади, уларнинг меҳнатини енгиллатиш учун афсонавий ўткир теша ясаб, ариқ қазишга, харсангтошларни ўйишга бошлайди ва шу иш тепасида гўзал Ширин билан учрашади. Ўз олижаноблиги туфайли у Шириннинг муҳаббатини қозонади. Фарҳоднинг унумли меҳнати билан ариқ қазилиб битгач, Арман мамлакатининг бошига катта фалокат ёғилади. Эрон шоҳи Хусрав Шириннинг гўзаллигини

эшитиб, уни ўзига хотинликка сўрайди. Хусрав рад жавобини олгач, Арманистонга қўшин тортади. Фарҳод бир ўзи тоғда туриб, улар билан қаҳрамонларча курашади. Лекин Хусрав Фарҳодни ҳийла-найранг билан ўлдиради. Ширин ҳам ўз душманларига таслим бўлмасдан, Фарҳодга содиқ қолади ва ўз инсоний ғурурини сақлаган ҳолда мардларча ҳалок бўлади.

Демак, Навоий қаҳрамонлари бирон тарихий аниқ бир даврда етишган қаҳрамонлар бўлмай, кўпроқ шоирнинг орзусида туғилган қаҳрамонларнинг шартли образларидир.

Шоир, романтик асарларда тасвирланганидек, ўз қаҳрамонларининг шахсий хислатларини, истак-туйғуларини очишга катта ўрин беради. Чунки у тарихни қаҳрамонлар яратади, деган тушунчада бўлган. Унингча, Фарҳод бўлмаса ариқ қазилмас, Искандар бўлмаса ер юзида адолат ўрнатилмас эди. Шунинг учун ҳам Навоий ишқий дostonларида ўз қаҳрамонларининг ички кечинмаларини ғоят чуқур ва таъсирли қилиб тасвирлади. Бундай тасвирлар Навоий ижодий методининг кучли ва ўлмас томонларидир.

Навоий методининг яна бир характерли томони шундаки, у кўп вақт шартли-романтик тасвир билан реалистик тасвирни қўшиб олиб боради. Унинг романтик дostonларидаги кўп эпизодлар ишонарлидир. Масалан, дашт-сахроларга бош олиб чиқиб кетган Мажнунни отаси қидириб топиб, фарзанд доғида ўзи ва онасининг жуда оғир аҳволга тушганини йиғлаб баён қилиш эпизодини эслайлик. Бунда ота-онанинг психологик кечинмалари анча аниқ акс эттирилган.

Бу дostonда кишилар ички дунёси билан бир қаторда табиат манзаралари, бино қурилиши сахналари ҳам чуқур шеърый ҳаяжон билан аниқ берилган. Бунинг учун «Садди Искандарий» дostonидаги Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг табиат манзаралари тасвирини эслашнинг ўзи кифоя.

Умуман, Навоийнинг ижодий методида юқори услуб ва шартли анъанавий тасвирлар реалистик ва мажозий тасвирлар билан ҳам яқиндан боғланган бўлиб, у ўз даври учун ҳаётий метод эди. Бу метод асосида қалам тебратган шоир уни янада ривожлантирди, ўлмас ва ёрқин асарлар ярата олди.

УЛУҒ ШОИР ШЕЪРИЙ УСЛУБИГА ДОИР

Навоийшуносликда кейинги йилларда муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Улуғ шоир ижодини ўрганишда унинг назарий масалаларига ҳам катта аҳамият берилиши қувончли ҳолдир. Шоирнинг фалсафий дунёқараши, ижодий методи, ҳажвий мероси, лирикаси, салафларига муносабати, асарларининг матн хусусиятлари, тили ҳақида монографик тадқиқотлар юзага келди. Улуғ санъаткор ижодининг ўзига хос хусусиятлари унинг бадиий-поэтик услубини ўрганганда янада чуқурроқ очилиши мумкин. Биз бундай муаммоларни ўрганиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзимизнинг айрим мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Бу масалани нисбатан кечикиб ўрганилаётганлигининг ўз сабаблари мавжуд. Чунки адабиётшунослик тажрибаси шуни кўрсатадики, у ёки бу ижодкорнинг услуби масаласи, одатда, ижодининг умумий қўлами маълум бўлгандан кейингина яхшироқ ўрганилади.

Кейинги вақтларда услуб масаласи бўйича адабиётшуносликда бир қанча мунозаралар бўлди, кўпгина тадқиқотлар юзага келди. Лекин бу билан услуб масалаларига тўла ойдинлик киритилди деб айта олмаймиз. Хусусан, Шарқ классикларининг услуби ҳали жуда кўп махсус ўрганилиши, текширилиши керак.

«Навоий услуби» деганда биз унинг ўзига хос услубини тушунамиз. Навоий даврида ҳам услубий оқимлар, бир-бирига яқин услубда ижод қилган шоирлар кўп бўлган.

Шуни таъкидлаш лозимки, услуб масаласини фақат тилшуносликка ёки фақат адабиётшуносликка оид деб қарамасдан, иккисига ҳам оид деб қараш тўғри бўлади. Албатта, услубни тилшунос текширганда асарнинг лингвистик томонларига, адабиётшунос эса бадиий ифодалаш хусусиятларига, образлар системасига кўпроқ аҳамият бериши табиий. Ижодкор услуби ҳақидаги ҳақиқат эса шу икки тип текширувчининг хулосалари асосидagina юзага келиши мумкин.

Шарқ классикларининг ижодида шартли анъанавий ҳолатлар жуда ҳам катта ўрин тутади. Бу ҳол улар ижодининг асосий ғоявий-бадиий хусусиятлари билан боғланган. Адабиётда маълум бўлган, бошқалар томонидан қуйланган ғоя ва мавзуларни қуйлаш, улар томонидан қўлланган тасвирий восита ва образлардан фойдаланиш, адабий ҳаётда бутун ўрта аср давомида кўпгина Шарқ мамлакатларида табиий бир ҳол ҳисобланган, Навоий каби Шарқ муаллифлари услубини ўрганиш биринчи навбатда, ана шу хусусият билан туташидир.

Қуйидаги ғазални кўздан кечирайлик:

*Не хам қошлардурурким, ҳасрати қаддимни ё қилмиш,
Не киприклар ўқиким, рўзгоримни қаро қилмиш.*

*Не печу тоби ҳадсиз домаи зулф эркинки, очилғоч.
Демай кўнглум қушиким, ўйла юзни мубтало қилмиш.*

*Не кўзлардурки, олмиш кўз юмуб очқунча кўнглумни,
Қилиб ҳар гўшада бемору қисми юз боло қилмиш.*

Бу хил ғазалларни форс-тожик, ўзбек, озарбайжон шоирлари девонларида кўплаб учратиш мумкин. Чунки у олдиндан маълум бўлган бир мавзуда, шеър аҳлларига маълум тасвир воситалари – ўхшатиш, истиора, муболаға, такрорий ундовлар воситаси ҳамда ҳаммага таниш образлар билан ёзилган. На қош, на киприк, на зулф, на кўз тасвирида, бизнингча, катта бир янгилик йўқ. Бу ғазал Навоийнинг илк девонидан олинган бўлиб, шоир уни қайта ишлаб, кейинги девонига ҳам киритган. Бундай ғазаллар шоирнинг кейинги девонларида ҳам истаганча топилади. Уларда ошиқнинг ишқий изтироблари, маъшуқанинг бениҳоя гўзаллиги кўпроқ анъанавий руҳда ифодаланган. Буни шоирнинг ўзи яширмайди, ҳам. У бир қитъасида назм соҳасида, хусусан, ғазалчиликда уч кишига эргашгани, булар Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдурахмон Жомий бўлиб, уларнинг таъсири унинг ҳар байтидан кўриниб турганини айтади ва қитъани шундай якунлайди:

*Навоий назмиға боқсанг, эмастур
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи.
Ҳамоно кузгудурким, акси солмиш
Анга уч шўхи маҳвашнинг жамоли¹.*

Бу ўринда фақат «Девони Фоний»нинг ўзидагина 250 дан ортиқ ғазал Ҳофизга, ўнлаб ғазаллар Хусрав Деҳлавий ва Жомийга татаббу тарзида ёзилганини, «Хамса» дostonларининг Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавий «Хамса»лари ҳамда Абдурахмон Жомийнинг баъзи дostonлари изидан бориб яратилганини эсласак, Навоийнинг бадиий-шеърый услубига анъананинг таъсири нақадар катта эканини, бундан шоир услубининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш нақадар мураккаб эканини маълум даражада тасаввур этиш мумкин. Демак, Навоий, шунингдек, ўрта аср Шарқ муаллифларининг ижодий услубини ўрганишга бу муаллифларнинг адабий анъаналарга муносабатини текшириш ва аниқлашдан бошлаш керак.

Лекин Шарқ классиклари ижодида анъанавий хислат ва белгилар қанча кенг ўрин тутмасин, биз шу асосда бу ижодкорларнинг ҳар бирининг ўзига хос ғоявий-бадиий қиёфаси, услуби йўқ, деб айта олмаймиз. Чунки ижодий иш ҳамма вақт ҳамма ерда индивидуал характерга эга бўлиб келган ва бундан кейин ҳам доим шундай бўлиб қолади. Ҳақиқий санъаткор ўз она тилидаги адабиётни, жаҳон адабиётини маълум бир тарихий даврдаги ижтимоий воқеа ва ҳодисаларга, илғор ғоя ва интилишларга, шу давр кишиларининг ҳис-туйғу ва қарашларига индивидуал муносабатда бўлиб, уни ўз қараши, ўз ҳаётий тажрибаси, ўз овози, ўз характери орқали бадиий акс эттириши туфайлигина бойитиши, унинг тараққиётига улуш қўшиши мумкин. Шу жиҳатдан ўзбек адабиёти тарихида Лутфий, Саккокий, Атоий, Навоий, Бобур, Турди, Машраб, Огаҳий, Мунис, Муқимий, Фурқат, Аваз ижодлари қанча кўп умумий хусусиятларга эга бўлмасин, уларнинг ҳар бири бошқасидан ажралиб туради. Уларнинг ижодидаги бу фарқ эса, аввало, уларнинг бадиий услубида, сўз ишлатиш санъатида кўзга ташланади.

Ўзининг улкан ижодини Шарқ халқлари адабиётидаги анъаналар билан чамбарчас боғлаган Алишер Навоий ўз услуби ҳақидаги фикрини қуйидагича гўзал ва аниқ ифодалайди:

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 6-том, 516-бет.

*Сабт ўлмаса Навоий оти назми зайлида,
Фаҳм айлар аҳли дард калоши адосидин¹.*

Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, чунки Навоий ҳақиқий санъаткор эди. У фавқулодда бир шеърӣй маҳоратга эга бўлиш билан бирга, ниҳоятда чуқур билимга, бой ҳаётӣй тажрибага, атрофида юз берган воқеа ва ҳодисаларни олимларча синчиклаб кузатиб, бу ҳақда файласуфларча теран мулоҳаза юритиш қобилиятига эга эди. Унинг бу шахсий хусусиятлари шеърларида ҳам, достонларида ҳам, насрий асарларида ҳам ҳар доим ўз ифодасини топган. Буларнинг ҳаммаси жам бўлиб, унинг ўзига хос шеърӣй ва насрий услубларини белгилаб берган. Реалист санъаткорларнинг асарида ёзувчининг шахсий хусусияти, характери, тили, яшаган муҳитининг таъсири, дунёқарашига хос белгилар унинг услуб хусусиятларини белгилаб туради. Бироқ Навоий асарларида буларнинг ҳаммаси кўп ҳолларда бадӣй анъана билан боғланган ҳолда, гоҳ унинг доирасида, гоҳ унинг атрофида, аммо ундан жуда ҳам узоқлашмаган ҳолда намоён бўлади. Масалан, Навоий қариликда ёзган бир ғазалида ўзи яшаган замондан, замоннинг жабр-зулмидан зорланиб:

Замон ошубидин кўнглумга юз шиддат етар эрди, – дейди ва у яшаётган даврда сув келтирган хору, кўза синдирган азиз эканини айтади. Аммо у ўзининг бу хил фикрларини кўп ўринда такрорланмас ҳаётӣй эпизод ёки ички ижтимоӣй кечинмалар орқали эмас, балки анъанавӣй ишқӣй ҳис-туйғулар ва образлар ҳамда шеърӣй санъатдаги ўхшашликнинг турли кўринишлари (*Т. Зеҳний: санъати истидроқ*) орқали ифодалайди:

*Менга номехрибон ёр ўзгаларга меҳрибон эрмиш,
Менинг жоним олиб, ағёрга оромижон эрмиш.*

*Тан узра энди фаҳм эттим ададсиз тоза доғимни,
Ки ҳар бир-бир қарорғон шомӣ ҳажримдин нишон эрмиш.*

*Бузулғон кўнглум атрофиндоғи захм ичра новаклар,
Балият қушларию захм аларға ошён эрмиш.*

*Рақибӣ синдириб кўнглуну мен йиғлаб анга, лекин–
Сув келтирмак ҳамону кўза синдирмоқ ҳамон эрмиш.*

*Балият даштида зоре кўруб, Мажнун соғинғайлар,
Кўнгул отлиқ бизинг овораи бехонумон эрмиш.*

*Хаёлинг хайли кўнглум даштида чун қилдилар манзил,
Ҳар ўт ёққан ер ул манзилда бир доғи ниҳон эрмиш.*

*Замон ошубидин кўнглумга юз шиддат етар эрди,
Чу фаҳм эттим – мунга боис ул ошуби замон эрмиш²...*

¹ Алишер Навоӣй. Ҳазойинул-маонӣй. Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмаси. Инв. № 667, 163-варақ.

² Алишер Навоӣй. Ҳазойинул-маонӣй. 3-том, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1960, 263-бет.

Навоий анъаналарни чуқур эгаллаган ҳолда бу шеърда ўз ижодини мумкин қадар даврининг реал ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, маданий-илмий ҳаётига яқинлаштиришга интилиш орқали ўз услубига эришган. Шунинг учун ҳам биринчи қарашда анъанавий ишқий шеър бўлиб кўринган бу ғазал услубан ранг-баранг ҳамда ҳаётӣ бўлиб, айни вақтда шоир яшаган давр ҳақида кенг тасаввур беради.

Навоий шеърятининг, унинг бадий-поэтик услубининг анъанавий тасвир билан қаттиқ боғланганини кўрсатувчи яна бир далил шоирнинг ўз даврида адабий ҳаётда кенг қўллаган шеърӣ санъатларга ижобӣ муносабати, уларни кўп қўллашидир. У йигитлик вақтида Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган машҳур мактубида ҳар байтни шеърӣ санъатнинг хосса маъни, ийҳом каби энг қийин турлари билан безай олиш қўлидан келишини айтган эди:

*Агар хосса маъни, гар иҳом эрур,
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур¹.*

Шоир бу хил шеърӣ санъатларни умрининг охиригача ижодида маҳорат билан қўлади. Моҳият эътибори билан Навоий новатор санъаткор сифатида майдонга чиқди. У ўз ижодида даврининг энг долзарб ижтимоий-сиёсий, фалсафӣ-ахлоқӣ ва илмӣ-маданий масалаларини кўтариб чиқди ва бу масалаларни хилма-хил шакл ва бўёқларда ифодалади. Унинг услуби лирикада ҳам, дostonларида ҳам, насрий ижодида ҳам доим ўсиб, бойиб, тобора сайқал топиб, ҳаётӣлик касб этиб, унинг юксак ғоявий интилишларига мослашиб борган. Шундан келиб чиқиб биз Навоийнинг услубини асосан уч қисмга бўлиб ўрганиш тарафдоримиз: лирик, эпик, насрий асарлари услублари.

Навоий ижоди мавзу ва шеърӣ шакл нуқтаи назаридан ҳам жуда бой бўлгани сабабли лирикаси услубан ранг-барангдир. «Ҳазойин ул-маоний»даги ғазаллар орасида шундай автобиографик, реалистик ва сатирик сатрлари борки, улар ишқӣ-анъанавий ғазаллардан услубан яққол ажралиб туради. Ғазаллар, рубоийлар, қитъалар ичида фалсафӣ-ахлоқӣ мавзудагилари ҳам ўзига хос бир дунё. Шоирнинг таржеъбандлари, таркиббандлари, маснавий мактуби, соқийномаси эса ҳар бири ўзига хос бир шеърӣ обида бўлиб, бири билан иккинчисини ўлчаш мумкин эмас. Умуман, Навоий лирикасидаги тасвирий услубнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, шоирнинг ишқӣ-анъанавий мисра ва байтлари деярли ҳар қадамда ҳаётӣ мушоҳада ва мулоҳазалар, ҳаётӣ манзара ва лавҳалар билан йўғрилган ҳамда безатилган. Мана, бунга бир мисол:

*Киргали кўнглум аро бир-бир ўқунг бўлмиш таним –
Ул қаламдекким, онинг ичида туз-туз ноли бор.*

*Сунбулинг тушса оёғинг остида не айбким,
Гул била хуришднинг остида лому доли бор²...*

Бунда шоир шеърнинг лирик қаҳрамони ошиқ номидан: «Мен севгимга етишиш йўлида изтироб чекавериб юзимни олтин сингари сарғайтирдим. Чунки бу замонда кумуш танли

¹ Алишер Навоӣ. Ҳазойинул-маоний, 1-том. ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1959, 706-бет.

² Алишер Навоӣ. Ҳазойинул-маоний. 1-том, ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1959, 194-бет.

гўзаллар кимнинг бойлиги бўлса, ўшаники бўлиб кетяпти; отган ўқларинг, эй гўзал, бир-бир юрагимга кириб санчилиши учун танамни қамиш қаламга айлантирдим, чунки қамиш қаламнинг ичида ҳам тўғри-тўғри узун қилтириқлари, томирлари бор-да; сунбул каби сочларинг оёғинггача тушиб, ерда судралиб ётган бўлса, бунинг айби йўқ, чунки юзингга ўхшаган гул билан хуршид (қуёш)нинг ҳам (бунда «гул» ва «хуршид» сўзларининг араб алфавитида ёзилиши кўзда тутилади – А. Ҳ.) охирида «лом» ва «дол» ҳарфлари бўлиб, улар эгилган, букилган ҳолда-ку! дейди. Бу хил тасвир Навоий услуби учун шеърятда жуда характерли.

Лирикадаги Навоий услуби учун хос бўлган яна бир хусусият айрим сўз, айрим образ ва иборалар (масалан, ишқ, май, ёр, ошиқ, гул, булбул, ораз, сунбул, қош, кўз, сарв, лола ва ҳоказо сўз ҳамда образлар билан боғлиқ анъанавий иборалар) нинг мислсиз даражада кўп такрорланишидир. Уларнинг миқдорини билиш учун ҳозир кибернетик ҳисоблаш машиналаридан фойдаланилса ёмон бўлмас эди. Бундан чиқариладиган хулосалар классик поэзиямизнинг фақат услуб хусусиятларини эмас, балки умуман ғоявий-тематик ва бадиий-поэтик хусусиятларини ҳам математик аниқлик билан очиб берган бўлур эди.

Навоийнинг эпик асарлари услуби лирик асарлари услубига нисбатан ҳам анча мураккаб. Чунки бунда бир дostonнинг ёзилиши, ўқилиши, уни ёзишдан муаллиф кузатган мақсад бошқасиникига ўхшамайди. «Хамса»даги «Ҳайрат ул-аброр» фалсафий-дидактик асар бўлса, «Фарҳод ва «Ширин» ишқий-романтик дoston. «Лайли ва Мажнун»да лирик ҳис, ҳаяжон кучли бўлса, «Сабъаи сайёр»нинг ҳикоятлар қисмида халқ эртакларига хос хусусиятлар устунлик қилади. «Садди Искандарий» эса қаҳрамонлик дostonларини эслатади. Буларнинг ҳаммасида ҳаётнинг турли томонлари, турли ижтимоий табақа вакиллари тарихга, афсоналарга, ўша давр воқеа ва ҳодисаларига боғлаб ёрқин бўёқларда шоирона эҳтирос билан тасвирланади. Шоир бу мавзуларда асар ёзган ўз салафларидан кўпгина масалалар талқинида юқори кўтарилиб, ўзбек тилида тенги йўқ дostonлар яратган. Шоирнинг сўнгги дostonи – «Лисон ут-тайр»нинг катта қисмини майда ҳикоялар ташкил этган бўлиб, уларнинг кўпи ўз даври ҳаётидан олиб ёзилган.

Муаллифнинг эпик услубини чуқурроқ очиш учун бу дostonларни салафларининг шу хилдаги асарлари билан қиёсий ўрганиш ҳам мароқли, ҳам самаралидир. Бу дostonларда Навоий ҳаётни, тарихни энг чуқур билган ўз даврининг улуғ донишманд файласуфи ва инсонпарвари сифатида намоён бўлади. Унинг ҳар байти ҳаётини мазмун билан суғорилган бўлиб, юксак бадиийлик ва маҳорат билан ёзилган. Қиёсий ўрганиш эса бу даъвони тўла исботлаши мумкин, холос. Айни вақтда бу байтлар шоирнинг шахсиятига хос қатор хусусиятлари билан ҳам боғлиқ бўлиб, булар ҳаммаси охир-оқибатда ўзбек адабиёти тарихида такрорланмас бир бадиий поэтик услубни ўзида гавдалантиради.

Шоирнинг насрий асарлари анъанавий услубда ҳамда оддий насрда ёзилган.

«Маҳбуб ул-қулуб», «Вақфия» анъанавий услубда бўлиб, бу асарларнинг кўп қисми саж, мураккаб сўз ва иборалар билан битилган.

«Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Мажолис ун-нафоис», «Тарихи мулуки Ажам», «Насоим ул-муҳаббат», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» кабиларни асос эътибори билан иккинчи гуруҳга киритиш маъқулдир. Чунки бу каби асарларда муаллиф ўз фикрларини кўп вақт шартли ва сунъий ибораларсиз, ҳаммага тушунарли оддий сўз ва жумлалар билан баён қилади. Бу асарларда шоир прозасининг энг

яхши фазилатларини ва ранг-баранглигини кўриш мумкин. Навоийнинг «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Рисолаи муаммо» каби асарларини эса ҳозирги вақтда насрий асар деб эмас, балки илмий рисоалар деб аташ ҳақиқатга мувофиқдир.

Бу умумий мулоҳазалардан хулоса қилиб шунини айтиш керакки, Алишер Навоий ўз авлодларига ранг-баранг шеърӣ ва насрий жанрларда бой мерос қолдирган.

АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Орифона ғазаллар

Алишер Навоий шеърӣй меросида ғазаллар доимо биринчи ўринда турган. Шоир ўз ғазалларини ғоявий-тематик жиҳатдан шартли равишда уч қисмга бўлган:

1. Ошиқона ғазаллар. 2. Риндона ғазаллар. 3. Орифона ғазаллар.

Навоий Амир Хусрав Деҳлавийни ошиқона ғазалларнинг, Ҳофиз Шерозийни риндона ғазалларнинг, Абдурахмон Жомийни эса орифона ғазалларнинг буюк усталари деб ҳисоблаган ва уларни ўзига устоз деб билган. Масалан, Навоий «Ғазалда уч киши» деб бошланган қитъасида Амир Хусрав Деҳлавийни «Соҳири ҳинд» деб атаб, унинг шеърлари «ишқ аҳлини ўртар» деса, Ҳофизни «Исо нафасли ринд», яъни нафаси ўликларни ҳам тирилтира оладиган ринд-шоир деб, Жомийни эса пок таъсирли («Қудси асарлик») «орифи Жом» деб таърифлайди. Демак, ғазалчиликни бу хил тематик бўлиш, ғазал ёзишда шу хил тематик йўналишларга риоя қилиш Навоийда анъанавий расмга эга бўлган.

Шарқ ғазалчилигида, ҳеч шубҳасиз, ошиқона ғазаллар, анъанага кўра, кўп ёзилган. Шу билан бирга, Ҳофиздан бошлаб, май мавзусидаги ғазаллар ҳам шоирларга кишиларда юз бериши табиий бўлган исёнкорона кайфиятларни акс эттиришга фаол хизмат қила бошлаган. Май билан боғлиқ мавзу ва образлар Хайём рубоийларида, Ҳофиз ғазалларида қанча жўшқинлик билан куйланган бўлса, Навоийда ҳам бу мавзунинг классик ифодаларини учратамиз. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Навоийнинг ғазалчиликдаги муҳим янгилиги нималардан иборат? – деган савол туғилади. У ўзи киритган янгилик ҳақида «Бадое ул-бидоя» нинг дебочасида тўхталиб, шундай, ёзади: «Яна бири буким (яъни девон тузишда мен қўллаган янгиликлардан бири, – демоқчи шоир – А. Ҳ.) гўйиё, баъзи эл ашъор таҳсилидин ва давовин такмилидин ғараз мажозий хусн ва тавсифи ва мақсуди зоҳири хатту хол таърифидин ўзга нима англамайдурлар. Девон топилғайким, анда маърифатомез бир ғазал топилмағайким, анда мавъизатангез бир байт бўлмағай! Мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда заҳмат ва зое машаққат тортилғон бўлғай...»

Яъни: баъзи кишилар шеърӣй девонларни яратиш ва ўқишдан мақсад фақат ёрнинг хусн ва хатту холини мақташдир, – деб тушунадилар, девонда бундан бошқа нарса бўлмаслиги керак, – деб ўйлайдилар; аслида бирон маърифатомез ғазалга, панд-насиҳатдан иборат байтга эга бўлмаган девонни топиш мумкинми? Йўқ, албатта. Шундай девон яратилган бўлса, у вақтда ўша девон тузган одамнинг меҳнати бекор кетибди, – деб айтиш мумкин, – дейди Навоий.

Навоий шу ўринда ўз фикрларини ривожлантириб ва бундан ўзига хулоса чиқариб ёзади: «Ул жиҳатдин бу девонда (яъни «Бадое ул-бидоя»да – А. Ҳ.) ҳамд ва наът ва мавъизадин бошқа ҳар шўрангез ғазалдинким, истимои маҳвашларға мужиби саркашлиқ ва ғамкашларға мужиби мушаввашлиқ бўлғай, бирор-иккирор насиҳат оро ва мавъизат осо байт иртикоб қилиндиким, аларнинг ламъаи рухсори иффот бурқаъидин кўп ташқари ломеъ бўлмағай, то буларнинг вужуди хирмани ул барқ эҳроқидин билкул зое бўлмағай, йўқким,

бу ғазаллар ғазолалари жилвагарлик соз, балки пардадарлик оғоз қилсалар, бу байтлар на-
сиҳатсоз воизлари ва мавъизапардоз носихлари моне бўлғайлар ...»¹.

Яъни Навоий демоқчи: бу девонда ҳамд, наът ва насиҳат мазмунидаги ғазаллардан бошқа
ишқий ғазаллардан маҳвашлар таърифининг ҳаддан зиёдлиги, уларнинг ўзига мағрур-
лик бағишлаши, ғамкаш ошиқларга эса чексиз хафачилик келтириши мумкинлигини ҳи-
собга олиб, ишқий ғазалларнинг ора-ораларига биттадан-иккитадан насиҳат оро ва панд
осо байтлар қўшилдиким, то у гўзаллар чехрасининг ёруғлиги иффат пардасидан кўпда
ташқарига чиқиб кетмасин; ошиқларнинг вужуди хирмани эса уларнинг ёндирувчи ҳусни
чақмоғидин бутунлай ёниб, йўқ бўлиб кетмасин; яъни бу хил ғазаллардаги ишқий байт-
лар қанча жилвагарлик ва пардадарлик қилмасин, улар орасидаги насиҳатсоз ва мавъиза-
пардоз байтлар уларга монелик қилиб ушлаб тура олсин. Навоий ўзининг бу фикрларини
шеър билан шундай якунлаган:

*Яъни ул гул чехралар² ноз этсалар,
Ақлу дин яғмосин оғоз этсалар.*

*Ишвагарлик қилсалар ғаммоз ўлуб,
Пардадарлик этсалар танноз ўлуб.*

*Ламъаи оразларидин ҳар нафас
Қилсалар оламни куйдурмак ҳавас,*

*Бу насоеҳ аҳли³ ҳикматлаър била,
Юз туман панду насиҳатлар била,*

*Моне ўлғайлар аларға ҳар замон,
То замон ул фитнадин топқай амон⁴.*

Навоийнинг бу уқтирувлари буюк шоир лирикасининг ғоявий-тематик моҳиятини ту-
шунишда ғоят қимматлидир. Навоий бу билан ўз даврининг буюк шоири ва мутафакки-
ри сифатида адабиётнинг, шеърятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга, инсон ва унинг мод-
дий-маънавий эҳтиёжларига яқин туриши керак, – деган ғояни илгари сурди ва ўзи шу
ғояга изчил амал қилди. Бу эса унинг ижодида ишқий ва риндона ғазаллар ёзиш билан
чекланмасдан, кўплаб орифона ғазаллар яратишга, шу йўналишни фаол ривожлантиришга
ҳам олиб келди.

Орифона ғазаллар ёки байтлар деганда биз Навоийнинг қандай ғазал ва байтларини ту-
шунишимиз керак? Навоийнинг ўз уқтиришларидан, «орифона» терминининг мазмунидан
ва ниҳоят, шоир шеърларини бир-бирига мавзу бўйича қиёслашдан келиб чиқиб, унинг де-
вонларидаги фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва насиҳатомиз ғазал ва байтларни шу маънода
дейиш мумкин. Бу хил ғазал ва байтлар анъанавий мавзу ва образлар билан кам боғланган
ёки боғланмаган бўлиб, шоир яшаб ижод қилган давр ҳақида, ўша даврнинг долзарб ҳа-

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами, 1-том, 21-бет.

² Ул чехралар – ишқий байтлар.

³ Насоеҳ аҳли – насиҳат аҳли, яъни панд-насиҳат мазмунига эга бўлган байтлар.

⁴ Алишер Навоий. Асарлар, Ўн беш томлик. 4-том, 466-бет.

ётий масалалари ҳақида бизда тўғри тасаввур пайдо қилади. Шунинг учун ҳам бу доирага мансуб ғазал ва байтларни синчиклаб ўрганиш навоийшуносликда алоҳида аҳамиятга эга. Навоий бу хил ғазал ва байтлари орқали китобхонни ҳаёт ҳақидаги янги фикр ва билимлар билан бойитади, турмуш ҳақида чуқур мулоҳаза юритишга ўргатади. «Наводир уш-шабоб»даги бир ғазал шундай байтлар билан бошланади:

*Дўстлар, олам элига ёру ҳамбам бўлмангиз,
Ёр ила ҳамдам демайким, ошно ҳам бўлмангиз.*

*Ошнолиғ айлабон ўз жонингизга ҳар замон,
Боиси юз минг болою меҳнату ғам бўлмангиз¹...*

Шеърда Навоий ўз ҳаётидан хулоса чиқариб, бошқаларни ёмонлар, турли нопокликлардан огоҳлантирмоқчи. Бу ғазалда ишқий байтлар ҳам бор. Лекин шоирнинг бу ғазални ёзишдан асосий мақсади ҳаёт ҳақида мулоҳаза юритиш, одамларга бу соҳада ўғит беришдир. Шунинг учун бу хил ғазалларни орифона деб аташ тўғри бўлади. Навоийнинг бу ғазалига ўз замонидаги меҳрсизлик, ғайриинсоний муносабатлардан бешиб ёзган қуйидаги ғазали ҳам ҳар томонлама ҳамоҳангдир:

*Дўстлар, аҳли замондин меҳр умиди тутмангиз,
Меҳри гардун бўлсалар, кўз нуридин ёрутмангиз.*

*Гар шаҳўлсун, гар гадоким, солмангиз юзига кўз,
Ёдини балким кўнгулга ҳар тараф ёвутмангиз.*

*Зулм ила юз чок қилғон танға гар марҳам ёқиб,
Буткарурбиз десалар, ул захмларни бутмангиз.*

*Эл жафосининг малоли қилса ҳар дам қасди жон,
Кўнгулунгизни ғайри бекаслик билан овутмангиз²...*

Бу сатрларда қанчадан қанча ғам, алам, ўпка-гина ва норозилик яшириниб ётибди! Бу хил шеърларни ўқиб шоирнинг ҳаёти турли драматизмлар билан тўла бўлганига ишонч ҳосил қиласиз.

Тасаввуф терминлари луғатида «ориф», «орифона» сўзлари Худони билиш ва таниш, унга берилиш маъноларида қўлланади. Навоий девонларида шу мазмундаги шеърлар ҳам мавжуд.

Шоирнинг қуйидаги байтлар билан бошланган ва тасаввуф ақидаларини ўзига яшаш принципи қилиб олган, қашшоқлик билан кун кўрувчи Художўй кишилар – мутасаввуфлар ҳақидаги ғазали бунга характерли намуна бўла олади:

*Ҳар гадоким, бўрёйи фақр эрур қисват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга.*

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплам. 4-том, 155 – 156-бетлар.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами, 4-том, 155-бет.

*Ким фано туффроғига ётиб қўяр тош узра бош,
Тахт уза эрмас музаҳҳаб муттако ҳожат анга.*

*Шаҳ юруб олам очар, дарвеш оламдин қочар,
Ҳам ўзинг инсоф бергилким, бу не нисбат анга,*

*Ҳар не шаҳ мақсудидур, дарвешнинг мардудидур,
Қўр не ҳимматдур мунга, не навъ эрур ҳолат анга¹...*

Навоий бу шеърда подшоҳларнинг дунёпарастлиги, очкўзлигини қоралаб, бўйрадан кийим кийган, бошига тошни ёстиқ қилган гадо ва дарвешларни уларга қарама-қарши қўймоқда ва иккинчиларига ҳусн-рағбат билдирмоқда. Навоийнинг бу хил сатрларида унинг жавонмардлик, ахийлик қарашларига яқинлиги ҳам сезилиб туради. Навоий дарвешнинг ҳиммати, олийжаноблигини подшоҳнинг ҳар қандай шон-шавкатидан юқори қўймоқда.

Шоир лирикасидаги аксар орифона ғазаллари реал ҳаёт масалаларига бағишланган. Мана, шоир ўз давридаги кескин ижтимоий бўлинишлар ва зиддиятлар ҳақида орифона характердаги яна бир ғазалида нималарни ёзади:

*Шоҳнинг мунглуғ мушаввашлар била не нисбати.
Комронларнинг болокашларга қайдин улфати?!*

*Улки қаҳр этса, қиличидин дамодам қон томар,
Бағридин қон томғучилар бирла не жинсияти.*

*Васл нўши бирла жон топқонға, ваҳ андин не ғам,
Ким тўладур заҳри қотил бирла жоми фурқати.*

*Даҳр қилғондин яланг бошини тенг туффроғ ила –
Не хабар улким, етар гардунға тожи рифъати.*

*Мўр аёғ остида ўлғондин қачон топғай вуқуф –
Арслонким, кўкка чирмашғай ғиреви шавкати?²...*

Навоийнинг фикрича, шоҳнинг ҳеч қачон ғамгин, аҳволи паришон кишилар билан иши бўлмаган. Айтгани айтган, дегани деган бойлар ҳам ҳеч вақт бахтсизлик гирдобиди қийналиб ётганлар билан улфатчилик қилмайди. Қиличидан қон томган амалдорлар бир томонда, бағридан қон томган бечоралар бир томонда, улар ҳеч бир-бирларига ҳамжинс бўла олмайдилар. Чунки висол қадахидан шарбат ичганлар айрилиқ жомидан заҳар тотаётганларнинг ғамини ермиди? Замонанинг зулми туфайли бош яланг ерда йиқилиб ётганлардан бошини осмонга етган деб ҳис этувчи тождорлар хабар олармидилар? Ҳайқириғи кўкка чирмашган арслон ҳам оёғи остида эзилиб ўлган чумоли аҳволдан воқиф эмас. Бу ўринда улўғ шоирнинг бутун ҳусни рағбати ўз давридаги эзилганлар ва хўрланганлар томониди экани ҳар байтдан равшан кўриниб турибди.

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 3-том, 30 – 31-бетлар

² Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами, 6-том, 437-бет

Навоийнинг ҳаёт ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари унинг турмуш тажрибалари, билимлари ортган сари қуюқлаша борган ва бу ҳол унинг орифона ғазалларининг ғоявий-бадий юксак чўққиларга кўтарилишига олиб келган. Шоирнинг диққат марказида эса доим ҳаётнинг носозлиги, инсонларнинг нокомиллиги масаласи турган. Бу тўғрида у ўйлашдан, фикрлашдан, ёзишдан толмаган. Унинг орифона ғазаллари сон жиҳатидан ошиқона ғазаларидан кейинда турса ҳам, аҳамияти томонидан биринчи ўринни эгаллайди. Уларнинг ҳар бири адабиётимизнинг фахри бўлиб, биз уларни атрофлича ўрганиш ва текширишда давом этишимиз керак.

2. Расмий девонларга кирмаган шеърлар

«Хазойин ул-маоний» ва «Девони Фоний», ҳеч шубҳасиз, шоир лирик меросининг асосий қисмини ташкил этади. Аммо шоир лирик мероси шу икки девондангина иборат дейиш, тўғри эмас. «Чихл ҳадис», «Назм ул-жавоҳир», «Фусули арбаа» каби номларга эга бўлган асарлар таркибидаги шеърлар ҳам шоир лирикасининг маълум бир қисми эканлиги ўз-ўзидан равшан. Шоир лирик ижодининг чегараси бу хил асарлар билан ҳам тугамайди. Бундан бошқа ҳам шоир шеърларининг катта ва муҳим бир тизмаси борки, уларсиз улуг шоир шеърляти кўп нарсга йўқотган бўлур эди. Бу тизмага оид шеърларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Шоирнинг илмий-филологик, тарихий ва насрий асарлари таркибидаги шеърлари.

2. Шоирнинг бошқа муаллифларнинг асарларида эслатилган ва ўша манбалар орқали бизга маълум бўлган шеърлари.

Бу шеърлар ҳам буюк ижодкорнинг инсонпарварлик, халқпарварлик ғоялари асосида яратилган бўлиб, шоир шеърлятини мазмун эътибори билан ҳам, бадийлик нуқтаи назаридан ҳам тўлдиради ва унга тарихий аниқлик бағишлайди.

Навоийнинг шу хилдаги шеърларининг биринчи гуруҳига доир шеърларни кўздан кечирайлик. «Тарихи мулуки Ажам»нинг ўзида 50 дан ортиқ маснавий услубида, тўртлик шаклида мутақориб вазнида ёзилган шеър бор. Буларнинг ҳаммасида шоир адолатни, инсонпарварликни бирон яхши ёки ёмон подшоҳнинг фаоляти муносабати билан куйлайди. Мана, масалан, Таҳмурас ҳақида гапириб келиб Навоий ўз фикрларини шеър билан қандай яқунлайди:

*Шаҳе эрди Таҳмурас офоқ аро,
Қи адл этти чархи куҳан тоқ аро.
Неча девбанд ўлди ул аржуманд,
Ажал деви охир ани қилди банд¹.*

Асардаги ҳар бир шеър Навоийнинг зукко тарихчи, донишманд ва сўзга моҳир шоир бўлганидан гувоҳлик беради.

«Вақфия» асарида 6 маснавийдан ташқари 15 рубоий бор. Бу рубоийларнинг ҳар бири чуқур ижтимоий-сиёсий мазмунда бўлиб, Навоийнинг ғоявий ниятларини бутун чуқурлиги, нозиклиги билан таъсирли қилиб очиб беради. Маълумки, бу асарида Навоий вазирлик даврида мамлакатни қандай бошқаргани, ранг-баранг ижтимоий табақалар, уларнинг

¹ Алишер Навоий. Асарлар, 14-том, 187-бет.

вакиллари билан қандай муносабатда бўлгани, ўз инсонпарварлик ғоялари учун қандай изчил кураш олиб боргани ва ниҳоят, ўзи қурдирган биноларга қандай вақф белгилагани ҳақида ҳикоя қилади. Масалан, бундаги рубоийлардан бирида шоҳ саройида хизматда бўлиш оғир масала бўлиб, бунинг учун одам аралашиси керак бўлмаган ишга аралашмаслиги, кўриш керак бўлмаган нарсани кўрмай ўтиб кетиши лозимлиги, эшитиш зарур бўлмаган нарсага қулоғини қар этиши, сир сақлай билиши, бориш ман этилган ерга бормаслиги, акс ҳолда, у ўзини майиб қилиши, ҳатто ҳалок қилиши мумкинлиги уқтирилади:

*Шаҳ хизматиға бировки бўлғай мойил,
Кўру кару лангу шал керактур ҳосил.
Асрорининг ифшосида гунг айласа тил,
Бу мушкул эрур, барчасидин бу мушкул¹.*

Мазкур рубоийдаги фикрни Навоий олдин наср билан ифодалайди, сўнг уни шеър билан умумлаштиради. Бу ўринда Навоий шоҳ саройи сирру асрорларини фош этиб қўймаслик учун тилни гунг қилиш керак, аммо бу ғоятда мушкул иш! – дер экан, у ўзининг юрагидаги гапини шеърӣ эҳтирос, ички ҳиссиёт билан қуйидагича ифодалайди:

Бу мушкул эрур, барчасидин бу мушкул!

Бунда шоирнинг давлат арбоби вақтидаги ҳам ҳасрати, ҳам ўкинчи, ҳам ўз эрки йўқлигидан, подшоҳ саройи тартибларидан чуқур норозилиги акс этган деб айта оламиз.

Шундан кейинги машҳур рубоийда эса буюк шоирнинг халқ оммаси хурсандчилиги, мамлакат ободончилиги йўлидаги орзуси ниҳоятда очиқ ва равшан ифодаланган:

*То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас.
То зулму ситам жониға бедод ўлмас –
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас!²*

Навоий тушунчасича, эл шод, мамлакат обод бўлиши учун давлатни, мамлакатни бошқарувчилар ўз очкўзлик ва ўринсиз, ортиқча истак-ҳаваслари хирманини барбод этишлари, ўз нафсларини тийиб, жонкуярлик кўрсатиб, ҳар қандай зулму ситамни ўз устларига олишлари керак. Бу рубоий олимлар томонидан кўп маротаба таҳлил этилган, изоҳланган. Аммо унинг энг яхши изоҳи Навоийнинг ўзи томонидан шу рубоий олдида берилган, тўғрироғи, шу изоҳдан келиб чиқиб мазкур рубоий битилган:

«Яна ул эрдиким, ул ҳазратнинг қуллуғин иртиқоб қилурда («яъни «подшоҳнинг мамлакатни бошқариш ҳақидаги топшириқларини бажаришда» демоқчи Навоий – А. Ҳ.) ҳеч нафс ўз ғараз ва маслаҳатим мутасаввар эрмас эрди, балки хос тенгрилик учун, дағи ўзининг муборак хоҳиши учун, дағи мусулмонлар маслаҳати (яъни манфаати – А. Ҳ.) учун эрди. Бу жиҳатдин хирад ҳокими одили ҳукми била ростлиқ сиёсатгоҳида ғараз ўғрисини фано дориға осиб, инсоф дор ул-қасосида ҳирс (яъни очкўзлик – А. Ҳ.) қароқчиси бўйнин қаноат қи-

¹ Алишер Навоӣ. Асарлар. 13-том, 166-бет.

² Алишер Навоӣ. Асарлар. 13-том, 166-бет.

личи била уриб, вужуд шаҳрида (вужудимда демоқчи шоир – А. Ҳ.) муддао қасрини риёзат ёмғури била йиқиб, нафсоният боғида орзу (шахсий ғараз – А. Ҳ.) ниҳолин интиқо илиги била кўнгариб, амал мазраида таваққуъ (шахсий ҳавас – А. Ҳ.) хирманин фақр ўти била куйдуриб, ул хирман куллари фано елига совурдим»¹.

Бу насрий парчани эслатиб ўтилган рубоий билан таққослаш шуни кўрсатадики, мазкур рубоий шоир ҳаётидаги ўткинчи бир ижод намунаси эмас, балки унинг ҳаётидаги энг масъул бир давр меваси бўлиб, шу давр кайфиятини акс эттиради. Шеърнинг бош ғояси ўзини халқ, мамлакат ишига бағишлаган одам бениҳоя пок бўлиши, ўз шахсий манфаатини кўзламаслиги, бойлик тўплаш, маишатбозликка берилиш каби қусурлардан жуда юқори туриши керак! – дейишдир. Бу рубоийда Навоийнинг халқпарвар, ватанпарвар давлат арбоби ҳақидаги орзуси ёрқин ифодаланган бўлиб, шу каби шеърлар ҳамон тарбиявий аҳамиятга эга. Бу хил шеърларсиз Навоий лирикасини тўла ҳолда тасаввур қилиш ҳам қийин.

Навоийнинг «Муншоот» асарида 56, «Маҳбуб ул-қулуб»ида 10, «Мажолис ун-нафоис»ида 16 рубоийси бор. Шоирнинг насрий ва илмий филологик асарларида ҳаммаси бўлиб фақат ўзбек тилида 100 дан ортиқ рубоийси бор. Бу эса «Хазойин ул-маоний»даги рубоийлар миқдорига яқинлашиб қолади. Унинг девонларига, ёзган дебочаларидаги, «Назм ул-жавоҳир»даги рубоийларининг ҳаммасини «Хазойин ул-маоний» ва «Девони Фоний»даги рубоийлар билан қўшганда Навоийнинг ўзбек адабиёти тарихида энг йирик рубоийнавис бўлгани англашилади. Демак, шоирнинг рубоийнавислигига унинг фақат расмий девонларидаги рубоийларидан келиб чиқиб баҳо бериш бирёқламаликдир.

«Маҳбуб ул-қулуб»да рубоийдан ташқари 11 қитъа, 12 маснавий, 68 мустақил байт, 4 назм бор. «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да Навоийнинг ўзбекча шеърлари билан бир қаторда Абдурахмон Жомий мактубларига жавобан ёзган форсий шеърлари ҳам бор. «Мезон ул-авзон»даги вазнларга иллюстрация сифатида келтирилган шеърый байтларнинг аксариятини ҳам Навоийнинг ўзи махсус ижод қилган. Хуллас, Навоий ҳамма асарларида ўзини фақат олим ёки мутафаккир ёки адиб сифатида эмас, айтилиши мумкин вақтда ҳассос шоир сифатида ҳам кўрсатиб қалам тебратган.

Навоийнинг бу асарларидаги шеърларини девонларидаги шеърлари каби тематик жиҳатдан ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, ишқий, риндона ва ҳажвий-юмористик шеърларга бўлиш мумкин. Умуман олганда, бу шеърларда ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ахлоқий йўналиш устунроқ кўринади. Навоий девонларидаги шеърларида ўз яшаб турган муҳитидан, тақдирдан қаттиқ шикоят қилган, фарёд этган шеърлар кўп, «Муҳокамат ул-луғатайн»даги қуйидаги чарх зулмидан нола қилиб «инчқирмак» деган феълни изоҳлаш муносабати билан ёзилган мустақил байт эса ўша шеърларга энг яхши маънода ҳамоҳанг ва оригиналдир:

*Чарх зулмидаки, бўғзумни қириб йиғлармен,
Йигирур чарх киби инчкириб йиғлармен².*

«Муҳокамат ул-луғатайн»да Навоий ўз даврида машҳур бўлган, лекин «Хазойин ул-маоний»га киритилмаган бир ғазалнинг мақтаини келтирадики, у чуқур фалсафий маънога эга:

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 13-том, 166 – 167-бетлар. 144

² Алишер Навоий. Асарлар. 14- том, 110-бет.

*Навоий, ул гул учун ҳой-ҳой йиғлама кўп,
Ки ҳой дегунча не гулбун, не ғунча, не гул бор.¹*

Навоий бунда ҳаётнинг доим ўзгаришда, ҳаракатда эканлигини, яъни табиат диалекти-касининг муҳим бир томонини таъкидлаб ўтмоқда.

Шоирнинг юксак поэтик маҳорати шундаки, у насрда ўнлаб сатрларда берилиши керак бўлган гапларни назмда 1 ёки 2 байтдаёқ ғоят таъсирли ва образли қилиб бера олади. Лирикага оид шеърий намуна ва парчалар» эса Навоийнинг насрий, илмий ва тарихий асарларига ҳам эмоционаллик бағишлаб, уларни тил ва услуб нуқтаи назаридан энг ўқишли асарларга айлантирган.

Алишер Навоий девонларига кирмаган шеърларнинг иккинчи гуруҳи Навоийга замондош муаллифларнинг адабий, илмий, тарихий, асарларида учрайдиган, Навоийга нисбат берилган шеърлардир. Бу шеърлар миқдор жиҳатидан у қадар кўп бўлмаса ҳам, принцип жиҳатидан аҳамиятга молик ва диққатга сазовордир. Масалан, тарихчи Хондамир «Мақорим ул-ахлоқ» асарида Навоийнинг «Хон», «Ҳамза», «Бобур» исмларига ёзган икки муаммосини, шоир мавлоно Тўти вафоти, Амир Султон Ҳасан ва унинг «Мажолис ун-нафоис»да зикр этилган Мирзобек исми ўғли вафотлари муносабати билан ҳамда Хожа Фахриддин битикчи қурган работ ҳақида ёзилган шеърий тарихларини, бир неча мисра ва байтларини келтиради. Бу шеърларнинг бошқа манбаларда борлиги ҳозирча бизга маълум эмас. Хондамир Навоийни, унинг шеърий меросини яхши билган одам. Шунинг учун унинг маълумотларига ишониш мумкин. «Бобур» исмига ёзилган муаммода Навоийга кийим бичган самарқандлик бир тикувчининг меҳнати улуғланади:

*Қабо бар қадди ту медўзад айём,
Барор аз Қоф то Қоф, эй писар ном².*

Мазмуни:

*Сен менга кийим бичган бўлсанг, замон сенинг қадду қоматингга кийим тикибди.
Эй ўғил, номинг Қофдан Қофга юксалаверсин.*

Мир Султон Ҳасан ва Мирзобек ҳақидаги шеърий тарихда эса улуғ шоир ичкиликка берилган ота-боланинг фожиасини тасвирлаган. Маълумки, Мирзобек, ғоят истеъдодли шоир бўлган. Аммо ичкиликка берилиши орқасида барвақт ўлиб кетган ва қобилияти юзага чиқмай қолган:

*Мир Султон Ҳасанки, як соат –
Набудаши иштиғоли май дуре,
Мирзобек, нури дидаи у
Буд масти шароби ангурий.
Ки қазошон расид зи офати май,
Лек вақти хумору ранжурий.
Буд мобайни фавташон даҳ сол,
В-ин буд маҳзи сидқу машхурий.*

¹ Ўша китоб, 111- бет.

² Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин Хондамир. Мақоримул-ахлоқ. ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1948, 61-бет.

*Гашт таърихи фавти он «махмур»
В-ин яке шуд аён зи «махмурий»¹.*

Таржимаси:

Амир Султон Ҳасан бирор соат бўлса ҳам май ичишдан тўхтамаган. Унинг нуридийдаси Мирзобек ҳам узум майи билан маст бўлгани бўлган эди. Лекин май касофатидан, уларнинг қазолари ҳам хуморлик ва хасталик вақтларида юз берди. Уларнинг ўлган йилларининг ораси ўн йил бўлиб, бу ғоят рост ва машҳурдир. Унисининг вафот таърихи «махмур» (1886/481–1482), бунисининг «махмурий» (896/1490–1491) сўзларидан чиқади.

Зайниддин Восифийнинг машҳур «Бадое ул-вақое» асарида ҳам 10 дан ортиқ шеър Навоийга нисбат берилади. Булардан:

*Манга улким анису соҳибдур,
Туну кун ҳамдаму мусоҳибдур² –*

байтининг Навоийга тегишли экани шубҳасиз. Чунки бубайт «Муншаот» да ҳам келтирилган. Бу байт Навоийнинг яқин дўстларидан бирининг шаънига айтилган бўлиб, уни Навоий Султон Ҳусайн олдида бир топшириқ билан вакил қилиб юборган ва шу пайтда ушбу байт айтилган, «Соҳиб» сўзи қофияда келишига кўра, Соҳиб Доро бўлиши керак. Чунки у доимо Навоий хизматида бўлган.

Навоийга нисбат берилган шеърлар орасида:

*Хандаки, бевақт кушояд гиреҳ
Гиря аз он хандаи бевақт беҳ,
Ҳар нафасе ханда задан барқвор,
Қўтаҳийи умр деҳад чун шарор³ –*

деган байтлар ҳам бўлиб, улар «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги бевақт кулги ҳақида:

*Кулгуки ўз ҳаддидин ўлди йироқ,
Йиғламок ондин қўп эрур яхшироқ ...⁴
Барқни кулгу йиқибон тоғ аро,
Балки қилиб ер қуйи туфроғ аро⁵.*

деб ёзилган байтларга ҳам мазмунан, ҳам шаклан яқин. Аммо Восифий Навоийдан анча кейин ўз асарини ёзгани учун ундаги маълумотларни махсус ўрганиш, қиёслаш, шундан сўнггина бу шеърларга Навоийнинг муаллифлиги ҳақида қатъий бир фикрга келиш мумкин.

Биз 1972 йили эълон қилинган «Навоий ҳақида янги маълумотлар» номли мақоламизда «Томут-таворих» деган тарихий асар қўлёзмасида (қўлёзма Кобулдаги Афғонистон тарих

¹ Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин Хондамир. Макоримул-ахлоқ, 37-бет.

² Зайниддин Восифӣ. Бадоеул-вақое. 1-том, М., 1961, 492-бет.

³ Зайниддин Восифӣ. Бадоеул-вақоеъ. М., 1961, 516.

⁴ Алишер Навоӣ. Хамса. 71-бет.

⁵ Ўша китоб, 71-бет.

жамияти фондида сақланади) буюк шоирнинг энг сўнгги ёзган шеъри ҳақида хабар қилган эдик. Умуман Навоий давридаги ва ундан кейинроқ ёзилган тарихий, адабий, илмий манбаларни синчиклаб ўрганиш Навоийнинг форсий тилдаги ижоди, яъни лирик ижоди ҳақида янги маълумотлар бериши шубҳасиз.

НАВОИЙ ШЕЪРИЙ МАҲОРАТ ҲАҚИДА

Ўзбек адабиёти тарихида адабиётшунослик масалалари билан энг кўп ва изчил шуғулланган кишилардан бири Алишер Навоий эди.

Навоий адабиётшунослигида илгари сурилган муҳим масалалардан бири шеърий маҳорат масаласидир. Навоийнинг шеърий маҳорат ҳақидаги фикрлари унинг турли асарларида тўлиб-тошиб ётибди. Орадан беш асрдан кўп вақт ўтган бўлишига қарамай, Навоийнинг адабий маҳорат ҳақидаги фикрлари худди кеча айтилгандай диққатни тортади. Масалан, «маҳорат» терминининг ўзини ишлатишда ҳам биз билан Навоий ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқ. Навоийнинг Низомий Ганжавий ва Хисрав Деҳлавий ҳақида:

*Ул иков устоди моҳир эди –
Ким, маҳорат аларда зоҳир эди¹...*

деб ёзиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Навоийнинг бадий маҳорат ҳақидаги фикрлари, айниқса, «Хамса» га кирган беш достонининг кириш ва тугалланиш қисмларида ҳамда «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида кўп ва яхши акс этгандир. Навоий «Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» ва «Садди Искандарий» достонларининг бошланиш ва тугалланиш қисмларида маҳорат қозонишнинг ижодий ишдаги аҳамиятига, Низомий, Хисрав Деҳлавий, Жомий каби улуғ сўз санъаткорларининг бу соҳадаги усталикларига, уларнинг ўз маҳоратларини ошириш устида қандай жиддий иш олиб борганларига ҳамда ўзининг улар изидан бориб, улардан қандай ўрганганлиги, ўз асарлари устида қандай ишлагани ва ҳоказоларга тўхталади, қатор қимматли мулоҳазалар баён қилади.

Навоий «Мажолис ун-нафоис»да тўрт юздан ортиқ шоирнинг бадий маҳорати ҳақида чуқур фикр юритади.

Навоийнинг фикрича, кимки сўз санъатини яхши эгаллаган, яъни «сўз баҳрида ғаввос» бўлса, ўша одамгина бадий ижод соҳасида бирон ютуққа эга бўлади. Маъно машъаллари унга ўз нурларини сочади, ўзига керакли сўзларни, ўзига зарур фикрларни осонлик билан топа олади. Бу фикрларни Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да шундай баён қилади:

*Ул киши сўз баҳрида ғаввос эрур,
Ким гуҳари маъни анга хос эрур.*

*Файз ҳаримида тажаллий анга,
Ким ёрубон машъали маъни анга.*

*Сўз майини ул киши ошом этиб,
Ким дури маъни садафин жом этиб²...*

Навоий шеърий маҳорат ҳақидаги фикрларини ўз салафлари, замондошлари ва ўз ижодига тўхталганда тобора конкретлаштириб ифодалайди. У ижодий ишда шеърий маҳорат

¹ Ўша китоб. 476-бет.

² Алишер Навоий. Хамса. 35-бет.

аввало меҳнат қилишдан иборат деган ғояни илгари суради. У узоқ йиллар давомида оғир ижодий меҳнат орқасида Фирдавсийнинг «Шаҳнома»дек буюк асар ярата олганини айтади:

*Рақам қилди фархунда «Шаҳномае»
Ки синди жавобида ҳар хомае.*

*Мусаллам дурур зоҳиран ул иши
Ки маъразға келмайдурур ҳар киши.*

*Деди ўз тили бирла ул кони ганж:
«Ки, си сол бурдам ба «Шаҳнома» ранж»¹.*

Низомий ҳам худди шундай «заҳмат чекиб, қон ютуб» ўз «Хамса»сини яратган эдики, Навоий унинг ҳам бу меҳнатини чуқур ҳис қилиб, бу ҳақда шундай дейди:

*Улуғларки сабти бу ҳарф эттилар,
Узун умрлар анда сарф эттилар.*

*Низомийки, назм аҳли устодидур,
Анинг табъи сўз жинси наққодидур,*

*Ки бу ганжлардур матои анинг,
Матои неким, ихтирои анинг,*

*Ҳамоноки элдин каноре тутуб,
Ярим қарн заҳмат чекиб, қон ютуб,*

*Топа олди беш ганж мифтоҳини,
Яна онча вақт этти ислоҳини.*

*Чу бир қарн давр этти чархи мудир
Чиқорди бу аъжубаи дилпазир².*

Улуғ санъаткорлар учун ижодий иш бутун умр, бутун ҳаёт масаласи бўлиб, улар бунга ўзининг ҳамма борлиғини бағишлаган, сўнгги нафасларигача унинг шавқ-завқи, тўлғоғи билан яшаганлар.

Навоийнинг ўзи ҳам худди шундай, қаҳрамонона меҳнатлари туфайли улуғ ижодий ютуқларга эришолган эди.

Навоий «Дебача»да: «Шукрим, бу банда назм василаси ва шеър воситаси билан тамом умр ... кечурдим», – деб ёзади.

У ўз «Хамса»сининг иккинчи достони «Фарҳод ва Ширин»ни ёзишга киришар экан, ўз меҳнатини кон қазувчининг оғир меҳнатига, ўзини эса қўлида тош йўнувчи – теша ушлаган Фарҳодга ўхшатади. Навоий ўзига хитоб қилиб дейди:

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 3-том, 529-бет.

² Алишер Навоий. Хамса. 847-бет.

*Қўюб вайронларға телбаликни
Яна бир ганж сори сун иликни.*

*Яна бир конни қазмоқликқа майл эт!
Қазиб аҳбоб аро нақдин туфайл эт!*

*Бу кон қозмоқни ҳар ким қилди пеша,
Керак хорофиган илгида теша.*

*Санга бу тешаварлик бўлса матлуб,
Эрур Фарҳод ҳамсуҳбатлиғи хўб.*

*Бу кон ишқида тешанг хорарез эт,
Ани Фарҳод тоши бирла тез эт.*

*Қўпуб Фарҳод бирла ҳаммасоф ўл,
Итик метин била хорошигоф ўл!¹*

XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротда маданий ҳаракат анча жонлангани учун шоирлар ҳам кўп эди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам шоирлик санъатини бир хилда эгалламаган эдилар. Уларнинг кўпчилиги учун шеър ёзиш қийин иш эдики, Навоий бу ҳақда:

*Керак даҳр аҳлиға ўн кун жадал –
Ки беш байтдин боғлагай бир ғазал²–*

деб ёзади. Гап уларнинг фақат секин ёзишидагина эмас эди. Гап улар яратган адабий асарларнинг ҳам мазмун, ҳам бадий жиҳатдан ниҳоятда пастлигида, жамият талабига жавоб бера олмаслигида, ўқувчиларга ҳеч қандай эстетик завқ бера олмаганида эди.

«Ҳайрат ул-аброр»да Навоий улар тўғрисида ярим кулги, ярим ачиниш билан шундай деган эди:

*Табъ кажу, барча такаллумнамой,
Нағма чабу, барча тараннумсарой.*

*Англамайин сўзда туюқ баҳрини,
Қайси туюқ, балки қўшуқ баҳрини.*

*Лафзлари бемаза, таркиби суст,
Носара маънию, адо нодуруст,*

*Барчасиға даъвайи маънийи хос,
Хосларим топмай алардин халос³.*

¹ Алишер Навоий. Хамса. 162-бет.

² Ўша китоб, 846-бет.

³ Алишер Навоий. Хамса. 35 – 36-бетлар.

Навоий бу ўринда ўз замондошларининг ўз хунарини эгаллашга жиддий эътибор бериш ўрнига мақтанчоқлик йўлига кириб кетганларини очиқ ва кескин танқид қилади.

Шеърый ижоднинг улуғ заҳматкаши Навоий ижодий меҳнатни реал тушунар эди. У даврдаги адабий ҳаёт иштирокчиларининг баъзилари эса адабиёт майдонига, биринчи навбатда, шуҳрат орттириш мақсадида қадам қўяр эдилар.

Қалам аҳлларининг ижодий ишга нотўғри муносабатларини Навоий, айниқса, Осафий деган шоир мисолида яхши очиб берган.

Навоий Осафийнинг шоирлик истеъдоди бўла туриб ялқовлик қилиши, ўз устида ишламаслиги ҳақида «Мажолис»да ёзади: «Аммо не табъин ишга буюрур, не ҳофизасин. Ятим-вашлик ва раъно сифотлиқ ва худройлик била авқотни зоеъ қилур. Бу навъ ғариб сифатлари кўпдурким, айтса сўз узалур. Мутлақо пандпазир эрмас. Бу жиҳатдан бағоят паришондур».

Шоир ўз устида ишламаса, кўп ўқимаса, мустаҳкам билимга эга бўлмаса, у ўз истеъдодини муқаррар маҳв қилишини Навоий жуда яхши билган. У «Мажолис»да ўз истеъдодига, саводсизлигига совуққонлик билан қаровчи Мавлоно Қанбарий, Мавлоно Зайний, Шоҳ Қули Уйғур, Соқий ва бошқаларни ҳам худди шу сабаблар билан танқид қилади. Шу сабаблар орқасида уларнинг баъзиларининг қобилиятлари зоеъ бўлганига ачинади, уларни қийинчи, уларнинг ўз хатоларини тузатиб олишларига умид боғлайди.

Осафийнинг иккинчи катта нуқсони қилиб Навоий унинг ўзига оро беришини, худбинлигини, ўз шахсий хоҳишича иш кўришини, жамиятдан узилиб яшашини ва маишатпарастлигини, ўзининг кўпчилик вақтини шундай бемаъни ишларга сарф қилиб, ижодий ишга аҳамият бермаслигини кўрсатади. Навоийнинг фикрича, шоир бу хил нуқсонларни йўқотмасдан туриб яхши обрў қозона олмайди.

Осафийнинг учинчи катта нуқсони, бу – унинг «панд-пазир» эмаслиги, яъни танқидга бутунлай бепарво қараши, танқидни қабул қилиб, ундан ўз ижодий ишига хулоса чиқармаслиги бўлган. Навоий «Мажолис»да Мавлоно Хусравий, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Хуррабий ва бошқаларни ҳам худди шунинг учун танқид қилган. Навоий Хусравий ҳақида ёзади: «Мавлоно Хусравий даъволик бузургманиш ва тундхўй киши эрди ва фақир қошига баъзи маҳалда шеър келтурса, бурунроқ андоқ калом сураер эрдиким, дахл қилмоқ йўли боғланур эрди. Заруратан барча шеърин таҳсин қилмоқ керак эрди».

Навоий Осафийнинг бу хил муҳим камчиликларини кўрсатиб, унинг ижоди ҳақида: «Бу жиҳатдан бағоят паришондур», деб хулоса чиқаради.

Навоий замондошларидан ва шогирдларидан бири – Хондамир ўзининг «Макорим ул-ахлоқ» китобида Навоийнинг Осафийни қандай танқид қилгани ҳақида ажойиб бир характерли мутойибани ёзиб ўтади. Бу ўринда шу машҳур мутойиба билан ҳам танишиб ўтишга эҳтиёж туғилади:

«Бир куни бу соф кўнгилли Амир замоннинг закийси ва фасоҳат ҳам зарофатда шоирларнинг юқори даражалиги Хожа Осафийга насиҳат қилиш учун муборак тилини баёнга келтирди ва шу вақтда айтдики: мен санга ҳайрон бўламанки, бирдан-бир зехнинг ва табъинг бўлатуруб, шеърлар тўқиш билан кам шуғуланасан ҳам вақтларингнинг ҳаммасини маъносиз, фойдасиз ишларга сарф қиласан. У, ҳозирги фурсатларда борган сайин кўпроқ шеърлар айтишга машғул бўлаётирман, масалан, ўтган кеча икки ақчалик шамъ ёниб битганга қадар бўлган фурсат ичида икки юз байт тўқидим, деди. Олий ҳазрат, демак у тизмалардан юз байти бир оқча (тийин) баробарида бўлган экан-да, деди».

Навоийнинг фикрича, замонасининг бошқаларга ўрнак бўладиган энг етук шоири Абдурахмон Жомий бўлган.

Жомий шеърият билан доим шуғулланган ва ўз санъаткорлигини ошира борган. Навоий «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин»да Жомийнинг ўқувчилик йиллари ҳақида ёзади: «Агарча бир неча вақт биззарура улум касбиға иштиғол кўргузубдурлар, аммо ҳеч вақт назм оинидин холи эмас эканлар».

Жомий доим ўзини содда олиб, оддий кийиниб юрган, бир дақиқа вақтини бекорчи ишга сарф қилмаган. Унинг одамлар орасида ўзини қандай тутиши ҳақида Навоий «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин»да қуйидагиларни ёзади:

«Аларнинг камолоти овозасини эшитиб, йироқ йўллар қатъ қилиб, муборак суҳбатларига мушарраф бўлурға келганлар аларни асҳоб орасида ғоят бетайинликдин мутлақо танимасалар эрдиким, ўлтурур-қўпарда, айтмоқ-эшитмоқ ва емак ва киймакда ўзлари била соир мулозимлари орасида тафовут йўқ эрди. Киши улуми зоҳиридин ва маънавийдин бир масъала илқо қилмағунча ҳаргиз алардин ул қобилият ва истиқрони маълум бўлмади. Аммо масъала илқосидин сўнгра доғи бори улумға маҳорат ва истихзор ул мартабада эрдиким, ҳаргиз ҳеч китобға боқмоққа эҳтиёж бўлмади».

Навоий «Мажолис»да Абулқосим Бобирнинг сарой шоирларидан Вали Қаландарнинг энг ёмон шоир ҳисобланишини таъкидлаб, ўз ижодининг тақдирига совуққонлик билан, масъулиятсизлик ва ишёқмаслик билан қарашга одатланганини айтади. Навоий Вали Қаландарнинг бу хусусиятини жуда тўғри акс эттирган унинг қуйидаги шеърини усталик билан топиб келтиради:

*Наям малулки, корам неку нашуд, бад шуд,
Шавад-шавад, нашавад, к-у машав чи хоҳад шуд!»*

Таржимаси:

*«Ишим яхши бўлмай, ёмон бўлганига хафа эмасман,
бўлса бўлар, бўлмаса, охири нима бўларкин?!»*

Навоий Мавлоно Садр Котибийнинг эса ичкиликка ружуъ қилиб, ижодий ишини барбод берганига афсусланади ва: «Чоғир ани андоқ мағлуб қилиб эрдиким, ихтиёри ҳеч ишта йўқ эрди», деб ёзади.

Навоийнинг ўз даври адабиёти ҳақидаги мулоҳазаларидан шу нарса маълум бўладики, Навоий у давр адабиётининг айрим ютуқларидан фахрланган, лекин, уни ортиқча мақтаб юбормаган. Навоийнинг фикрича, у бир адабий ҳаракатчилигининг бош нуқсонларидан бири шоирларда адабий маҳоратнинг етишмаслиги эди.

Замонамиз ижодкорлари Навоий каби буюк сўз санъаткорларининг изидан бориб, уларнинг бой ижодий тажрибаларидан, бу соҳадаги ўғитларидан қўп нарса ўрганишлари керак.

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ФОРСИЙ МАКТУБЛАРИ

Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқлари адабиётлари ўрта асрларда асосан икки жанр – назм ва насрдан ташкил топган бўлиб, кишиларнинг ўзаро ёзишмалари ҳам насрнинг бир бўлагини ташкил этган. Шунинг учун ҳам хусусан шоир ва адибларнинг, йирик фан ва маданият арбобларининг мактублари катта адабий қимматга эга бўлиб, улар мактуб муаллифларининг ўзлари ёки уларнинг мухлислари томонидан эътибор билан йиғилар ва сақланар, ҳатто улардан махсус тўпламлар тузилар эди. Шу жиҳатдан Абдурахмон Жомий ўз мактубларини тўплаб, форсий «Муншаот», Алишер Навоий эса ўзбек тилидаги мактубларидан туркий «Муншаот» тузганлари бежиз бўлмаган, албатта.

У даврларда мактуб ёзиш сўзни юксак санъат билан ишлатиш ҳисобланиб, бунинг ўз қонун-қоидалари бўлган. Мактуб ёзувчи одам чиройли ва нозик ибораларни қўллаши, иложи бўлса ўз фикрини шеърий парчалар билан ҳам ифодалаши, бу билан ўзининг ақл ва заковатини кўрсатиши керак эди. «Макорим ул-ахлоқ»нинг муаллифи Хондамир бу ҳақда шундай дейди: «Иншо, фазл эгаларининг таърифича, маъно қизларининг қулоқ ва бўйинларини сўз дурлари беағи ва ёрқин ибора зийнати билан ясатиш, жумла эшитилишини кўнгилни хира қиладиган сўзлардан тозалаш ва ҳикояни ... ҳаёт сувига айланиб кетадиган луғатлар билан безашдан иборатдир ...»¹

Алишер Навоийнинг замондоши бўлган Хондамир бу гапни давом эттириб яна қуйидагиларни ёзади: «Улуғ тангрига шукр ва миннатдорликлар бўлсинки, ҳидоятбахш олиҳазрат бу қийматли фанни ҳам ўзлаштиришда тараққийнинг энг юқори поғонасига ва авжнинг энг юксак даражасига кўтарилган эди. Унинг икки тилли қалами баёнидан ҳуш ва ақл эгалари қулоқларининг садафи дур билан тўлган».

Хондамир «ҳидоятбахш олийҳазрат» деганда Алишер Навоийни, Навоийнинг иншолари деганда эса, унинг ўзбек ва форс тилларидаги барча насрий асарларини, шу жумладан, унинг туркий ва форсий мактубларини ҳам кўзда тутмоқда. Хондамир Навоийнинг насрий асарларини таърифлаб келиб, унинг форсий иншолар битишда ҳам жуда юксак қобилиятга эга бўлганини уқтиради: «Олиҳазрат (Навоий) нинг форсича иншода ғоятда кучлилиги ва зеҳнининг ўткирлиги жаноби Амир Афзалиддин Муҳаммадга, жаноб фазилатли, подшоҳ даргоҳи амирларининг зубдаси Хожа Шаҳобиддин Убайдуллога насиҳат тариқасида ёзган бу хатларидан англашилади» (Хондамир бу хат матнини тўла келтиради)².

Навоий тўғрисидаги рисола муаллифи Хондамир берган мазкур маълумотдан шу нарсангласиладики, улуғ шоир форс тилида ажойиб мактублар ёзган, уларда илғор ғояларни илгари сурган ва ўзининг форс тилини билишдаги беқиёс иқтидорини кўрсатган. Лекин бу ўринда бир савол туғилади: Навоий ўзининг форсий мактубларини ҳам бир жойга йиққанми ё йўқми?

Бу саволга на Хондамир аниқ жавоб беради, на унинг бошқа замондошлари, Навоий, ўз ўлиmidан сал бурун ёзилган «Муҳокамат ул-луғатайн»да «Ҳазойин ул-маоний» асарига кирган тўрт девони, «Ҳамса» таркибидаги беш достони, «Лисон ут-тайр», «Насойим ул-муҳаббат», «Зубдат ут-таворих» («Тарихи мулуки Ажам», «Тарихи анбиё ва ҳукамо»

¹ *Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин Хондамир*. Макоримул-ахлоқ. ЎзФА нашриёти. Тошкент, 1948, 39-бет.

² *Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин Хондамир*. Макоримул-ахлоқ ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1948, 40-бет.

асарлари кўзда тутилади), «Назм ул-жавоҳир», «Мезон ул-авзон»дан ташқари «Яна доғи расоилға қалам сурупмен ва макотибға рақам урупмен...»¹ дейдики, бундан ҳам унинг форсий мактубларини тўплаган, тўпламаганига жавоб топиш қийин.

Шарқшунослар бундай тўпламнинг борлиги ҳақида бирон жойда ҳам қайд этмайдилар. Бунга А. А. Семёновнинг «Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи»², Е. Э. Бертельснинг Навоий ҳақидаги мақола ва китоблари, хусусан, унинг «Навоий» монографиясига илова қилинган «Навоий асарлари рўйхати»³ ва С. Л. Волиннинг «Алишер Навоий» тўпламида босилган «Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях» («Ленинград мажмуаларидаги Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи») мақоласи мисол бўла олади.

Навоий асарлари рўйхатини аниқлаш устида иш олиб борган матншунос олим Ҳ. Сулаймонов ўз текширишларига асосланиб, шоир асарларининг ўн беш томлик нашрига ёзган «Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида»ги мақоласида: «Бу форсий мактублар тўпламининг қўлёзмаси ҳозирча ҳеч ерда йўлиқмади», деб ёзади...⁴ Лекин, шунга қарамай, Ҳ. Сулаймонов ўзи тузган Навоий асарлари рўйхатига «31» рақам билан «Форсий муншаот» («Форсча мактублар тўплами») ни ҳам киритган. Бунда у XVI асрда юзага келган «Абушқа» номли луғатга суянган. Фақат шу луғатдагина Навоийнинг форсий «Муншаот»и бўлгани айтилади.

Ушбу сатрлар муаллифи 1972 йил март ойида Афғонистоннинг Кобул, Мозори Шариф, Ҳирот, Ғазни шаҳарларида илмий командировкада бўлганида, ўша шаҳарлардаги кутубхоналарда мавжуд бўлган Навоий асарлари қўлёзмалари билан қизиқди. Фақат Мозори Шарифдаги Балх музейидагина бу масалага алоқадор бўлиб кўринган бир қўлёзма учради. Бу қўлёзма икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида Абдуллахоннинг ўғли Абдулмўминхоннинг подшоҳлик даврини ёритувчи, боши ва охири йўқ тарихий асарнинг бир бўлаги, иккинчи қисмида эса форсий тилдаги хатлар мажмуаси мавжуд эди. Иккинчи қисмининг ҳам боши ва охири йўқ бўлиб, охирги 18 – 19-варақларидаги «Руқъаҳойики, Низомиддин Амир Алишер навишта шуда аст» деган бўлимида ўнта форсий мактуб бор эди. Булар Навоийга тегишли форсий мактубларнинг бир қисми эмасмикан, деган мулоҳаза билан биз уларнинг фотонусхасини олдик ва Тошкентга қайтгач, уларни ўргана бошладик. Бу ўн мактуб «3-он дам, ки фитод иттифоқи сафарат...», «Таҳийётеки, чун аз дил барояд...», «Шуд найи хома диламро таржимон ...», «Саломе кард аз син тез дандон...», «Найи килки ту тифли маъниро...» деган мисралар ҳамда «Баъд аз рафъи ниёз ва ихлос...», «Лофи шавқи туст дарҳам...», «Саҳифайи, ки аз фатҳи сод содиқонро...», «Дуйики, бидояти он мазмун...». «Баъд аз рафъи ихлос ба лисони муҳаббат...» иборалари билан бошланган эди. Текширишлар бу мактубларнинг биронтаси ҳам Навоийга тегишли эмаслигини, уларнинг ҳаммаси Абдурахмон Жомийга тегишли эканлигини ва уларнинг Жомий «Муншаот»ида мавжудлигини кўрсатди⁵. Лекин буларнинг ҳаммаси аниқ Жомийнинг Навоийга ёзган мактублари

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 14-том, 121-бет.

² А. А. Семёнов. Описание рукописей произведений Навои, хранящихся в Государственной Публичной библиотеке Узбекистана, Гостехиздат Узбекистан, Ташкент, 1940,

³ Е. Э. Бертельс. Навои. Изд-во АН Узбекистана, М. -Л., 1948, 269–270-бетлар.

⁴ Алишер Навоий. Асарлар. 1-том, 45-бет.

ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги Абдурахмон Жомий «Муншаот»ининг 4401-номерли қўлёзмасидан фойдаландик.

⁵ А. А. Семёнов. Описание рукописей произведений Навои. Тошкент, 1940, 42-бет.

бўлиб, бу мактубларнинг олтитаси «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да ҳам келтирилган. Афтидан, котиб Жомийнинг Навоийга ёзган мактубларини кўчиришда сарлавҳани «Руқъаҳой-ики, ба Низомиддин Амир Алишер навишта шуда аст» деб ёзиши керак бўлгану, форсча «ба» олд қўшимчасини ёзишни унутган. Сарлавҳанинг мазмуни шу олд қўшимчаси билан унинг грамматик тузилишига мос келади ва уни ўзбек тилига «Низомиддин Амир Алишерга ёзилган хатлар», деб равон таржима қилиш мумкин.

Бундан Навоийнинг форсий мактублари тўплами бўлмаган, деб ҳукм чиқаришга вақт эрта. Навоийнинг ўзи бу хил хатларини тўплам ҳолига келтирмаган, тўғрироғи, бунга улгурмаган бўлиши мумкин. Аммо Навоийга яқин турган бошқа бирон киши томонидан бу хатлар тўплам ҳолига келтирилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. «Абушқа»нинг муаллифи эса ўз луғатини тузишда ана шу тўпламдан фойдаланган бўлса керак, деган фикрдамиз.

Албатта, «Абушқа» муаллифининг қўлига Навоийга нисбат берилган, аслида уники бўлмаган форсий «Муншаот» тушиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бу тахминдан бошқа нарсаси эмас.

XV асрда форс тили, хусусан, Хуросон шароитида асосий муомала тили бўлгани сабабли Алишер Навоий жуда кўп мактубларини форс тилида ёзгани аниқ. Биргина «Хамсат ул-мутаҳаййирин»нинг ўзида бизга Навоийнинг Абдурахмон Жомийга ёзган катта ва кичик 14 та мактуби ва бу мактублардан парчалар етиб келган. Уларда шоир ўз ҳис-туйғулари ва фикр-мулоҳазаларини нақадар гўзал ва бадий ифодалагани шак-шубҳасиздир. Навоийнинг форсий «Муншаот»и топилмаган тақдирда, уни шоирнинг бизгача етиб келган мактубларини бир ерга жамлаш асосида янгидан тузиш энг мақсадга мувофиқ иш бўлур эди. Юқорида «Макорим ул-ахлоқ»да Амир Хожа Афзалиддин Муҳаммад ва Хожа Шаҳобиддин Убайдулло номларига ёзилган мактуб матни келтирилганини айтиб ўтган эдик. Профессор А. А. Семёнов «Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи» рисоласида Навоийнинг ўзбек тилидаги «Муншаот»и қўлёзмаларидан бирида шоирнинг бир форсча мактуби ҳам борлигини хабар қилади¹. Буларга «Хамсат ул-мутаҳаййирин»дагиларни ҳам қўшсак, демак, бизга Навоийнинг 16 та форсий хати маълум бўлган бўлади. Бу хил мактублар турли жойлардан яна кўплаб топилиши ва аниқланиши мумкин. Шу хилда биз улуг шоир меросига бўлган ҳурмат ва эътиқодимизни яна бир бор яққол намойиш этган бўламиз. Бундай тўпламга Навоийнинг афғон олими мархум Фикрий Салжуқий томонидан «Амир Алишер Навоий «Фоний» тўпламида мазмуни эълон қилинган форсий мактуби ҳам кириши мумкин. Бу мактубни Навоий Ҳусайн Бойқарога Астрободдан йўллаган бўлса керак. Бироқ бу мактубнинг қаерда сақланаётгани мақолада кўрсатилмаган. Биз ўша мактубни Фикрий Салжуқий нақлида келтириш ва унинг ўзбекча таржимасини бериш билан ўз мақоламизни тугаллаймиз.

Таржимаси: «Бир неча кундирки, каминанинг гумон қилишича, Ҳазратлари (Ҳусайн Бойқаро) нинг олдида дарё бир қатра бўлмиш хотиралари саҳифасига ғубор қўниб, чексиз лутф манбаи бўлган файз эшигини менинг юзимга беркитиб қўйди.

*Унинг кўчаси бошида, эй Навоий, мендан бошқа ғубор йўқ.
Кошки бир қаттиқ шамол туриб, менинг ғуборимни кўтариб кетса.*

Шу сабабли бу дардимни на бирон кишига изҳор этишга журъат қиламан ва на хабарсизлик бурчагида ўлтириб бу аҳволга нисбатан сабр этиш қўлимдан келади. (Шероз ҳокими) ҳар йили Яздга бир тўда одамларни юборар, улар ўша жойни талаб келар эдилар. Шунда (яздликлар) текшириб, маълумот олиб келиш учун (Шерозга) бир қишлоқи одамни юборишибди. У одам икки ой ўша шаҳарда туриб, суриштирибди, лекин унинг идроки оинасига ҳеч томондан бирон ўтнинг шуъласи тушмади. Охирида у подшоҳнинг олдига бориб, тиз чўкиб, унга:

– Мен яздлик бир қишлоқиман. Анча бўлди, мени бу томонга жосус сифатида юборишиб, сизлар бу йил Язд томонга аскарларингизни талончиликка юборасизларми ё йўқми – шуни билиб келишни топширишган эди. Буни ҳеч кимдан суриштириб билолмадим. Хаёлимга келдики, буни ҳеч ким сиздан яхшироқ билмайди, – дебди. Подшоҳ табассум қилиб дебди:

– Бир қисм одамни юбориш мўлжалимиз бор эди. Аммо, сенинг ҳурматингни қилиб, бу фикрдан қайтдик.

Буни келтиришдан мақсад шуки, мендан ранжиганингиз ё ранжимаганингизни ҳеч ким ўзингиздан яхшироқ билмайди. Мен ўз гуноҳларимга иқрорман. Аммо, билмайман, мен қандай ножўя иш қилдимки, сиз ўзингизни мендан тортиб қолдингиз.

Ўша кунлар менинг ёдимда, унинг йўли менинг кўчамга тушиб турарди.

Менинг кўзим ўша юздан гоҳ-гоҳ ёришиб турарди.

Вужудим ғамдан чангга айланди, қани энди оҳимнинг шамоллари шу чангларни менинг кўчамдан олиб бориб, унинг кўчаси бошига элтиб қўйса.

Султоннинг мушфиқона жавоби:

*Толибдан матлуб ранжиса бу унча оғир гап эмас;
Ишқилиб матлубдан толиб ранжимаса бўлгани.*

«ХАМСА» НИНГ ЯРАТИЛИШ ЖАРАЁНИ

Алишер Навоий «Хамса»сининг яратилиш жараёни жаҳон адабиёти тарихидаги энг ёрқин саҳифалардан биридир. Абулқосим Фирдавсий шоҳ асари «Шоҳнома»ни, Низомий Ганжавий «Хамса»сини 30 йил давомида, И. Гёте «Фауст» трагедиясини умр бўйи (1773–1832) ёзган бўлсалар, Навоий ўз «Хамса» сининг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр»га 1483 йилда киришиб, охириги достони – «Садди Искандарий»ни 1485 йилда ёзиб тугаллади ва асарнинг охирида бутун «Хамса»ни ёзишга ҳаммаси бўлиб умуман икки йил вақти кетганини қайд этди.

Кўрамизки, Навоий «Хамса» дostonлари устида ғоят самарали ишлаган. 1483–1485 йиллар Навоий учун энг сермахсул йиллар бўлган. Бу йилларни Алигъери Дантенинг «Илоҳий комедия» устида (1307–1321), Вильям Шекспирнинг «Юлий Цезарь» (1599), «Гамлет» (1601), «Отелло» (1604), «Қирол Лир» (1605), «Макбет» (1606), «Антонио ва Клеопатра» (1607) трагедияси устида, А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» (1823–1830) шеърий романи устида ишлаган йилларига қиёслаш мумкин. Бу йилларда мазкур ижодкорлар ўзларининг шоҳ асарларини ёзиб тугаллаш билан қаттиқ банд бўлганлар. Шунингдек, Амир Хусрав Деҳлавий (1253–1305) ҳам ўз «Хамса»сига кирган дostonларини жуда қисқа муддатда – «Ширин ва Хусрав», «Мажнун ва Лайли»ни 1298, «Матлаъул-анвор» ва «Ойнаи Искандарий»ни 1299, «Ҳашт беҳишт»ни 1301 йилларда ёзиб тугаллаган.

Абдурахмон Жомий ҳам «Тухфат ул-аҳрор», «Сибҳат ул-аброр», «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», Хирадномайи Искандарий» дostonларини 1481–1485 йиллар давомида, яъни узоғи билан беш йил давомида ёзиб бўлган. Бинобарин, бирон муҳим асарни мумкин қадар қисқа муддатда ёзиб тугаллаш масаласида Навоий дастлаб шу икки аллома – Амир Хусрав ва Абдурахмон Жомийдан сабоқ олган, десак янглишмаган бўламиз. Навоий «Хамса»сининг яратилишида унинг буюк замондоши, устози Абдурахмон Жомий бош маслаҳатчи ролини ўйнаган, асар битганда биринчи бўлиб ўқиб чиққан ва унга мунаққид сифатида ҳаммадан аввал юқори баҳо берган.

Лекин, бундан, Навоий «Хамса»сини яратиш масаласи билан фақат икки-уч йил шуғулланган ва «Хамса» унинг икки-уч йиллик ижодий фаолиятининг меваси экан-да, деган хулосага келиш хато бўлур эди. Ўзбек тилида «Хамса» яратиш уни жуда эрта – болалигидан бошлаб банд этган. Бунинг учун Навоий бир умр тайёргарлик кўрган, ўзидан олдин яратилган «Хамса»ларни қайта-қайта ўқиган, мутолаа қилган.

Алишер Навоий катта шеърий иқтидорга эга бўла туриб, «Хамса» ёзишга қирқ икки ёшида киришди. Шунда ҳам у ўзини ҳали Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомийга нисбатан «шогирди бебизоат» («камхарж шогирд») деб ҳисоблар эди. Чунки, унинг фикрича, «Хамса»дек буюк ва мураккаб жанрда қалам тебратадиган шоир юксак шеърий истеъдоддан ташқари катта ҳаётий тажрибага ҳам эга бўлиши керак эди. Бу, албатта, ундаги камтарлик ва одабийлик белгиси. Бу вақтда у ҳам халқ орасида ўз асарлари билан кенг танилган, тан олинган шоир бўлиши билан бирга, ҳаётнинг ҳам аччиқ-чучугини, паст-баландликларини етарли даражада татиб кўрган, худди шу фурсатда Хуросон мамлакатининг бош вазири вазифасини бажарар, бу унга бутун мамлакат, барча ижтимоий табақалар аҳволи билан чуқур ва батафсил танишиш имкониятини берган эди. Хусусан, бу паллада Навоийнинг, аввало, шоир, қолаверса, катта давлат арбоби, мутафаккир сифатида бадий

асар орқали кенг халқ оммасига айтадиган гапи, дарди, фикр-мулоҳазалари кўнглида қалашиб ётар эди. Шунинг учун «Хамса»нинг яратилиши изоҳларида биринчи ўринга адабий омиллар билан бирга ҳаётий тажрибани ҳам қўйсақ, илмий жиҳатдан тўғри бўлади.

«Хамса»нинг яратилиши жараёнига диққат билан назар солинса, асар воқеалари Навоийнинг кундалик ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий воқеа ва ҳодисалар билан боғлиқлиги, уларнинг узлуксиз равишда шоир кайфиятига, ижодига ўз таъсирини турли шаклларда кўрсата бориши яққол кўзга ташланади.

Навоий ўз яратмоқчи бўлган асарини катта тепалик (қулла) даги тошдан ишланган буюк бир қалъа, улкан бино (бинойи рафеъ) шаклида тасаввур этади:

*Қолмади чун ўзга манга чорае,
Қалъа ясардек топибон хорае.
Қулла чу ҳам олий эди, ҳам васеъ,
Устига қўйдум бу бинойи рафеъ¹.*

Бу улкан «бино» беш қисмдан иборат бўлиши, яъни Низомий, Хусрав Деҳлавий ҳамсалари каби беш дostonдан ташкил топиши керак эди. Уни кўнгилдагидек яратиш учун эса Навоий тинч ва осойишта ижод қилиши, ҳеч ким унга халақит бермаслиги лозим эди. Аммо бунинг имкони йўқ эди. Сўнгги темурий подшоҳларидан Султон Ҳусайн Бойқаро (1438–1506) Хуросон тахтини эгаллаганига ва Навоийни Самарқанддан чақириб, унга ўз саройидан юксак ўрин берганига 14 йил бўлган, мамлакатда нисбатан тинчлик ўрнатилган, хўжалик, савдо-сотиқ, маданият ривожини учун бир қанча қулайликлар яратилган бўлса ҳам, бироқ ижтимоий-сиёсий ҳаётда туб ўзгаришлар содир бўлмаган, камбағаллар ҳали ҳам қашшоқларча яшар, на косиб, на деҳқон ўз тирикчилигидан қониқмас, булар ҳаммаси жамиятнинг пастки қатламлари орасида турли норозиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлар эди. Омма янги тахтга чиққан Ҳусайн Бойқаро ва унинг амалдорларидан адолат, ҳақиқат талаб қилиб, шоҳни ҳам, бош вазир Навоийни ҳам безовта қилишга мажбур эдилар. Шу вазиятни Навоий «Хамса»нинг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр» сўнггида тасвирлаган. Навоий мазкур достонининг бирон қисмини ёзишга чоғланиб, қўлига қалам олиб, энди беш-ўн байт ёзганида, кимдир уни чалғитган, маслаҳат сўраган, ёрдам талаб қилган, хуллас, ижодий ишдан узган. У бош вазир сифатида биринчи навбатда халқ ва мамлакат, хусусан, подшоҳлик вазифалари билан шуғулланишга мажбур эди. Бундай ишлар шунчалик кўп эдики, «Йўқ эди бош қошиғали фурсатим», – дейди шоир:

*Айтуриға чунки қўюлди кўнгул,
Айтмай ўн байт тутулди кўнгул,*

*Ким бор эди бошима қўп меҳнатим,
Йўқ эди бош қошиғали фурсатим².*

Тонг тун қоронғилигини пок супургиси билан тозалай бошлагандан то чарх ўзининг қора чойшабини ёпиб, юлдузларни намойиш этишга киришгунга қадар Навоийнинг дав-

¹ АлишерНавоий. Хамса. 36-бет.

² Алишер Навоий. Хамса. 141-бет.

лат ишлари билан, хусусан, одамларни, гуруҳ-гуруҳ шикоятчиларни қабул қилиш билан банд бўлганини у ўзи шундай тасвирлайди:

*Менда бу мобайн эрур зорлиқ,
Халқ жафосига гирифторлиқ.*

*Бир дам улус меҳнатидин ком йўқ,
Бир нафас эл жавридин ором йўқ.*

*Келгучи бу хаста ғамободиға,
Кетмаги худ келмай анинг ёдиға,*

*Бир сурук албатта кўруб кетмайин,
Токи бурун икки сурук етмайин¹.*

Ушбу сатрлардан маълум бўладиги, кишилар Навоийнинг олдида оддий иш билан эмас, балки қийин, амалга ошириш мушкул масалалар бўйича келганлар. Навоий уларнинг ҳал этиб бўладиган ишларини бажариб берган, битиши қийин бўлган ишлар бўйича эса юмшоқлик билан узрини билдирган. Аммо шикоятчиларнинг ҳаммаси Навоийнинг яхши гапларига осонликча рози бўлиб кетавермаган, жанжаллашган, шовқин кўтарган, унинг олдидан кетмай, ўтириб олган. Шунинг учун Навоий бу ўринда: «Кетмаги худ келмай анинг ёдиға» дейди. Буларнинг ҳаммаси шоирнинг кайфиятига кўп вақт салбий таъсир қилган, асабини бузган. Буни шоир шундай ифодалайди:

*Ўт солибон хотири вайронима,
Тонгдин оқшомға етиб жонима.*

*Иш буюруб уйлаки осон эмас,
Бутмаги ақл олида имкон эмас.*

*Узр демак барчаға қаттиғ келиб,
Неча чучук сўз деса, аччиқ келиб².*

Демак, «Хамса»нинг «Ҳайрат ул-аброр» ва бошқа дostonларининг кўпгина сатрлари ҳаётдаги ана шундай ижтимоий-сиёсий вазият ва ҳодисалар таъсирида юзага келган. Навоий гарчи ўз олдида адабий жиҳатдан аввалги «Хамса»ларга жавоб ёзиш вазифасини қўйган бўлса ҳам, аммо дostonларнинг юзага келиши реал ижтимоий-тарихий муҳит билан боғлиқ. Бу дostonда шоҳларнинг адолатсизлиги, зулми ҳақида шоир:

*Эйки, қавий айлади давлат қўлунг,
Зулм сари тушти валекин йўлунг...*

*Зулминг эрур кундузу фисқинг кеча!
Зулм ила фисқинг неча бўлғай, неча?³ –*

¹ Ўша китоб, 141-бет.

² Алишер Навоий. Хамса. 141-бет.

³ Ўша китоб, 60-бет.

дер экан, бу мавҳум хитоб, ноаниқ чақириқ, китобий гаплар эмас эди. Уни ўзи яшаган, ижод қилган муҳити шундай фикрга олиб келган эди.

Навоийнинг тундан оқшомгача турли ижтимоий гуруҳларга мансуб кишиларни қабул қилиб, уларнинг шикоятларини тинглаши бу оддий қабул эмас, улуғ шоирнинг ўз замонаси билан фаол муносабати, ижодий алоқаси эди. Шу жараёнда унинг мамлакатдаги ижтимоий табақаларга, уларнинг феълу атвориға қараши, баҳоси ҳам тобора ойдинлашиб борган. Масалан, Навоий бошқаларни эзиш, талаш ҳисобига беҳисоб бойлик тўплаган одамлардан, гарчи у Қорун бўлса ҳам, Рустам бўлса ҳам, халқ норози эканини, улар билан ҳеч қачон келиша олмаганлигини очиқ таъкидлайди ва «Ҳайрат ул-аброр»да ёзади:

*Илгида қорунча бўлиб ганжу мол,
Топмоқ эрур халқ ризосин маҳол¹.*

Навоий фикрича, ҳақиқат мазлумлар томонда. Мазлумлар ва золимлар, бойлар ва камбағаллар орасидаги зиддиятлар тафтиши билан ҳар куни банд бўлган шоир «Ҳайрат ул-аброр» достонини қоғозга туширар экан, унинг барча боб (мақолат)лари чуқур ижтимоий мазмун касб этишига эришган. Бу асардаги барча салбий типлар ҳаётда бор одамлар эди. Шу билан бирга Навоий юксак суръат билан ёзар, ўз фикрларини шеър билан ифодалашга жадал интилар экан, унга вақт етишмаётгандек, шеърларининг бадиий савияси эса у кўзлаган даражада эмасдек туюларди:

*Риштаи авқот чу кўтоҳ эди;
Келмади ул навъки дилхоҳ эди².*

Бу Навоийнинг ўзига, ўз ижодига талабчанлиги аломати эди.

Навоий «Ҳайрат ул-аброр»ни ҳижрий 888 йили ёза бошлаб, шу йили тугаллади. Асарнинг битган йили ҳақида шоир:

*Нуктаи тарихики, аҳсан эди,
Секкизу секкиз юзу сексан эди³ –*

дейди. Бу мелодий ҳисоб билан 1483 йилга тўғри келади. Уни Навоийнинг шахсий котиби Абдулжамил ҳижрий 889 йилнинг раббиалохир ойида, мелодий ҳисоб билан 1484 йил апрель ойида оққа кўчириб бўлган. Шоир 1483 йилнинг ўзидаёқ «Фарҳод ва Ширин» достонини ёзишга киришган. Иш шу қадар тез борганки, ҳижрий 889 йил, мелодий 1484 йилнинг бошларидаёқ дoston ёзиб бўлинган. Бу асарнинг ёзилиш тарихи ҳақида Навоий дoston охирида қуйидаги байтни битган:

*Чу тарихи йилин онглай дедим туз:
Секкиз юз сексан эрди доғи тўққуз⁴.*

¹ Ўша китоб. 142-бет.

² Ўша китоб, 142-бет.

³ Ўша китоб. 146-бет.

⁴ Ўша китоб, 336-бет.

Шоир «Лайли ва Мажнун» достонининг ёзилиш тарихини ҳеч қаерда қайд этмаган. Абдулжамил котиб достоннинг кўчирилган йилини ҳижрий 889 йилнинг зулқаъда ойи, мелодий 1484 йилнинг ноябрь ойи деб белгилаган. «Садди Искандарий» достонидан шу нараса маълумки, тўртинчи достон – «Сабъаи сайёр»ни ёзишга киришиш вақтида Навоий жуда чарчаган. Шунинг учун у маълум муддат ёзиш ишини тўхтатиб, бир оз дам олмоқчи бўлган ва шундай қилган ҳам. Лекин бу дам олиш узоққа чўзилмай, беш-ўн кун давом этган, холос. Улуғ шоир «Хамса» ғоялари, образлари билан яшар, улар унга тинчлик бермас, уни ишга, янги ижодий парвозларга ундар, санъаткорга том маънодаги дам олиш бўлиши мумкин эмас эди. Бир оз ҳордиқ зарурлиги ҳақидаги бошқаларнинг маслаҳати ҳам шоирнинг қуролига кирмасдан, у яна ишга киришади ва «Хамса»нинг тўртинчи достонини қоғозга тушира бошлайди. Чунки у бирон тасодиф юз бериб, бошлаган улуғ ишининг чала қолиши («ярим йўлда қолмоқ») ни асло истамас, бу мақсадга етишда ҳар кун, ҳар соатни ғанимат ҳисоблар эди:

*Насиҳат мижозиға дарғир йўқ,
Кучум етмасу ўзга тадбир йўқ.*

*Ярим йўлда қолмоқ эрур мушкул иш,
Манга тушган иш кимсага тушмамиш¹.*

Навоий ўз достонларини, хусусан, «Сабъаи сайёр»ни ортиқча қийналмасдан ёзиб тугаллаганлигини билдиради:

*Етишмай қўп ул ишда панжамға ранж,
Насиб ўлди беш ганждин тўрт ганж².*

Шу билан бирга беш мингча байтдан иборат бу достонни шоир тўрт ойда ёзиб битказганини («тўрт ойдин зиёд эмас») билдиради ва тарихини қуйидагича белгилайди:

*Гарчи тарихи эрди секкиз юз,
Сексан ўтмиш эди, яна тўққуз;
Ойи онинг «жумодиус – сони»,
«Панжшанба» ёзилди унвони³.*

Бу мелодий 1484 йилнинг июль ойига тўғри келади. Абдулжамил котиб ҳам уни шу йили оққа кўчирган. Навоий режасига кўра, «Сабъаи сайёр» «Хамса» нинг тўртинчи, «Лайли ва Мажнун» эса учинчи достонидир. Бинобарин, Навоий 1484 йилнинг март-апрель, май-июнь ойларида «Сабъаи сайёр» билан машғул бўлган бўлса, «Лайли ва Мажнун» достонини «Фарҳод ва Ширин»дан кейин ёза бошлаган ва тамомлаган. Яъни «Лайли ва Мажнун»ни шоир жуда қисқа бир муддатда – 1484 йилнинг январь-февраль ойларида ёзиб тугаллаган. Шу йилнинг июль ойидан сўнг шоир «Хамса»нинг сўнгги достони – «Садди Искандарий»ни ярата бошлаган ва 1485 йилнинг биринчи яримларида уни ҳам якунлаган. Демак, улуғ

¹ Алишер Навоий. Хамса, 630-бет.

² Ўша китоб, 630-бет.

³ Ўша китоб, 615-бет.

шоир 1484 йил бошида «Фарҳод ва Ширин»ни тугаллаб, шу йили «Лайли ва Мажнун» ва «Сабъаи сайёр» дostonларини ёзган ва йил ўрталарида «Садди Искандарий»ни бошлаган. Шоир, хусусан, 1484 йил давомида мислсиз даражада самарали ижод қилган. Шу йили у ўрта ҳисоб билан кунига камида 50 – 100 байтдан ёзган ва Шарқ шеърляти ижодий тажрибасида юксак маҳорат намунасини кўрсатган. Яъни, Навоий бутун йил давомида буюк ижодий пафос билан яшаган ва ишлаган. У «Хамса» дostonларини зўрма-зўракилик, кучланиш билан эмас, ҳақиқий шеърй илҳом билан яратган. Ижодга бўлган завқ-шавқ бутун йил давомида унинг ҳамроҳи бўлган.

Тўғри, Навоий «Хамса» устида ишлаш оғир бўлганидан ҳам кўз юммайди. «Хамса»ни яратиш жараёнида у беҳисоб қийинчиликларга дуч келган. Бу ишнинг ўз мушкулликлари бўлиши ҳам табиий эди. Аммо ҳар қандай қийинчиликларга қарамай шоир тинмай олдинга, мақсадга талпинган, тирмашиб бўлса ҳам юксакларга интилган:

*Талаб йўлида толпина, тирмана,
Не душвор манзилға етмак яна!¹*

Лекин бу ижодий ишнинг ўзига хос хусусиятидир. «Хамса» яратишдек мураккаб ва Навоий ибораси билан айтганда, «душвор иш»нинг қийин бир томони шундаки, янги «Хамса» яратмоқчи бўлган одам ўз салафларининг «Хамса»ларини ҳарф-ҳарфигача билиши, шу билан бирга унинг ривожига ўздан янгиликлар қўшиши керак эди. Навоий «Хамса» дostonларини яратишига қадар Низомий, Хусрав Деҳлавий ва бошқаларнинг асарларини чуқур ўрганган бўлса ҳам, лекин у бу билан қониқмай, ўз «Хамса»сини ёзиш жараёнида ҳам уларнинг асарларини янгидан ўқиб чиқар, янгидан мутолаа қилар эди. Шу билан бирга, Навоий хоҳ тарихий мавзуда қалам тебратмасин, хоҳ фольклор мавзусида ёзмасин, ўз салафлари кўрмаган адабиётларни ҳам ўқишга, халқ орасидан ҳеч ким эшитмаган қисса ва афсоналарни тўплаб, уларни ўрганишга, шу асосда янги гап айтишга, янги қаҳрамонларни топишга, уларни ёзма адабиётга олиб киришга, ўз салаф-устозларининг камчилиги ва хатоларини такрорламасликка, шеърйат уммонидан улар термаган дур ва жавоҳирларни қўлга киритишга ҳаракат қилган. Масалан, у иккинчи дostonига оид форсий, туркий ёзма ва оғзаки манбаларни, тарих сабоқларини ўрганар экан, улар орасидан маҳорат билан «Фарҳоди маҳзун» дostonини ажратиб, танлаб ола билди. У ўзига мурожаат қилиб, аввало, тарих китобларини ўрганишга («Бурун жамъ эт неким бўлғай таворих»), асосий диққатни Фарҳод образига қаратишга («Борида иста бу фархунда тарих») чақирди. Шундай чуқур илмий таҳлил асосида у меҳнат кишиси, олижаноб Фарҳодни иккинчи дostonининг бош қаҳрамони қилиб олди.

«Сабъаи сайёр» ва «Садди Искандарий» дostonларини яратишда ҳам шоир шу хил ишларни амалга оширди. Навоий даврига келиб тарих кўп жиҳатдан бузилган, ўзгартиб юборилган, мавжуд адабиётларда эса беҳисоб ўзаро ихтилофлар бор эди. Навоий Баҳром ҳақида дoston ёзишга киришар экан:

*Сўзда тарих ихтилофи бор,
Аҳли тарихнинг хилофи бор,² –*

¹ Алишер Навоий. Хамса. 631-бет.

² Алишер Навоий. Хамса, 485-бет.

дейди ва тарихни ўзича ўрганишга, Баҳром образини янгича талқин этишга, шу асосда ўз концепциясини белгилашга бел боғлайди. Достон охирида шоҳ Баҳром Навоийнинг тушига киради ва унга хитоб қилиб, унинг хизматлаърини ҳалол баҳолайди:

*...Буки тарихимиз баён қилдинг,
Элга ахволимиз аён қилдинг...*

*Ўзгалар ҳам йўнуб бу ишга қалам,
Айладилар бу дostonни рақам ...*

*Не эшитганни айлабон тасдиқ,
Қилдилар назм айламай таҳқиқ...*

*Қисса кўпрак эканни билмадилар,
Яна истарга саъй қилмадилар...*

*Сен бу ишнинг пайиға чун бординг,
Эски дафтар бaсe кўп ахтардинг¹...*

Навоий фақат шоир эмас, айнаи вақтда билимдон олим ҳам бўлган. Илмий тадқиқот билан шеърий ижод «Хамса»ни ёзиш вақтида чамбарчас бирлашиб кетган. Бу ҳол шоир асарларининг мазмунига мазмун қўшган, аҳамиятини оширган. «Садди Искандарий» достони мисолида буни янада равшанроқ кўриш мумкин.

«Шоҳнома», «Илоҳий комедия», «Ҳафт авранг», «Уруш ва тинчлик», «Фауст» каби буюк асарларнинг ёзилиши жараёнини ўрганар эканмиз, бу жаҳоншумул асарларнинг юзага чиқишида ҳал қилувчи нарсa ёзувчининг меҳнати, унинг шахсий фидойилиги, ўзига нисбатан талабчанлиги, ижодий нуқтаи назари эканини қайд этишга ва тан олишга тўғри келади. Ҳақиқий санъаткорларга хос тарзда Навоий ҳам ижодни ижодкорнинг ўзига ҳам катта баҳра келтирувчи меҳнат деб тушунган ва уни жуда эрта бўйнига олиб, умр бўйи, айниқса, «Хамса»ни яратиш чоғида шу тушунчага амал қилган. Бу даврда Навоийнинг орзуси бошқа ҳамма ишлардан, шу жумладан, бош вазирлик лавозимидан ҳам қутулиб, фақат шу асарни ёзиш билан шуғулланиш эди. «Фарҳод ва Ширин»да Навоий ёзади:

*Фароғат кунжида бир гўша тутсам;
Мени эл, мен дағи элни унутсам.
Бори ашғолдин шоҳ тутса маъзур,
Ки бўлсам сўз демак шуғлиға маъмур².*

Агар айтган шароити яратилса, ҳеч ким унга ҳалал етказмаса, Навоий йигирма тўрт соат давомида кечаю кундуз ишлашга тайёрлигини, асарларининг савиясини эса энг юқори нуқтага олиб чиқиши мумкинлигини айтади:

*Йигирма тўрт соат кеча-кундуз,
Йигирма тўрт дам урсам нафас туз,*

¹ Алишер Навоий. Хамса, 608-бет.

² Алишер Навоий. Хамса, 335-бет.

*Ким андин вақтима етса ҳузуре.
Бировдин топмаса кўнглим футуре, –*

*Рақам қилғон паришон номалардин,
Ёзилғон рабти ўйқ хангомалардин –*

*Ҳамоно тезтак айлаб қаламни,
Равонроқ торта олғаймен рақамни.*

*Ҳам ўлғай бу рақамдин санъати кўп,
Ҳам ўлғай санъатида диққати кўп¹*

Навоий бу масалада шоҳга ҳам мурожаат қилган, аммо натижа чиқмаган. Оқибатда шоир давлат, жамоат ишларини ижодий ишлари билан қўшиб олиб боришга мажбур бўлади. У кўпроқ кечалари ёзар («Ки айлаб тунлар уйқу ҳаром»), уйқу ҳисобига «ажабдин ажаб» асарларини шакллантирар, бири тугаши билан иккинчиси ўзи қоғозга дурру гавҳар бўлиб тўкила бошлар, бундан мамнун шоир чарчаганини билмас эди.

«Хамса» дostonларини яратишдаги яна бир муҳим воқеа Навоийнинг «Хамса» яратишдан жуда катта мақсадларни кўзда тутгани, ўзининг энг улуғ ғоялари («улуғ комлар») ни шу эпик шаклдагина кенг ифодалаш имконига эгалигини чуқур тушуниб, ўзининг бутун меҳр-муҳаббати билан бу ишга қўл ургани, унда бу асарни яратишга бўлган иштиёқ асар охиригача заррача бўлсада сўнмаганидир. «Ҳайрат ул-аброр»да жамият аҳволи ва тараққиёти кишиларнинг хулқ-ахлоқи билан боғлиқ барча фикрларини шоир ўз номидан айтган, асар марказида ўзи турган бўлса, «Фарҳод ва Ширин»да ўзининг меҳнат кишиси, ҳақиқий пок инсон тушунчаси билан боғлиқ қарашларини Фарҳод ва Ширин образлари орқали гавдалантиради. «Лайли ва Мажнун»да Навоий адолатсизлик асосига қурилган ижтимоий тузум шароитидаги инсон фожиасини тасвирлайди. Уларга ўзини қалбан жуда яқин тутиб, ўзи бениҳоя таъсирланиб, баъзан эса ўзини шу қаҳрамонлари билан бир жон, бир тан қилиб ёзади. Дoston охирида шоир шу қиссани «Йиғлай-йиғлай тугатдим охир» дейдики, бунда жуда катта маъно бор. «Сабъаи сайёр»да шоҳ Баҳром образи орқали даврининг подшоси Султон Ҳусайнни кўрса, бу асардаги ҳикояларда ўзбек халқ маънавий бойлигини, унинг орзу-умидларини куйлайди. «Садди Искандарий» дostonида улуғ шоирнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, адолат, маърифат билан боғлиқ тушунчалари ўзининг энг мукамал тасвирини топиши керак эди. Навоий бутун ҳаёти давомида шундай қараш ва ғоялар билан яшаган эди. Унинг учун ушбу ғояларни шеърий-бадий гавдалантириш у қилиши лозим бўлган ишларнинг энг муҳими ва асосийси эди. Шу сабабли у ўз она тилида «Хамса» яратиш билан олий муддаосига етажагини ифодалаб, ўзига ўзи:

*– Ки бу мулк аро қаҳрамон бўлғасен,
Улус ичра соҳибқирон бўлғасен!² –*

деб ҳайқирар экан, Навоий ҳақ эди. Шунинг учун «Хамса»ни муваффақиятли тугаллаш ҳақидаги истак уни доим олдинга етакларди ва шоирга чексиз илҳом бағишлар эди.

¹ Алишер Навоий. Хамса, 335-бет.

² Алишер Навоий. Хамса. 639-бет.

Образли қилиб айтганда, у гоҳ ўз қаҳрамонлари қиёфасига кириб, гоҳ уларга жуда яқин туриб қалам тебратар, ҳар бир достонини, ҳар бир бобини битирганда ўзини мақсадига тобора яқинлашган ҳис этар эди.

«Хамса»нинг юзага келишида Навоий замондошлари, «Хамса» ёзган ёки бу жанрдаги бирон асарга жавоб айтган қаламкашлар, шеърят ихлосмандларининг ҳам ўз ўрни бўлган. Бунда Абдурахмон Жомий муносабатига юқорида тўхталиб ўтдик. Навоий ҳар достони бошида бу улуғ даҳо мадҳига махсус бобларда мадҳ ўқиши бежиз эмас. Навоийдан сал бурун Ашраф, Ҳожу Кирмоний каби шоирлар ҳам «Хамса» ёзган ва Навоий уларнинг «Хамса»лари билан ҳам яқин таниш эди. Шунинг учун «Муҳокамат ул-луғатайн»да Навоий «Лайли ва Мажнун»ни яратишда Ҳожунинг «Гавҳарнома» номли, «Сабъаи сайёр»ни ёзишда Ашрафнинг «Ҳафт пайкар» номли достонларидан ҳам таъсирланганлигини қайд этар экан, бунда маълум ҳақиқат йўқ эмас.

Шу билан бирга Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида ўз замондошларидан Али Оҳий, Котибий, Фасиҳ Румий, Мавлоно Дарвешали, Хожа Ҳасан, Мавлоно Абдулло, Амир Шайхим Суҳайлий, Хожа Имод каби ўнлаб хамсанависларнинг номларини зикр этади. Масалан, булардан Амир Шайхим Суҳайлий билан Навоий шу қадар яқин бўлганки, унга «Мажолис ун-нафоис»даги учинчи мажлисдан, Жомийдан кейин иккинчи ўринни берган. Бу ўринда Навоий Суҳайлийни мақтаб келиб, сўзининг охирида: «Аввалдин охирғача фақир била илтифот ва иттиҳоди кўп учун мундин ортиқ таърифин қилинса, ўзимни таъриф қилгондек бўлурдин қўрқуб, ихтисор қилилди»¹ дейди. Суҳайлий ҳам анъанавий «Хамса»нинг «Лайли ва Мажнун» сюжетида жавоб ёзган эди. Навоий «Хамса»сини тугаллагач, подшоҳ Ҳусайн Бойқаро ҳам уни ғоят илиқ кутиб олган.

Ниҳоят, Навоий «Хамса»сининг вужудга келиши давомидаги энг катта табиий қийинчиликлардан бири – бу тил масаласидир. Навоийгача яратилган барча «Хамса»лар форсий тилда бўлиб, ўзбек тилида бу хилдаги асарни яратиш жуда кўп илмий, сиёсий, адабий, лингвистик тушунчаларни шу тилда ифодалаш деган гап эди. Навоий бу ишга жуда қаттиқ киришди. У ўз асарини яратишда фақат адабий тил ёки бир шева имкониятлари билан чекланмади. У ўзбек тилининг барча шеваларига хос нозикликларини кашф этишга интилди. «Хамса» туфайли ўзбек адабий тили ўзининг янги ва мукамал қиёфасига эга бўлди. Кўпгина мафҳумларни эса Навоий ўзи яратди. Шунинг учун «Хамса»ни яратиш билан боғлиқ қийинчилик ва тўсиқлар устида гап борар экан, тил билан боғлиқ аҳволга Навоий алоҳида тўхталади. Навоий фикрича, ҳар қандай кишининг бошқалар билан сўзлашадиган кундалик она тили одатдаги, кўп марта такрорланадиган ҳодиса бўлиб, унга одамлар кўпда эътибор билан қарамайдилар, қандай ўнг келса, шундай гаплашадилар. Одамга гап-сўзидаги камчиликлар унчалик билинмайди. Гўё ҳар куни ишлатиладиган, талаффуз этиладиган сўзлар, гаплар кишининг фарзандидек, ўз аъзосидек. Лекин гаплашув тили билан адабий тил ўртасида катта фарқ бор. Сўзларнинг оғзаки талаффузида кўп дудуқлик, номукаммаллик («лакнатлар») бўлади. Адабий асарда шоир уларни тузатиши, сўз ва ибораларни тўғри қўллаши ва талаффуз этиши, адабий тилга кўчиришда ўзига талабчан бўлиши, бошқалар билан маслаҳатлашиб туриши, бу ҳақда тилни яхши биладиган одамларнинг гапларига қулоқ солиши, бир сўз билан айтганда, тилга ниҳоятда эҳтиёт бўлиши зарур. Навоий ўзининг бу фикрларини «Садди Искандарий» достонининг охирида қуйидагича ойдинлаштиради:

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 12-том 72-бет.

*Тузалди бу назминг бaсe сарсари,
Яна турки алфоз анга бир сари,*

*Қи ҳар нечаким диққати бордур,
Талаффуз аро лакнати бордур.*

*Сўзунгники яхши кўрурсен ўзунг,
Кўрунмас ёмон, чун эрур ўз сўзунг.*

*Қошингда сенинг гарчи кўп вазни бор,
Чу бор ўз сўзунг, – йўқ анга эътибор,*

*Ки сўз зодаи табъу фарзанд эрур,
Чу фарзанд эрур, жонға пайванд эрур¹...*

Беш юз йиллик тарих шундан гувоҳлик берадики, чиндан ҳам Алишер Навоий «Хамса»сининг яратилиши ўзбек халқи маданияти тарихидаги энг катта воқеалардан бири. Бу асарнинг ёзилиш жараёнини ўрганиш ижодкорлар учун катта мактаб. Навоий «Хамса»си аввало, ўз даври ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётининг, қолаверса, Навоийдаги ноёб шеърий истеъдоднинг маҳсули. Шу билан бирга, бу адабий ёдгорлик жаҳон адабиётининг энг яхши, энг улуғ намуналари каби ҳамма даврларнинг ҳамда барча авлодларнинг севишли ва ардоқли асари бўлиб қолади. Унинг кўп тилларга таржима қилинганлиги ва қилинаётганлиги ҳам шундан далолат беради.

¹ Алишер Навоий. Хамса. 847-бет.

НАВОИЙ ЭСТЕТИКАСИНИНГ ГУЛТОЖИ

Алишер Навоий ўз даврининг буюк шоири ва мутафаккиригина эмас, улкан адабиётшунос ва санъатшунос олим ҳам бўлиб, унинг эстетик қарашлари барча назмий, насрий асарларида турли шакл ва йўналишларда ифодаланган. У бутун умрини шеър, илм ва санъат аҳллари орасида ўтказган бўлиб, хусусан, 1469 йилдан сўнг, яъни у давлат арбоби сифатида халқ ва мамлакат ишлари билан жуда яқиндан шуғуллана бошлагандан кейин унинг адабиёт ва санъат масалаларига эътибори янада ошди. У «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида ўттиз йил давомида Хуросон мамлакатада хусусан адабиёт ишлари билан қандай шуғуллангани, қандай раҳбарлик қилгани, вақти келса ҳакамлик вазифасини бажаргани, унинг фикр ва қарашлари ўша давр адабий ҳаётида нақадар муҳим ўрин тутгани ҳақида қуйидагиларни ёзган эди:

«Ва ўттуз йилдин ортуқ ва қирқ йилға яқиндурким, Хуросон мулкиким, фазлу камол аҳлига олам мамоликининг мисри муаззами ва саводи аъзамидур, бу мулкнинг жамеъ назм аҳли шуаройи ширин каломи ва фусаҳойи вожибул-эҳтироми ҳар не, ҳар маъни билаким, авроқ юзига оройиш ва ҳар алфоз билаким, ажзо узориға намойиш берибдурлар, бу фақир суҳбатиға еткурубдурлар ва бу заиф оллинда ўтқарибдурлар ва ҳақ ва ислоҳ илтимосин қилибдурлар ва хотирга келғон нуқтаки, айтилибдур, инсоф юзидин мусаллам тутуптурлар ва агар баъзи ибод қилибдурлар, далоил била аларға хотир нишон қилибдур, андин сўнгра қабул қилиб, ўзларин шокир ва мамнун билибдурлар»¹.

Алишер Навоий санъатнинг турли соҳалари – мусаввирлик, мусиқа, ҳуснихат ва ҳоказо соҳалар тараққиётига ҳам ҳомийлик қилган бўлиб, у бу соҳалар бўйича ноёб фикрларни билдиргани маълум. Шундай бўлса ҳам унинг эстетик қарашлари кўпроқ бадиий адабиёт, аниқроғи, шеърият билан боғлиқдир. Чунки XV аср шароитида шеърият ижтимоий онг ва маънавий ҳаётнинг етакчи соҳаси бўлиб, шеър ҳаммага яқин, шеърият билан ҳамма шуғулланар эди. Ҳатто фалсафий ва илмий трактатлар ҳам шеърда ёзиларди. Навоийнинг шеърият билан боғлиқ адабий қарашлари унинг «Муҳокамат ул-луғатайн», «Мажолис ун-нафос», «Мезон ул-авзон», «Хамсат ул-мутаҳаййирин» каби ўнлаб асарларида ўзининг кенг ва чуқур ҳамда анча изчил ифодасини топган. Навоийнинг йигитлик даврида Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактуби яна шуни кўрсатадики, у шеърий ижод билан бир қаторда адабиётшунослик масалалари билан ҳам жуда эрта жиддий шуғуллана бошлаган, муҳим фикрларни ўртага ташлаган ва бу масалалар талқинида ғоят тўғри йўлни тутган. Бинобарин, улуғ шоирнинг бу шеърий мактубини ўз ичига олган «Ҳазойин ул-маоний» девонида ҳам шу масалаларга оид фикр, мулоҳазалар ҳар қадамда учрайди. Демак, Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари ҳамма асарлари бўйича ўрганилиши керак ва шундай қилинмоқда.

Савол туғилади: шу йўналишда Навоийнинг «Хамса» си қандай аҳамиятга эга? Бунга биз: «Хамса»да улуғ шоир эстетик қарашлари ўзининг олий нуқтасига кўтарилган! – десак хато қилмаган бўламиз. «Хамса»га кирган беш дostonнинг ҳар бирида Навоий ҳам киришда, ҳам хотимада бу масалаларга махсус тўхталади, бадиий ижоднинг ўзак муаммоларини кўтаради, адабиётни ҳаёт билан боғлаб ўрганишнинг классик намунасини кўрсатади. Яна бир муҳим томони, адабиётшунослик муаммоларига у фақат олим сифатида эмас, айтиш мумкин, ҳаёт ва санъатнинг буюк ўқувчиси сифатида ҳам қўлланади.

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 14-том, 126-бет

гениал шоир ва мутафаккир сифатида, ўз ижодий тажрибаларига суяниб ёндашадики, бу ғоят муҳим ва диққатга сазовордир. Янада аниқроғи, бу масалаларни у ўзининг эпик ижоди, яъни «Хамса» яратиш тажрибасидан келиб чиқиб ёритади.

Бинобарин, Навоийнинг «Хамса» билан боғлиқ поэтик ижоди қатори эстетик қарашлари ҳам шундай аниқ бир тарихий шароитнинг маҳсули бўлиб, шу ижтимоий шароит тақозоси билан юзага чиққан эди.

«Хамса» охирида Навоий «Хамса»дек улуғ асарни қанча вақт ичида ёзиб тугаллаганига аниқлик киритишни шарт деб билган. «Бевосита бу беш дostonни ёзишга сарф этилган вақтнинг ҳаммасини йиғиштирганда олти ойдан ошмайди», – дейди шоир:

*Бу меҳнатлар ичра чекиб сўзга тил,
Замондин каму беш ўтуб икки йил.*

*Чекиб хома бу нома итмомиға,
Етургайсен оғозин анжомиға,*

*Ки аҳли муҳосиб шитоб айласа,
Дейилган замонин ҳисоб айласа,*

*Йиғиштурса бўлмас бори олти ой,
Ки бўлдунг бу раъноға суратнамой¹.*

Навоийнинг ўз «Хамса»сини ёзишга қанча вақт кетганига аҳамият бериши бежиз эмас. У бу масалага ижодкор учун, бадий асар учун муҳим бир ижодий масала сифатида қараган. Навоий юқори суръат билан ижод қилиш тарафдори бўлиб, унинг деярли барча асарлари бир нафас билан ёзилган. «Хамса»дек улуғ асар ҳам ўша принципда, бир нафас билан ёзилган эди. Бу билан Навоий, бир томондан, шоирларни жадал ижод қилишга, маҳоратни астойдил ишга солишга, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга тез ўз муносабатини билдиришга чақиради. Иккинчидан, шу хилда суръат билан бир вақтда, бир кайфиятда ёзилган асарларда ғоявий-бадий яхлитлик, ички услуб, мақсад бирлиги ва бошқа фазилатлар кўпроқ бўлиши мумкин ва улуғ шоир бу ўринда шуни ҳам кўзда тутаётган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Шу икки йил давомида Навоийнинг эстетик қарашлари ҳам юқори суръат билан ривожланган, дostonдан дostonга чуқурлаша борган. Беш дostonда бадий адабиётнинг, хусусан поэтик ижоднинг шунча кўп масалалари ўзига хос равишда шеърый шаклда таҳлил ва талқин қилинганки, Навоийнинг, бадий ижод билан бир қаторда унинг назарияси, қонун-қоидалари билан ҳам жиддий, бир маромда қизиққанидан далолат беради. Демак, ҳамма катта сўз санъаткорлари қатори Навоий ҳам бадий ижодни унинг назариясидан ажратиб қарамаган. Юқори эстетик нуқтаи назарлар учун кураш унинг ижодий муваффақиятларининг ҳам муҳим омилларидан бири бўлган.

Навоий «Хамса» ёзишга киришар экан, аввало уни «Хамса» яратиш, ҳамсачиликка қандай муносабатда бўлиш керак? – деган масала қизиқтирди. Навоий ҳам ўз даври адабий анъаналарига яқин туриб, назмни ҳамма бошқа жанрлардан, хусусан, насрдан устун қўйди.

¹ Алишер Навоий. Хамса. 847-бет.

Назм ва насрни бир-бирига қиёслаб, Навоий дейди:

*Ҳар киши қилмоқ истаса маълум
Бири мансур эрур, бири манзум.*

*Насру назми ангаки мудракдур,
Назмнинг пояси бийикракдур...*

*Худ жавоҳир нечаки дилкашроқ,
Назм силкига чексалар хушроқ¹.*

Лекин у даврда шеърятнинг ҳам ўз ички шакли, жанрлари кўп эди: лирик жанрлар, эпик жанрлар. Навоийни эса энг мураккаб, энг юқори, бор жанрларга ўхшамайдиган, шу вақтга қадар туркий халқлар адабиётида учрамаган жанр, унинг қалбидаги ғоя ва мақсадларни тўла тасвирлаш имконини берадиган жанр қизиқтирар эди. Навоий учун шундай жанр «Хамса» эди.

«Хамса» дostonлари, одатда маснавий йўли билан ёзилар, Навоийни ҳам хамсачиликнинг, аввало, ана шу шакли ўзига маҳлиё қилган эди. Чунки бунда ягона вазн ва икки мисранинг ўзаро қофиядошлиги шаклий поэтика жиҳатидан бош хусусиятдир. Масалан, ўз ғоясини қасида орқали ифодаламақчи бўлган шоир 50, 60, 100 байтни ягона қофия принципага бўйсундириши керак ва бу шоирга ўз фикрини эркин ифодалаш имкониятини ҳамма вақт ҳам беравермайди.

Навоий «Хамса»га қўл урар экан, ўзига хос бу жанрда яратилган асар ҳар дoston мисолида ички тафовутларга эга бўлган ҳолда охир-оқибатда бир-бирини тўлдириши, муаллиф ғояларини ранг-баранг шеърӣ усуллар орқали тўла, ёрқин ифодалай билиши зарур эди. Шунинг учун Навоийнинг салафлари ва ўзи Низомий, Хусрав Деҳлавӣ «Хамса»ларини ганж-хазина деб таърифлар экан, бундаги ҳар бир дoston бир ганж эди. Навоий ҳам ўз «Хамса»сининг тарихий вазифасини шу хилда тушунади, унинг ҳар бир дostonини ўзига хос бир бадӣӣ олам бўлишини истайди. «Ҳайрат ул-аброр»дан сўнг «Хамса»нинг иккинчи дostonи – «Фарҳод ва Ширин»ни ёзишга бошлар экан, ўзига хитоб қилиб дейди:

*Қаю ганж улки, олдинг бешидин бир,
Иккинчисин олурға айла тадбир²!*

Навоий салафларининг «Хамса»лари таркибидаги дostonларни, шу хилдаги ўз дostonларини «гул», «раъно», «дур», «санам», «боғ», «жаннат», «маҳваш», «оби ҳаёт» деб, умуман «Хамса»ни «хазина», «ганж» деб таърифлайди. Бу унинг адабий-танқидӣ қарашларида бадӣӣ асарни эстетик баҳолаш йўли маълум ўрин тутганлигини кўрсатади. Адабий асарларга бу хилда баҳо бериш эса ўша давр адабий танқидчилигининг умумӣ савияси ва табиати билан боғлиқ эди. Бадӣӣ асарни адабий-тарихӣ, назарӣ, матний, қиёсий йуналишда кенг, чуқур таҳлил қилиб, шу асосда баҳо бериш эса кўпроқ адабиётшунослик ва эстетика фан сифатида ривожланган даврларга тўғри келиши ҳаммага аён.

Бироқ ҳамма гап шундаки, Алишер Навоий адабий асарларга, шу жумладан, хамсачилик

¹ Алишер Навоӣ. Хамса, 469-бет.

² Алишер Навоӣ. Хамса, 163-бет.

тараққиёти масалаларига ёндашиш, баҳо беришда ўз даври савиясидан анча олдинга кетди. Бу, биринчи навбатда «Хамса» жанрининг тараққиёти, унинг ўзига хос хусусиятларига муҳим аниқликлар киритишда кўринади. Бу масалаларни Навоий тарихийлик йўналишида текшириб, бу ижодкорларнинг ҳар бирига аниқ баҳо беришга ҳаракат қилади. Шу жумладан, у, масалан, Хусрав Деҳлавийни ҳар қанча мақтаса ҳам, лекин уни Низомийдан юқори қўймайди. У бу ҳақда гап кетганда Низомийни образли қилиб, «Низомий эрди андоқ пили воло» деса, Хусравни пилу, лекин Низомийга нисбатан кичикроқ пил («Кичикрак бўлса ҳам, лекин эрур пил») деб тавсифлайди Навоийнинг биргина шу сўзларининг ўзида ҳам катта илмий ва тарихий ҳақиқат борки, бу унинг адабий-эстетик қарашларининг ғоят холис томонларидандир.

Энг муҳими, Низомий ва Хусрав Деҳлавий «Хамса» ларини Навоий улардаги ҳаётийлик, ҳаётий мазмун билан ўлчади. Бу «Хамса» ларни ўқиб, улардан олган таассуротларини баён қилар экан, Навоий «Садди Искандарий» достонида ёзади:

*Чу машғул бўлдум тамошосиға,
Ўтуб водию тоғу дарёсиға.*

*Ёрумчуқ кўруб сайр тарк этмадим;
Ери қолмадиким анга етмадим.*

*Жаҳоне кўрунди кўзумга ниҳон,
Ниҳон балка ҳар байти ичра жаҳон.*

*Қаю гўшаким, нозир ўлдум даме,
Назарға эди жилвагар оламе¹...*

Навоий бу «Хамса»ларда янги бир оламни ажойиботлар, манзаралар билан тўла янги бир жаҳонни кўрган.

Бу икки «Хамса»нинг Навоийни мафтун этган биринчи томони улардаги мазмун ранг-баранглиги ва бойлиги эди. Буни Навоийнинг ўзи ҳам алоҳида таъкидлаган.

*Ки жаннат алар маскани то абад,
Навоийға маъниларида мадад².*

Навоийнинг хамсачиликда ижтимоий-фалсафий мазмундорлик масаласига бу қадар катта аҳамият бериши унинг «Хамса» билан боғлиқ эстетик меросининг энг муҳим жиҳати деб баҳоланса арзийди.

Навоий шеърӣ асарни, хусусан «Хамса» дostonларини гулга, раънога, обиҳаётга қиёслаганини юқорида айтиб ўтган эдик.

Бадий асарни гулга ўхшатишда катта сир бор. Бу Навоий эстетикасининг ҳаётий асосини ташкил этади. Бирон дoston ҳақиқӣ гулга ўхшаши учун у ҳаётдаги, инсонлар, халқлар турмушидаги масалаларни ифодалаши зарур. Кўриниб турибдики, Навоий эстетика ма-

¹ Алишер Навоӣ, Хамса. 638-бет.

² Алишер Навоӣ. Хамса, 635-бет.

салаларини ўзининг илғор фалсафий дунёқарашидан келиб чиқиб изоҳлашга интилади. Унингча, бирон бадий асар гулдай чиройли дейилганда бу ундаги чуқур мазмун ва гўзал шаклга ишорадир. Уларнинг бири иккинчисисиз яшай олмайди. Аммо маъно, мазмун, яъни ҳаёт материали суратга, шаклга нисбатан етакчи асос бўлиши, шаклга оид барча бўлаклар маънога мослашиши, ранг-баранг бўлиши, мазмунни кўрсата билиши керак:

*Назмда ҳам асл анга маъни эрур,
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур.*

*Назмки, маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маони қошида ҳўб эмас¹.*

Масалан, Навоий шеъриятда, дostonчиликда бадийят масаласига тўхталар экан, бадий тасвирнинг ниҳоятда қуюқлашиб, анъанавий бадий тасвир – муболаға, ташбиҳ, истиора ва ҳоказоларнинг меъёрдан ортиб кетишини қоралайди:

*Агар даҳр аро сепса мушки тотор,
Кўнгулни қилур тийраю кўзни тор²,*

Бу масалаларда унинг фикри улуғ замондоши – Абдурахмон Жомий қараши билан тўла мос:

«Қоида ва меъёрдан ортиқ тушган хол маъшуқа юзини бузади».

Навоийнинг улуғ салафлари асарлари ана шу талабларга жавоб берар, шунинг учун бошқа кўп асарлардан ажралиб турар эди. Навоий дostonларидаги мазмундорлик, ҳаётийлик Навоийнинг яна бир муҳим ижодий хусусияти – ҳаққонийлик билан чамбарчас боғланган эди. Бу унинг бутун ижодий методини офтобдек ёритиб туради. У «Ҳайрат ул-аброр» дostonида:

*Сўзда, Навоий, не десанг чин дегил,
Рост наво нағмага таҳсин дегил!³–*

деб ёзар экан, бу ҳар қайси дostonда, «Хамса» яратиш билан боғлиқ ҳамма масалаларда ўзига хос равишда ойдинлаштирилади. Бу масаланинг, айниқса, тарихийлик принципи билан боғлаб олиб борилган талқини қизиқарлидир. Навоий ўзининг бир қанча дostonларини Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомий анъаналарига амал қилиб, қадимги Эрон тарихий китоблари, халқ афсоналари асосида яратар экан, бунда у мумкин қадар тарихий ҳақиқатга яқинлашишга, ундан узоқлашмасликка, халқ афсоналарининг халқчиллик асосини бузмасликка ҳаракат қилди.

¹ Ўша китоб, 34-бет.

² Ўша китоб, 846-бет.

³ Алишер Навоий. Хамса, 93-бет.

Навоий биринчи манбаларга бепарволик билан қараган ва оқибатда айрим хатоларга йўл қўйган салафларини жиддий танқид қилади:

*Қисса кўпрак эканни билмадилар,
Яна истарға саъй қилмадилар¹.*

«Садди Искандарий»ни ёзар экан, Навоий манбаларни кўриш билан қаноатланмай, кўрган манбаларидаги хатолар, қарама-қаршиликларга ҳам аҳамият беради. Тарихий манбаларни, қайта ёзилмоқчи бўлган афсоналарни яхши кўрмаслик, ўрганмаслик бадий асарлардаги, хусусан тарихга оид асарлардаги воқеа ва киши образларини ҳам бузиб кўрсатишга олиб келиши мумкин ва буни Навоий Хусрав ва Баҳром образлари билан боғлиқ дostonлар мисолида далиллар билан исботлаб кўрсатишга ҳаракат қилади.

«Хамса» билан боғлиқ Навоий эстетикаси доирасидаги ўзак масалалардан бири бадий асарда, хусусан дostonда инсонни қандай тасвирлашдир. Қадим юнон мутафаккири Аристотель бу масала хусусида тўхталиб, ўша давр юнон адабиётидаги аҳволга суянган ҳолда «Поэтика» асарида қуйидагиларни ёзган эди: «Характерга келсак, улардан тўрт мақсад кўзда тутилади. Биринчи ва асосийси: характерлар яхши бўлиши керак. Аввал айтганимиздай, шахс агар ўзининг гаплари ва ишларида қандайдир мақсадга амал қилса, характерга эга бўлади. Агар шахс яхши мақсадларни кўзласа, характери ҳам яхши бўлади... Иккинчидан, характерлар ўзига хос бўлиши керак; характер мардона бўлиши мумкин, аммо аёл кишига мардлик билан кучлилик (жисмоний кучлилик назарда тутилади – А. Ҳ.) ярашмайди. Учинчидан, характерлар ҳаётӣй, ҳаққонӣй бўлиши керак; бу юқоридаги айтилгандан мутлақ бошқача бўлиб, уларни яхши ёки ярашиқли қилиб тасвирлаш керак деган гап эмас. Тўртинчидан, характерлар изчил бўлиши керак: ҳатто, тасвирланган шахс ноизчил бўлиши, шу характернинг барча ишларига ноизчиллик хос бўлиши мумкин. Аммо характернинг мана шу ноизчиллиги ҳам изчил бўлиши зарур»².

Аристотелнинг «Поэтика» асари XII асрда машҳур олим Ибн Рўшд (Ибн Рашид – Авверроэс) томонидан араб тилига таржима қилинган эди. Ундан олдин эса Форобий (873–950) бу асарга махсус шарҳ битган. Алишер Навоийнинг бу асарлар билан таниш бўлгани эҳтимоли кўпроқ. Навоий бу масалаларга ўз муносабатини билдирар экан, шу соҳадаги фикрларни янада ривожлантиришга ҳаракат қилган. Навоий ихлос қўйган шоир ва олимлардан бири Қосим Анвор эди. Профессор Б. Валихўжаевнинг ёзишича, Қосим Анвор ўз рисола-ларининг бирида инсон ва унинг моҳияти ҳақида: «...инсониятки, қобилияти ҳам мақоми тараққи ва таназзул ва камоли ва нуқсони дорад» («... одам тараққиёт ва таназзул, камолат ва нуқсонлилик хусусиятларига эгадир»), – деган эди. Инсон ҳақидаги Навоий фикри ҳам шунга яқин. Инсон ҳақиқӣй инсон – «олами кубро» бўлгунча кўп қийинчиликларни бошидан кечиради:

*Олам аро ҳар не кўруб, касб этиб,
То лақаби «олами кубро» этиб³.*

¹ Ўша китоб, 608-бет.

² Аристотель. Поэтика; Тошкент 1980, 31-бет.

³ Алишер Навоий. Хамса, 40-бет.

Шундан келиб чиқиб, Навоий инсонни, ўз қаҳрамонларини ҳаракатда, ўсишда, курашда, тараққиётда, таназзулда, мавжуд ҳаётда, ҳаёлот оламида бутун зиддиятлари билан кўрса-тишга интилади. Унингча, инсон ижтимоий жамият маҳсули. Уни ҳаётда бўлаётган воқеа, ҳодисалардан узиб тасвирлаш асло мумкин эмас:

*Ким ҳаводис ери дурур олам,
Ондин озод эмас бани одам.*

Бинобарин, бадиий адабиётда инсон тасвири ҳақида гап борар экан, буни назарда тутиш лозим. Инсон ташқи кўринишда бир хил кўринишларга эга бўлса ҳам, аммо унинг табиати, руҳияти, дунёқараши ранг-баранг:

*Кимники инсон десанг инсон эмас,
Шаклда бир, феълда яксон эмас.*

Шу хил ақидалар билан қуролланган Навоий ўз қаҳрамонларини «Хамса»да жонли, тарих ва ҳаёт мантиқига мос қилиб тасвирлади. Бу масала, айниқса, Навоийнинг ўз салафлари дostonларидаги Баҳром образига муносабатида, танқидий мулоҳазаларида ривожланади. Ўз қаҳрамонларини Навоий ижобий томонлари орқалигина эмас, ички зиддиятлари, заифликлар билан гавдалантирди. Фарҳоддаги кучли ирода билан айрим вақтларда сентименталликка берилиш, Баҳромдаги мардлик ва одиллик билан бир қаторда қаттиққўллик, жоҳиллик, Мажнундаги ортиқча қўнгилчанлик – Навфалнинг гапига кириб севмаган қизга уйланишга рози бўлиши ва бу қилмишлари оқибатида қаҳрамонларнинг оғир аҳволга тушиб қолиши бунга мисол бўла олади. Ҳатто Хусрав образини ҳам Навоий ялпи қора бўёқ билан чизмайди. У Ширинга уйланмоқчи бўлар экан, Навоий бунинг сабабларини кўрсатади. Сабаблардан бири шуки, Хусрав оилали, фарзандли бўлса ҳам, аммо унинг Шеруя исмли ягона ўғли ноқобил, тахтга номуносиб. Шоҳ тахтга лойиқ ворисга эга бўлишни истаган. У яхши оила фарзанди – гўзал Ширинга уйланмоқни ният қилар экан, бунда у, биринчи навбатда, ана шу мақсадни, яъни муносиб ворисга эга бўлишни кўзда тутди. Шунинг учун тўла айбламайди. Бироқ унинг айби, ярамаслиги шундаки, у бу ниятини зўрлик билан, юзмингларча одамларнинг қонини тўкиш, азоб-уқубатларга дучор қилиш орқали ҳамда Ширинни, унинг халқини, мамлакатини оёқ ости қилиш билан амалга оширмоқчи бўладики, бунда уни оқлаш мумкин эмас. Шеруянинг ярамаслигини эса Навоий воқеаларнинг кейинги ривожига кўрсатиб беради. У отаси уйланмоқчи бўлган қизга номуссизларча дахл қилиб, бу йўлда ҳатто Хусравни ўлдиришдан ҳам ҳазар қилмайди.

Навоийнинг ҳаётий ва тарихий ҳақиқатни бузмаслик ҳақидаги фикрларидан эса унинг бадиий асар қаҳрамонларининг образлари мумкин қадар ҳаққоний бўлиши кераклиги ҳақидаги қарашлари келиб чиқади. Бу масалага Навоий «Фарҳод ва Ширин» дostonининг кириш қисмида махсус тўхталади. Навоий Низомий, Хусрав Дехлавий дostonларидаги Хусрав ва Фарҳод образларини бир-бирига қиёслаб, бош қаҳрамонни танлашда шоир ўз эстетик идеалидан келиб чиқиши лозимлигини уқтиради. Навоий назарида Хусрав Ширинга муносиб бош қаҳрамон бўлишга нолойиқ. У енгилтабиат, ишратпараст, ўз қайлиғи – гўзал Ширинга нисбатан носамимий, маккор ва нотанти бир подшоҳ. Низомий бу образ тадри-

жий такомиле орқали ёмон одам яхши бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқчи бўлган. Навоий бу билан келиша олмайди, салафларини танқид қилиб ёзади:

*Вале чекканлар ушбу жомдин роҳ,
Саросар бўлдилар Хусравга маддоҳ.*

*Ки мулки андоқу ойини мундоқ,
Сипоҳи андоқу тамкини мундоқ.*

*Гаҳи Шабдези оламгардидин деб,
Замоне ганжи бодовардидин деб.*

*Нишоти базмида хонлар муассасъ,
Не хонлар, қасру айвонлар муассасъ...*

*Топиб гар Марям оғушида ором,
Шакар ҳалвосидин гоҳи олиб ком¹...*

Навоийнинг бу танқидлари баъзи қаҳрамонлик достонлари ва халқ китобларидаги олди-қочди, лоф-қофлардан иборат муболағали тасвирларга ҳам тегишли десак хато бўлмас. Навоий фикрича, XV асрга келиб бундай тасвирларнинг вақти ўтган, адабиёт энди ҳаётга, тарихда бўлиб ўтган воқеаларга юз ўгирган эди. Салафларнинг достонларида Хусравга қарама-қарши равишда халқ қаҳрамони Фарҳод ҳам эслатиб ўтилган бўлиб, лекин у йўл-йўлакай тасвирланган эди:

*Арода тек бир-икки достон ҳам,
Дебу Фарҳоддин айтиб нишон ҳам,*

*Ки бир хоро шигофи кўҳсори,
Бўлуб Ширин ғамининг беқарори².*

Фарҳод номи билан боғлиқ афсона X–XV асрларда Шарқ мамлакатлари бўйлаб халқ орасида ҳам кенг тарқалган эди. Навоий ўз достонига мард ва меҳнаткаш Фарҳодни бош қаҳрамон қилиб олар экан, бунда у ўз эстетик орзусидангина эмас, халқ орзу-ҳавасидан ҳам келиб чиққан эди. Гадоий (XV аср) бу афсонанинг Низомий, Хусрав Деҳлавий достонларидаги талқинига тўхталиб, ўз ғазалларининг бирида:

*Деса бўлмас, Гадо, ҳар булҳавасни ошиқи содиқ;
Ҳадиси «Хусраву Ширин» ғараз Фарҳод эмиш, билдук³, –*

деб ёзган эди. Яъни Гадоий ҳам Хусрав – Ширин – Фарҳод билан боғлиқ қиссалардаги асосий ижобий сиймо Фарҳоддир, агар бу қиссалардан Фарҳод образи чиқариб ташланса, бу

¹ Алишер Навоий. Ҳамса. 165-бет.

² Алишер Навоий. Ҳамса, 165-бет.

³ Гадоий. Девон. Тошкент, 1973, 76-бет.

асарлардан ҳеч нарса қолмайди! – демоқчи. Навоий ўз достонига Фарҳодни бош қаҳрамон қилиб танлаш билан адабиётнинг халқчиллиги масаласини ғоят тўғри ҳал қилди.

«Хамса» муносабати билан Навоий достонларида эстетиканинг қайта-қайта тилга олинган масалаларидан яна бири пафос масаласидир. Навоий бу тушунчани «дард», «ўт» сўзлари билан ифодалайди.

Навоий достонларининг ҳар бирининг пафоси ўзига хос бир адабий ҳодиса. У «Лайли ва Мажнун» достонини ёзишга бошлар экан, дейди:

*Лек ўлғуси дарду сўзи кўпрак,
Ҳангомайи дилфурўзи кўпрак¹.*

Чиндан ҳам бу достонни ўқир эканмиз, бу асар унинг достонларининг ичида энг ҳаяжонлиси (реал инсоний ҳис-туйғу, кечинмалар уммони) эканига ҳар қадамда ишонч ҳосил қиламиз.

Феодал тенгсизлик ва жабр-зулмларга чидай олмаган Лайли тақдирга лаънатлар ўқиб ҳайқиради:

*Соврулғасиз, эй раванда афлок!
Қўзғолғасиз, эй нужуми бебок!*

*Жисмимни қатил қилдингизло!
Жонимни залил қилдингизло!*

*Буғдой киби неча қоврулойин?
Сомон киби неча соврулойин²!*

Навоийнинг ўзи қаҳрамонларининг аянчли қисматига ачиниб, золим замонага мурожаат қилиб дейди:

*Эй золи замона, доду фарёд!
Атфолинга неча зулму бедод?!³*

*Бу хайлниким, ҳалок этарсен,
Ўз бағринг эрурки, чок этарсен⁴.*

Мазкур достонни шу хил хитоблар, қаттиқ ҳаяжонларсиз тасаввур этиш қийин. Шоирда шу хил ҳис-ҳаяжонлар, дард ва изтироблар бўлганки, шу кечинмалар билан боғлиқ асарини ёзишга киришган. Бу – асарнинг пафоси. Навоий эмоционалликни шеърӣ асарнинг асосларидан бири деб билган. Навоий:

*Сомеъ неча бўлса дард парвард,
Афсонада ҳам керак дурур дард⁴, –*

¹ Алишер Навоӣ. Хамса, 358-бет.

² Ўша китоб, 439-бет.

³ Ўша китоб, 376-бет.

⁴ Ўша китоб, 454-бет.

дер экан, демак, маълум бир дард билан ёнган асаргина китобхон учун маъқул бўлиши, севиб ўқилиши мумкин.

Бу айтилганларнинг ҳаммаси «Хамса» дostonлари учун танланган воқеаларни ва қаҳрамонларнинг образларини, бадий тасвирлаш усулларини ҳам яққол белгилаб беради. Юксак ғоявий ниятлар ва пафос билан ёзилган асарда, бинобарин, қаҳрамонларнинг образлари ҳам ёрқин, таъсирли, бадий аниқ чизилган бўлиш керак.

Навоий идеалида яхши инсон дегани, бу, биринчи навбатда, халқ иши учун куйиб-ёнган, ўз шахсий манфаатларидан воз кечган шахсдир. Бундай инсон эл-улус манфаатлари йўлида қийинчиликлар шамолидан чанг-тўзонга айланишдан қўрқмайди («Эл йўлида гард ўлубон дард ила»). Бундай одам халқ йўлида бошига тош ёққанда ҳам тоғдек туриб беради. Анжуманни шам бўлиб ёритишга тайёр, гарчи унинг боши шам бошини узгандек узиб ташланишини билса ҳам:

*Субҳ киби халқ юзига қулуб,
Чарх киби эл бошига эврулуб.*

*Жола киби хора агар ёғдик,
Бошни ниҳон айламайин тоғдек.*

*Урса бошинг тиғ ила мажлисда жамъ,
Жамъ қўзин ёрутиб андоқки шамъ¹.*

Навоий ўз дostonларида улуг салафлари изидан бориб шундай олижаноб, халқ ишига фидойи қаҳрамонларнинг сиймоларини гавдалантиришга интилни. Фарҳод Арман мамлакатадаги канал қазувчиларнинг оғир меҳнатини кўриб, уларга ачиниб, дарҳол уларга ёрдамга шошилади, ўзининг бутун куч-ғайрати ва ҳунарини ишга солади.

«Сабъаи сайёр»даги ҳикоялардан бирида йўлтўсар, муттаҳам Жобирга қарши Меҳрнинг севгилиси – Суҳайл курашар экан, рақибига қараб,

*Сен агар зоҳир эттинг итликни,
Мен санга кўргузай йигитликни²,–*

дейди ва шиддат билан уни кўтариб ерга уради. Унинг қўлларини боғлаб чоғга ташлар экан, Суҳайл яна дейди:

*Ҳар кишим, бировга қозғай чоғ,
Тушгай ул чоғ аро ўзи ногоҳ³.*

Навоийнинг Мажнун, Лайли, Ширин, Искандар, Дилором каби қаҳрамонлари образлари ҳам шу хилда жозибали, ёрқин чизилган. Навоийнинг ижобий, салбий қаҳрамонлар образлари хусусида билдирган фикрлари билан унинг дostonлари қаҳрамонларини қиёслаб ўрганилганда, шоирнинг ижобий қаҳрамон ҳақидаги муддао ва тасаввурлари, умуман бу

¹ Алишер Навоий. Хамса. 102-бет.

² Ўша китоб, 573-бет.

³ Алишер Навоий. Хамса, 573-бет.

масаланинг муҳим чизиғи эканлиги янада ойдинлашади. Унинг қаҳрамонлари ҳаётни севган, адолат учун жонини аямайдиган, зулм ва жаҳолат билан ҳеч келиша олмайдиган, пок севгини, инсонпарварлик ғояларини байроқ қилиб кўтарган кишилардир.

Навоий эстетик қарашларида бадиийлик, анъана ва новаторлик, шеърӣй маҳорат, адабий тил масалаларига ҳам катта ўрин берилган. XV асрда Хуросон ва Мовароуннаҳр адабий ҳаётида дoston ёзишга қизиқувчилар ҳам кўп бўлган. Достоннависларнинг кўпчилиги «Хамса» дostonлари шаклида янги дostonлар яратишга уринган. Уларнинг кўплари «Мажолис ун-нафоис»да тилга олинган. Навоӣй: ... энди дoston ёзиш вақти ўтди, бу соҳада ҳамма гапни Низомӣй, Хусрав Деҳлавӣйлар айтиб қўйган, бизнинг янги бир нарсa ёзишимиз мушкул! – деювчиларнинг фикрига қўшилмаган. Унинг фикрича, шеърӣят денгизи шундайки, унинг поёнига етиб бўлмайди; шу пайтгача «Хамса» ёзган ижодкорлар унинг на поёнига етган, на тубига; унга шўнғиган дostonнавислар ундан саноқли дурларни олганлар, холос; энг яхши дурлар эса ҳали унинг тубида қимирламай турибди:

*Ки бу баҳр ичраким, поён анга йўқ,
Етишмак қаърига имкон анга йўқ, –*

*Етишган эл неча дур олғон эрмиш;
Не олийқадр дурлар қолғон эрмиш¹.*

Бу мулоҳазалари билан Навоӣй бадиӣй ижод имкониятлари, унинг чексизлиги ҳақида янги гап айтган. Бу умумӣй гаплардан у конкрет бадиӣй тасвирга, бадиӣй сўз масаласига кўчади ва сўз билан боғлиқ, сўз воситаси билан амалга оширилиши мумкин бўлган бадиӣй поэтик тасвир имкониятлари тугамас хазина, айтган билан адо бўлмас, совумас тарона, олган билан қуримайдиган денгиз, ёритган билан нури камаймайдиган қуёш эканини завқшавққа тўлиб баён этади:

*Айтиб совумас тарона сен-сен,
Олиб қурумас хизона сен-сен.*

*Олам эли зарра йиғса жовид,
Нуруни кам айлағайму хуришд?!*

*Игна учи бирла жазб этиб нам,
Ким баҳр суйини айлағай кам?²*

Шоир бадиӣй сўз кучи билан ўлган (жонсиз) баданга жон бағишлаши, одамларнинг, жаҳон халқларининг кўнглига ўт ёқиши мумкин:

*Не ўтларки солғай жаҳон ичра ул,
Жаҳон ичра йўқ, инсу жон ичра ул³.*

¹ Алишер Навоӣй. Хамса, 165-бет.

² Алишер Навоӣй. Хамса, 348-бет.

³ Ўша китоб, 633-бет.

Навоий «Лайли ва Мажнун»да бевосита сўзга мурожаат қилиб:

*Эй сўз, не бало ажаб гуҳарсен,
Гавҳар неки, баҳри мавжварсен¹, –*

дер экан, бунда ҳам бадий сўзни кўзда тутди. Чунки оддий сўз кишини тўлқинлантириши қийин.

Навоий бадий-шеърый сўздан юқори саиъаткорлик билан фойдаланганлардан Низомий «Хамса»сини «алфозу ибороти тилсим» деб атайти. Хусрав Деҳлавий «Хамса»сидаги ҳар бир дostonни эса «ҳар бири келди зийнати аср» дейди. Навоий учун бу икки «Хамса» доим маҳорат мактаби бўлди. Лекин ҳақиқий ижодкор, Навоий тушунчасича, ўтмиш шеърят соҳиблари айтган гапларни такрорламаслиги шарт. Фақат шу йўл билангина том маънодаги янги асар юзага келиши мумкин. Бу фикр шоирнинг «Сабъи сайёр» дostonида:

*Бир деганни ики демак хуш эмас;
Сўз чу такрор топти – дилкаш эмас²,*

деб ифодаланса, «Фарҳод ва Ширин» дostonида образли қилиб, маҳорат билан шеърга солинган:

*Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай;
Улусқа майли беандоза бўлғай.*

*Йўқ эрса назм қилғонни халойиқ –
Мукаррар айламак сендин не лойиқ?*

*Хуш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак,
Йўликим, эл югурмуштур югурмак.*

*Бировким, бир чаманда сойир эрди,
Нечаким гул очилғон кўрди терди.*

*Ҳамул ерда эмас гул истамак ҳўб,
Бу бўстон саҳнида гул кўб, чаман кўб³.*

Фақат улуғ санъаткоргина илмий-адабий фикрларни ҳам шеърый шаклда шу даражада гўзал, содда ва равон ифодалаши мумкин! Бу хил ўринларда ҳақиқатан ҳам эстетика ўз даражасида, ўз мавқеида, гўзал ғоя ўзининг мислсиз ҳарир либосида намоён бўлган. Шоир – гулчи, шеърят – чаман. Севган кишисига, халқига янги гулдаста яшаш иштиёқида чаманни кезиб юрган бахтиёр инсонни кўз олдингизга келтиринг!

Навоий «Хамса»сида муҳим ўрин тутган яна бир масала бу – тил муаммосидир. Навоий ўз она тилида «Хамса» яратиш мақсадини олдиға қўйган экан, XV аср шароитида бу катта сиёсий аҳамиятга эға эди.

¹ Ўша китоб, 348-бет.

² Алишер Навоий. Хамса 484-бет.

³ Ўша китоб, 164-бет.

Ҳақиқатан ҳам, бу даврга келиб, хусусан, ўзбек халқи халқ сифатида шаклланиб бўлган, унинг ўзига хос тили, маданияти, адабиёти ҳам ривожланишда эди. Темурийлар давлатининг ўзбек адабий тили тараққиётига эътибори катта эди. Мавлоно Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Гадоий, Саккокий каби ўзбек шоирлари қаторида Навоий ҳам ватанпарварлик бурчига садоқат билан ўзбек адабий тилининг янада юксалиши учун курашар эди.

Навоийнинг «Ҳамса»даги бу масалага оид тафаккур мевалари унинг эстетик бойлигининг гултожи бўлиб, бу шоирнинг фақат ўзбек адабиёти илмига қўшган ҳиссаси бўлмай, жаҳон илми ва адабиётига қўшган дурдоналари ҳамдир.

НАВОИЙ ВА АЛАНҚУВО АФСОНАСИ

Алишер Навоийнинг ижодий тараққиётида, хусусан, «Хамса»нинг юзага келишида қадим туркий адабиётнинг ҳам муайян таъсири бор. Лекин бу масала махсус ўрганилмаган.

Маълумки, туркий халқлар адабиёти тарихидаги Ўрхун-Енисей ёдгорликларини баъзи туркшунослар насрга, баъзилари назмга йўядилар. Уларда бадийлик унсурлари устун, қаҳрамонлик эпоси хусусиятлари кўзга ташланиб туради. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида Алп Эр Тунга номи билан боғлиқ марсия-тўртликларнинг (айрим тадқиқотларида ушбу қаҳрамонлик эпосининг бизгача етиб келган бўлаклари тарзида) талқин этилишида жон бор. Бу илк ёзма ёдгорликларимизнинг аксарияти қаҳрамонларнинг вафотидан кейин яратилган бўлиб, уларда қаҳрамонлик ғоялари мотам, йиғи мотивлари билан боғланиб кетган. Кул Тегиннинг жасоратларини гапириб келиб, укаси унинг ўлими муносабати билан: «Кўрар кўзим кўрмазтак, билир билгим, билмазтак бўлти, ўзим сақинтим»¹, дер экан, бунда катта инсоний дард-ҳасрат борлигини яққол ҳис этамиз.

Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам ўзбек халқ оғзаки ижодига хос айтиб йиғлаш намуналарини кўриш мумкин.

Айтиб йиғлашнинг бир тури кишининг ўз аҳволига ўзи мотам тутиб йиғлашидир. Ўрхун-Енисей обидаларидаги матнларнинг баъзилари ҳам қаҳрамоннинг ўз номидан ёзилган, масалан, Тўнйуққу ёдномаси ўзи томонидан ҳаётлигида битилган. Навоий достонида Фарҳод ҳам Салосил кўрғонида ўзига ўзи мотам тутди. «Хазойин-ул-маоний»нинг «Ғаро йиб ус-сиғар» девонидаги ғазалларидан бирининг:

*Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми ғам тутай,
Ўз қатик ҳолимға ўлмастин бурун мотам тутай², –*

деган матлаъ билан бошлангани бежиз эмас. Демак, киши ўз аҳволига ачиниб, ўзига ўзи мотам тутиши ҳам мумкин. «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳод ўлими олдида кўкалдоши Баҳромдан Арманистонга келиб, ўзи учун душманларидан қасос олишни сўрайди. Бу ўринда Фарҳоднинг ўз мотами («менинг сўғум») ҳақида гапириши, яратган боғларини, Юнон сафари вақтидаги қаҳрамонликларини, ойнаи жаҳоннамони қўлга киритишини, тоғдан наҳр ўтказиш учун баҳодирона тош ушатишларини эслашлари, ўлими олдидан устози Қоранни ёдлаши, унга салом йўллаши дoston мазмунининг ихчам баёни, руҳан мотам кўшиғидир. Бундай ўринларда биз қадим эпик дostonларнинг изларини пайқаймиз.

Қадим туркий адабиёт ҳақида гап борар экан, Навоийнинг қадим туркий асотири ва ривоятларга муносабати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан туркий халқлар, мўғуллар орасида қадимдан машҳур бўлган Аланқуво номи билан боғлиқ афсонани эслаш жоиздир. «Сабъаи сайёр» достонида Навоий Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳига тўхталар экан, қуйидаги байт келади:

*Анга Чингиз улуг ато келган;
Аноси худ Аланқуво келган³.*

¹ С. Е. Малое. Памятники древнетюркской письменности. М. – Л., 1951. 33-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 3-том, 472-бет.

³ Алишер Навоий. Хамса. 479-бет.

Бу байтда тарихий ҳақиқат йўқ эмас. Маълумки, темурийлар ўзларини мўғул хонларига яқин тутганлар. Сулоланинг асосчиси Амир Темур Қозонхоннинг қизи Сарой Мулкхоним – Бибихонимга уйланган эди.

Навоийнинг ўзига замондош темурий подшоҳ – Султон Ҳусайн Бойқаро ҳақида «Аноси худ Аланқуво келган» деган гапининг маъноси ғоят теран. Бу, айниқса, адабий нуқтаи назардан қизиқарли. Гап шундаки, Навоий машҳур Аланқуво¹ афсонасига ишора қилади. Бу афсона ҳақида Рашидиддин, Мирхонд каби улуғ муаррихларнинг асарларида қимматли маълумотлар бор. «Равзат ус-сафо»нинг Муҳаммад Юсуф Рожий таржимасида «Аланқуво хотун зикри ва ондин таваллуд топғон ўғулларнинг таърифи» деган қисм бор. Унда қуйидагиларни ўқиймиз: «Аланқуво» Юлдузхоннинг набираси эди. Ва ул андоқ Бонуйи ифбатпаноҳ ва исматдастгоҳ эрди. Хусн ва жамол авжида офтоби ва жаҳонтоб юзи нуридин хижил ва сарви равон қомати рафторидан мунфаил эрди...

Они (яъни Аланқувони) бир умзодасига (яъни амакиваччасига) иқд этдилар. Эрса ондин икки ўғил бўлди. Бирининг оти Елкади. Ва бирининг исми Якжади эрди. Ва ул абушқаси (яъни эри) вафот топди. Андин сўнг Аланқуво халойиқ ҳукуматига қиём ва фарзандлари тарбиятига эҳтимом кўргузурга машғул бўлди. Ва бу ҳол иншосида ул бонуйи аъзам бир оқшом истироҳат бистарида ётиб эрдиким, ногоҳ уйи равзанасидин бир нур кириб, қоронғу уйи равшан бўлди. Ва ул нур духулидин ҳомила бўлиб, вазъи ҳамлин кўргузди. Атиббо ва ақрабо ва фарзанд ва умароси анга сарзаниш қонунин тузиб, ташнеъ оҳангин соз этдилар. Ва Аланқуво мамлакат улуғларин жамъ этиб дедиким: – «Олам ул-ғайб ваш – шуҳадо манинг ҳолимдин огоҳ, ифбат ва исматимға гувоҳдур. Ман начук андоқ ношойиста ишга иқдом қўйғайменким, дунёда мавожиби хижолат ва инфиол ва охиратда боиси уқубат ва накол бўлғай!» Ва сурати ҳолни аларға тақрир этиб дедиким: – «Агар бу сўзларда сизларга шак ва шубҳа бўлур эрса, бир неча манинг хиргоҳим атрофин айланиб, тафаҳхус қилингим, шояд қисқа қисса кайфияти сизларга доғи равшан бўлғай». Ва чун улуғлардин неча киши ул маъниға мутарассид бўлуб, кўрдиларким, бир нур келиб уйнинг тушугидан кириб, яна чиқиб кетди. Ондин сўнг Аланқувонинг кайфияти аҳволи маълум бўлиб, сидқи мақоли равшан ва ҳувайдо бўлди ва ҳеч кишига анинг пок домонлиғида шак ва тараддуд эҳтимоли қолмади. Ва дерларким, ул бонуни ифбатпаноҳ вазъи ҳамл чоғида уч ўғил тўғди. Бир ўғлиға Барқун от қўйдиким, тамоми қабқин қабиласи ондин муншаиб бўлди. Ва бирига Йўсиқин Солчи исм айтди. Тамоми солжут қавми онинг наслидиндур. Яна бирни Бўзбаҳри Мунқоқ отодиким, мўғул хонлари ҳама онинг наслидиндур. Ва бу уч ўғил авлодиға мўғул халқи «нирун» дерлар ва умзодасидин бўлғон икки ўғулнинг зурётиға «дарлекан» атарлар ва иккала баҳр табақани аввалғидин ортуқ тутарлар. Ва Бўзбаҳрнинг зуҳури Абомуслим Марвозийнинг хуружи айёмида эрди».

Аланқуво афсонасига киришишдан олдин Мирхонд аёлларнинг илоҳий қудрат, илоҳий кучлар аралашганда эрлар иштирокисиз ҳам фарзанд кўриши мумкин деган ғояни изоҳлаб, Исо пайғамбарнинг отасиз туғилганини, Одам Атонинг эса отаси ҳам, онаси ҳам бўлмаганини эслатиб ўтади. Шу билан бирга, у Шарқдаги иссиқ мамлакатларнинг бирида фақат хо-

¹ * Аланқуво ҳақида биринчи маълумот мўғул тарихининг 1240 йилларига оид «Мўғулларнинг сирли афсонаси» / «Сокровенное сказание Монголов», III. I. Издательство АН СССР, М.-Л., 1941/да учрайди. Бизда бу тўғрида илк бор Б. Б. Бамбаеванинг «Бурятские сведения» журналининг 1929 йил 1–2 сонларида босилган «Бурят-мўғул халқларининг келиб чиқиши масаласига доир» деган мақоласида илмий фикр юритилган. (Бу ҳақда менга маълумот берган бурят олимаси Н. О. Шаракшиновага миннатдорчилик билдираман.–А. Ҳ.)

тинлар яшабини, улар ўша ердаги бир сувда чўмилсалар, иккиқат ҳолатга кириб, эр киши билан муносабатда бўлмаганликлари учун нуқул қиз туғишларини нақл этади. Бу ўринда Мирхонд ўзининг Аланқуво афсонаси билан боғлиқ қарашларига бир бутун концепция кўринишини берган.

Навоийнинг «Сабъаи сайёр»даги Аланқуво афсонасига ишораси шуни тасдиқлайдики, улуғ шоир Олтой ҳудудидаги қисса ва ривоятларни ҳам яхши билган, уларга ҳурмат билан қараган. «Равзат ус-сафо»нинг асл форсча нусхасида «Аланқуво» ўрнида «Қуво» дейилган жойи ҳам бор («Он Қуво»). «Қуво» хитой ва мўғул тилларида «гул» деган маънони билдиради. Ёқутларнинг «Олонхў» номли машҳур ва қадимги қаҳрамонлик эпосида «қуво» аффикси қўшилган ҳолда ясалган бир неча аёл персонажларининг исмига дуч келамиз. Сирради-манқуво, Юлбурденқуво, Айталинқуво ва ҳоказо.

«Олонхў» достонининг тадқиқотчиси И. В. Пухов бу асардаги асосий қаҳрамонларнинг кўп ўринда илоҳий пайдо бўлиши ҳақида ёзиб, буни шундай изоҳлайди: «Қаҳрамон ва у мансуб бўлган қабиланинг илоҳий келиб чиқиши уларнинг башар наслини бошлаб берувчиликдек алоҳида вазифаси билан боғлиқ. «Олонхў»да келиб чиқиши илоҳий бўлган одамгина ҳақиқий одам саналади. У тақдир томонидан хос, «юксак» аъмоллар учун яратилган».

Аланқуво афсонаси ҳақида бизга қимматли маълумот берган «Равзат ус-сафо»ни Мирхонд, маълумки, Навоий раҳбарлигида Ҳиротда, шоирнинг кутубхонасидан фойдаланиб яратган. Афсонадаги бош қаҳрамоннинг илоҳий қудрат билан ҳомиладор бўлиши «Олонхў»даги қаҳрамонлар ҳаётини эслатади. Олонхў билан Аланқуво афсонаси ўртасида бошқа ўхшаш аломатлаър ҳам кўп. Бундай далиллар Навоийнинг Олтой, Мўғулистон ҳудудидаги қадим туркий эпослар анъаналарига суянганини, улардан асарларига, хусусан «Хамса» достонларига бадиий ранг ва маънолар олганини кўрсатади.

НАВОИЙ ДОСТОНЛАРИДА ШАРТЛИ ТАСВИР

Жаҳон адабиёти тараққиётида реализмнинг ўрни, ҳеч шубҳасиз, катта. Шу билан бирга, бутун дунё адабиётини, унинг ҳамма даврларини реализмга боғлаб қўйиш хато. Бадиий адабиётда ҳаққоний, реалистик тасвир қанчалик катта роль ўйнаган бўлса, мажозий, шартли тасвир ҳам ундан кам роль ўйнамаган. Реалистик асарларда ҳаёт, илғор ғоялар қанчалар чуқур ифодаланган бўлса, мифик, мажозий ва романтик шеърӣй ва насрий, ҳатто драматик асарларда ҳам юксак ахлоқӣй ва фалсафӣй фикрлар мислсиз даражада ёрқин ва кенг талқин этилгани маълум. Шу нуқтаи назардан, айрим адабиётшуносларнинг Алишер Навоӣй асарларини, хусусан, унинг достонларини реалистик йўналишдагина таҳлил этишга ундашлари тўғри эмас. Бунга «Ҳамса» достонларида шартли бадиий тасвирнинг нақадар кенг ўрин тутиши яққол мисолдир.

Навоӣйнинг бу достонларида бадиий тасвир, тил, услуб асос эътибори билан реал ҳаётдагидан маълум даражада бошқача, ундан фарқ қилувчи алоҳида олам бўлиб, уни тўғри тушуниш учун бу оламнинг ўзига хос қоида ва нормаларини билиш, уларни тан олиш керак. Масалан, Искандар (Александр Македонский) ҳақиқатда Хитойни олган эмас. Навоӣй эса уни Хитойни ҳам ўзига қаратган қилиб, ҳатто бутун дунёни, қуруқлик ва сувни эгаллаган қилиб тасвирлайди. Биз эса Навоӣйнинг бадиий методи хусусиятларини яхши тушунсак, унга тарихий ҳаққонийликдан чекинганини таъна қилишимиз керак эмас. Бунда асосий гап қандай тасвирлашда эмас, қайси мақсадда тасвирлашда. Шунинг учун Фарҳод бир ўзи ҳеч қачон бир кишининг қўлидан келиши мумкин бўлмаган ишларни қиладики, уларни ҳаёлан тасаввур қилишгина мумкин. Худди шунингдек, Мажнуннинг хатти-ҳаракатлари ва саҳродаги ҳаёти ҳам. Бунда гап фақат муболағида эмас, балки тасвирлаш усулидадир.

Фарҳод тутқунликда ётиб Ширинни эслар экан, ўзини тоғу тошларга уриб, фарёд қилиб, янги кўтарилаётган ойга мурожаат қилади ва дейди:

*Деди: – «Эй тийра томим, равшан эткан!
Ўлар ҳолатда фарёдимиға еткан!*

*Не бўлғай раҳм этиб, жонимни олсанг,
Ул ойнинг қўйи туфроғига солсанг.*

*Булурдектур адам сори хиромим,
Анга еткурсанг охир дам саломим¹.*

Лекин Фарҳод бу билан чекланмайди. У кўкда кўринган ҳамма сайёралар (Зухра, Муштарӣй, Зуҳал) га, тўғрироғи, осмоннинг ҳамма буржиги эринмасдан бир-бир шу мазмунда хитоб қилиб чиқади. Осмон жисмларини бу хилда батафсил тилга олиш шундай бир руҳӣй ҳолатда бир оз ортиқчага, сунъийга ўхшаб кўринади. Бундай кўтаринки саҳнани тасвирлашдан шоирнинг мақсади нима? Бундай саҳна Низомӣйнинг «Лайли ва Мажнун» достонида ҳам мавжуд бўлиб, ҳижрон аламини чекаётган Мажнун Муштарӣй (Юпитер) ва Зухра

¹ Алишер Навоӣй. Ҳамса, 286-бет.

(Венера) га махсус бобларда мурожаат қилади. Низомий достонидаги шу саҳна муносабати билан Е. Э. Бертельс ёзади:

«Бизга маълум араб ривоятларида Мажнуннинг юлдузлар билан гаплашиш саҳнаси йўқ. XII аср адабий шароитида бу деталнинг киритилиши эса ғоят тушунарлидир. Низомийда астрономик ва астрологик мавзу умуман катта ўринни эгаллайди»¹. Навоий бу саҳнани «Лайли ва Мажнун»да эмас, «Фарҳод ва Ширин»да Фарҳод билан боғлаб тасвирлади ва уни анча кенгайтирди. Навоий яшаган даврда ҳам Улуғбек каби астрономни етиштирган Ўрта Осиёда астрономик мавзунинг аҳамияти катта эди. Навоий биринчи бор бу мавзунини «Ҳилолия» қасидасида, сўнг шу «Фарҳод ва Ширин» достонида, кейинроқ «Сабъаи Сайёр» достонида анча чуқур ёритди. Навоий ҳам «Фарҳод ва Ширин» нинг бу ерида аввало ўқувчига астрономия ҳақида тушунча бермоқчи. Иккинчидан, ўз қаҳрамонининг астрономиядан мукамал хабари бор киши, ғоят етук, комил инсон қилиб кўрсатмоқчи. Унингча, Фарҳодни бундай тасвирлаш идеал қаҳрамон образини анча тўлдиради.

Тўғри, Навоий даврида ҳам астрономиянинг, хусусан юлдузшуносликнинг, Беруний айтгандек, аҳамияти оддий кишилар учун ҳам катта эди. Беруний бир асарида ёзади: «Кимларгаки осмон том вазифасини ўтаб, осмондан бошқа устини беркитадиган ҳеч нарсаси бўлмаса, уларнинг тепасида юлдузлар доим бир тартибда чиқиб ҳамда ботиб турган бўлса, ундай кишилар ўз ишларининг бошланишини ва вақт ҳақидаги маълумотини шу юлдузлар билан боғлайдилар»².

X асрда Бухорода Исмоил Сомонийнинг мақбараси устига юлдузларни эслатувчи шакллар ясалгани каби XV асрда Самарқандда Улуғбек томонидан безатилган Бибиҳонимнинг мадрасаси деворларига юлдузлар нақшининг ишлангани ҳам бежиз эмас. Лекин шунга қарамай, Фарҳоднинг ўз ишқий ҳис-туйғуларини баён қилиб, ойга, юлдузларга, сайёраларга бир-бир мурожаат этиши ҳозирги ўқувчига бир оз сунъий ва зўр-зўраки туюлади. Бу саҳна анча кенгайиб кетган бўлиб, уни биз романтик йўналишда текширганимиздагина шоирнинг мақсадини тўғри тушунишимиз мумкин. Шоир ўз қаҳрамонининг ички изтиробларини кенг, бир олам қилиб ёрқин кўрсатиш учун шундай шартли тасвир йўлини танлаган.

Мажнуннинг Лайли билан биринчи учрашувидан кейинги аҳволи ҳам шартли услубда тасвирланган. Булбул унинг бошида нағма чалиб, унинг аҳволига йиғлар, гул унга қараб ёқасини йиртар, наргис ачиниб, тинмай кўз ёши тўкар, бинафша унга етган захмдан кўкариб, устига қора либос кийган эмиш:

*Булбул боши узра нағма пардоз,
Аҳволига навҳа айлаб оғоз.*

*Гул ҳолиға чун назора айлаб,
Гулгун ёқасини пора айлаб.*

*Наргис шабнамдин ашк этиб фош
Аҳволига юммайин тўкуб ёш...*

*Заҳми кўкидин бинафшада ғам,
Сўғига кийиб либоси мотам.*

¹ Е. Э. Бертельс, Избранные труды. Низами и Фузули, 268-бет.

² Абу Райхон Беруний. Избранные произведения, т. 1, изд-во АН Ўзбекистана, Ташкент, 1957, 259-бет.

*Топиб чу вуқуф бу азоға,
Ашжор алам, чекиб ҳавоға.*

*Сунбул қилибон қаро узорин,
Очиб қора зулфи мушкборин.*

*Сўзига оқар су зор йиғлаб,
Ун тортибу сўзвор йиғлаб...*

*Сабза қилиб ўзни сарбасар тил,
Айтиб ғамидин фасона ҳар тил¹...*

Мажнуннинг аҳволига ҳатто дарахтлар аза тутиб, сунбуллар юзига қора суртар, сувлар мотамвор йиғлаб оқар, сабзалар эса ўзини тилга айлантириб, унинг ҳикоясини айтиб бермоқчи бўлармиш. Қаҳрамоннинг ички туйғуларини табиат манзараларига бу хилда шартли боғлаб, муболаға йўли билан тасвирлашни шартли санъатдагина кўпроқ учратиш мумкин.

Мана, яна бир мисол. Лайлини Ибн Саломга узатиш кечаси Мажнуннинг ҳам Навфал қизига уйлантириш тўйи бўлади. Мажнун Навфалнинг қизи билан қўшилмасдан гўшангадан саҳро томон қочган шу кечаси, худди олдиндан гаплашиб қўйгандек, Лайли ҳам Ибн Саломни ташлаб саҳрога чиқиб кетади ва икки севишганлар бир-бири билан учрашадилар. Аввало шунинг ўзида қанча шартлилик ва хаёлийлик бор! Бор ҳаётда воқеаларнинг шундай юз бериши жуда қийин. Қолаверса, бу учрашувни, бу учрашув кечасини шоир қандай тасвирлайди? Бутун борлиқ, табиат, жонли ва жонсиз мавжудот бу икки севишган қалб учрашувига хайрихоҳ! Кишиларнинг бошига доим бахтсизлик ёғдирувчи осмон ҳам, одамларга яхшилиқни раво кўрмайдиган замона ҳам шу дақиқаларда ёмонликдан кўз юмиб, уларга ёрлик қилибдики, ақл бу ишга бовар қилмайди:

*Бир лаҳза сипеҳр ўлуб мулойим,
Фитна кўзин этти кеча нойим.*

*Афлок вафоға бўлди боис,
Афлок уйидин чиқиб ҳаводис.*

*Амн ила замонаи мушаъбад
Атрофиға даҳрнинг чекиб сад,*

*Ёр эрди сипеҳру давр ёвар.
Ақл айламайин бу ишни бовар².*

На бир осмон, на бир замон, ҳатто ер юзидаги ҳашаротлар ҳам, ёввойи ҳайвонлар ҳам, қушлар ҳам, ариқдаги сувлар ҳам, эсган шабадалар ҳам – ҳамма-ҳаммаси бу икки танга васлни хоҳлаб, уларга ҳалақит бермаслик мақсадида сокинликка юз ўгирибдилар. Кўкдаги

¹ АлишерНавоий. Ҳамса. 370-бет.

² Алишер Навоий. Ҳамса. 429-бет.

ой ва сайёралар, ҳатто ер остига ботиб кетган қуёш ҳам уларнинг бу дамдаги бахтининг, тинчлигининг тарафдори, ҳимоячиси:

*Зухра не ўқув, не солибон чанг,
Парда аро кирмак айлаб оҳанг;*

*Кун шамъики ер тубига бориб,
Хилват кеча шамъни чиқориб;*

*Баҳром чекиб синон, солиб шўр,
Ким боқса ёмон кўз айлағай кўр;*

*Биржис қўл очибон дуоға,
Фурсат тилаб икки дилрабоға¹...*

Бу ва бу каби тасвирлар шоирнинг юксак ҳаёлидан туғилган, шеърий жиҳатдан нақадар гўзал, лекин шартли тасвирлардир. Бунда Г. Гейне томонидан Фуке исмли немис романтик шоирининг «Ундина» деган достонига берилган қуйидаги баҳо эсга тушади. «Нақадар ажойиб достон бу «Ундина!» Достоннинг ўзи бамисоли бир бўса: шеърият доҳийси ухлаб ётган баҳорни ўпиб олган ва баҳор, табассум қилиб, кўзини очган ва барча атиргуллар бирдан бўй соча бошлаган, барча булбуллар сайраб кетган-да, бизнинг меҳрибон Фуке атиргулларнинг бўйи билан булбулларнинг наволарини сўз билан ифодалаган ва буларнинг ҳаммасини «Ундина» деб аталган»². Навоий ҳам бунда саҳро тинчлигини-да, тун қоронғилиги ва сокинлигини-да, қушларнинг уйқусини-да, ҳайвонларнинг оромини-да ҳаммасини поэтик сўз санъати орқали ғоят жонли ва гўзал ифодалай олган.

«Сабъаи-сайёр»да етти рангдаги қаср, етти кун, етти гўзал, етти сайёҳ, етти ҳикоя тасвирида, уларнинг ҳаммасининг етти рақами билан бир-бирига мослаштириб боғлашда қандай шартлилик ва юксак ҳаёлот бўлса, «Лайли ва Мажнун» достонига бу кўриб ўтганимиз каби тасвирларда ҳам бу каби хусусиятлар кучли бўлиб, тасвир услубининг асосий табиатини белгилайдики, буни бадий тасвирдаги романтик услуб дейишдан бошқа яна нима деб ҳам аташ мумкин! Ахир, услуб бадий методнинг конкрет кўриниши-ку!

Бу достонларнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, уларда қаҳрамонларнинг кайфиятлари ва хатти-ҳаракатлари фақат табиат юзасида шартли услубда тасвирланмасдан, тарихий-ижтимоий жараёнда ҳам шундай тасвирланади. Лайли ва Мажнун воқеаларининг Арабистонда деб тасвирланиши қандай шартли бўлса, Фарҳоднинг Арманистонда канал қазиши ҳам шундай шартли. Бу воқеаларни бемалол XV аср Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳаётига ҳам кўчириш мумкин. Баҳром, Искандар, Хусрав воқеалари ҳам асл тарихга кўп вақт шартли равишдагина ёпишади. Искандарни Навоий нақадар шартли тарихий муҳитда тасвирлаганини лоақал шундай бир мисолдан ҳам кўриш мумкин: унинг сафарларида доим унга қадим грек файласуф ва донишмандларидан Филотун (Платон), Арасту (Аристотель), Аршимидус (Архимед), Килимун (Ксенофонт), Волис (Фалес), Суқрот (Сократ), Фарфурнус кабилар ҳамроҳлик қилиб, унга қимматли маслаҳатлар бериб борадилар, унинг барча ишларига ёрдам берадилар:

¹ Ўша китоб, 430-бет.

² Г. Гейне. Собрание сочинений, том 6, 252-бет.

*Филотун, Арасту, Балинос ҳам,
Яна Аршимудус, Шаминос ҳам,*

*Килинмуну Волису Фарфурнус,
Ки Суқроту Ҳурмус каби хокбус¹...*

Тарихдан маълумки, бу файласуф ва олимларнинг кўпи Александр Македонскийдан анча олдин, ҳатто баъзилари кейин яшаган.

Навоий адабий методининг шартлилик аломатлаърини, унинг асарларининг бадиий тили ва услубини текширганда ҳам яққол кўриш мумкин. «Хамса» дostonларидаги бобларга қўйилган насрий номларга диққат қилинг. «Фарҳод ва Ширин» дostonи ҳозир ёзилса, Фарҳоднинг туғилиши ҳақидаги бобга «Фарҳоднинг туғилиши» ёки «Чин ҳоқонининг фарзанд кўриши»га ўхшаш бир ном қўйилган бўлар эди. Навоий эса бу бобни, мана, қандай номлаган: «Бу дебoйи чиний юзин хитойи соз нақшлар билан мунаққаш қилмоқ ва ул хитойи нақшларни монувий тироз гуллар била дилкаш бе­замоқ ва бу гулистон саҳнида ҳоқони Чин маснади эҳтишомин ёймоқ ва анинг эҳтишoми ҳадиқаси насаб гули ва фарзанд мевасидин ўзга жами азҳор ва фавокиҳ била муайян эрконин айтмоқ ва дард боғи ғунчаси ва бало чамани шукуфаси, яъни шаҳзода Фарҳоднинг адам шабистонидин вужуд гулшанига келгонин қалам булбули тилидин сайрамоқ». Ёки Мажнуннинг ҳижрондаги аҳволини тасвирлашга бағишланган бир бобнинг сарлавҳасига диққат қилинг: «Мажнуннинг фироқ чоҳида танур ичидаги ўтдек тоби ва ҳажр бандида тузоққа тушган қушдек изти­роби ва ҳаким фусунидин жунунининг туғёни ва табиб парҳезидин иситмасининг ғалаёни ва ўз заҳр комлиғига тўккан талх-талх шўробаси комида аччиқ-аччиқ хунобаси ва кўнгли ўтидин темур банди сув бўлғони ва сувдек саҳро азми қилиб, ашки суйидин водилар тўлғони». Бундай баландпарвоз, жимжимадор сарлавҳа қўйиш у вақтларда анъана бўлиб, Навоий беш дostonидаги деярли ҳамма боблар (тахминан 282 боб) га шу хилда сарлавҳа қўйган. Умуман, Навоий насрининг тили ана шу хилда мураккаб, арабий ва форсий иборалар, тезда англаб олиш қийин бўлган образларга сероб бўлиб, унинг шеърий асарлари тили соддалик ва тушунарлилик жиҳатидан насрига нисбатан ажралиб туради.

Навоийнинг поэтик асарлари тилида ҳам умуман мураккаб ҳолатлар, шартли иборалар, дабдабали тасвир ва образлар анча учрайди. Нима учун бундай? Ёки ўша вақтда кенг халқ оммаси ана шундай ҳозирги одамлар тез англаши қийин тилда гаплашганмилар? Шубҳасиз, ҳозирги тил билан Навоий замонидаги тил ўртасида умуман катта тафовут бор. Лекин бу, у замонда одамлар Навоий асарларидагидек қийин тилда гаплашган деган гап эмас. Гап шундаки, Навоий асарларининг тил хусусиятлари жонли тилнинг қоида ва нормалари билангина белгиланмаган. Бунинг асосий сабаби, бизнингча, шундаки, ўша даврдаги адабий тил жонли тилдан бир қадар фарқ қилиши, китобий бўлиши керак эди. Бу билан муаллифлар ўзларининг адабий анъанага садоқатларини намоёиш қилганлар. Бунинг яна бир сабаби бу даврдаги бадиий асарларнинг шартлилик қоидалари асосида яратилганлиги, улардаги қаҳрамонларнинг асар яратилган даврдаги реал ҳаётдан маълум даражада узилганлигида эди.

Мана шоир Шириннинг отга миниб канал қазийётган Фарҳоднинг олдига, уни, унинг ишини кўргани келишини қандай тасвирлайди:

¹ АлишерНавоий. Хамса, 714-бет.

*Юрурда раҳши айлаб тоғни паст,
Ўзи от узра жоми ҳуснидин маст.*

*Фалак раҳшида меҳри ҳоваридек,
Не раҳши меҳр, дев узра паридек.*

*Қаёнким тавсанин айлаб равона,
Йироқтин алҳазар айлаб замона¹ ...*

Шоир Ширин минган отни от деб қўя қолмайди, балки «Шаҳнома»даги Рустамнинг афсонавий оти номи билан атайди; бу от шундай улуғ салобатга эгаки, у юрганда унинг олдида тоғлар паст кўринади; уни миниб бораётган гўзал Ширин эса ўзининг ҳуснидан ўзи маст бўлиб, ўз-ўзидан мағрур. У Рустами Достоннинг отига ўхшаш оддий раҳшда эмас, балки осмоннинг остида шарқдан чиқаётган қуёшдек бормоқда. Уни ва унинг отини раҳшга ва қуёшга ўхшатиш ҳам унча тўғри эмас, дев устида пари бормоқда деган яхшироқ бўлади. У (Ширин) отини қаёққа йўллагасин, унинг оти ва ҳуснини кўрган замона қойил қолиб «Алҳазар!» деб товуш беради... Шу уч байт шеърнинг ўзидаги тасвирда қанча шартлилик, баландпарвозлик мавжуд! Бунини, албатта, ҳаётини ҳақиқатга мос табиий тасвир деб бўлмайди. Шу вақтда терлаб-пишиб метин билан қаҳрамонона тош кавлаётган Фарҳод ҳақида эса шоир қуйидаги каби байтларни ёзади:

*Қилиб хороға барнойи ситеза,
Уруб зарб, айлар эрди реза-реза.*

*Не барно, зод сарви бўстони,
Қўрубдур ондин осибди замони².*

Бу барно йигит тошларга ҳужум этиб, ҳар метин урганда уларни парча-парча қилиб ташлайди. Уни барно деб аташ ҳам унча тўғри эмас, бўстондаги озод сарв деб аташ керак. Унинг сарвдек гўзал қадди-қоматини кўрган замон рашк билан тинчсизланади... Шундан бир байт кейин эса қуйидаги байтни ўқиймиз:

*Муқаввас қошида чин, оғзида банд,
Қадин ғам тоғи айлаб қавс монанд³...*

Энди шоир Фарҳоднинг чимирилган қошини, юмилган оғзини гапириб туриб, унинг қаддини (ишқнинг) ғам тоғи худди қавс сингари эгиб қўйгани ҳақида ҳам сўзлайди. Чунки ишқнинг қадди ҳақида гап борганда, уни албатта ғам юки остида эгилган, ҳам қилиб тасвирлаш анъана эди. Агар шоир бунини айтмаса, ўша давр китобхонлари, адабиёт аҳллари «шоир ҳаммага маълум бўлган муҳим бир нарсани айтишни унутибди!» деб ҳисоблар эдилар... Фарҳоднинг пешаносидан эса муҳаббатнинг дарди, юзида мусофирликнинг гарди аён кўриниб туради:

¹ Алишер Навоий. Ҳамса. 242-бет.

² Алишер Навоий. Ҳамса, 242-бет.

³ Ўша китоб, 242-бет.

*Жабинида муҳаббат дарди зоҳир;
Узори узра ғурбат гарди зоҳир¹...*

Умуман муболаға Навоий тасвирий услубидаги энг етакчи воситадир. Унинг ҳеч бир тасвирина муболағасиз тасаввур этиш қийин.

Фарҳод денгизда кетар экан, бирдан тўфон бошланиб, сувларнинг чайқала бошлаганини у шундай тасвирлайди:

*Тенгиз ул нав чайқалдики, афлок,
Кўринди сув уза андоқки кўлок.*

*Келиб бир-бир сўнгича юз туман мавж,
Паёнай еткуруб кўк авжига авж.*

*Қаю бир пуштаким ҳар пуштаси тоғ,
Не тоғким суйидин кўк атласи доғ².*

Денгиз шу қадар кучли чайқалиб, унинг тўлқинлари нақ осмонгача кўтарилган ва ҳар бир тўлқиннинг пуштаси тоғ каби баҳайбат шаклларга кирган шароитда Фарҳод кетаётган кеманинг фалокатга учраши, албатта, табиий.

Навоий «Садди Искандарий»да филнинг танини:

*Келиб тоғдек ҳар бирининг тани,
Чу зўр айлабон тоғ йиқмоқ фани³*

деб, унинг икки тишининг узунлигини эса:

*Чиқиб хартум атрофидин икки тиш,
Алардин фалак хайлиға сарзаниш⁴ –*

деб тасвирлайдики, булар реалистик муболаға эмас, балки романтик муболағалардир.

Классик адабиётимизга, шу қатори Навоий ижодига ҳам хос муҳим белгилардан яна бири ундаги анъанавийликдир. Умуман, «Хамса»дек буюк бадиий ёдгорликнинг ўзини ҳам Навоий ўзигача мавжуд адабий анъаналар асосида яратди, унда ўзигача мавжуд яхши анъаналарни ривожлантирди. Буни Навоийнинг ўзи ҳам инкор этмайди. Навоийнинг новаторлиги бадиий ижод соҳасида кўп вақт анъана доирасида, унга яқиндан боғланган ҳолда содир бўлади. Бу масала юзасидан Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонига яна бир мурожаат қилиб кўрайлик. Бу достоннинг асосий ғояси ҳам, бош қаҳрамонлари ҳам, сюжети ҳам Низомийда қандай бўлса, Хусрав Деҳлавий, Жомий, Навоий, Фузулий ва бошқаларда ҳам қарийб шундайдир. Шунга қарамай, бу муаллифларнинг ҳаммаси ноёб асар ёзган. Чунки кишини ҳаяжонга солувчи бу қиссани ҳар қайси санъаткор ўз яшаган тарихий шароити-

¹ Ўша китоб, 242-бет

² Алишер Навоий. Хамса. 229-бет.

³ Ўша китоб, 735-бет.

⁴ Ўша китоб, 736-бет.

дан келиб чиқиб, ўз шахсий услуби ва шоирлик ҳис-ҳаяжони билан куйлаган. Уларнинг ҳеч қайси бирини улар яратган асарнинг мавзу, сюжет ва персонажлар масаласида Низомий асарига ўхшаб қолганлиги хижолатга солмаган, аксинча, Низомийдек буюк ижодкор қалам урган мавзуга қўл уришга ботинганлиги билан фахрланганлар. Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонидаги Ширин, Фарҳод, Хусрав, Шопур образлари айрим ўзгаришлар билан Навоий достонида ҳам бор. «Сабъаи сайёр» да эса Низомий Баҳромига хос қатор хусусиятлар Навоий Баҳромида такрорланган. Бу икки асардаги Баҳром ҳам мард, маишатни севувчи, мерган овчи ва ҳоказо. Бундай ўхшашликларни биз асар қурилиши, айниқса тил ва услуб масалаларида яққол кўрамиз. Уларнинг ҳаммасининг тили ва услубига романтик кўтаринкилик, ўхшатиш ва сифатлашларнинг ҳар томонлама гўзал бўлишига, муболағага берилиш, воқеа ва нарсаларни майда-чуйда томонигача, деталма-детал тасвирлашдан қочиш, кўпроқ уларнинг асосий хусусиятларига тўхташ ва ҳоказолар хосдир.

Навоий ижодинигина эмас, бугунги жаҳон адабиёти ва санъатини ҳам шартли ва романтик бадий тасвирларсиз тасаввур этиш қийин. Кинода мультфильм жанрини, шеърятда масал жанрини олинг. Бу хил асарларни шартлиликсиз тасаввур этиш, тушуниш мумкинми? Бадий адабиётда реалистик тасвир имкони қанча кенг бўлса, шартли бадий тасвир имкони ҳам уникидан кам эмас. Бадий адабиёт тажрибаси шуни кўрсатадики, айрим ғоя ва мақсадларни бадийликнинг шартли шаклларида яхшироқ ифодалаш мумкин. Бунда Низомий, Навоий каби санъаткорларнинг тажрибаларига суяниш маъқул ва мақбул. Реализм ва шартлилик бир-бирига ёт эмас, балки улар бир-бирини тўлдириб келганлар. Бундан буён ҳам доим шундай бўлиши табиий. Чунки бу бадий адабиётнинг ўзига хос ички қонуниятларидан бири. Бинобарин, бу тасвир турларининг бадий ижоддаги ҳуқуқлари ҳам тенг, – деб қаралиши керак.

ИСТИҒНО ВОДИЙСИ – ОРЗУ ВОДИЙСИ

Утопик жамият ҳақидаги ғоялар Шарқ адабиётида биринчи марта улуғ озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавийнинг «Искандарнома» достонида кенг шарҳланган. Низомий тасвирлашича, одил шоҳ, донишманд олим, моҳир лашкарбоши Искандар бутун дунёни забт этиб бўлгач, саёҳатга чиқиб Шимол ерларига қадам қўяди. У Шимолда шундай бир мамлакатга дуч келадики, унда ҳамма ёқ чаман, боғ-роғларнинг ҳисоби йўқ, мева-чева, ноз-неъмат ақлга сиғмайдиган даражада бисёр, моллар ҳам кўп, уларга ҳеч ким тегмас, ўз ҳолича ўтлаб юрган эмиш. Искандар бу аҳволдан ғоят таажжубланади. Шу вақт унинг кўзига бир шаҳар кўринади. Искандар бу мамлакат билан яхшироқ танишиш ниятида ўша шаҳар томон йўл олади. Шаҳардаги манзарани кўриб аввалгидан ҳам ортиқроқ ҳайратга тушади. Чунки дўконлар тўла мол, лекин қўриқчиси йўқ эмиш, эшиклар қулфсиз. Ҳамма ёқ обод, бамисоли жаннат. У одамлар билан гаплашиб, яна шуни аниқлайдики, бу ерда подшоҳ йўқ, ҳеч ким тобеълик нима билмас, ҳамма бир-бири билан аҳил, ака-ука бўлиб яшар, бировнинг молига биров кўз олайтирмас, ўзаро ғийбат, бўҳтон, ҳасад йўқ, ерларнинг ҳосилдорлиги ғоят юқори, ҳамманинг мол-мулки, бойлиги бир хил, бир миқдорда экан. Улар, масалан, ўзларининг иқтисодий жиҳатдан мутлақо бир-бирлари билан тенг эканликлари ҳақида Искандарга фахрланиб шундай дейдилар:

*Надорад за мо кас зи кас моли беш,
Ҳама рост қисмем дар моли хеш¹.*

Мазмуни: «Бизда бирон кишининг моли бошқаникидан кам эмас, мол масаласида ҳамма-мизнинг улушимиз тенг».

Ўзаро иқтисодий тенглик бу юрт кишиларини тенглик шартлари ҳукм сурган мўътадил, гўзал ва бой ҳаётга олиб келган.

Искандар Шимол мамлакатигадики бу тартиб-қоидаларни кўриб, чуқур таъсирланади ва шу ердан орқага қайтади. У бутун дунёда шу ҳолатни ўрнатмоқчи бўлади, лекин бевақт ўлим бунга имконият бермайди.

Низомийнинг хаёлий жамият ҳақидаги ғоялари бутун ўрта аср учун халқчил ва илғор бир ҳол бўлиб, бу ғояларни хусусан Навоийнинг улуғ замондоши Абдурахмон Жомий ўзининг «Хирадномаи Искандарий» достонида янада ривожлантирди. Бу билан XV аср Хуросон ва Мовароуннаҳр адабиёти учун ҳам Низомий ғояларининг муҳим эканини, очиқ-равшан таъкидлади. Е. Э. Бертельс Жомий бу асарида «Низомий утопиясининг асосий белгиларини сақлашдан кўрқмади», – деб ёзганида тўла ҳақ эди. Алишер Навоий ижодини ҳозирги кунда кенг адабий, илмий, фалсафий йўналишда ўрганаётган эканмиз, Низомийнинг хаёлий жамият тўғрисидаги фикрларига унинг қандай муносабатда бўлганини аниқлаш ҳам муҳим масаладир.

Навоий мамлакатни шоҳсиз бошқариш ғоясига жуда яқин келган вақтлари ҳам бўлган. Масалан, «Фарҳод ва Ширин» достонида у Меҳинбонуни подшоҳ деб эмас, оддий ҳукмрон деб атайди. У оддий ҳукмрон бўлса ҳам мамлакатни ақл ва адолат билан бошқаргани учун «зарринкамарлар» унинг хизматида:

¹ Низоми Ганжавий. Куллиёт, ч. панҷум, Душанбе, 1084, 207-бет

*Ки бу кишивардаким, рашки жинондур,
Букун исмат паноҳи ҳукмрондур...*

*Белин гарчи камар топмай камоҳи,
Вале зарринкамарлардур сипоҳи.*

Бу ўринда Меҳинбону бошқараётган мамлакатнинг кўриниши жаннатнинг рашкини келтирадиган даражада ободлиги, бойлиги, бизнингча, у ерда ҳукмрон идеал тартиб-қоидалардан, халққа подшоҳлик зулмининг бартараф этилганидан, деб тушунмоқ керак.

Мамлакатни тенглик қоидаси асосида шоҳсиз, адолат билан бошқариш Низомий хаёлий орзусининг энг муҳим белгиларидандир. Бизнинг кейинги текширишларимиз эса Навоийнинг орзу этилган жамият ғояларига юқорида айтилганидан кўра яқинроқ келган вақтлари ҳам бўлганини кўрсатади. Бунинг учун Навоийнинг «Хамса» дostonлари ва шеърий девонлари таҳлили билан чекланмасдан шоирнинг бошқа асарларига, хусусан, сўнгги йирик асари – «Лисон ут-тайр»га ҳам мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир.

«Лисон ут-тайр» дostonида Навоий ўзининг жамият ҳаётига, хусусан, инсон тарбиясига, унинг маънавий тақомилига оид фикрларини қушлар образи орқали, яъни мажозий йўл билан ифодалаган. Бу масалаларнинг ижтимоий-фалсафий талқинида эса Навоийнинг дунёқараши диний ва тасаввуфий қарашларидан холи эмас эди. Шу билан бирга, улўғ шоирнинг бу асари ҳам бирон-бир фалсафий оқим, сўфиёна ақида, мўътабар манба таъсири билангина чекланиб қолмаган, аксинча, у ҳаётга кенг назар билан қараган, ҳаётнинг, ҳаётий ғояларнинг ранг-баранг тасвирини хилма-хил усуллар орқали гавдалантирган: гоҳ фантастика булоғидан сув ичган бўлса, гоҳ реализм чашмасига юз ўгирган; гоҳ романтик хаёлларга берилган бўлса, гоҳ дидактик-фалсафий мулоҳазалар юритиш йўлидан борган эди. Дoston билан синчиклаб танишиш Навоийнинг Низомий дostonчилигининг ҳаётбахш сувларидан ҳам баҳраманд бўлганини, у қуйлаган илғор инсонпарварлик ғояларига издошлик қилганини, бу ғояларни ўз муҳитида, ўз шароитида янада ривожлантирганини намоён этади.

Бунга «Лисон ут-тайр» дostonининг етти хаёлий водий тасвиридан тўртинчи водий, яъни Истиғно водийси тасвири яққол мисол бўла олади. Бу ўринда Навоий, бизнингча, Низомийнинг хаёлий жамият ҳақидаги ғояларига ўз муносабатини билдирган, уларнинг ўзига хос ғоявий-бадий талқинини яратган, – дейиш мумкин. Бу водий тасвирида бошланишидан қуйидаги диққатга сазовор байтга дуч келамиз:

*Водий ондин сўнгра Истиғнодурур,
Онда тенг аълову гар аднодурур¹.*

Бу байтнинг иккинчи мисрасидаги ғояни Истиғно водийси тасвирининг бош ғоявий лейтмотиви дейиш мумкин. Яъни бу водийга хос бош хусусият ҳамма нарсаларнинг, тўғрироғи, жамиятдаги барча кишиларнинг, ҳукмрон табақалар билан қуйи табақаларнинг ўзаро тенглигидир. Бу водийда мунтазам истиғно шамоли эсиб, у ҳамма нарсага ўз ижобий таъсирини кўрсатиб туради. Истиғно булутларидан ёққан ёмғирлар эса «юз туман оламини» бузишга, ҳаётдаги ҳамма ёмонликларни ювишга, енгишга қодир.

¹ Алишер Навоий. Асарлар, 11-том, 182-бет.

«Истиғно» сўзи, термини бунда сўфиёна маънога эга бўлиб, кишининг бир нарсага эҳтиёжи бўлса, иззат-нафсни сақлашни, дунёнинг ишларига ғурур билан қараш ва баҳо беришни, яъни маънавий камолотнинг юқори чўққисида туришни англатади. Навоий тасаввуф назариясига кўра комил инсон назариясини ривожлантирар экан, унинг ана шу тўртинчи босқич – Истиғно водийсидан ўтишини, ундаги қоидалардан ўзига муайян хулосалар чиқариши лозимлигини шарт деб билади.

Шу водийдаги кучлар дарёдан қатрага, осмондан бир дона уруғга ҳам зарар етишига йўл қўймайди; етти дарёни бир қатра ёмғирга, етти дўзахни бир учқунга, саккиз жаннатни бир шудрингга айлантира олади; чумолилари шерни овлашга, пашшалари филни енгишга ўзида куч сезади:

*Етти дарё онда бир қатра матар,
Етти қўк хашхош чоғлиғ мухтасар.*

*Етти дўзах онда бир учқун киби,
Секкиз ўчмоғ онда бир шудрун киби.*

*Мўрларға туъма онда барча шер,
Пашшаси пил овламоққа бас далер¹.*

Низомийнинг идеал жамият тасвирида «Бизнинг молларимиз йиртқичлардан ва шердан қўрқмайдилар, йиртқичлар бизнинг подаларимизга оғиз чўзса, ўша вақтнинг ўзидаёқ ҳалок бўладилар», деган мазмунда сатрлар бор. Бизнингча, Навоий бу ўринда Низомийнинг ўша байтларидаги фикрларни ривожлантириб, кучайтириб, кичикларни катталардан, заифларни йиртқичлардан устун, забардаст қилиб тасвирламоқда. Бунда улуғ шириннинг мазлумларга, заифларга ҳамиятини, қайишаётганини сезиш қийин эмас. Навоий кучсизларнинг кучлилардан, кичикларнинг катталардан озор чекмайдиган бир ҳаёлий водий ҳақида сўз юритаётгани ҳам кўзга ташланиб турибди.

Низомий тасвирлаган Шимол ўлкасининг асосий хусусиятларидан бири тенглик бўлса, яна бири унда шоҳнинг йўқлиги деган эдик. Навоий Истиғно водийсида шоҳ йўқ демайди. Лекин бу ерда Навоий тасвирлашича, шоҳ ва гадо бир ҳуқуққа эга, тенг:

*Етти кишвар ичра шоҳе қаҳрамон,
Бир гадо онда ҳамону ул ҳамон².*

Тенглик ғояси Истиғно водийси билан боғлиқ тасвирнинг бошидан охиригача сингиб кетган. Бундаги ҳамма тасвирлар ана шу гуманистик ғоянинг, адолат ғоясининг бадий ифодасига хизмат қилади деса ҳам бўлади. Ҳатто кўкдаги мана-ман деган минглаб малоикалар бир четда қолиб, кутилмаганда шараф тожини кийиш ердаги оддий одамга насиб бўлган. Яъни инсон уларга нисбатан кўпроқ улуғланган:

*Бўлди минг хайли малоик бартараф,
Ногоҳ одам кийди бир тожи шараф³.*

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 11-том, 182-бет.

² Алишер Навоий. Асарлар. 11-том, 182-бет.

³ Алишер Навоий, 11-том, 182-бет.

Одамзод шундай юксак қадрланган водийда Худоликни даъво қилган шоҳ Намруд пашшалар чақишидан енгилган. Намруднинг зулмидан ўтга ташланган Халил (Иброҳим пайғамбар) эса поклиги ва ҳалоллигидан ўзини гулзорда деб ҳис этган ва ўлмаган:

*Юз туман Намрудни пашша залил –
Қилди, то ўтни чечак қилди Халил¹.*

Навоий Истиғно водийси тасвирида инсониятнинг моддий аҳволидан кўра кўпроқ маънавий аҳволига, дин, имон масалаларига тўхталган. Бу «Лисон ут-тайр» достонининг умумий концепцияси билан боғланган эди. Истиғно водийсида барча динлар, мусулмонлар ва мусулмон бўлмаган кишилар ҳам бир-бири билан тенг, баробар қилиб кўрсатилади:

*Мунда як сон келди йўқу бори ҳам,
Аҳли дину зумраи куффори ҳам².*

Навоий бу ҳикояда тарихий воқеаларга баҳо беришда ҳам бир ёқламаликка йўл қўймаслик, масалага тенг қараш, атрофлича баҳо бериш ғояларини илгари суради. У Заҳҳок минг йил одамларнинг қонини тўккан, Бухтуннаср кабилар зулмни оширган бўлса ҳам, лекин тарихни бундай ярамас ҳукмдорлар фаолиятига боғлаб қўйиш хато, деб ўйлаган. Тарихда Исо пайғамбардек олийжаноб кишилар, Нўширвондек одил подшоҳлар ҳам ўтган. Яъни, Истиғно водийси одамлари зулмни кўриб ўзларини йўқотиб қўймас, унинг орқасидан адолатли кунлар келишини англай, ҳар қандай шароитда умидсизликка берилмас, исломни кўриб унга берилган ҳолда, дунёда бошқа эътиқодлар ҳам борлигини, улар исломдан кам эмаслигини тушунар, дайр қўйини Байтуллоҳ билан, буткадани эса Каъба билан баробар кўрар ва буни тўғри деб билар эдилар.

Истиғно водийсининг баёнида ҳаётга, табиатга қараш охирига келиб олис фазоларга кўтарилади. Улуғ шоир бунда табиатда, ҳаётда юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай ногихоний ҳодисаларга истиғно билан боқиш зарурлигининг маъносини чақар эди. Инсонга ўзини мумкин қадар улуғвор тутишни, ҳар қандай даҳшатли воқеаларнинг сабабияти, ички қонуниятлари бўлиши мумкинлигини, турмушнинг ғоят мураккаблигини, яхшилик билан ёмонлик кўп вақт ёнма-ён боришини, ҳар нима бўлганда ҳам ҳаёт, борлиқ абадий эканини, ҳамма нарса яна ўз ҳолига келиши, ёмонлик ўрнини яхшилик, нотинчлик ўрнини тинчлик эгаллаши мумкинлигини тўғри англашга даъват этади. Иккинчи хил қилиб айтганда, ошиқ ўз севгилисининг қанчадан-қанча жабр-ситамларини унинг истиғноси деб билиб, ундан заррача кўнглини совутмагани каби инсон ҳаётнинг ҳамма баланд-пастлари ва аччиқ-чучукларига бардош бериши, доимо некбин кайфият ва юксак тушунча билан яшамоғи даркор. Навоий фикрича, инсон коинотдан юз туман қуёш йўқолиб кетганда ҳам, осмондан бир зарра йўқолди, деб тушунмоғи, юз туман дарё ерга сингиб кетган тақдирда ҳам бор сувларнинг бир қатраси камайди, холос, деб қарамоғи, афсонавий Қоф тоғи йўқ бўлиб кетган ҳолда ҳам ер юзидан бир дона қум учди, деб англамоғи, тушкунликка берилмаслиги керак:

¹ Ўша китоб, 183-бет.

² Ўша жойда.

*Юз туман хуршид агар бўлса адам,
Бўлди соғин чархдин бир зарра кам.*

*Ерга сингса юз туман баҳри амиқ,
Қатрае ўқсулди, тутғил, эй рафиқ...*

*Қофдек юз тоғнинг йўқ бўлмоғин –
Ер юзидин бир қум ўқсулди соғин¹.*

Бундаги поэтик тасвирлар қанчалик сермуболаға бўлмасин, ундаги ҳаётӣ ҳақиқат, ҳаётӣ фикр ва ниятлар уларни оқлайди, уларга жозиба бағишлайди.

Хуллас, бизнинг назаримизда, Навоӣ Истиғно водийси тасвирида Низомӣ куйлаган Шимол мамлакати фазилатларини Жомӣдек изчил такрорламаган бўлсада, тасаввуф доирасида Истиғно водийсининг ғоялар билан тўлуғ, муайян даражада шимол мамлакатини эслатувчи ноёб манзарасини мажозӣ бўёқлар воситасида ярата олди. Навоӣ умрининг сўнгги йилларида яратган «Лисон ут-тайр» асарида яна бир бор бадий ижод ва тафаккурнинг янги чўққиларига кўтарилди.

«ХАМСА» ДА ЯНГИ ИЖТИМОЙ ТИП ТАЛҚИНИ

Адабиётшуносликнинг муҳим масалаларидан бири Навоӣ ижодини унинг даври, ўша даврдаги реал ижтимоӣ-сиёсий, иқтисодӣ ва маданий ҳаёт билан боғлаб ўрганишдир. Бу навоӣшуносликка ҳам тегишли.

Маълумки, Алишер Навоӣ «Сабъаи сайёр» достонининг иккинчи ҳикоясида румлик Зайд Заҳҳоб исми заргарни тасвирлаган. Ушбу ҳикоя сюжетининг анъанавӣ сюжетларга алоқаси кам. «Рум» ҳозирги Италиянинг Рим империяси тушунчаси билан алоқадор собиқ номи бўлиб, Шарқда Византияни ҳам «Рум» деб атаганлар. Чунки, кўп вақт бу ҳудуд Рим империясининг давоми ёки Иккинчи муҳим қисми ҳисобланган. Бироқ XV асрнинг иккинчи ярмида бу давлат тугатилган. Константинополь эса 1453 йилдан бошлаб Усмонлилар империясининг пойтахтига айлантирилган эди. X–XI асрларда Италия ҳудудидаги Милан, Венеция, Генуя, Пиза каби, шаҳарлар епископ-сенъорлар ҳукмронлигидан қутулиб, мустақил шаҳарларга айланганди. Бу шаҳарларда савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, косибчилик, санъатнинг турли соҳалари, адабиёт ривожланди. XIV асрда капиталистик мануфактура юзага келди. Биринчи бўлиб худди шу Италияда янги табақа – буржуа табақаси шакллана бошлади. Табақа вакиллари жамиятнинг илғор аъзолари бўлиб, фан, техникани ривожлантиришга, турлича ихтиролар қилишга, янги қитъаларни кашф этишга интилишар, уларнинг диққат-марказида бойлик-капитал тўплаш масаласи турар, бу йўлда ҳеч кимни аямас, ҳеч нимадан тап тортмас эдилар.

Бизнингча, румлик Зайд Заҳҳоб шуларнинг бири. Зайд ҳам серқирра истеъдод эгаси. У моҳир заргар бўлиш билан бирга катта табиб (ҳаким), бинокор, рудадан олтин оловчи («заркаш»). Кунларнинг бирида у ғоят хушомадгўйлик ва тилёғламалик қилиб, шоҳга ға-

¹ Алишер Навоӣ. Асарлар. 11-том, 183-бет

ройиб олтин тахт ясаб бериши мумкинлигини айтади. Бунинг учун шоҳ хазинадан икки минг ботмон олтин ажратиши керак эди. Шоҳ рози бўлади. Зайд тез муддатда шундай тахтни ясайди. Бу тахтнинг ноёблиги шунда эдики, шоҳ тахтга чиқадиган бўлса, зина пасаяр, тушадиган бўлса юқорига кўтариларди. Зайд ихтироси эскалатор шаклидаги механизм янги даврга хос техник таракқиётнинг белгиси эди. Демак, Зайд янги замонни бошловчилардан. Шарқда бу хил одамларни топиш қийин эди.

Бироқ, Зайд бу ихтирога киришганда ўз шахсий манфаатини ҳам унутмаган, катта қаллобликка йўл қўйган эди. У тахтни соф олтиндан ясаш ўрнига кумушдан ясаб, устидан олтин сувини юргизади. Душманлари бу сирни фош қиладилар. Зайд зиндонга ташланади. Аммо Зайд усталик билан зиндондан қочишга муваффақ бўлади.

Шундан сўнг Зайд аввал Фаранж мулкига, яъни Францияга, сўнг Қустантания (Константинополь) га боради. Зайднинг бу ердаги шумликлари тасвирида ҳам катта мазмун ва тарихий ҳақиқат мавжуд. Зайд бу шаҳарнинг улкан бутхоналаридан бирига кирар экан, у ердаги олтин бут ва қандилларни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолади, эски одати эсига тушиб, йўқотган олтинларимни шу ерда ололмайманми, деган фикрга келади. Ўз ниятини амалга ошириш учун у бутхонага хизматга киради. Бу ердаги расм-русумларни ўрганишга киришади, тинмасдан ибодат билан шуғулланади. Константинополдаги христианлар христиан динининг православ мазҳабига оид бўлиб, Италиядан келган Зайд эса католик эди. Бу икки мазҳаб кишилари расм-русумларида муайян тафовутлар бўлиши табиий. Зайд нуқтаи назаридан бу ерликлар «куфр аҳли». У иккиюзламачилик билан соддадил одамларга:

*Молу неъмат муродим эрмастур.
Ким манга дайр неъматини басдур¹, –*

дейди. Тез орада у ўзини энг Художўй одам сифатида танитади, бутхонада энг юқори лавозимга эришади. Бу давр Италия жамиятининг ахлоқи: «Ҳар қандай бўлганда ҳам ҳеч бир синф учун, халқ учун ҳам умуман ор-номус асосий қонун эмас эди»² деб ёзади ўша давр адабиёти тарихчиси Франческо де Санктс. Ўз ниятига эришиш йўлида Зайд ҳам ҳар қандай виждон ва ор-номусини йиғиштириб қўйиб ҳаракат қилади.

Зайд бутхонада энг юқори лавозимни эгаллаш билан ўзига ўхшаш икки қаллобни топиб, денгиз бўйидаги бир ғорга заргарлик асбоб-ускуналарини йиғадилар. Зайд қулай пайтини топганда, ҳеч кимга сездирмай, бутхонадаги барча олтин бутларни бирма-бир ғорга олиб келиб, ўрнига ўзлари ясаган, устидан олтин суви югуртирилган темир бутларни олиб бориб қўяверади. Ҳатто у ердаги олтин қандиллар ҳам қалбаки қандилларга алмаштирилади. Бутхонада алмаштирилмаган биронта қимматбаҳо нарса қолмайди, Шундан кейин Зайд бутхона аҳилларига онаси вафот этгани ҳақида хабар тарқатиб, ўзининг ватанига қайтиш орзусини билдиради. Ибодатчилар, бутхона аҳиллари бу кутилмаган гапдан хафа бўлиб, унга ўзларининг беқиёс ихлос ва садоқатларини изҳор этадилар, ниятидан қайтишини ўтиниб сўрайдилар. Зайд эса бунинг иложи йўқлигини, онасининг ёлғиз ўғли эканлиги, бориб меросга эгалик қилиши шартлигини, ишлари битгач, яна қайтиб келажагини айтади. Кузатувчилар Зайдга аллақанча маблағ ҳам йиғиб берадилар. Ғордаги бойликка бу маблағни ҳам қўшиб олиб, Зайд йўлга чиқар экан, кемадан туриб кузатувчиларга:

¹ Алишер Навоий. Хамса, 530-бет.

² Франческо Де Санктс. «История итальянской литературы», т.11, М, 1964, 26-бет.

– Сизларга атаб бир хат ёзганман. У бутхонада, «Лот» бутнинг ёнида. Шунинг билан бир ўқиб чиқинглар. Алвидо! – дейди. Хатда Зайд ўз қилмишларини баён этиб, бутхона аҳилларининг ўта нодонлиги, мутаассиблиги ва лақмалигидан ҳузурланиб кулган, уларни роса масхаралаган эди. Хатни ўқиб, улар тўфон юз бергандек эс-ҳушларини йўқотадилар. Бу ўринда Навоий калтафаҳм ва ўта мутаассиб руҳонийлар устидан кулаётганига заррача шубҳаланмас бўлади.

Динни масхаралаш билан боғлиқ бу хил воқеаларнинг ўрта аср Шарқ шароитида юз беришини тасаввур этиш қийин. Чунки, Шарқ мамлакатларида, аввало, ислом дини ўз мавқеини, таъсир кучини сақларди. Бу даврда Италияда эса черковга муносабат ўзгарган эди. Одамлар Худони ўзлари хоҳлаган тарзда талқин этишлари мумкин эди.

Навоий ҳикоясида воқеа яна шундай давом этади: Зайд омон-эсон ўз юртига етиб олгач, касалга чалинган подшони тузатади, олиб борган бойликлари билан унинг кўнглини олади. Ўз саргузаштларини мириқиб гапириб беради. Унинг мавқеи эса шоҳ саройида яна тикланади, душманлари жазога тортилади. Зайд яна ҳаётга қайтиб, тарихга ўз ҳукмини ўтказиб, бузғунчилик ҳаракатларини давом эттира бошлайди. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки у бошқа синфларни босиб-янчиб жамиятда ҳукмрон бўлишга интилаётган, ишбилармонликда тенги йўқ ёш буржуазия вакили. Унинг олдида қирол ва феодаллар ҳам ожиз, кучсиз бўлган.

Улуғ шоирнинг Зайд образини яратишдаги маҳорати беқиёс. Асарда Зайд ички зиддиятларга тўла қиёфада гавдаланган. Навоий бу ҳикояни, тахминимизча, Хуросонга, хусусан, Ҳиротга келган европалик элчилардан ёки савдогарлар, сайёҳлардан эшитган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Зайднинг ўзи ҳам тўқима қаҳрамон эмас, балки реал турмушдан олинган бўлса, ажабмас. Эҳтимол, Навоий унинг исмини хуросонликлар талаффузига мослаб ўзгартиргандир. Хуллас, улуғ шоир Зайднинг уддабуронлигига, хусусан, ихтирочилигига тан беради. Бироқ, у ўз инсонпарварлик ғояларига содиқ қолиб, умуман, Зайднинг ахлоқини қоралайди, уни «бебок», «бедиёнат», «хиёнатчи» деб атайди. Бундай «баҳо» XV аср илғор Шарқ ахлоқи нуқтаи назаридан янги тарих саҳнасида чиқаётган буржуазия номига қаттиқ танқид эди.

Навоий ҳикоя бошланишида унда юз берган воқеалар қадим Жамшид замонида бўлиб ўтган деса, асар охирида бу ҳикояни Баҳромга сўзлаб бераётган иккинчи иқлимлик сайёҳ ўзини Зайд Заҳҳобнинг авлоди деб таништиради. Бу адабий мослаштириш (стилизация) бўлиб, Навоий бу билан ўз ҳикоясига, дostonдаги Баҳром билан боғлиқ воқеаларга мос саргузашт қисса, афсона тусини беришни кўзлаган. Ҳикояда бунинг айрим унсurlари йўқ эмас. Ҳақиқатда эса, Навоий ҳикоя асосига Европа ҳаётидан замонавий материални олган ва унга муносабатини билдирган.

Шу билан бирга, Навоий бу ҳикояни яратишдан бирон ютуққа эришган бўлса, бунга у Европа, хусусан, Италия адабиётини ўқиш йўли билан эмас, балки у мамлакатларда содир бўлаётган, жаҳон аҳамиятига молик тарихий реал воқеа-ҳодисаларни чуқур англаш, улар ҳақида эшитганларини конкрет бадий тасаввур этиш орқали эришган.

АБДУРАШИД АБДУҒАФУРОВ

БУЮК БЕШЛИК САБОҚЛАРИ

Мақолалар

«ХАМСА»НИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИДАН

Алишер Навоий 1480 йиллар бошларида ёшлик чоғларидаёқ кўнглига тугиб, узоқ йиллар давомида ардоқлаб юрган энг олий орзуси – буюк ижодий режасини амалга ошириш вақти етди, деган қатъий фикрга келади. Бу – Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавий «Хамса»лари каби улуғвор бешликни ўз она тилида яратиш нияти эдики, Навоий, албатта, ўз мақсадининг нақадар оғир ва шарафли эканлигини, уни рўёбга чиқариш учун тинимсиз ва сермашаққат меҳнат талаб этилишини тўла-тўқис тушунган. Ижодий, маънавий, илмий ва ҳаётий тайёргарлигини эндиликда етарли деб билган шоирни фақат бир андиша ташвишга солар эди. У ҳам бўлса вақт, ижодий иш учун зарурий шароит масаласи эди.

1482 йилда ёзилган «Вақфия»да Навоийнинг худди шу масалада Султон Хусайн Бойқарога махсус илтимос билан мурожаат қилиши бежиз эмас эди. «Халқ дуосига боис» кўплаб ижтимоий, фойдали ишларни амалга ошира олганлигини, ихтиёридаги барча имконият ва салоҳият доирасида «зулм тиғин ушотиб, мазлум жароҳатига интиқом (ўч олиш – А. А.) малҳамин қўйган»лигини, халқ учун қанчадан қанча ижтимоий бинолар («риқоъяи хайр») қурганини мамнунлик билан қайд этар экан, йирик асарлар яратиш орзусида бўлган Навоий умрнинг ўтиб бораётганлиги тўғрисида ҳам сўз очади: «Эмдиким, ҳаётим гулшанининг баҳори хазонга етишди ва гулшанда очилгон йигитлик гуллари тўкула киришти; сабзаси табиат ҳавоси бурудати (совуғи – А. А.) дин оқарди ва лоласи кухулат (ўрта ёшлик – А. А.) совуғ пафасларидин сорғарди...».¹

Шубҳасиз, бу жумлаларни ўқиб, ижодкор ва давлат арбоби сифатида катта обрў ва шуҳратга эришган, умрини қизғин ижтимоий-сиёсий ва ижодий фаолиятда ўтказган Навойдан тушқунлик кайфиятини қидириш тамомилга асоссиздир. Бу ва бундан кейинги гаплар шоирнинг ҳар бир соат, ҳар бир кундан тўла-тўқис фойдаланиш, ўз орзу-режаларини тезроқ ва тўлароқ рўёбга чиқариш тўғрисида қайғураётганини кўрсатади: «Икки орзу риштасининг тугуни кўнглумда ечилмади, икки мурод ғунчаси жоним гулшанида очилмади... Аммо умидим улдурум, бу икки умидим мевасидин дағи баруманд (баҳраманд – А. А.) ва муродим булдурким, бу икки муродим гавҳаридин дағи сарбаланд (шуҳратли, донгдор – А. А.) бўлғаймен ва бу орзумандлиғ хорхори (иштиёқ ғунчаси – А. А.)нинг тикани кўнглумда синмагай ва бу мурод гавҳарининг ёғинин қатрадек туфроққа элтмагаймен...»

Навоий сўз юритаётган ана шу «икки орзу»дан бири ўз вақти, куч-ғайратини тўла-тўқис ижодий ишга бағишлаш имконига эга бўлишлик эди. Маълумки, Навоий 1476 йилда вазирлик лавозимидан истеъфога чиқади. Бу жиддий қадам сарой ҳаёти ва расмий сиёсат билан келишмаслик оқибати ҳам эди, айни замонда, шоир бутунлай ижодга берилиш мақсадини ҳам кўзлаган. Аммо амалда бундай бўлмади: у истеъфога чиққанидан кейин ҳам сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётнинг гирдобиди қолаверди. «Вақфия»да махсус таъкидланишича, мамлакатнинг турли бурчакларидан жамиятнинг ҳамма табақаларига мансуб сон-саноксиз кишилар турли-туман масалалар юзасидан Навоийга мурожаат этаверганлар. Шоирнинг ўз таъкиди бўйича, эрта тонгдан то кеч тунга қадар бутун вақтини унинг ҳомийлиги ва саховатига, кўмаги ва маслаҳатига умидвор ҳожатталабларга ажратишга мажбур бўларди. Шоир кундалик элу юрт ташвишидан ниҳоят даражада толиқиши-

¹ А л и ш е р Н а в о и й . «Асарлар». Ўн беш томлик, 13 том, 183-бет.

ни қуйидагича ифодалайди: «... заҳролуд нешлиқ чибин ҳужуми бўлғай – қоварга илик дағи тебрата олмағаймен: мажруҳ танимга... муҳлик (ҳалок этувчи – А. А.) тоши ёққай – қочорға қадам дағи кўтара олмағаймен».

Муттасил давом этувчи бундай аҳволнинг ижодий ишга жиддий тўсиқ эканлиги ҳақида шоир куюнч билан шундай ёзади: «Киши бу навъ ғамноклик била не нашотомез алфозга рабт бергай ва бу паришонлик била не маоний гавҳарин жамъ қилгай?!»

Ана шундай ҳолат ҳисобга олинса, Навоийнинг ижодий иш учун шароит яратишни илтимос қилиб Ҳусайн Бойқарога махсус мурожаат этиши жиддий зарурат бўлганлиги равшанлашади. Саройдаги расмий мансаб ва давлат вазифаларидан ижодий ишни ёқимли ва ўз ибораси билан айтганда, «муносиброқ» билган шоир султонга йўллаган бу илтимосида ўз муродини «рангин ғазаллар ва матбуъ маснавийлар ва (Маснуъ иншолар, балки ҳар навъ назм ва насрдин китоблар тасниф қилсам эрди ва мужалладлар тартиб берсам эрди» тарзида ифода этади. «Вақфия»даги бу жумлаларга алоҳида диққат қилишимиз бежиз эмас. Гап шундаки, бу ўринда Навоий яқин келажакдаги режалари ҳақида сўз очиб, турли-туман («рангин») ғазаллар қаторида маъқул тушадиган, ёқимли («матбуъ») маснавийлар, санъаткорлик билан ёзилган («маснуъ») асарлар, ҳар хил шеърӣй ва насрий китоблар яратиш, жилдлар («мужалладлар») тартиб бериш ниятини баён қилмоқда. Агарда бу жумлалар битилгунга қадар шоир фақат кичик жанрларда қалам тебратганини, энг йирик асари Саййид Ҳасан Ардашер номига ёзилган 152 байтдан иборат маснавий мактуб эканини ҳисобга олсак, Навоий йирик асарлар яратиш ниятига жиддий киришганлигини равшан кўрамиз. Шулардан келиб чиқиб, аниқ айта оламизки, Навоий 80-йиллар бошларида «Ҳамса»ни ёзиш ишига бевосита киришиш тараддудида бўлган ва бунинг учун зарурий шароит ҳозирлаш, ижоддан бошқа ғам-ташвишлардан озод бўлиш, давлат ва мамлакат ишлари билан чалғимаслик чора-тадбирларини излаган. «Вақфия»нинг иккинчи, асосий қисмидаги махсус кўрсатма-йўлланмалар орқали шоир ўзи қурдирган ижтимоӣй бино-иншоотларни, мадраса ва вақф ерларини идора этиш тартиб-қоидаларини тайинлаши ҳам, жавобгар шахсларнинг вазифа-ҳуқуқларини энг майда нуқталаригача белгилаши ҳам асло тасодифӣй эмас: Навоий ўша катта мақсад йўлида кўп вақт талаб этадиган рўзғор ишларини ҳам ўзидан тамомила соқит этади.

Ҳа, кун тартибига фақат бир, аммо ниҳоятда улкан ижодий масала – ўз она тилида «Ҳамса» яратиш масаласи қўйилган эди.

Аслида, йирик асарлар яратиш ҳаваси Навоийда жуда эрта шаклланган. Бу ўринда ҳали гўдак Алишерда Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» достони каби жиддий фалсафӣй-ижтимоӣй асар яратиш орзусининг узил-кесил қатъийлашганини эслаш кифоя.

Шеърӣятнинг кичик жанрларидан йирик асарларга ўтиш иштиёқи ёшлик йилларидаёқ фикри-зикрини банд этганлиги ва шу боисдан ҳам кўнгли Низомӣй ва Хисрав Дехлавӣй «Ҳамса»лари сари «мойил» бўлганлигини эслаб, кейинчалик шундай ёзган эди:

...Вале қониъ ўлмаи ушоқ ишга ҳеч,
Димоғимда эрди улуғ печ-печ.

*Не майдон аро сурсам эрди саманд,
Ҳавосин кўнгул қилмас эрди писанд.*

*Не бўстонки, сайр ичра мавжуд эди,
Ҳақоратдин олимда мардуд эди.*

*Хаёлимда кишварситонлиғ кириб,
Мамоликда соҳибқиронлиғ кириб,*

*Бу андешадин эрди кўнглумда шайн
Ки, бўлди кўнглум мойили «хамсатайн».¹*

XV асрнинг 60-йиллари ўрталарида эса Навоий руҳий қониқиш ва табиий ғурур билан «Хамса»дек улкан асарни катта суръат билан қисқа бир муддат ичида ўз она тилида ярата олиш иқтидори ҳақида сўз юритади. Бу хусусда, энг яқин ва сирдош кишиси, ўз ибораси билан айтганда, «ота ўрнида» бўлган Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шахсий шеърини мактубида илк бор «дил очади».

Ҳўш, бу қандай мактуб ва нега худди шу мактубда Навоий «Хамса» ҳақида, уни катта суръат билан ёза олиш иқтидори тўғрисида сўзлади? Шоир ҳаётининг 1450–1460 йиллар палласини мукамал ўрганишда, илғор ва тўла халқчил дунёқарашининг шаклланиш босқичларини белгилашда, ўша жамият иллатларига кескин танқидий муносабатини кузатишда фавқулудда аҳамиятга эга бўлган бу маснавий 1467 йилда маълум зарурат билан ёзилган: унда Навоий ўзининг Ҳиротдан чиқиб кетишига олиб келган ижтимоий сабабларни бирма-бир баён этади. Маълумки, Султон Ҳусайн Бойқаронинг сиёсий рақиби – золим ва бадбин Абу Саид Мирзо ҳукмронлиги йилларида Навоий Ҳиротни тарк этиб, Самарқандга кетишга мажбур бўлган эди.

Ҳиротни тарк этишга олиб келган асосий сабаблардан биринчиси деб, Навоий Абу Саид Мирзо ҳукмронлиги йилларида ўзини ижодкор сифатида нодир иқтидор соҳиби сифатида қадрланмаганини кўрсатади. Бу майда гинахонлик бўлмай, балки ҳақиқий юксак баҳосини топмаган, ўзини унутилган, таҳқирланган деб ҳис этган даҳонинг қатъий норозилиги, ўз қадр-қимматининг топталишига қарши кескин бош кўтариши эди. Машҳур тарихчи Хондамир Алишер Навоий Абу Саид замонида «ўзининг ҳолига яраша риоят ва тарбият топа олмади», деб таъкидлаганида ҳам, аввало, ана шу қадрланмасликни назарда тутган. Бундай адолатсизлик Навоийни ўз шахсияти ҳақида, юксак иқтидори, ижодий салоҳияти ҳақида ҳеч тортинмай сўз юритишга мажбур этган, табиий ғурур билан фахрияга мурожаат этиш заруратини туғдирган.

Шоир ўша мактубда умуман «сўз», яъни бадиий адабиётнинг, хусусан, назм-шеърининг катта таъсир кучини махсус таъкидлагач, қуйидаги мисраларни битади:

*Мен улменки, то турк бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунёдидур.*

¹ Алишер Навоий. «Хамса». Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1960, 638-бет.

*Фалак кўрмади мен киби нодире.
Низомий киби назм аро қодире.*

*Не назме дер эрсам мане дарднок,
Ки, ҳар ҳарфи бўлғой онинг дурри пок.¹*

Кейинги мисраларда Фирдавсийнинг ҳам номини тилга олади, унинг катта истеъдодига юқори баҳо беради, «Шоҳнома»ни улуғлайди. Лекин бу ўринларда ҳам асосий мақсад бадий ижоддаги ўзининг юксак қобилиятини қайд этишдир. Навоий «Шоҳнома»ни яратиш учун ўттиз йил ижодий меҳнат чекканлиги ҳақидаги Фирдавсийнинг ўз сўзларини келтирар экан, худди шундай улкан асарни «ўттиз йил эмас, балки ўттиз ойда» ёза олажагини таъкидлайди, чунки дейди шоир, «кунда юз байт айтиш мен учун ҳалводир». Худди шу ўринда Навоий фавқулодда мазмунга эга бўлган яна қуйидаги уч байтни ёзади:

*Не «Шоҳнома»ким, «Хамса»га урсам ал,
Анинг панжаси сори еткурсам ал,*

*Умидим буким, айлабон фатхи боб,
Қўлум бергай ул панжага доғи тоб!*

*Ўттуз йилки они Низомий демиш –
Қошимда эрур икки-уч йиллик иш!²*

«Шоҳнома» ва «Хамса» тўғрисидаги бу парчалар ўз нархини ошириш ва тамаъ юзасидан бирор ҳукмрон (мансабдор ҳомий)га қарата битилмаганини (бундай интилиш Навоийга ҳар доим бегона бўлган) ёки адабиёт мухлисларини қойил қолдириш, ҳайратга солиш мақсадида кўпчилик учун мўлжалланмаганини назарда тутиш лозим. Булар шоирнинг ўз яқин кишисига дил рози эди, шу жиҳатдан ҳам диққатга сазовордир!

Биз учун муҳим ҳулоса шуки, демак, Навоий 25–26 ёшларидаёқ бутун масъулиятни тўла тушунгани ҳолда, фақат ўзбек адабиётидагина эмас, балки барча туркий халқлар адабиётида ҳам биринчи бўлиб, «Шоҳнома» ва «Хамса» каби улкан асарни катта суръат билан ёза олиш иқтидори ҳақида жиддий сўз юритади, бу тўғрида замонасининг энг фозил, энг обрўли кишиларидан бири бўлмиш Саййид Ҳасан Ардашерга бошқа муҳим масалалар қаторида маълум қилади. Навоий мактуб давомида бундай режаларни амалга ошириш мушуқлигини сўзлайди, баракали ижодий иш учун шароит йўқлигига, нодир қобилияти тамомила қадрланмаётганига, ижодий фаолиятга лоқайд муносабат мавжудлигига таассуф билдиради: «Бирор кимса «айт, ижод қил», деб менга юзланди-ю, унинг юзи – ҳурмати юзасидан юз эмас, икки юз байт айтмадимми? – деб ёзади шоир. – Юз, икки юз байт айтиш менга нима бўлибди?! Ахир, Аторид (шоирлар ҳомийси – А.А.) билан баҳсма-баҳс менинг тезюар қаламим, у бир айлангунча, бутун фалакни латиф асарлар билан тўлдириб ташлайди-ку!»

¹ Алишер Навоий. «Ҳазойин-ул-маоний». «Ғаройиб ус-сиғар», ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1959, 705-бет.

² Навоийнинг бу мисралари «Хамса» тугалланиши муносабати билан Ҳусайн Бойқаро ёзган «Рисола» орқали бизга етиб келган. Қаранг: Ҳусайн Бойқаро. «Девон. Рисола», Тошкент, 1968, 163-бет.

Ҳам ҳасрат, ҳам айбнома янглиғ янграган мана шу гапларни ифодаловчи мисраларга диққат этинг:

*... Вале «Айт!» – деб, ким менга тутти юз
Ки, юз учун мен демадим икки юз?!*

*Не юз! Не икки юзки,– бу килки тез,
Аторид бирла қилса зоҳир ситез.*

*Анинг сайри бир давр охир бўла,
Фалакни латойифдин этгай тўла!*

Шоир ижодга беқадр ва лоқайд муносабат мавжуд замонда бундай катта ишларга, жумладан, «Ҳамса» яратишга қўл уриш имконияти йўқлигини ҳаяжон ва ички куюнч-ташвиш билан таъкидлаб ўтади:

*Қачон они дер базмини тузгамен?!
Демакни халойиққа кўргузгамен?!*

Шу тариқа Навоий Ҳиротни тарк этишга олиб келган асосий сабаблардан бири деб ижодкор сифатида тегишлича қадр-эъзоз топмаганини, ижодий фаолият учун эса етарлича шарт-шароитга эга бўлмаганлигини кўрсатади.

Бу ҳолат аслида, жамоатчилик нигоҳидан, айниқса, шоирга яқин кишилар эътиборидан четда қолмаган эди. Юқорида Абу Саид Мирзо даврида Навоийнинг хурмат ва эътибор кўрмаганлиги тўғрисида муаррих Хондамир сўзларини келтирдик. Афтидан, бундай муносабат шу қадар ошқора бўлганки, унга даврнинг бошқа арбоблари ҳам ишора этганлар. Чиндан ҳам, Абу Саид вафотидан сўнг 1469 йилда Ҳирот тахтига ўтирган Султон Ҳусайн Бойқаронинг Навоийни давлат ишларига, ижтимоий-сиёсий фаолиятга фаол аралашувга даъват этиб, Самарқандга йўллаган «давлат маншури» (давлат ёрлиғи, фармони)да ҳам бу масалага махсус ўрин ажратилиши асло тасодикий эмас. «Вақфия»нинг гувоҳлик беришича, Ҳусайн Бойқаро Навоийни, аввало ва биринчи навбатда, «халққа гавҳар дўконин очган, бу гавҳарни элга сочган» улуғ ижодкор ва донишманд сифатидл кўкларга кўтаради, «фазл осмонининг қуёши» деб атайди. Шу муҳимки, Бойқаро ҳам «сенинг бир дамда ёзганларинг-ни Аторид юз йилда ҳам бита олмайди», дея шоирнинг ноёб иқтидорини алоҳида таъкидлайди. Бугина эмас. Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг шоирлик маҳорати Абу Саид томонидан батамом қадрланмаганини, аксинча, ёзмишлари учун у «қон ютуб, маломат чеккан»лигини ҳам аниқ айтади:

*Назминг гулидинким, даҳр тўлди,
Дегилки: сенга не баҳра бўлди?!*

*Лафзингдин улусқа важду ҳолат,
Етмай сенга баҳра жуз малолат!*

Бундай адолатсизлик Навоийни ҳақли равишда ранжитганини англаган тадбиркор Султон Ҳусайн Бойқаро уни Ҳиротга таклиф этар экан, аввало, ижод учун ҳамма шароит ва имконият, асарларига эса олий ҳурмат ва юксак эътибор ваъда қилади:

*... Тавқиъ етишгач айла лозим
Ким, жон била бўлғасен мулозим,*

*То лутф тенгизига тушуб мавж
Тунқай бори ишинг ул сифат авж.*

*Ким, ой уза қўйғасен қадамни!
Кун лавҳига чеккасен рақамни!*

*Неча бийик айласанг сўзунгни,
Ондин бийий этгабиз ўзунгни!¹*

Маълумки, Навоий мактабдор дўсти таклифини иккиланмай қабул қилади, ўша 1469 йилдаёқ зудлик билан Ҳиротга қайтади ҳамда катта иштиёқ билан ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятга киришиб кетади...

* * *

Ҳали расмий девон ҳам тузмаган 25–26 ёшли Навоийнинг ўзини Фирдавсий ва Низомийлар қаторига қўйиши, агар қўл урсам «Шоҳнома» ва «Хамса» каби буюк асарларни қисқа муддат ичида ёза оламан, мазмунидаги байтлари гарчи, сирдош кишисига йўлланган шахсий мактубда айтилган бўлса-да, қайси йўллар билан бўлмасин, ўша вақтлардаёқ адабий жамоатчиликка маълум бўлиб қолган ҳамда турли-туман талқин ва шарҳларга сабаб бўлган. Бунини қуруқ даъво, ёшлик хомхаёли ва лоф деб қабул қилганлар ҳам оз бўлмаган.

Бу ҳақда кейинчалик Ҳусайн Бойқаро ҳам, Навоийнинг ўзи ҳам очиқ-ойдин ёзадилар. Масалан, Бойқаро Навоий «Хамса»сининг яқунланиши ҳамоноқ ёзган рисоласида маснавий-мактубдаги ўша парчаларни қуйидагича хотирлайди:

«Ул вақти, бу абёт анинг (Навоийнинг – А. А.) табъидин бош уруб эрди, эл қошида шоирона лоф ва мойи хоми газоф (беҳуда валақлаш – А. А.) кўрунур эрди».²

Шоир режалари ва ижодий имкониятларига бу тарзда шубҳали қараш, ҳатто таънаомуз киноя ва пичинглар қилиш кейинги йилларда ҳам давом этаверган. Бунга, ўйлаш мумкинки, Навоийнинг ўзи ҳам маълум маънода сабабчи бўлгандир – «Хамса»ни ёзишни пайсалга солаверган.

Чиндан ҳам, Ҳиротга қайтган Навоийнинг ўз ваъда – «даъво»сини амалга оширишига, қисқа муддат ичида она тилида «Хамса» яратишига бирор расмий тўсиқ ёки баҳона эндиликда йўқдай эди, У Султон Ҳусайн Бойқаро давлатининг энг нуфузли арбоби сифатида ҳам, йирик ижодкор сифатида ҳам чексиз ҳурмат ва эътиборга эга эди. Султоннинг эса (Абу Саид Мирзодан фарқли ўлароқ) Навоийнинг ижодий фаолияти ва катта режаларига доимо хайрихоҳ бўлганлигини шоирнинг ўзи қайта-қайта қайд этган. Шундай шароит мав-

¹ Алишер Навоий. «Асарлар». Ўн беш томлик, 13 том, 163-бет.

² Ҳусайн Бойқаро. «Девон. Рисола». – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – 164-бет.

жуд бўлса-да, Навоий «Хамса»ни бошлашга шошилмайди, фақат 1483 йилдагина – Ҳиротга қайтганининг ўн тўртинчи йили, «Шоҳнома» ва «Хамса» ҳақида сўз очганидан эса ўн олти йил ўтгач, бу асарни ёзишга киришади. Бу «чўзиш»нинг ўз сабаблари бор, албатта. Бироқ Навоий ана шу йиллар давомида бирор дақиқа «бўлсин, «лофи»ни унутмади, аксинча, ваъдасини бажара олмаётганидан доимо ўзини ноқулай сезди, ҳатто ўз ибораси билан айтганда, «ҳижолат» чекиб, «уялиб» юрди. Кейинчалик, 1484 йилда, «Хамса»ни бутунлай якунлаш арафасида у ўзини муттасил таъқиб этиб юрган ана шу руҳий кечинмани эслаб, қуйидаги эътирофни битди:

*Қилиб ёд «даъвою лофим»ни ҳам,
Соғиниб бурун дер «газофим»ни ҳам.*

*Уятқа солиб бўйла ҳолат мени,
Ҳалок айлабон, бал, ҳижолат мени.*

*Гаҳи юзланиб ул сўзумдин уёт,
Сўзумдин демайким, – ўзимдан уёт.¹*

Қисқаси, Навоий таънаомуз муносабатларга ҳамда ўзининг доимо «ҳижолат» чекиб юришига қарамай, ўзи сўз очган ижодий режани амалга оширишга асло шошилмайдиким, бу ҳолни қандайдир жузъий сабаблари ёки оддийгина вақт зиклиги – давлат ва мамлакат ишлари («элу юрт ташвиши») билан изоҳлашнинг ўзи етарли бўлмайди. Бу муҳим сабабларнинг бири сифатида, ўйлаш мумкинки, Навоий «Хамса» яратишдек улкан ва масъул ишга фақат юксак иқтидор ҳамда мавжуд анъаналарга суянишнинг ўзи кифоя этмайди, деган қарорга келган. Жуда кўп ҳаётий ҳақиқатларни билиш, умумлаштириш зарурати кўндаланг турган. Худди шу маънода Навоий, аввало, ёзилажак ўз «Хамса»си «тоза» – янги, ҳозирги жорий адабий термин билан айтганда, оригинал ва, айни замонда, хамсанавис салафлари йўл қўйган айрим нуқсон ва зиддиятли ўринлардан батамом холи бўлиши керак, деб билди. «Хамса»ни ёзишга бевосита киришганида шоир бу масалага доимо алоҳида аҳамият берганлигини қайта-қайта таъкидлади. Низомий ва Хисрав Деҳлавийлар фаолиятини юқори баҳолаган Навоий, айни замонда, «алар назм қилғонни мукаррар (такрор) айламоқ» ниятидан жуда узоқ бўлган. Шунинг учун ҳам шоир кўп йиллар давомида жиддий илмий-ижодий изланишлар олиб борган, хамсанавислар меросларинигина эмас, балки шулар билан бир қаторда, улар диққат-эътиборидан четда қолган («кўзи тушмаган») манбаларни ҳам топиб, синчиклаб ўрганган. Шоирнинг қатъий ишончича, «Хамса»ни ёзишга киришишдан олдин худди шундай жиддий тайёргарлик ишларини олиб бориш шарт, акс ҳолда ёзилажак асар оддий такрор бўлиб қолиши табиий.

*Бурун жамъ эт неким бўлғай таворих,
Борида иста фархунда тарих,*

*Топилгай шояд андоғ бир неча сўз,
Сўз айтур элга ул ён тушмаган кўз.*

¹ Алишер Навоий. «Хамса», 639-бет.

*Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улусқа майли беандоза бўлғай.*

*Йўқ эрса назм қилғонни халойиқ,
Мукаррар айламоқ сендин не лойиқ.*

Шоир бундай тақлидий ишни ҳаммадан сўнг от чоптиришга, юрилган йўлдан юриб, эгалланган маррани қайта эгаллашга ўхшатади:

*Хуш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак!
Йўлеким, эл югурмишдур, – югурмак!¹*

Навоий бу юксак ижодий шартларни мукаммал ўринлатди ҳамда ўз она тилида ҳар жиҳатдан оригинал, ғоявий-бадий етук «Хамса» яратди. Унинг таркибий қисмини ташкил этувчи ҳар бир дoston («дафтар»)нинг мазмунан чуқур ва шаклан гўзал бўлиши йўлида катта ижодий иш олиб борганлиги ҳақида шоирнинг ўзи, жумладан, шундай ёзади:

*... Вале дер замон қайси бир дафтарин,
Сочиb баҳри андешанинг гавҳарин,*

*Анга зебу зийнатлар эттим фузун
Ки, васфи эрур шарҳ этардин узун.²*

Навоийнинг «Хамса» яратиш ишига дарҳол киришмаганининг яна бир жиддий сабаби шундаки, у илмий-ижодий тайёргарликдан ташқари катта ижтимоий-ҳаётий тажриба ҳам зарур, деб ҳисоблаган. Навоий, истеъдод соҳиби мамлакат турмуши ва жамиятдаги турли табақа-гуруҳларнинг интилишларини тушуниш, омманинг орзу-истакларини чуқур ҳис этиш билан, даврнинг етакчи майл-белгиларини, фикрий оқим-йўналишларини тўғри идрок эта билиш билан жузвий бирика олгандагина жиддий ижтимоий ва бадий аҳамиятга молик асар яратиш мумкин, деган ягона тўғри хулосага келган.

1460 йилларда эса Навоий ҳар қандай сиёсий ҳаётдан, ҳатто ижтимоий фаолиятдан четда эди. Гап шундаки, Абулқосим Бобур вафотидан кейин тахтни эгаллаган Абу Саид Мирзо Навоийни етарли кадрламадигина эмас, аксинча, унга нисбатан совуқ муносабатда бўлди. Оқибатда, Навоий расмий хизматни ҳам, пойтахтни ҳам тарк этиб, Самарқандга йўл олади. У ерда асосан мутолаа ва ижод билан шуғулланди. Худди шу йилларда, кейинчалик «Вақфия»да иқрор бўлганидек, ҳатто «қаноат бўрёсин маснад қилиб», «дунёдаги ҳар шуғлдин гўша тутуб» узлатга чекиниш ҳаёлларига ҳам борган.³ Ана шундай кезларда шоир, ўз ибораси билан айтганда, «бу навъ улуғ ишга», яъни «Хамса» яратишга «илик уриш»га журъат эта олмайди, турли «андеша» ва мулоҳазаларга боради, «яъс» умидсизликка тушади. Ўша кезлардаги бундай руҳий кайфиятига ишора этаркан, «Садди Искандарий»да шундай мисраларни битади:

¹ Ўша асар. 296-297-бетлар.

² Ўша асар, 297-бет.

³ А л и ш е р Н а в о и й . «Асарлар», 13-т., 161-бет.

*Гаҳи дебки, йўқ даҳли имкон мунга,
Тасарруф қила олмоқ инсон мунга.*

*Бу андеша кўнглумда қўймай қарор,
Ҳалок айлабон ажз ила изтирор,*

*Ўзумдин ишим яъси жовид ўлуб,
Ишимдин кўнгул доғи навмид ўлуб.¹*

Қисқаси, шарафли режанинг аслида реал ва бажарилиши мумкин деб ҳисоблаган Навоий тез орада унинг ўта масъулиятли эканлигини ҳам тўла-тўқис тушунган, ҳар жиҳатдан жиддий тайёргарлик зарурлигини ҳам тасаввур қилган:

*Эмас осон бу майдон ичра турмак,
Низомий панжасига панжа урмак.*

*Керак шер оллида ҳам шеру жанги,
Агар шер ўлмаса, бори паланги.²*

Ва шу боисдан ҳам «бу махозин тилисмотини» эгаллашга ҳовлиқмаган, лекин ҳар доим шу орзуда юрган:

*Десам тарк этай, қўймайин ҳимматим,
Десам зўр этай, етмайин қувватим.³*

* * *

... 1469 йилда Султон Ҳусайн Бойқаронинг тахтга келиши ҳамда Навоийнинг саройга таклиф қилиниб, энг олий мансаблардан бирига тайинланиши шоирнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга аралашмай, «тажарруд» (узлат)га чекиниш ниятларига жиддий таҳрир кiritди. Эндиликда шоир бутун Хуросон ва Мовароуннахрнинг энг йирик жамоат ва сиёсий арбобларидан бирига айланди ва то вафотига қадар ана шу катта ўлканинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига, давр ижтимоий онги шаклланиши ва тараққиётига ўзининг жиддий таъсирини кўрсатди. Шу билан бирга, ўттиз йилдан ортиқ давом этган бу фаолият ижодкор учун ҳаводек зарур ҳаёт мактаби ҳам бўлди. Шоир катта ўлканинг кундалик ҳаёти билан, ўша жамиятни ташкил этувчи турли табақа ва гуруҳларнинг яшаш шароитлари, орзу-интилишлари, ҳавас-умидлари билан дарду-ҳасратлари, қайғу-ташвишлари билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлди, юқори доиранинг, шоҳ, ҳоким-амалдорларнинг шафқатсиз ва зўравонлиги, таъмагир ва порахўрлигининг гувоҳи бўлди, сарой аҳлининг мунофиқлиги ва ахлоқий бузуқлигини, олий даргоҳдаги маишатпарастлик ва доимий фитна-фужурни, омма нигоҳидан яширинган бўлак иллатларни кўрди. Ўз таъбири билан айтганда, «замонанинг иссиқ-совуғини кўруб, жаҳоннинг аччиқ-чучугини тотди», «олам

¹ «Хамса», 639-бет.

² «Хамса», 158, 845-бетлар.

³ «Хамса», 158, 845-бетлар.

аҳлидин ҳар навъ элга ўзини етқурди», «яхши-ямоннинг афъолини билди ва ёмону яхши хислатларин тажриба қилди».¹

Бу ўринда биргина мисол билан чекланамиз. Навоий 1482 йилда яратган «Вақфия» асарида Ҳусайн Бойқаро саройига чақирилгандан кейинги ўтган йилларга ҳисобот берар экан, асосан, ўзининг давлат арбоби сифатидаги ижтимоий фаолияти ҳақида сўз юритади, жумладан, мамлакат, эл, ҳукмрон табақа ҳақидаги қарашларини баён этади:

*То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

«Эл шод» ва «мамлакат обод» бўлиши ҳақидаги илғор қараш, авваламбор, «Вақфия»дан бир йил кейин ёзишга киришилган «Хамса» дostonларида кенг бадий миқёсда ҳаётий далиллар ва ёрқин мисоллар билан ёритилади. 60-йилларда эса, Навоийда сарой аҳли ҳақида бу қадар кескин салбий муносабат, мамлакатни бошқариш усуллари тўғрисида бу қадар илғор ва халқчил қарашлар узил-кесил шаклланган эди, дейиш қийин, албатта.

Равшанки, Навоий ўз даврининг фарзанди, ўша замон ижтимоий онг намояндаси сифатида жамиятдаги синфий бўлинишни, улар ўртасидаги муросасиз курашни кўра олмаган. Лекин шуниси муҳимки, шоир ўша жамият аъзоларига умуман эмас, балки конкрет ёндошишга ҳаракат қилган. У мавжуд жамият кишиларида манфаат ва орзулари, фикр ва интилишлари жиҳатидан тафовутлар мавжудлигини англаган, улар ўртасидаги зиддиятларни кўрган. Файласуф шоир ўзига замондош кишиларнинг кун кечириш, яшаш шароитлари, моддий бойлик ва фаолият-интилишлари тенг эмаслигини, улар ўртасида катта тафовут мавжудлигини қайд этган. Бу жиҳатдан «Вақфия» даги қўйидаги парча жуда характерли. Унда Навоий ўз ижтимоий фаолиятида иш юзасидан тўқнашган кишилар тўғрисида сўзлар экан, улар жамиятнинг турли табақаларига мансуб эканликларини, моддий бойлиги ва турмуш шароитларига кўра бир-биридан кескин фарқ этишларини алоҳида таъкидлаб ўтади:

“Бири улуғ, эътиборли («акобиру изом»), бири уй-жойи нотайин, фақир («сойир авом»), бири амирлик мансабида базм қуриб, айш-ишратда, бири хўрликда ожизона кун кўради; бири чексиз ер-сувлар, дон-дунлар тўла омборлар эгаси, бири икки букулиб оқшомга-ча бир кафт бошоқ донни териб кун кечиради; бирининг тўда-тўда қўйлари бор, йилига минг-минглаб қўзилар олади – бири қуп-қуруқ, йўқсизликда...”

Бу каби парчалар Навоий бадий ижодидаги, жумладан, «Хамса» дostonларидаги ижтимоий оҳангларнинг илдизларини чуқур англашда, улар ўша жамият ва замон билан муштаҳкам боғлиқ эканлигини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Навоий мамлакатнинг энг нуфузли давлат ва жамоат арбоби сифатида саройдаги лавозими ва катта обрўсидан фойдаланиб, имкон доирасида «эл фаровонлиги ва улус ободлиги» йўлида хизмат қилди.

Бундай амалий-ижтимоий фаолият Навоий дунёқарашини тобора халқчиллаштирди, тузум ва жамият иллатларини, шахс табиати ва фаолиятидаги нуқсонларни равшанроқ кўришга, замондаги ҳукмрон салбийликни янада чуқурроқ ҳис этишга замин бўлди.

¹ Алишер Навоий. «Асарлар», 12-том, 7-8-бетлар.

* * *

Навоий ўша 1483 йилдаёқ (ҳижрий 888 й.) ҳар бири айрим ҳолда ҳам бир миллий адабиётнинг ғурури бўла оладиган Буюк Бешликнинг биринчи достони бўлмиш «Ҳайрат ул-аброр»ни тугатди. Борлиқ-Коинот ва Инсон-Мавжудот ҳақидаги, Ҳаёт, Жамият ва ундаги турли ижтимоий табақалар тўғрисидаги илғор фалсафий-ахлоқий қарашларини бадий ифодаловчи бу дoston билан Навоий бутун «Хамса»нинг мустаҳкам пойдеворини қурди, унинг ғоявий-бадий йўналишини, тўла халқчил ва чин инсонпарвар моҳиятини белгилади.

Айтиш керакки, Навоий қанча ҳаракат қилмасин, барибир, ижодий иш учун ўзи орзу этган идеал шароитга эриша олмади. Шоирнинг асосий вақтини ҳамон ижтимоий ишлар, турли-туман юмушлар билан қабулига келувчи кишилар ҳамда уларнинг ўринли-ўринсиз илтимослари банд этар эди. «Ҳайрат ул-аброр»нинг якунловчи бобида худди шулар ҳақида ҳам сўз борадики, бундан Навоийнинг бу масалага жиддий аҳамият берганлиги равшанлашади. Чиндан ҳам, «кунига юз байт айтишни ўзига ҳалво» деб билган шоир ачиниб:

*Айтурига чунки қўюлди қўнгул,
Айтмай ўн байт тутулди қўнгул*

*Ким, бор эди бошима қўп меҳнатим,
Йўқ эди бош қошиғали фурсатим!¹*

деб тан олишга мажбур бўлган. Дoston устида ишлаш жараёнида улус ташвиши ва эл жабри-можаролари ниҳоятда банд этганини таъкидлаган шоир, уйимга келган киши кетишни ўйламайди ҳам, устига яна икки тўда одам келмагунча биринчи тўда ўрнидан қўзғолмайди ҳам, деб чиройлик муболаға қилади:

*Бир дам улус меҳнатидин ком йўқ,
Бир нафас эл жавридин ором йўқ.*

*Келгучи бу хаста ғамободиға,
Кетмаги худ келмай анинг ёдига.*

*Бир сурук албатта қўруб кетмайин,
Токи бурун икки сурук етмайин...²*

Навоий «Хамса»нинг биринчи достонини тугатганда энди 42 ёшга тўлган эди. Аммо шоирнинг соғлиги шу ёшлардаёқ унча яхши бўлмаган. Ҳар ҳолда Навоий «Ҳайрат ул-аброр»ни ёзиш жараёнида ижтимоий-хайрли ишлар билан бандлиги қаторида ўзининг касаллиги ҳақида ҳам сўзлайди, бетоблик ҳам ижодий иш суръатига тўсиқ бўлганлигини айтади:

¹ «Хамса», 141-бет.

² Ўша ерда.

*Заъфи табиий худ ўлуб бир сори,
Борчалари бир сори, бу бир сори.¹*

Навоий зудлик билан бирин-кетин яратган ҳар бир достонида вақтнинг зиқлигини таъкидлаб ўтади, элу юрт ташвишлари ижодий ишга мунтазам халақит беришлигидан шикоят қилади. 1484 йилда якунланган «Фарҳод ва Ширин»да эса яна Султон Ҳусайн Бойқарога мурожаат қилиб, «қаламни тезроқ юргизиш, рақамни равонроқ торта олиш учун» ҳар қандай вазифалардан («ашғол») озод этишни илтимос қилади:

*Фароғат кунжида бир гўша тутсам,
Мени эл, мен доғи элни унутсам!*

*Бори ашғолдин шаҳ тутса маъзур
Ки, бўлсам сўз демоқ шуғлига маъмур!²*

Навоийнинг «Хамса»ни тезроқ тугатиш масаласига бу қадар жиддий аҳамият бериши, шубҳасиз, тасодифий эмас. Шуниси аниқки, шоир оғир шароитларда ҳам катта суръат билан ишлаган, улкан режани тезроқ якунлашга интиланган. «Лайли ва Мажнун»нинг хотима-сидаги мана бу мисралар асарнинг муваффақиятли якунидан (1484 й.) мамнун муаллиф кайфиятидаги кўтаринкиликни ифодалайди:

*Эй боди сабо, қарор тутма,
Тинмоқни мизожингга ёвутма!*

*Кез кишвару тоғу дашту води
Етмай қўйма жаҳон саводи!*

*Ишқ аҳлига даҳр аро нидо қил!
Бу қисса тугонганин адо қил!³*

1484 йил Навоий учун чиндан ҳам сермахсул бўлди. Шоир шу йили беш минг байтдан кўпроқ бўлган «Сабаъи сайёр»ни ҳам ёзиб тугатди ва «Хамса»нинг энг йирик достони «Садди Искандарий»ни бошлади. Худди шу асарида Навоий «Хамса» ёзиш орзуси ёшлик йилларидаёқ «улуғ муддао» бўлиб дилига жойлашганини сўзлайди, йигитлигида бу масалада фикри узил-кесил қатъийлашиб, ғайри расмий бўлса-да, ўзи оғиз очганига аниқ ишора этади. «Садди Искандарий»нинг охирида бу гапга алоқадор бир неча байтлар мавжуд. Уларда Навоий «Хамса» яратиш жараёни ҳақида сўзлаб, барча дostonлар икки йил ичида ёзиб тугатилганини айтади. Аммо шу ўриннинг ўзидаёқ, шоир бунга жиддий бир тузатиш киритади: кўрсатилган икки йил биринчи дoston билан сўнгги дoston якунланиши оралиғидаги умумий муддат бўлиб, унинг асосий қисмини ижодий иш эмас, балки ижтимоий

¹ Ўша асар, 142-бет.

² Ўша асар, 335-бет.

³ Ўша асар, 453-бет.

ишлар банд этган: агарда мазкур достонларни ёзишга бевосита сарфланган вақтнинг соф ўзини ҳисобга олинса олти ойга ҳам бормайди.

*... Сангаким, йўқ эмгакда ғоят падин,
Улус меҳнатидин ниҳоят падин.*

*Қилиб тонгдин оқшомгача қийлу қол,
Юзунгга етиб ҳар замон юз малол.*

*Ўзунг тинмайин халқ ғавғосидин,
Қулоғинг – халойиқ алоласидин.*

*Бу меҳнатлар ичра чекиб сўзга тил,
Замондин каму беш ўтуб икки йил,*

*Чекиб хома бу нома итмомига,
Етқургайсен оғозин анжомига.*

*Ки, аҳли муҳосиб шитоб айласа,
Дейилган замонин ҳисоб айласа,*

*Йиғиштурса бўлмас бори олти ой
Ки, бўлдунг бу раънога суратнамой!¹*

Ҳа, шоирнинг таъкидича, эллик бир мингдан кўпроқ мисрани жамлаган Буюк Бешлик олти ойга етар-етмас вақт ичида бунёд этилган. Гарчи Навоийнинг бу таъкидига шубҳа билдиришга ҳеч қандай асос бўлмаса-да, айтиш мумкинки, худди шу ўринда у «шоирона лоф»га бироз эрк бергандир. Сирасини айтганда, олти ойми ёки икки йилми – бу принципиал масала эмас. Аслида, икки йил ҳам «Хамса»дек даҳо асар учун фавқулодда қисқа муддат эканлиги шубҳасиздир. Аммо гап фақат катта суръат хусусида эмас. Балки, бу асарларнинг қарийиб беш юз йил давомида жаҳон адабиётининг анг гўзал, энг етук намуналари қаторида илғор инсониятга хизмат этиб келаётганидадир. Йигитлик йилларидаёқ тугал «Хамса»ни «халойиққа кўргузиш» режасини тузган улўғ шоир ўз асаридан, аввало худди шуни умид қилган эди:

*Деганимни улусқа марғуб эт!
Ёзгонимни кўнгулга маҳбуб эт!*

*Халққа зеби торак айла ани!
Ўқуғонга муборак айла, ани!*

*Етти афлокни анга ёр эт!
Етти иқлим элин харидор эт!²*

¹ Ўша асар, 847-бет.

² Ўша жойда.

«ХАМСА»НИНГ ИЖТИМОЙ МОҲИАТИ

«Хамса» дostonларида биз, аввало, инсон шараф-ғурурини, эрк-хуқуқини, юксак инсоний фазилатларни етук бадийлик билан улуғлаган, зулм ва зўравонликни инкор этиб, севги ва садоқатга мадҳ ўқиган буюк гуманист ва даҳо ижодкор Навоийни кўрамыз. Уларда золим ҳукмдорларни лаънатлаб, одил ва ориф шоҳ ғоясини олға сураётган, уруш-қирғинларни қоралаб, дўстлик-ҳамкорликни тарғиб этаётган, мамлакат ободлиги ва эл-улус фаровонлиги устида қайғурувчи йирик давлат арбоби мутафаккир Навоий билан, ўз она тилининг обрў-эътиборини ҳимоя қилиб, унинг чексиз бойлиги ва кенг имкониятларини амалда исбот этишга киришган оташин ватанпарвар Навоий билан учрашамиз. Бу дostonларнинг барчасида ёвузлик ва ёмонлик билан, пасткашлик ва риёкорлик билан келиша олмайдиган одил ва ҳақгўй, эзгулик ва яхшиликни, софдиллик ва тўғрилиқни куйловчи халқпарвар ва олийжаноб муаллиф «Мени» актив ҳаракат этади. Мана шу жиҳатдан ҳам бу дostonларни аввалги «Хамса»ларнинг айнан такрори деб бўлмайди. Профессор А. Ҳайитметов ҳақли таъкидлаганидек, «Навоий «Хамса»сини адабий анъаналар маҳсули деб қараб, унинг яратилишини текширганда, адабий факторларни биринчи планга қўйиш асло мумкин эмас... «Хамса», аввало, шоирнинг ўз даврига, шу даврнинг ижтимоий масалаларига муносабатини кенг ва чуқур ифодаловчи улкан бадий асар сифатида майдонга келди».¹

Навоий «Хамса»си фақат адабиётдаги воқеа бўлиб қолмай, балки даврнинг маданий-сиёсий ҳаётида ҳам, жамият ижтимоий онги тараққиётида ҳам катта ҳодиса бўлди. Бугина эмас, Навоийнинг «Хамса»си ўша конкрет тарихий шароитда улкан Хуросон ва Мовароуннаҳр миқёсида аниқ ижтимоий-сиёсий аҳамият ҳам касб этди. Гап бу даҳо асарнинг Навоий томонидан туркий тилда яратганлиги ҳақида бораётир. Бутун Ўрта Осиё ва Хуросонда XV аср иккинчи ярмида шаклланган иқтисодий-сиёсий аҳволотни назарда тутиб, шуни айтиш мумкинки, Навоийнинг туркий (эски ўзбек) тилда «Хамса»дек монументал асар яратиши ижтимоий-сиёсий зарурат меваси сифатида майдонга келган биргина умуммиллий маданият ва адабиёт ривожигагина эмас, балки айни замонда Ҳусайн Бойқаро давлатининг мустақамланиши ва обрўсининг орта боришига ҳам бевосита хизмат қилган. Султон Бойқаро маҳсус рисола ёзиб, Навоий «Хамса»сининг якунланишига кенг тўхташи, айниқса, унинг она тилида ёзилганлигидан бениҳоя мамнунлигини чуқур қониқиш билан таъкидлаши бежиз эмас эди. Унинг иборасича, Навоий ўз «Хамса»си билан «турк тилининг ўлган жасадига Масиҳ анфоси била руҳ кюрди».² Бу жуда муҳим моментни Бойқарогагина эмас, ўша замоннинг йирик фан-маданият ва давлат арбоблари ҳам қайта-қайта қайд этиб ўтганлар. Навоийнинг ўзи ҳам масаланинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини шаксиз чуқур ҳис қилган. У «Хамса»нинг кўп ўринларида фахр ва ғурур билан бу ҳақда сўз очади, катта ўлка ва ундан ташқарида, ўз таъбири билан айтганда, «Хитодин то Хуросон» ва «Шерозу Табриз»ларда яшаётган миллион-миллионларга тушунарли тилда биринчи бўлиб шундай асар яратиш бахти ва масъулияти ҳақида кўтаринки мисралар битади.

Шоирнинг таъкидича, Низомий ва Хисрав Дехлавий каби даҳолар яратган адабий хазиналардан форсча билмаган туркий халқлар («атроқ») асрлар давомида маҳрум бўлиб келганлар.

¹ А. Ҳайитметов. «Табаррук излар изидан», Т., 1979, 32 – 34-бетлар.

² Ҳусайн Бойқаро, «Девон. Рисола.» Т., 1968, 161-бет.

*Форсий билган айлади идрок,
Лек маҳрум қолдилар атрок –*

деб ёзган шоир бошқа бир ўринда ўша асарларни назарда тутиб:

*Чунки форсий эди нуқта шавқи
Озроқ эди анда турк завқи¹*

дея афсусланади. Худди шунинг учун ҳам Навоий она тилида «Хамса» яратишни ижтимоий зарурат деб билади ва бунда, авваламбор, «турк элига баҳра бўлишини», «турк улуси доғи маҳзуз (шодланиш, завқланиш – А. А.) топишини» назарда тутаяди, бу масалага аниқ сиёсий аспектда ёндашиб, туркий халқларнинг нуфузи орта бораётганлигига ишора этади:

*Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасона ҳикоят*

*Ким, шуҳрати чун жаҳонга тўлғай,
Турк элига доғи баҳра бўлғай!*

*Невчунки, букун жаҳонда атрок
Кўндур, хуштабъу софий идрок!²*

Юқоридаги фикрлардан англашиладики, она тилида «Хамса» яратиш шахсий имконият ва ташаббус доирасидан юқори кўтарилиб, ўша конкрет тарихий шароитда мамлакат ҳаёти ва жамият тараққиёти тақозосига кўра реал сиёсий аҳамиятга ҳам эга бўлган ижтимоий заруратга айланган эди.

Равшанки, тил хусусиятларининг ўзигина асарнинг бутун ижтимоий моҳияти ва шуҳратини белгилаб бера олмайди. У тарғиб этаётган ғоявий мазмуннинг китобхон онгига тўла ва бадиий етук шаклда етиб боришини таъминловчи воситадир. Худди шунинг учун ҳам улуғ шоир ўз асарларини миллион-миллионларни ташкил этувчи туркий халқларга тушунарли бўлган тилда яратар экан, биринчи навбатда, уларга манзур келишини, улар кўнглига йўл топиб, дилига ҳам жо бўлишини орзу қилади. Шоир, жумладан, «Хамса» дostonларининг тақдирига бефарқ қарай олмайди, у «етти иқлим халқларининг» кўнглига «маҳбубу марғуб» тушган энг азиз мулкга айланиб, севиб ўқилишини, ардоқланишини хоҳлайди, уларга маънавий озуқа бериб, руҳан бойитишидан очиқ-ойдин манфаатдорлик билдиради.

«Сабъаи сайёр» достони якунида баён этилган бу гапларда умуман «Хамса»нинг аниқ ижтимоий мақсад билан – халқ учун ёзилгани ва унга маъқул бўлиб «баҳра» олиши назарда тутилганлигини яна бир карра таъкидланади.

* * *

Хамсачилик талабларига амал қилган ҳолда Навоий ҳам ўз дostonларида анъанавий мавзуларга қўл урди. Аммо бу анъанавий ҳикоят ва ривоятлар орқали ўз даври масала, муаммоларини ёритди, уларга жавоб излади. Худди шунинг учун бўлса керак, шоир бир

¹ «Хамса», 454-бет.

² Алишер Навоий. «Хамса», 454-бет.

неча ўринларда мақсад ўтмишда салафлар томонидан тилга олинган афсона-ривоятларни баён қилиш эмас, балки, улар айтилажак хулоса-ғояларга фақат бир «либос» – воситадир, деб таъкидлайди. Чиндан ҳам, Навоий Фирдавсий, Низомий ва Хисрав Деҳлавийлар томонидан ишланган Хусрав ва Ширин, Лайли ва Мажнун, шоҳ Баҳром ва Искандар мавзуларини қаламга олар экан, авваламбор, ўз замонаси ҳодисаларини, ўзига замондош шахслар муаммолари ва характерларини, ўй-истаклари ва интилишларини, ўзи яшаётган жамият жумбоқларини тасвирлайди, ўз даври ҳаётини ёритади, улар воситасида ўз ғоя ва қарашларини, баҳо ва муносабатларини баён этади. Айтайлик, «Ҳайрат ул-аброр» достонига киритилган Ҳотам тойи ва ўтин терувчи чол ҳикоятдан бош мақсад қачонлардир жуда саҳий, очиққўл бой ўтганлигини ўқувчиларга маълум қилиш эмас, албатта. Саховат ва меҳр-шафқатни маъқуллаш қаторида шоир бу мўъжаз ҳикоятда жуда катта ва ўз даври учун ҳам актуал ғояни – ҳалол меҳнатнинг кишини маънавий юксакликка кўтаришини аниқ мисолда кўрсатади, таъмагирлик ва текинхўрликни қоралайди.

Шу муҳимки, шоир «бир қучоқ тиканни орқасига юклаган», унинг оғирлигидан икки букчайиб «асо»га суяниб қолган ўтинчи чолнинг ўзига нисбатан руҳан бой ва олийжаноб эканини Ҳотам тойининг ўз-ўзига иқрор қилдиради:

... Мендин анинг ҳиммати афзун эди!

Худди шунингдек, достондаги «Шер ва Дуррож» масалидан мақсад ҳайвонлар ўртасидаги ўзаро муносабатни кўрсатиш эмас, албатта. Шоир аслида ўз давридаги жамият аъзолари ўртасидаги муносабатга киноя қилади, ўзига замондош реал шахслар табиатидаги айрим ёмон хислатларни танқид қилади. Ёлғон сўзлашга одатланган Дуррожнинг ўз бошига ўзи етиши ва шунингдек, «Садди Искандарий»даги ёлғончининг чиндан ҳам уйи куйиши тасвиридан тўғрилиқ ва ростгўйликка даъватни уқиб олиш қийин эмас.

Бу зикр этилган ҳикоят ва масалларда улуғланган меҳнатсеварлик ва олийжаноблик, тўғрилиқ ва ростгўйлик бутун «Хамса» достонларида олға сурилган комил инсон тўғрисидаги Навоийнинг ягона концепцияси қирраларининг айрим кўринишларидир. Меҳнатсевар ва одил, шафқатли ва олийжаноб, ҳалол ва одобли, фозил ва софдил, мулойим ва камтарин, халқпарвор ва саҳий, содиқ ва вафодор, қисқаси, маънавий ва руҳан баркамол Инсон – Навоийнинг ўша давр ва ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ орзуси эди.

* * *

*Хушдурур боғи коинот гули,
Борчадан яхшироқ ҳаёт гули,*

дея «у дунё» тушунчасига «бу дунё»ни – реал борлиқни, ҳаётни қарши қўйган Навоий фикрича, инсон мутлақ борлиқнинг ҳосиласи, энг олий мевасидир. Худди шу маънода у «мавжудотнинг тожи», «барчанинг сарвари» ва «шарафи»дир. У жамиятда камол топиб, жамият учун яшаши керак. Шунинг учун ҳам унинг шахс сифатида қандай шаклланиши, қандай фазилят ва хислатларга эга бўлиши жуда муҳимдир. Инсонни белгиловчи, унинг фаолиятини белгиловчи ўлчов эса, Навоийнинг ўз таъбири билан айтганда, Одамийликдир. Бу сўзга файласуф шоир ўз орзусидаги Инсонга хос бўлган барча ижобийликни, фазилят ва

эзгуликни жамлайди. Навоийнинг комил инсон ҳақидаги идеали ва унинг моҳиятини ташкил этувчи одабийлик концепцияси «Хамса» дostonларида олға сурилиб, ғоявий асосланади ҳамда турли-туман ҳаётӣй ва бадий лавҳалар орқали ёритилади. Навоий ҳар доим ва ҳар бир ҳолатда, жамият аъзоларига ҳамда уларнинг амалӣй-ижтимоӣй фаолиятларига баҳо-муносабат билдирар экан, уларни қайси табақа-гуруҳларга мансуб эканликлари ёки бойликларига эмас, балки, аввало, комил инсон ҳақидаги ўз ақидаларига мос келиши (ёки зидлиги), чин маънодаги инсонӣй хислат-фазилатларга эга бўлиш (ёки бўлмаслиги), инсонӣй бурч-вазифаларини ҳалоллик билан бажариш (ёки бажармаслиги) кабиларда қарайди ва намоён бўладиган Одабийлик даражаси нуқтаи назаридан ёндошади. Ёнг муҳими шундаки, шоир Одабийликни ижтимоӣй бурч сифатида тушунади ва талқин этади.

Бу ғоя «Ҳайрат ул-аброр»даги машҳур:

*Одами эрсанг демагил одами,
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами*

ҳикматида ниҳоятда ихчам ва конкрет баён этилган. «Хамса» ижобӣй қаҳрамонларининг бири номидан битилган:

*Манга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам – ушбу басдур, –*

мисраларидан ҳам равшанки, Навоий жисмонӣй белгини назарда тутмайди. «Одам» бу ўринда ҳам катта ҳарфлар билан ёзиладиган етук комил инсон маъносидадир.

Таъкидлаш лозимки, Одабийлик ва камолот касб этган Инсон тушунчасига Навоий жуда катта фалсафӣй-ижтимоӣй маъно юклайди. Бу номга муносибликнинг бош шартӣ, биринчи байтда қатъӣй ва лўнда таъкидланганидек, халқпарварлик, халқ ғамини ейиш, у учун хизмат қилиш, унинг бахту саодати ҳақида қайғуриш, кенг омма манфаатларини кўзлашдир. Бу эса, ўз навбатида, конкрет инсонӣй фазилатларнинг (одиллик, ҳалоллик, софдиллик, меҳр-шафқат, садоқат, олижаноблик...) жамъ бўлишини тақозо этади:

*Улки, киши ўлмакидин шод эрур,
Гўркану ғосилу жаллод эрур.*

Навоий кишиларни халқпарварликка, элга нафъ етказишга, инсонни қадрлаш, зъозлашга даъват қилар экан, бундай халқчил фаолият шахсининг ўзини маънавий юксакликка кўтаришини, унинг ўзига ғурур ва қониқиш бахш этишини таъкидлайди:

*Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки, бу нафъ ўзунгга кўпрак дурур.*

Ва, аксинча, элга зиён келтиришга уриниш, кўпчилик манфаатларига зид, худбинликда яшаш шахсни тубанликка улоқтиради, унинг ўзини камситади:

*Улки, зарар шевасини тавр этар,
Элга демаким, ўзига жавр этар.*

Навоий талқинича, етук, камолотга эришган Инсон биз кўриб ўтган белгилардан ташқари яна қатор ижобий фазилатлар соҳиби бўлиши керак. Булар орасида шоир, ҳаё ва одобни Одабийликнинг муқаддас белгиларидан бири сифатида алоҳида таъкидлаб ўтади. Ҳамма нарса, жумладан, шахснинг қадр-қиммати, обрў-эътибори пул билан, бойлик билан, жамиятдаги тутган мансаб-мартабаси ва насл-насаби билан ўлчанадиган бир замонда Навоий батамом илғор тушунчаларни олға сурди, «Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд!» деб хитоб қилди. Шоирнинг таъкидига кўра, шахсни ҳаё ва юксак адаб шарафлайди:

*Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёю адаб!*

«Хамса»да олға сурилган баркамол Инсон концепциясининг муҳим бир шарти шахснинг ота-онага иззат-икром билан муносабатда бўлишидир. Навоий Инсон камолотини ота-онани эъзозлаши, чуқур ҳурмат қилиши, хизматлаърини сўзсиз бажариши билан ҳам белгилайди:

*Бошни фидо айла ато қошиға.
Жисми қил садқа ано бошиға!–*

деб ёзган шоир таъкидича, «уларнинг бири ой, бири қуёшдир!»

Шоир баркамол Инсон ва одабийлик концепциясининг шарт-талабларига жавоб бера оладиган кишиларни орзу қилади ҳамда ўз ижобий қаҳрамонларини, аввало, шу тарзда тасвирлайди. Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Искандар ва Фаррух, Ўтинчи чол ва Меҳинбону, Шопур ва Навфал кабилар улус ободлиги ва эл фаровонлиги учун жасорат кўрсатувчи, зулм ва ҳақсизликка қарши курашувчи, инсоний эрк-ҳуқуқни ҳимоя қилувчи олийжаноб ва адолатли, шафқатли ва софдил, вафодор ва содиқ, меҳнатсевар ва ҳалол шахслар сифатида хамсахонлар қалбидан жой олади. Чуқур гуманизм ва қизғин ҳаётсеварлик уларнинг етакчи фазилатларидан биридир. Уларнинг эътиқодича, «бир кичик хужра бузулса», нурафшон қаср бунёд этилиши, бир шамъ ўчса, тўлин ой чарақлаб порлаши, бир гул сўлса, бутун-бутун гулшанлар пайдо бўлиши керак:

*Гул борса, чаманга бўлмасун дард,
Кун ботса, фалакка етмасун гард,–*

дея нидо қилади Лайли.

Комил инсон тўғрисидаги гуманистик концепциядан жамиятдаги иккинчи гуруҳнинг ҳам бош белгиси аниқланади. Бу гуруҳ биринчи гуруҳ акси бўлиб, унинг асосий белгиси халқ орзу-интилишларидан, халқ ғами-ташвишидан четда туришлик, худбинлик, зулм, зўравонлик йўлига киришлиқдир.

Навоий таъкидича, уларни асло Одам қаторига киритиб бўлмайди, уларда «Одабийликдан асар ҳам йўқ». Жамиятдаги ана шу Одам-сувратлар гуруҳини Навоий бутун ижодида,

айниқса, «Хамса» дostonларида аёвсиз қоралайди. Бу файласуф шоир дунёқарашининг энг муҳим нуқталаридан биридир.

*Мунглуғ мену мунг била наёмим,
Мунглуғ кишилар сўзи – каломим,*

деб ёзган шоир, айнақса, оддий халқ вакиллари, эзилган табақа намояндаларини катта муҳаббат ва самимият билан тасвирлайди. «Ҳайрат ул-аброр» дostonидаги ўтинчи чол ва Ҳотам ҳикоятини яна бир бор эслайлик. Унинг мағзига ҳалол меҳнат ва ахлоқий поклик кишини улуғлайди, деган илғор ғоя сингдирилган. Халқ оғзаки ижодига бориб тақалувчи бу ҳикоятда жамиятдаги бири-бирига зид икки ижтимоий табақа вакиллари – Ҳотам ҳамда камбағал чол бевосита юзлашадилар. Шуниси муҳимки, шоирнинг бутун меҳри ана шу меҳнат кишиси тарафида: у сахийлик ва очиққўлликни даъво қилаётган шахсдан беқиёс даражада устун қилиб тасвирланади. Натижада, бу образ ўқувчилар қаршисида ҳалол ва покиза қалб соҳиби сифатида баркамол ва нурли гавдаланади. Ҳикоят «Хамса»даги барча дostonлар каби ҳозирда ҳам ўзининг ахлоқий-таълимий аҳамиятини йўқотган эмас. Ҳалол меҳнатдан қочиб текинхўрлик билан яшашга интилаётган айрим шахсларга, ҳаром-хариш йўллар билан тўпланган бойликни сочиб, енгил-елпи шуҳрат ортидан югурувчи «ҳотамтойлар»га у кучли танбеҳ ва огоҳлантирувчи ибрат сифатида янграйди.

* * *

Навоий ижодининг, жумладан, «Хамса» дostonларининг ижтимоий моҳияти, ўз даври руҳи, тарихий шароит, сиёсий-иқтисодий воқеа-ҳодисалар билан мустаҳкам алоқаси, айнақса, ундаги танқидий-ҳажвий йўналишда равшан юзага чиқади.

Шубҳасиз, Навоий борлиққа бефарқ ёки умидсиз муносабатда бўлган эмас. Ҳаётсевар шоир борлиқ ва ижтимоий ҳаётдаги ижобийликни кўрган ҳамда ўз асарларида қайд этган. Айтайлик, Улуғбекнинг шахс ва йирик олим сифатида улуғланиши, истеъдодли ва юқори ахлоқли замондош шоир ва санъаткорларга, олиму фозиллар ва ҳунар эгаларига самимий ижобий баҳо-муносабат билдирилиши, айнақса, Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммадлар ҳаёти ва фаолиятларига, улардаги чин инсоний фазилатларнинг васф этилишига бағишланган «Хамсат ул-мутаҳаййирин» ва «Ҳолоти Саййид, Ҳасан Ардашер» каби асарларнинг ёзилиши бу фикримизнинг исботидир. Аммо шоир ижодича, феодал жамият иллатларини фoш этиш, мавжуд тузумдаги адолатсизлик ва зўравонликни қоралаш, «замона аҳли»нинг жабру зулмидан, фисқу фасодидан шикоят қилиш етакчи ўринда турадики, бу ўша тузумнинг объектив моҳияти билан изоҳланади. Чиндан ҳам, у замонда салбийлик ижобийликдан устун эди, шоирнинг ўз ибораси билан айтганда, «ёмонлик, қабоҳат кўпрак» эди. Навоий «Бу оламда ҳаёт кечириш мумкин эмас, Худо уни яшаш учун мувофиқ қилиб янгидан яратиши керак», деган ўта исёнкор фикрни ўз ғазалларидан бирида бежиз айтмаган:

*Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,
Ҳақ магарким, ком учун боштин ёротқай оламе!*

Шоирнинг бутун ижодида етакчи ўринга кўтарилган танқидий йўналишда давр ижтимоий ҳаёти, ижтимоий онг, жамиятдаги табақа-гуруҳлар ва уларнинг яшаш шароитлари, орзу-интилишлари билан боғлиқлик, айниқса, кўзга равшан ташланади.

Садриддин Айний «Хамса»нинг шу хусусиятини назарда тутиб, Навоий «достонларидаги салбий типларни ўз замонасидан олган ва уларга қарама-қарши қилиб ўз ҳаёл ва орзусидаги ижобий типларни яратиб, тақлид ва ибрат намунаси сифатида берган»¹, деб таъкидлайди.

Чиндан ҳам, «Хамса» достонларида элга зулм этувчи, мамлакатни хонавайрон қилувчи золим шоҳ ва унинг амалдорларининг кирдикорларини чизишда, қирғинбарот урушларни қоралашда, ёвузлик ва қабоҳатни, пасткашлик ва риёкорликни, зўравонлик ва ҳақсизликни фош этишда Навоий ўз даври материалларига, ўша жамият, феодал тузум берган аниқ мисолларга асосланди; у тирик золимларни, ўзи гувоҳ бўлаётган уруш-қирғинларни назарда тутди, кўз олдида юз бераётган воқеа-ҳодисалардан ибратли хулосалар чиқарди. Бу қоралов ва танқид, инкор ва фош этиш асло анъанавий бўлмай, шоирнинг баркамол инсон ҳақидаги ижобий тушунчалари заминида вояга етган одил замон, фаровон ҳаёт, одил шоҳ, обод юрт тўғрисидаги орзуларидан озиқланган. Етук инсон васфи билан разил шахс танқиди ўртасида ўзаро мустаҳкам бирлик бўлганидек, одил шоҳ ва инсофли амалдорлар тасдиғи билан золим ҳукмрон ва зўравон амалдорлар инкори ўртасида мантиқий боғланиш мавжуд: одил, ориф, халқпарвар ҳукмдорларнинг мадҳи, маъқулланиши мантиқан золим, адолатсиз шоҳларнинг танқиди, инкоридир ва аксинча! Бу, умуман, Навоий ижоди учун хос бўлган жиддий ижобий ҳодисадир: ёвузлик зиддида эзгулик, ёмонлик зиддида яхшилик, жоҳиллик зиддида фозиллик, пасткашлик зиддида олийжаноблик тарғиб этилади. Таъмагир, хасис, очкўз, фосиқ, худбин, фирибгар шахслар фош қилиниши билан бирга оқил, содиқ, шафқатли, ҳалол, сахий кишиларнинг мадҳ этилиши Навоий дунёқарашининг етук нуқталаридан бири бўлиб, шоир ижодига замонавийлик ва чуқур ижтимоийлик бахш этади.

Бу фазилат, айниқса, «Хамса» достонларида – йирик асарларда кенг кўламда юзага чиққан. Одил шоҳ ҳақидаги концепция позициясида туриб золим шоҳ ва унинг зўравон амалдорлари кирдикорларининг аёвсиз фош қилиниши бутун «Хамса» бўйлаб қизил ип бўлиб ўтади ҳамда хамсахонда жамиятдаги бу табақа ҳақида аниқ салбий муносабат шакллантиради. Навоий талқинида шоҳнинг одиллиги соф ижтимоий-сиёсий нуқта билан – мамлакатининг ободонлиги ва халқининг фаровонлиги билан белгиланади. Навоийнинг ўз таъбири билан айтганда, «мулки обод, халқи ғаний» бўлса, бундай ҳукмдор одил, йўқса у золим, жоҳил. Бу фикр «Садди Искандарий» достонининг мана бу мисраларида жуда равшан ифодасини топган:

*Шаҳиким, анга адл бунёд ўлур,
Натижа буким – мулки обод ўлур.*

*Қаю шаҳки йўқ адл ила дод анга,
Улус бирла мулк ўлмас обод анга.*

¹ Садриддин Айний, «Асарлар», 8 т., Т., 1967, 322-бет.

Айтиш керакки, Навоий ижодида ҳукмдор ва халқ, «улус ва мулк» мавзуси жуда кенг миқёс ва турли қирраларда мукаммал ишланди. Шоирнинг «Хамса» ва «Маҳбуб ул-қулуб» асарларида эса бу мавзуъ махсус боб-бўлимларда ўз ифодасини топди. Шуниси муҳимки, Навоий бу ҳаётӣй мавзуни халқчиллик заминиди – халқ ва мамлакат манфаатлари заминиди ҳал қилди. Бу фикрни «Ҳайрат ул-аброр»дан олинган қуйидаги байт тасдиқлайди.

*Хусрави ғозийки эмастур даме
Ким, емагай мулку раият ғами.*

Умуман, Навоий дунёқарашининг халқчил моҳиятидан дарак берувчи бу ғоя, айни замонда, шоир олға сураётган одил шоҳ масаласи моҳиятини ҳам очади. У жамиятнинг оддий аъзоларидан тортиб то ҳукмдорларигача барчани ягона мезон билан ўлчайди. Бу мезон – «мулк ва раият ғами» билан яшаш, уларнинг интилиши, орзу-истакларига қулоқ тутиш, улар манфаатларига хизмат қилиш. Одил шоҳлик ҳам, одамийлик ҳам ана шу талабга қанчалик жавоб бера олиш билан ўлчанади. «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги золим шоҳлар танқидига бағишланган махсус бобда ҳам, бошқа дostonларда учровчи шоҳ ва раият, ҳукмрон ва мулк мавзуларидаги ҳикоят ва кўплаб лирик чекинишларда ҳам масала худди шу тахлитда қўйилиб, шу бош мезон билан ўлчанади. «Хамса»нинг энг йирик достони – «Садди Искандарий» эса шу халқчил ғояни кенг ёритишга бағишланган.

Ушбу дostonнинг учинчи мақолотида «зулм боғида май ичувчи» ҳукмдорлар ҳақида сўзланади. Шоир ижодининг жуда кўп тадқиқотчилари (Е.Э.Бертельс, С.Айний, О.Шарафудинов, Ойбек, В.Зоҳидов, И.Султонов, А.Ҳайитметов, Н.Маллаев ва б.) бу мақолотнинг давр воқеа-ҳодисалари билан «тирик» ҳукмдорлар фаолияти билан бевосита боғлиқ эканлигини кўплаб далилларда таъкидлаб ўтганлар.¹ Муҳими шундаки, бу мақолот китобхон онгида золим ва адолатсиз султонларга ва уларнинг зўравон ва шафқатсиз амалдорларига қарши нафрат туйғусини шакллантирган, салбий муносабат юзага келтирган. Бутун дoston давомида фаоллик кўрсатган автор «мен»ининг роли бениҳоя катта. У золим ҳукмдорнинг разил қилмишларини, эл ва мамлакат бойликларини талон-тарож этишга, маишатга берилганини, «зулм қилиш»ни асосий касб қилиб олганини, халқ ва мамлакат манфаатлари билан ҳисоблашмай қўйганини бир қораловчи сифатида фош этади, «сен»– адолатсиз ҳукмдор билан бевосита юзлашиб, унинг шармандасини чиқаради, ҳайқириқ ила («эйки...») уни золим, талончи, маиший бузуқ деб атайди, зулм ва бузуқчиликни тўхтатишга даъват этади («гум қил они!»).

Узоқ йиллар давомида сарой ҳаёти, унинг кенг омма нигоҳидан яширин икир-чикирлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлган шоирнинг тасвирида реалистик ва конкрет характер эгаллайди: шоҳ оддий халққа («косибу деҳқонлар»га) зулм ўтказувчи золим амалдорлари, сарой аҳли билан эртадан кечгача умрини айшу ишрат, бузуқчиликда ўтказади: шоҳ қасрида майхўрлик, фитна-фасод, ифлос ишлар билан шуғулланиш бир нафас ҳам тинмайди; «майдин ҳар бири телба итга» айланади, маст-аласт бўлиб, «барчаси ўлик»дек дуч келган жойларда ағанаб ётади, кайф бироз тарқалгач «ҳар бири бир зулм билан машғул бўлуб, элга ситам дарвозасини очади» ва ҳоказо. Бундай бузуқ кайфу сафо ва

¹ Бу мақолот «Навоий сатираси» номли китобимизда ҳам кенг таҳлил этилган (Қаранг: Т., 1966, 238-311-бетлар).

маишатга кетаётган маблағ халқ молу мулкани талон-тарож, юртни вайрон этиш ҳисобига («зулм ила сен халқни вайрон этиб») бўлаётганлигини таъкидлаб ўтилиши жуда муҳимдир. Навоий бевосита «эл моли, эл кони» тўғрисида сўз юритади, уни сарой билан боғлайди, «эл дуру лаъли билаи» безатилган саройдаги бузуқ ҳаёт «халқ жони ва улус қони» билан суғорилган, деган катта ижтимоий-сиёсий хулоса чиқаради. Жанговар руҳ уфуриб турган мана бу мисралар:

*Зулмунг эрур кундузу фисқинг кеча!
Зулм ила фисқинг неча бўлғай, неча?! –*

эзилган халқнинг адолатсизликка қарши нафрат тўла нидоси бўлиб янгради. Худди шунингдек, Навоийга замондош бўлган хамсахонлар шоир аёвсиз шармандасини чиқарган золим ҳукмдорлар тимсолида ҳукмини ўтказётган, талон-тарож ва зўравонлик қилаётган шоҳни «танисалар», унинг етакчи белгиларини қайд этсалар; кейинги асрлар ўқувчилари «ўз» золим хону бекларининг башараларини, қилмишларини кўрадилар.

* * *

Ҳукмдор ва мамлакат, шоҳ ва раият мавзуси «Хамса»нинг кўп ўринларида турли-туман қирраларда акс этади. Аммо ҳар бир ҳолатда аниқ ижтимоий мазмун ташийди, замон воқеа-ҳодисалари билан ҳамоҳанглик касб этади. «Фарҳод ва Ширин»да манфаатпараст ва хирс бандаси, босқинчи Хусрав бошдан-оёқ қора бўёқларда чизилади: у шахс сифатида тубан, ҳар қандай разиллик ва пасткашликка тайёр, шоҳ сифатида эса шафқатсиз, зўравон, ҳийлакор...

«Сабъаи сайёр»даги Баҳром образи орқали эса бу мавзунинг янги жиҳатлари очилади. У мураккаб характери, хулқ-атвори ва кўп қиррали фаолияти билан шоирга замондош ҳукмдорларни эслатади. Давлат тепасида мустаҳкам ўрнашиб олган Баҳром кўп ўтмай бузуқ маишат, кайфу сафога берилади, давлат ишларидан четлашади, элу юрт аҳволи билан батамом қизиқмай кўяди. Худди шундай аҳволни Заҳириддин Бобур Хусайн Бойқаро фаолиятида қайд этганини эсласак, масаланинг ижтимоий йўналиши, актуаллик даражаси янаям равшанлашади. Навоий шоҳ сифатидаги ўзининг асосий вазифаларини унутган Баҳромнинг оқибат-натижада фожеъ ҳалокатини қонуний якун сифатида куюнч билан таъсирлар экан, катта ижтимоий-сиёсий хулосаларга ишора қилади, гўё тирик ҳукмдорларни огоҳлантириб, ҳушёрликка ундайди. Достоннинг хотима қисмида Баҳром билан Хусайн Бойқаро ўртасида очиқ-ойдин параллел ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Моҳирона қўлланган «туш кўриш» лавҳасида Баҳром ўзини ҳалокат сари етаклаган маишатпарастлик, элу юрт ташвиши ва давлат ишларидан узоқлашиб, кайфу сафога берилиш Султон Хусайн Бойқарода ҳам борлигини сўзлайдики, бунда ҳам шоир асарининг замона воқеа-ҳодисалари билан мустаҳкам боғлиқлиги яққол кўринади:

*Ул дағи айш сори мойилдур,
Нағмаю савт бирла хушдилдур.*

Аммо шоир бундай ҳалокатли йўлдан қутулиш мумкинлигини ҳам худди шу «Хамса»нинг ўзида ва худди шу Баҳром образи билан боғлиқ ҳолда бир лавҳа орқали кўрсатади.

Овга чиққан Баҳром ночор, хонавайрон деҳқон билан суҳбат чоғида ўзининг давлат ишларини унутиб, айшу ишратга берилиб мамлакатни хароб, улусни оч-яланғоч ҳолга келтирганини англайди ҳамда адолат сари юзланиб, «юртни обод, халқни шод» қилади.

Ҳукмдор шахс ва давлат бошлиғи сифатида қандай хислат ва фазилатларга эга ва айнаи замонда, қандай белги-одатлардан холи бўлиши керак? Мамлакат ва давлатни бошқаришда, халқ оммаси билан муомалада нималарга амал қилиши, ўзини қандай тутиши керак? «Юртни обод, халқни шод» этиш учун, «улус оройиши» ва «эл осойишталиги» учун қандай тадбиру чораларни кўриши, қандай сиёсат юргизиши маъқул?

Ўша феодал даврнинг илғор фикрли фарзандлари онгида шаклланган бу каби ижтимоий-фалсафий характердаги саволларга Навоий «Садди Искандарий» достонида тўла жавоб беришга интилни – идеал шоҳ намунасини яратди. Искандар образини комил инсон ва инсонпарвар шоҳ тарзида чизди.

Адолатпарварлик, халқпарварлик, эл-улус ташвиш-ғамидан огоҳлик, мамлакат ободлиги ҳақида қайғуриш – Навоий Искандарининг инсонийлиги ва шоҳлигини белгиловчи бош хусусиятлардир. Муҳими шундаки, ана шу етакчи белгилар шоир томонидан (худди шоҳлар шаънига битилган қасидаларда бўлганидек) қуруқ ҳайқириқ тарзида эълон қилинмайди ва улар сунъий равишда Искандар шахсиятига тақалмайди. Аксинча, шоир Искандарнинг амалий-ижтимоий фаолияти орқали, қилган ишлари, кўрган тадбирлари орқали ифода-лайди. Искандар одиллиги ниҳоятда реал, Навоий таъкидича, амалдаги адолат эди. Айтайлик, «нимадинки халойиққа озор етса», «тамомин улус бошидин қилди дафъ», деб ёзади у. Ёмонларнинг эътибордан қолиши ва яхшиларнинг ҳурмат топиши, золим, порахўр амалдорларнинг жазоланиши, йўлларнинг ўғри ва қароқчилардан муҳофаза қилиниши, хазина ишларидаги кирим-чиқимни қатъий назорат остига олиниши, бозорлардаги тош-тарозу, ўлчов бирликлари ва нарх-навонинг тартибга солиниши ва бошқа-бошқалар шоҳ Искандар одиллигининг бевосита халқ ва мамлакат ҳаёти билан боғлиқ кўринишларидир.

Искандар тахтга ўтиргач, зудлик билан амалга оширган бу тадбирларнинг ҳаммасини йирик давлат ва жамоат арбоби бўлмиш Навоийнинг орзулари десак, хато қилмаймиз. Гап шундаки, халқ аҳволини енгилаштирувчи бу каби тадбиру чораларни Навоийнинг ўзи имкон доирасида амалга оширишга интилган, «қўлидан келганча зулм найзасини синдиришга» интилган. Навоий ижтимоий фаолиятининг бу жиҳати кўплаб замондошлари томонидан қайд этилган.

Масалан, Хондамирнинг гувоҳлик беришича, «халқ устига юкланган зўр маблағлар (оғир солиқлар)ни» Навоийнинг ўзи «халқ қийналмаслиги учун» ўз ҳисобидан тўлаб юборарди.¹

«Хамса»да эса шоир бу олийжаноб вазифани кенг кўлам ва катта ҳажмда ўз ижобий қаҳрамонларига юклайди – уларнинг одилликларини исботловчи, халқпарвар эканликларини кўрсатувчи муҳим далиллардан бири сифатида халқ бошидан солиқларни олиб ташланишини кўрсатади. Масалан, тахтга ўтирган Искандар:

*Раиятқа маълум этиб эҳтиёж,
Ики йил алардин қўтарди хирож.*

Кейинчалик ўз ихтиёрига ўтган Ҳиндистон халқини ҳам икки йиллик оғир солиқлардан озод қилади.

¹ Хондамир, «Макорим ул-ахлоқ», Т., 1948, 60-бет.

Афтидан, меҳнаткаш оммани солиқлардан озод этиш масаласини Навоий жуда муҳим деб билган. Бежиз эмаски, шоир «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам ҳукмдор фаолиятида худди шундай ижобий воқеани махсус таъкидлаб ўтади. Хоқон Фарҳоднинг туғилиши муносабати билан бутун фуқарога қатор енгилликлар беради, жумладан:

*Олиб кишвар элининг эҳтиёжин,
Бағишлаб элга уч йиллик хирожин.*

Навоий таъкидича, Искандарнинг одиллигидан «оз вақт» ичида мамлакат обод бўлиб, халқ фаровон ҳаёт кечири бошлади:

*Бу янглиғ чу оз вақт тузди русум,
Ғаний бўлдилар адлидин аҳли Рум.*

Бу албатта, реал, ҳақиқатдан узоқ бўлиб, шоирнинг эзгу орзулари эди, холос. Шу тариқа, бутун дoston мағзида, биринчи навбатда, бош қаҳрамон Искандар шахсияти ва фаолиятида Навоий ўзининг ўша давр учун энг илғор бўлган ижтимоий-сиёсий қарашларини романтик бўёқларда юксак бадиийлик билан олға суради. Бу ўринда ҳам Навоий киноя орқали аниқ мақсадларни кузатган: файласуф шоир одил шоҳ идеалинигина эмас, айти замонда мамлакатни обод ва халқни бой қилишнинг, тўкин-сочин фаровон ҳаёт тузишнинг аниқ йўл-йўриқларини, конкрет программасини ҳам чизиб беради, ўзига замондош ҳукмдорларга Искандар тадбирларини ибрат қилиб кўрсатиб, ўрнат олишга даъват этади.

Адолатли шоҳнинг асосий белгиларини халқпарварликда ҳамда юртда адолат, намунали тартиб-интизом ўрнатиб, «элнинг ғаний» бўлишини таъминлашда кўрган шоир, айти замонда, ўша феодал тузуми учун, ўша конкрет тарихий шароит учун, шубҳасиз, прогрессив бўлган марказлашган давлат ғоясини ҳам олға суради. Йирик давлат арбоби сифатида кўп йиллик тажрибага эга бўлган Навоийнинг бу муҳим сиёсий масалани четлаб ўтиши мумкин эмас эди.

Бир одил ҳукмдор томонидан бошқарилувчи, ҳам иқтисодий, ҳам ҳарбий-сиёсий жиҳатдан бақувват, марказлашган давлат тарғиби, унинг тарихан зарурлиги ҳамда равшан афзалликларининг «ҳаётий далиллар»да исботланиши бутун дoston давомида олға сурилган асосий тезислардан бири бўлиб, шоир замонасининг энг долзарб сиёсий масаласи билан тўла оҳангдош жаранглайди.

Искандарнинг ориф, фозил, донишманд шоҳ сифатида тасвирлашда ҳам Навоийнинг илғор ижтимоий қарашлари ифодасини топган. Навоий тасвирида Искандар ҳар жиҳатдан баркамол, доно шахс. У ёшлигидан то вафотига қадар изланиш ва ўрганишда бўлди, табиат сирларини, борлиқни тушунишга интилди, муталаа билан шуғулланди. У илм-ҳикматнинг куч-қувватини тўла-тўқис тушунади, ундан фақат эзгулик йўлида, адолат тантанаси йўлида фойдаланади. Искандарни мунофиқ, зўравон, фитначи, фирибгар амалдорлар эмас, балки бутун Шарққа машҳур бўлган донишмандлар доирасида тасвирланиши заминидан ҳам, шубҳасиз, жиддий ижтимоий мазмун, замонага аниқ ишора, даъват ётади. Шоҳ илм-хунар аҳлини чексиз ҳурмат қилади, давлат, мамлакат аҳамиятига молик ҳар бир тадбир, раият аҳволи ва турмушига тегишли ҳар бир масала ана шу донишмандлар билан кенгаши-

либ, бамаслаҳат амалга оширилади. Кўринадики, Навоий, фозиллик, орифликни адолат ва одилликнинг муҳим бир белгиси сифатида тасвирлайди. Умуман айтиш керакки, «Хамса»-нинг бошқа дostonларида ҳам, хусусан, «Ҳайрат ул-аброр»да илм-ҳикматни улуғлаш, фозилларни, ҳунар соҳибларини васф этиш етакчи мавзулар даражасига кўтарилади.

«Хамса» дostonларида яратилган одил шахзода, одил валиаҳд образларида ҳам бу масалага алоҳида урғу берилган. Ҳа, замонасидаги ижтимоий-сиёсий воқеалар марказида турган Навоий биргина шoҳнинг ўзи одил, ориф бўлиши етарли эмаслигини, унинг меросхўри – бўлажак ҳукмдорнинг ҳам ҳар жиҳатдан етук, баркамол бўлиши шарт эканлигини тушунган. Уша конкрет тарихий шароитда одил, ориф ҳукмдор масаласи қанчалик замонавий, қанчалик актуал бўлса, ҳар жиҳатдан баркамол, ўқимишли, кўплаб ҳаётий ҳунарларни эгаллаган, шафқатли шахзода-валиаҳд масаласи ҳам раият ва мамлакат тақдири билан бевосита боғлиқ ўта замонавий ва ўта актуал эди.¹

Шoҳлар ёки тахт даъвогарлари ўртасида мунтазам бўлиб турадиган феодал урушлари Навоий даврида ҳам мамлакат миқёсидаги жиддий ижтимоий-сиёсий масалалардан бири эди. Йирик давлат ва жамоат арбоби сифатида шоирнинг ўзи ҳам бир неча бор бундай қирғинларнинг гувоҳи бўлган, баъзиларида эса, истар-истамас иштирок ҳам этган. Ўз ижтимоий фаолиятида қирғин келтирувчи урушларнинг олдини олишга интилган шоир бадий асарларида, биринчи навбатда, «Хамса»да уларни аёвсиз қоралаб, элу юртни вайрон этувчи офат сифатида рад қилади. Бу мавзуга, айниқса, «Садди Искандарий»да кенг ўрин берилади. Шоирнинг таъкидича, урушлар заминида, аввало, мансабдор кишиларга хос бўлган эгоистик интилиш, шуҳратпарастлик, молу дунёга ўчлик, жаҳолат каби ўта салбий белгилар ётади. Урушга нисбатан ўқувчида инкор ва нафрат муносабатини шакллантиришда Навоий катта бадий маҳорат намоиш этади. У феодал қирғинларнинг энг мудҳиш лавҳаларини – ота-бола, қариндош-уруғ, дўсту ёрларнинг бир-бирларини ўлдириш учун жангга киришларини реалистик бўёқларда жуда жонли ва таъсирчан чизади:

*Адоватқа боғлаб камар икки шoҳ
Жаҳон аҳлини айлаб икки сипoҳ.*

*Бори тортибон қатл учун тиғи тез,
Қилиб тиғ тез ўлтурурға ситез.*

*Ато бир тараф гар эрур, филмасал,
Яна жониб ўлса ўғулға маҳал.*

*Икисига кин ўти солғай ғазаб,
Ул ўт қон ичарга қилиб ташна лаб.*

*Ато жон бериб ўғлин ўлтурғали,
Ўғул ҳам анга тиғи кин сурғали.*

*Қариндош топса қариндошини,
Дамодам тилаб кесгали бошини.*

¹ Бу мавзу «Тили поку сўзи поку ўзи пок!» бобида махсус ёритилади.

*Тушуб ошноларга бегоналиқ,
Кетиб ҳамнишинларга ҳамхоналиқ.*

*Бу навъ ўлса мундоқ ики зот аро,
Не бўлғой, гумон қил, ики ёт аро?!*

Феодал урушларини халқ ва мамлакат учун «офат» деб баҳолаган Навоий, бу ўринда ҳам салбийлик зиддига ижобийликни қўяди, гўё аслида қандай бўлиши лозимлигига ишора этади ҳамда дарҳол икки шахсининг самимий дўстлиги, ўзаро ҳурмат-эҳтироми, вафо-садоқати уларнинг ўзларинигина эмас, балки бутун халқни қирғиндан қутқазиб қолганлиги ҳақидаги романтик ҳикоятни келтиради. Шу тариқа, конкрет «ҳаётий мисоллар»да муҳим ижтимоий ғоя – феодал урушлари ҳамда ҳаётбахш дўстлик, тотувлик ташвиқи олға сурилади.

Жуда қисқа бир муддат ичида, 1483-1485 йилларда Навоий 52 минг мисрадан ортиқ бадий обидани – дунё поэзиясидаги энг йирик эпик асарлардан бирини яратиб, ўзбек адабиётигагина эмас, балки барча туркий халқлар адабиётларига сўнмас шухрат келтирди. Беш мустақил дostonдан иборат бўлган «Хамса»га шоир яхлит, ягона бир асар сифатида қаради ҳамда уни кўп ўринларда худди улуғ салафлари Низомий ва Хусрав «Хамса»лари каби, «беш жавоҳирот хазинаси» – «панж ганж» деб баҳолади. Бунда Навоий, шубҳасиз, дostonлар мағзини ташкил этувчи маънавий-бадий бойликни, ахлоқий-ҳаётий панд-ибратларни, ғоявий йўналиш ва эстетик завқ-шавқни назарда тутди. Бу бебаҳо бойлик ҳар бир дoston мазмун-руҳига маҳорат билан синдирилган илғор, халқчил ғоявий йўналишда, руҳий қониқиш ва кўтаринкилик бахш этувчи бадий камолотда намоён бўлади ҳамда сон-саноксиз жонли образлар ва ҳаётий лавҳалар тимсолида, шунингдек, ахлоқий-фалсафий панд-ибратлар шаклида ҳамсахонлар дилига кўчади, уларнинг ўз мулкига айланади. Ҳа, «Хамса» дostonлари, барча даҳо ижодкорларнинг етук мерослари каби, ўқувчиларни ҳам маънавий, ҳам руҳан бойитади, юксакликка кўтаради, халққа, ватанга бўлган муҳаббат-садоқатини оширади, ҳалоллик ва софдилликка, меҳнатсеварлик ва ростгўйликка, камтарлик ва самимийликка ўргатади, эзгуликни ардоқлаб, ёвузликни қоралашга даъват этади. Бу бежиз эмас, албатта.

Навоий «Хамса» дostonларини дунёқараши, адабий-эстетик принциплари тўла маънода шаклланган, ижодий маҳорати камолотга эришган, халқпарвар ва адолатли давлат ва жамоат арбоби сифатида катта обрў ва ҳаётий тажриба орттирган, зиддиятларга тўла сарой ҳаёти билан ҳам, жамиятдаги турли табақа-гуруҳларнинг кундалик турмуши ва яшаш шароитлари, дард-у ташвиши ва орзу-интилишлари билан ҳам яқиндан танишиб, ўз ҳулосаларига эга бўлган йилларда яратди. Бу ҳол эса, муҳим бир омил бўлиб, мазкур асар учун мустаҳкам заминлик вазифасини ўтади ва, ўз навбатида, «Хамса» дostonларининг прогрессив ғоявий йўналишини ва ҳаётий асосларини белгилади, чухур халқчил руҳи ва юксак бадийлигини, ғоя ва образларнинг ҳаққонийлигини таъминлади, ўша замон, ўша жамиятнинг халқ ва мамлакат тақдири билан боғлиқ энг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларини бутун жиддийлиги билан ифодалаш, ўз даврининг илғор ахлоқий-фалсафий қарашларини изчил баён этиш имконини берди.

«Хамса» сон-саноксиз ҳаётий-инсоний масалаларни ўзида жамловчи, кенг қамровли, улкан асар. Унда XV асрдаги Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги ҳаётнинг, ички зиддиятларга тўла

даврнинг барча муҳим ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, иқтисодий-маиший масалалари ўз бадий ифодасини топди. Биз уларнинг фақат айримлари юзасидан мулоҳазалар билдирдик, холос.

Улуғ Навоийнинг ўзи табиий ғурур ва руҳий қониқиш билан, «Хамса»нинг ҳар бир ҳарфи юзлаб камёб дуру гавҳарларни бағрида сақловчи дарёдир, деб фахрия битганида тамомила ҳақ эди:

*«Хамса» ичра, ки анга ҳар бир ҳарф
Баҳр эрур – зимнида юз дурри шигарф!¹*

Биз ана шу улкан ва битмас-туганмас маънавий бойликлардан тўла баҳраманд бўлишимиз керак.

«ТИЛИ ПОКУ СЎЗИ ПОКУ ЎЗИ ПОК!»

Алишер Навоий бутун ижодида, жумладан, «Хамса» дostonларида ўз замонасининг энг илғор, энг халқчил ғояларини олға сурди, меҳнаткаш омманинг орзу-истакларини ёритди. Адолатли, халқпарвар, инсофли ҳукмдор ғояси ана шулар жумласидандир. Шуни ҳам айтиш керакки, бу ғоя Навоийнинг ўз ақидаси эмас. Бу халқчил ғоя, аслида, эзилган меҳнаткаш омма онгида шаклланиб, фольклор асарларида қиёмига етган, кейинчалик илғор фикрли ижодкорлар асарларига кўчиб, янада сайқал топган, такомиллашган. Меҳнаткаш омма ижтимоий онги билан боғлиқ бу ғоя барча умумбашарий ва умрбоқий халқчил ғоялар қаторида зулм ва зўравонлик ҳукмрон бўлган барча замонлар учун муҳим бўлиб қолаверган.

Алишер Навоий шоҳлик тузумини қонуний ва доимий деб тушунган. Унинг қатъий ишончича, подшоҳ – якка ҳукмдорнинг бўлиши шарт. Бу тушунча «Тарихи мулуки Ажам»даги мана бу махсус таъкидда ўзининг равшан ифодасини топган: «Чу мулк шоҳсиз бўла олмас!» Шоирнинг фикрича, «мулк ошуб топар султонсиз», негаки «мулкким, султони йўқ – жисмедурурким, жони йўқ» ва ҳатто «мамлакат бўлғай хароб ўлғон замон султонга заъф». Шу боисдан ҳам у ўтмишдаги кўпчилик мутафаккирлар каби мамлакат тепасида подшоҳнинг керак ёки керак эмаслиги ҳақида эмас, балки подшоҳнинг қандай бўлишлиги, шахс ва мамлакат ҳукмрони сифатида қандай хислат-фазилатларга эга ва айни замонда, қандай нуқсонлардан холи бўлишлиги ҳақида баҳс юритади. Навоий ижодида турли қирраларда кенг ишланган бу катта мавзу марказида адолатли шоҳ муаммоси туради. «Хамса» дostonларида, биринчи галда, «Садди Искандарий»да Навоий шоир сифатида – бадий образлар воситасида, «Маҳбуб ул-қулуб»да давлат ва жамоат арбоби, йирик мутафаккир сифатида – мантиқий хулосалар ва фалсафий мушоҳада-тавсифлар тарзида ўзининг одил ҳукмдор ҳақидаги қарашларини олға суради. Навоий ўз қарашларини баён қилишда ранг-баранг воситалар қўллайди. Масалан, «Ҳайрат ул-аброр» дostonида одил шоҳ идеали золим, зўравон, маиший бузуқ ҳукмронни аёвсиз қоралаш ва қатъий инкор этиш орқали тарғиб этилганини, «Садди Искандарий» дostonида эса, аксинча, одил шоҳ тасдиғини кўрамиз. Асарда Искандар адолатли, маърифатли, халқпарвар, элу юрт манфаати ва мамлакат равнақи йўлида қайғурувчи ҳукмрон сифатида гавдаланади.

¹ Алишер Навоий, «Хазойин ул-маоний», IV девон. «Фавойид ул-кибар», 688-бет.

Навоий ижодидаги идеал, адолатли ҳукмдор масаласи ва унинг ўша замон учун ниҳоятда актуал ва илғор фикр эканлиги, шоир уни ўзига замондош ва бўлажак шоҳларга намуна – ибрат тарзида яратганлиги хусусида навоийшуносликда анча-мунча фикрлар баён этилган. Шу ўринда одил ҳукмдор билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилган идеал шаҳзода-идеал валиаҳд образининг ишланиши ҳақида сўз юритмоқ лозим.

«Хамса»ни яратишга бевосита киришгунича улкан мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий ҳаёти марказида туриб, 10–15 йил давомида катта тажриба орттирган Навоий мамлакат ва халқ тақдири шоҳликнинг табиий меросхўри – бўлажак ҳукмдорнинг ҳам қандайлигига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини яхши тушунган.

Шоҳ ота ва валиаҳднинг, шаҳзода ака-укалар ва тоға-жиянларнинг тахт, ҳокимият учун бир-бирларини ўлдиришга отланишлари, мамлакатда қирғин урушлар уюштиришлари мунтазам юз бериб турган шоир замонаси учун идеал валиаҳд муаммоси идеал ҳукмдор проблемасидан кам бўлмаган даражада актуал эди. Абдуллатиф Мирзонинг тож учун ўз отаси Улуғбекни ўлдириши, Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўз набираси бўлмиш Мўмин Мирзони қатл этиши Навоийни ларзага солган эди. Кейинчалик Навоий падаркуш шаҳзода қилмишини кескин қоралади («Ўтар дунё маслаҳати учун донишманд ва қари отасини ўлдирди» деб ёзади у «Мажолис ун-нафоис»да). Навоий кўплаб ана шундай мудҳиш воқеаларнинг гувоҳи бўлган, шаҳзодалар ўртасидаги очиқ-яширин курашларни кузатган. Бугина эмас. Тарихдан маълумки, шоир бундай курашларга бевосита аралашшга мажбур бўлган ҳам. Масалан, Султон Ҳусайн Бойқаро билан валиаҳд Бадиуззамон Мирзо ўртасида юз берган низо ва урушларга барҳам «беришга астойдил ҳаракат қилган. Шоир ижодида халқпарвар ҳукмрон ва тожу тахтга лойиқ валиаҳд масаласининг, ўзаро тотув шоҳ ва шаҳзода мавзусининг ишланиши ҳам, аслида, ана шу ҳаётининг сабоқнинг ўзига хос бир ифодаси бўлган. Бежиз эмаски, Навоий ўз асарларини, жумладан, «Хамса» дostonларини шаҳзодаларга, биринчи навбатда, валиаҳд Бадиуззамонга «насиҳат, нанд-ўғит» ҳам эканлигини қайта-қайта таъкидлайди, адолатли ҳукмдор ва комил валиаҳд образлари яратилган «Садди Искандарий» дostonини Бадиуззамонга бағишлайди. Шу муносабат билан Бадиуззамонга йўлланган мактубдаги қуйидаги жумлаларни эслаш жуда ўринли; «... ва ҳар номуносиб ишким, – деб таъкидлайди шоир, – Сиздин кўрубмен, Сизга айтибмен, балки китобларимда насиҳатномалар назм қилиб, арзингизга еткурубмен».

«Фарҳод ва Ширин»даги Фарҳод, «Сабъаи сайёр» дostonидаги Фаррух ва ҳали тахтга ўтирмаган Искандар шоирнинг мамлакатни бошқаришга муносиб валиаҳд ҳақидаги ғоясини ўзида мужассамлаштирган образлардир. Одамийлик, раҳм-шафқат, меҳнатсеварлик ва олийжаноблик, ҳалоллик ва самимийлик, маънавий ва жисмоний балоғат бу учала валиаҳд шаҳзодаларнинг инсоний қиёфаларини белгиловчи бош фазилатдир. Улар тинимсиз ўқиш-ўрганиш натижасида илм-хунарни мукаммал эгаллаган, айни замонда, андишали ва камтарин шахслардир.

Масалан, валиаҳд Фарҳод, шоир тасвирича, жаҳондаги барча илм-хунарларнинг соҳиби, ўз даврининг баркамол намояндаси:

*Эрур бори хунар ичра камоли,
Тамоми айблардин зоти холи,*

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм...

Мана бу ихчам, аммо, чуқур мазмунли тавсиф ҳам Фарҳод шахсиятининг идеаллаштирилганидан дарак беради:

*Демонким, кўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тили поку сўзи поку ўзи пок...*

Шуниси муҳимки, валиаҳдни Навоий ҳукмдор шахс учун, айниқса, зарур бўлган адолат, раҳм-шафқат ва элпарварлик каби фазилатлар соҳиби сифатида ҳам тасвирлайди:

*Бировким зор йиғлаб – йиғлаб ул зор,
Тоғиб кўнгли эл озоридин озор.*

*Бўлуб эл андуҳидин кўнгли ғамнок,
Ёқо чокин кўруб – кўксин қилиб чок.*

Шаҳзодалар тахт учун бир-бирларини ўлдираётган бир шароитда Навоий ўз замондош ҳукмдор ва шаҳзодаларга намуна-ибрат сифатида ота Хоқон билан валиаҳд Фарҳод ўртасидаги ўзаро муносабатларни ниҳоятда тотув, самимий, меҳр-муҳаббат ва ҳурмат-эъозга тўла муносабат тарзида тасвирлайди. Бугина эмас қариб қолган Хоқон ўз ихтиёри билан ўғлига тожу тахтни таклиф этадики, буни ўша вақтларда ҳатто тасаввур этиш қийин эди:

*Тожу тахту салтанат ҳам,
Сипоҳу мулку мамлакат ҳам,*

*Бори бўлса сенинг бирла музайян,
Сени ўз ўрнума қилсам муайян...*

Навоий чизган образларнинг ҳам, ситуациянинг ҳам идеаллиги шундаки, Фарҳод бу таклифни қабул қилмайди, Хоқон эса яна илтимос қилади. Шунда шоир, ота сўзини рад эта олмаган Фарҳод тилидан ажойиб ғояни олға суради: у отаси ёнида бир-икки йил иш ўрганиб, давлатни бошқариш йўллари билан яқиндан танишувга, ҳозирги жорий иборалар билан айтганда, малака орттириб, тажриба тўплашига имкон беришларини сўрайди:

*Бир-икки йил иноят айласа шоҳ
Ки, хизматдин ўзумни қилсам огоҳ.*

*Шоҳ олинда ҳамиша ҳозир ўлсам,
Бу иш кайфиятидин нозир ўлсам.*

Шуни ҳам айтиш керакки, худди шу «Фарҳод ва Ширин» достонида Навоий тахт ва ҳайвоний ҳирс йўлида отасини ўлдирган валиаҳд Шеруя образини ҳам чизади ва бу билан яна бир карра ўз даврининг қонли воқеаларига аниқ ишора этади.

«Сабъаи сайёр»даги биринчи мусофир ҳикоятида валиаҳд Фаррух ҳам ҳар жиҳатдан етук, юксак одобли, донишманд, шафқатли ва одил шахзода сифатида тасвирланади:

*Лутф ила ҳулқи ҳадду ғоятсиз,
Фаҳму идроки худ ниҳоятсиз.*

*Бори илму камол аро моҳир,
Зотидин юз камол ўлуб зоҳир.*

Шуниси диққатга сазоворки, бу достонда ҳам шоҳ ўз ихтиёри билан тахтни бошқаришни ўғлига таклиф этади, Фаррух эса, худди Фарҳод каби, шоҳликни қабул қилмайди, ўзини нолойиқ ҳисоблайди:

*... Отаси қирқ йил суруб хонлиқ,
Қилмиш эрди улусқа султонлиқ.*

*Истар эрди тириклигида ўзи,
Ёрумоқ ўз чароғи бирла кўзи.*

*Ўғлиға мулку тахту тожсин ҳам,
Ҳинд молин, Хито хирожсин ҳам*

*Берибон юз тафохур айлар эди,
Лек Фаррух танаффур айлар эди,*

*Фақр этиб эрди кўнглини машғул,
Айламас эрди салтанатни қабул...*

«Хамса»нинг якунловчи достони «Садди Искандарий»да ҳам комил валиаҳд ғоясининг янада чуқурроқ ва конкретроқ қўйилиши, Навоийнинг мазкур масалага, худди одил шоҳга қўйилган талаб нуқтаи назаридек ёндошганини кўрсатади.

Агарда «Фарҳод ва Ширин» ва «Сабъаи сайёр» достонларида ҳали барҳаёт шоҳларнинг ўзлари валиаҳдларга тожу тахтни ихтиёрий ҳолда таклиф қилсалар, «Садди Искандарий»да ҳукмдор вафот этади ва юз берган шароит ягона валиаҳднинг бирор монёъсиз тўғридан тўғри тахт тепасига чиқишини тақозо қилади. Аммо машҳур донишмандлар тарбиясида «билик ичра офоқ аро тоқ» бўлиб етишган валиаҳд ундан воз кечади, камтаринлик билан ўзини шоҳликка нолойиқ деб атайди ҳамда мувофиқ тушадиган бошқа кишини топиш керак, дейди.

Шоҳлик авлоддан авлодга мерос саналган бир даврда Навоий қаҳрамонининг бундай фикр билан чиқиши шоир дунёқарашининг ниҳоятда халқчиллигидан, ўз даври ижтимоий онги қобилигида ўралиб қолмаганлигидан дарак беради.

Чиндан ҳам, диққат қилинг: валиаҳд Искандар, Навоий ибораси билан айтганда, «улусни йиғиб», мажлис «анжуман» тузади ҳамда нутқ сўзлаб, шоҳликка муносиб киши танлашни, бошқача айтганда, ҳар жиҳатдан камолот касб этган шоҳ сайлашни таклиф этади:

*Не бор шоҳлик айларга ният манга,
Не айлай десам қобилият манга.*

*Сиз эмди ўзингизга шоҳе топинг!
Бу кишварга кишварпаноҳе топинг!*

Бугина эмас. У шу нутқида бўлажак, яъни сайланажак шоҳ қандай фазилатларга эга бўлиши кераклигини ҳам бирма-бир айтиб ўтади. Унинг таъкидича, топилажак шоҳ куёшдек қудратли ва «равшан замир» – пок юрак, очиқ кўнгил, баланд идрокли бўлсин, душманга чорасоз ва айни замонда, мамлакатни эрам боғига айлантирадиган халқпарвар, раиятнавоз, «адолат аро фасли наврўз»дек бўлсин; у халққа зулм қиладиган амалдорларнинг қўлини кесиши, йўлларни қароқчилардан тозалаши, ўғриларни, юрт таловчиларни жазолаши ва жуда одил бўлиши керак.

*Анга тахту давлатни маскан қилинг!
Бошин тож бирла музайян қилинг*

*Ким, ул ёғдириб абри эҳсонини,
Эрамдек қилиб мулк бўстонини!..*

*Раиятқа қилса қаламзан ситам,
Қаламзаннинг илгини қилсун қалам!*

*...«Бериб зулмгустарга фарсудалиқ!
Раиятқа еткурсун осудалиқ!*

Навоий Искандари давлатни бошқариш масаласини, шоҳ бўлишга лойиқ шахсни топиш ва уни тайинлаш масаласини бевосита халқ билан, жамиятнинг турли табақалари («ша-риффу вазиъ») вакиллари иштирокидаги «анжуман»да маслаҳатлашади, бўлажак шоҳга одиллик ва халқпарварлик шартларини қўяди. (Умуман, Навоий Искандари жуда халқчил; дoston давомида у барча муҳим ишларни анжуманда ёки донишмандлар иштирокида ба-маслаҳат ва биргаликда ҳал этади, бир неча бор халқ олдида нутқ сўзлайди, бевосита ома-мага мурожаат қиладики, бу ҳам махсус ўрганишга лойиқ). Демак, дostonда тахтга ўтириш анъанавий мерос эгаллаш тарзида эмас, балки, халқ – улус иштирокидаги анжуманда ҳал этилади. Анжуман Искандарнинг ўзини шоҳ бўлишини қатъий талаб қилади, агарда кўн-маса, бутун халқ юртни ташлаб кетажагини билдиради:

*Агар сен бу ишни қабул этмагунг,
Бу мулк аҳли фарёдига етмагунг,*

*Қўюб мулки маврусингга ёнани,
Раво кўрсанг уй ичра бегонани,*

*Қила олмайин бу бало ихтиёр,
Боримиз қилурмиз жало ихтиёр!*

Шу тариқа у шоҳликни қабул қилишга мажбур бўлади. Айтиш керакки, шоҳ Искандар – валиаҳд Искандарнинг мантиқий давоми – ундаги барча етакчи фазилатлар сақланиб қолдигина эмас, балки, эндиликда реал хатти-ҳаракат ва конкрет тадбирлар шаклида амалиётга айланди. Шуниси муҳимки, Искандар бир вақтлар бўлажак шоҳ олдига ўзи қўйган шарт-талабларни дарҳол ва бекаму кўст бажаришга киришади. Искандар шоҳликнинг иккинчи куниеқ «бори ом» – умумий қабул эълон қилади, бунда ҳар ким ҳукмдор олдига кириб, ўз дарду истагини айта олиши мумкин эдики, бу ҳам давлатни бошқариш тартибида катта янгиликдир. Бундай лавҳалар одил ҳукмдор, одил валиаҳд ғоясининг Навоий дунёқарашида мукамал шаклланганини кўрсатади, шоир шоҳнинг одиллиги ва халқпарварлигини амалда таъминлайдиган омил-шартларни ҳам тўла-тўқис тасаввур эта олганлигидан дарак беради.

Маълумки, «Ҳайрат ул-аброр»да Навоий золим, адолатсиз шоҳни танқид қилар экан, жумладан, унинг аслида оддий кишилардан бирор даражада бўлсин устун эмаслигини, аксинча, кўп белгилар бўйича ҳатто тубанроқ туришини таъкидлаб, кўз очишга – инсофли бўлишга, адолатга даъват этган эди.

«Садди Искандарий»да эса шоир шу муҳим шартни Искандарнинг ўзига таъкидлатади ҳамда ўзини оддий кишилар – «бандалар» билан тенг, ҳатто улардан ожизроқ, деб тушунишини расмий эълон қилдиради. Хоҳлаган киши ҳеч бир ҳайикмасдан унинг олдига кириб, ўз хоҳиш-мулоҳазаларини батафсил баён этиш ҳуқуқига эгалигини маълум қилади:

*Йиғилғач улус, шоҳ қилиб ибтидо,
Халойиққа сўз мундоқ этти адо –*

*Ки «Берди манга додгарлик илоҳ,
Бор эрса халойиқ аро додхоҳ,*

*Келиб оллима арзи ҳол айласун,
Ўз аҳволини қийлу қол айласун!*

*Қошимда сўзин арз айлар замон,
Мени бир ўзи янглиғ этсун гумон!*

*Не тахтимдин ўлсун анга даҳшате!
Не тожимдин ўлсун анга ваҳшате!*

*Не шаҳ деб мени айласун изтироб!
Не мақсуд адосинда қилсун шитоб!*

*Аёғ айласун решу дарду ғамин,
Ёқай дод бермак била марҳамин!*

Таъкидлаш лозимки, тахтга ўтирган валиаҳднинг бу гаплари қуруқ ваъда бўлиб қолмайди. Навоий тагвирича, бевосита улус билан учрашиш ва арзи ҳолларини тинглаш натижасида Искандар ўз адолатини амалда кўрсатади.

У золимларни жазолайди, мазлумларга шафқат назарини буради: «халойиққа озор етадиган нимаики бўлса, уни дафъ этади; халқдан икки йиллик хирожни кўтаради; ҳунар аҳлини иш билан таъминлайди; бозорларда нарх-навони тартибга солади; «оғир сотқучиларни» – қимматфурушларни таъқиб этади; тош-тарозуни текширувдан ўтказди; ўлчов бирликларини темирдан ясади, муҳрлатади; карвон йўлларига қўриқчилар тайинлайди; қароқчилар ҳужуми хавфи тугатилади; шундай адолат ўрнатадики, арслондан кийик, қарчиғайдан эса жўжалар хавфсирамайдиган бўлади...

Навоий таъкидича, тахтга ўтирган Искандар ўз шоҳлик фаолиятини халқ ва мамлакат манфаатлари йўлидаги ана шундай ижтимоий фойдали тадбирларни амалга оширишдан бошлайдики, тез орада халқ бойиб кетади, тўкин ва фаровон ҳаёт кечира бошлайди:

*Бу янглиғ чу оз вақт тузди русум,
Ғаний бўлдилар адлидин аҳли Рум.*

Искандар худди шундай адолат ва халқпарварликни бошқалардан ҳам қатъийлик билан талаб этиши алоҳида диққатга сазовор бўлиб, бу ҳол образнинг Навоий томонидан ҳар жиҳатдан баркамол идеал шоҳ тарзида чизилганлигини кўрсатади. Масалан, воқеа давомида Кашмирни эгаллагач, вафот этган шоҳ Маллу ўрнига унинг ўғли Ферузни тахтга тайин этар экан, Искандар унга қуйидаги талабни шарт қилиб қўяди:

*Сениким, бу мулк узра шоҳ айладим,
Бу кишварда кишварпаноҳ айладим,*

*Керак лутфу эҳсон шиор айласанг,
Адолат йўлин ихтиёр айласанг!*

*Раиятқа сендин етиб шодлик,
Мамоликка юз қўйса ободлик!*

Шу тариқа «Садди Искандарий» достонида одил валиаҳд реал шароит яратилиши ҳамонқ одил ҳукмдорга айланади, у ўзининг раиятпарварлиги, машҳур донишмандлардан олган сабоқларини ҳаётга татбиқ этиши билан, шоир иборасича айтганда, «элни шод, мулкни обод» этади.

Навоий ижодидаги одил, маърифатли ҳукмдор билан баркамол, шафқатли ва халқпарвар валиаҳд – шаҳзода ғоясини чуқур ўрганишда «Хамса» дostonларидаги темурий шаҳзодаларга бағишланган боблар, кўплаб лирик чекинишларда билдирилган мулоҳазалар, шоирнинг бошқа асарлари, масалан, «Муншаот»даги валиаҳд Бадиуззамонга йўлланган мактублар ҳам кўплаб қизиқарли материаллар берадики, булар оқибат-натижада улуг Навоийнинг етук дунёқарашини тўлароқ тасаввур этиш имконини туғдиради. Бу ўринда эса «Хамса» ғоялари ва образларининг ўша тарихий шароит ва реал шахслар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини гуманист шоир бадий асарлар воситасида, аввало, ва би-

ринчи навбатда, аниқ ҳаётӣ мақсадларни ҳам кузатганлигини яққол кўрсатувчи биргина мисол келтириш билан чекланамиз. «Лайли ва Мажнун» достони якунида Навоӣ шаҳзода Султон Увайс Мирзога қарата панд-насихатлар қилади. Унда, жумладан, қуйидагиларни ўқиймиз:

*... Бир кишварга ҳукм сурсанг,
Иқболу шуқуҳ кўсин урсанг,*

*Зинҳорки зулм риштасин уз!
Инсоф ила адл қасрини туз!*

*Мулк аҳлиға меҳрибонлиқ айла!
Андоқ – рамаға шубонлиқ айла!..*

*Мазлумға золим этса бедод,
Додин бериб айла хотирин шод!*

*Не зулм қилурға элни қотқил!
Не зулм қўлин ўзунг узотқил!..*

Бу байтлардаги фикрга ҳамоҳанг қарашлар «Хамса» дostonларида, хусусан, «Садди Искандарий»да ҳукмдорлар ва шаҳзодалар олдига қўйилган талаблар билан ҳамоҳангдир. Келтирилган парча Искандарнинг Ферузни тахтга қўйиш олдидан айтган панд-шартларини (биз уни юқорида келтирдик) деярли айнан такрорлайди ва шу йўсинда бадиӣ адабиётдан реал ҳаётга кўчиб, тарихий шахс – шаҳзода Султон Увайс Мирзони адолатга даъват этади, халқпарварликка чорлайди.

ШЕЪРИЙ ҲИКОЯТ ВА МАСАЛЛАРДА ҲАМ...

Бош ғояни чуқурроқ очиш, асосий мақсадни ўқувчиларга ёрқинроқ намоӣиш этиш ниятида йирик бадиӣ асарларда ибратли ҳикоят ва масаллар, ривоят ва тамсиллар келтириш тажрибаси, умуман, Шарқ халқлари адабиётида кўп учрайди. Бундай тажрибанинг ажойиб намунасини биз Алишер Навоӣ ижодида, хусусан, «Хамса» ҳамда «Лисон ут-тайр» дostonида учратамиз. «Хамса» дostonларидаги («Ҳайрат ул-аброр», «Садди Искандарий») илова ҳикоят ва масалларда ҳам, ҳикмат ва тамсилларда ҳам етакчи халқчил ғоя ва илғор оҳангларнинг бадиӣ ифодасини кўрамиз. Бу намуналар, айни замонда, улкан иқтидорнинг бизга номаълум қирраларини очади – улар Навоӣни моҳир ҳикоянавис, кучли масалчи сифатида характерлайдилар, бу жанрларда ҳам ҳайратомуз ишлар қилганидан дарак берадилар.

«Ҳайрат ул-аброр» ва «Садди Искандарий» дostonларидаги бу илова ҳикоят, ҳикмат, масалларнинг ҳаммаси, беистисно, ўз мазмун ва ички структурасига, образлари ва ечими – «ҳисса»ларига эга бўлиб, уларнинг ҳар бири кичик тугал асар даражасига кўтарилган: илова этилган боб-мақолотлардан (шартли равишда) ажратиб олинганида ҳам улар ўз мазмун

бутунлигини йўқотмайдилар, маълум ғоявий-эстетик ва ахлоқий-тарбиявий вазифани ба-
жариб келаверадилар. Аммо бу таъкид ҳикоят ва масалларнинг, ҳикмат ва тамсилларнинг,
умуман дoston, хусусан боб-мақолотлар матни билан мустаҳкам мантикий алоқасини ин-
кор этмаслиги керак. Чиндан ҳам, муаллиф дostonнинг дуч келган жойига, ёпишса-ёпиш-
маса бу «мустақил», «тайёр» асарларни қистириб юбора берган, дейиш хато бўлади. Аксин-
ча, худди шу дoston (боб, мақолот) учун махсус ёзилган ҳикоят, масал, ҳикмат ва тамсиллар
етакчи мазмун билан бевосита алоқага киришади, уни изоҳлайди, тўлдиради, далиллайди,
бош ғоя янада ёрқинроқ ва асослироқ очилишига хизмат этади.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг машҳур учинчи мақолотида илова қилинган «Шоҳ Ғозий» ҳикоя-
тини олайлик. Маълумки, бу мақолотда адолатсиз шоҳлар, зўравон амалдорлар ҳамда улар-
нинг эл-юртга қарши қаратилган фаолиятлари аёвсиз фош этилади, саройдаги маиший
бузуқлик реалистик лавҳаларда чизилади. Бутун мақолот замирида адолат ва халқпарвар-
лик улуғланади ҳамда одил, инсофли ҳукмдор масаласи ташвиқ қилинади. Мақолотга ило-
ва этилган «Шоҳ Ғозий» ҳикоятида эса худди шундай одил шоҳ образи чизилади, муаллиф
шу йўсинда ўз ғоясининг ҳаётийлигини аниқ далил мисолларда кўрсатади.

Ҳикоят гарчи тарихий шахс Султон Ҳусайн Бойқаро номи билан боғлиқ бўлса-да, аслида,
халқ эртакларини эслатади: унда шоирнинг одил ҳукмдор ҳақидаги орзу-ўйлари романтик
бўёқларда ифода этилган. Чиндан ҳам, ҳикоятда баён қилинган воқеани тарихий ҳақиқат
деб қабул қилиш жуда қийин. Эмиш, Ҳусайн Бойқаро Хуросон тахтини эгаллагач, мамла-
катни адолат билан бошқарган, юртда тартиб-интизом ўрнатиб, зулм-зўравонликларга
тўла барҳам берган:

*Адл эшигин элга қушод айлади,
Тахт уза ўлтирдию дод айлади.*

*Тузди бузуқларни иморат била,
Зулмни дафъ этти адолат била...*

Ҳикоятда шоҳнинг одиллигини кўрсатувчи, унинг даврида адолат ҳукмрон эканлигини
исбот этувчи лавҳалар битилади. Шаҳарни сайр қилиб юрган Бойқаронинг этагини бир
кампир тутиб, даъво билан маҳкамага – қози олдиға олиб келади ҳамда тахт талашиб, уруш
қилиб юрган йилларида яккаю ягона ўғлини ноҳақ ўлдирганликда айблайди. Бундан гу-
манист шоир тасвиридаги шароитнинг ҳам идеал эканлиги равшанлашади. Қандайдир
бир кампирнинг тап тортмай шоҳни кўчада тутиб, маҳкамага судраб олиб бориши ҳамда
одам ўлдиришда айблаб, жазоланишини талаб этиши орзудан бошқа гап эмас. Ҳаётда эса
бундай ҳолат кам учрайди, ҳақгўйликдан кўра ноҳақлик кўп! Алишер Навоий шу «Ҳайрат
ул-аброр» дostonининг ўзида: шунингдек, «Маҳбуб ул-қулуб» асарида пора эвазига «оқни
қора», «ҳақни ноҳақ» қилиб ҳукм чиқарувчи инсофсиз қозиларни қаттиқ танқид қилгани
ҳам маълум. Аслида худди шундай амалдорлар ўша жамият учун типик эди.

Ҳикоятда эса Навоий қозининг ҳам образини орзу тарзида чизади: у ҳукмдорга ҳам, бева
кампирга ҳам бир хил муносабатда бўлади, уларга даъвогар ва жавобгар шахслар сифатида
ёndoшади. Адолат билан қонун доирасида ҳукм чиқаришга киришади. Икки киши гувоҳли-
гида айби бўйнига қўйилган шоҳ гуноҳкор деб топилади, бевага эса уни ўлдириш ёки ўғли
эвазига хун ҳақи ундириб олиш ҳуқуқи берилади. Ҳукмга бўйсунган шоҳ одиллигидан лол

қолган кампир унинг жонини омон қолдиради, ўғли эвазига олтин олиш билан чекланади, халқ орасида эса «Золи зар» («Тилла кампир») лақаби билан шуҳрат тутати.

Шу тариқа Навоий бу ҳикоятда реал воқелик ва ундаги тартиб-қоидаларнигина эмас, балки ўзи орзу этган идеал шароит, одил шоҳ ва инсофли амалдорлар образини яратади.

«Хамса»да тарихий шахслар иштирокида бошқа ҳикоятлар ҳам учрайди. Масалан, «Ҳайрат ул-аброр»да амир Темур, «Садди Искандарий»да эса Чингизхон ва Хоразмшоҳ номлари билан боғлиқ ҳамда мазмун ва ғоя жиҳатидан бири-бирига жуда яқин ҳикоятлар бор. Икки ҳукмдор ўртасидаги урушнинг офат келтириши, «мулкни зеру забар» қилиши ва икки дўст ўртасидаги вафо-садоқатнинг юртга омонлик ва тинчлик бахш этиши ҳақидаги бу ҳикоятларнинг ҳам аслида реал шахс ва тарихий воқеаларга алоқаси йўқ. Кўпчилик халқ эртақларига хос «ижобий якун» билан хулосаланувчи бу ҳикоятларда романтик руҳ ҳукмрон; одабийлик ва фидойилик, вафо ва садоқат, дўстлик ва меҳр ёвузликдан устун чиқади, ўлимни енгади.

Навоий бу юксак ғояни ёритишда ўзининг олий санъати ва етук бадиий маҳоратини кўрсатди. Айниқса, умумий қирғин вақтида ўлкани қуршаб олган ваҳима ва таҳликали ҳолат, босқинчиларнинг шафқатсизлиги ва ваҳшийликлари реалистик бўёқларда таъсирчан чизилган. Чиндан ҳам, ҳикоялардан олинган мана бу мисраларда кучли ички ҳаяжон, зўравонлик ва ёвузликка нисбатан нафрат уфуриб турибди:

*...Касратидин даштни тутғон қатил,
Қон ила шингарфдин оқизди Нил.*

*Бош тушуб ул рўдда сой тошича,
Бош кесибон ҳар киши ўзбошича.*

*Ҳар сари қон тўкмак ила тиғи тез
Жумлаи оламда солиб рустахез...*

*...Ато ўғлиға йиғлабон: ҳой-ҳой!
Қизига ано тортибон: вой-вой!*

*Ҳаёт уйига марг солиб ҳалал,
Амон рахнасин маҳкам айлаб ажал...*

Золим ва босқинчи ҳукмдорларнинг қирғин келтирувчи урушларини, умуман, ёвузлик ва шафқатсизликни қораловчи бу ҳикоятлар дўстлик ва вафо шаънига, ҳаёт ва тириклик шаънига мадҳия бўлиб эшитилади. Айни замонда оддий халқ вакиллариининг руҳан бойлиги, пок қалби ва маънавий юксаклиги ғояси бу ҳикоятлар замирида ётади.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг ўн тўққизинчи мақолотига илова этилган ҳикоятда ҳам ҳукмдор образи масаласи кўтарилган. Ҳикоят аввалида Баҳромнинг шоҳлик бурч-вазифаларини унутиб, айш-ишратга берилиши, ундан «ибрат» олган амалдорларнинг эса мулкни вайрон этиши ҳақида сўз боради:

*Бодаи ғафлат ани маст айлади,
Маст неким, бодапараст айлади.*

*Шаҳ чу бўлур бода ичиб масти хоб,
Мастлар – ўқ мулкин этарлар хароб,*

*Бода ичиб қилғучилар шўру шар
Айладилар мулкани зеру забар.*

Шоир шоҳ Баҳромнинг халқ манфаатларига зид эгоистик фаолиятини қуйидаги чиройли сўз ўйини орқали жуда равшан кўрсата олган:

*Хаста кўнгул овламоқ этмай ҳавас,
Шева анга даштда ов эрди бас.*

Ҳикоятнинг кейинги қатор мисраларида шоир шоҳнинг зулм йўлига кириши, маиший бузуқликка юз тутишининг мамлакат ва халқ учун ўта мудҳиш оқибатларини, айниқса, Баҳромнинг овда адашиб бир чотма (капа)га келиб қолиши саҳнасида ишонарли чизади. Шоир тасвирича, чотма эгаси ўша зулм остида эзилган, хароб бўлганлардан бири. Зулм ўқи тилка-пора қилган «уйи» ошиқлар кўнглидек вайрон, доимий талон-тарож натижа-сида унинг кийишга кийими, ейишга овқати, меҳмонга қўйгудек нарсаси қолмаган. Шоир шундай ситуация яратадики, унда икки қарама-қарши қутб вакиллари – золим билан мазлум-жабрланувчи юзма-юз тўқнашади. Капа соҳиби (Баҳромни танимай) шоҳ ва унинг амалдорларининг зулми, зўравонлиги тўғрисида ғазаб-нафрат билан гапиради:

*Деди: – «Бурун яхши эди ҳолимиз,
Зулм хароб айлади аҳволимиз.*

*Шоҳ, улус ҳолидин огоҳ эмас,
Жуз маю мутриб анга дилхоҳ эмас.*

*Хайли очибон тамаъ оғзини кенг
Айладилар мулкани ер бирла тенг!»*

Ҳикоятда баён қилинишича, капа соҳиби билан суҳбатда аччиқ ҳақиқат эшитгач, Баҳром ўз қилмишларидан афсусланади, зулм ва зўравонликка барҳам беради. Адолат билан иш тутиб, «мулкни обод», «ғамгин халқни шод» қилади.

Бу ўринда ҳам халқпарвар шоирнинг ҳукми қатъий: у мамлакат ва раият – халқ ғамини емайдиган, унинг манфаатлари устида доимо қайғурмайдиган шоҳни асло тан олмайди, ҳукмронликка номуносиб деб ҳисоблайди.

Маълумки, Алишер Навоий халқ оғзаки ижодидан, унинг илғор ғоя ва мотивлари, санъат ва шаклларида кенг фойдаланди. Бу таъсирланиш, айниқса, «Сабъаи сайёр», «Фарҳод ва Ширин» дostonларида равшан кўринади. «Хамса»нинг бошқа дostonларидаги илова ҳикоятларнинг аксариятида ҳам халқ оғзаки ижодининг аниқ излари кўзга ташланади. Бу

жиҳатдан «Ҳайрат ул-аброр»даги «Қониъ ва томиъ» ҳамда «Садди Искандарий» достонидаги «Машриқда ганж топқон киши» ҳикоятлари жуда характерлидир. Ҳар икки ҳикоятда ҳам тамагирлик, текинхўрлик, меҳнат қилмай бойлик орттиришга интилиш фош этилади, хомтама кишиларнинг оқибатда панд еб, ўз очқўзликларининг қурбони бўлишлари халқ эртаклари услубида баён қилинади. Ва, аксинча, худди халқ эртакларида бўлганидек, меҳнат кучи билан ҳалол яшашга интилган, сабр-тоқатли, покиза ниятли кишилар чин обрў-эътибор топадилар, бахт-саодатга эришадилар. Ўйлаш мумкинки, Алишер Навоий бу каби ҳикоятларни яратишда фақат ўзбек халқ ижодиётидангина эмас, балки бошқа халқлар фольклоридан ҳам кенг фойдаланган. Масалан, ўзбек халқ эртакларининг бирор намунасида ҳам, айтайлик, қаҳрамонларнинг тошга битилган ёзувларга дуч келиши ва ундаги маълумотлар эртак ривожини учун тугун бўлиб хизмат қилишини кўрмаймиз.

Навоийнинг зикр этилган ҳар иккала ҳикояти қаҳрамонлари эса хат битилган тошларни учратиб қоладилар, ундаги ёзувларга кўра «ҳазина» қидиришга киришадилар. Бундай детални шоир қардош халқлар фольклоридан олган бўлиши мумкин.

Айтиш керакки, Навоийнинг «Хамса»даги ҳикоятларининг айримлари «сайёр» сюжетлар асосига қурилган. «Садди Искандарий» достонидаги «Шоҳ ва гадо» ҳикояти худди шундай: унда ўрта асрларда бутун Шарқда, кейинчалик эса Ғарбда ҳам машҳур бўлган воқеа тасвирланган. Ўз мазмунига кўра фалсафий-ижтимоий характердаги бу ҳикоятда жаҳонгир Искандарнинг шоҳликдан гадоликни афзал билган шахс билан мулоқоти баён қилинади. Шоҳу гадою баробарлиги (янада аниқроғи, баробар, тенг бўлиш шартлиги) ҳақидаги прогрессив тезис ҳикоятдан шоир кузатган асосий мақсаддир.

... Искандар забт этган юртларнинг бирига ҳалок бўлган ҳукмрон ўрнига лойиқ шахсни қўйиш ниятида номзод ахтаради. Жамият ва дунё ташвишларидан узлатга чекинган бир доно таърифини эшитгач, уни ўз ҳузурига келтиришни буюради. Донишманд икки бош суякларини кўтариб келади. Искандар бунинг сабабини сўраганда қуйидаги соф фалсафий жавобни эшитади:

*Деди: «гўрлардин қилурда гузар,
Неча бу сўнгакларга солдим назар.*

*Замиримга лекин ниҳон қолди бу
Ки, шахнинг қаюдур, гадонинг қаю?*

*Чу ўлганда бирдур бу икки матоъ,
Тирикликда невчун қилурлар низоъ?»*

Бу, чиндан ҳам, асрлар давомида барча халқларнинг илғор фарзандлари дилини ўртаб келаётган, барча жамиятлар учун доимо кун тартибида турган ижтимоий долзарб муаммо эди. Ҳикоятда донишманд Искандар мутлақ бажара олмайдиган қатор шартларни қўйиб, шоҳликни қабул қилмайди, ўзининг жаҳонгирдан ҳам маънавий устунлигини намойиш этади.

«Хамса» дostonларида учровчи бу каби ҳикоятларнинг умумий бир хусусияти шундаки, уларнинг ҳаммасида ахлоқий-таълимий мотивлар устун туради, улар панд-насиҳат, ўғит ва ибратни ҳам тарғиб этадилар. Худди шу жиҳатдан бу ҳикоятлар масалга жуда яқин тура-

дилар. Ҳатто уларнинг айримларини масал жанрининг мумтоз намуналари дейиш мумкин. Масал учун эса фақат қуруқ насиҳат, юсак ахлоқ даъватигина эмас, балки қоралаш, фош этиш ҳам хосдир. Масалан, “Садди Искандарий»даги масаллардан бирида ёлғончилик қораланади, унинг иллат эканлиги ҳаётий лавҳада ишонарли исбот этилади.

... Доимо ёлғон сўзловчининг уйига ўт тушади. Аммо унинг мадад сўраб «чеккан фиғонлари»га кишилар ишонмайдилар. Оқибатда, шоирнинг ўринли ибораси билан айтганда, «кўз юмуб очқунча» вақт ўтмай уйи куйиб кул бўлади. Якунловчи икки мисраъ:

*Агар қилмади эл ҳимоят санга,
Ўзунгдин керакдур шикоят санга! –*

айниқса, аҳамиятли бўлиб, унда масалнинг маъзи – ғоявий «ҳиссаси» ифода топган. Кўри-ниб турибдики, шоир жузъий ҳодисадан катта ижтимоий-фалсафий хулоса чиқаради: покиза ҳаёт тарзи, тўғрилиқ, ҳалоллик билангина халқ орасида обрў қозониш мумкин. Кимки, эл назаридан четда қолар экан, бунинг бош сабабини ўз феъли-атворидан, ижтимоий фаолиятдан қидириши лозим.

«Ҳайрат ул-аброр»даги бир масалда ҳам худди шу мавзу ҳайвонот олаmidан олинган лавҳа орқали янада жонли ифодаланган. Унда ҳикоя қилинишича, Шер билан Дурроҷ (тустовуқ жинсидаги қуш) дўст тутинишади. Дурроҷ ёлғон сўзлашга одатланган эди. У доимо дўстига мурожаат қилиб, «Мени сайёд домидан қутқар!» деб бақирар, Шер югуриб етиб келса, алдаганлиги маълум бўларди. Кунларнинг бирида Дурроҷ чиндан ҳам домга илинади ва Шердан ёрдам сўраб қичқиради. Ҳар вақт алданиб келган Шер бу сафар (одатдаги ёлғон деб ўйлаб) ёрдамга бормайди. Шу тариқа ёлғончи Дурроҷ ўз бошига ўзи етади.

Бу масалда ҳам худди «Садди Искандарий»даги ёлғончининг уйи куйиши каби, ёлғоннинг доимо ёмон оқибатларга олиб келишига урғу берилган.

Шу дostonдан ўрин олган яна бир масални ҳам кўриб ўтайлик. Бу масалда табиати, феъл-атвори, интилиши, ташқи кўриниши жиҳатидан бири-биридан жуда узоқ бўлган Булбул ва Зоғ тўқнашади.

Маълумки, ёзма адабиётда ҳам, халқ оғзаки ижодида ҳам Булбул ва Зоғ аслий зид тарафлардир. Бири ижобийлик тимсоли, баҳор, гул, хушхонлик, гўзаллик, садоқат, вафодорлик, покизалик рамзи, иккинчиси, аксинча, салбий тушунчалар билан боғлиқ бўлиб, хунуклик, бефаросатлик, дағаллик рамзи. Навоий масалида ҳам улар худди шу етакчи белги-хислатлари билан бири-бирларига қарши қўйиладилар. Аслида гўзалликдан узоқ, назокатга бефарқ, нафосатдан бебаҳра, дид-фаросатдан олис Зоғ Булбулни камситишга уринади, унинг баҳор фаслидаги оҳу ноласи, Гулга нисбатан чин садоқати устидан кулмоқчи бўлади. Булбулнинг фақат баҳор фаслидагина хониш билан фиғон чекиши, йилнинг қолган ойларида «ҳазину хомуш» бўлиши Зоғга эриш туюлади, у бунда мантиқсизлик, субутсизликни кўради. Ўзини оқил, билимдон тутган Зоғ Булбулга танбеҳ беради, унинг «айб»ларини очади...

Навоийнинг бу асари масал жанрининг барча талаб-шартларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган, ҳар жиҳатдан мукамал намунадир. Ўз ғояси, тушунчаси, ҳаёт, садоқат ҳақидаги мулоҳазалари, яшаш шароити ва усули, интилиши ва мақсади жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқланувчи икки томон унда бевосита тўқнаштирилади. Шоир қушлар дунёси вакиллари «инсонлаштирар», уларга инсоний белгиларни кўчиради экан, масалага фор-

мал ёндашмайди. Шу қушлар характериға, улар тўғрисида кишиларда аллақачонлардан бўён шаклланиб, қатъийлашиб қолган тушунчаларға мос хислатларни тақайди: ҳар бири ўз фикр доирасига мувофиқ, ўз одатига кўра ҳаракат этади, «ўз сўзларини» сўзлайди, «ўз» мантиқига эга. Зоғ даввосининг аслида мантиқсизлигини очиш вазифаси масалда бевосита Булбулнинг ўзига юкланади. У ўз фаолиятини оқлай билади, далилларда исбот қилади, бугина эмас, у Зоғнинг қолоқ онгини, унинг гўзаллик ва нафосатни тушуниш ва қадрлашдан ожиз эканлигини фош қилади («Қачон англагайсан менинг ҳолатим!»).

Масал характеридаги Кабутар ҳикояти эса ватанпарварлик мотивлари билан суғорилган. «Фалак гардиши айлаган зулму зўр» оқибатида шоҳ қасрида тутқун бўлган кабутар кунларнинг бирида «зиндондин кечади». Озод бўлган қуш ҳеч нарсага боқмай ўз ошёни сари тинимсиз қанот қоқади. «Вале зулми даврон» унинг «уйини хароб қилган» эди. Аммо у шу бузуқ вайронани – зийнатланган шоҳ қасридан афзал кўради:

*Басе давр уруб, эҳтиёт айлабон,
Бузуғ узра қўнди нашот айлабон.*

*Ки, маънус эрур гарчи вайронадур,
Нетай шоҳ қасринки, – бегонадур!*

*Эрур хушқа хушроқ чу боқсанг аён,
Мурассаъ қафасдин тикан ошён.*

Бу ҳикоят беихтиёр шоирнинг оташин ватанпарварлик ғояси билан суғорилган:

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,

мисраси билан бошланувчи машҳур тўртлигини эслатади.

Навоий масалларининг адабиётимиздаги аҳамияти бениҳоя каттадир. Шоир жамият, ҳаёт ҳодисаларини, улардаги зиддият ва номувофиқликни, тўқнашув ва курашларни ўзига хос шаклда мажозий ифода қилади. Масалларнинг кўпчилиги дидактик характерга эга бўлиб, ўша иллатларни ёрқин ифодалаши, илғор ғояларни, юксак инсоний фазилатларни тарғиб этишига кўра бошқа муҳим асарлари билан тенг аҳамият касб этади.

«Хамса» дostonларида келтирилган ҳикоятларнинг айримлари соф сатирик ва юмористик характерга эга. Бу тур ҳикоятлардан бир намуна келтириш билан чекланамиз. «Ҳайрат ул-аброр»нинг ўн учинчи мақолотиға илова этилган ҳикоятда бир ўғри ҳақида сўз боради. Навоий унинг ўғирлик қила туриб қўлга тушиш эпизодини соф юмористик планда тасвирлайди. Ер ўйиб уйга кирган бу «кисабур» (шоир ибораси) дуч келган нарсаларни тўплаб тугаверади, тугаверади. Оқибатда, ўзи ўйиб кирган тешикдан тугун сиғмай шарманда бўлади. Шоир ўғрининг ана шу аҳволини халқимизнинг «Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига» юмористик мақоли билан жуда вобаста талқин этади:

*...Ўғри ўшул хуфра ичидин чиқиб,
Ҳарне топиб эвда – тамомин йиғиб.*

*Онча неким, – элта олур чоғлабон,
Берк тонгиб орқасига боғлабон.*

*Нақбга киргач – кичик эрди тўшук,
Сиғмадиким, – беҳад улуг эрди юк.*

*Тор уни сичқонга солиб эрди ғам,
Қуйруғига боғлади ғарбол ҳам.¹*

«Хамса» дostonларидаги бош мазмун, етакчи ғоя ва мотивларни янада тўлароқ ва ёрқин-роқ очиш, далилларда намоиш этиш мақсадида илова этилган ҳикоят ва масаллар шу қадар кўп сонли ва ранг-барангки, уларнинг барчасини бир мақолада қамраб олиш, таҳлил қилиш жуда қийин.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, ҳажман кичик илова асарларда ҳам улуг Навоий катта ижодкор, йирик санъаткор сифатида қалам тебратди, шеърӣ ҳикоят ва масалнинг ҳам моҳир устаси эканлигини намоиш этди. Шоир бундай тажрибани кейинчалик янада ривожлантирди. Масалан, умрининг охирларида яратилган «Лисон ут-тайр» дostonида ҳам биз турли-туман мавзудаги ўнлаб гўзал ҳикоят ва масалларни учратамиз.

«АНДА ҲАР БАЙТ НЕЧА МАЪНИ ИЛА...»

Буюк Навоий яшаб, ижод этган давр билан бизни беш асрдан ортиқ вақт ажратиб туради. Табиӣки, бу давр ичида кўп нарсалар, шу жумладан, тил ҳам ўзгарди, бу табиӣ, албатта. Шунча тарихни кечирган Навоий асарларининг бугунги китобхонга тўла-тўқис тушунарли бўлмаслиги ҳам табиӣ! Аммо уни тушунарли бўлсин учун «Қайта ёзиш», тўғрироғи, ҳозирги адабий тилга кўчириб чиқиш шартми?! Умуман, бу юмушни қилиш учун зарра бўлса ҳам маънавий, ахлоқӣ ва ҳуқуқӣ ҳақимиз борми? Баъзи бир шундай ишларни кўрганда уларнинг муаллифларига шу саволни бергимиз келади. Аммо бундай номақбул тажрибалар сони йил сари ортиб бормоқда.

Мана, қўлимизда «Ватан адабиёти» китоби. Бу дарслик 4-синфлар учун мўлжалланган. Уни ЎзССР Маориф нозирлиги тасдиқлаган ва «Ўқитувчи» нашриёти чоп этган. 1088 йилда бу китобнинг ўн бешинчи наشري қарийиб, ярим миллион (487.000) нусхада чиқди ва барча ўзбек мактабларига тарқатилди. Мана шу китобнинг 57-саҳифасида «Алишер Навоий (1441–1501)» ёзувларини ўқиймиз. Улуг шоирнинг таниш суврати остида «Ёлғончи» деб сарлавҳа қўйилган ўн икки мисрали қуйидаги «шеър»га дуч келамиз:

*Бор эмиш аввал замонда (?) бир киши,
Доимо ёлғончилик қилган иши.*

*Бир қуни уйини ўт олган эмиш,
«Қутқазинг» деб дод-вой солган эмиш.*

¹ «Хамса», 903-бет.

*Сўзига ишонмабди (?) ҳеч бир одам
Уйи қул бўлиб ёниб кетди шу дам (?)*

*Унга айтмиш бир киши – ақли расо:
«Қимки ёлғон сўзласа, алдар эса,*

*Ҳар нечукким (?) рост турур (?) онинг сўзи;
Эл аро ёлғон эрур онинг сўзи.*

*Гарчи (?) ёрдам бермади ҳеч сенга эл
Бошқадан эмас, ўзингдан ўпка қил».*

Бадиият ва жозибадан батамом бебаҳра, ҳатто оддий вазн ва қофия талабларига ҳам изчил риоя қилинмаган бу ниҳоятда жўн ва мажруҳ мисралар ортидан ўша саҳифада: «Ўзбек халқининг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоийнинг «Ёлғончи» масали (ҳикояти) унинг «Садди Искандарий» достонидан олинган», деган таъкидни ўқиб, ёқангизни ушлайсиз. Чунки аслида Навоийнинг «Ёлғончи» сарлавҳали «Масал (ҳикояти)» йўқ ва демак, табиийки, унинг «Садди Искандарий» достонидан «олинган»лиги ҳақидаги маълумот ҳам ғирт ёлғоннинг ўзгинасидир. Ҳа, дарслик-хрестоматия тузувчилари Ҳ.Убайдуллаев ва Қ.Абдуллаевалар юқорида келтирилган «Ёлғончи»ни Навоий қаламига нисбат бериб, ёлғон сўзланганлар, мана, неча йиллардан бери минг-минглаб мактаб ўқувчиларини алдаб келганлар, улар онгида улуғ бобомиз ижодий мероси ва бадиий маҳорати ҳақида нотўғри тасаввур шакллантирганлар. Афсуслар бўлсинким, бу иш ҳамон давом этмоқда. Маорифимизнинг энг юқори ташкилоти ҳам дарслик-хрестоматияни қайта-қайта нашр этилишини маъқуллаб, ҳақиқий шеърятдан узоқ тизмалари «Навоийнинг ўз ёзмишлари», деб гувоҳликка ўтган, ўзининг расмий ҳуқуқи ва обрўси билан катта ёлғонни «қонунлаштириб» берган.

Бутун масъулиятни тўла ҳис қилиб айтамикки, келтирилган дидсиз «асар»ни Навоий қаламига нисбат бериш, ҳар бир сўзни чертиб ишлатадиган, ҳар бир ташбиҳни минг мулоҳаза билан қўллайдиган Навоий шаънига, унинг даҳо санъаткорлигига очикдан очик туҳмат қилишдан бошқа нарса эмас. Ҳа, минг-минглаб адабиёт ўқитувчиларимиз диққатига, шунингдек, тўртинчи синфдаги юз минглаб ўқувчиларимиз эътиборига шу ҳақиқатни етказишни лозим кўрамизки, қўлингиздаги дарслик хрестоматиянинг 57-саҳифасида Навоий имзоси остида берилган масал (ҳикоят)нинг бирор мисраси ҳам Навоийники эмас!

Хўш, шундай экан, бу бефайз ва нурсиз мисралар, бу тўмтоқ мазмун ва чала қофиялар кимнинг «кашфиёти?» Бу кескин саволга жавоб қуйидагича: уларнинг барчаси улуғ шоир нурли қаламига чиндан ҳам мансуб бўлган ва ҳар жиҳатдан баркамол байтларининг олис соялари, хира изларидир. Гап шундаки, «Садди Искандарий» достонида кўплаб ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий масалалар жумласида Навоий ёлғончиликнинг хунук оқибатлари, ёлғончи шахсларнинг эса эртами-кечми, аммо муқаррар равишда жазоланиши мавзусини ҳам қаламга олган. Достоннинг тўғрилиқ, ҳалоллик таърифига, чинсўз ва ростгўйлик васфига бағишланган боби таркибида масал характериға эга бўлган қуйидаги мўъжаз ҳикоят мавжуд:

*Бор эрмиш бурун чоғда козибваше,
Уйига тушуб шуълаи саркаше.*

*Фиғонлар чекар эрмиш истаб мадад,
Эшитганга бўлмай сўзи мўътамад.*

*Чу куймиш уйи юмуб-очқунча кўз,
Демиш анга соҳибдиле бўйла сўз.*

*Ки: “Ёлғон ангаким фаровон дурур,
Чини ҳам эл олинда ёлғон дурур.*

*Агар қилмади эл ҳимоят санга,
Ўзунгдин керакдур шикоят санга!»*

Ана шу беш байтни дарслик-хрестоматия тузувчилари бобдан узиб олиб, ўзларича сарлавҳа билан таъминлайдилар, шахсий дид ва истеъдодлари савиясида ҳозирги тилимизга «мослаштириб», яъни қайта ёзиб чиқадилар, ҳатто ҳикоятни «тўлдиришга», «бойитишга» уринадилар, ҳажмини эса ўн икки мисрага етказадилар ва уни Навоий асари деб ўқувчиларга тақдим қиладилар. Натижада, ўқувчи «Қутқаринг» деб дод-вой солган эмиш. Сўзига ишонмабди ҳеч бир одам. Уйи кул бўлиб кетди шу дам» каби жўн, бадийликдан узоқ жумлаларни Навоийнинг ўз мисралари деб қабул қилишга мажбур этилади. Тузувчилар Навоийнинг дахлсиз байтларига ўз нўноқ қўлларини урганликларини айтиб ўтишни лозим ҳам кўрмайдилар, ҳеч тап тортмай ўз «ижод»ларини улуғ шоир номидан эълон қилаверадилар. Тузувчилар, ноширлар бу қилмишларини, ҳойнаҳой, тушунилиши қийин сўзларнинг кўплиги билан асосламоқчи бўлгандирлар.

Юқорида қайд қилганимиздек, Навоийнинг беш аср бурун битилган байтларини ҳозирги замон китобхонлари, айниқса, мактаб ўқувчилари бир ўқишдаёқ тўла-тўқис уқиб олишлари қийин. Аммо бу объектив ҳолат – шоир тилининг «оғирлиги» ҳеч кимга унинг асарлари мазмун-ғояси ва юксак санъаткорлигини вайрон этиб, қайтадан ёзиш ва уни Навоий номидан нашр этиш ҳуқуқини бермайди. Асло! Худди шунинг учун ҳам дарслик-хрестоматия тузувчиларининг бу «журъатлари»ни улуғ шоирнинг муқаддас меросига нотўғри муносабат, деб баҳолаш керак.

Ҳар бир ижодкор асари тўла дахлсиздир. Шу боисдан ҳам у қайта ёзиш, мослаштириш у ёқда турсин, ҳатто бирор таҳрир – «тузатиш»ларсиз, аслича нашр этилиши керак. Бу тан олинган илмий ёндашув адабий меросларни ўрганиш, эълон қилишда дастуриламал бўлиши керак. Навоийнинг «жуда оғир», «иборалари қийин» асарларининг ҳам қайта ёзиб чиқишга, аслида ҳеч қандай зарурат йўқ. Хўш, у ҳолда асарнинг «мағзини чақиш» муаммоси қандай ҳал этилиши мумкин? Сўз юритилаётган масал-ҳикоятнинг аслини қайта ўқиб чиқайлик. «Фиғонлар чекар эрмиш истаб мадад; чу куймиш уйи юмуб-очқунча кўз; чини ҳам эл олинда ёлғон эрур» каби мисраларни ҳар бир ўқувчи бемалол ҳазм эта олишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бошқа мисралардаги қатор сўз-бирикмаларга эса (козибваш, шуълаи саркаш, мўътамад, соҳибдил) тегишли изоҳлар берилса етарли. Кўринадики, На-

войининг «тили юғир» асарларини ҳам ҳозирги ўқувчиларга батамом бегона деб талқин этиш унчалик тўғри эмас.

Ўрта мактаб дарсликларида Навоий асарларининг аслини беришнинг катта маърифий-тарбиявий, бадий-эстетик аҳамиятини ҳам асло унутмаслик керак. Мактаб ўқувчининг улуғ бобомиз билан бевосита учрашиб, юзлашининг энг яқин, энг аниқ йўллари-дан бири бу. Фақат шундагина ўқувчи Навоийнинг ўзини кўриш, ҳис этиш, унинг ўз овозини эшитиш имконига эга бўлади, унинг руҳидан мадад, асарларидан маънавий юзуқа олади. Айни замонда у XV аср ўзбек адабий тилининг ҳолатини, унинг беш юз йил давомида босиб ўтган тараққиёт йўлини ёрқинроқ тасаввур этади. Бугина эмас. Навоий асарларининг аслини ўқишга ўрта мактабданоқ кўникма ҳосил қилишнинг аҳамияти катта. Айтайлик, масал-ҳикоятнинг якунловчи (қиссадан ҳисса):

*Агар қилмади эл ҳимоят санга
Ўзунгдин керакдур шикоят санга!*

байти ўзининг чуқур халқчил мазмуни, эзгуликка даъвати билан ўқувчи онгида мангуликка қолса, ажаб эмас, чунки у халқ мақоллари каби қуйма ва жарангдор, лўнда ва таъсирчан. Ахир:

*Одамий эрсанг демагил одами
Оники йўқ халқ ғамидин ғами –*

мисралари болалигимизданоқ дилимизга жо бўлмаганми?!

«Ватан адабиёти» дарслик-хрестоматияси тузувчилари бу катта масалани унутиб қўядилар, келтирилган мазмунан пурҳикмат, шаклан баркамол байт ўрнига зўрма-зўраки тикланган мана бу мисраларни тиқиштирадилар:

*Гарчи (?) ёрдам бермади ҳеч сенга эл,
Бошқадан эмас, ўзингдан ўпка қил.*

II

Кишини жиддий ташвишлантирадиган нуқта шундаки, Навоий асарларини «қайта ёзиб» нашр этиш «тажрибаси» янада кенгайиб бормоқда. Аслиятсиз, яъни Навоийнинг ўз сўзларисиз ва демак, ношир (тадқиқотчи)нинг субъектив тушунчаси ва субъектив талқини бўйича матнни Навоий имзоси билан эълон этишга янги мисолни «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида учратдик. Журналнинг 1987 йил 4 сонидида «Навоий мактублари» сарлавҳали бир материал босилди. Унда шоирнинг ўзбек тилидаги мактублари мажмуаси бўлмиш «Муншаот» «Шарқ эпистоляр адабиётининг ўзбек тилидаги мумтоз намунаси» деб тўғри баҳоланади. Тадқиқотчи Ю.Турсуновнинг «бу мактублар ҳозирги кундаги оддий хат тушунчасидангина иборат бўлиб қолмасдан, айтиш жоғда, бадий ижоднинг ўзига хос тури сифатида юзага келган», деган фикри ҳам бизда эътироз туғдирмайди. Аммо журналхонларга ҳавола этилган икки мактуб юқоридаги баҳо-таъкидларни асло исботлай олмайди, «булар Алишер Навоийнинг бой ижодий ва ижтимоий фаолияти ҳақидаги яна бир манба

вазифасини ўтайди, деган умид»ни (181-бет) оқлашдан батамом ожиз бўлиш билан бирга, шоир ва унинг ижодий фаолияти хусусида нотўғри тасаввур шакллантиради. Нега? Чунки Навоий имзоси билан берилган ҳар иккала мактубнинг бирор жумласи ҳам Навоийнинг ўз қалами остидан чиққан эмас!

Гап шундаки, «нашрга тайёрловчи» Ю.Турсунов Навоийнинг ҳар иккала мактуби матнини ўз идроки, тушунчаси бўйича қайтадан ёзиб чиқади ва бирор шарҳ-изоҳсиз уни улуғ шоирнинг имзоси остида журналхонларга ҳавола этади. Отахон журналимиз обрўсига ишонган ўқувчи, «Навоийнинг ўзлари шундай ёзган эканларда» деб ўйлашга тўла ҳақли! Ваҳоланки, журналхонлар ўқиган майиб жумлалар бу ўринда ҳам гўзал, мантиқан етук аслиятнинг ғира-шира шарпаларидир, холос. Далил сифатида Навоий шеъриятига хос юксак санъаткорлик ва мантиқий изчиллик, бадиият ва нафосат у ёқда турсин, шеърнинг энг оддий ва бирламчи талаб-шартларидан ҳам маҳрум мана бу тизмаларнинг шоир рубойиси деб тақдим этилганини айтиш билан чекланамиз:

*То олам узра осмон айланиб турар экан,
Осмон узра юлдузлар порлаб турар экан,
Юлдузлар сайри барқарор экан,
Буларнинг барчаси сенинг фармонингга итоат этсин.¹*

Нашрга тайёрловчининг бундай ўзбошимчаликлари, ўзбилармонлиги айтилган билан тугамайди. У «қайта ёзиш» жараёнида яна (бирор изоҳ бермай) турли ўринсиз қисқартиришларга, субъектив талқинларга йўл қўяди. Жумладан, рубой билан бошланган биринчи мактуб аслида рубой билан якунланган. Аммо журнал саҳифаларида бу якунловчи рубойий йўқ, шунингдек, иккинчи мактубда мавжуд бўлган икки рубойий ҳам «ортиқча» деб топилган. Агарда, айниқса, мактубларда роқим (муаллиф)нинг инсоний хислат-белгилари (шахсияти, табиати, савияси, маданийлик даражаси, руҳий олами, ахлоқий-маънавий қиёфаси ва б.) кўпроқ ва яққолроқ намоён бўлишини ҳисобга олсак, бундай «тузатиш» ва «тахрир»ларнинг қанчалик хато бўлганлигини тушуниш қийин эмас.

Она тилининг такомили ва чин равнақи устида қайғурган Навоий бу йўлда амалий қадмлардан бири сифатида шахслар ўртасидаги ўзаро ёзишмаларга алоҳида эътибор қаратди, мактуб ёзиш маданиятини жиддий юксалтиришни орзу қилди. Шоир мактубларни ёқимтой жумлалар ва чиройли ташбиҳлар, гўзал лутф ва нозик қочиримлар билан оро бериш, кўркам лавҳалар ва ранг-баранг шеърӣ парчалар билан безаш лозимлигига алоҳида эътибор берган. «Муншаот»га жамланган бу мактублар худди шундай фазилатлари билан ажралиб туради. Уларнинг кўпчилиги бадий наср намунасидек равон ўқилишининг, ўқувчига бирор хабар-маълумот берибгина қолмай, айна замонда, чинакам ҳузур ва завқ-шавқ бахш этишининг боиси мана шунда. Афсуски, «Шарқ юлузи» улуғ шоир мактубларининг аслини бермай журналхонларни ана шу бадий-эстетик лаззатдан маҳрум этган.

III

Навоий дostonларини тарғиб этиш каби эзгу ният билан нашр этилган насрий баёнлар ҳам амалда ана шундай «қайта ёзиб чиқиш»дан бошқа нарсаси эмас. Кўринадики, «қайта ёзиб чиқиш» тажрибаси бир-икки мисол билан чекланмайди. Аммо бундан у объектив зарурат

¹ «Шарқ юлдузи» журна́ли, 1987, 4-сон, 181-бет.

экан, Навоийнинг «тили оғир» асарларини тарғиб этишнинг бирдан-бир йўли шу, деган хулосага келиш, бизнингча, жиддий хато бўлади.

Хўш, Навоийнинг бундай асарларини қай шаклда тарғиб этишимиз керак? Бу тарғиботни билим доираси бўш, адабиёт, санъат намуналарига бефарқ, бадиий завқ-шавқдан деярли бебаҳра ёки узоқ бўлган китобхон савияси, дид-фаросати даражасига тушириш керакми ёки аксинча, китобхонни фаолликка даъват этиб, унинг билим доирасини кенгайтириш, гўзалликни ҳис этиш қобилиятини тарбиялаш, бадиий завқини ошириш йўлидан бориб, Навоий асарларини мустақил тушуниш ва бевосита шавқлана олиш даражасига кўтариш керакми?

Бу жуда жиддий, принципиал масала – унга осонгина «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бериш етарли бўлмаса керак.

Шубҳасиз, Навоийнинг, айниқса, эпик ва насрий асарлари кенг ўқувчилар оммаси учун бирмунча оғир ва китобхон қатор ўринларда мутахассислар ёрдамига муҳтож. Аммо ана шу ёрдамнинг характери ва шакли, меъёри ва мезони қандай бўлиши керак?

Шуни айтиш керакки, ҳозирги насрий баёнлар китобхонни ялқовликка, тайёр мазмуннигина «ямламай ютишга», бевосита ижодкор овози, руҳи, диди, туйғуси, ғоя ва ҳаяжони билан мулоқотга киришиш ўрнига, воситачи шахснинг – насрий баёнчининг диди, тушунчаси, билими ва санъатни ҳис этиш даражаси билан чекланишга (насрий баён қанчалик муваффақиятли чиқмасин, барибир у маълум маънода субъектив бўлишини, мазмун ва ғоянинг насрий баёнчи «ғалвири»дан ҳам ўтишини унутмайлик) ўргатиб қўяди!

Эҳтимол, ҳозирги ҳолатдаги насрий баёнлар эмас, балки сифатли ва конкрет изоҳлар, шарҳ-талқинлар етарли бўлар? Эҳтимол, шунда китобхон «ўз» ижодкорини – «ўз Навоийси»ни кашф этар, у ёки бу байтини, ташбиҳини, имо-ишорасини ўзича тушуниш, ўзича идрок этиш ҳуқуқига эга бўлар?! Ахир ҳар бир фаол ўқувчининг «ўз» Пушкини, «ўз Шекспири» ёки Навоийси борлиги (бўлиши мумкинлиги) батамом табиий ҳол-ку! Ҳар ҳолда бу масаланинг ўйлаб кўрадиган нуқталари оз эмас.

Аммо шу қатъий аниқки, изоҳ бўладими ёки насрий баён бўладими – уни фақат ва фақат асл матн билан, Навоийнинг ўз сўзлари билан биргаликда, янада аниқроғи, бақамти, юзма-юз берилиши шарт. 30-йиллар охирларида худди шундай қилинган эди – нашрда шоирнинг ҳар байти билан ёнма-ён унинг насрий талқини терилган.

Шунинг учун ҳам, менимча, Навоий дostonлари насрий баёнларини асл матндан айириб, яъни Навоийнинг ўз сўзидан узук ҳолда алоҳида китоблар шаклида нашр этилиши нотўғри бўлган, бу қадам, ҳатто 30-йиллар охирларида қилинган ишлардан орқага тисарилиш, деб баҳоланиши керак. Менинг қатъий ишонишимча, «Навоийнинг ўзисиз» – асл матнсиз амалга оширилган бундай нашрлар китобхонни Навоийга яқинлаштирмайди, аксинча, ундан узоқлаштиради, оқибат-натижада, улуғ шоир ижоди ҳақида нотўғри хулосалар шакллантиради, асарларининг ҳатто жанр хусусиятлари на қурилиши, бадиияти ва услуби ҳақида, табиий равишда, чалкаш тасаввурлар туғдиради.

Бу шунчаки айтилган тахминий гап ёки асоссиз ҳадиксираш эмас. Шоир Хуршид Даврон худди шундай (китобхон билан учрашганлигини ўз мақолаларининг бирида ёзади. Унинг «Тошкент оқшоми» газетасида (18 январь 1988 йил) босилган суҳбатида шундай парча бор:

«Ҳайронман, Навоийнинг нимасини тушуниш қийин экан, нимасини изоҳлаш керак? Худди бугунги тилимизда ёзиб қўйган-ку! – деб қолди.

Маълум бўлишича, у киши шоир дostonларидан бирининг насрий баёнини ўқиб, «Навоий ёзгани шу!» деб юрган эканлар».

Бу жуда ачинарли гап, аммо, маълум маънода, табиий ва ҳатто кутилган натижа!

«Навоийнинг ёзгани шу!»

Кўринадики, китобхон ўқиган асарларининг аслини, ҳатто қайси жанрда яратилганини тасаввур ҳам қила олмайди.

Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, Навоий ўз асарларининг шакл ва услубига асло бефарқ бўлган эмас, аксинча, режаланган асарининг мазмун-мундарижаси, ғоявий-йўналиш мотивлари ва кимларга мўлжалланганлигига (ўқувчилар доирасига) кўра тўла онгли равишда назм ёки насрга мурожаат этган. Бу улуғ шоирнинг етук адабий-эстетик концепцияси билан мустаҳкам боғлиқ назарий масаладир. Навоий ҳар доим мазмун ва шакл бирлигига жиддий эътибор берган, жуда кўп бор ва қатъий равишда «маъни ҳўб»лиги билан бирга, «суврати ҳам дилкаш» бўлишини, «таркиби қаторида «тартиби» ҳам «суст» бўлмаслиги шартлигини талаб этган. Қисқаси, шоирнинг конкрет асарни наср ёки назмда яратиши ҳеч бир тасодиф эмаслиги шубҳасиздир. Шундай экан, табиийки, биз ҳар бир асарнинг мазмун-мундарижасинигина эмас, балки, айни замонда, унинг шаклан тузилишини – «суврати»ни ҳам тўла дахлсиз деб билишимиз лозим.

Навоий қолдирган мероснинг катта қисми, бадиий асарларининг деярли ҳаммаси назмда яратилган. Умуман, адабиётимизнинг етакчи анъаналари билан ҳам изоҳланувчи бу ҳодиса асло бежиз эмас. Чунки шоир ҳар доим назмни насрдан устун қўяди, назм «хушроқ ва дилкашроқ», насрнинг «онча зийнати йўқтур», унинг образли тасвирича, назм – дид ва қатъий тартиб билан тизилган дур, наср эса унинг пароканда сочилгандир, шу боисдан ҳам «назмнинг пояси бийикроқдир»¹.

Шу ўринда:

*Лекин ул борчадин доғи ҳўби
Бордурур маснавийнинг услуби,*

«байтини ҳам эслайлик. Навоийнинг назм ва насрга баҳо-муносабатини ёрқин ифодаловчи бу далилларни келтиришимизнинг боиси бор. Гап яна аслида маснавийда яратилган «Хамса» дostonларининг насрий баён шаклларидаги нашрларига бориб тақалмоқда. Шоирнинг ўзи “Маҳбуб ул-қулуб»да (унинг насрда ёзилганини унутмайлик) «назм адоси бағоят аржуманд ва бениҳоят шариф ва дилписанд»², дея таъкидлаган экан, чиндан ҳам, нега энди биз унинг дostonларини беш асрдан кейин насрга ағдариб (ва ўз талқинимиз бўйичагина) нашр этишимиз керак? Бу муаллифнинг хоҳиш ва эътиқодига, тугал адабий-эстетик принципларига батамом зид ҳаракат эмасми?!

IV

Ўз шеърятининг шаклан гўзал ва баркамол, мазмунан пурҳикмат ва сержило эканлигига, ҳар бир ташбиҳ ва образ заминида катта фалсафий-ҳаётий тушунча мавжудлигига, ҳар бир мисра-байт эса «неча маъни» ифодалай олишига ишора этар экан, Навоий табиий ғурур билан шундай ёзган эди:

¹ «Хамса», 903- бет.

² Алишер Навоий, «Асарлар», 13-том, 20-бет.

*Назмим ичра ғариб маънилар
Ғурабо хайлидин нишона дурур.*

*Анда ҳар байт неча маъни ила.
Байт эмаским – ғарибхона дурур.*

Бу айна ҳақиқат! Худди шу боисдан ҳам Навоий шеъриятини, жумладан, дostonлари-ни насрий баён этиш ниҳоятда мушкул, жуда мураккаб ва айна замонда масъулиятли ва-зифа. Аслида, шеърятни сўзма-сўз баён этиш мумкинми ўзи?! Назм борлигидаги нафо-сат ва латофатга, ҳис-туйғу ва ҳаяжонга путур етказмай тўла-тўқис кўчириш иложи, ўша оҳангдорлик ва суръатни, завқ-шавқ ва лаззатни, ўша лутф-ноз ва жилва-табассумни, ўша билим-зукколик ва шўх-зарифликни, ўша тағофул-қувлик ва дард-қайғуни ўз даражасида самимий ва табиий, гўзал ва таъсирчан ифодалай олиш имкони, ҳар бири ҳикмат сандиғи бўлмиш байтлар бағридаги «неча ғариб (ноёб) маънилар»ни бекаму кўст идрок этиш ва ўша мукамаллик ва серқирралигида, ўша нафислик ва жозибада жилолантириш қуввати топиладими? Жуда шубҳали!

«Лайли ва Мажнун» дostonи ҳақида сўзлаб Навоийнинг ўзи «Ҳар лафзида юз нишонаи дард!» деб таъкидлаган эди. Хўш, ҳар лафзидаги юз дард нишонасининг қанчасини дoston-нинг насрий баёнидан топиш мумкин? Худди шу дostonнинг ўзидан биргина мисол келти-райлик. Унинг сўнгги лавҳаларини битар экан, шоир дардли кўнглини китобхонга ёради:

*Сўгин нечаким узоттим охир,
Йиғлай-йиғлай туготтим охир!*

Чин самимият ва сирдошлик билан айтилган бу мисраларни насрий баён муаллифлари «Бу мотамномани (?-А. А.) қанчалик чўзган бўлсам (?-А. А.) шунча мотамзада (?-А. А.) бўл-дим, ниҳоят, йиғлаб-йиғлаб тугаттим», тарзида асладан узоқ, беҳис, бефайз, ниҳоятда жўн ва мантиқан мужмал жумлаларда ағдарадилар.¹

Қадимий «сўг» сўзи «аза, мотам, қайғу» маъноларини билдиришини эслаб, Навоий бай-тини ҳам, насрий баёндаги чўлтоқ жумлаларни ҳам қайта-қайта ўқийликда, инсоф билан одилона ҳукм чиқарайлик: улар ўртасига тенглик аломатлаърини қўйиб бўладими?! Асло!

*Сўгин нечаким узоттим охир,
Йиғлай-йиғлай туготтим охир!*

Бу сирли-сеҳркор мисраларнинг баёни учун ўнлаб саҳифалар етарли бўлармикин?! Бу мисралар шоир ижодхонасининг қайсидир нуқталарини ёритиб, дostonга киришиш, ёзиш, якунлаш жараёнининг оддий кўзга яширин қийноқ ва роҳатига равшанлик киритмайди-ми?! Лирик «мен»нинг дoston қаҳрамонлари билан «бирга» машаққатли узоқ йўл босиб, қувонч ва лаззатни, изтироб ва ҳаяжонни, алам ва қайғуни, ҳақсизлик ва мусибатни баб-ба-робар «бошидан кечиргани»га гувоҳлик бермайдими бу мисралар?! Улар Дюма ва Бальзак-ларнинг ўз қаҳрамонлари билан биргаликда «ўлишини», Кумушнинг сўнгги дамларини

¹ Ал и ш е р Н а в о и й, «Лайли ва Мажнун», Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1976, 108-бет.

ёзиш чоғида Абдулла Қодирийнинг «юм-юм йиғлаб», кўз ёши тўкишини, устоз Ғафур Ғуломнинг «Вақт»ни ўқишида мағрур овозидаги қалбларни зирқиратувчи титроқ оҳанглари эслатмайдими?!

Аслиятдан узоқ насрий баён китобхонни шундай имкониятлардан (маънавий-эстетик озуқадан) бебаҳра қолдиради, ҳар қандай завқ-шавқ эшигини тақа-тақ ёпади, романтик парвоз қанотини қирқиб ташлайди. Байтнинг асли ва юқорида келтирилган насрий баёни бунга яққол далилдир.

Шу муносабат билан айтайликки, ҳатто жуда аниқ, сўзма-сўз тўғри баён ҳам аслиятдан олиниши мумкин бўлган таъсирни, завқ-шавқни, изтироб-ҳаяжонни бирор даражада бўлсин, тўла бера олмайди. Чунки ғоя – мазмунни қуруқ, яланғоч баён этиш, жайдари тушунчаларни, юзаки ҳолатни, аён ҳақиқатни жўн ифодалаш ҳали бадий адабиёт эмас. Чиндан ҳам, сувни суюқ, тошни қаттиқ, пахтани эса юмшоқ ва оппоқ дейиш шеърият учун кифоя бўлолмайди. Навоий масалани худди шу тахлитда кескин ва қатъий қўяди. Шоирнинг махсус таъкидича, бадий адабиёт («сўз») жонбахш бўлиши, ҳатто «ўлган баданга руҳи пок» етказиши лозим ва шу мақсадда у нозик кузатувлар, гўзал ташбихлар, ўринли муболағалар билан безатилиши, юксак дид-фаросат, сеҳрли ҳис-туйғулар билан суғорилиши керак... Борлиқни ўз ҳолича оддий қайд этиш, нусха кўтариш асл шеъриятдан жуда узоқ. Бу муҳим адабий-эстетик принцип қуйидаги биргина байтда бутун моҳияти билан ёрқин ифодасини топган:

*Ойни «ёруғ», чархни демак «баланд»
Таъби баланд элга эмас аржуманд!*

Ана шу мисралардан кўринадики, Навоий ўз асарларини «таъби баланд эл» учун яратган, шеъриятни, санъатни, «балоғат» ва «фасоҳат»ни тушуна оладиган, қадрига етиб ардоқлайдиган китобхонга мўлжаллаган.

Улуғ шоир дostonларини насрий баёнлар шаклида аслиятсиз нашр этишда ана шу нозик нуқталар эътибордан четда қолган кўринади.

ТОПИЛМАГАН ҲАЗАЛЛАР

Алишер Навоий шеъриятнинг ўн олти кичик турида, она тилида яратган асарлар «Хазойин ул-маоний» номи остида тўрт девонга жамланган. Унда улуғ шоирнинг 2600 ғазали, 210 қитъа, 133 рубойи, 10 мухаммас ва бошқа турларда ёзилган жами 3132 шеъри (45 минг мисрага яқин) ўрин олган.

Профессор Ҳамид Сулаймон текширишлари бўйича айтиш мумкинки, Навоий «Хазойин ул-маоний» девонларини тузиш устида бир неча йил давомида тинимсиз ижодий меҳнат қилган. 1498 йилда ҳозирда бизга етиб келган девонлар тугал тарзда яқунланган. Мажмуа девонларини улуғ шоир шу даражада пишиқ, ўзаро ички мустаҳкам боғлиқлик ва қатъий мутаносибликда тузадики, уларга кейинчалик бирорта ғазал киритиш ёки бирор ғазални тушириб қолдиришгина эмас, балки ички ўрин алмаштириш имкони ҳам қатъий йўқ. Чунки ҳар қандай дахл этиш мисқолгача ҳисобга олинган мутаносибликнинг бузилишига олиб келади, бутунликка путур етказади.

«Хазойин ул-маоний»нинг ички тузилиш жиҳатдан ниҳоятда пухта ишланганлигини шундай тасаввур этиш мумкинки, Алишер Навоий ундаги тўрттала девоннинг ҳар бирига баб-баробар 650 тадан ғазал жойлаштиргангина эмас, балки, айна замонда, шу ғазалларнинг қофияланишига кўра ҳам ҳар бир девонда ўзаро тенг ва қатъий мутаносиб бўлишига жиддий аҳамият берган. Яъни «алиф» ҳарфи билан тугалланувчи қофия-радифли ғазаллар тўрттала девонда ҳам ўттиз тўққизтадан, «бе» ҳарфи билан якунланувчи қофия-радифли ғазаллар йигирма еттидан ва ҳоказо тенг сонда учрайди. Ёки яна бир далил. «Хазойин ул-маоний»да ҳаммаси бўлиб «анго» радифли 12 ғазал мавжуд. Бу ғазаллар тўрттала девонга учтадан тенг тақсимланган. Бугина эмас, улар ҳар бир девонда бир ўринда, яъни 8–9–10 ўринларда жойлаштирилган. Бундай тартиб қатъий сақланган, бирор девоннинг бирор ўрнида бўлсин бузилмаган. Қисқаси, Алишер Навоий бу девонларга кейинчалик бирор ўзгартириш киритмаган, янги шеърлар билан тўлдирмаган, умуман уларга қўшимча қилиш аввалданоқ назарда тутилмаган.

Бундан қандай хулосага келиш мумкин?

Биринчи ва қатъий хулоса шуки, Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний» девонларига, ўз иборалари билан айтганда, «етти-саккиз ёшдан» то «олтмиш яқинигача» бўлган умри давомида она тилида яратган кичик шеърый асарларини жамлар экан, бу жараёнда жиддий ижодий-тахририй иш олиб борган. Айтайлик, тўрттала девонга тенг тарқатиш учун етишмаган ғазалларни ёзиб тўлдирган ва эҳтимол, ҳисобдан ортган ғазалларни девонлардан четда қолдирган. Ҳар ҳолда, илк бор қўлига қалам олганидан, то «Хазойин ул-маоний» мажмуасига сўнгги нуқта қўйгунча ўтган эллик йиллик ижодий фаолияти давомида Навоий тўрт девонга ҳар жиҳатдан баб-баробар сонда жойлаштиришни мўлжаллаб ғазаллар ёзган, деб ўйлаш кулиги ва мантиққа батамом зид бўлар эди.

Ана шу ҳолатдан яна шундай хулосага келиш мумкинки, «Хазойин ул-маоний» лириканинг кичик турларида она тилида улуғ шоир ёзган асарларнинг ҳаммасини ўзида жамлаган эмас. Унинг девонлари таркибига қатор намуналар турли сабабларга кўра киритилмай қолган. Бу – масаланинг бир томони.

Масаланинг иккинчи томони шундаки, Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний» мажмуасининг сўнгги, бизнингча, учинчи редакциясини, айтилганидек, 1498 йилда узил-кесил тугатган. Хўш, бу санадан кейинги йилларда ёзилган ғазал, мухаммас, қитъа, рубоий ва бошқа турлардаги асарлар қаерда? Ахир «Хазойин ул-маоний» девонларига тартиб берилгач, улуғ шоир она тилида лирик асарлар, жумладан, ихчам ва жуда обрўли тур бўлган ғазаллар ёзмаган, дейишга ҳеч қандай асос йўқ-ку!

Чиндан ҳам, Навоий ҳар доим катта илҳом ва жиддий суръат билан баракали қалам тебратган. Йигитлик йилларидаёқ «кунда юз байт айтиш мен учун ҳалво ейишдек осон ва ёқимли» мазмунидаги фахрия байтларини битган шоир шундай юксак ижодий суръатни то умрининг сўнгги кунларигача сақлаб қола билган. Биз сўз юритган «Хазойин ул-маоний»га ёзган «дебочада ўзи гувоҳлик беришича, девонларга тартиб билан жойлаштириш олдидан кунда бир-икки, баъзи кунлари эса ҳатто уч-тўрт ғазал устида тахририй ишлар олиб бориб, уларга сайқал берган.

Навоий умрининг охирларида ҳам ижодий фаолиятининг самарали ва баракали бўлганлигини, қисқа муддат ичида «Лисон ут-тайр», «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-луғатайн» ва «Маҳбуб ул-қулуб» каби йирик ва кўп жиҳатдан жиддий фалсафий-назарий ва ижтимоий ахлоқий йўналишга эга бўлган асарларни яратишга улгурганлиги равшан кўрсатиб ту-

рибди. Айтиш керакки, улуғ шоир бу йилларда ҳам мамлакат ва давлат ишлари, меҳнаткаш халқ ташвишлари билан ниҳоятда банд бўлганлигидан фақат кечаларигина ижодга вақт ажрата олган. Бу ҳақда Навоий «Лисон ут-тайр» достонида жуда аниқ сўз юритади. Муҳими шундаки, ҳижрий ҳисоб билан олтмиш ёшида бу дostonни ёзишга киришган шоир ҳар кечада қирқ-эллик байтни «сафҳаға ёзмай» ижодий ишни тўхтатмаган.

Хуллас, шу тарихий ҳақиқатки, Навоий «Ҳазойин ул-маоний» девонларини тузиш юзасидан кўп йиллик машаққатли меҳнатни яқунлаганидан кейин ҳам ижодий ишни асло сусайтирмаган, аксинча, янада жадал ва фаол давом эттирган ва биз кўрганимиздек, катта самардорликка эришган, қатор йирик асарларни яратган. Навоий ҳаётининг сўнгги йиллари ижодий фаолияти ҳақида сўз борганида шуни ҳам унутмаслик керакки, гарчи шоир неча йиллар давомида юзланган хасталик азоблари ва қарилик укубатларидан шикоят қилиб келган эса-да, аслида ҳеч қачон ётиқлик бўлмаган, энг охирги кунларга қадар ижтимоий-ижодий фаолиятини давом эттирган ва демак, қўлидан қалам тушмаган.

Худди шу боисдан ҳам Алишер Навоий «Ҳазойин ул-маоний»ни узил-кесил ва билкул яқунлаганидан кейинги икки йилдан ортиқ вақт мобайнида кўплаб ғазал, мухаммас ва бошқа лирик турларда асарлар ҳам яратган, деган хулосага келинса, асло хато бўлмайди.

Демак, «Ҳазойин ул-маоний» тузилишидан аввал ёзилган ва қандайдир сабаб, мулоҳазалар билан ундаги девонларнинг бирортасига ҳам кирмай қолган шеърлар мавжудлиги, «Ҳазойин ул-маоний»ни тузиш ишларига сўнгги нуқта қўйилганидан кейин ҳам лирик турларда шеърлар битилганлигининг шубҳасиз эканлиги, бу янги ёзилганларни эса девонларга киритиш имкони бўлмаганлиги тадқиқотчиларни жиддий илмий изланишларга даъват этиши керак.

Аслида, бу соҳада ҳам айрим ишлар амалга оширилган. Масалан, проф. Ҳамид Сулаймон «Ҳазойин ул-маоний» девонларига кирмай қолган 24 ғазал, 8 қитъа, 2 рубоий ва фардларни топиб, «Фавойид ул-кибар» девонининг 1960 йил нашрига илова тарзида эълон қилган. Ушбу сатрлар муаллифи эса яқингача Ҳусайн Бойқаро – Ҳусайнийга хато равишда нисбат берилиб, унинг асарлари жумласида бир неча бор нашр этилган етти бандли тахмиснинг аслида Навоий қаламига мансуб эканлигини аниқлаб, матбуотда эълон қилди (Қаранг: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 9 февраль, 1990 й.) Бизнинг фикримизча, бу тахмис 1498 йилдан кейин яратилган кўп сонли шеърлардан биридир.

Хуллас, ишонч билан айтиш мумкинки, «Ҳазойин ул-маоний»га бир қатор ғазаллар кирмай қолган ва у тузилганидан кейин ҳам улуғ шоир фақат йирик ҳажмли асарларгина эмас, балки кичик турларда ҳам анча-мунча шеърлар яратган.

Бу шунчаки қуруқ тахминий даъво эмас, балки ишончли манбалардан олинган далиллар асосида шаклланган илмий хулоса. Биз қуйида ана шу далилларнинг айримларини келтирамиз.

Маълумки, Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида ўзбек адабиёти ва жонли сўзлашув тилининг ниҳоятда бойлиги ва ранг-баранг товланишини кўплаб далилларда намоиш этади. Шу мақсадда шоир қатор сўз-ибораларнинг ёзма адабиётда ишлатилишида мисол тариқасида шеъриятдан байтлар келтиради.

Алишер Навоий бу байтларнинг айримларини ўтмиш ўзбек ижодкорлари меросларидан топса, кўпчилик қисмини ўз ижодий тажрибасидан олади, қатор ҳолатларда эса шу асар учун ўзи баҳс юритилаётган сўзлар иштирокида махсус байтлар битади.

Жумладан, у «хой-хой» иборасининг қўлланиши ҳақида сўз очиб, «бу лафз ҳам аслан туркий услубдур» деб таъкидлайди ва мисол учун ўз ижодига мурожаат қилади:

«Фақирнинг бу мақтаи машҳурдурким, байт:

*Навоий, ул гул учун хой-хой йиғлама қўп,
Ки, «хе» дегунча не гулбун, не ғунча, не гул бор».*

Бу ўринда улуғ шоирнинг бизга ҳанузгача номаълум бўлган ғазали ҳақида сўз бораётир. Келтирилган байтнинг таҳаллус билан якунланувчи мақтаъ эканлигидан ғазал тугалланган, мукаммал бўлган деган қатъий хулосага келиш мумкин. Бугина эмас, у ўша давр шеърият мухлислари орасида кенг довруғ қозониб, йиғинларда севиб ўқилганки, бу ҳақиқатни Навоийнинг ўзи «машҳурдурким» ибораси билан қайд этиб ўтади. Айтилганидек, «Муҳокамат ул-луғатайн» 1499 йилда, яъни: «Хазойин ул-маоний» тузилганидан кейин ёзилган ва унда девонлардаги ғазаллардан ҳам мисоллар олинган. Юқорида якунловчи байти келтирилган ғазални эса эҳтимол худди шу йилларда яратган ва шу боисдан ҳам, равшанки, расмий девонлардан четда қолган. Минг афсуски, афтидан, шоирнинг ўзига ҳам жуда маъқул тушган ва халқ орасида шуҳрат қозонган бу ғазалининг тўлиқ матни топилган эмас.

Шеърият ва аруз фанининг назарий масалаларига бағишланган «Мезон ул-авзон» ҳам девонлар узил-кесил тартибга келтирилгандан кейин яратилган. Бу асарда худди «Муҳокамат ул-луғатайн»да бўлганидек, назарий фикрларни далиллаш мақсадида шоир, асосан, ўз шеъриятдан мисоллар келтиради ёки баҳс юритилаётган вазни намоиш этадиган янгиларини махсус битади. Мисолларнинг асос кўпчилиги девонлардан ўрин олган тугал ғазалларнинг матлаъ, яъни биринчи, бошланма байтларидир. Аммо асарда девонларда учрамайдиган ғазаллар матлаълари ҳам мавжудки, уларнинг ёзилиш тарихи ва тақдири бизга ҳануз қоронғу. Масалан, қуйидаги уч матлаъ билан бошланувчи ғазалларини биз «Хазойин ул-маоний» девонларидан топа олмадик:

- 1) Десам: «Оразу зулфинг ул ўтдур, тутундур бу»,
Дер: «Ондин сенга қуймак, бу бирдин қаро қайғу».
- 2) Чеҳрадин бурқаъ очиб, ўтқа қуйдурдунг мени,
Чун қул ўлди пайкарим, кўкка совурдунг мени.
- 3) Ишқинг мени туну кун Мажнуну зор айламиш,
Кўнглумни зору ҳазин, жисмим низор айламиш.

Бу ғазалларни ҳам, худди «Муҳокамат ул-луғатайн»да мақтаъ байти келтирилган ғазал каби Навоий ижодий фаолиятининг сўнгги йилларида яратилган, деб ўйлаш мумкин.

I. Улуғ шоирнинг ҳали бизга номаълум анча-мунча ғазаллари мавжудлигини исботловчи яна бир мисолни Хожа Ҳасан Нисорийнинг «Музаққири аҳбоб» тазкирасида ҳам учратамиз. Нисорий ўзининг ёшлик чоғида Алишер Навоий билан бўлиб ўтган адабий суҳбатини хотирлаб, қуйидагиларни ёзади:

«Мир ҳазратлари суҳбат чоғида мендин сўрадиларки:

– Бизнинг шеърларимиздан бирор нарса ёдингда борми? Фақир аларнинг бу муборак мақтаъларини ўқидим:

*«Эй Навоий, сен киму меҳробу масжид истамак?
Қайдаким, ҳўблар аёғин қўйса, сен бошингни қўй!»*

Шеърятдан хабардор ҳар бир ўқувчига равшанки, бу ҳам тугал ғазалнинг якунловчи байти. Аммо ғазал яхлитлигича ҳануз топилган эмас. Келтирилган байт муносабати билан марҳум адабиётшунос олим Акрам Иброҳимов шундай ёзган эди:

«Нисорий Навоийга айтиб берган мақтаъ Навоий девонларининг ҳеч бирида учрамайди. Эҳтимол, шу мақтаъли ғазал девонлар тузилиб бўлганидан кейин ёзилган. Нисорий қўлида Навоийнинг машҳур девонларидан ташқари, кейин ёзилган шеърлар тўплами ҳам мавжуд бўлган бўлиши мумкин».

Олимнинг бу хулосаси жиддий диққатга сазовор. Чиндан ҳам, 1498 йилдан кейин ёзилган она тилидаги шеърларини шоирнинг ўзи ёки кейинчалик адабиёт мухлисларидан бири девон ёки тўплам ҳолига келтирган бўлиши ҳам мумкин.

I. Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Алишер Навоийга алоҳида ихлос-муҳаббат билан қараган, унинг меросини, айниқса, она тилида яратган асарларини қунт билан мутолаа қилган, мукаммал билган ва ниҳоятда юксак баҳолаган.

Биз учун бу ўринда алоҳида диққатга сазовор нарса шундаки, Бобур аруз вазнининг назарий масалаларига бағишланган илмий асарида Навоий меросига жуда кўп мурожаат этади, ўзининг назарий хулосаларига ишончли далил сифатида улуғ шоир асарларидан мисоллар келтиради. Жумладан, арузнинг рамал баҳри вазнларига бағишланган қисмида Алишер Навоий ижодидан кетма-кет қирқ олти ғазалнинг матлаъ байтларини келтиради. Шулардан қирқ бештаси «Ҳазойин ул-маоний» девонларида мавжуд, аммо қуйидаги байт билан бошланувчи ғазални биз бу манбада учрата олмадик:

*Кимники, ёр айладинг бўлди гирифтoring сенинг!»
Рашкдин, ваҳ, дея олмасман: «Худо ёринг сенинг!»*

Қисқаси, Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» ва «Мезон ул-авзон» каби ўз асарларида, шунингдек, кичик замондошлари Заҳириддин Муҳаммад Бобур («Рисолаи аруз») ва Хожа Ҳасан Нисорий («Музаққири аҳбоб»)лар асарларида айрим байтларигина келтирилган, аммо тўлалигича «Ҳазойин ул-маоний» девонлари таркибида учрамайдиган қатор ғазаллар мавжуд. Бу ғазалларнинг мазмунини қатъий белгилаш мушкул бўлса-да, бизгача етиб келган ана шу айрим байтлар бўйича уларнинг деярли ҳаммаси Навоий лирик мероси учун етакчи бўлган ишқ-муҳаббат мавзусида яратилган, деб тахмин этиш мумкин. Аммо баъзи маълумотлар улуғ шоирнинг ҳажвий ёки ҳазлий руҳдаги айрим асарлари ҳам ҳанузгача бизга номаълум қолаётганлигини кўрсатади. Ана шундай ишончли маълумотлардан бирини Алишер Навоийнинг ўзи «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида келтиради. У Машҳаднинг таниқли фозилларидан Сайид Гиёсиддин ҳақида сўзлар экан, қуйидаги гувоҳликни беради:

«... Аҳл ва мулойим кишидур. Мазох ва мутуйиба мизожиға ғолибдур... Чун Сайиднинг ху-моюн башараларида сафрат (сариглиқ – А. А.) ғолибдур – «Сайид ширға» ҳам дерлар. Баъзи маймунға ҳам ташбиҳ қилурлар. Фақир худ бу навъ густоҳлиқлар (ибосизлик, беҳаёлик – А. А.) қила олмасмен, аммо Мирнинг маркабин (уловини – А. А.) ул итга ўхшатибменким, анга бир маймунни миндирурлар. Агарчи Мирға нохуш келур, аммо ҳазл билан ўткарур».

Бу парчада гап Навоийнинг ҳазил руҳида ёзилган ғазал ёки қитъаси ҳақида бораётганлиги, шубҳасиз. Аммо ана шу асарнинг матни ҳозиргача топилган эмас.

Алишер Навоийга бўлган чексиз ҳурмат-эътибор уни ўзига устод деб билиш, тажрибаларидан ўрганиб навоийвор мисралар битишга уриниш кейинги аср ижодкорлари томонидан улуғ шоир ғазалларига сон-саноксиз тахмислар яратилишига олиб келди. Натижада, «Хазойин ул-маоний» девонидан ўрин олган жуда кўп ғазалларга неча юзлаб тахмислар юзага келди. Умуман, бу тахмисларнинг аҳамияти, шеъриятимиз тараққиётидаги ўрни каби масалаларга тўхташ имконияти йўқлигидан, уларга баҳс юритилаётган мавзу юзасидангина ёндашамиз. Гап шундаки, бу тахмисларнинг айримлари таркибида «Хазойин ул-маоний» девонларида учрамайдиган қатор ғазалларга ҳам дуч келамиз.

Тўғри, бундай намуналарнинг ҳар бирига, беистисно, танқидий ёндашиб, жиддий излашишлар олиб бориш, ғоя ва етакчи руҳ, услуб, ишлатилган сўзлар ва ҳатто бадиий санъат ва воситалар бўйича жиддий қиёсий таҳлилдан ўтказибгина қатъий бир хулосага келиш мумкин, акс ҳолда, бошқа ижодкорлар асарларини улуғ шоир қаламига хато равишда нисбат бериб юбориш ҳеч гап эмас. Бу иш жуда катта ижодий меҳнат ва чуқур билимни талаб қилади.

Алишер Навоий ғазалларига кейинги асрларда боғланган тахмисларнинг навоийшунослик учун, айниқса, улуғ шоир ғазалларининг тўғри, яъни, аслий матнларини тиклаш каби муҳим ишда ҳам жиддий илмий эътиборга лойиқ манба эканлиги, шубҳасиздир. Негаки, деярли ҳар бир тахмисда ғазал матнига тегишли камида икки-уч фарқлар учрайди. Бу фарқларнинг айримлари оддий сўз алмашинуви ёки ҳарфий бўлса, баъзилари ғоя ва мазмунга, изчиллик ва услубга бевосита таъсир кўрсатиш даражасида жиддийдир. Бу масалага муносабат билдиришда кейинги даврлар қалам аҳли Алишер Навоий мероси ва анъаналарини ўзлари учун муқаддас ва тамомила дахлсиз деб тушунганликларини ҳамда ўз ҳолларича, айтайлик, улуғ шоир ғазалларига таҳририй ўзгартириш, қўшиш ёки олишга журъат этмаганликларини эътиборга олсак, масала анча равшанлашади. Ҳа, тахмис боғловчи шоирлар Навоий ғазалларини «тузатганлар» деб айтиш қийин ва худди шу боисдан ҳам улар ихтиёрларида шоир асарларининг бизга номаълум қўлёзма нусхалари бўлган, деб тахмин этиш мумкин.

Қуйидаги мисол худди шундай хулоса учун жиддий асос бўла олади. «Хазойин ул-маоний»нинг иккинчи девони «Наводир уш-шабоб»дан ўрин олган:

*Саҳар ховар шахи чарх узраким хайли ҳашам чекти,
Шии хат била кўҳсор уза олтун алам чекти –*

байти билан бошланувчи ғазал то 1989 йилда амалга оширилган сўнгги нашргача ҳар доим ўн байт шаклида эълон қилиниб келинган.

Ваҳоланки, Навоийнинг қалами остидан чиққап асл матнда ғазал ўн уч байтдан иборат бўлган. Унга тахмис боғлаган Киromий (XVIII аср), Огаҳий (XIX аср) ва Баёний (XIX аср охири ва XX аср бошлари)лар ҳам ана шу асл матнга асосланиб, ҳар бири ўн уч бандли мустақил мухаммаслар яратганлар.

Асл матнда ва унга тўла мувофиқ ҳолда зикр этилган шоирлар боғлаган тахмисларнинг ҳар бирида мавжуд бўлган, аммо бизнинг аввалги барча нашрларимизда тушиб қолган, мана бу уч байт эндиликда тикланиб, ғазал жисмидан ўзининг қонуний ўрнини эгаллади:

*...Хушо улким, мунунгдек чоғ вафосиз умрни англаб
Сабухи жомни аҳбоб бирла дам-бадам чекти.*

*Маоний аҳли гоҳи нукта узра қилу қол этти,
Муғанний хайли нағма ичра гоҳи зеру бам чекти.*

*Не давлатдурки, бу ҳолатда андоқ борди ўздинким,
Бақо иқлиминин рахтини то мулки адам чекти.*

Бу каби мисоллар Навоий ғазалларига кейинчалик боғланган тахмисларнинг ҳам улуғ шоир асарларини аниқлаш ва асл матнларининг тиклашда жиддий ва ишончли манбалардан бири бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Далиллар фақат айрим байтларнигина эмас, балки бус-бутун ғазалларни ҳам ана шундай тахмислар бўйича топиш имкони мавжудлигини кўрсатади.

Аввало, бир нозик нуқтани таъкидлаб ўтайлик. Шеъриятимизда қабул қилинган қадимий анъанага кўра, мухаммаслар тахмис боғлаган ижодкорнинг «ўз асари» ҳисобланади ва шунинг учун ҳам улар девонларига киритилиши табиий. Биз шу тахмисларга асос бўлган ғазаллар хусусидагина баҳс юритишимиз мумкин.

Машҳур шоира Увайсий девонида Навоий ғазалига боғлаган бир неча тахмислар бор. Улар жумласидан етти бандлик бир мухаммас бизнинг эътиборимизни тортди. Гап шундаки, Увайсий тахмисларига асос бўлган бошқа ғазаллар «Хазойин ул-маоний» девонлари таркибида бор бўлгани ҳолда бу мухаммасга асос бўлган ғазални уларда учрата олмадик. Демак, бу ўринда ҳам ҳанузгача бизга номаълум бўлган ғазал ҳақида сўз бормоқда. Қуйида Увайсий гувоҳлигига кўра, улуғ шоир қаламига мансуб бўлган ғазал матнини тўлалигича, мухаммас таркибидан ажратиб, ўқувчиларга ҳавола қиламиз:

*Тонг эмаским тоби ишқингдин кўнгул гар топса хат,
Не ажаб ўт шуъласи бирла самандар топса хат.*

*Хаста кўнглум бир лабинг қандидин, эй обиҳаёт,
Топти, хат шарбат ичиб нетти мукаррар топса хат.*

*Жоми лаълингдин кўнгул маҳзуз булди, ваҳ, нетонг,
Тушса махмур илкига бу навъ соғар топса хат.*

*Туну кун ул шўх май ичганда гар ғамгин эсам,
Бок йўқ мендин керакким, гул ситамгар топса хат.*

*Мен ютуб қон йиғларам, лаълинг ичиб соғар қулар,
Тенг қадаҳ ичган керак эрди баробар топса хат.*

*Ишқи комил, кўрки, юзунг зуҳд бирла бодадин,
Гўйё мен хат топармен ул суманбар топса хат.*

*Не ажаб, аҳли хирад хушдил Навоий назмидин,
Жавҳаре топқонда тонг йўқ яхши гавҳар топса хат.*

Демак, бу ғазал Алишер Навоий қаламига мансуб. Алишер Навоий ижодини кунт билан мутолаа қилган Увайсий гувоҳлигига ишонмасликка ҳеч қандай асосимиз йўқ. Бу масалага аниқлик киритишда улуғ шоир меросида «хат» радифли яна ғазаллар мавжудлигини ҳам, мақтаъ байтида ифода этилганидек фахрия услубида битилган байтлар ҳам кўпгина учрашини инobatга олиш лозим кўринади.

Бугина эмас. Ҳижрий 1306, милодий 1888 йилда Раҳимхўжа эшон ибн Алихўжа эшон саъй ҳаракатлари билан Тошкентдаги Лахтин босмахонасида чоп этилган Навоий девонида бу ғазал улуғ шоир асарлари қаторидан ўрин олган (173-бет). Кўринадики, Увайсий ҳам, зикр этилган девон ношири Раҳимхўжа эшон ҳам Навоий ғазалини белгилашда бизга номаълум бир манбага асосланганлар.

«Ҳазойин ул-маоний» девонларнинг бирортасида ҳам учрамайдиган, аммо Навоийга нисбат берилган ғазаллардан яна бирини иқтидорли шоир Роқим меросида кўрамиз. У: «Баҳор вақтида қил сайри лолаи худрў» мисраси билан бошланувчи мухаммасини Навоий ғазалига тахмис деб очик-ойдин ёзади. Ана шу ғазални тўлалигича ўқувчиларга тақдим этар эканмиз, Навоий меросида бошдан-оёқ ҳаётсеварлик ғоялари билан суғорилган худди шу руҳ-мазмунда, шундай услуб ва бадиий воситаларда қатор ғазаллар мавжудлигини таъкидлаб ўтишни лозим топамиз. Бизнинг қатъий ишончимизча, бу ғазал ҳам улуғ шоирнинг 1498 йилдан кейин яратилган етук шеърларидан биридир:

*Не яхши вақт эрур, ёр бирла бир бўлғу,
Кўнгулда ҳар неча пинҳон сўз ўлса – айтилғу.*

*Қадду юзу лаби лаъли хаёлин айларда
Кўзумға неча тонг отқунча келмади уйқу.*

*Баҳор вақтида май ичгилу нашот эткил,
На шоҳ қолғуси оламда, на гадо қолғу.*

*Замири соф, юзи соф, тийнатидаур соф,
Нажоди одам эмастур – фаришта бўлғай бу.*

*Висоли дўст ғанимат, ўзунг ғанимат сен
Ки, ҳар нечук қилибон бўлма ёрдин айру.*

*Ҳаёту айши жаҳонни бу қадарким, билдим
Биайниҳи экан ул сояи рами оҳу.*

*Навоий ёри жафокоридин вафо кўрса,
Анга бу рутба бори ошиқ ичра ойруқсу.*

Чиндан ҳам, ҳар жиҳатдан баркамол, тўла халқчил ва ҳаётий ғазал. XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб ижод этган йирик шоирлардан Юсуф Сарёмий ҳам «Хазойин ул-маоний» девонида учрамайдиган икки ғазални Навоийнинг асарлари сифатида бизга тавсия этади. Гап 1914 йилда шоирнинг шогирдларидан Тавалло томонидан чоп этилган «Девони мавлавий Юсуф Сарёмий» таркибидаги икки тахмис устида бормоқда.

Аввало, Юсуф Сарёмийни ҳам Алишер Навоий меросини чуқур ўрганганини, унинг кўплаб ғазалларига татаббуъ боғлаган ва тахмислар яратганини, жумладан, «Шайх» радифли ҳажвиясига мухаммас боғлаган ягона ижодкор бўлганлигини айтиб ўтайлик. Бу ҳолат Юсуф Сарёмий гувоҳлигининг эътиборли эканлигидан, унинг сўзлари жиддий асосга эгаллигидан дарак беради.

Биринчи мухаммас халқимизнинг ялла қўшиқлари жумласидан мустаҳкам ўрин олган, унинг ниҳоятда шўх, ўйноқи, жарангдор мисралари эса ҳар бир ўқувчига ёшлигидан таниш:

*Бир неча гул барги қабо, яли-яли,
Айлағоли бизни адо, яли-яли.
Тузмоқ учун савту наво, яли-яли,
Жам бўлунг моҳлиқо, яли-яли
Бўлди қизиқ базми саро, яли-яли.*

Мухаммас яхлитлигича, табиийки, Юсуф Сарёмий асари ҳисобланади. Мухаммасга асос бўлган ва Навоийга нисбат берилган ғазал эса «Хазойин ул-маоний» девонларида йўқ. Юсуф Сарёмий таъкидига кўра, юқоридаги банднинг сўнгги икки мисраси ва қуйидаги байтлар Навоий томонидан ёзилган:

*Нағма била мутриб этуб тарона,
Соқий тутуб жоми сафо, яли-яли.*

*Руҳи Набий арш тагига бориб.
Бир-бирига қилди имо, яли-яли.*

*Риштаи жонимға етар бир гириҳ,
Қилди вужудимни фано, яли-яли.*

*Гул очилиб, гулшан ўлуб лолагун,
Бўлди анга нағмасаро, яли-яли.*

*Бир назара солса дебон кўз тутуб,
Қоматимиз бўлди дуто, яли-яли.*

*Хаста Навоийни тўқуб қонини,
Қўллариға қўйди хино, яли-яли.*

Асримиз бошларида тошбосма усули билан чоп этилган баъзи баёзларда бу ғазал байтларига жуда ўхшаш байтлар Қосимий тахаллуси қўйилган шеърда ҳам учрайдики, бу ҳол унинг муаллифи масаласини жиддий текшириш лозимлигини кўрсатади.

Юсуф Сарёмий девонида яна бир мухаммас Навоий ғазали асосида яратилганлиги қайд этилган. Худди юқоридаги ғазал каби, бу ғазал ҳам, «Хазойин ул-маоний» девонларининг бирортасидан топилмади.

Навоийга нисбат берилган тўққиз байтли бу ғазалнинг ҳам байтларини Сарёмий мухаммаси таркибидан ажратиб, ўқувчилар диққатига ҳавола этамиз:

*На янглиғ айлади тасвир оразинг наққош
Ки, наътинг айтғали айлар кўнгул тил ила талош.*

*Кўюнда бўлса супурги мижам тонг эрмаским,
Йўлингда шаҳпари Жабрил Амин эрди фаррош.*

*Паямбар аҳлиға Ақсодаким имом ўлдунг,
Алар кавокиб эдилар, сен эрдинг анда қуёш.*

*Ҳамиша йиғлар эди авжи Қибриёға боқиб,
Ки, анда уммат учун кўзларидин оқиб ёш.*

*Белиға боғлади маҳкам қаноат асбобин,
Муҳаммад очлиғидин воқиф ўлмасун деб тош.*

*Фалаклар узра чиқиб, «умматим!» – деб йиғлаб,
Отини босган изига тасаддуқ ўлсун бош.*

*Бу жоҳи султонийким, Худо санга берди,
Ҳижозу ғайри Ҳижоз ичра йўқ санга ўхшош.*

*Қамар юзи ёруғ ўлди юзунг шуоъйидин,
Ул оқшомеки, малоик санга эди йўлдош.*

*Эрур кўюнда Навоий асиру ҳам мажнун,
Ул ойни суҳбатини топқай эрсам эрди кош.*

Адабиётимиз тарихидан бизга маълумки, «Навоий» тахаллуси остида турли асрларда бир неча ижодкорлар қалам тебратганлар. Эҳтимол, биз сўз юритган тахмислардаги ғазаллар ҳам ана шу «бошқа Навоий»ларнинг бирига тегишлидир, деб ўйлаш мумкин. Албатта, бундай тасодифни ҳам назардан қолдирмаслик керак. Аммо, биринчидан, неча юзлаб тахмисларга асос бўлган асарларнинг деярли 99 фоизи «Хазойин ул-маоний» девонларида мавжудлиги колган бир фоизининг ҳам Навоий қаламига мансуб эканлигига очиқ ишора этгандек кўринади. Иккинчидан, айтайлик, Юсуф Сарёмий девонидаги ҳар иккала мухам-

маснинг тепасига «Амир Навоий ғазалига мухаммас» деб аниқ ва махсус қайд этилганки, бу жуда муҳимдир. Гап шундаки, чиндан ҳам, «Навоий» тахаллусли бир неча ижодкор бўлган, аммо уларнинг бирортаси ҳам «Амир Навоий» бўлмаган.

Сўз юритилган ғазалларнинг Алишер Навоий қаламига мансуб эканлигини тасдиқловчи далиллардан яна бири ўша ғазалларга бир эмас, бир неча ижодкорларнинг тахмис боғлаб, «Амир Навоий ғазалига мухаммас» дея махсус қайд этишларида юзага чиқади.

Масалан, XIX аср иккинчи ярми адабиётимизнинг иқтидорли намояндаларидан бири Мирмаҳмуд Миршамсиддин ўғли Қорий (1832–1902 йиллар)нинг 1912 йилда Тошкентда чоп этилган девонида Навоийнинг олти ғазалига мухаммаси мавжуд. Юсуф Сарёмийга замондош бўлган бу ижодкор ҳам юқорида сўз юритилган, аммо «Хазойин ул-маоний» девонларида бўлмаган ғазалга, унинг Амир Навоий қаламига мансублигини алоҳида таъкидлаб, тахмис боғлаган. Мана тахмиснинг биринчи банди:

*Муҳаббатингни қилай дилда жон қушига маош,
Дурудуду мадҳинг ила эътиқодим айлай фош,
Нечук тил очса бўлур ҳазратингга бу қуллош,
На янглиғ айлади тасвир оразинг наққош,
Ки, наътинг айтғали айлар кўнгул тил ила талош.*

Юсуф Сарёмий ҳам, Мирмаҳмуд Қорий ҳам ўз тахмисларига асос бўлган ғазал муаллифни хато кўрсатганлар, деб гумон этишга ҳеч қандай асос йўқ. Алишер Навоийнинг Мирмаҳмуд Қорий бешликка айлантирган олти ғазалидан яна бири «Хазойин ул-маоний» девонлари нашрларида, шунингдек, қўлёзмалар сақланаётган расмий ҳазиналардаги манбаларда учрамайди. Бу Қорий девонидаги:

*Бўлубман, дўстлар, девонаваш оламни расвоси,
Кўруб айб айламанглар, шул эрур наҳну қасамноси,
Қизил юзлик, қаро кўз, лаъли хандоннинг таманноси,
Мани маҳв айлаган ул дилбаримни чаши шаҳлоси,
Кўнгул мулкини тарош айлаган ишқини яғмоси –*

банди билан бошладиган етти бешликдан иборат тахмисдир. Унга ҳам худди бошқаларга каби «Мухаммаси Қорий бар ғазали амир Навоий» деб сарлавҳа қуйилган. Қуйида Қорий гувоҳлигига кўра амир Навоий қаламига мансуб бўлган ана шу ғазал матнини тахмис жисмидан шартли ажратиб ўқувчилар диққатига ҳавола қиламиз:

*Мани маҳв айлаган ул дилбаримни чаши шаҳлоси,
Кўнгул мулкини торож айлаган ишқини яғмоси.*

*Ўлумдин зарра ваҳмим йўқ, вале, қўрқинчим андин кўб,
Қачон ўлғайману кетгай бошимдин ёрни савдоси.*

*Заифу нотавон, бечораю бехонумондурмен,
Неча ҳажрида йиғларман – ани йўқ зарра парвоси.*

*Неча жавру жафосига чидарға тоқатим йўқтур,
Қазоға розилар бўлдум, туганмас ишқни ғавғоси.*

*Фалак дорулқазоға элтибон қатл айлади ўлдум,
Жазоси шул эрур – ҳар кимки, қилса ишқни даъвоси.*

*Манга дарди фироқ, андуҳи мотам чархи кажрафтор
Ки, қичқиртиб мани бозори ишқнинг айюҳанносси.*

*Навоий дилфигор ўлгач, маломат новаки етгач,
Тилинган этга ўхшайдур аниким барча аъзоси.*

Ғазал мазмуни, вазн ва қофия бекусурлиги, бадий баркамоллиги, услуб ва қўлланилган сўзлар бўйича Навоийники эмас, дейишга бизда ҳеч қандай асос йўқ.

Қисқаси, кейинги даврларда яшаб ижод этган кўп сонли шоирлар меросларидаги тахмисларни синчиклаб ўрганиш орқали ҳам улуғ шоирнинг расмий девонларига кирмай қолган ғазалларни кашф этиш мумкин, дейилса, хато бўлмайди.

Шундай умумий хулосага келиш мумкинки, Алишер Навоийнинг кичик шеърий турларида она тилида яратган асарларининг, асосан, кўпчилиги «Ҳазойин ул-маоний» девонлари таркибида етиб келган бўлса-да, турли сабабларга кўра уларга кирмай қолган намуналар ҳам кам эмас. Айниқса, 1498 йилдан, яъни «Ҳазойин ул-маоний»нинг сўнгги учинчи редакциясини тузиш ишлари узил-кесил якунланганидан кейинги йилларда улуғ шоир яратган бу тур асарларининг тақдири биз учун ҳамон қоронғу бўлиб қолмоқда. Умрининг охирларида эса Навоий йирик ҳажмли асарлар қаторида, масалан, кўплаб ғазаллар ҳам ёзганлиги эса шубҳасиздир. Уларни излаб топиш, асл матнларини тиклаш навоийшуносликнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

«КУНДА ЮЗ БАЙТ...»

*«...Оз вақтда кўп шеър айтилди ва
ҳар навъ назм теграмга йиғилди...»
(«Ҳазойин ул-маоний» дебочасидан).*

Ниҳоятда катта суръат билан баракали қалам тебратиш Алишер Навоийнинг ижодкор сифатидаги ёрқин қиёфасини белгиловчи муҳим фазилатлардан бири бўлган. Улуғ шоир ўзидаги бу ижодий қудратни жуда эрта ҳис қилган ва табиий ғурур ва жиддий масъулият билан ўрни-ўрнида қайд этишдан тортинмаган. Масалан, 1466-67 йилларда Сайид Ҳасан Ардашер номига битилган маснавий мактубида шоир Ҳиротни тарк этиб, Самарқандга кетиш сабабларини баён этар экан, улар жумласида шоирлик иқтидори етарли қадрланмаганлигини, ижодий иш учун дурустроқ шароит бўлмаганлигини кўрсатади. Шоир фахрия услубида қалам тебратиб, ўзини Низомий ва Фирдавсийлар қаторига қўяди: менинг ёзган шеърларимнинг ҳар бир ҳарфи тоза дурга тенг, деб таъкидлайди у, ижодий иш жараёнида

Тангридан менга шундай туганмас қувват етадики, оқибатда, дилимдаги тайёр мисраларни қоғозга тушуришга улгуролмайман – унга фурсат етишмайди:

*Етар Тенгридин онча қувват манга,
Ки, бўлмас битирига фурсат манга!¹*

Навоий фахрияни давом эттириб, янада баланд пардаларга кўтаради: ижод майдонида тенги бўлмаган Фирдавсий «Шоҳнома»ни якунлаш учун ўттиз йил тинимсиз меҳнат қилган. Мен эса, деб таъкидлайди Навоий, ўттиз ойда шундай асар яратиш қувватига эгаман, чунки кунда юз байт ижод қилиш мен учун ҳалво ейишдек енгил ишдир:

*...Ани дерга бўлса қачон рағбатим,
Эрур онча Ҳақ лутфидин қувватим.*

*Ки, ҳар неча нутқ ўлса қоҳилсарой,
Битигаймен ўттиз йилин ўттиз ой!*

*Агар хосса мани, гар ийҳом эрур,
Ани кунда юз байти ҳалвом эрур!²*

Навоий шахсиятидаги юксак суръат билан баракали шжод этиш қобилияти, айниқса, «Хамса» дostonларини яратиш жараёнида юзага яққол чиқди: амалий-ижтимоий ишлардан, шоирнинг ўз ибораси билан айтганда, «халқ ғавғоси ва халойиқ алолосидин тинмаган» бир шароитда шоир фавқулodда қисқа – бошланганидан то тугатишга қадар икки йилга етар-етмас («каму беш»), бевосита дostonлар ёзилган вақтнинггина ҳисобга олганда эса «олти ой»га ҳам етмаган бир муддатда якунлайди.

Бу ҳақда шоирнинг ўзи «Хамса»нинг якунловчи дostonи «Садди Искандарий»да қуйидагича гувоҳлик беради:

*...Ўзунг тинмайин халқ ғавғосидин,
Қулоғинг – халойиқ алолосидин.*

*Бу меҳнатлар ичра чекиб сўзга тил,
Замондин каму беш ўтуб ики йил,*

*Чекиб хома бу нома итмомиға,
Етургайсен оғозин анжомиға.*

*Ки, аҳли муҳосиб шитоб айласа,
Дейилган замонин ҳисоб айласа,*

¹ Алишер Навоий. «Мукамал асарлар» тўплами. 3- жилд. 529- бет.

² Ўша асар, 529–530-бетлар.

*Йиғиштурса бўлмас бори олти ой
Ки, бўлдунг бу раъноға сувратнамой!¹*

Ҳисоб-китоб юритувчилар («муҳосиб аҳли») бешала дostonни ёзишнинг ўзигагина сарфланган вақтни («дейилган замонин») жамласалар «олти ой ҳам бўлмайди», деган таъкид Навоийдаги ижодий суръат, юксак маҳсулдорлик иқтидорини кенг ва чуқур тасаввур этиш имконини беради: улуғ даҳо бир юз саксон кунга етар-етмас қисқа муддат ичида жами 25615 байт (51230 мисра)дан иборат ғоявий-бадий жихатдан баркамол шеърӣ хазина ярата олган.

Кўринадики, «Хамса» дostonларини ёзишга киришишдан қарийб ўн беш йил аввал «кунда юз байт айтиш мен учун ҳалво ейишдек енгил иш» мазмунидаги хитоб ва «Хамса» ёзиш учун ўттиз йил эмас, «икки-уч йил» ҳам менга етарли, деган таъкид, чиндан ҳам асло қуруқ мақтаниш ёки беҳуда лоф уриш бўлмаган. «Хамса»га нисбатан эса, амалда ҳатто, камтарлик қилинганини кўрамиз. Агарда, «Хамса» дostonларини ёзишга сарфланган вақтини, ҳатто олти ой – бир юз саксон кун, деб олганимизда ҳам, Навоий ҳар куни, беистисно, 142–143 байтдан ёзган бўлиб чиқадики, бундай суръатни дунё миқёсида бошқа бирор ижодкор амалиётида қайд этилганлиги шахсан бизга номаълум.

Навоий ижодий фаолиятидаги бундай суръатни унинг замондошлари ҳам, жумладан, Абдураҳмон Жомий, Хондамир, Заҳриддин Бобурлар ҳам алоҳида қайд қилиб ўтганлар. Хусайн Бойқаро эса «Рисола»сида улуғ шоир қобилиятининг бу қиррасига махсус тўхталиб, қуйидагиларни ёзади:

«Агарчи Шайх Низомий назм аҳлининг устодидур, ўз «Хамса»син, машҳур будурким, ўттиз йилда такмил бериб дурур. Ва Мир Хусравким, «Хамса» абёти ададин ўттуз мингдин ўн секкиз мингга ихтисор қилибдурур ва шуҳрати мундоқ турурким, олти-етти йилда тугатиб дурур.

Бу фасоҳат майдонининг сардори ва балоғат бешасининг ғазанфари (яъни Алишер Навоий – А. А.) бовужуди улким, кўп афсоналарда дилпазир тафсиллар берди ва таъписанд ислоҳлар қилди, – («Хамса» – А. А.) бунёдининг ибтидосидин саводининг интиҳосигача ҳамоно икки йилдин ўтмади ва айтилгон авқот (вақтлар – А. А.) ҳисобга кирса, деса бўлғайким, олти ойға етмадиким, анинг афсоналари рангинлигин ва абёти сеҳройинлигин ва тарокиби матонатин ва маонийси латофатин мутолаа қилгон киши билғай ва мулоҳаза қилгон киши фаҳм қилғай»².

Таъкидлаш лозимки, бундай қизгин фаолият ва юксак ижодий суръатни Навоий ҳар доим – ижодининг илк босқичларида ҳам, умрининг сўнгги йилларида ҳам юқори даражада намойиш эта олган. Шоир ижодий фаолиятининг икки давридан – ёшлик ва қарилик дамларидан олинган қуйидаги тарихий мисоллар фикримизни тасдиқловчи ишончли далил бўла олади. Замонасининг етук фарзандларидан бири Паҳлавон Муҳаммад хотирасига бағишланган насрий асарида Навоий Машҳадда талабалик йилларида яратган ғазалларидан бири билан боғлиқ қизиқ воқеани эслайди. Воқеанинг биз сўз юритаётган масалага алоқадор нуқтасинигина қайд этиш билан чекланамиз: англашиладики, шоир бир тонг чоғида бир ғазални бошлаб, узил-кесил тугатишга ҳамда оққа кўчириб, тайёр ҳолатга келтиришга улгуради.

¹ Алишер Навоий, «Хамса». Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. ЎЗР ФА нашриёти. Тошкент, 1958 й., 1652-бет.

² Хусайн Бойқаро, «Девон. Рисола.» 164-бет.

«Бир кунким, – ёзади у, – саҳари фақир бу шеърни айтиб эрдимким, матлаъи будурким:

*Ҳар қаён боқсам, қўзумга ул қуёшдин нур эрур,
Ҳар сори қилсам назар, ул ой манга манзур эрур.*

Ва бу шеър етти байт эрди ва мусаввада (оққа кўчириб – А. А.) қилиб жайбимга (чўнтагимга – А. А.) солиб эрдим...»¹.

Алишер Навоий «Ҳазойин ул-маоний» мажмуасини султон Ҳусайн Бойқаро таклифи ва даъвати билан тузганлигини бир неча бор махсус қайд этади. Жуда мураккаб ва ниҳоятда пишиқ ички қурилишга эга бўлган бу беқиёс мажмуа устида улўғ шоир қанча вақт меҳнат қилганлиги аниқ белгиланган эмас. Мутахассислар, бу иш тахминан 1490 йиллар аввалларида бошланиб, 1498 йиллар атрофида ҳозир бизга етиб келган шаклда узил-кесил яқунланган, деган хулосага келганлар.

Навоийнинг ўзи эса «Ҳазойин ул-маоний»га ёзган махсус дебечада Ҳусайн Бойқаро даъвати ҳамда ўзининг жиддий ижодий меҳнати ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар беради:

«...Қабул бармоғин қўзумга ва миннат илигин жонимга ва жонпарвар сўзимга қўйдум, – деб ёзади у Ҳусайн Бойқаронинг таклифини эслаб. – Хома учин тез эттим ва табъ оби ҳаётин оташангез. Ва ўтган айёмда айтилғон матлаълар субҳи бидоятин мақтаълар шоми ниҳоятига вобаста ва кечкон ҳангомда битилган паришон абёт гавҳарларин такмил риштасига тортмоқ била пайваста қила бошладим.

*Кун бор эрдики, бир ғазалу икки ғазал,
Бал уч ғазалу тўрт ғазал баъзи маҳал.*

*Маҳвашлардек бори латофатда масал
Боғлаб кийибон юзга ҳале, тўнға – ҳулал».*²

Демак, Навоий «Ҳазойин ул-маоний»ни тузиш жараёнида ҳар куни бир-икки, баъзи кунлари эса ҳатто уч-тўрт ғазалга сайқал бериб, девонларга жойлаштирганки, бу ижодий фаолиятидаги юксак самарадорлик ва суръатни яна бир бор тасдиқлайди. Афтидан, шоир «Ҳазойин ул-маоний»ни тартиб бериш ишига нуқта қўяр-қўймас «Лисон ут-тайр» достонига – болаликдан дилига тугиб қўйган ижодий режани амалга оширишга қалам чекади.

Шоир бу чуқур фалсафий дostonни ҳижрий 904 (милодий 1498– 1499) йилда бошлаб, шу йилнинг ўзида яқунлай олган. Шу ҳолатни ҳам унутмайликки, бу йилларда ҳам Навоий, гарчи расмий бирор лавозимда бўлмаса-да, «ҳазрати Султоннинг энг яқин кишиси» («муқарраби ҳазрати султон») сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашиб турган ва, демак, унинг жуда кўп вақти давлат ва мамлакат ишлари билан банд бўлган. Аммо шунга қарамасдан, Фаридуддин Атторнинг машҳур «Мантиқ ут-тайр» дostonи таврида асар яратиш ниятини амалга оширишга киришади. Навоийнинг ўз иқрорича, ижодий иш учун кундузлари вақт орттира олмаган – фақат тун-кечалардагина ишлашга имкон топган. Шундай оғир шароитда ҳам шоир қирқ-эллик байтни қоғозга туширмай қаламини тўхтатмаган:

¹ Алишер Навоий, «Асарлар», 14- том, 98- бет.

² Алишер Навоий. «Мукамал асарлар тўплами», 3-жилд. 16-17-бетлар.

*...Олтмишга умр қўйғонда қадам,
«Қуш тилин» шарҳ эткали йўндим қалам.*

*Эрди ёрим кеча ашғолим чоғи,
Табъ бу маъниға машғул ўлмоғи.*

*Хома рафторин неча сурсам неча,
Қирқ-эллик байт ҳар ярим кеча –*

*Сафҳаға ёзмай қарорим йўқ эди!
Бу рақамда ихтиёрим йўқ эди.¹*

Шу ўриннинг ўзида Абдурахмон Жомий асари «Арбаин»нинг таржимаси бўлмиш «Чиҳил ҳадис»ни Навоий жуда тез тугатганини ҳам эслаб ўтайлик. Қирқ тўртлик ҳамда кириш ва хотима қисмлардан иборат бўлган бу асарни шоир «бир-икки кун»да қиёмига етказди. Шу нуқта эътиборга лойиқки, шоир бу ижодий ишни мўлжалдан олдин тугата олганлигини қониқиш ва мамнуният билан таъкидлайди:

*Бир-икки кунки, эҳтимом эттим,
Кўз тутардин бурун тамом эттим.²*

Қисқаси, Навоий бутун ижодий фаолиятида, биринчи навбатда, йирик дostonларни ёзишда фавқулodда юксак суръат ва жуда юқори самарадорлик кўрсатди. Ижод аҳлига самимий ҳомийлик ва ғамхўрлик кўрсатган улуг шоир бошқа қалам аҳллариини ҳам ижодий фаолликка даъват этди, аини замонда етарли шеърий иқтидори бўлмай, зўрма-зўраки қалам суришга интилан ёки қобилияти бўла туриб ижодда сусткашлик қилувчи танбал шахсларни аччиқ танқид қилди, улар устидан кулди.

Масалан, «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида иқтидори бўла туриб, ижодда «лавандлик» қилувчи Садр Котибий, Сайид Иmod, Нодирий кабиларни танқид қилади. «Маҳбуб ул-қулуб» асарида эса ижодий суръатни камтарлик, ғоявий-бадий етуклик, ҳам шаклан, ҳам мазмунан баркамоллик билан чамбарчас бирликда кўради: «Ва юз машаққат била бир байт боғлаштурғайлар, даъво овозасин етти фалакдин ошурғайлар. Сўзларида не ҳақойиқ ва маориф нўшидин ҳаловат ва назмларида не шавқ ва ишқ ўтидин ҳарорат. Не шоирона таркиблари ахсан ва не ошиқона сўзу дардлари шуълаафкан. Баъзидин агар гоҳи бирор яхши байт воқеъ бўлур, аммо ўн онча ямон даъво зоҳир бўлурки, у ҳам зоеъ бўлур. Агар бири бир нозук маънида писандида печ қилур, аммо ўн онча нописанд даъво била ани ҳам ҳеч қилур»³.

Бутун «Хамса»ни олти ойга ҳам тўлмас қисқа бир муддатда ёза олганини фахр билан қайд этган шоир шу ўриннинг ўзида:

¹ Алишер Навоий, «Асарлар», 11-том, 239-бет.

² Алишер Навоий, «Асарлар», 15-том, 55-бет.

³ Алишер Навоий, «Асарлар», 13-том, 21-бет.

*Керак даҳр аҳлига ўн кун жадал
Ки, беш байтдин боғлағай бир ғазал.*

*Басе, маснавийгўйи нозук хаёл
Ки, назм аҳли ичра солиб қийлу қол,*

*Халойиққа юз хусну ноз айлағай
Ки, ўн йилда минг байт соз айлағай¹ –*

деб ёзар экан, ижодий сусткашликка ўта салбий муносабатини очиқ баён этади, моҳиятда қизғин ижодий фаолиятга даъват қилади.

Ана шу айтилганлар қаршисида йирик шарқшунос олим Е.Э.Бертельс йўл қўйган бир ачинарли чалкашлик, айниқса, бўртиб кўзга ташланади. Аввало, Е.Э.Бертельснинг умуман, ўзбек адабиёти тарихини хусусан, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва рус тилида тарғиб этишда таҳсинга лойиқ кўпгина жиддий илмий ишлар яратганлигини, навоийшунослик ривожига сезиларли улуш қўша олганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Биз кўрсатиб ўтмоқчи бўлган чалкашлик эса «Садди Искандарий» достонининг кенг ва чуқур таҳлилига бағишланган йирик тадқиқоти жисмида учрайди.

Олим бу достоннинг яратилиш тарихи тўғрисида баҳс очиб, жумладан, қуйидагиларни ёзади: «Навоий ўз достонида унинг ёзилиш шароити хусусида нималар деганини белгилашга уринамиз. Шоир аввалги тўрт девонни тугатгач, маълум муддат дам олганини маълум қилади.

*Эллик кунча ҳордиқ чиқориб,
Маю нуқулдин нашот истаган –*

киши яна олға юришни, машаққатли ва хатарли йўл босишни хоҳламай қолади. Қандай сабаб Навоийнинг ижодий ишида бундай тўхталиш («перерыв»)ни юзага келтирганини эндиликда айтиш, албатта, қийин. Бу амалга оширилган катта меҳнат оқибатида юзланган моддий толиқиш, чарчаш бўлиши мумкин. Аммо бошқа сабаблар ҳам бўлиши мумкин»².

Хўш, Навоий ижодий фаолиятидаги қандай «тўхталиш», «танаффус» ҳақида сўз бормоқда? Ижодий ишда «эллик кунча» қўл тортишнинг қандай «бошқа сабабларига» ишора этилмоқда? Аслида, умуман бундай жиддий тахмин ва хулосалар учун бирор асос борми?

Аниқ айтиш мумкинки, ҳеч қандай асос, ҳеч қандай далил йўқ. Ундай бўлса, гап нимада?

«Садди Искандарий» достонидан Е. Э. Бертельс ўз сўзлари билан баён этган парчанинг аслини қайта ўқиб чиқайлик:

*Қўюлди чу тўртунчи манзилға ком,
Дедимким, қилай тўрт-беш кун мақом*

*Ки, йўл ранжидин нотануманд эдим,
Тинорға басе орзуманд эдим,*

¹ «Хамса», 1649- бет.

² Е. Э. Б е р т е л ь с, «Избранные труды. Навои и Джами», ^Москва, 1965 г. 269-370-бетлар.

*Неча кунки, дафъ ўлди фарсудалик,
Мизожимға юзланди осудалиқ.¹*

Мисраларда «тўртунчи манзилга» етилгач (яъни, «Хамса»нинг тўртинчи достони «Сабъ-аи сайёр» якунлангач), шоирда «тўрт-беш кун» ҳордиқ чиқариш нияти туғилгани, чунки йўл азобидан (яъни, дostonлар устида ишлашдан) ҳолсизланиб, дам олишга – «тинорға орзуманд» бўлганлиги, бир неча кунда чарчоқ босилиб яна «мизожиға осудалиқ-хотир-жамлик юзлангани» ҳақида сўз бормоқда, холос.

Шундай экан, Е.Э.Бертельс қайд этган «эллик кунча» муддат қаердан олинган?

Минг афсус билан айтиш керакки, ўзбек тилини яхшигина эгаллаб, кўплаб нозик нуқта-ларини чуқур идрок эта олган шарқшунос олим муомаладаги «беш-ўн кун» бирикмасини тўғри тушуна олмаган. Аниқроғи, бу иборани «беш маротаба ўн кун» деб ўйлаган. Шу бо-исдан, Навоийнинг юқорида келтирилган парча давомида битилган:

*Беш-ўн кунчаким, бўлдум оромжўй,
Нашоти маю нуқлдин комжўй –*

байтини рус ўқувчиларига:

Отдохнул около пятидесяти дней,

Искал наслаждения вином и закуской² –

тарзида бузиб кўрсатади. Оқибатда, улуг шоир ижодий фаолиятининг энг қизғин ва сама-рали даврларидан бири хусусида, «Хамса»нинг якунловчи достони устида кечган ижодий иш жараёни ҳақида нотўғри тасаввур ва хато хулосалар шаклланишига йўл очилади, шоир шахсиягига табиатан хос бўлган ғайрат ва юксак ижодий суръатга, доимий изланиш ва фа-олликка соя тушади – уни қандайдир ҳорғин, шижоатсиз ва маишатга мойил («эллик кунча маю нуқлдан нашот истадим...») шахс каби бузиб тавсифлайди. Ваҳоланки, «Садди Искан-дарий»ни ёзишга киришганда эндиgina 43 ёшга тўлган Навоий ҳам давлат ва жамоат арбо-би сифатида, ҳам ижодкор сифатида ниҳоятда жўшқин ва маҳсулдор фаолиятда бўлганки, биз юқорида бунни тасдиқловчи қатор далиллар келтирдик.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Навоий мунтазам ижодий иш томон интилган, бу-тун вақтини («йигирма тўрт соат кеча-кундуз») улкан ижодий режаларини рўёбга чиқа-риш қайғусида бўлган, ижодий изланишдан тиним-қўним билмаган. Давлат юмушлари ва ижтимоий-амалий ишлар унинг вақтини кўп эгаллашидан доимо шикоят қилган шоир тинч ва хотиржам бир шароитни орзу қилади («Бировдин топмаса кўнглум футуре»), ҳатто султондан ҳар қандай давлат ишларидан («бори ашғолдин») озод қилишни расмий илти-мос қилади. Ана шундай шароит яратилса, янада кўпроқ ва ғоявий-бадий баркамол асар-лар ёза олишини таъкидлайди:

*Ҳамоно тезтак айлаб қаламни,
Равонроқ торта олғаймен рақамни!*

¹ «Хамса», 1222- бет.

² Е.Э.Б е р т е л ь с. Зикр этилган асар, 370- бет.

*Ҳам ўлғай бу рақамдин санъате кўп,
Ҳам ўлғай санъатида диққате кўп.*

*...Фароғат кунжида бир гўша тутсам,
Мени эл, мен доғи элни унутсам!*

*Бори ашғолдин шоҳ тутса маъзур
Ки, бўлсам сўз демак шуғлиға маълум!¹*

«Хамса» таркибида лирик чекиниш тарзида битилган бу байтлар улуғ шоирнинг ижодий ишга бўлган жиддий ва ўта талабчан муносабатини аниқ кўрсата олади. Йўқ, «Хамса» дostonларини ёзиш жараёнида Навоий фаолиятида қандайдир узилиш, «қўл тортиш», ижод ўрнига «маишатга берилиш»га мойиллик бўлган оралиқ ҳақидаги тахминларга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Аксинча, мунтазам, қизғин ижодий ва хоҳиш-орзусига зид ўлароқ ижтимоий-сиёсий амалий фаолиятда бўлган. Шу муносабат билан «Ҳайрат ул-аброр»даги: «Йўқ эди бош қошиғали фурсатим!» деган иқрорини ҳам эслаш жуда ўринли. Бу мисраъ «Хамса»ни ёзишга киришилганида битилган. Ижодий парвозга бўлган чексиз иштиёқни ифодаловчи мана бу байтлар эса уни якунлаш арафасида саҳифага туширилган:

*Тузай назм мулкида шоҳона базм!
Ҳамул базм сори қилай ёна азм!*

*Билик тахти узра чиқиб ўлтирай!
Хаёл элчисин ҳар тараф чоптурай!²*

Улкан туғма иқтидор соҳиби Навоийнинг ижодий ишга бўлган муносабати аслида доимо мана шундай бўлган...

Аслиятнинг мазмун-моҳиятини тўла англамай таржима этилиши жиддий масалалар билан боғлиқ хато хулоса-талқинларга олиб келиши мумкинлиги биз кўриб ўтган мисолда равшан юзага чиққан. Айтиш керакки, йирик шарқшунос олим Е.Э.Бертельс учун «беш-ўн» бирикмасининг асл мазмуни аввалданоқ жумбоқ бўлган. Унинг 1927 йилда ёзилган ва ҳанузгача ўз илмий қимматини йўқотмаган «Навоий ва Аттор» тадқиқотида ҳам бу бирикманинг нотўғри талқин этилганини кўрамиз. «Лисон ут-тайр» дostonидаги ҳикоятларнинг бирида Навоий денгиз остига шўнғиб дур қидирувчи ғаввосларнинг оғир меҳнати мавзусини қаламга олади. Ҳикоятда, жумладан, шундай мисралар бор:

*Берсалар беш-ўн дирам ғаввоси дун,
Баҳр ичра солур ўзни сарнигун.*

Мисрадаги «беш-ўн дирам» мақола муаллифи томонидан «ўн беш дирам» деб таржима этилган³.

¹ Алишер Навоий, «Хамса». Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Т, 1958, 638-бет.

² Ўша асар. 1224-бет.

³ Қаранг: Е. Э. Бертельс, «Изб. Труды. Суфизм и суфийская литература». Изд-во «Наука», М., 1965, 397-бет.

Хуллас, «Хамса»нинг тўртинчи достони «Сабъаи сайёр»нинг якунланиши билан бешинчи достони «Садди Искандарий»нинг бошланиши оралиғида Навоий ижодида «тўхталиш», «узилиш» бўлган, шоир маълум муддат қаламни четга суриб қўйиб, маишатга берилган, деган таъкид тамоман асоссиз бўлиб, у «беш-ўн» бирикмасининг, шунингдек, рамзий «маю нуқл» сўзларининг нотўғри талқин этилиши оқибатида шаклланган. Аслида эса, юқорида кўрганимиздек, далиллар Навоийнинг ҳар доим ва ҳар қандай шароитда қизғин ижодий фаолликда бўлиб, юксак суръат билан самарали қалам тебратганлигини кўрсатади.

«МАЪРИФАТ ДЕНГИЗИНИНГ ДУРИ»

898- ҳижрий. Ҳиротнинг изғиринли кузи. Кексайиб қолган Жомий шамоллаб хасталанади. Аъзойи бадани зирқираб, кундан кунга, соатдан соатга куч-қувватдан қила бошлайди ва ниҳоят, орадан кўп ўтмай кўрпа-тўшак қилиб ётиб олади. Бу ташвишли воқеадан чексиз дилгир бўлган Навоий ҳар куни, баъзан бир кунда неча бор устози ҳузурига йўқлаб келар, зиёрат этиб кўнглини кўтарар, дардидан хабар олиб, табиб ва дори-дармонлар чорасини кўрар эди. Аммо касалнинг аҳволи борган сари оғирлашар, бу эса Навоийни баттар ташвишлантирарди. Унинг бутун фикри-зикри устозида бўлиб, заррача ҳам ҳаловати йўқ эди.

Муҳаррам ойининг ўн олтинчи куни. Пайшанба. Турли-туман хунук ўйлар, совуқ шубҳалар Жомий олдидан эндигина қайтган Навоийни яна чулғаб олди, хаёлини бутунлай банд этди. Кечга бориб, айниқса, жумага ўтар кечаси бу безовталиқ, чуқур изтироб, дил ўртовчи ҳаяжон уйқуни тамоман ҳайдади ва ярим кечада шоир яна Ҳирот чеккасидаги Хиёбон кўчасининг боши томон ошиқди. Навоийнинг тун зулматида хавотир ва таҳлика билан устози ҳузурига ҳаприқиб талпиниши бежиз эмас эди: шоирнинг неча ўн йиллар давомида чин ихлос ва самимий ҳурмат ришталари билан Жомийга мустаҳкам боғланган нозик юраги юзланаётган оғир мусибатни аниқ сезганди. У етиб келганида касал тепасига энг яқин кишилари тўпланган, у бўлса гоҳ ҳуш, гоҳ беҳуш ётарди. Шундай бўлса-да, улуғ шогирди ва энг яқин дўстига кўзи қайта тушгач, унинг ҳол-аҳвол сўрашидан кўнгли тасалли топгандек бўлди. Аммо жума намози тугар-тугамас улуғ шоирнинг жони узилди. Жомийнинг яққаю ягона ўғли Зиёвуддин Юсуф билан бирга Навоий, ўз ибораси билан айтганда, «соҳиби мотам» ва «соҳиби аза» сифатида белини боғлади, таъзиялар қабул қила бошлади... Оғир жудолик келтирган бу қаро кунни Навоий яна бир бор дилидан ўтказди: 898 йил муҳаррамнинг ўн олтинчиси (милодий 1492 йилнинг 7 ноябри).

Бу айтилганлар бадий тўқима ёки тахминий гаплар эмас, балки тарихий ҳақиқат, Навоийнинг ўз сўзлари, ўз гувоҳлиги, ўз иқрори. Биз уларни Абдурахмон Жомийнинг ҳаёти ва ижодига махсус бағишланган «Хамсат ул-мутахаййирин» асарининг хотима қисмидан олдик.

Навоийнинг Жомий вафотини бевосита ўз бошига тушган оғир мусибат деб қабул қилиши шогирдлик (муридлик) бурчини ўринлатиш учунгина расмийлик юзасидан намойиш қилинган ҳаракат бўлмай, икки комил инсон ўртасидаги кўп йиллик катта дўстлик, самимий яқинлик, чин ҳурмат-эҳтиромнинг табиий кўриниши эди. Навоий узоқ вақтгача мотам либосини эгидан ечмади. Йил тўлишига эса Жомий вафоти санасини мисраларга жойлаб таърих битди, унда устозини, жумладан, «ҳақиқат конининг гавҳари, маърифат денгизининг дури» дея таърифлади. Лириканинг ўн олти жанрида минг-минглаб намуна-

лар яратган Навоийнинг улкан адабий меросида атиги икки дона – бири ўзбекча ва бири форсча марсия маълум. Кўринадики, Навоий фақат катта маънавий зарурат билангина бу ғамгин жанрга мурожаат қилган. Таркиббанд шаклида ёзилган бу марсияларнинг ҳар иккиси ҳам шоирга энг азиз ва энг ҳурматли бўлган (шоирнинг ўз ибораси билан айтганда, «ота ўрнида бўлган»), замонасининг ҳар жиҳатдан баркамол намоёндалари Абдурахмон Жомий ва Саййид Ҳасан Ардашерлар хотираларини абадийлаштиришга бағишланган. Жомийга бағишланган ва етти банд (етмиш байт)дан ташкил топган марсия вафотининг бир йиллигига бағишланган расмий йиғинда Ҳусайн Бойқаронинг ҳукмига кўра Ҳиротнинг машҳур нотик-воизи томонидан минбар устидан баланд овоз билан дам-бадам ўқиб турилган. Атайлаб Жомийнинг она тилида ёзилган марсияда:

*Сен кетдингу жаҳон халқининг дили зор қолди...
 ...Уламога машғал бўлдингу сендан нур таралган эди,
 Машғал қоралашди қиёматгача қоронғу кеча қолди,
 ...Муяссар бўлсайди тобутни елкамга тортиб
 Мендай дили куйган мазор томон ҳамроҳ бўлардим.
 ...Дўстлар, ҳамма илму фанда олам ягонаси қани?
 Одамзод жинсининг афзали ва энг ёқимтойи қани?
 Фироқи тиғидин дўстлари дили заҳм бўлди,
 Яхши хулқи ҳаммага марҳам бўлган зод қани?
 Хужра бўшу китоблар варақлари сочилган,
 Хужра соҳиби қани, уларга тартиб берувчи қани?–*

каби чин меҳру садоқатни ифодаловчи ва айни замонда оҳу нола билан йўғрилган мисралар бор эди.

«Бир йилгача олам аҳлига умуман, ва Хуросон ва Ҳирот аҳлига хусусан, мотам эрди. Йил бўлгондин сўнгра ҳазрати султони соҳибқирон (яъни Ҳусайн Бойқаро – А. А.) аларнинг (яъни, Жомийнинг – А. А.) йил ошин баса эъзоз ва эҳтиром била подшоҳона бердилар... Ва назм аҳли кўп тарихлар айтиб ўқудилар. Ул жумладин, ҳуруф роқими (ушбу сўзларнинг битувчиси, яъни Навоий – А. А.) бу марсия ва таърихни айтиб, йил оши тортарда султони соҳибқирон олий мажлисларида ўткарди (яъни, ўқуб берди – А. А.) ва ҳукм бўлдиким, Мавлоно Ҳусайн Воиз минбар устида ўқуди...»

Ҳар бир сатри улкан ҳурмат-эҳтиром, самимий садоқат ва дилбандликни ифодаловчи ва айни замонда покиза қалбнинг юзланмиш оғир мусибат, чуқур қайғудан чекаётган фарёди каби жарангловчи бу марсия ва таърихни Навоий 1494 йилда тугатган «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарига илова этади.

* * *

Улуғ Абдурахмон Жомий хотирасига қўйилган илмий-адабий ҳайкал бўлмиш «Хамсат ул-мутаҳаййирин» адабиётимиз тарихида мустасно ўрин эгаллайди – ўз характери, тузилиши, мақсади жиҳатидан унинг бошқа ўхшаши, қиёси йўқ. Жомийнинг баркамол Инсон ва Ижодкор сифатидаги хислат-фазилатларини таърифлашга бағишланган бу асарнинг энг муҳим афзаллиги шундаки, у илк жумлаларидан тортиб то сўнгги нуқтагача биринчи манба ва ишончли далилларга, узоқ йиллар давомида мунтазам равишда сон-саноксиз уюшти-

рилган адабий суҳбат-учрашувларда шаклланган таассуротларга, хотира-эсдаликларга, шахсий ёзишма – мактубларга асосланган.

Навоийнинг ўз эътирофича, устози ҳақида махсус хотира-асар яратиш нияти Жомий ва-фотидан кейиноқ, ҳали мотам маросимлари тугамасдан туғилган: «Чун бу мотамда мажруҳ кўнгул озори ва маҳзун хотир изтиробу изтирори ҳаддан ошди. Бу ранж таскини ва бу ошуб итмийнони (ҳаяжоннинг тинчиши – А. А.) учун хаёлға андоқ келдиким... ул меҳри авжи камол (яъни, Жомий – А. А.) била бу зарраи камсармоя (яъни Навоий – А. А.) орасида ўтган ҳолатдин бир неча варақ нигориш қилғайман ва мақолотдин бир неча муқаддима гузориш бергаймен...»

Навоий бу ишни ўзи учун жуда муҳим деб билди, унга жиддий тайёргарлик билан киришди: Жомий қолдирган бутун илмий-адабий мерос билан, у ҳақидаги асарлар билан махсус қайта танишиб чиқди, ўзаро ўтмиш суҳбатлар, учрашувлар, ёзишмалар тарихини яна бир бор варақлаб, хотираларни тиклади.

Шуни айтиш кифояки, «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да Жомийнинг қирқдан ортиқ асарлари тилга олинади, улардан қатор намуна-парчалар ўзига хос таҳлил этилади, ўн беш-йигирма йил илгари битилган мактублар матнлари айнан келтирилади, ўтмиш муҳим суҳбатлар, адабий баҳслар мавзуси эсланиб, улардаги лутф-мutoябалар мағзи чақилади. Бутун асар давомида Жомий асосан тўрт қиёфада – нозик дид-фаросат ва гўзал фазилатлар соҳиби, мулоим табиат ва юксак маданиятли баркамол инсон, улкан илмий-адабий мерос яратган буюк мутафаккир Ижодкор, ғамхўр раҳнамо, донишманд Устоз ва самимий меҳрибон, чин сирдош Дўст сифатида гавдаланади.

Асар беш қисмдан – муқаддима, уч мақолот (боб) ва хотимадан иборат ва шунга кўра ҳам Навоий уни «Хамса ул-мутаҳаййирин» («Ҳайратланганлар бешлиги») деб атайди.

Муқаддима Жомий таржимаи ҳолининг қатор муҳим нуқталарини ёритади. Навоий устозининг ўз асарларига ишора-далиллар асосида унинг туғилган санаси, жойи, аждодлари, шунингдек, болалик йиллари тўғрисида ишончли маълумотлар келтиради. Бўлажак буюк шоирнинг «кичик ёшлик экани»даёқ катта иқтидор, нозик табъ ва чуқур фаҳм намойиш қилганлигига далил сифатида Навоий келтирган қуйидаги мисол ғоят қизиқарли. Кунларнинг бирида замонасининг фозили яғонаси ва орифи комили мавлоно Фахриддин Луристоний «Жом вилоятида аларнинг «Жомийнинг – А. А.) оталари уйига тушгандур. Алар тўрт ё беш ёшларида эмди мактабга борур вақтлари эрмиш. Мавлоно аларни ўз қошларида ўлтуртуб, бармоқ ишорати била ҳавоға машҳур отларни: «Умар» ё «Али»дек битир эрмиш ва алар тааммул (чуқур ўйлаш – А. А.) била ўқур эрмишлар ва мавлоно аларнинг туфулиятда (болалик ёши – А. А.) бу навъ зеҳн ва зақосидин мутабассим (табассум қилмоқ – А. А.), балки мустаажжиб (таажжуб қилмоқ – А. А.) бўлур эрмишлар». Навоий ҳали гўдак Жомийдаги катта туғма талантни кўрсатувчи бу каби мисоллар кўплигини айтиб, агар ҳаммасини баён этса, «эртаға машғул бўлунса, сўз узалур», деб таъкидлайди. Навоийнинг ўспирин Жомийнинг маданий-илмий марказ Ҳиротга келиб, таҳсилини қиёмга етказишини «Жом вилоятида аларға фойда еткурур киши оз топилғон жиҳати» билан изоҳлаши ҳам диққатга сазовор.

Жомий жуда ёшлик йилларидаёқ ижодкор сифатида қўлига қалам олган ва «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да ёзилишича, «ҳеч вақт назм ойинидин холи эрмас эрдилар», «назмдин ҳаргиз фориг бўлмайдулар».

Жомий тез орада фақат Ҳиротдагина эмас, балки бутун Хуросонда етук шоир ва фозил

сифатида ҳам, нақшбандия сулукининг йирик намояндаси сифатида ҳам катта обрў-эътибор қозонади. Мамлакатнинг энг нуфузли арбобларидан бирига айланган Жомийнинг ниҳоятда оддий ҳаёт кечиргани, табиатан жуда камтарин ва содда, мулойим ва ширинсўз бўлганлиги ҳақида сўз очиб, «ўлтурур-қўпарда ва айтмоқу эшитмоқ ва емоқу киймоқда ўзлари била сойир (бошқа – А. А.) мулозимлари орасида тафовут йўқ эрди», деб ёзади ва шу боисдан ҳам «аларнинг камолати овозасин эшитиб, йироқ йўллар қатъ қилиб, муборак суҳбатлариға мушарраф бўлурға келганлар аларни асҳоб (ҳамсуҳбатлар – А. А.) аросида... мутлақо танимас эрдилар», деб таъкидлайди.

Жомий билан Навоий ўрталарида ёш жиҳатидан тафовут жуда катта бўлишига (қарийб 27 йил) қарамай, бу икки улуғ зот фақат устоз-шогирд бўлибгина қолмай, ўзаро ғоят меҳрибон, ҳаммаслак ва сирдош, самимий дўст ва беғараз маслаҳатчи бўлишган. Бундай яқинлик Навоийнинг 1476 йилда Жомийни ўзига расман пир деб тан олишидан анча илгари – Абусаид Мирзо ҳукмронлиги вақтидаёқ бошланган эди. «Хамсат ул-мутаҳаййирин»нинг «аввалғи мақолоти» ана шу кўп йиллик қалин муносабатлар жараёнида юз берган қизиқ воқеалар, кулгили тасодифлар, бўлиб ўтган завқли суҳбатлар ва ҳазил мутоябалардан айримларининг тарихи ва шарҳига бағишланган. Бу нақл-хотиралар Жомийнинг етук шахс сифатидаги бой руҳий олами ва юксак маънавий қиёфасини, комил хулқ-атвори ва нозик дид-фаросатини кўрсатиш билан биргаликда унинг ўткир зеҳни ва хуш табиатни, ҳозиржавоблиги ва чин кулгили ҳодисаларни ҳис эта билиш қобилиятини ҳам намойиш қилади. Айтайлик, Навоий келтирган қуйидаги хотира Жомий табиатидаги юморга мойиллик ва ҳозиржавобликдан дарак беради.

1474 йил ёз кунларининг бирида Жомий Мурғоб вилоятига келади. Навоий устозининг ҳурмати юзасидан унга алоҳида оқ-уй – чодир тиклатади. «Иттифоқо, – деб эслайди Навоий, – ул кеча ғариб тунд (шиддатли – А. А.) ел эстиким, оқ уй чодирларин йиқиб, ажаб ошуб (тўс-тўполон – А. А.) эл орасиға солди. Алар (Жомий – А. А.) учун тиккан оқ уйни дағи йиқиб ушотубдур. Алар хизматидаги асҳоб дегандурларким:

– Ҳайф бу уйдинки, яхши уй эрди, ажаб пора-пора бўлди. Муни тиккан фаррошлар, оё, не дегайлар?

Алар дебтурларким:

– Не дегайлар? Айтғайларким, кошки бу шум қадамлик муллолар бизнинг уйга келмасалар эрди!»

Табиийки, икки буюк ижодкор ўртасидаги ёки улар иштирокидаги йиғин-суҳбатларда адабиёт ва санъат, хусусан, шеърят мавзуси марказда турган, ўтмиш ва ҳамаср қалам-кашлар ҳаёти ва улар яратган бадиий асарлар таҳлил ва талқини, адабий-ижодий баҳс-мунозаралар етакчилик қилган. Худди шунга кўра ҳам, «Хамсат ул-мутаҳаййирин»нинг биринчи бобида адабиёт аҳллари билан боғлиқ қизиқарли хотиралар, шунингдек, қатор шеърый ҳажвияларнинг яратилишига туртки бўлган воқеалар баёни анча-мунча. Бу хотиротлар яхлитлигича бутун асар олдига қўйилган бош мақсадга – Абдурахмон Жомийни баркамол Инсон, буюк Ижодкор, чин Дўст ва меҳрибон Устоз сифатида тавсифлашда фаол хизмат қилади, шу ғоянинг шаклланишида муҳим тарихий-ҳаётий ҳужжат, ишончли далил вазифасини бажаради. Айтиш керакки, чиндан ҳам, Навоий Жомийнинг инсоний белги-фазилатларини ва шоирлик иқтидор-маҳоратини ёрқин намойиш эта олувчи характерли мисолларни тиклай олган. Бугина эмас. Навоий уларнинг ҳар бирини ҳаётий бўёқларда

шу қадар жонли ва таъсирчан тасвирлайдики, ҳозирда ҳам китобхон ўша лавҳаларни кўз олдида жуда реал келтиради, худди тугал бадий ҳикоятчаларни ўқиётганидек мириқиб завқланади, мамнун бўлади. Қуйидаги айрим намуналар бу фикрни тўла тасдиқлайди, деб ўйлаймиз.

Хотиротлардан бирида Соғарий таҳаллусли асли қобилиятсиз, аммо калондимоғ шоирнинг маза-матрасиз ёзмишларининг Жомий томонидан аччиқ масҳара остига олингани ҳикоя қилинади. Соғарий ўз шеърларига ўзи мафтун бўлиб, кибру ҳаво ва ясама завқ-шавқ билан бақариб ўқир ва шу боис, шеърятдан беҳабар кишиларга уларни маъқул тушура олар эди. У кўпинча, бошқа шоирлар «менинг шеърларимдаги энг яхши маъноларни ўғирлаб, ўзлаштириб олмоқдалар» деб ҳам даъво қиларди.

Жомий сатирик қитъаси иқтидорсиз шоирнинг худди шу даъвоси билан боғлиқдир:

«Алар (Жомий – А. А.) Мавлоно Соғарий била кўп мутояба қилурлар эрди. Бир кун алар хизматида Мавлоно Соғарий ҳозир эди. Алар анинг шеърин таъриф қилур рангда анинг била мутояба қилур эрдилар. Ва мавлоно ўз шеърин бағоят эҳтимом (берилиб – А. А.) юзидин (карру фар (дабдаба, шовқин-сурон – А. А.) била ўқуғувчи эрди. Андоқки, бир оз нима бевуқуфроқ (беҳабарроқ – А. А.) киши қошида ўқуса эрди, кўп яхшилиққа ўткарур эрди. Фақир (Навоий – А. А.) ўқумоғин ҳам таъриф қилдимким, бевужуди хўб айтмоқ, хўб ҳам ўқур. Алар табассум била айттиларким.

Бизга мундоқ бозий берур.

Алар бу қитъани айтиб эрдиларким:

*Соғарий мегуфт: «Дуздои маоний бурдаанд,
Ҳар кужо дар шеъри ман як маъние хуш дидаанд!»*

*Дидам аксар шеърҳояшро яке маъни надошт,
Рост гуфтаст инки: «Маънихошро дуздидаанд!»*

(Мазмуни: «Соғарий: «Фикр ўғрилари менинг шеърларимнинг ҳар қаерида бирор хуш маънони кўришлари ҳамоноқ ўғирлаб олганлар», дейди. Кўрдимки, унинг шеърларининг кўпчилиги бирор маънога эга эмас. Ҳа, «шеърларимнинг маъносини ўғирлаб олганлар», деб тўғри айтибди»).

Навоийнинг Соғарий бадий асарларининг тутуруқсиз эканлигини кулги остига олувчи Жомий сатирик қитъасига катта аҳамият бериб, махсус шарҳ билан келтириши тасодифий эмас. Устози қитъасидаги кучли танқидий руҳ Навоийнинг Соғарий шеърятини ҳақидаги ўз салбий баҳоси билан («бадшеър эрди») тўла ҳамоҳанг эди. Худди шунинг учун ҳам Навоий Соғарий ижодига нисбатан салбий муносабатда «ул ҳазрат (Жомий А.А.)била фақир орасида таворуд (ўхшашлик – А. А.) воқеъ бўлғони»ни ҳам таъкидлашни лозим топади.

«Хамсат ул-мутаҳаййирин»да Навоий Жомийнинг Хожа Дехдор номи билан боғлиқ уч қитъа ва бир рубойсини ҳам келтириб, устозининг сатирик ва юморист ижодкор сифатидаги юксак бадий маҳоратини намоиш этади.

Хожа Дехдорнинг кимлиги ҳақида эса Навоий «Мавлоно Қутбиддин Нафис мулозими эрди... сўнгра бу фақирға мусоҳиб (ҳамсуҳбат, улфат – А.А) бўлди», деб ёзади. Хондамир ҳам «Хожа Ғиёсиддин Муҳаммад Дехдор Амир (Навоий – А. А.)нинг хизматчилари жумласидан

эди», деб кўрсатади.

Афтидан, бадий адабиёт ва санъатдан анча узоқ турган бу мулозим инсон ва мулозим сифатида очкўзроқ, инсофсизроқ бўлган, эгриқўллик ва баднафслик каби салбий белгилардан ҳам холи бўлмаган. Шунинг учун ҳам у ўз замондош қалам аҳлларининг таъна-эътирозларига нишон бўлиб, қатор сатирик ва юмористик асарларда кулги ва майна остига олинган. Жомийнинг ҳам қитъа-рубойларида бу шахс табиати ва фаолиятидаги худди шу ярамас камчиликлар танқид қилинади. Навоий уларнинг майдонга келишига туртки бўлган воқеа-ҳодисаларнинг то энг кичик деталаригача тиклаб, кенг шарҳлайди, ўз ижобий муносабатини билдиради.

Мана, Хожа Дехдор шахсиятидаги баднафслик ва бефаҳмлики, ёмон хулқ-атворини масхараловчи Жомий рубойси ва унинг ёзилиши тўғрисидаги Навоий шарҳи:

«... Бир кун подшоҳ ҳазратлари бандахонада (Навоий ҳовлисида – А. А.) эрдилар.

– Тортиладурғон аъйима (таомлар – А. А.) дин, – айттилар, – ул ҳазрат (Жомий – А. А.)га доғи нишона бермак муносибдур.

Қарор анга туттиким, Хожа Дехдор элтгай. Элтган нималар орасида ҳамоноким бир эътидолдин ташқари семиз кўй уча (биқин – А. А.)си дағи бор эрмиш. Хожа Дехдор андинким, фарти иштиходур, ул ўча таърифида муболаға андоқ қилмиш бўлғайким, алар (Жомий – А. А.)га андин Хожанинг рағбати, балки ортуғроқ, тамаъи маълум бўлмиш бўлғай.

Демиш бўлғайларким:

– Ўлтур ва машғул бўл!

Хожа андоқ пешакорлар ул таомни емакда кўргузмиш бўлғайким, аларга бу рубойини айтурға боис бўлмиш бўлғай:

*Эй Хожа, маро зи лутфи худ парвардий,
З-овардани пушти дунба фарбеҳ кардий.
Биншастии-ю дунбаро ба рағбат хўрдий,
Бурди ба шикам ончий ба пушт овардий».*

(Мазмуни:

*«Эй Хожа, ўз лутфинг билан мени парвариш қилдинг;
Қўй думбасини келтириб мени «мамнун» этдинг;
Ўлтириб олиб думбани рағбат билан мириқиб единг;
Ниманики орқалаб келган бўлсанг, қорнингга солиб қайта олиб кетдинг»).*

Навоий шарҳлаган бу рубой Жомийнинг юксак сатирик иқтидорига яққол мисол ҳам бўла олади. Жомий ташқи кўринишидан, бошланғич йўналишидан беғараз, самимий ва ҳатто ижобий кўринган тасвирдан тўсатдан баён оқимиға, кутилган хулосаға батамом зид хулоса чиқариб, кучли кулги қўзғотади. Чиндан ҳам: рубойининг биринчи икки мисрасида Хожанинг сахийлиги, очиққўллиги тўғрисида сўз бормоқда – натижада, ўқувчи бу шахс тўғрисида кейинги мисраларда ҳам ижобий фикрлар кутади... Аммо ҳамма гап шундаки, шоир тасвирича, Хожа Дехдор фақат кўринишдангина сахий, очиққўл, аслида эса, баднафс, пасттабиат шахс. Шунинг учун ҳам аввалги мисралардаги «самимий ижобий мазмун» ач-

чиқ кесатиқ, кучли киноянинг худди ўзгинасидир. Бу ҳақиқат кейинги икки мисраъ орқали – Хожанинг орқалаб келтирган таомини ўзи паққос тушириб, Жомий таъбирича, «қорнида олиб кетишининг» таъкидида яққол намоён бўлади. Кейинги мисралар шаклланиб келаётган ижобий баҳони тамомила ўзгартириб юборади, айна замонда, объектнинг, аксинча, эканлигига ўқувчини тўла-тўқис ишонтира олади. Навоий шарҳи билан келтирилган бу рубоий Жомийнинг салбийликка нисбатан кулги қўзғатиш санъатини мукаммал эгаллаганидан дарак беради.

Агарда бу рубоийда Дехдор табиатидаги баднафслик, одобсизлик фош этилган бўлса, «Хамсат ул-мутаҳаййирин»даги бошқа қитъада бу шахс характерининг яна бир салбий қирраси – мақтанчоқлиги, асоссиз ғурурланиши, бировнинг молу мулки эвазига шуҳрат орттиришга интилиши очиб ташланади.

Навоий бу юмористик қитъанинг ҳам яратилишига оид-қизиқарли маълумот беради. Бу маълумот Жомий қитъасида баён қилинган лавҳа фонини тиклайди, тўлдиради, танқидни кучайтиради.

«Яна бир қатла Хожа Дехдордин мутанаввиъ (турли– А. А.) атъималар била алар (Жомий –А. А.) хизматиға йиборилиб эрди. Анда доғи бир кўй-кўзи учаси бор эди. Анга ўхшарки, Хожа ўзига ул ҳадоёни (ҳадяларни А. А.) иснод (нисбат – А. А.) қилиб, мубоҳотгуна (фахрланиш – А. А.) қилмиш бўлғай –алар бу бобда бу қитъани айтиб эрдиларким:

*Хожа овард баҳри суфраи бо
Пушти он як-ду гўсфандки, қушт.
Лекин аз дасти навҳати жудаиш
Нашуд олудаам бад-он ангушт.
Ҳаст аз он бо ҳудаиш тасаввури он
Ки ба Ҳотам ҳамерасад ба ду пушт.*

(Мазмуни: «Хожа бизнинг дастурхонимиз учун сўйилган бир-икки кўйнинг сонини келтирди. Аммо унинг гердайишидан келтирган гўштини бармоғимга ҳам юқтирмадим, татиб кўрмадим. Олиб келган нарсаларидан ўзи тўғрисида шундай тасаввури борки, худди насабда икки пушти билан Ҳотамтойга бориб тақалади»).

«Хамсат ул-мутаҳаййирин»да Навоий Хожа Дехдор шахсиятидаги нуқсонларни масхара этувчи яна икки қитъани ҳам Жомийнинг «ғаробатлиқ (қизик, ажойиб – А. А.) сўзлариға» мисол сифатида келтириб, ўзига хос таҳлил этади.

Аммо бу ўринда биз Жомийнинг бошқа бир юмористик қитъаси ва унинг ёзилиш тарихи ҳақида Навоий келтирган маълумотларга диққатни тортамыз. Қитъада Абдусамад номли котибнинг асарлардан нусха кўчиришда жимжимадор қилиб безаб ёзишга урингани ҳолда, батамом саводсизлик билан мазмунни бузиб, кўп хатоларга йўл қўйиши кулги остига олинади. Аввало, айтиш лозимки, умуман Жомий ижодида ҳам, Навоий меросида ҳам илмсиз котиблар фаолиятини танқид этувчи сатирик ва юмористик шеър-парчалар анча-мунча учрайди. Гап шундаки, мана шу касб аҳллари воситаси орқалигина асарлари халқ орасида тарқалар ва худди шу боисдан ҳам катта манфаатдорлик билан улар фаолиятини кузатиб борар эдилар. Ташқи безакка берилиб, мазмунни бузиб, хом-хатала иш қиладиган, «хар» ўрнига «хар» битадиган котиблар Жомий ва Навоий сатирасининг доимий нишонларидан

бири бўлганлар. Жомийнинг Навоий «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да келтириб, кенг шарҳлаган қуйидаги қитъаси ана шу катта туркумнинг яхши бир намунасидир.

«Бир қатла фақир, – деб ёзади Навоий, – алар(Жомий – А. А.)нинг қадимий девонин Мавлоно АбдуссамадҲақим, замоннинг хушнависларидиндур ва хуш табъ ҳам бор, буюруб эрдим ва улча мақдур такаллуфдур, қилилиб эрди.

Девон тугагандин сўнгра алар хизматиға элтиб, муқобала (қиёслаб чиқиш – А. А.) истидъ-оси (илтимос – А. А.) қилилди.

Алар айттилар:

– Бир-икки кун мунда турсин. Биз миқдоре мулоҳаза қилоли. Котибин хуштабъ киши дерлар. Шоядки, эҳтиёт қилиб эркинким, муқобала қилурға эҳтиёж бўлмағай.

Тонгласи фақир алар хизматиға еттим. Айттиларким:

– Бу китобни ғариб навъ битибдур. Анга ўхшарким, илтизом (мажбурият олмоқ – А. А.) қилмиш бўлғайким, ғалатсиз (хатосиз – А. А.) мисраъ битмағай. Баъзи ерда бирор-иккирор, балки ортуқ абъёт ҳам тарк қилибтур (тушуриб қолдирибди – А. А.)... Гуфту шунид (гап-сўз – А. А.) кўп ўтти, охир фақир дедимким:

– Агар Сизнинг муборак қаламингиз била ислоҳ (тузатиш – А. А.) топса, мужиби мубоҳот (фахрланишга сабаб – А. А.) ва зебу зийнат бўлур.

Оқибат қарор анга туттиким, ўз муборак қаламлари била ислоҳ қилғайлар. Ҳад ва ниҳоятдин ортуқ ғалатлар эрдиким, ҳам ҳақ (учириб – А. А.) ва ҳам ислоҳ қилдилар. То итмомға етти, девоннинг охирида бу қитъани битиб эрдиларким:

*Хушнависе чу орази хўбон
Суҳанамро бахати хўб ораст.
Лек ҳар жо дар ўзи саҳви қалам –
Гоҳ чизи фузуду гоҳе кост.
Кардам ислоҳи он аз хати хеш
Гарчи номад чунончи дил мехост,
Ҳар чи ў карда буд босуҳанам,
Баҳати ў қусур кардам рост».*

Мазмуни: «Хушхат котиб асаримни гўзалларнинг юзидек чиройли хат билан беади: лекин унинг ҳар ер-ҳар ерида қалам хатоси билан гоҳ нимадир ортиб кетган, гоҳ нимадир камайган; гарчи қўнгул тилагандек ҳолда бўлмаса ҳам, мен уни ўз хатим билан тузатиб чиқдим; у менинг асарим устида нимаики қилган (яъни қанчалик бузган) бўлса, мен ҳам унинг хатиға шунчалик зиён етказдим.

Кўриниб турибдики, Навоий мазкур юмористик қитъанинг майдонга келишига туртки бўлган воқеани ёритишга анча кенг тўхтаган. Бунда эҳтимол Жомий кўтарган мавзуга – жоҳил, илмсиз, шошма-шошар котиблар танқидига Навоийнинг ўзи ҳам жиддий масала деб қараганлиги сабаб бўлгандир. Ҳар ҳолда, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Навоийнинг шарҳисиз қитъадаги танқидий руҳ, аччиқ киноя, фош этувчи кулги бу қадар атрофлича очилмаган бўлур эди. Навоий ўз шарҳи билан воқеа иштирокчиси, жонли гувоҳ сифатидагина эмас, балки биринчи навбатда, шу юмористик қитъанинг таҳлил этувчиси, баҳо берувчиси сифатида ҳам гавдаланади. Чиндан ҳам, агар биз Навоий ўз шарҳида келтирган

Жомийнинг «котиб бу китобни ғариб навъ битибди; худди хатосиз бир мисраъ ҳам кўчир-майман, деб сўз берганга ўхшайди; баъзи ерда бир-икки, балки ортиқроқ байт-мисраларни ташлаб кўчирибди» каби жумлаларини назардан четга чиқарсак, қитъанинг ҳам мазмуни, ҳам танқидий руҳи жиҳатидан кўпгина зиён кўриши, шубҳасиз. Аксинча, улар қитъа мисралари билан биргаликда кучли, асосланган ягона танқидга айланадилар.

Жомий қитъасига Навоий шарҳининг қуйидаги иккинчи қисми ҳам диққатга сазовор. Ундан маълум бўладики, Навоий устозининг ўз қўли билан бошдан-оёқ тузатиб чиқилган девони нусхасини энг азиз мулк сифатида қадрлаган: «Султон Яъқуб фақирдин китоб тилаганда, андин нафисроқ китобим йўқ эрдиким, ҳар мисрада ул ҳазрат (Жомий – А. А.)нинг муборақ қалами кириб эди... ани юбордим ва бу битилган кайфиятни шарҳ била битидим. Ўқуб, хушвақтликлар қилиб, қитъани ёд тутуб, мактубда миннатдорлик изҳор қилиб эрдилар».

«Хамсат ул-мутаҳаййирин»да бу каби эсдалик ва шарҳлар оз эмас. Улар Навоийнинг ўз буюк устози хотирасига бағишланган асарининг яна бир катта фазилатини чертиб кўрсатади. Гап Навоий гувоҳлигининг, у ёзган шарҳларининг Жомий ижодий лабораториясининг қатор нуқталарига равшанлик киритиши, жумладан, сатирик ёки юмористик муносабатнинг юзага чиқиш йўллари кезатиш учун имкон бариши ҳақида бормоқда. Бу жиҳатдан ҳам «Хамсат ул-мутаҳаййирин» муҳим илмий-адабий манбага айланади.

Айтиш керакки, асарнинг Жомий билан Навоий ўртасидаги ёзишмалар мазмун-руҳига бағишланган «иккинчи мақолоти» ҳам ҳар иккала улуғ шоирнинг шахсий хислат-фазилатлари ва ижодий фаолиятлари бўйича кўплаб ҳимматли маълумотларни ўзида жамлайди. Чиндан ҳам, бевосита учрашиш имкони бўлмаган кезларда ўзаро йўлланган бу мактублар мазмунан ҳам, шаклан ҳам оддий-одатий салом-алик ва ҳол-аҳвол сўраш доираси билангина чекланиб қолмаган. Самимий ҳурмат-иззат, инсоний меҳр-муҳаббат, чин дўстлик-салоҳат балқиб турган бу мактубларнинг буюк ижодкор қалами билан битилганлиги биринчи жумлаларданоқ намоён бўлади. Навоий келтирган ҳар бир намунада кўплаб шеърий парчаларнинг, тугал рубоий ва қитъаларнинг мавжудлиги асло тасодифий эмас. Шу тариқа «Хамсат ул-мутаҳаййирин»нинг бу бобини ташкил этувчи мактуб-лавҳалар заминидан ҳам шеърият мавзуси, бадиий адабиёт ҳақидаги баҳс-мушоҳада катта ўрин эгаллайди Айниқса, Жомийнинг «Лужжат ул-асрор» ва Навоийнинг «Тухфат ул-афкор» қасидаларининг яратилиши тарихига оид лавҳалар китобхонлар учун жуда қизиқарли, тадқиқотчилар учун эса муҳим хулосаларга асос бўлади.

Навоийнинг гувоҳлик беришича, форс-тожик ва ўзбек шеъриятлари хазинасига жиддий улуш бўлиб қўшилган бу қасидаларнинг яратилиш тарихи Жомий ҳузурида булиб ўтган бир адабий мажлисдаги суҳбатдан бошланган.

«Бир кун ул ҳазрат хизматлаърида эрдим, – деб эслайди Навоий, ва ҳар навъ назмдин сўз ўтар эрди. Сўз асносида Мир Хисрав (Дехлавий)нинг «Дарёи аброр» отлиғ қасидаси мазкур бўлди. Бу фақир (Навоий – А.А.) гўё анинг таърифида муболаға қилдим ва муҳиқ (Ҳақ – А. А.) эрдим. Невчунким, Мир Хисравдек кишидин мундоқ машҳурдурким, демиш бўлғайким: «Агар афлок ҳаводиси ва рўзгор навоибидин (фалак ҳодисалари ва турмуш мусибатларидан – А. А.) менинг барча назмим замона саҳифасидин маҳв бўлса ва бу қасидам қолса, манга басдур. Невчунким, ҳар киши ани ўқуса билурким, назм мулкида менинг тасарруф (куч-қудрат – А. А.) ва иқтидорим не мартабада эркандур!» ... Ул ҳазрат ҳеч нима демадилар, то мажлис тарқади».

Аммо кейинроқ маълум бўлишича, Жомий бир қатъий қарорга келган эди. Ўша суҳбатдан бир неча кун ўтгач, Навоий Марвга кетиш олдидан устози билан хайрлашгани келади. Шунда «қўюнларидин бир жузв (ўрам қоғоз – А. А.) чиқориб фақирга иноят қилдилар, – деб ёзади Навоий. – Олиб очтим эрса «Дарёи аброр» жавоби «Лужжат ул-асрор» эрдик, ҳамул кунларда айтиб эрдилар. Ҳар киши ўқуса билурки, «Дарёи аброр»дин якдастроқ ва рангинроқ... От устида қасидани ўқуб хушҳоллиқ била борурда хаёлга «Тухфат ул-афкор» қасидасининг матлаъи келди. Манзилга тушгандин сўнгра битиб, бир бекдин ул ҳазрат хизматлаърига юборилдиким, агар тугатурга лойиқ бўлса ва ишорат бўлса машғуллуқ қилайин, йўқ эрса хайр. Ул ҳазрат руқъа (хат)ларида таърифлар қилиб, муболағалар айтиб эрдиларким, албатта тугатсун, деб. Фақир Марвга боргунча ани ул ҳазрат отига тугаттим ва Марвдин ул ҳазрат хизматлаърига битиб йиборилди...»

Жомий билан Навоий ўртасидаги яқин ижодий ҳамкорликни тасдиқловчи кўп сонли тарихий далиллардан бири бўлмиш бу воқеа, айни замонда, ҳар иккала ижодкорнинг улкан туғма иқтидорини ҳам, қалам тебратишдаги катта суръатни ҳам равшан намойиш қилади. Агар Жомий Деҳлавий қасидаси юзасидан суҳбатдан кейин икки-уч кун ичида «Лужжат ул-асрор»ни тугатган бўлса, Навоий ҳам сафар давомида шу муддат ўтар-ўтмас чуқур ижтимоий мазмун билан суғорилган бадий гўзал асарини яратади.

«Хамсат ул-мутаҳаййирин»да Навоий устози шахсияти, покиза ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида имкони борича мукаммал маълумотларни тўплашга, китобхонда у ҳақда тўлароқ тасаввур шакллантиришга интилади. Бу жиҳатдан асарнинг «учунчи мақолоти» алоҳида аҳамият касб этади. Унда Навоий Жомийнинг деярлик барча муҳим асарларини бирма-бир санаб ўтади. Худди шу ишончли манбадан Жомийнинг бир қатор асарларининг майдонга келишида Навоийнинг ҳам жиддий улуши борлиги, аниқроғи, унинг илтимос ва таклифи билан устози қалам сурганлиги маълум бўлади «Ва бу фақир алар таснифиға (ёзилишига – А. А.) сабаб ва таълифиға (тузилишига, яратилишига – А. А.) боис бўлубмен» деб кўрсатган асарлар жумласига, аввало, «Нафоҳот ул-унс»ни кўрсатади ва уни «андоқ китобни ҳаргиз ҳеч киши не битибдур, не битмакка имкони ҳам бор», дея юқори баҳолайди. Шунини ҳам айтиб ўтайликки, Жомий бу асарни ёзиш жараёнида битган «қисмларни ўқиб фикр билдириш учун пешма-пеш Навоийга бериб турган.

Умуман эса, эндигина тугатилган асар (ёки ҳатто боб, қисмлар)ни маслаҳат ва фикрлашиш ниятида ҳаммадан олдин бир-бирларига ўқиш учун бериш улар ўртасида узил-кесил қатъийлашган яхши одат бўлган. Навоий шу асарининг бошқа бир ўрнида Жомий «Арбаин»ни тугатиши ҳаманоҳ «маъхуд (машхур – А. А.) одат била асҳобдин бурунроқ фақирга илтифот қилиб, мусаввадасин (биринчи нусхасин – А. А.) бердилар. Чун мутолаасига машғул бўлдум» деб яна бир бор шу яқин ижодий ҳамкорликка очиқ ишора этади. Кўринадики, «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги:

*Номағаким, роқим этиб хомасин,
Кўрмади мен кўрмайин эл номасин –*

яъни «у бирор асар ёзса, мен кўрмасимдан, ўқиб чиқмасимдан олдин элга кўрсатмас эди» деган таъкидда Навоий ортиқча муболаға ёки мақтанишга йўл қўйган эмас.

Жомий билан Навоий ўртасидаги ижодий ҳамкорликнинг доираси ниҳоятда кенг ва шакллари ранг-баранг бўлган.

Маълумки, Абдурахмон Жомий ўз лирик меросини уч девонга жамлаган. Улар «Фотиҳат уш-шабоб» («Ёшликнинг бошланиши»), «Воситат ул-икд» («Ўрталиқдаги дур») ва «Хотимат ул-ҳаёт» («Умр хотимаси») деб номланган.

Ҳар бир девонга бундай махсус номлар қўйилишида эса бевосита Навоийнинг ҳал этувчи хизмати бор. Гап шундаки, «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин»да ёзилишича, кунларнинг бирида Жомий «ўз муборак хатлари билан битилган учунчи девони»ни Навоийга «иноят қилади». Шунда Навоий фақат Мир Хисрав Деҳлавийгина бир неча девон тартиб берганини, аммо у девонларининг «Ҳар қайсиға бир муносиб от қўйган»лигини айтиб, «Сиз дағи бу девонларға муносиб отлар қўйсангиз», деб таклиф қилади. «Алар қабул қилдилар, – давом этади Навоий. – Икки кундин сўнгра яна алар хизматиға еттим, жузв қуюнларидин чиқориб фақирға бердилар; девонлар учун феҳрист (дебоча –А.А) битиб эрдилар ва ҳар бирин мавсум бир исмға қилиб эрдилар ва бу ишққа боис бўлғонимни дағи зоҳир қилиб эрдилар».

Шу ҳам эътиборга сазоворки, Навоий таклифини ўринли деб қабул этган Жомий унинг ўзига ҳам худди шундай қилишликни маслаҳат беради.

«...Бу фақирға ҳам амр қилдиларким:

– Сенинг доғи назминг туркча алфозда чун мутааддид (бир неча девон – А. А.) бўлубтур, сен доғи ҳар бирисини бир исм била мумтоз қил ва ҳар қайсини бир лақаб била жилвасоз этгил!

Алар амрининг итоати чун вожиб эрди – фақир доғи аввалғи девонғаким, туфуллиятда рангин назминг ғаробати бор, «Ғаройиб ус-сиғар» от қўйдум; ва иккинчи девонким, шабоб айёмидаким, маоний нодиралари назм силкига кирибтур, «Наводир уш-шабоб» лақаб бердим; учунчи девонким, умр авоситида (ўрталарида – А. А.) воқеъ бўлғон бадеъ никотдур (маъноси чуқур чиройли сўзлар – А. А.), «Бадоеъ ул-васат»қа мавсум бўлди; ва тўртунчи девонким, шэйхухат синнидағи (қарилик йилларидаги – А. А.) фойдалардур, «Фавойид ул-кибар»ға иттисом (исмланиш – А. А.) топти».

Жомий ва Навоий девонларининг эндиликда машҳур бўлиб кетган бу номларининг қўйилиш тарихи «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин»да шундай баён этилган.

Ва ниҳоят, Жомий ва Навоийнинг ижодий фаолиятида чиндан ҳам бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд бўлганлигини, бир-бирининг катта-кичик асарларига чексиз ҳурмат ва эътибор билан ёндошганлигини яққол кўрсатувчи яна бир мисолни келтиришни лозим топамиз. Гап Навоийнинг ўзбекча ғазалига Жомийнинг ўз она тилида татаббуъ яратиши ва бу татаббуга яна Навоийнинг мусаддас боғлаши ҳақида бормоқда.

«Бир қатла бу фақирнинг туркча матлаъиким:

*Очмағай эрдинг жамоли олам аро кошки,
Солмағай эрдинг бори оламға ғавғо кошки,*

эл орасида шуҳрат тутуб эрди ва подшоҳ ҳазратларининг суҳбатларида. доғи кўп ўқилур эрди. Шуюъ (овоза — д. А) ва шуҳрати ул ерға еттиким, ҳазрати маҳдумға (Жомийга – А. А.) доғи масмуъ (эшитилган – А. А.) бўлуб, аларға ҳам дағдаға улким, бу баҳр ва қофия ва радифда шеър дегайлар»...

Жомий назираси ҳам кўпчиликка, жумладан, Султон Ҳусайнга маъқул тушади ва унинг тавсиясига кўра, Навоий ғазални ҳар байтига тўрт мисрадан қўшиб, мусаддас ҳолига келтиради.

Маълумки, Навоий деярли ҳар бир йирик асарида, жумладан, «Хамса»нинг барча дostonларида Жомий мадҳига махсус боб-парчалар бағишлайди, ўз устозининг гўзал хислат-фазилатларини, ижодий меросини кўкларга кўтаради. Худди шундай мақтов-мадҳларни Жомий ҳам Навоий шаънига кўплаб битган. «Хамсат ул-мутаҳаййирин»нинг шу «учунчи мақолоти»да Навоий ана шулардан ҳам қатор намуналарни келтирадики, бу ҳол асарни янада бойитиб, унга мукамаллик, яхлитлик бахш этади.

Шу маънода унинг «Хотима» бобини ташкил этувчи маълумотлар ҳам жиддий қизиқиш уйғотади. Унда Навоий Жомий раҳбарлигида ёки бевосита тавсия-таклифига кўра мутолаа қилган илмий-адабий асарларининг рўйхатини келтиради, айримларини эса, шарҳлаб ўтади.

Биз мақола аввалида келтирганимиз Жомийнинг вафоти билан боғлиқ тафсилотлар баёни, шунингдек, устози хотирасига бағишланган таърих ва марсияси ҳам «Хамсат ул-мутаҳаййирин»нинг шу яқунловчи бобидан ўрин олган.

Қисқаси, Навоийнинг бу асари буюк ижодкор ва мутафаккир Абдурахмон Жомийнинг таржимаи ҳоли, покиза қалби, хислат-фазилатлари, юксак хулқ-атвори, ибратли қилмиш-айтмишлари, бой руҳий олами, чуқур билими ва зеҳн-заковати ҳақида ишончли маълумотларни ўзида мужассамлаштирган, унинг сермахсул илмий-ижодий фаолияти, ўша давр ижтимоий онги тараққиётига қўшган катта улуши тўғрисида муҳим илмий манба даражасига кўтарилган. Худди шу хусусиятлари билан «Хамсат ул-мутаҳаййирин» жомийшуносликка мустаҳкам пойдевор бўлди.

ЎН БИРИНЧИ ТАХМИС

Минг-минглаб ғазал, неча юзлаб рубоий ва қитъалар яратган Навоий лирик меросида мухаммас сон жиҳатидан жуда кичик салмоқни ташкил этади. Аммо шунга қарамасдан мухаммаснинг ўзбек шеъриятида узил-кесил ва мустаҳкам мавқеъ эгаллашида, ғазал ортидан иккинчи ўринга кўтарилишида Навоий ижодий тажрибасининг роли бениҳоя катта. Шоирнинг лирик мероси юзасидан қатор муҳим тадқиқотларни олиб борган профессор Ҳамид Сулаймон шоирнинг она тилидаги шеъриятида ҳаммаси бўлиб ўн дона мухаммас мавжуд, деб бир неча ўринда таъкидлайди.¹ «Ҳазойин ул-маоний»нинг шу олимнинг ўзи томонидан тайёрланган, «танқидий матн асосида» амалга оширилган нашрларида эса шу ўн мухаммаснинг тўққизтаси («Ғаройиб ус-сиғар» ва «Наводир уш-шабоб» девонларида учтадан, «Бадоеъ ул-васат» девонида икки ва «Фавойид ул-кибар» девонида бир) эълон қилинган «Фавойид ул-кибар» девони таркибида бўлган «Йигит» радибли тўққиз банддан ташкил топган мухаммас нашрлардан туширилиб қолдирилган.

Айтиш керакки, бу мухаммасларнинг учтаси мавлоно Лутфий ғазалларига, қолганлари эса Навоийнинг ўз ғазалларига боғланган тахмислардир.

Навоийшуносликда қайд этилган шу ўн мухаммаснинг яратилиш тарихини аниқ белгилаш қийин. Аммо тахмин этиш мумкинки, унинг биринчи намуналари шоирнинг ёшлик йилларидаёқ Лутфий ғазаллари асосида юзага келган. Навоий шеърияти мухлисларининг ўзлари томонидан 1465–66 йилларда тартиб берилган девонда фақат бир мухаммасгина

¹ Қаранг: Ҳ. Сулаймон. «Ҳазойин ул-маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари. («Ғаройиб ус-сиғар» нашрига сўзбоши. Т., ЎзФА нашриёти, 1959 й. 14-бет).

учраши ва у ҳам бўлса, Лутфий ғазалига тахмис эканлиги, Навоийнинг ўзи тузган биринчи расмий девони “Бадоеъ ул-бидоя»даги беш мухаммасдан учтаси Лутфий ғазаллари асосида яратилганлиги шундай тахмин фойдасига илмий далиллар бўла олади.

Қисқаси, навоийшуносликда кейинги вақтларга қадар улуғ шоир адабий меросида фақат ўн мухаммас мавжуд ва улар фақат Лутфийнинг (уч) ҳамда шоирнинг (етти) ўз ғазалларига тахмис боғлаш йўли билан яратилган, деган хулоса қатъийлашиб қолган эди.

Биз ана шу хулосага таҳрир киритиб, улуғ шоирнинг она тилида яратган мухаммасларнинг умумий сони ўнта билан чекланмаганлигини, эндиликда етти банд (35 мисраъ)дан иборат ўн биринчи мухаммас ҳам аниқланганлигини қатъий ишонч билан қайд эта оламиз. Маълум бўладики, Навоий Лутфий ғазаллари қаторида Ҳусайний тахаллуси остида қалам тебратган Султон Ҳусайн Бойқаро ғазалларидан бирига ҳам тахмис боғлаган экан. Аммо котиблар томонидан йўл қўйилган оддий чалкашлик оқибатида бу мухаммаснинг муаллифи хусусида илмда батамом хато фикрлар баён қилиниб келинган. Масаланинг тарихи қуйидагича.

Султон Ҳусайн Бойқаро – Ҳусайний лирик меросининг амалга оширилган нашрларида¹ ҳаммаси бўлиб уч мухаммас келтирилади ва уларнинг барчаси Алишер Навоий ғазалларига боғланган тахмислар эканлиги таъкидланади. Масалан, биздаги энг мукаммал нашрда улар «Ҳусайнийнинг Навоий ғазалларига мухаммаслари» сарлавҳаси остида берилган.² Чиндан ҳам шу нашрдаги биринчи мухаммас улуғ шоирнинг «Ҳазойин ул-маоний» таркибига кирган «Наводир уш-шабоб» девонидан ўрин олган:

*Гулшани кўйингдин айру боғи ризвонни нетай?!
Бошима гар гул сочар, сенсиз гулафшонни нетай?!*

*байти билан бошланадиган ишқий ғазалига боғланган.
Иккинчи мухаммас эса «Ғаройиб ус-сиғар» девонидаги:*

*Ул жигар парголаси ашким жигархун қилдило,
Шод этай деб нотавон кўнглумни маҳзун қилдило -*

матлаъъли ғазал асосида яратилган. Ҳусайний девони таркибида нашр этилган учинчи мухаммас тўғрисида батафсилроқ тўхташ зарурати бор.

Гап шундаки, тахмис учун асос бўлган ва Навоий қаламига нисбат берилган:

*Ғунчаи хандон бориб, кўнглумда қолди хорхор,
Тинмағур жонимға онсиз дуняда бори не бор?!»³*

мисралари билан бошланувчи етти байтдан ташкил топган ғазал «Ҳазойин ул-маоний»ни ташкил этувчи девонларнинг бирортасида ҳам, шунингдек, Навоий меросига тегишли бошқа манбалар жумласида ҳам учрамайди.

¹ Қаранг: «Навоий замондошлари», Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зариф. Тошкент, 1948. «Ўзбек адабиёти», Т. 1. Тошкент, 1959. Ҳусайн Бойқаро, «Девон. Рисола», Нашрга тайёрловчи С. Ғаниева ва Ш.Абдуллаева. Тошкент, 1968 й.

² Ҳ у с а й н Бойқаро, «Девон. Рисола», 149-154-бетлар.

³ Алишер Навоий. «Асарлар» Ўн иккинчи том, Тошкент, 1966, 184-бет.

Ҳам ҳукмрон, ҳам яқин дўст ва айни замонда, нозик дидли яхши ижодкор бўлган Ҳусайн Бойқаро таъбига маъқул тушган ва худди шунинг учун ҳам тахмис «боғлаган» ғазалнинг, агар у чиндан ҳам Навоий қаламига мансуб бўлса, она тилидаги шеърларининг мукаммал тўпламига кирмай қолиши шубҳалигина эмас, балки ғайритабиий ҳамдир. Хўш, гап нимада?

Бу саволнинг жавобини биз Навоийнинг шеърият ва унинг йирик ижодкорлари ҳақидаги «Мажолис ун-нафоис» тазкирасидан топамиз. Маълумки, тазкиранинг катта бир фасли («саккизинчи мажлис») бутунича Ҳусайн Бойқаро – Ҳусайний ижодига, хусусан, унинг девонини ташкил этган ғазаллари таҳлилига бағишланган. Навоий Ҳусайнийнинг деярли ҳар бир ғазалининг бошланғич икки мисрасини келтириб, мазмуни, ғоявий йўналиши ва бадий хусусиятларини белгилайди, муаллиф қўллаган нозик санъатлар ва сўз ўйинларини қайд этади, вазн, қофия ва радифлар танлашдаги кашфиёт ва маҳоратини бўрттириб кўрсатади, шоирона иқтидорини юқори баҳолайди.

Тазкиранинг шу фаслида, жумладан, қуйидагиларни ўқиймиз:

«Бир ғунчаи хандондин айру кўнглида қолғон хорхорин (ушалмаган орзу, ғам, қайғу – А. А.) кўргузубтур ва тинмағур жонға онсиз дунядин рихлат (жўнаш, ўлиш – А. А.) мақомин тузубтур;

*Ғунчаи хандон бориб кўнглумда қолди хорхор,
Тинмағур жонимда онсиз дуняда бори не бор?!»*

Ҳусайний девонидан мисол сифатида Навоий келтирган бу байт юқорида сўз борган учинчи мухаммас учун асос бўлган ғазал бошланмасининг худди ўзгинаси. Демак, Ҳусайний лирик мероси ноширлари томонидан Навоий қаламига хато равишда нисбат берилган бу ғазал, аслида, Ҳусайн Бойқаро қаламига мансуб ва, шу боисдан ҳам, табиийки, Навоий шеърияти мажмуаларининг бирортасига киритилмаган.

Ва аксинча, Ҳусайнийнинг ўша вақтлардаёқ тартиб берилган ҳамда Навоий биринчилардан бўлиб кенг таҳлил этган девони таркибида ҳам, шу манба асосида амалга оширилган энг кейинги нашрларда ҳам етти байтдан ташкил топган бу ғазал мавжуд. Биз уни ҳатто «Ҳусайнийнинг Навоий ғазалларига мухаммаслари» киритилган нашрнинг ўзида ҳам учратамиз¹ (Бу факт ноширларнинг эътиборсизлиги туфайли бир китобнинг ўзида бир ғазалнинг ҳам Ҳусайнийга, ҳам Навоийга нисбат бериб босилганини кўрсатади).

Бу масалада яна бир эътиборли манбага мурожаат этайлик. Таниқли афғон олими Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний бир неча мўътабар қўлёзмаларни қиёсий ўрганиш натижасида Ҳусайн Бойқаро адабий меросининг энг мукаммал наشريни амалга оширишга муваффақ бўлган. Бизни қизиқтираётган ғазал 1968 йилда Кобул шаҳрида босилган, бу китобда ҳам ўз қонуний ўрнини эгаллаган. Мана унинг таҳаллусли якунловчи байти:

¹ Қаранг: Ҳусайн Бойқаро «Девон. Рисола», 50-бет. Ғазал матнида қатор нуқсонларга йўл қўйилган ҳамда қуйидаги олтинчи:

Эй кўнгул, тутғил ғанимат шоҳ Музаффар васлини

Ким ўтубдур дуняда мундоқ балолар бешумор

байти нима сабабдандир туширилиб қолдирилган. Ваҳоланки, шу китобнинг 153-154-бетларидаги мухаммас таркибида бу байт тўла сақланган.

*Эй, Ҳусайний, ёрсиз сен найлагунг олам аро,
Қўп, адам сарманзили азмин қилиб кейнича бор!¹*

Демак, ғазал Навоийнинг тазкирадаги гувоҳлигига кўра ҳам, бошқа қўлёзма манбаларнинг кўрсатилиши бўйича ҳам Ҳусайн Бойқаро – Ҳусайний томонидан ёзилган. Ҳўш, шундай экан, бу ғазалга боғланган тахмис кимнинг қаламига мансуб?

Биринчи равшан хулоса шуки, «Навоий замондошлари» (1967–1968-бетлар), «Ўзбек адабиёти» (I т., 546–547-бетлар) ва «Девон. Рисола» (153–154-бетлар) нашрларида босилган:

*Улки жоним гулшанида бор эди хуррам баҳор,
Айлар эрди ғунчаи хандонидин гавҳар нисор,
Хори ҳажридин топиб эрди омон жони фиғор,
Ғунчаи хандон бориб, қўнғлумда қолди хорхор,
Тинмағур жонимға онсиз дуняда бори не бор?!»*

банди билан бошланувчи мухаммасга «Ҳусайнийнинг Навоий ғазалига мухаммаси» сифатида қараш батамом хатодир. Худди шу сабабга кўра, иккинчидан, бу мухаммаснинг Ҳусайнийнинг ўз асарлари қаторида унинг девонида нашр этилиши ҳам нотўғридир. Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний тайёрлаган Кобул нашрига унинг киритилмаганлиги асло бежиз эмас.²

Қатъий ишончимизча, Ҳусайний девонининг биздаги барча нашрларига Навоий ғазалига боғлаган тахмиси сифатида хато равишда киритилган мухаммас аслида Навоий қаламига мансуб бўлиб, унинг ўн биринчи мухаммасидир. Дарҳақиқат, Навоий ўз тазкирасида маъқуллаш руҳида таҳлил этган Ҳусайний ғазалига кейинчалик тахмис боғлаган. Аммо, афсуски, тахмиснинг сўнгги бандидаги тахаллусли мисралар ёзилиш тартибининг (котиблар айби билан) алмашилиб қолиши натижасида Ҳусайний ғазалига Навоий тахмиси, аксинча, Навоий ғазалига Ҳусайний тахмиси сифатида талқин этилишига сабабчи бўлган. Бу оддий чалкашлик илк бор профессор Фитрат қўлёзмаси асосида 1926 йилда Бокуда нашр этилган девонида тахмисни Ҳусайнийга нисбат берилишига сабаб бўлган.³ Кейинчалик турк олими профессор Исмоил Ҳикмат тайёрлаган «Девони Султон Ҳусайн Бойқаро» (Истанбул, 1946 й.)да ҳам бу хато такрорланган.

Айтиши керакки, Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний юқорида зикр этилган Кобул нашрининг муқаддимасида, гарчи ғазал ва унга боғланган тахмисни аниқ жўрсатмаса-да, Боку ва Истанбул нашрларида йўл қўйилган чалкашликни қайд этиб ўтади. У Боку нашри тўғрисида, жумладан, шундай ёзади: «Дар ин нусха як мухаммасе Навоийки, тахмиси ғазали Султон Ҳусайн Мирзост, иштибоҳан дар жумлаи мухаммасҳои Султон чоп шуда аст».⁴ (Таржимаси: «Бу нусхада Навоийнинг Султон Ҳусайн Мирзо ғазалига тахмиси бўлмиш бир мухаммаси хато равишда Султон мухаммаслари жумласида чоп этилган»). Кейинги саҳи-

¹ «Девони Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро боназмоми рисолаи ў», Ба муқобала ва тасҳеҳи Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний. Хут, 1346, Қобул, саҳ. 37.

² Маълумки, тахмис қадимдан амалда бўлган анъанага кўра, тахмис боғлаган ижодкорнинг «ўз мулки» ҳисобланади ҳамда фақат унинггина девонларига киритилади.

³ Қаранг: «Ҳусайн Бойқаро девони», Озарнашр, Боку, 1920, 93-бет.

⁴ «Девоний, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро», эллик олтинчи саҳифа.

фада афгон олими Истанбул нашрида ҳам худди шу чалкашлик такрорланганини кўрсатиб ўтади.

Ҳусайн Бойқаро лирик меросининг Ўзбекистонда 1948, 1959 ва 1968 йилларда амалга оширилган учала наشري, гарчи бирор ўринда қайд этилмаган бўлса-да, ўша Боку нашрига асосланган ва, демак, ундаги камчилик ва нуқсонлар айнан қайтарилган. Сўз юритилаётган тахмиснинг якунловчи банди уларнинг ҳаммасида қуйидагича хато кўчирилган:

*Ваҳки, даврон зулмидин қолдим ажаб мотам аро,
Тушмаган бу навъ бир мотам бани одам аро,
Эй Ҳусайний, ёрсиз сен найлагунг олам аро,
Ҳажридин нолиб Навоийдек туман минг ғам аро,
Кўн, адам сарманзили азмин қилиб кейнича бор!¹*

Бандда алмашилиб терилган тахаллусли учинчи ва тўртинчи мисралар ўз ўрнига қўйилса, биринчидан, мантиқий ва услубий изчиллик тикланади: «Эй Ҳусайний, ёрсиз бу оламда нима ҳам қилдинг, ўрнингдан тур, йўқлик бош манзили томон сен ҳам ёрнинг ортидан йўлга туш!» дейилади сўнгги икки мисрада.

Иккинчидан, ва энг муҳими, узоқ йиллар давомида йўл қўйиб келинган жиддий чалкашликка узил-кесил барҳам берилади: Ҳусайний ғазали муаллифнинг ўзига ва айни замонда, бу ғазалга Навоий боғлаган тахмиси улуғ шоир лирик мероси хазинасига қайтарилиб, ҳақ қарор топади.

Ўрни келганда, шуни ҳам айтиб ўтайликки, Алишер Навоий тахмисини Ҳусайнийга нисбат бериб, унинг асарлари жумласида нашр этилиши иккинчи бир жиддий чалкашликка олиб келган. Гап мухаммас таркибидан ғазал байтларини ажратиб олиб, Навоийнинг номаълум ғазали сифатида эълон қилиниши ҳақида бормоқда.²

«Биз ўқувчилар назарига ҳавола қилмоқчи бўлган бир ғазал «Ҳазойин ул-маоний»да учрамаса-да, унинг Алишер қаламига мансуб эканлиги шубҳасиз дейилади унга ёзилган кириш сўзда. «Зероки, бу ғазал тексти Навоийнинг дўсти, ажойиб шоир Султон Ҳусайн Бойқаро девони орқали бизга етиб келган».³

Шу тариқа Навоийнинг ўзи «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида Ҳусайнийнинг бошқа асарлари сирасида зикр этган, матлаъ байтини келтириб изоҳлаган ғазал 1968 йилнинг ўзида матбуотимизда ҳам Навоийнинг (Ҳусайний девони нашридаги мухаммас таркибида ва журнал саҳифасида), ҳам Ҳусайн Бойқаронинг (девони нашридаги ғазаллар жумласида) асари сифатида ўқувчиларга ҳавола қилинган.

Биз Навоийнинг янги аниқланган ўн биринчи тахмиси таҳлиliga бу ўринда киришмаймиз. Бу алоҳида масала. Аммо тахмисда, умуман, улуғ шоир лирикаси учун хос бўлган юксак бадийлик ва образлар ёрқинлигини, гўзал ташбиҳлар ва мусиқийликни, ҳаётий лавҳалар ва равонликни қайд этишни лозим кўрамиз.

Навоийнинг Ҳусайний ғазалига боғлаган тахмиси қандай сабабларга кўра, «Ҳазойин ул-маоний» девонларининг бирортасига ҳам кирмай қолган, деган ҳақли савол туғилади.

¹ Ҳусайн Бойқаро «Девон. Рисола», 154-бет.

² Ё.Исҳоқов. «Алишер Навоийнинг номаълум ғазали». «Ўзбек тили ва адабиёти» журналы, 1968 й. 4, 6-бет.

³ Қаранг: Уша жойда.

Буни, бизнингча, фақат бир сабаб билан – тахмиснинг «Хазойин ул-маоний» девонларини тузиш ишлари узил-кесил тугатилганидан яъни, 1498 йилдан кейин ёзилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Маълумки, «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида Навоий ўз ғазалларига Ҳусайнийнинг ёзган назиралари ва аксинча, ўзининг султон ғазалларига татаббулари ҳақида қатор маълумотларни келтиради. Аммо тазкирада тахмис хусусида ҳеч нарса дейилмаганки, бу ҳам унинг тазкирадан кейин яратилганлигига ишора этади. Шу муносабат билан айтиб ўтайликки, Навоий бу тахмисдан олдин ҳам Ҳусайний шеъриятига мурожаат этган. Масалан, унинг:

*Эй ажал, осуда қил ҳижрон балосидин мени,
Бир йўли қутқар улуснинг можаросидин мени –*

матлаъси билан бошланувчи етти байтли ғазалига мусаддас боғлаган. Афтидан, бу мусаддас ҳам «Мажолис ун-нафоис» тазкирасидан кейин, аммо «Хазойин ул-маоний» девонларини тузишдан олдин яратилган. Шу боисдан ҳам тазкирада шу ғазал ҳақида махсус сўз юритганида, шоир ўз мусаддаси тўғрисида оғиз очмайди, аммо уни кейинроқ тартиб берилган «Бадоеъ ул-васат» девонига киритади.

Қуйида Навоийнинг Ҳусайний ғазалига боғлаган тахмисини тўла келтирамиз. Бу тахмис, худди мавлоно Лутфий ғазалларига боғланган тахмислар ва шунингдек, Ҳусайнийнинг бошқа ғазалига боғлаган мусаддас каби улуғ шоирнинг она тилидаги лирик мероси жамланган «Хазойин ул-маоний» нашрларида ўзининг қонуний ўрнини эгаллаши лозим.

Аммо, маълумки, «Хазойин ул-маоний» девонларининг мундарижаси ва ички қурилиши устида Алишер Навоий узоқ йиллар тўла маънода илмий-иждоий иш олиб борган. Натижада, ҳар бир девон тузилиш жиҳатидан ҳам ниҳоятда мукамал, пухта бир шаклга келтирилганки, унга дахл этиш, бирор нарса қўшиш ёки олиш асло мумкин эмас. Худди шунинг учун ҳам устоз, профессор Ҳамид Сулаймон турли сабабларга кўра, Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» таркибига кирмай қолган шеърларини жамлаб, «Фавойид ул-кибар» девонига илова тарзида эълон қилиб жуда тўғри йўл тутган. Навоийнинг биз аниқлаган ўн биринчи тахмиси ҳам худди шу иловалар бўлимига тегишли изоҳлар билан киритилиши керак.

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ҲУСАЙНИЙ ҒАЗАЛИГА ТАХМИСИ

*Улки, жоним гулшанида бор эди хуррам баҳор,
Айлар эрди ғунчаи хандонидин гавҳар нисор,
Хори ҳажридин топиб эрди омон жони фигор,
Ғунчаи хандон бориб, кўнглумда қолди хор-хор,
Тинмағур жонимға онсиз дуняда бори не бор?!*

*Даҳр бўстонини сенсиз кўзга илмас бу кўнгул,
Боғ сайри дардининг ороми билмас бу кўнгул,*

Сарв бирла лола сори майл қилмас бу кўнгул,
Сарв қадду лоларуҳлардин очилмас бу кўнгул,
Ваҳ, нетайки, даҳр боғи ичра йўқ ул гулғузур.

Ул жигар парголаси, ваҳким, тилаб мендин фароғ,
Нотавон кўнглумга қўйди фурқати доғ узра доғ,
Лаҳза-лаҳза шавқи базмида чекар эрдим аёғ,
Васли жомидин очилур эрди кўнглум боғ-боғ,
Вой, юз минг войким, ул май бориб, қолмиш хумор.

Эйки, юз паркандлиғ бағримға бир парканд эдинг,
Балки ҳижрон чоки қилғон заҳмима пайванд эдинг,
Кўнглума дерманки, чун васлиға ҳожатманд эдинг,
Қайдаким, кўрсанг ани қулмак билан хурсанд эдинг,
Аксин айла, эй кўнгул, ҳар ерда йиғла зор-зор.

Гул киби рухсорингга ҳар дам ҳаво айлай дедим,
Шавқида ошуфта булбулдек наво айлай дедим,
Ҳажру ғам заҳмиға васлингдин даво айлай дедим,
Васл аро ҳар дам сенга жоним фидо айлай дедим
Невчун, эй оромижоним, айладинг мендин канор?

Мен ғанимат тутмуш эрдим ул суманбар васлини,
Айлади мендин жудо чархи ситамгар васлини,
Саъй ила мумкин эмас қилмоқ муяссар васлини,
Эй кўнгул, тутғил ғанимат шаҳ Музаффар васлини
Ким, ўтубдур дуняда мундоғ балолар бешумор.

Ваҳки, даврон зулмидин қолдим ажаб мотам аро,
Тушмаган бу навъ бир мотам бани одам аро,
Ҳажридин нолиб Навоийдек туман минг ғам аро,
Эй Ҳусайний, ёрсиз сен найлагунг олам аро?!
Қўп, адам сарманзили азмин қилиб кейнича бор!

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДКОР ТЕМУРИЙЛАР ҲАҚИДА

Машҳур «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида Навоий ўз замонасида турк ва форс тилларида ижод этган неча юзлаб қалам аҳлининг ҳар бири ҳақида махсус тўхталади, уларнинг шахс сифатидаги хислат-фазилатлари ва ижодкор сифатидаги фаолиятлари тўғрисида қисқа, аммо жуда муҳим маълумотларни қайд этади. Тазкиранинг илмий-адабий қиммати-ни оширувчи нуқталаридан бири шундаки, унга киритилган ижодкорнинг «Ҳар қайсининг натоийжи табъидин бирор нима нишона йўсунлиқ» келтирилади, яъни шоирлар меросларидан намуна байтлар, рубоий, қитъа ва туюқлар мисолга олиниб, ўзига хос таҳлил этила-

ди, мазмун ва бадиий санъатлари очилади, ижодкор иқтидорига баҳо берилади Худди шу хусусиятларига кўра, «Мажолис ун-нафоис»ни XV аср адабиётимиз кўламини, гоё, мавзу йўналиши ва тур ранг-баранглигини, бадиий санъатлари ва тил жиҳатларини холисона кўрсатувчи улкан кўзгу, бу адабиётларни яратувчилари тўғрисида ишончли илмий манба десак, хато бўлмайди.

Тазкира саккиз мажлис-бобдан ташкил топган. Еттинчи мажлисни Навоий улуғ жаҳонгир Амир Темур ва унинг фарзандлари, набиралари, умуман авлодига бағишлайди. Ҳажман каттагина бўлган сўнгги мажлисда эса шу авлоднинг ёрқин намояндаларидан бири, Ҳусайний тахаллуси билан қалам тебратиб, соҳиби девон шоир даражасига кўтарила олган Ҳусайн Бойқаронинг ижодий фаолияти ёритилади.

Биз сўз юритмоқчи бўлган еттинчи мажлисга Навоий «Улуғ султонлар ва уларнинг ҳурмат-эҳтиромга лойиқ авлодлари зикридаким, баъзи маҳалларда хўб байт ўқубдурларким, филҳақиқат, ўзлари айтқондек хўбдур ва баъзи назм латойифига машғул бўлубдурларким, ул доғи матлуб ва марғубдур» деган шарҳ-сарлавҳа қўяди. Бундан шу жуда муҳим жиҳат англашиладики, Навоий ўз тазкирасига темурийларни адабиётга, хусусан шеъриятга, қалам аҳлига бевосита алоқадор бўлганликлари туфайли киритган. Шоирнинг махсус таъкидича, тазкирадан ўрин олган темурийларнинг кўпчилиги шеърий иқтидорга эга бўлиб, ижод билан ҳам шуғулланганлар, баъзилари эса, гарчи ўзлари ёзмасалар ҳам, шеъриятни нозик ва чуқур тушунган, ундан лаззатланган, маънавий озуқа ола билган, ўрни-ўрни билан унга мурожаат этиб турган, қалам аҳлига эса ҳомийлик қилган.

Амир Темурни Навоий ана шу кейинги гуруҳга киритади: «Агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор».

Тазкирада Темур табиатидаги бундай ноёб фазилатни яққол далилловчи мисол ҳам келтиради. Маълумки, Ҳусайн Бойқаро саройида замонанинг етук ижодкорлари, олиму фозиллари, созанда ва хонандалари иштирокида адабий йиғинлар мунтазам равишда ўтказилиб турган. Асосан, шеърхонликка бағишланган бу гўзал одатни Навоий Амир Темурдан Ҳусайн Бойқарога қолган мерос-анъана деб таъкидлайди: «То олам аҳли билғайларким, султон соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро Л. А.)ғаким, мажолисда пайдор-пай хўб абёт ва яхши сўзлар дармаҳал воқеъ бўлур, – дағи маврусий (мерос бўлиб қолган – А. А.)дурким, нисбатин ул жадди бузургворға (улуғ бобога, яъни Амир Темурга – А. А.) тузотур».

Навоийнинг бу маълумотлари Темур қиёфасини фақат қора бўёқлар билан чизилиши тўғри эмаслигини, уни адабиёт ва санъат завқу шавқидан бебаҳра, маънавий чекланган, жоҳил шахс сифатида талқин этиш ҳақиқатга мувофиқ келмаслигини яна бир бор кўрсатади. Навоий Темурнинг ўғли Шохруҳ Мирзо тўғрисида ҳам «назмға машғуллик қилмас эрди, аммо хўб байт ва яхши сўзлар кўп ул ҳазратдин ҳам воқеъ бўлур эрди» деб ёзади ҳамда далил сифатида унинг бир муносабат билан форсий байтни ёддан ўқиганлигини баён қилади.

Яна йигирма темурийзода тазкиранинг еттинчи мажлисидан ўрин олган. Навоий уларнинг барчасини шеърий иқтидорга эга бўлиб, бадиий ижод билан ҳам шуғулланганлигини таъкидлайди, ҳар бири қолдирган адабий меросларидан намуналарни келтиради.

Маълумки, Навоий «Фарҳод ва Ширин»да Мирзо Улуғбек шаънига қатор мадҳий байтлар битади, унинг инсофли ҳукмрон ва буюк олим сифатидаги амалий фаолиятини жуда юқори баҳолаб, жумладан, қуйидагича тавсифлайди:

*Темурхон наслидин Султон Улуғбек
Ки, олам кўрмади султон анингдек!..*

Достондан ўн йил кейин ёзилган тазкирада Навоий улуғ темурийзодага берган юксак баҳосини янада чуқурлаштиради, уни бизнинг мавзуга алоқадор янги маълумот билан тўлдиради. «Камолоти бағоят кўб эрди» деб таъкидлаган шоир унинг ижодий иш – шеъриятга ҳам вақт топа олганини ёзади: «Бовужуди бу камолот гоҳи назмга майл қилур».

1942 йилнинг кузида, урушнинг энг оғир палласида ўзбек халқининг фашист босқинчиларига қарши мардона курашаётган жангчиларига йўлланган мактубда қуйидаги туюқ ҳам битилган эди:

*Эр керак ўртанса, ёнса ёлина,
Ёра еб ётса отининг ёлина.
Ит ўлуми бирла ўлса яхшироқ,
Эр отониб душманига ёлина!*

Ёв билан курашда жасорат ва ватанпарварликка даъват этувчи бу мисралар Амир Темурнинг набираси Абобакр Мирзо қаламига мансуб. Навоий тазкирада Абобакр Мирзонинг шеърий иқтидорига далил сифатида келтирар экан, муаллиф шахсияти ва асар хусусида қуйидаги кўтаринки жумлаларни ёзади: «Баҳодурлуғи ва қиличи зарби Чигатой улусида машҳурдур. Чун табъида назм чошниси (лаззати, баҳраси – А. А.) бор эмиш. Ҳамул баҳодирлуғ таврида бу туюқ андин машҳурдурким тажнисини яхши топибдур».

Тазкиранинг худди шу бобида қуйидаги туюқ ҳам келтирилади:

*Тўлун ойға нисбат эттим ёруми,
Ул хижолатдин кам ўлди ёруми.
Тори мўюнгнинг закотин мен берай
Ё Мисрни, ё Ҳалабни, ё Руми.*

Бу гўзал мисралар, Навоийнинг гувоҳлигича, Амир Темурнинг бошқа бир набираси – «табъи назм» бўлган Султон Искандар Шерозий томонидан ёзилган.

Навоийнинг маълумотича, адабиёт мухлиси бўлган ва қалам аҳлига ҳомийлик қилган Султон Искандар саройида тўпланган шоирлар жумласида Ҳайдар Хоразмий ҳам бўлган. Тазкирада Ҳайдар Хоразмийнинг «Махзан ул-асрор» достонидан бир байт ҳам келтирилади. Айтиб ўтайликки, Мавлоно Лутфий «Гул ва Наврўз» достонини шу маърифатпарвар темурийнинг таклиф ва даъвати билан яратган.

Навоий Самарқандда ҳукмронлик қилган темурийзода Халил Султон ҳақида сўз очиб, унинг саройида нозик дид, хуштаъб фозиллар ва шоирлар («зурафо ва шуаро») мунтазам равишда йиғилиб, адабий суҳбатлар қуришар эди, деб махсус қайд этади. Халил Султоннинг қалам аҳлини бундай қадрлаши асло бежиз бўлмаган. Навоийнинг ёзишича, унинг ўзи соҳиби девон даражасидаги иқтидорли ижодкор эди: «Машҳурдурким, ўзи шеър айтур эрди. Андоқким, девони таърифиди Хожа Исматуллоҳ қасида айтибдур, аммо тилаб топилмади».

Навоий Султон Халил девонидан фақат қуйидаги биргина байтни топа олган:

*Эй турки пари пайкаримиз, тарки жафо қил!
Қоми дилимиз, лаъли равонбахш раво қил!*

Бу матлаъдан Султон Халилнинг девони она тилидаги ишқий шеърлардан ташкил топган, деган хулосага келиш мумкин.

Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Бойсунғур Мирзо темурий ҳукмдорлар ичида илмпарварлиги, адабиёт ва санъат аҳлига ҳомийлиги билан ном чиқарган. Жумладан, унинг бевосита раҳбарлиги ва назорати остида 1425–26-йилларда Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари бўйича жиддий илмий иш амалга оширилган: ўттиздан ортиқ қўлёзма нусхалар ўзаро қиёсланиб, мукаммал танқидий матн тайёрланган, Бойсунғур Мирзонинг ўзи эса унга каттагина сўзбоши ёзган. Табиийки, бундай фаолият Навоийнинг диққат-эътиборидан четда қолмаган. «Хуштаъб, сахий ва хунарпарвар подшоҳ» сифатида баҳолар экан, Навоий тазкирада яна қуйидагиларни таъкидлайди: «Хаттот ва наққош ва созанда ва гўяндадин мунча беназир кишиким, анинг тарбиятидин арога кирди, маълум эмаским, ҳеч подшоҳ замонида пайдо бўлмиш бўлғай».

Навоий тавсифномасидан маълум бўлишича, Бойсунғур Мирзо бевосита ижодий иш билан ҳам шуғулланган.

«Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг биз сўз юритаётган еттинчи мажлисида темурийлар авлодининг кейинги бўғин вакилларида Абулқосим Бобур Мирзо, Жаҳоншоҳ Мирзо, Яъқуб Мирзо, Бойқаро Мирзо (Хусайн Бойқаронинг туғишган акаси), Кичик Мирзо, Фаридун Хусайн ва Муҳаммад Хусайн Мирзолар номлари ҳам ижодкорлар сифатида ўрин олган. Уларнинг турк ва форс тилида яратилган меросларидан айрим байт ва рубоийларни мисол учун келтирар экан, Навоий ҳар бирининг умуман ижодий-ижтимоий фаолиятига ҳам, инсоний хислат-фазилатларига ҳам баҳо берадики, бу ҳол тазкира қимматини жуда оширади. Масалан, Абулқосим Бобур Мирзо, Навоий таъкидича, «карим ул-ахлоқ (гўзал хулқли А. А.) киши эрди. Ҳиммати олида олтуннинг дағи кўмушнинг тош ва туфроғча ҳисоби йўқ эрди. Таъби назмга мулойим эрди». Навоий унинг бир форсий рубоийсини келтиргач, айниқса, она тилидаги асарларини кенг оммага маъқул эканлигини алоҳида қайд этади: «Агарчи туркча назмлар ҳам айтур эрдик, барчага қабул эрди. Аммо бу байт ҳам анингдурким:

*Неча юзунг кўруб ҳайрон ўлойин,
Илоҳо, мен сенга қурбон ўлойин!*

Навоийнинг темурий ижодкорларга берган тавсифларида ҳар бир вакилнинг амалий-ижтимоий фаолияти ва инсоний белгиларига ҳам алоҳида эътибор қаратганлиги бири-биридан ҳам оҳанг, ҳам мазмун жиҳатидан кескин фарқланувчи қуйидаги икки намунада кўзга яққол ташланади.

Тазкирада Мироншоҳнинг Кичик Мирзо номи билан машҳур бўлган набираси Муҳаммад Султон ҳақида қуйидаги юксак баҳони ўқиймиз:

«Кичик Мирзо – ҳўб таъблиқ, тез идроклиқ, шўх зеҳнлик, қавий ҳофизалиқ йигит эрди. Оз фурсатда яхши толиби илм бўлди ва кўпроқ улум ва фунундин ўз мутолааси била вуқуф (билимдонлик – А. А.) ҳосил қилди. Шеър ва муаммони ҳўб англэр эрди, балки кўнгли ти-

ласа айта ҳам олур эрди». Навоий Кичик Мирзо қаламига мансуб бир рубойни келтириб, шундай якунлайди: «Баъзи дерларким, бу рубой ҳазрат Маҳмудий Нуран (Жомий – А. А.) била таворуд (икки ижодкорнинг бири-биридан беҳабар бир хил мисралар битиш ҳодисаси – А. А.) воқеъ бўлубтур. Андоқ дағи бўлса улў давлат турур!». (Ўрни келганда айтиб ўтайликки, Навоий «Мажолис ун-нафоис»дан анча илгари тузган «Бадоеъ ул-бидоя» девонига ёзган «Дебоча»да ҳам Муҳаммад Султон Кичик Мирзо тўғрисида жуда юксак фикрлар билдиради).

Келтирилган жумлаларни Улуғбекнинг қотили Абдулатиф Мирзо ҳақидаги мана бу қоралов билан қиёслайлик: «Абдулатиф Мирзо – савдойи мизож ва васвасий табъ ва девонасор киши эрди. Мундин ўзга дағи ғариб бадфеъллиқлари бор эрдиким, зикридин беҳижоблиқ лозим келур. Ўтар дунё маслаҳати учун донишманд ва подшоҳ отасин ўлдурди». Сўз давомида Навоий падаркуш Абдулатиф Мирзонинг ўзи ҳам тез орада қилич зарбидан ўлим топганлигига киноя этади. Шу диққатга сазоворки, Абдулатифни тубан шахс ва золим ҳукмрон сифатида аёвсиз қоралаган Навоий унинг табиатидаги шеърӣ иқтидорни холисона таъкидлайди ва «аммо табъи назм эрди ва шеърини ободан айтур эрди» деб илова қилади.

Форс адабиёти ва унинг йирик намояндалари меросини юксак қадрлаган, ўзи ҳам форсий етук бадӣӣ асарлар ярата олган Навоий ҳар доим ижодкорларни ўз она тилида қалам тебратишга даъват этган, бундайларни рағбатлантириб ҳомӣӣлик қилган, она тилидаги асарларга алоҳида меҳр-муҳаббат билан ёндашган. Навоийнинг амалӣӣ-ижтимоӣӣ ва ижодӣӣ фаолиятига умуман хос бўлган бундай муносабатни «Мажолис ун-нафоис»нинг еттинчи мажлисига жамъ этилган темурӣӣ ижодкорларга нисбатан ҳам қайд эта оламиз. Навоий уларнинг адабий меросларини баҳолар экан, қайси тилда қалам тебратганлиги масаласига ҳам махсус тўхтаб ўтади. Навоий гувоҳлигидан маълум бўладикки: кўпчилик темурӣӣ ижодкорлар форсий тилни ҳам мукаммал эгаллаб, ҳар жиҳатдан пишиқ бадӣӣ асарлар ярата олганлар, ҳатто форсий шеърлардан ташкил топган девонлар ҳам тузганлар. Темурнинг учинчи фарзанди Мироншоҳнинг ўғли Сайид Аҳмад Мирзо худди шундай иқтидорлар жумласига киради. У, деб ёзади Навоий «салимтаб» (баланд истеъдодли – А. А.) ва пок зеҳн киши эрди. Хили машҳур назмлари бор: ҳам ғазал, ҳам маснавӣӣ, ҳам туркий, ҳам форсий ғазал таврида девони бор. Ва маснавӣӣ таврида «Таашшукнома» анингдур. Бу туркча матлаъи яхши воқеъ бўлубтурким:

*Сайд этти фироқинг мени мурғи саҳарӣӣдек,
Қил одамӣӣлик – қилма ниҳон юзни паридек!*

Шу ўриннинг ўзидаёқ Навоий Сайид Аҳмад Мирзонинг форсий бир ғазалининг бошланма байтини ҳам келтиради. Айтилганидек, «Мажолис ун-нафоис»нинг якунловчи – саккизинчи мажлиси тўлалигича темурӣӣ Султон Ҳусайн Бойқаронинг ижодӣӣ фаолияти таҳлилига бағишланган. Навоий Ҳусайнӣӣ таҳаллуси остида қалам тебратган ҳукмдорнинг ўз она тилида яратган шеърӣӣ девони ҳақида батафсил сўз юритади, ўзининг юксак баҳосига неча-неча ўнлаб ғазал матлаъларини ишончли далиллар ўрнида келтиради.

Тазкирада жамланган маълумотлар Ҳусайн Бойқаро хонадонида, умуман, илм-маърифат, хусусан, шеърӣятнинг ниҳоятда қадрли бўлганини, фақат Султоннинг ўзигина эмас, балки, бир қатор фарзандлари ҳам бадӣӣ ижод билан муваффақиятли шуғулланганлик-

ларини, айримлари эса ҳатто шеърӣ девон тузиш даражасига кўтарила олганликларини тасдиқлайди. Султоннинг ижодкор фарзандларидан биринчи навбатда катта ўғил Бадиуззамон Мирзони қаламга олган Навоӣ, аввало, унинг юксак инсоний фазилатларини қайд этади, юриш-туриш ва хулқ-атворда етук ва маънавий бой шахс бўлганлигини таъкидлайди. Бадиуззамон Мирзонинг шоирлик иқтидорини «Табъи назм услубида мулойимдур», дея юқори баҳолаган Навоӣ далил сифатида унинг форсий ва ўзбекча ғазалларидан мисоллар келтиради. Қуйидаги бошланма байтни:

*Эй сабо, гар сўрса ҳолим шаммаи ул сарвиноз,
Эврулуб бошиға мен саргаштадин еткур ниёз –*

таҳлил этиб, ҳам мазмунан ҳам шаклан мукаммал («таркибида хўб ва ҳолатда марғуб») эканлигини сўзлайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳусайн Бойқаронинг ўғиллари ҳақида сўзлар экан, жумладан қуйидагиларни ёзган эди: «Яна Шох Ғариб Мирзо эди, букри эди, Агарчи ҳайъати ёмон эди, табъи хўб эди. Агарчи бадани нотавон эди, каломи марғуб эди. «Ғарибий» таҳаллус қилур эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий ва форсий шеър айтур эди» («Бобурнома»).

Шох Ғариб Мирзонинг шахсияти ва ижодий фаолиятига берилган бу юксак баҳо Навоӣнинг «Мажолис ун-нафоис»даги ижобий тавсифи билан тўла мувофиқ келади. Навоӣ ҳам уни «назм ва насрда назирӣ маъдум» (назирӣ йўқ, беназир – А. А.) деб таърифлаб, туркий уч ва форсий икки ғазалининг матлаъ байтларини келтирадики, бошқа ҳеч қайси темурӣ ижодкор меросига (Ҳусайн Бойқарони истисно этганда) бу қадар кенг тўхталмаган. Навоӣ мисолга олган байтлар Шох Ғариб Мирзонинг чиндан ҳам ноёб ижодий қобилиятидан аниқ дарак беради:

*Қайси бир гулчеҳра ул гулбарги хандонимча бор?!
Қайси бир шамшод қад сарви хиромонимча бор?!*

Қуйидаги байтни Навоӣ «Бу матлаъи ҳам яхши воқеъ бўлубтурким», деган ижобий шарҳ билан кўчиради:

*Тарки меҳр айлаб агарчи бўлди жонон ўзгача:
То тирикман қилмағумдур аҳду паймон ўзгача.*

Тавсифномага илова этилган мана бу кўтаринки жумлалар ҳам Шох Ғариб Мирзонинг ижодий фаолиятига нисбатан Навоӣнинг ижобий баҳосини, самимий ҳурмат-эътиборини равшан кўрсатади: «Девон ҳам жамъ қилибтур. Яхши матлаълари бу мухтасарға сиғмас – магар яна бир китоб битилгай!».

Навоӣ Султон Ҳусайн Бойқаронинг яна икки ўғлини Фаридун Ҳусайн Мирзо ва Муҳаммад Ҳусайн Мирзоларни иқтидорли ижодкорлар қаторида ўз таъкирасига киритган. «Хўб табъи ва мулойим зеҳни бор» Фаридун Ҳусайн, Навоӣ маълумотида кўра, икки тилда қалам тебратган. Жумладан:

*Эй сабо, еткур манга сарви равонимдин хабар,
Раҳм этиб бергил манга ороми жонимдин хабар –*

матлаъли ниҳоятда равон ишқий ғазал шу темурий ижодкор қаламига мансуб. Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг эса форсий бир ғазалидан биринчи байт келтирилади. Заҳириддин Бобур ҳам бу шахзода тўғрисида сўзлар экан, унинг «таъби назм бор»лигига далил сифатида «Мажолис ун-нафоис»да Навоий қайд этган матлаъни такроран зикр этади.

Навоий ижодкор темурийларга бағишланган еттинчи мажлисни Султон Абу Саид Мирзо набиралари бўлмиш Султон Масъуд Мирзо ва Султон Али Мирзолар ҳақидаги тавсифлар билан якунлайди. Ҳар иккаласининг ҳам «таъби назмға мойил» деб баҳолар экан, Навоий уларнинг бадий меросларидан мана бу намуна байтларни келтиради:

*Ёр бориб, жонға қўйди доғи фурқат, эй рафиқ,
Кўнглума кор этмасунму доғи ғурбат, эй рафиқ.
Васлида мағрур бўлдунг, ҳажрида зор, эй кўнгул,
Не онинг бирла, не онсиз тоқатинг бор, эй кўнгул.*

Навоийнинг ўз ижодий меросида ҳам шу мавзу ва вазнда, шу радиф ва қофияларда, шу рух ва йўналишда бир неча етук ғазаллар учрашини ҳисобга олсак, улуғ шоирнинг темурий шахзодалар қалами остидан чиққан бу дилрабо ғазалларни қанчалик мамнуният ва қониқиш билан тазкирага киритганлиги равшанлашади.

Шундай қилиб, Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да Амир Темур ва у асос солган катта сулоланинг ижодкор намояндаларига махсус бир мажлис – боб ажратади. Унда жаҳонгир ҳукмрон ва унинг катта ўғли Шохруҳ Мирзодан ташқари йигирма темурийзодани номма-ном зикр этиб, ҳар бирининг адабиёт ва санъат аҳлини қадрлаб, ҳомийлик қилганини, бевосита ижодий иш билан ҳам шуғулланиб, хусусан, шеъриятимиз ривожига ўз ҳиссасини қўша олганини таъкидлайди. Навоийнинг ишончли маълумотиға кўра, бир қатор темурийзодалар ҳатто шеърӣ девонлар тузиш даражасига кўтарила олганлар, уларнинг, асосан, кўпчилиги фақат она тилидагина эмас, балки форсий тилда ҳам унумли қалам тебратган, шеъриятдаги икки тиллилик анъаналарини муваффақият билан давом эттирган. Айтилганидек, соҳиби девон шоир бўлган темурийзодалардан султон Ҳусайн Бойқаро шеърияти таҳлилига Навоий тазкирада алоҳида бир мажлисни тўлалигича бағишлайди.

Албатта, темурий ижодкорлар рўйхатини тазкирада зикр этилган номлар билангина чеклаб қўйиш тўғри бўлмайди. Бунини бешинчи бўғин темурийзода бўлган машҳур шоир ва носир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тазкирадан четда қолганлигининг ўзиёқ кўрсатиб турибди. (Гап шундаки, тазкира узил-кесил таҳрирдан чиққан 1498 йилда Бобур эндиgina ўн беш ёшга тўлган эди).

Афсуски, шеъриятнинг улуғ билимдони Навоий томонидан тан олиниб, тазкирага киритилган, ижодий фаолиятлари, шоирлик иқтидорлари юқори баҳоланган темурийларнинг бирортасининг ҳам қолдирган адабий мероси илмда ўрганилган эмас. Уларнинг девонларини, умуман адабий меросларини қидириб топиш, энг яхши намуналарини кенг китобхонлар оммасига етказиш, асарларини ғоявий-бадий таҳлил этиш адабиётшунослигимизнинг галдаги муҳим вазифалари жумласидандир. Бу адабиётимиз, маданиятимиз учунгина

эмас, умуман, тарихимиз учун ҳам, унинг шу кунга қадар (онгли-онгсиз равишда) четга суриб қўйилган ёки бузиб тасвирланган саҳифаларини холисона ёритиш учун ҳам зарур.

Алишер Навоий ўз тазкирасида биринчи манбалар асосида келтирилган ишончли далиллар Амир Темури ва темурийлар шахсияти ҳамда амалий-ижтимоий фаолиятларига аввалда совет матбуотида берилган баҳо тавсифлар жиддий равишда қайта кўрилиши зарурлигини кўрсатади. Чиндан ҳам, Навоий гувоҳлиги темурийларнинг «ёппасига қандайдир ёвуз ва жоҳил шахслар каби илму фан, адабиёт ва санъатдан «жуда узоқ, маънавий чекланган ва қолоқ, эртаю кеч маишат ва бузуқлик билан машғул бўлган, фақат вайронагарчилик келтирувчи уруш-қирғинлар сабабчилари» каби талқинларнинг бирёқлама ва кўр-кўрона эканлигидан дарак беради...

НАВОИЙ ВА ҲУСАЙНИЙ

Адабиётшуносликда яқин-яқинларгача амалда бўлган ғайриилмий сиёсат ўтмиш ижодкорларга муносабат ва улар яратган бадий меросни баҳолашда ҳам бутун салбий оқибатлари билан юзага чиққан эди. Унда кўп ҳолларда ижодкор асарларининг ғоявий-бадий қиммати, соф адабий-ижодий белгилар эмас, балки ижодкор шахсиятининг ижтимоий келиб чиқиши, унинг жамиятдаги қайси синф (табақа, гуруҳ)га мансуб эканлиги бош мезон қилиб олинар ва аввало, худди шу далилларга кўра унинг адабиётимиз тарихидаги ўрни белгиланар эди. Биринчи галда, Султон Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Шайбонийхон, Убайдуллохон, Амир Умархон, Маъдалихон, Муҳаммад Раҳимхон каби ҳукмрон ижодкорлар меросларига нисбатан мана шундай адолатсиз ва моҳиятан ғайриилмий мезон билан ёндашиш оқибатида, «Ҳусайний», «Бобур», «Шайбоний», «Убайдий», «Амирий», «Хон», «Феруз» адабий таҳаллуслар билан қалам тебратган, ҳар бири «соҳиби девон даражасига етган иқтидорли ижодкорлар адабиётимиз тарихидан четга сурилди, мерослари батамом унутилди ёки бир томонлама ҳамда юзаки ўрганилди ва асосан, камситилиб баҳоланди. Ваҳоланки, номлари зикр этилганларнинг ҳар бири йирик ижодкор бўлибгина қолмай, айнаи замонда, адабиёт ва санъатнинг қадр-қимматини азиз баҳоловчи, ижод ва ҳунар аҳлининг жонкуяр ҳомийси сифатида ҳам ўз даври адабий-маданий ҳаётида танилган шахслардир. Бу фикр, хусусан, Султон Ҳусайн Бойқаро – Ҳусайний ижодий-ижтимоий фаолиятига тўла мувофиқдир.

Ҳусайний асарларидан намуналар бизда Оқил Шарафуддинов, Ҳоди Зариф ва С.Ғаниевалар ташаббуслари билан гарчи бир неча бор турли тўпламлар таркибига кирган, ҳатто 1968 йилда алоҳида девон шаклида нашр этилган бўлса-да, у қолдирган адабий мерос то шу кунга қадар етарли илмий тадқиқ этилмади, ўша давр адабий-маданий ҳаётидаги унинг мустасно ўрни ўз кенг кўлами ва даражасида кўрсатилмади, миллий шеърятимиз, шунингдек, ўзбек адабий тили тараққиётидаги кўринарли ҳиссаси очилмади, ёзмаишлари эса кўп ҳолларда «феодал сарой тематикаси доирасида қолган», «феодализм кайфиятларини ифодаловчи» асарлар сифатида ноҳақ айбланди.

Ваҳоланки, Султон Ҳусайн Бойқаро – Ҳусайнийнинг кучли адабий истеъдодини, шеърятининг нозик маъно-мазмундорлиги ва бадий баркамоллигини ниҳоятда гўзал санъатлар ва равон услубини, ғазалларининг ўқувчи-тингловчиларга завқ-шавқ бахш этиши-

ни, айна замонда, ҳукмдор сифатида эса давр адабий жараёнидаги улкан хизматлаърини, адабиёт ва санъат аҳлига нисбатан кўрсатган доимий ҳомийлигини, она тилининг оташин тарғиботчиси сифатидаги эса таҳсинга лойиқ фаолиятини, шунингдек, юксак инсоний фазилатларини кўпдан кўп замондошлари, хусусан, гўдакликданоқ у билан яқиндан таниш бўлган Алишер Навоий ҳақли равишда қайта-қайта таъкидлаб ўтганлар.

Совет адабиётшунослиги даврида етарли даражада илмий тадқиқ қилинмаган ёки онгли-онгсиз равишда бузиб ёритилган масалалардан бири Навоий ва Ҳусайнийларнинг ўзаро ижодий муносабатлари ва ҳамкорлиги, ўзаро ўрганиш-таъсирланиш даражаси ва шакллари масаласидир. Тўғри, Ҳоди Зариф, В.Зоҳидов, С.Ғаниева каби муаллифлар тадқиқотларида бу ҳақда диққатга лойиқ айрим фикрлар билдирилган. Аммо, яхлитлигича бу масала совет адабиётшунослигида Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатлари, яъни, асосан, давлат арбоби ва ҳукмдор, ва қисман, ижодкор ва ҳукмдор ўртасидаги ижтимоий муносабатлар тарзидагина қўйилди. Бугина эмас, алоҳида таъкидлаш лозимки, бу мавзуда гап, асосан, бу икки тарихий шахснинг ўзаро «чиқишмасликлари» ва улар ўртасидаги «баъзан жиддий зиддиятлар», ҳукмронни – Ҳусайн Бойқарони «аёвсиз фош этиш», очик ёки рамзий имо-ишоралар билан «қоралаш» ҳамда бунга жавобан ижодкорнинг «таъқиблар» этилиши ва ҳатто «сурғун» қилиниши атрофида борган. (Афсуски, илмдаги хато ва чалкашлик қатор бадиий асарларга ҳам кўчган. Бундай хато талқин асосига Навоий ижодидаги золим шоҳлар, адолатсиз ҳукмронларни кучли қораловчи намуналар, асосан ва биринчи навбатда, Ҳусайн Бойқаро шахсиятига қарши йўналтирилган, деган асоссиз ва моҳиятан юзаки тушунча қўйилган.

Ваҳоланки, Навоий Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятга келганидан кейин ёзган деярли барча йирик асарларида, тузган ҳамма девонларида уни инсоф-диёнатли, адолатли, раиятпарвар шоҳ, адабиёт ва санъатт илм ва ҳунар аҳлига саховатли ҳомий сифатида қайта-қайта мадҳ этган ва таъкидлаш керакки, бундай таъриф – баҳо учун улуғ шоир етарли ва жиддий асос-далилларга эга бўлган. Ҳусайн Бойқаро шаънига очик-ойдин мақтов ва таҳсин золим ва адолатсиз ҳукмронларни қораловчи ўша мақолот ва фасллар мавжуд бўлган «Ҳамса» дostonлари ва «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ҳам кўринарли ўрин тутганки, бундан мадҳия ва танқид-қоралов бири-бирига боғлиқ эмаслиги ва моҳият жиҳатидан ҳар бири мустақил йўналиш – нишонга эга бўлганлиги равшанлашади. Худди шу боисдан ҳам, улуғ шоир меросидаги кучли танқидий йўналишни бевосита Султон Ҳусайн Бойқарога ҳам қарши йўналтирилган, деб тушунтириш батамом сунъий ва мантиққа зиддир.

Навоий тўла ишонч ва чин самимият билан «Ҳамса»ни ташкил этувчи бешала достонида, «Лисон ут-тайр» ва кўплаб бошқа йирик-кичик асарларида шоҳ Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳига махсус боблар, катта-катта парча ва лирик чекинишлар ажратиб, уларда улкан давлатнинг элпарвар, доно ва адолатли ҳукмрони сифатида таърифлар битади. Навоий ва Ҳусайн Байқаро ўртасидаги серқирра муносабатлар ҳақида сўз борганида, ижодкор ва ҳукмрон чизиғи деб шартли номлаш мумкин бўлган бу туркум намуналарни, албатта, эътибордан чиқариб бўлмайди. Аммо адабиётимиз тарихи учун бу туркумга нисбатан, шунингдек, нуфузли давлат ва жамоат арбоби Навоий билан улуғ подшоҳ, қудратли ҳукмрон ўртасидаги ижтимоий сиёсий муносабатларга нисбатан улуғ шоир ва мутафаккир Навоий ва истеъдодли ижодкор, соҳиби девон шоир, шеъриятнинг нозик санъатларини чуқур эгаллаган Ҳусайний ўртасидаги алоқалар мазмуни, кўлами ва доираси муҳимроқдир. Чиндан ҳам, икки истеъдод ўртасидаги ижодий ҳамкорлик, ўзаро ўрганиш ва таъсирланиш

мавзуси жуда муҳим ва ҳажман катта бўлиб, махсус жиддий илмий тадқиқот учун етарли асослар, қизиқарли далиллар беради.

Навоий ва Ҳусайний ўртасидаги ижодий ҳамкорлик ва муносабатлар ниҳоятда сержило ва кўпшаклли бўлган. Уни Ҳусайн Бойқаро Хуросон тахтига ўтириб, Самарқандда бўлган Навоийни Ҳиротга махсус даъват этиш санасидан, яъни Навоийнинг давлат ва жамоат ар-боби сифатида бевосита подшоҳ саройида фаолият кўрсатиш йилидан бошлаш, бизнингча, хато бўлади.

Бу масалани таҳлил этишда Бойқаро йўллаган махсус фармон-ёрлиқнинг бирор мансаб соҳиби Навоийга эмас, балки кўплаб бадий асарлари халқ ўртасида катта шуҳрат тутган ижодкор Навоийга аталганлигини қайд этиш жуда муҳимдир. Бугина эмас. Фармон – ёрлиғда ҳукмронлар томонидан Навоий ижодий фаолияти етарлича қадрланмаганлиги, аксинча, баъзан ёзмиш асарлари юзасидан унга ҳатто «маломат» ҳам етганлиги ҳақида сўз борки, бу каби нуқталар Ҳусайн Бойқаронинг ўз мактабдош дўсти ижодининг илк саҳифалариданоқ синчковлик билан кузатиб борганлигини, унинг асарлари билан яқиндан таниш бўлганлигини ва энг муҳими, ўша вақтдаёқ Навоийни даҳо ижодкор сифатида тан олганлигини кўрсатади. Гап шундаки, Навоий 1466–67-йилларда Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган маснавий мактубида, жумладан, Хуросонда ўз ижодий фаолиятига нисбатан эътиборсиз муносабатдан, қалам тебратиш учун тегишли шароит йўқлигидан, истеъдоди эса етарли қадрланмаётганидан очиқ-ойдин шикоят қилган ва айни замонда, «кунда юз байт айта олиш» қобилияти ҳақида ғурур билан сўз юритган эди.

«Навоийга юборган фармон-ёрлиқ мазмуни Ҳусайн Бойқаронинг бу маснавийдан ҳам тўла хабардор бўлганлигини кўрсатади. Навоий гувоҳлигига кўра, Ҳусайн Бойқаро, жумладан, қуйидагиларни ёзган:

*Ки эй, фазл жаҳонининг сипеҳри,
Йўқ – йўқки, ўшул сипеҳр меҳри.*

*Таъбингга дами бўлур не ворид
Юз йил бити олмайин Аторид.*

*Сен гарчи гуҳар дўконин очдинг,
Лекин бу гуҳарни элга сочдинг.*

*Фикринг чаманида кўп раёҳин,
Лекин бўлуб анда халқ гулчин.*

*Назминг гулидинки, даҳр тўлди,
Дегилки, сенга не баҳра бўлди?!*

*Лафзингдин улусқа вазду ҳолат,
Етмай санга баҳра, жуз малолат.
Сен қон ютуб, эл бўлуб қадаҳкаш,
Элдин сенга етмайин дами хуш.*

*Сен эл бошига бўлуб гуҳарпош,
Бир пок гуҳар демайки, шобош.¹*

Кўринадики, Хусайн Бойқаро ўша 1469 йилдаёқ Навоийни ижодкор сифатида юксак улуғлаган ва худди шу ижодкор Навоийни – «фазл осмонининг қуёши», «гавҳар»– бадий асарлар «дўконини очиб, бу гавҳарларни элга сочган», «назм гулидан дунёни тўлдирган», аммо «баҳра» ўрнига «малолат»га учраган Навоийни ўз саройига таклиф этган. Бу Навоий ва Хусайний муносабатларини ўрганишда ниҳоятда муҳим бир нуқта. Бу даврда Навоий, ўз таъкиди бўйича, ижтимоий-сиёсий ҳаётдан батамом узоқ турган ва мутлақо ижодий иш билангина шуғулланган ва бутун умрини шу тарзда ўтказиш ниятида бўлган.²

Хусайн Бойқаронинг ўз фармон-ёрлиғида «Гўша тутиш вақти эмас» дея Навоийни ижтимоий фаолликка даъват этиши унинг бундай ниятдан тўла хабардорлиги билан изоҳланиши керак. Аммо Хусайн Бойқаро, асосан, саройда ижодий иш учун барча имкониятлар яратилиши ҳақида сўз юритади, «сен кўп ва буюк асарлар яратиш имконига эга бўласан, ёзмишларингни эса юксак баҳолаймиз!» деб қатъий ваъдалар беради:

...Тутқай бори ишинг ул сифат авж

*Ким, ой уза қўйғасен қадамни,
Кун лавҳига чеккасен рақамни.*

*Меҳр олтунидиди қазо қилиб ҳал,
Ул сафҳани айлагай мужадвал.*

*Ҳар байтини меҳри гавҳарафшон,
Анжум ила айлагай зарафшон.*

*Неча бийик айласанг сўзунгни
Ондин бийик этгабиз ўзунгни.*

Фармон-ёрлиқдаги худди шу таъкид ва ваъдаларга асосланиб, биз, Хусайн Бойқаро Навоий ижодий фаолиятининг бошланғич босқичи билан, жумладан, унинг йирик маснавийи билан ҳам жуда яхши таниш бўлган, деган қатъий хулосага келишимиз мумкин. Чунки Хусайн Бойқаронинг ижод учун шароит ва ёзилажак асарларини қадрлаш масаласида махсус сўз очиб, Навоийга бундай катта ваъдаларнинг бериши, бизнингча, асло тасодифий эмас.

Гап шундаки, Навоий ўзига жуда қадрдон ва тўла ишончли кишиси номига йўллаган ўша шахсий мактуб – маснавийсида Аллоҳ таоло инъом этган чексиз истеъдод («Ҳақ лутфидин онча қувватим») ҳақида фахр билан сўзлаб, «Шоҳнома»дек улкан асарни Фирдавсий каби ўттиз йилда эмас, балки ўттиз ойда ёза олажагини таъкидлайди. Бугина эмас, у ўз ижодий режалари тўғрисида ҳам сўз очади, жумладан, она тилида «Хамса» яратиш ниятини худди шу ўринда биринчи бор баён қилади. Навоий «Хамса»ни жуда қисқа муддатда тугата олиш қобилиятини тўла ишонч билан таъкидлар экан, ижодий режаларини амалга ошириш учун

¹ Алишер Навоий, «Асарлар». Ўн беш томлик. 13-том, 162-бет.

² Қаранг: ўша ерда.

қачон шароит туғилади-ю, қачон ўз асаримни «халойиққа» тақдим эта оламан, дея ўртаниб оҳ чекади, шундай имкониятни орзу қилади:

*Не «Шоҳнома»ким, «Хамса»ға урсам ал,
Анинг панжаси сори еткурсам ал,*

*Умидим буким, айлабон фатҳи боб,
Қўлум бергай ул панжаға тоғи тоб.*

*Ўттуз йилки, они Низомий демиш,
Қошимда эрур икки-уч йиллиқ иш.*

*Қачон они базмини тузгамен,
Демакни халойиқға қўргузгамен...¹*

Бизнингча, барча ниятларинг амалга ошажак, бутун шароит яратилажак, деб Навоийни ишонтириши улуғ шоирнинг ижодий режа ва ташвишларидан ҳам Ҳусайн Бойқаро тўла хабардор бўлганлигини кўрсатади. Навоий орадан ўн-ўн икки йил ўтгач, Ҳусайн Бойқаро ўз ваъдаларини бекаму кўст бажарганлигини чуқур мамнуният ва миннатдорлик билан қайд этади: «Ул ҳазратнинг ваҳий асарлиқ сўзи ва илҳом хосиятлиқ ваъдасидек сўзумга (яъни, бадий асарларимга – А. А.) пок маоний гавҳари тож ва ўзумга пок гавҳарлик аҳли маоний муҳтож бўлди»²

«Тарихи мулуки Ажам» даги мана шу эътирофни ҳам эслаш ўринли кўринади:

*...Сенинг вақтинг ичра кўруб заъфу ранж,
Замонеким, назм айладим «Панж ганж».³*

Ҳусайн Бойқаро эса «Хамса» тугалланиши муносабати билан махсус ёзган рисолада маснавийни яна тилга олиб, ундан парчалар келтиради ва ўша кезларда Навоийнинг қисқа муддат ичида «Хамса» ярата олиш истеъдоди ҳақидаги гапларини кўпчилик лоф уриш ва асоссиз мақтаниш деб қабул қилганлигини эслайди. Бойқаро ўз ҳукмронлиги даврида Навоийнинг бу улуғ режаси тўла-тўқис амалга ошганлигига алоҳида урғу берадики, бу билан ижодий иш учун имконият яратиб берганлигига ишора этгандек бўлади.⁴

Бу келтирилган далиллар бўйича аниқ айтиш мумкинки, Навоий ва Ҳусайний адабий-ижодий муносабатлари Навоийнинг 1469 йилда Ҳиротга даъват этилишидан анча илгари бошланган. Жумладан, Ҳусайн Бойқаро Навоий ижодий фаолиятини, ҳукмронлар ва жамоатчиликнинг унга ва асарларига муносабатини манфаатдорлик билан кузатиб борган, унинг интилиш ва режаларидан яхшигина хабардор бўлган.

Лекин, шу шубҳасизки, 1469 йилдан бошлаб улар ўртасидаги бу муносабатлар бевосита

¹ Ҳусайн Бойқаро. «Девон. Рисола», Тошкент, 1968, 163-бет.

² Алишер Навоий. «Асарлар», Ўн беш томлик. 13-том, 164-бет.

³ Алишер Навоий, «Асарлар». 14-том, 236-бет.

⁴ Ҳусайн Бойқаро. Зикр этилган асар. 164-бет.

ижодий ҳамкорликка айланди, ҳам шаклан, ҳам мазмунан беқиёс даражада кенгайди, бойиди.

Навоий ва Ҳусайний муносабатлари, чиндан ҳам, серқирра ва ранг-барангдир. Ҳар иккала ижодкор меросларида бир-бирларининг ғазалларига ўхшатма – татаббулар, назиралар анча-мунча учрайдики, уларнинг ҳар қайсиси бевосита қиёсий таҳлилни талаб қилади. Тахмислар боғлаш ҳам ана шу ўзаро ижодий алоқаларнинг ёрқин кўринишлари жумласидандир. Ҳусайний Навоийнинг:

*Гулшани қўйингдин айру боғи ризвонни нетай?!
Бошима гар гул сочар сенсиз гулафшонни нетай?!¹*

ва

*Ул жигар парголаси ашким жигаргун қилдило,
Шод этай деб нотавон қўнглумни маҳзун қилдило –*

матлаъли ғазалларига мухаммас боғлаган. Ҳусайнийнинг 1968 йилги девони нашрига «Улки жоним гулшанида бор эди хуррам баҳор» мисраси билан бошланувчи мухаммас ҳам Навоий ғазалига тахмис сифатида киритилган эди. Аммо кейинги текширишлар бу мухаммас, аксинча, Навоийнинг Ҳусайний ғазалига тахмиси эканлигини кўрсатди.¹ Навоий бундан ташқари Ҳусайнийнинг:

*Эй ажал, осуда қил ҳижрон балосидин мени,
Бир йўли қутқар улуснинг можаросидин мени –*

байти билан бошланувчи ғазалини мусаддас шаклига келтириб, «Бадоеъ ул-васат» девонига киритади.

Навоий ва Ҳусайнийнинг ўзаро у ёки бу асарни яратишга даъват ва рағбатлантириш ҳам улар ўртасидаги ижодий муносабатлар доирасига кирувчи муҳим далиллардандир. Навоийнинг ўз эътирофича: «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» деб номланган расмий девонлари ҳам, тўрт девондан ташкил топган «Ҳазойин ул-маоний» мажмуаси ҳам Ҳусайнийнинг ташаббуси билан, «султоний ҳукмлар ва эҳсону таҳсинлар ва ҳоқоний амрлар ва таълиму талқинлар била» тузилган. Навоийнинг Абдурахмон Жомий ғазалларидан бирига мусаддас боғлашига ҳам бевосита Ҳусайний «сабабкор» бўлган.² Ўз навбатида, Ҳусайнийнинг қатор ғазаллари Навоий ғазалларига «жавоб» тарзида ёзилган, қуйидаги гўзал:

*Заъфдин кулбамда қўймоқ истасам айлар мадад,
Анкабуте ришта оқсон бўлса ҳар деворға –*

байти эса ҳар иккала ижодкорнинг шеърият юзасидан ўтказган суҳбатлари меваси сифатида қоғозга тушган.³

Навоийнинг Ҳусайний ижодий фаолиятига муносабати, унинг шоирлик истеъдодига баҳоси «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг саккизинчи мажлисида жамланган, дейиш мумкин. Давр адабиёти ва ижод аҳлига бағишланган бу илмий асарда улуғ шоир билим-

¹ Шу тўпламдаги «Ўн биринчи мухаммас» деб номланган мақолага қаранг.

² Қаранг: Алишер Навоий, «Асарлар», 14-том, 59-бет.

³ Қаранг: Алишер Навоий, «Асарлар», 12-том, 207-208- ёкллар.

дон адабиётшунос олим сифатида калам тебратиб, Ҳусайнийни катта шеърий қобилият соҳиби, шеърият санъатларини, ижод сирларини мукаммал эгаллаган ижодкор сифатида баҳолайди. Навоий Ҳусайний девонидаги ҳар бир ғазалга тўхтаб, унинг матлаъ байтларини келтиради ҳамда ғоя, шакл, вазн, бадий санъатлар, шуниингдек, қофия ва радиф кашф этиш ва ишлатиш маҳорати нуқтаи назаридан таҳлил этади. Бобга илова тарзда берилган «Хилват»да эса Ҳусайнийнинг илғор адабий-бадий қарашларига равшанлик киритувчи далиллар келтиради. Унинг ақидасича, бадийлик ҳаётийлик ва ҳаққонийлик билан омукта бўлиши, ҳар қандай муболаға ёки ташбиҳ мантиқий асосланиши, ҳар бир шеърий санъат ўқувчини ишонтира олиши шарт.

Ҳусайнийнинг рисоласини навоийшуносликнинг илк ва ёрқин саҳифаларида бири дейиш мумкин. Навоий томонидан она тилида «Хамса»нинг яқунланиши муносабати билан махсус-ёзилган бу рисола Навоий-Ҳусайний ижодий муносабатларида алоҳида ўрин тутади.

Қисқаси, Навоий-Ҳусайний ижодий муносабатлари мавзуси ниҳоятда катта ва кўпқирраликдир. Юқорида тилга олинганларга, айтайлик, «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги махсус ҳикоятда Ҳусайн Бойқаронинг бадий образи яратилганини, кўплаб ўринларда уни Ҳирот адабий-маданий ҳаётининг жонкуяр ҳомийси ва умуман, комил инсон, меҳрибон дўст, қадрдон ҳаммаслак сифатида таърифланиши кабиларни ёки унинг ҳаёти, ижтимоий-ижодий фаолияти ҳақида алоҳида асар яратиш ниятини қўшсак, мавзуну кўлами янада кенгайди. Уни чуқур илмий тадқиқи эса XV аср ўзбек адабиётини тўлароқ тасаввур этиш имконини беради, кўплаб муҳим назарий-амалий масалаларига равшанлик киритади.

НАВОИЙ ВА БОБУР

Алишер Навоийнинг мазмунан халқчил, бадий жиҳатдан баркамол ижоди, давлат ва жамоат арбоби сифатидаги гуманистик фаолияти, адабиёт, маданият ва санъат аҳлига сидқидилдан ҳомийлиги ўша даврлардаёқ жуда юқори баҳоланган. Навоий шаънига кўпдан кўп мадҳиялар, қатор қасидалар ёзилган, замонанинг олиму фозиллари ҳайрат ва эътироф изҳор қилганлар, шоир шахсияти, ибратли инсоний фазилатлари, серқирра ижтимоий ва ижодий фаолияти васфида ҳатто махсус китоблар яратилган. Уларнинг барчасида Навоий даҳоси сўзсиз тан олинади, ҳар бири заминидан улуг инсон ва буюк шоирга чексиз муҳаббат, чин ҳурмат ва самимий эътиқод ётади.

Ана шу васфлар орасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Навоий ҳақидаги сўзлари алоҳида ажралиб туради: «Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил бида то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва ҳўб айтқон эмас... Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий (мадад берувчи – А. А.) маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай»¹.

Ўзи катта шоир бўлган шахснинг бу қалб сўзлари «Бобурнома»да битилганига 450 йилдан ошиб кетди. Аммо ҳанузгача ўз аҳамияти ва латофатини йўқотгани йўқ. Самимий меҳр ва зўр қониқиш, чин ҳавас ва чуқур ҳурмат балқиб турган бу сўзлар Бобурнинг ўзига ҳам шуҳрат келтирди. Бунда унинг ўз юксак иқтидори ва юқори зеҳни ҳам, шеъриятни нозик тушуниши, ҳақиқий буюк даҳони тан олиши ва эъзозлай билиши ҳам равшан кўринмоқда.

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Асарлар». Уч жилдлик. II жилд. «Бобурнома», Т., 1965, 247–248-бетлар.

Бобур ўзининг катта замондоши бўлмиш Навоий билан шахсан учрашиш шарафига муяссар бўлган эмас. Аммо шу аниқки, у ҳар доим улуғ шоир томон интилган, асарларини тинмай мутолаа қилган, унинг изларини муқаддас билиб, ихлос билан зиёрат этган. «Бобурнома»да 1506–1507 йиллар воқеаларини баён қилар экан, муаллиф Ҳиротда ўтказган кунларини эслаб, жумладан, шундай ёзади: «Ҳирийдин чиққунча Алишербекнинг уйларида эдим... Бу йигирма кунда машхур сайргоҳлардин бир Султон Ҳусайн Мирзонинг хонақоҳидин ўзга ер қўрулмаган шояд қолмади экин. Гозургоҳ ва Алишербекнинг боғчаси ва жувози қоғоз ва Алишербекнинг ўлтурур уйлариким, «Унсия» дерлар; мақбара ва масжиди жомеиниким, «Кудсия» дерлар: мадрасаси ва хонақоҳиниким, «Халосия» ва «Ихлосия» дерлар; ҳаммом ва дорушшифосиниким, «Сафоия» ва «Шифоия» дерлар – борини андак фурсатда сайр қилдим».¹

Бундай ҳурмат ва эъзознинг, садоқат ва ихлоснинг, Навоийнинг халқ ўртасидаги катта шуҳрати ва юксак обрўсидан ташқари, бевосита Бобур эътиқоди билан боғлиқ ўз илдизлари ҳам бор. Гап шундаки, бу воқеадан 6–7 йил олдин Навоий ташаббуси билан улар ўртасида ёзишма бошланган эди. Бу ҳақда Бобурнинг ўзи қуйидагича гувоҳлик беради: «Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда (905 ҳижрий, 1499 милодий йил) Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати (мактуби – А. А.) ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим. Орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим».²

Бу мактубларнинг бирортаси ҳам, Бобурнинг мактубига илова этилган байт ҳам, афсуски, илмда маълум эмас. Икки буюк ижодкор ва давлат арбоби нималар ҳақида сўз юритганлари бизга қоронғу. Аммо тахмин этамизки, бу йилларга келиб давлат ва сарой хизматларини расман тарк этиб, тамомила ижодий ишга берилган Навоий ҳоким, саркарда, фотиҳ Бобурга эмас, янада аниқроғи, тахт даъвогари ва шу боисдан ҳам Ҳусайн Бойқаронинг эҳтимолий рақиби Бобурга эмас, балки шеърятда ўз иқтидорини намойиш эта бошлаган шоир Бобурга мактуб йўллаган. Хатнинг мазмун-мундарижасини ҳам шеърят ҳақидаги баҳс-ўйлар ташкил этган. Бундай тахминий хулоса учун етарли асослар бор, деб ўйлаймиз. Сўз юритилаётган йилларда Бобур шоир ва айни замонда, адабиёт-санъат аҳлини қадрловчи шахс сифатида шуҳрат тута бошлаган эди. Айтайлик, Муҳаммад Бадахший ва Биноий каби шоирларнинг паноҳ ва ҳомийлик истаб Самарқандга – Бобур қошига келишлари ва бу ерда иззат-эътибор топишлари, шунингдек, Биноийнинг унга шеърый арзномалар билан мурожаат этиши худди шундан дарак беради. Айниқса, ўзбек тилида қалам тебрата бошлаган ёшлар фаолиятини катта қизиқиш ва жиддий манфаатдорлик билан кузатиб борган Навоий Бобурдаги зўр туғма қобилиятни қайд этиб ва тан олиб, унга махсус мактуб йўллаган бўлса, ажаб эмас. Гап шундаки, Навоий худди шу 1498–1499 йилларда илк редакцияси 1491 йил охирларида тугатилган «Мажолис ун-нафоис» тазкирасини қайтадан кўриб чиқиш режасини тузади, уни адабиётга янгидан кириб келаётган ёш ижодкорлар номлари билан тўлдиришни лозим топади. Шу мақсадда у бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрда етишган ёш ижодкорлар ҳақида маълумотлар тўплашга киришади. Натижада, адабиёт саҳнасига илк қадамларни қўяётган яна юзга яқин ёш ижодкорлар ҳамда уларнинг шеърларидан намуна байтлар тазкирадан ўрин олади. Масалан, Навоий сўнгги йилларда етишган шоирлар жумласига оғани Бойсунғур Султон ва Султон Али мирзоларни ҳам киритади. Бу фактга алоҳида диққат этишимизнинг боиси бор. Гап шундаки, Бобур худди шу Бойсунғур

¹ Ўша асар, 275, 278., 279-бетлар.

² Ўша асар, 126-бет.

мирзони енгиб Самарқандни эгаллаган эди. Аммо Бобур у ерда мустаҳкам ўрнашиб қололмай, юз кун ҳукмронликдан кейин шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўлган. Шундан кейин Самарқанд Султон Алимирзо қўлига ўтади.

«Ҳоло (ҳозир, яъни 1498–1499 йиллар назарда тутилади – А. А.) Самарқанд мулкида салтанат тахтида матамаккин (барқарор – А. А.)дур. Дерларки, табъи назмга мойилдур» деб ёзади Навоий у ҳақида ва мисол тариқасида унга нисбат берилувчи ўзбекча бир матлаъни келтиради.¹ (Аммо Султон Али мирзо ҳам Самарқандда узоқ ҳукмронлик қила олмайди, тез орада шаҳарни Шайбонийхонга жангсиз топширади. 905 ҳижрийда Бобур Самарқандни иккинчи бор Шайбонийхон қўлидан олган.)

Бу ўринда бизнинг баҳсимизга боғлиқ нуқта шундаки, тазкиранинг тўлдирилган редакциясига Навоий шоир сифатида ном чиқара олмаган Бойсунғур мирзони ҳам, Султон Али мирзони ҳам киритади. Аммо ундан биз Бобурнинг номини учрата олмаймиз. Бундан ўша вақтларда Навоий Бобурнинг шоирлик фаолияти бўйича етарли маълумот тўплашга улгурмаган, деган хаёлга бориш мумкин. Биринчи имкон туғилиш ҳамоноқ, эҳтимол худди шу ният билан Бобурнинг ўзига махсус мактуб юборгандир.

Жавоб мактубига Бобурнинг она тилида байт илова этиши ҳам оддий тасодиф бўлмаса керак. Маълумки, Навоий тазкирага кирган ҳар бир шоир ижодидан камида бирор байт намуна берган ва бунда она тилидаги мисолларга алоҳида эътибор қаратган. Айни замонда, Бобур мактубига махсус битилган илова байт икки ижодкор ўртасидаги ёзишмалар мазмунининг, асосан, шеърият мавзусида бўлганига ишора этгандек бўлади, мактубнинг эса адабиётнинг қадрига етувчи шеършунос устозга йўлланганлигига шубҳа қолдирмайди. Бобур орзиқиб Навоийдан янги хабар кутади, аммо тез орада у яна феодал урушлари гирдобига тортилади, «жавоб келгунча тафриқа (тўс-тўполон, парокандалик – А.А.) ва ғавғо бўлди», деб куюниб ёзади Бобур.² Орадан кўп ўтмай, Навоий ҳам вафот этади. Шу тариқа феодал қирғинлари ва шафқатсиз ўлим икки буюк ижодкор ўртасида эндигина шаклланиб келаётган дўстлик алоқаларини куртаклигидаёқ бўғиб ташлайди...

* * *

Бобур Навоийга ёзган мактубига қандай байтни илова қилган экан? Номи Хуросон ва Мовароуннаҳрдагина эмас, балки кенг атрофда, ўзга элу юртларда ҳам катта шухрат қозongan шоирга нималар ҳақида ёзган экан? Бобур назарида Навоий, авваламбор, ким сифатида гавдаланган? Ўз таъкидлари билан айтганда, «кўп ва хўб шеър айтғон», «олти маснавий китоб назм қилғон» («беши «Хамса» жавобида, яна бир... «Лисон ут-тайр» отлиқ»), «тўрт ғазалиёт девони тартиб қилғон», «яхши рубоиёт ҳам ёзган», «яна бисёр мадҳул (фойдали – А. А.) «Мезон ул-авзон» отлиқ аруз битган» «форсий девон ҳам тартиб қилган», «яна муסיқийда яхши нималар боғлаб, яхши нақшлар ва яхши пешравлар»³ яратган улуғ ижодкор сифатидами ёки Ҳусайн Бойқаро давлатининг нуфузли арбоби сифатидами?

Бизга ҳамон номаълум бўлиб қолаётган мактубнинг ҳам, унга махсус илова-этилган туркий байтнинг ҳам мазмун-руҳи кўп жиҳатдан худди шунга боғлиқ.

¹ Алишер Навоич, «Асарлар», 12-том, 177-бет.

² Бобур, зикр этилган асар, 126-бет.

³ Бобур, зикр этилган асар, 148-бет.

Бобур адабий меросида 40 га яқин мустақил байт – фардлар мавжуд. Уларнинг ичидан бирортасини мазмун ва руҳига кўра, илова байт шу бўлса керак, деб кўрсатиш қийин. Шу боисдан ҳам бошқа тахминни ўртага ташлашга журъат этамиз.

Навоий билан ёзишмалари ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлаган боб-фаслларни Бобур орадан қарийб 20 йилча вақт ўтгач, хотиротлар асосида ёзган. Шунинг учун бўлса керак, муаллиф кўпгина воқеа-ҳодисаларнинг тафсилотини бермай, умумий тарзда ва лўнда баён этади. Баъзи «икир-чикир»ларни тиклашда эса унинг айрим чалкашликларга йўл қўйган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Шунинг назарда тутиб, биз мактубга аслида байт эмас, балки рубой илова этилган, деган фикрни билдираамиз. Бу тахминда бирор ғайритабиийлик йўқ: ўша кезлардаёқ Бобур рубой жанрида ҳам маълум тажриба орттирган эди. Далил сифатида, Навоийга жавоб мактуби битилган арафаларда Биноийга ҳам туркий рубой ёзиб юборганини эслаш kifоя. (Шу тахмин муносабати билан ўтмишда «байт» истилоҳи ўз луғавий мазмунидан ташқари, умуман, шеърий асар маъносида ҳам кенг қўлланилганини айтиб ўтайлик. Алишер Навоий, масалан, «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг бир неча ўринларида «байт» унвони остида тўртликларни келтирганлиги ҳам бизнинг тахмин фойдасига жиддий далда бўла олади).¹

Демак, байт эмас, рубой – агар шундай деб қабул қилсак... Бобурнинг лирик меросида икки юздан ортиқ рубой бор. Уларнинг кўпчилигида соф муҳаббат, чин севгига садоқат туйғулари, ватанпарварлик йўналишлари ғоят самимий ва таъсирчан куйланади, юксак инсоний фазилатлар улуғланади. Айни замонда, Бобурнинг ўз ҳаёти билан боғлиқ, шунингдек, маълум ижтимоий воқеа-ҳодисалар муносабати билан битилган ёки аниқ тарихий шахсларга номалар тарзида ёзилган рубойлар ҳам оз эмас. Бу тур рубойларда ҳаётийлик устунлик қилади, муаллифнинг бевосита ўз ҳис-туйғуси, дарду ташвиши, севинчу шодлиги ниҳоятда очиқ ифодаланади, воқеа ва шахсларга муносабат – баҳо лўнда ва яққол юзага чиқади. Шунинг учун ҳам уларнинг айримларида хитоб, нидо, ҳайқириқ оҳанглари ҳокимлик қилса, баъзилари, аксинча, ички монологдай ўқилади: гўё шоир хилватда ўзига мурожаат этаётгандек, ўзи билан ҳасратлашаётгандек, қилмишига, бошига тушган савдоларга, тақдир шафқатсизликларига баҳо бераётгандек, кечирмишни ўзича таҳлил этаётгандек... Аммо рубойларнинг кўпларида аниқ ким ёки қандай воқеа тўғрисида сўз бораётгани ўқувчиларга номаълум қолади: бу ҳақда мавжуд далилларни қиёслаб, фақат тахмин этишгина мумкин.

Фавқулодда мазмунга эга бўлган ва бу жиҳатдан ҳам бошқаларидан ажралиб турувчи мана бу рубой худди шундайлар жумласидандир:

*Эйким, бари шеър аҳлига сен хон янглиғ!
Шеъринг бари шеърларга султон янглиғ!
Мазмуни анинг хатти саводий ичра
Зулмат орасида оби ҳайвон янглиғ!*²

Мисралардаги ҳар бир сўз, ҳар бир ташбиҳга эътибор берайлик. Мурожаат оҳанги хитоб-ҳайқириқ билан уйқаш бу тантанавор ва ўта ҳароратли мисралар кимнинг шаънига

¹ Қаранг: А л и ш е р Н а в о и й . «Асарлар», 13-том, 29- ва 30- бетлар.

² Б о б у р, «Асарлар», Уч жилдлик. 1-девол. Т., 1965, 164- бет.

қаратилган? Бобур кимни «бари шеър аҳлига хон» деб улуғламоқда? Кимнинг «шеърлари бари шеърларга султон!» дея шарафланмоқда? Қайси бир улуғ ижодкор асарларининг «мазмун» умуман яратилган барча бадий асарлар («хатти саводий») ичида «зулмат орасида оби ҳайвон янглиғ» инсонларга янги ҳаёт, куч-қувват, завқ-шавқ, шодлик ва умид бахш этади? Чиндан ҳам Бобурдек шеърятнинг нозик ва талабчан билимдонининг бундай юксак баҳосига сазовор бўлган шоир ким экан?

Аввало, шундай хулосага келиш мумкинки, мадҳия-рубойида сўз барҳаёт шахс ҳақида, айнаи замонда бутун халқ орасида улкан шуҳрат-обрўйга эга бўлган ва ўз ижодий фаолиятини муваффақият ва суръат билан давом эттираётган чиндан ҳам улуғ шоир тўғрисида бормоқда.

Иккинчи равшан хулоса шуки, рубойи туркий тилда қалам тебратувчи ижодкорга бағишланган. Чиндан ҳам, форс тилини мукамал билган, форсча ҳам қатор асарлар (жумладан, рубойлар ҳам) ёзган Бобурнинг бирор форсийгўй шоир ижодини баҳолаб, унинг ўзига мурожаат этар экан, туркий мисралар битиши мантиққа зид тушади, бу ҳолда рубойдан кузатилган асл мақсад тўла юзага чиқмайди ҳам.

Демак, шубҳасизки, рубойи – мадҳия: 1) Бобурнинг ўзига замондош ва барҳаёт бўлган туркий шоирлардан бири ва 2) барча шоирларга устоз («шеър аҳлига хон»), асарлари эса ҳамма ижодкорлар учун намуна-ибрат бўла олган («бари шеърятга султон») шоир шаънига айтилган. Хўш, шундай экан, рубойи кимга бағишланган?

...Бобур ўтмиш ва замондош туркий ва форсий адабиётни ёшлигиданоқ жуда чуқур ўрганган. Шунини айтиш кифояки, 30–32 ёшларида ёзиб тугатган «Рисолаи аруз» асарида етмишга яқин ижодкорлар меросларидан намуналар келтиради. «Бобурнома»да неча ўнлаб шоирлар номлари тилга олинади, асарлари юзасидан жиддий баҳс юритилади.

Шунини ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги ўта мадҳий мисраларни битган Бобур аслида бирор асар ёки ижодкор фаолиятини баҳолашда асло саҳий бўлган эмас. Аксинча, нозик шеършунос сифатида у шеърятга катта мезон, жиддий талабчанлик билан ёндошган, дидсиз, ўз таъбири билан айтганда, «бемаза» асарларни, қобилятсиз «шоирча»ларни аёвсиз танқид қилган. Бу фикр тасдиғига «Бобурнома»дан кўплаб далиллар келтириш мумкин, аммо биргина мисол билан чекланамиз. Бобур Султон Маҳмуд мирзонинг «шоир»лиги ҳақида сўзлаб, «шеъри бисёр сушт ва бемаза эди. Андоқ шеър айтқондин айтмағон яхшироқдур»¹, деб ёзади.

Бадий адабиётнинг ҳолати ва тақдири юзасидан юракдан қайғурувчи, унинг ҳар томонлама камол топишидан тўла манфаатдор шахсина таъби йўқ «ижодкор» ҳақида шундай қатъий хулоса чиқариши мумкин. Кўринадик, Бобур шеърятни муқаддас деб тушунган, бу соҳадаги саёзлик ва машқбозликни қатъий инкор этган.

Ана шу ҳақиқат назарга олинса, келтирилган рубойи мисралари янада мазмундор жанрланганди, улар заминдаги юксак баҳо ва эътироф, кўтаринкилик ва қониқиш руҳи тобора ёрқинроқ юзага чиқади. Демак, рубойининг адабиёт саҳнасидаги бирор тасодифий шахсга ёки ўртамиёна шоирга бағишланган бўлиши асло мумкин эмас.

Яна ўша муаммога қайтайлик: Бобурдек юксак дидли шоир, талабчан шеършунос кўнглини қайси ижодкор мафтун эта олган экан?

Бобурнинг ўз иқрорича – «Бобурнома» саҳифаларига қайта-қайта мурожаат қилайлик. Унинг кўп ўринларида ва ҳар доим чуқур ҳурмат ва зўр иззат-икром билан Алишер Наво-

¹ Б о б у р, «Асарлар», 2-жилд. «Бобурнома», 43-бет.

ий номи тилга олинади. Навоий билан шахсан учрашиш шарафига муяссар бўла олмаган Бобур кейинчалик, биз юқорида кўрганимиздек, унинг «босган изларини» махсус зиёрат қилади, уйида яшайди, қурдирган бино ва иншоотларини бирма-бир кўздан кечиради, қабрига боради. Бобур Навоийнинг давлат ва жамоат арбоби сифатидаги фаолиятига ҳам, мутафаккир олим ва буюк шоир сифатидаги ижодий фаолиятига ҳам ниҳоятда юксак баҳо беради, айниқса, унинг шеърий иқтидорига қайта-қайта таҳсинлар ўқийди.

Юқорида келтирилган машҳур баҳони яна бир бор эслаб, мана бу сўзларнинг ҳам маъзини чақиб кўрайлик: «Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти (асарлари – А. А.) Ҳирийда нашъу намо топибдур».

Демак, Бобурнинг қатъий фикрича, Алишер Навоийчалик «ҳеч ким кўп ва ҳўб шеър айтқон эмас» ва унинг асарлари «Ҳирийда нашъу намо топибдур!»

Бу олий баҳо ва самимий тан олишнинг рубоий мисралари билан мантиқий алоқаси йўқмикин?! Улар рубоийдаги «шеър аҳлига сен хон, шеъринг эса барча шеъриятга султон» таъкидига ҳам мазмунан, ҳам кўтаринки услуб жиҳатидан жуда яқин эмасми?! Шундай экан, «Бобурнома»даги адреси аниқ мадҳиялар каби мадҳия-рубоий ҳам Навоий шаънига айтилмаганмикин?! Ахир Бобурнинг ўзи шеъриятда «ҳеч ким» Навоий билан асло тенглаша олмайди, деб қатъий таъкидламоқда-ку! Абдурахмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий, Хондамир ва бошқа кўплаб замондошлари Навоий шаънига худди шундай мазмундаги мадҳия, қасидалар битишган эди-ку! Шундай экан, Навоийдан бошқа қайси бир замондош ўзбек шоирини Бобур бундай шарафлаши мумкин?! Ахир «Рисолаи аруз»да Бобурнинг ўзи Навоийни – «устод» ва «улуғ шоир» унвонлари билан атамаганмиди?!¹

Шу мантиқий далиллардан рубоий Алишер Навоий шаънига битилган, деган хулосага келиш мумкин.

Чиндан ҳам, 905 ҳижрий – 1500 милодий йилда Навоийга йўлланган мактубга худди мана шу рубоий илова этилмаганмикин?! Бевосита «сен»га мурожаат тарзида ёзилган рубоийни яна бир бор ўқиб кўрайлик:

*Эйким, бари шеър аҳлига сен хон янглиғ!
Шеъринг бари шеърларга султон янглиғ!
Мазмуни анинг хатти саводий ичра
Зулмат орасида обиҳайвон янглиғ!*

Олий баҳо ва самимий ихлосни, чин эътиқод ва зўр муҳаббатни ўзида жамъ этган бу оташин мисраларни фақат ва фақат Навоий шаънига айтилган, деб ишонгинг келади.

* * *

«Бобурнома»да турли муносабатлар билан Навоийнинг номи, шунингдек, у яратган йирик асарлар жуда кўп ва ҳар доим чуқур ҳурмат билан тилга олинади. Ана шу маълумотлардан қатъий хулосага келиш мумкинки, Бобур улуғ замондошининг давлат ва жамоат арбоби сифатидаги кўп қиррали ижтимоий фаолиятини, маданият ва санъат аҳлларига ҳомийлигини ҳам, улкан адабий-илмий меросини ҳам муфассал ўрганган. Фактлар Бобурнинг Навоий шахсияти, фаолияти ва ижодининг энг кичик деталларигача мукаммал би-

¹ Ўша асар, 11-бет.

лишини кўрсатади. Қуйидаги мисол бу жиҳатдан жуда муҳимдир. Навоийнинг тўсатдан хасталаниши ҳамда табибларнинг жонсарақ уринишлари фойдасиз бўлганлигини сўзлаб, у шундай ёзади:

«Табиблар асло ташҳиз (аниқлаш, диагноз қўйиш – А. А.) қила олмадилар. Бир байти ҳасби ҳол воқеъ бўлбтур:

*Бу дард илаки, ўлармен, мараз чу зоҳир эмас,
Табиблар бу балога не чора қилғойлар?!»¹*

Навоийнинг ўн минглаб байтлари орасидан худди шу воқеага тўла мос тушадиган, қачонлардир битилган байтни эслаб жуда ўринли келтириш учун ўша улкан меросни чиндан ҳам «ипидан-игнасиғача» билиш лозим бўлади.

Айтиш керакки, бундай синчков мутолаа ўзининг жиддий ижобий самарасини берган, Бобурнинг йирик шоир сифатида камол топишида баракали таъсир кўрсатган. Биз Бобур лирикасида устод ғазаллари ва рубоийларига эргашиб, улар вазни ва руҳида, радифи ва қофиясида навоийвор ёзилган ўнлаб намуналарни учратамиз. Айтайлик:

*Қўрмагай эрдим жамоле олам аро кошки,
Бўлмагай эрдим бари оламға ғавғо, кошки...*

*... Ё қошинг янглиғ эгилган жисми зоримниму дей?
Ё сочингдек тийра бўлғон рўзгоримниму дей?»²*

матлаъли ғазалларининг ўзиёқ бу фикр тасдиғига ишончли далил бўла олади.

Бундан ташқари, Навоийнинг шеъриятга оид илмий асарлари, шунингдек, улкан ижодий-амалий тажрибаси Бобурнинг «Рисолаи аруз» каби (соф назарий) асарининг ёзилишига туртки ва муҳим асослардан бўлган. Бу асар, айти замонда, «Навоий ва Бобур» каби катта ва кўпқиррали мавзуга йўл очади.

«Рисолаи аруз» асари Бобурни Шарқ шеъриятининг нозик билимдони, юксак дидли назариётчи сифатида кўрсатади. Бу асарни ёзишга ҳозирлик кўрар экан, Бобур, аввало, Навоий тажрибасига мурожаат қилади унинг «Мезон ул-авзон»ини, шунингдек, лирик меросини қунт билан ўрганиб чиқади. Шу жараёнда у «Бобурнома»да гувоҳлик берганидек, «Хазойин ул-маоний» девонларидан ажратиб, махсус бир тўплам тузади³ ва ундан «Рисолаи аруз»да кенг фойдаланади. Шуни айтиш кифояки, Бобур ўз асарини ёзар экан, Навоий далолатига икки юздан кўпроқ марта мурожаат қилади, бир юз олтмишдан ортиқ матлаъни, шунингдек, тўрт бутун ғазални намуна – мисол сифатида келтиради. Бобур ғазалнинг энг мураккаб турларига ибратли мисолларни ҳам Навоий меросидан қидиради.

Масалан, мусажжаъ (сажланган, ҳар мисраси ички қофияли) ғазал ҳақида сўзлаб, унинг умуман кам учрашини таъкидлайди ҳамда «Наводир уш-шабоб»дан яхлит ғазални

¹ Қаранг: Б о б у р, «Мухтасар», Нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1971, 101 а ва 124 б - саҳифалар.

² Б о б у р, «Асарлар»; Уч жилдлик. 1-девор, 61 ва 70-бетлар.

³ Б о б у р, «Асарлар», III жилд. «Бобурнома», 73-бет.

намунага келтиради. Бошқа бир ўринда эса, воқеабанд ғазалларга яхши мисол сифатида «Боштин-оёқ бу ғазалдан бир ҳикоят манзум бўлубтур», деган изоҳ билан:

*Ўтган кеча мен эрдиму ул сиймтан эрди,
Гулшан тўрида масканимиз бир чаман эрди –*

матлаъли Навоий ғазалини тўла келтиради.¹

Арузнинг турли-туман баҳрлари, шунингдек, туюқ, рубоий, қитъа каби лирик жанрлар ҳақида сўз борганида, Бобур Навоий тажрибасига энг эътиборли манба каби қайта-қайта мурожаат қилади. Масалан, «Рисолаи аруз»да «Хазойин ул-маоний»дан икки туюқ ва уч қитъани ҳам учратамиз.

Маълумки, Бобур ўз ижоди билан ўзбек шеърлятида рубоий жанрининг камол топишига жуда катта ҳисса қўшди. Икки юздан ортиқ рубоий яратган шоир унинг назарий асослари юзасидан ҳам қимматли фикрларни «Рисолаи аруз»да баён этган. Шу муҳимки, ўзининг ана шу фикрларини у, асосан, Навоий рубоийлари билан далиллайди – рисолада Навоийнинг ўн тўққиз рубоийси мисолга олинган.

Бу рисола Навоийнинг шу йўналишдаги асари бўлмиш «Мезон ул-авзон»дан Бобурнинг кенг фойдаланганини ҳам кўрсатади. Рисола давомида устознинг бу асарига бир неча бор ишора этган муаллиф ундан қатор парчаларни ҳам олади. Масалан, рисолада келтирилган 19 рубоийдан «Эй, сенсиз умрумдин осойиш йўқ», «Ё Раб, не офатдур ул ҳусну жамол», «Эй, маҳваш, ўтгай бу саркашлик ҳам»; «Эй, сендин ўлуб бағрим ҳам кўксим доғ». «Бир лаҳза кўнгул сенсиз ҳолин билмас» ва «Эй шўх, бизнинг сори бир айла назар»² мисралари билан бошланувчи олти рубоий «Хазойин ул-маоний» девонларида йўқ. Шу муносабат билан айтиб ўтайликки, Навоий ғазалларидан рисолада келтирилган матлаълардан ҳам ўн тўрттаси «Хазойин ул-маоний» девонларида учрамайди: афтидан, улар ҳам, худди зикр этилган рубоийлар каби, «Мезон ул-авзон» учун махсус ёзилган ва бошқа манбаларга киритилмаган.

Бобур рисолада Навоийнинг форсий асарларидан ҳам айрим намуналарни беради. Масалан, «Девони Фоний»дан ўрин олган ғазал матлаъсини мисол сифатида келтиради. Хусрав Дехлавийнинг машҳур “Дарёи аброр» қасидасига «Улуғ шоирларнинг аксарияти татаббуъ қилганлик»ларини сўзлар экан, шу «улуғлар» орасидан Навоийни алоҳида ажратиб, юксак шеърый маҳоратини таъкидлаб ўтади, у яратган «Тухфат ул-афкор»нинг шоҳбайтини кўчириб, ҳеч бир ижодкор бундай гўзал матлаъ ёза олмаган, деб таъкидлайди.

«Рисолаи аруз» саҳифаларида Навоий йирик дostonнавис сифатида ҳам юқори баҳоланган. Бобур “Хамса»ни ташкил этган дostonларнинг ҳар бирини, шунингдек, «Лисон ут-тайр»ни махсус қайд этади, уларнинг ҳар бирининг вазн хусусиятларини белгилайди. Бугина эмас. «Ҳайрат ул-аброр»нинг Абдурахмон Жомийга бағишланган мадҳ қисмидан каттагина парчани намунага келтиради.

Қисқаси, Бобурнинг шеърят назариясига бағишланган бу асарида Навоийнинг неча юзлаб мисралари ўрин олган – муаллиф ўз назарий фикрларини далиллаш мақсадида шеърят санъатининг энг эътиборли, энг обрўли намояндалари жумласида улуғ шоир ижодхонасига мурожаат қилади.

¹ Б о б у р, «Мухтасар», Нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан. «Фан» нашриёти, 1971, 132-бет.

² Б о б у р, ўша асар, 58-59- бетлар.

«Рисолаи аруз»да Навоий ижодидан келтирилган парчаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, Бобур ихтиёрида кўп жиҳатдан мўътабар манбалар бўлган. Ундан ўрин олган мисолларнинг Навоий асарлари нашрлари билан қиёслаш бuni равшан кўрсатади. Аввало, шуни айтишликки, Навоийнинг қатор мисралари фақат шу манба орқалигина бизга маълум: рисолада Навоийнинг қаламига мансуб, деб келтирилган айрим байтлар (улар аслида тугал ғазалларнинг матлаълари бўлиши мумкин) бошқа бирор манбада учрамайди. Масалан:

*Кимниким, ёр айладинг бўлди гирифторинг сенинг,
Рашкдин ваҳ, дея олмасмен «Худо ёринг сенинг»¹*

каби ниҳоятда гўзал мисралар на «Хазойин ул-маоний» девонларида, на «Мезон ул-авзон»да мавжуд. Рисолада келтирилган намуналарнинг аксарияти шоир асарларининг ҳозирги нашрларига тўла мос тушади. Аммо шундай намуналар ҳам учрайдики, рисоладаги мисол айрим жиҳатлари билан ижобий фарқланади. Биргина далил билан чекланамиз. Рисоланинг 52- саҳифасида Навоийнинг:

*Кел бери, эй рашки қамар, лаъли лабинг нек шакар,
Фурқатинг ўтида қўнгул чекти сипеҳр узра шарар² –*

байти келтирилади. У «Хазойин ул-маоний» девонларида учрамайди. «Мезон ул-авзон»да эса, биринчи мисрадаги «нек шакар» ибораси «тунги шакар» шаклида батамом бузуқ ҳолда келади. Бу каби мисоллардан Навоий асарларининг келгуси нашрларида «Рисолаи аруз»дан ҳам ишончли манба сифатида фойдаланиш мумкин деган хулоса чиқади.

Шарқ шеърятининг ниҳоятда нозик ва мураккаб назарий масаласига бағишланган «Рисолаи аруз» айна замонда, Бобурнинг Навоийга бўлган чексиз ҳурмат ва сўзсиз эътирофини яққол ифодаловчи тарихий ҳужжатдир. Худди шу асарида муаллиф Алишер Навоийни Саъдий, Фирдавсий, Низомий, Хусрав Дехлавий ва Жомийлар каби устодлар қаторига киритади, фахр ва руҳий қониқиш билан улуғ шоирлар гуруҳида санайди.

НАВОЙ ВА МАШРАБ

Алишер Навоийнинг улкан адабий мероси кейинги беш аср давомида барча туркий халқлар миллий адабиётларининг умумий йўналиши ва тараққиётида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлди, уларнинг ривож ва ғоявий-бадий камолотига бевосита ва баракали таъсир кўрсатиб келди. Бу таъсир, равшанки, биринчи навбатда, ўз миллий адабиётимиз намояндалари фаолиятларида жуда равшан кўринди ва ниҳоятда самарали бўлди. Кейинги асрлар адабиётимизнинг барча йирик вакиллари улуғ шоирни устоз, мураббий ўрнида қабул қилдилар ва бу билан фахрландилар, Навоийнинг мазмунан халқчил, шаклан баркамол асарларини ўз ижодий тажрибалари учун юксак намуна ва ибрат деб, Навоийникидек мисралар битишни эса ўзларига шараф деб билдилар.

¹ Ўша асар, 62- бет.

² Ўша асар, 62- бет.

Навоий ижодининг илҳомбахш анъаналари мавзуси ниҳоятда кенг ва серқирра бўлиб, ҳар бир қалам аҳли фаолиятида ўзига хос кўриниш ва даражаларда юзага чиқадики, бу ҳол аниқ ва далилли таҳлилни талаб қилади.

Улуғ шоир ижодий мактабини ўтаб, шеъриятнинг юксак чўққиларига кўтарилган ижодкорлардан бири Бобораҳим Машрабдир. Расмий мадрасаларда билим олиш имкониятига эга бўлмаган Машраб Навоий ва Шарқ адабиётининг бошқа буюк намояндалари тажрибаларини иқтидорли шогирд сифатида қунт билан шахсий мутолаа воситасида эгаллади. Машрабнинг энг етук асарларида Навоий анъаналарининг аниқ изларини, улуғ шоир меросининг ғоя ва образлари билан ҳамоҳангликни, воқеликни навоийча таҳлили ва талқинини кўрамиз.

Навоий ижодининг асосини ташкил этувчи чуқур фалсафийлик ва халқчиллик, дунёсеварлик ва инсонпарварлик, одамийлик ва юксак одоб-ахлоқ ташвиқи, ҳар жиҳатдан камолотга эришган Инсон тарғиби-мадҳи Машраб асарларида ҳам ўзига хос, машрабона овоз ва жўшқинлик, машрабона шижоат ва суръат билан намоён бўлади.

Албатта, бадий ижоднинг турли-туман соҳаларида ниҳоятда самарали қалам тебратиб, жумладан, қатор йирик дostonлар, фалсафий, тарихий, илмий ва диний мазмун – йўналишдаги кўплаб шеърий ва насрий асарлар яратган Навоий мероси билан Машрабнинг ҳали узил-кесил аниқланмаган, тўла тўпланмаган мероси ўртасида тафовут бениҳоят катта. Аммо Машрабнинг Навоий ижодидан ўрганиши, унинг анъаналарини ўзлаштириши ва давом эттириши мавзусини ёритувчи бешубҳа далиллар етарли мавжуддир.

Аввало, ҳар икки қалам соҳиби меросининг чин халқчил моҳиятини қайд этиш лозим. Улуғ Алишер Навоий ҳам, унинг изидан борган Бобораҳим Машраб ҳам ўз ижодий фаолиятлари марказига халқ учун, юрт учун хизмат қилиш вазифасини қўйганлар. Навоий ва Машраб шеъриятининг лирик қаҳрамонлари одамийлик ғоялари билан вояга етган раҳм-шафқатли ва мурувватли, одил ва ҳақсўз, ахлоқий пок ва ҳалол, кўпчилик манфаатларини шахсий ғараз-интилишларидан устун қўя олувчи олийжаноб кишилар сифатида намоён бўладилар. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Инсон бахт-саодатини, эрки-ҳуқуқини орзу этадилар, Инсон шараф-ғурурини улуғлайдилар. Шу жуда муҳимки, улар моҳиятан халқпарвар, элу юрт тинчлиги ва равнақи учун барча қийинчиликларни тортишга, халқ дардига ҳамдард, қайғу-аламларига шерик бўлишга тайёр. Ҳудди шунинг учун ҳам Навоийнинг лирик қаҳрамони бир ўринда:

*Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам!*

деб ҳайқиради. Машрабнинг ҳам лирик қаҳрамони:

Бу олам халқи ичра дилпаршон бўлмасун ҳеч ким! –

деб наъра тортади. Халойиққа йўналтирилган азоб-уқубатларга ўз кўксини тутати:

Аё дўзах, мени қўйдур, халойиқ қўймасун ҳаргиз!

Маълумки, Машраб ижодий меросида пантеистик фалсафа, яъни бутун борлиқ ва барча Мавжудотда, жумладан, Инсонда Аллоҳнинг зуҳури, яратувчининг зарраси – жилваси

ифодаланиши ҳақидаги таълимот юзага равшан чиққан. Ўз тарихий илдизлари билан бу таълимот Шарқ ижтимоий-фалсафий тафаккурининг Мансур Халлож, Форобий, Шайх Боязид Бистомий, Имомиддин Насимий каби буюк намояндаларининг ижодий-ижтимоий фаолиятларига бориб тақалади. Бу ҳақиқатни инкор этмай, Машрабнинг бу масалада бевосита Навоий ижодий тажрибаларидан ҳам кучли баҳраманд бўлганлигини таъкидлаш лозимки, бу таъсирланишни қатор далилларда равшан кўриш мумкин.

Масалан, Машрабнинг пантеистик қарашларини ифодаловчи шеърятининг энг ёрқин намуналаридан:

*Бу тани ҳокийнию руҳи равонни на қилай?!
Бўлмаса ҳошимда жонон, бу жаҳонни на қилай?! –*

матлаъси билан бошланувчи машҳур ғазални Навоийнинг бу тур асарлари намунаси билан енгилгина қиёслаб кўрайлик. Ҳар иккала ғазалдаги сўфий истилоҳлар, рамзий образ – кинояларнинг асл мазмунини кенг шарҳлаш имконияти йўқлигидан уларда мавзу – мазмун яқинлигини, етакчи ғоя, ҳукмрон руҳ ва оҳанг умумийлигини, муаллиф “мен”ининг деярли бир хил намоён бўлишини қайд этиш билангина чекланамиз. Аввало, Машраб ғазали давомидаги яна бир-икки байтларни ўқийлик:

*Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак?!
Қолган Иброҳимдин ул эски дўконни на қилай?!*

*Урайинму бошима саккиз биҳишту дўзахин?!
Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни на қилай?!*

*...Бир Худодин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо,
Гул агар бўлмаса илкимда тиконни на қилай?!*

Бу байтларни Навоийнинг «Наводир уш-шабоб» девонидан ўрин олган мана бу ғазал мисралари билан қиёслаб таҳлил этсак, уларнинг ҳар жиҳатдан ўзаро тўла ҳамоҳанг эканлиги кўзга равшан ташланишини кўриш қийин эмас:

*Гулшани кўюнгдин айру боғи ризвонни нетай?!
Бошима гар гул сочар – сенсиз гулафшонни нетай?!*

*Наҳли қаддинг чун эмас гирён кўзумда жилвагар,
Жўйбор атрофида сарви хиромонни нетай?!*

*...Зулмати ҳажрида чашминг васфин этма, эй Хизр,
Менки умрумдин тўюбман – обиҳайвонни нетай?!*

*Ёрдин айру бузуғ кўнглумға қилдим хайрбод,
Эй Навоий, уйла ганж ўлмай бу вайронни нетай?!*

Бизнингча, ҳар иккала буюк сўз устаси ҳам бу ғазалларда бир мазмун-ақидани бир ғоявий-фалсафий тушунча – заминдан ўхшаш бадий шакл – воситаларда ифода этмоқдалар. Улуғ Навоий билан Машраб ўртасидаги икки юз йиллик масофа бу ғазалларда бирор сезиларли даражада бўлсин ўз изини қолдирмаган: Машраб улуғ устози асаридан шу қадар таъсирланган, баҳраманд бўлган. Машраб устозидан бутун ғазал жисми ва руҳига сингдирилиб юборилган жўшқинликни ҳам, заминидан ҳиссий ҳаяжон ва фикрий исён уфуруб турган қатъий оҳангни ҳам ўз шеъриятининг етакчи унсури сифатида қабул қилади. Чиндан ҳам, ғазаллар учун танланган «нетай» ва «на қилай» радифларида муаллиф «мен»ининг шубҳаланиши ва иккиланиши ва, демак, савол оҳанги эмас, балки қатъий инкор руҳи, узил-кесил ҳукми аниқ эшитилади.

Машраб ижодий меросидаги «Ўртар» радифли ғазални ҳам Навоий анъаналарининг оташзабон шоир томонидан изчил давом эттирилганини исботловчи далиллар жумласига киритиш мумкин. Бу ўта таъсирчан ва кенг шуҳрат тутган ғазал мисралари жисми ва руҳига ҳам Машраб дунёқарашига хос пантеистик таълимотнинг асосий ғоя-образлари усталик билан жойлаб юборилган:

*Агар ошиқлигим айтсам, қуюб жону жаҳон ўртар!
Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи ул хонумон ўртар!*

*Кишига ишқ ўтидин зарра етса бўлур гирён,
Бўлуб бесабру бетоқат, юрак-бағри чунон ўртар!*

*...Бу Машраб дардини, жоно, ки ҳеч ким бошиға солма,
Агар маҳшарда оҳ урсам, биҳишти жовидон ўртар!*

Алишер Навоий шеъриятида шундай пантеистик ғоя – мазмунни бадий ифодаловчи намуналар анча-мунча. Аммо Машраб асарининг ёзилишича, бизнингча, «Наводир уш-шабоб» ва «Бадоеъ ул-васат» девонларидан ўрин олган «Ўртанур» радифли икки ғазал бевосита туртки бўлган. Биз уларда Машраб ғазалининг барча етакчи белгиларини, фақат навоиёна талқин ва ифодада тўла-тўқис учратамиз. Мана, уларнинг биринчи байтлари:

*Менда бир ўтдурки, гар дам урсам, афлок ўртанур!
Асрасам кўнглумда, жону жисми ғамнок ўртанур!*

*Меҳр эмас оҳим ўтидин кўкка етмиш бир шараф,
Айб эмасдур гар десам: «Дам урсам афлок ўртанур!»*

*Бас таним ўртарга қонлиғ новакинг, ҳижронни қўй!
Барқ не ҳожат, бир учқун бирла хошок ўртанур!*

Бу – «Наводир уш-шабоб» девонидаги ғазал байтлари. «Бадоеъ ул-васат» девонидаги ғазал ҳам худди шу мазмун, шу вазн ва радифда. Унинг ҳам Машраб ғазали билан ҳар

жиҳатдан ҳамоҳанглиги қуйидаги байтларданоқ жуда аниқ кўринади:

*Кўнглум ўтин зоҳир этсам, барча олам ўртанур!
Шуъласин гар тортсам, тўққуз фалак ҳам ўртанур!
Гар ғаминг сўзнокидин кўнглум куяр, эрмас ажаб,
Ҳар кўнгул ичраки тушти шуълаи ғам – ўртанур!*

Шу ҳам диққатга сазоворки, Машраб Навоий ғазалларида ғояни мантиқий урғу билан ҳар байтда таъкидлаб, оҳангга шижоат ва суръат бахш этувчи радифни шаклан ўзгартирар экан, улуғ устози унга юклаган жиддий мазмун ва вазифадан узоқлаштирмасликка эришган.

Шубҳасиз, ўрганиш ва таъсирланишнинг биринчи ва яққол кўринишлари бевосита ўхшатма-назираларда тўла ифодасини топади. Навоий ғазалларига назиралар тарзида битилган намуналар Машраб меросида анчагина. Уларда Машраб улуғ устози асарларининг мавзуси, талқини, вазни, қофия ва радифларини тўла-тўқис сақлаган ҳолда ўз асарини яратади. Худди шунинг учун ҳам улар жонсиз ўхшатма, ҳис-туйғусиз тақлид даражасида қолмаган, аксинча, тўлақонли мустақил янги асарлар савиясига кўтарила олган. Қатор ҳолатларда эса, мавзу танлаш ва унинг бадиий талқинида яқинлик ва ўхшашлик кўзга ташланадики, бу ҳам моҳиятда, ўша таъсирланишнинг, ўша ўрганиш ва эргашишнинг ўзига хос кўринишлари жумласига киради. Бунга қуйидаги ғазалларнинг биринчи байтларини ўзаро қиёслашнинг ўзидаёқ қаноат ҳосил этиш мумкин.

Навоий ғазалларининг матлаълари:

*Оҳим, ул ошно бегона бўлди оқибат,
Ҳажридин беҳудлиғим афсона бўлди оқибат.*

Ва:

*Ёшурун дардимни зоҳир қилди афғон оқибат,
Асрағон розимни ёйди сели мужгон оқибат.*

Худди шу йўналиш, руҳ, шу вазн, қофия ва радифдаги мана бу байтлар эса Машраб қаламига мансуб ғазалларнинг бошланмаларидир:

*Найлайин, дилдордин бегона бўлдум оқибат,
Юз ғаму ҳасрат ҳамхона бўлдум оқибат.*

Ва:

*Қилди чу чархи фалак расвои даврон оқибат,
Бору йўқим бўлди охир ерга яксон оқибат.*

Бу каби ҳам мазмун ва ғоявий йўналиш жиҳатидан, ҳам шеърининг ташқи белги-безаклари жиҳатидан Навоий ғазалларига жуда яқин намуналарни Машраб яратган меросда кўпгина учратамиз. Навоий ҳижронга ташланган ошиқ тортаётган азоб-уқубатларини, у кечираётган мураккаб туйғу-кечинмаларни, гўзал маъшуқа томон талпиниши ҳамда висолдан умидворлигини унинг жонбахш сабога, мусаффо тонгда эсувчи майин шабодага самимий мурожаати тарзида жуда таъсирчан ифодалаган. Улуғ шоир мисраларида ошиқ, худди қадрдон ва сирдош кишисига – тирик шахсга мурожаат этгандек, субҳ ва сабога

ёлборади, қалбини очади, дилидаги ҳис-ҳаяжонларини, орзу-интилишларини севгилисига етказишни ўтиниб-ўтиниб илтижо қилади:

*Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт!
Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт!*

«Ғаройиб ус-сиғар»даги яна бир ғазал эса мана бундай бошланади:

*Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт!
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимға айт!*

Навоий қўллаган романтикуслуб, ифода этган ҳаётӣ мазмун ва самимий оҳанг Машрабга илҳом бахш этади, лирик қаҳрамонининг дарду ҳасратларини, руҳӣ кечинмаларини, дил сўзларини ифодалаш воситасига айланади:

*Эй сабо, борсанг, дуо давлатли султонимға айт!
Мен учун ғамзада дил бўлғон паришонимға айт!*

*...Машрабо, умрумни охир қилди бу чархи фалак,
Ул сухансанжи, суханфаҳми, сухандонимға айт!*

Машрабнинг ишқӣ ғазалларидан яна бири:

*Оқ юзунгда холу хат кўз кўрмағойди, кошки!
Кўнглума юз доғу ғамни қўймағойди, кошки!–*

мисралари билан бошланадики, бу ўринда ҳам биз улуғ шоир ижодининг бевосита таъсирини ўнғайлик билан қайд эта оламиз.

Айтилганидек, Машрабнинг Алишер Навоий ижодӣ меросидан ўрганиши, унинг асарлари анъаналарини ўзлаштириши ҳеч қачон қуруқ таъсирланиш, юзаки тақлидчилик, нусха олиш даражасида бўлмаган, устоз тажрибаларидан руҳланиб яратган асарлари эса шаклий ўхшашлик доирасидагина қолиб кетмаган. Аксинча, Бобораҳим Машраб улуғ шоир анъаналарига ўз даври ҳаёти ва талаблари, жорий ижтимоӣ онг ҳолати ва ахлоқ-одоб мезонлари, адабий дид ва бадий завқ савияси нуқтаи назаридан тўла маънода ижодӣ мунсабатда бўлган. Бу жиҳатдан унинг «Келмади» радифли муҳаммаси алоҳида диққатга сазовор.

Унда гўзал маъшуқанинг учрашув ҳақида ошиққа ваъда берганлиги, лирик қаҳрамон ошиқнинг интиқлиқ билан висол дақиқаларининг кутиши, бу жараёндаги ҳаяжон ва ширин безовталиқ ниҳоятда (таъсирчан ва жонли ифодаланади. Аммо маъшуқа бевафолик қилади, ваъдасида турмайди, ошиқни зор қақшатиб, учрашувга келмайди. Ҳажман катта (ўн икки банд) бу муҳаммасда лирик қаҳрамоннинг ана шу ҳижрон азобида қолган ҳолатдаги дил ўртовчи ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, дарду ҳасратлари бадий юксак мисраларда маҳорат била очилади:

*Ваъда қилди бир келай деб, кўзга уйқу келмади,
Термулиб йўлида турдум, шўхи бадхў келмади,
Неча келди шум рақиблар ул парирў келмади,
Дардидин ўлдум, табиб, дардимга дору келмади,
Мен шаҳиди ишқ бўлдум, қатраи сув келмади.*

Мухаммаснинг шу мисралари билан (танишиш ҳамонқ ўқувчи Алишер Навоийнинг худди шу мазмун, вазн, қофия ва радифда яратилган машҳур ғазали мисраларини беихтиёр дилидан ўтказди ҳамда Машрабнинг ўз ижодий фаолиятида улуғ шоир асарларидан ва юксак бадиий санъатидан бевосита баҳраманд бўлганлигига яна бир бор иқдор бўлади. Айни замонда, бу мухаммас Машрабнинг Навоий асарлари анъаналарига онгли равишда ижодий муносабатда бўлганлигини, улуғ шоир ғазали мавзуси ва ғоясини қуруқ, беҳис такрорламай, аксинча, батамом янги асар ярата олганлигини кўрсатиш жиҳатидан ҳам диққатга сазовор. Чиндан ҳам, Машраб мухаммаси маъшуқанинг ваъдани бузиб, сўзида турмаганлиги ҳақидагина эмас. Ва шунга кўра, лирик қаҳрамон ҳам айрилиқда қолган ошиқгина эмас, у гоҳ «ғариблик шаҳрида оху воҳ айлаб» юрган ватанжудо, гоҳ «биҳишту кавсару ҳуру филмонларни найлайин» дея, фақат яратувчинигина тан олувчи мутафаккир – ринд ва гоҳ баъзи иккиюзлама зоҳидларни фош этувчи кўрқмас мунаққид сифатида гавдаланади. Мухаммаснинг сўнгги, якунловчи бандида эса қотиб қолган тушунчаларга қарши бош кўтарган шаккок шахс билан учрашамиз:

*Зоҳидо, Машрабға, дединг: «Масжид ичра қўй қадам!»
«Ўлтуруб меҳробда» дединг, «хотирингни айла жам!»
Фаҳшидин қилдим ибo, ҳеч урмадим мен анга дам!
Турфа ишдурки, кўрунг масжидга кирмиш дарду ғам,
Неча кун зоҳид бўлуб, кўнгулга бир «ху» келмади.*

Аслида, бу ўринда ҳам биз Навоий анъаналарининг сезиларли таъсирини кузатишимиз мумкин. Гап Навоий ижодига хос бўлган жиддий ижобий фазилат ишқий ғазаллар, мухаммасларда катта ижтимоий мазмунни, ҳаётнинг салбий томонларига, ярамас хулқ-атвор, урф-одатларга танқидий ёндашувни, жумладан, баъзи шайх-зоҳидларнинг мунофиқлиги ва ҳийла-найранглари қораловчи баҳо муносабатни «жойлаб юбориш», «қистириб кетиш» санъатининг Машраб томонидан фаол давом эттирилиши устида бормоқда.

Таъкидлаш лозимки, улуғ шоир анъаналаридан баҳрамандлик Машраб ижодида турлича кўринишларда намоён бўлган. Худди шунинг учун ҳам фақат ташқи белгилари жиҳатидан ўхшаш намуналардагина, яъни назира йўли билан битилган асарлардагина Навоий таъсирини қайд этиш билан чекланиш бирёқламалик бўлади. Машраб меросида улуғ шоир асарларига моҳият, етакчи руҳ ва фалсафий-мантиқий асослаш жиҳатидан муаллиф «мен»ининг ташқи борлиққа, воқеа-ҳодисаларга баҳо муносабати жиҳатидан умумийлик ва яқинлик бўлгани ҳолда шаклий мувофиқлик яққол кўринмайдиган мисолларни ҳам анчагина учратамиз. Масалан, Навоий ғазалларининг бирида лирик қаҳрамон кўксидаги осмонни куйдирувчи, ҳар учқуни эса фалакдаги бир юлдузга кул этувчи «ох» ҳақида, ҳатто

аслида олов-оташдан ҳаёт топувчи самандарни ҳам ёндирувчи «кўнгул ўти» тўғрисида сўз боради:

*Оҳим ғамингда гунбази ахзарни куйдурур!
Ҳар учқуни фалакда бир ахтарни куйдурур!*

*Оташкада ўтида самандар топар ҳаёт,
Кўнглум ўти валеқ самандарни куйдурур!*

*Бир ўт дурур танимдаким, анинг ҳарорати
Кўнглакни қул қилур, доғи бистарни куйдурур!*

Машраб меросида худди шу вазн ва радифда ёзилган татаббуъ ғазал борлиги бизга маълум эмас. Аммо унинг «Бузар», «Чидаёлмас», «Куяр» радифли исёнкор руҳдаги қатор ғазалларида худди шундай мазмун худди шундай кескин бир тарзда ифодаланади, уларнинг ҳар бирида Навоий ғазалидагидек лирик қаҳрамон билан учрашамиз, унинг ҳаяжонли ички монологини тинглаймиз, туғён ураётган кайфияти, безовта руҳий ҳолати билан тўқнашамиз.

Ҳа, Машраб улуғ устози шеъриятидан ташқи борлиққа, даврнинг долзарб масалаларига, ижтимоий ҳаёт воқеа-ҳодисаларига фаол муносабатда бўлишни ҳам ўрганди. Инсон эркининг, ҳақ-ҳуқуқларининг замона зўравонлари томонидан бешафқат топталишига қарши норозилик туйғуларини ифодалашда Навоийнинг бой ва ранг-баранг асарларига суянди. Натижада, биз Машраб шеъриятида ҳам чарх зулми, фалак адолатсизликларини қоралаш, тақдир ёзмишлари ва «синук кўнгул» қийноқларидан нолиш, «наштар уриш»га тайёр «дўстлар» қилмишларидан шикоят, шум рақиблар ҳийла-найранги ва бевафо маъшуқа жавру жафосидан дардли фиғоннинг Навоийдагидек ифодасини ҳам кўрамиз. Унинг:

*Бир мушфиқи ҳамроз тополмай жаҳон ичра,
Ҳасрат ўтидин куйдиму мотамзада кеттим!*

*...Нигоримдин вафо, на дўстлардин дафъи ғам кўрдум
Ки, ҳар кимдин умиди манфаат қилдим, зарар топдим –*

каби мисраларини ўқиган китобхон Навоийнинг: «Кимга қилдим бир вафоқим, юз жафосин кўрмадим», «Меҳр кўп кўргуздим аммо меҳрибоне топмадим» каби мисралари билан бошланувчи қатор ғазалларини дилидан ўтказди. Машрабнинг инсоний камолот ва гўзалликни улуғловчи, чин севги-садоқат ва юксак хулқ-атворни тарғиб этувчи шеъриятига хос фазилатлардан бири ғазалларининг ниҳоятда ўйноқи, шўх, қалбни қитиқловчи жўшқин вазнларда, шаклан ва моҳиятан халқ кўшиқлари йўлида яратилиши, мисраларнинг содда ва айни замонда, завқли, равон ва сеҳрли, дилкаш ва самимий тузилиши, бир сўз билан айтганда, чин халқона руҳи, десак хато бўлмайди. Шоир ўқувчилар билан ниҳоятда самимий сўзлашади, «топиб гапиради», ўз нутқида халқ мақол-ибораларидан кенг ва ўринли фойдаланади. Айниқса, шеъриятда муҳим вазифа бажарувчи қофия ва радифлар танлаш

ва қўллашда ҳайратомуз халқчилликка, улуғвор соддаликка эришади. Айтиш керакки, бу соҳада ҳам Бобораҳим Машраб Навоийнинг бой ижодий тажрибаси тимсолида катта ва жиддий адабий мактабни ўтган.

«Хазойин ул-маоний» девонларидаги мана бу матлаъли ғазалларнинг қофия ва радифларига диққат қилайлик:

*Ишқинг этагин жон илиги бирла тутубмен,
Сен киргали ёдимга ўзумни унутубмен;*

*Ул ойки жафо нардини ҳўблардин ўтубдур
Ё Раб, не бало, меҳру вафони унутубдур;*

*Ўтлуғ юзидин ул ойким бурқаин олибдур,
Кофирлигин кўрунгим, мусҳафқа ўт солибдур;*

*Хуреки, менинг жонима офат етилибдур,
Тўби киби қад бирла қиёмат етилибдур.*

Бизнинг фикримизча, Навоийнинг бу каби гўзал ғазаллари Машраб ижодий меросида худди шулардек жўшқин, ботинан суръатли, ўйноқи, вазн ва тил хусусиятлари билан соф халқчил шеърларнинг катта туркумининг яратилишига туртки бўлган, илҳомбахш намуналар вазифасини ўтаган. Келтирилган байтлардаги жарангдор қофия ва радифлар Машраб шеърларида ҳам такрорланадигина эмас, шоир улар таъсирида ва андозасида ўзи ҳам кўплаб ихтиролар яратади.

Далиллар Машрабнинг мўъжаз бадий лавҳа-манзаралар чизишда ҳам Навоий ижодий тажрибаларидан илҳом топганлигини кўрсатади. Бир-икки ёрқин мисол келтириш билан чекланамиз. «Ғаройиб ус-сиғар» девонидаги ғазалларнинг бирида гўзал маъшуқанинг юзга парда тортиши ошиқ кўнглини вайрону тарож этади, деган мазмун берилади ва бу ҳолат карвонларга ҳужум қилиб талаш олдидан қароқчиларнинг юзга ниқоб боғлаши лавҳаси билан мантиқан қиёсланади:

*Кўнгуллар нақдини тарож этарга ёпмоғинг бурқаъ,
Анингдекдурки, юз боғлар қароқчи карвон келгач.*

Машраб улуғ шоир кашф этган бу ҳаётий лавҳадан бевосита таъсирланган, дейишга етарли асос бор. Гап шундаки, унинг ҳам ишқий ғазалларининг бирида, худди юқоридаги байтда кўрганимиздек, зулмкор ва бешафқат маъшуқа, висолталаб ошиқ, талончи қароқчи ва ҳимоясиз карвон образлари иштирокида ошиқ «кўнглини яғмо», «талон-тарож» этиш манзараси жуда ёрқин чизилади:

*Кўзунг яғмо қилур бебок кўнгулни ҳеч ваҳм этмас,
Қароқчи қўрқитур ҳар ерда топса карвон ёлғуз.*

«Бадоеъ ул-васат» девонидаги бир ғазалида эса улуғ шоир тажнис санъати, яъни ёзилиш ва ўқилиш жиҳатидан бир хил сўзлар заминидagi турли маъноларни ечиш воситасида эсда қоларлик сўз ўйини ихтиро этади:

*Эй қаро қўз, бўлмас ул юз шавқидин юздин бири,
Қўз қаросидин агар юз нома таҳрир эткамен.*

Машраб ҳам худди шу «юз» сўзи иштирокида тажнис санъатининг етук намунасини яратади:

Юзунгдин юз ўғирмасман агар юз минг жафо қилсанг!

Севгилисига садоқатли ошиқнинг қасамномаси каби жарангловчи бу мисра чуқур ҳаётii мазмунни лўнда ва таъсирчан, айнаи замонда, ниҳоятда халқчил ва эсда қоларлик бир тарзда ифодалайди. Бу каби эгизаклардек ўхшаш лавҳаларни ҳар икки шоир меросларидак яна кўплаб келтириш мумкин.

Навоий ижодий меросида мустазодлар сон жиҳатидан кўп эмас. Аммо шоир лириканинг бу ўйноқи турига ҳам алоҳида аҳамият беради. «Хазойин ул-маоний»ни ташкил этувчи девонларнинг ҳар бирига, шоирнинг ўз иборалари билан айтганда, «дилпазир мустазодлар»дан киритилиши, бизнингча, тасодифii бўлмаган: бу билан улуғ шоир мустазоднинг шеъриятимизда ғазал, мухаммас, мусаддасва бошқа турлар қаторида қонуний ўрин олиш ҳуқуқини махсус таъкидлаб ўтган, деган хулосага келиш мумкин. Бобораҳим Машраб эса улуғ шоирнинг бу ишорасини тўғри тушунган кўринади. У умуман адабиётимиз тарихида энг кўп мустазод яратган ижодкорлардан бири. Машраб мустазодлари мавзу жиҳатидан ранг-баранг. Улар орасида Навоий мустазодларига татаббуъ тарзида яратилган тасаввуфii руҳдаги намуналар ҳам, гўзалликни улуғловчи, маъшуқа хусни-латофатини васф этувчи, ошиқнинг севги-садоқатни тараннум қилувчи ўрнаклар ҳам анчагина.

Ваниҳоят, Навоий ижодий фаолиятига хос яна бир катта фазилатнинг Машраб томонидан қабул қилиниб, давом эттирилгани ҳақида ҳам эслаб ўтайлик. Гап зуллисонайнлик, яъни икки тилда қалам тебратиш тажрибаси устида бормоқда. Машраб бу анъанани давом эттириб, қатор форсча шеърлар яратади, ўзбек ва форс тилларида ширу шакар шаклида ғазаллар битади.

Қисқаси, биз юқорида кўплаб келтирган далиллар Бобораҳим Машрабнинг бадиий ижоднинг мураккаб сиру асрорларини эгаллаб, шеъриятимизнинг юксак чўққиларига забардаст ижодкор сифатида кўтарилиши босқичларида улуғ Алишер Навоий меросидан бевосита ва баракали баҳраманд бўлганлигини кўрсатади.

НАВОИЙ ВА ФУРҚАТ

Алишер Навоий за Зокиржон Фурқат мавзусида баҳс юритишга, айтайлик, Навоий ва Муқимий, Навоий ва Завқий ёки Навоий ва Аваз мавзуларига нисбатан асос кўпроқ. Негаки, Зокиржон Фурқат номлари саналган ўзига замондош демократ шоирлардан фарқли ўлароқ, улуғ мутафаккир шоир билан шахсан учрашганлик даъвосини қилади. Ҳа, худди шундай:

эмиш у Навоий билан учрашган, мулоқотда бўлган, ҳатто катта гуруҳ машҳур ижодкорлар иштироки ва гувоҳлигида шеърятдан «Чор девон» бўйича унга муваффақиятли имтиҳон ҳам топширган. Бугина эмас, Фурқат шеърятни нозик тушуниши ва шоирлик иқтидори учун Навоий олқишига сазовор бўлганига ҳамда унинг шахсан ўзидан бадиий ижод учун оқ фотиҳа олганлигига бизни қатъий ишонтирмоқчи бўлади.

Албатта, Фурқат ўзи билан улуғ бобо ўртасида тўрт юз йиллик катта масофа мавжудлигини ёддан чиқармаган ва шунинг учун ҳам у халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётимизда бундай ҳолларда қадим-қадимдан муваффақиятли қўлланиб келинган «туш кўриш», «тушда учрашиш» ва бирор хайрли иш бошлаш олдидан энг табаррук зотдан «оқ фотиҳа олиш» каби анъаналарни кўзда тутган.

1891 йил бошларида «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида эълон қилинган ва биз шартли равишда «Фурқатнома» деб атаган ўз таржимаи ҳолида тўққиз яшар гўдаклик чоғида бўлажак шоир худди шундай хосиятли туш кўрганини ёзади. Айтиш керакки, Зокиржон чиндан ҳам туш кўрган ва улуғ Навоий билан «учрашган» бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Унинг ўз иқрорича, ўша кезларда бутун эс-ҳуши ва вужудини Навоий асарлари қуршаб олган эди: гўдак чин ихлос ва эътиқод билан унинг девонларини кечаю кундуз тинмай мутолаа қиларди.

«Чун умрум шоҳиди тўққиз парда орқасидин чехра кўргузди, Амир Алишернинг туркий девонлариким, Навоий лақабдур, забоним қуши ул хирмандин доначин ўлди. Ул хангомларда воқеаи ажиб рўйдод бўлди, яъни бир кечаким, ул жумъа кечаси эрди, туш кўрдум. Бир чорбоғе эрмишдурким, эрам гулшани андин нишона бўлғай... Ногоҳ бир зебосурат йигит... пайдо бўлуб, пайғом еткурди. Дедиким: «Бир жамоат уламолар сизни суҳбатларига таклиф қилурлар...» Бориб кўрдум: анда кўб уламолар давр олиб ўлтурубдурлар. Ва хосса юқорида уч мўйсафиди фариштасийрат кишиким, ҳузурларида катта китоблар ёзилғон, бир-бирлари бирла мунозара қилурлар ва мен пастда қўл боғлаб салом қилдим. Ул азизлардин бири жавоби арзон тутуб, чақириб, ул мажлисдин жой кўрсатдилар. Адаб зонуси бирла ўлтурдум. Тахсилимдин савол қилдилар. «Девони Амир Навоий», деб таъзиман жавоб бердим. Ул азиз ишорати бирла бир киши мени олдимга бир китоб ёзиб қўйди. Ул китоб Амир Навоийнинг «Чор девон»лари эрмиш. Андин кейин менинг қўлимга қалам ва қоғоз бериб, ҳар қайсилари бир мисрадин байт айтдилар. Мен ёзиб тамом қилдим эрса, ҳаммалари қўл очиб ҳақимда дуо қилдилар ва шеър машқига рухсат бердилар»¹. Шу аснода бўлажак шоир, уйғониб кетади.

«Кўнглумга назар қилсам, деб давом этади Фурқат, – субҳдин мусаффо ва кўзгудин мужалло эрди... мактабга кириб устодим ҳазратига бу воқеадин баён айладим. Ул киши муборақ таъбирлар айтиб, дедиларким: «Эй фарзанд, ул юқорида ўлтурган азиз Амир Алишер Навоий ва ўзгалари сойир шуаролар бўлғай. Сенинг зотингга алардин мадад етиб, илми ашъордин башорат бермишлар, муборақинг ўлғай!..»²

Фурқатнинг Навоий билан «шахсан учрашиб», унинг синовидан ўтиши шу тариқа «юз берган». Таъкидлаш лозимки, ҳар икки ҳолатда ҳам (яъни, чиндан ҳам Навоий унинг тушига кирган ёки шоир анъанавий адабий анъанага мурожаат этиб, бу лавҳани «тўқиган») бир асосий мазмун-мақсад олға сурилмоқда: Фурқат улуғ шоирни ўзига устоз деб ҳисоблаган,

¹ Ф у р қ а т, «Танланган асарлар». Икки томлик, II т., Ўздавнашр, Тошкент, 1959, 134–135-бетлар.

² Ўша ерда.

гўдаклигидаёқ унинг асарларини чуқур ўрганган, шеърият илмида уни бирдан-бир ҳакам деб билиб, унга эргашиб ва унинг ҳомийлигида қалам тебрата бошлаган. Ҳар ҳолда, ўзи халқ орасида нозиктабъ шоир сифатида шуҳрат қозонган йилларда ёзилган расмий таржимаи ҳолга «туш кўриш» лавҳасининг махсус киритилиши асло бежиз эмас. Фурқатнинг шоирлик фаолияти, ўзининг ёзишича, Навоий билан ана шу «учрашув»дан, Навоийнинг шеър машқига «рухсат бериши»дан бошланади ва тез орада ўша тўққиз ёшидаёқ биринчи мисраларини яратади:

*Менинг мактаб аро булдур муродим:
Хатимдек чиқса имлою саводим!*

Фурқат умр бўйи Навоий ижодидан баҳраманд бўлди, унинг илғор анъаналарига содиқ қолди. У ўтган асрнинг 30-йиллари бошларида Муқимий бошлиқ Қўқонда ҳаракат этган адабий анжуманнинг фаолияти ҳақида сўзлаб, жумладан, «гоҳи қадимий шуаролар девонларидин бир шўх ғазални топиб, анга ҳар қайсимиз мухаммас боғлар эрдук», деб ёзганида, аввало, Навоий ғазалларига боғланган тахмисларни, шоир лирикасига эргашиб битилган назира ва татаббуларни назарда тутаяди, десак янглишмаймиз. Чиндан ҳам, Муқимий, Завқий, Нодимлар меросларида Навоий ғазалларига тахмис ва назиралар кўплаб учрайдики, уларнинг асосий қисми Фурқат қайд этган адабий йиғинларда яратилган, деб дадил айтиш мумкин. Ўзига замондош қалам аҳллариининг Навоий меросига муносабатини Фурқат жиддий қизиқиш ва манфаатдорлик билан кузатиб борганлигини кўрсатувчи яна бир мисол келтирамиз. У демократик адабиётга ёндошган. Хўжажон Рожий Марғиновийнинг адабий истеъдодига, шеърият ва аруз илмидан етук билимига юқори баҳо бериб, «туркий ғазал машқига табъи кўп латиф ва равон эрмиш», деб таъкидлайди ҳамда бу фикрини «Амир Алишер Навоийнинг бир ғазалига қилғон мухаммаси ниҳоятда мустаҳсан» эканлиги билан далиллайди,¹ яъни бош мезонни навоийвор мисралар яратиш, деб билади.

Фурқатнинг ўз меросида эса Навоий ғазалларига алоҳида эътиқод ва ихлос билан боғланган тахмислар, устоз ижодига эргашиш ва муҳаббат белгилари бўлмиш назира ва татаббулар оз эмас. Айниқса, Навоийнинг:

*Саҳлдур тўби демоқ раъно ниҳолингни кўруб,
Ёки жаннат боғи гулзори жамолингни кўруб.²*

Ва:

*Ёр бўлмоқ тонг эмас мен зору расво бирла дўст
Ким, пари гоҳи бўлур мажнуни шайдо бирла дўст³–*

матлаълари билан бошланувчи ғазалларига боғланган тахмислари ўзининг етук ғоявий-бадий хусусиятлари билан демократик адабиётдаги ҳаётий лириканинг гўзал намуналари сирасига киради.

¹ Ўша асар, 140-бет.

² Алишер Навоий. «Ҳазойин ул-маоний.» IV девон. «Фавойид ул-кибор» ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1960, 59-бет.

³ Алишер Навоий. «Ҳазойин ул-маоний.» III девон. Бадоеъ ул-васат». ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1960, 87-бет.

Бу тахмисларда Фурқат устози олға сурган ғояларни ўша юксак бадиийлик даражасида изчил давом эттиришга интилади, улардаги башарий мазмунни янада кенгроқ бир шаклда ўқувчиларга етказиш мақсадини кузатади. Бунда Фурқат жиддий маҳорат ва чуқур иқтидор намоиш эта олганига қуйидаги банд мисолида қониқиш ҳосил қилиш мумкин:

*Фурқато, ич заҳр аёғи келса, қонма дўстдин!
Талхком ўлдум, дема! Ҳаргиз ўсонма дўстдин!
Тонимаслик қилса ҳам ҳарчанд тонма дўстдин!
Эй Навоий, неча душман бўлса, ёнма дўстдин!
Чунки бўлмушдур санга юз минг таманно бирла дўст.¹*

Фурқат асарлари нашрларининг бирортасига ҳам кирмай қолган яна икки тахмис ҳақида қисқача тўхтаб ўтайлик. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Тожикистоннинг Фирдавсий номидаги Давлат кутубхонасининг қўлёзмалар фондида 466 рақамли қўлёзма баёз таркибида учрайди. Биринчиси, Навоийнинг «Наводир уш-шабоб» девонидан ўрин олган:

*Сарв уза гул очтиким, қад узра рухсорим будур
Жонга нутқ ўргаттиким, лаъл ичра гуфторим будур.²*

матлаъли ишқий ғазалига боғланган тахмисдир. Қуйида чин вафодорлик ва садоқатни улуғловчи бу тахмиснинг якунловчи еттинчи бандини келтирамиз:

*Фурқат, ул бемеҳру шавқнинг зулмидин инжилма, айб
Бошингга юз минг бало ёғдурса ҳам айрилма, айб.
Ошиқ эрсанг, ринду расволик бу йўлда билма айб.
Эй Навоий, истасанг зулфин паришон, қилма айб
Найлайин сармояйи бахти сияҳкорим будур!³*

Шу манбадаги иккинчи тахмис улуғ шоирнинг «Кўзлоли» радифли ғазалига боғланган. Фурқат Навоий ғазали заминидagi шўх мазмун ва майин табассумни, лирик қаҳрамон – ошиқ табиатидаги зарифлик ва ёқимли юмори тўла-тўқис илғаб оладигина эмас, балки ўзи ҳам ўша руҳ кайфиятга ҳар жиҳатдан мос тушадиган янги мисраларни кашф этади:

*Соқиё, келтур қадаҳ дафъи хумори кўзлоли,
Ўртади даврон ғами, эмди канори кўзлоли,
Бош қотиб тургунча олам ичра кори кўзлоли,
Эй кўнгул, келким, иков бўлуб нигори кўзлоли,
Сарв қадни излабон сиймин узори кўзлоли.⁴*

¹ Ф у р қ а т. Зикр этилган асар, 85-бет.

² А л и ш е р Н а в о и й. «Хазойин ул-маоний.» II девон. «Наводир уш-шабоб», ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1960, 160-бет.

³ Фирдавсий номидаги Тожикистон Давлат кутубхонасининг қўлёзмалар фонди. инв. № 466, саҳ. 193 а.

⁴ Ўша қўлёзма, саҳ. 189-б.

Фурқат, эҳтимол худди шу тахмисни яратиш жараёнида ўз мазмуни, юмористик руҳи ва ўйноқи оҳанги жиҳатидан Навоий ғазалини эслатувчи:

*Келинг, мулло Раҳим, ёр ахтарайлук,
Кўнгул марғуби дилдор ахтарайлук¹*

деб бошланувчи ғазалини ҳам битгандир. Айтиш керакки, Фурқат томонидан Навоий ғазалларини мухаммас ҳолига келтирилиши зўрма-зўраки ҳажмни кенгайтириш, озни кўпайтириш эмас. Демократ шоир қўшган янги мисралар асло сунъий улоқ каби ажралиб қолмайди, балки, аксинча, устоз байти билан мазмун, ғоя ва руҳ жиҳатдан мантиқий алоҳага киришиб, услубан ва шаклан бирикишиб-чатишиб кетади ва оқибат-натижада табиий яхлитлик ва тугаллик ҳосил қилади. Чиндан ҳам, масалан, қуйидаги банд мисраларини бирини-биридан тўрт юз йиллик катта масофа ажратиб турган икки етук истеъдод соҳибига мансуб эканлигини фарқлаб олиш жуда қийин. Улар бир устоз ижодкор томонидан бир юксак илҳом билан бирданига, бир дақиқада битилгандек ўқилади:

*Кўнгулда орзуйи васли ул олийжаноб айлаб,
Ётиб эрдим фироқ андуҳи жонимга азоб айлаб,
Баногоҳ, гул юзига сунбули зулфин ниқоб айлаб,
Тун оқшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб,
Ҳироми суръатидин юз уза тердин гулоб айлаб.²*

Навоий ғазалларининг бевосита таъсирида Фурқат ёзган татаббуъ ва назиралар хусусида ҳам худди шундай мақтов ва юқори баҳони айтиш мумкин. Таъкидлаймизки, Навоий ғазаллари руҳида, ўша қофия, радиф, вазн ва мавзуларда навоийвор лирика яратишда Фурқат катта ютуқларга эришди. Унинг «Ўлтурғуси», «Иси» радифли ғазаллари бунга яхши мисол бўла олади. Навоийнинг «Бадоеъ ул-васат» девонидан ўрин олган шу радифли ғазалларнинг бевосита таъсири уларнинг ўзаро қиёсий таҳлилида кўзга яққол кўринади.

Чиндан ҳам, ҳар иккала ижодкор ғазалларидаги мана бу байтларнинг ўзиёқ улардаги мазмун – ғоя умумийлиги ҳамда вазн, қофия ва радиф айнанлигини кўрсатишдан ташқари қўлланилган бадий санъатнинг жуда яқинлиги, сўз образларнинг эса деярли бир хил эканлиги билан диққатни тортади:

*Боғ аро гўё сабо солмиш эди жонон иси.
Ким, етишгач гуд иси, мен тондим андин жон иси.*

*Юзу хаттининг насимидин чу тондим тоза жон,
Ваҳ, не жонимга керак эмди гулу райҳон иси.³*

Устознинг бу байтларига эргашиб, Фурқат қуйидагиларни битади:

¹ Ф у р қ а т. Зикр этилган асар, I том, 121-бет.

² Ф у р қ а т. Зикр этилган асар, II том, 86-бет.

³ А л и ш е р Н а в о и й. «Хазойин ул-маоний.» III девон, «Бадоеъ ул-васат», 644-бет.

*Гул исин истаб ҳамиша бормагум, аҳбоблар,
Етқурур ҳар дам машомимға сабо жонон иси.*

*Ул санам қайда очиб юз, хат намоён айласа,
То қиёмат келгай ул ердин гулу райҳон иси.¹*

Фурқатнинг мана буматлаъли ғазалидан эса Навоийнинг неча-неча авлодлар дилларига кўчган машхур асари мотивлари ва мафтункор оҳангини ҳар бир китобхон адашмай қайд этади:

*Қилмоғойдим сенга ул кун ошнолик, кошки!
Ёна кўнглум қилмоғойди мубталолик, кошки!²*

Фурқат меросида шундай намуналар ҳам борки, улар билан Навоий ғазаллари ўртасида ташқи шаклий ўхшашлик ва яқинлик манаман деб кўринмаса-да, улуғ шоир ижодининг аниқ таъсирини инкор этиш қийин. Масалан, Фурқатнинг машхур:

*Баҳор айёмида гул гашт этарга бир чаман бўлса,
Қилурга шарҳи ҳол аҳли муҳаббат икки тан бўлса,³*

матлаъли ғазали билан Навоийнинг:

*Не хуш бўлғай иковлон маст бўлсоқ васл боғинда,
Қўлум бўлса анинг бўйнидаю оғзим қулоғинда.⁴*

байти билан бошланувчи ғазал ўртасида романтик услуб ва бўёқларда яқинлик, ҳаётсеварлик мотивлари ва баёндаги мафтункор самимийлик, ўйноқи, шўх оҳангларидаги умумийлик уларни ўзаро мустаҳкам боғлаб туради, бир сафга қўяди.

Ҳар иккала ижодкор меросларидан қуйида келтирилган парчалар ўртасида ташқи яқинлик ёки қофия ва радифлар айнанлиги йўқ. Аммо шу «хослик»ка қарамай, моҳиятан Фурқат мисралари улуғ устоз ғазалига назира эканлигига бирор эътироз билдириш қийин:

*Кўнглум ўртансун агар ғайрингга парво айласа,
Ҳар кўнгул ҳамким сенинг ишқингни пайдо айласа!*

*Ҳар киши васлин таманно айласам, навмид ўлай,
Ҳар киши ҳамким сенинг васлинг таманно айласа!*

*Ўзгалар васлин тамошо айласа, чиқсун кўзум,
Ўзга бир кўз ҳамки хуснунгни тамошо айласа!*

¹ Ф у р қ а т. Зикр этилган асар. 1 том, 103-бет.

² Ф у р қ а т. Зикр этилган асар. 1 том, 97-бет.

³ Ф у р қ а т. Зикр этилган асар. 1 том, 21-бет.

⁴ Алишер Навоий, «Ҳазойин ул-маоний», I девон «Ғаройиб ус-сиғар», 48-бет.

*Ғайр зикрин ошкора қилса, лол ўлсун тилим,
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкоро айласа! ¹*

Навоий томонидан битилган ва лирик қаҳрамон ошиқнинг қасамномаси каби жарангловчи бу мисралар Фурқатнинг мана бу байтлари яратилишига туртки бўлганлиги, шубҳасиздир:

*...Кўр бўлсун қўзларимким, ўзгага солсам назар,
Жонга ўт тушсун, агар сендин бўлак ёр айласам!*

*Ҳам кўнгул юз пора бўлсун майл қилса ўзгага,
Тил кесилсун ўзгага бир ҳарф гуфтор айласам!*

*Жондин айрулсун тану ё бир йўла синсун аёғ,
Ғайр кўйи бир қадам гар сори рафтор айласам!..*

Шаклий белгилар бўйича эмас, балки моҳият жиҳатидан эргашишга, мантиқий замин бирлигига қуйидаги мисол ҳам далил бўла олади. Фурқатнинг юксак бадий санъаткорлигига, унга хос илиқ, ёқимтой юморга гўзал намуна сифатида келтириладиган:

*«Нуқта лаб устида бежодур!» – дедим. Айди қулуб:
«Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда!»*

байти ўз илдизлари билан Навоийнинг «Ғаройиб ус-сиғар» девонига бориб тақалади. Ундан ўрин олган ғазалларда Фурқат мисраларига туртки бўлган мана бу байтларни ўқиймиз:

*Нуқтаи ҳолинг недин ширин лабинг устидадур?
Нуқта чун остин бўлур ҳар қайдаким ёзилса «лаб»!*

*«Хат» лафзи кимки ёзса қўяр нуқта юқори,
Мушкин хатингнинг устида андоқ кўрунди хол.*

Ва:

*Юзда холингдурму ё таҳрир этар ҳолатда хат
Томди қудрат килкидин кўк сафҳасига бир нукат!²*

Лирик ғазаллар жисмида антиклерикал мотивларни жойлаб юбориш каби Навоий ижодига хос анъанага Фурқат меросида ҳам тез-тез дуч келамиз. Айрим диний ақида тушунчаларга менсимаслик муносабатини ифодаловчи қуйидаги бир-бирига жуда ўхшаш байтлар ҳар иккала шоирнинг асли ишқий ғазаллари жисмида келади. Масалан. Навоийда:

¹ Алишер Навоий, «Хазойин ул-маоний», I девон. «Ғаройиб ус-сиғар», ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1959, 43-бет.

² Алишер Навоий. «Хазойин ул-маоний», I девон «Ғаройиб ус-сиғар», ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1959, 65, 398- ва 299-бетлар.

*Бўлмаса ул бут қоши меҳробим ичра жилвасоз,
Қиблага, кофирман, ар бош индуруб қилсам намоз!¹*

*Навоийнинг бу намози не навъ экин, ё Раб
Ки, сажда вақти кўзиға ул эгма қош қўринур?!²*

Мана бу байтлар Фурқат қаламига мансуб:

*Айб эмас бош олмасам, Фурқат, нигор абрўсидин,
Ким сужуд этмабди топса бу сифат меҳроблар?!³*

*Саждага майл этмаям бош индуруб масжид аро,
Кўрмасам то жилваи қошингни меҳроб ичра мен!*

Кўринадики, Фурқат ижтимоий мазмундор шеърлар яратишда ҳам устоз Навоий анъаналаридан баҳраманд бўлган. Маълумки, жамиятдаги ноҳақлик ва адолатсизликка қарши норозилик, даҳр зулми ва пасткаш замона аҳлидан шикоят, вафо учун жафо тортиш ва тақдир кемтиклигидан, ҳаёт норасолигидан нолиш Навоий лирикасига чуқур ижтимоийлик руҳини сингдириб юборган. Фурқат бу масалада ҳам устоз изидан борди, Навоий анъаналарини изчил давом эттирди. Масалан, «Ғаройиб ус-сиғар» девонига киритилган:

*Висол тухмини эким, фироқ бар топтим,
Вафо ниҳолини тиктим жафо самар топтим,³*

байти билан бошланувчи ғазалдаги жиддий ижтимоий мотивлар Фурқат қаламига мансуб бўлган мана бу ғазалда ҳам ўшандай кескин ва ғазабкор жаранглайди:

*Жаҳонни кездиму офоқни сарбасар кўрдум,
Вафодин аҳли жаҳон жумла беасар кўрдум.*

*Умиди нафъ жаҳондин не навъ узмайким,
Мижози аҳли жаҳонни ҳама зарар кўрдум.⁴*

Фурқат маснавийда ҳам Навоий анъаналарига эргашади. Айниқса, маърифатпарварлик руҳидаги асарларида Навоий ғояларининг аниқ таъсирини кузатиш, жамият тараққиёти ва кундалик турмушдаги ўрнини кўриш мумкин. Бу жиҳатдан «Илм хосияти» деб юритилаётган маснавийси диққатга сазовор. Шоир илм-ҳикматнинг яққолроқ намойиш этиш мақсадида тарихга назар ташлаб, ундан қатор ибратли далиллар келтиришга киришади. Бунда Фурқат, биринчи навбатда, китобхонга яхши таниш бўлган, унинг онгида ёшлигидан шаклланган тайёр образ ва воқеаларга асосий диққатни қаратади. Унинг ишончича,

¹ Ўша асар, 230-бет.

² Алишер Навоий, «Ҳазойин ул-маоний», IV девон «Фавойид ул-кибар», 194-бет.

³ Алишер Навоий, «Ҳазойин ул-маоний», I девон. «Ғаройиб ус-сиғар», 426-бет.

⁴ Ф у р қ а т. Зикр этилган асар. I том, 134-бет.

Навоий асарларида улуғланган оқил, ориф ҳукмдор Искандар, буюк донишманд Арасту, Афлотун ва Луқмон образлари худди шундайдир. Улуғ шоир ижодида булар ақлу идрок, илму ҳикмат тимсоли каби тасвирланган. Фурқат, масалан, Искандарнинг эришган оламшумул ғалабалари маърифатли шоҳ сифатида унинг илм-фанга ихлос қўйиши, машҳур донишмандларни атрофига тўплаб, уларга ҳомийлик қилишидан, мамлакатни улар билан ба-маслаҳат бошқаришидан, деб таъкидлайди. Фурқатда бундай ғоявий позициянинг шаклланишида Навоий ижодининг таъсири кўзга равшан ташланади. Маълумки, улуғ шоир «Садди Искандарий» достонида худди шундай концепцияни бадий ифодалаган эди.

*Бор эрди жанобида беш юз ҳаким,
Алардин ўни кеча-кундуз надим,¹*

деб Искандар ҳузурига тўпланган олим-донишмандларни бирма-бир санаб ўтади, уларнинг илм-ҳикмат воситасида қилган ихтироларини бутун дoston давомида батафсил ҳикоя этади. Фурқат асарида ҳам худди шунга ўхшаш талқинни ўқиймиз. Шоир Искандар ва унинг донишмандларининг илм орқали эришган ютуқларини қуйидагича васф этади:

*Скандарким, жаҳонга шоҳ эрди,
Сипаҳ-анжум, фалак хиргоҳ эрди.*

*Наким офоқ ародур баҳр ила бар,
Ҳама ўлмиш эди анга мусаххар.*

*Юруб борча ани ҳукми йўлиға,
Тамоми мамлакат олди қўлиға,*

*Аниким, лашкари оламга тўлди,
Низоми забт ҳикмат бирла бўлди.*

*Бор эрди тўрт минг соҳиб заковат,
Хамиша хизматида аҳли ҳикмат.*

*Алар ҳар қайси монанди Арасту,
Хирадда балки Афлотунга қаршу.*

*Алар ичра эди лекин Фалотун,
Жамии илму ҳикмат бирла афзун,²*

Фурқат Искандар ҳомийлигидаги донишмандлар яратган кашфиётлар баёнида ҳам «Садди Искандарий» достони маълумотларини деярли тўла, фақат мўъжаз бир шаклда келтиради. Айниқса, ҳайратомуз ихтиро «ойинаи жаҳон»нинг тасвир ва таърифида ҳар

¹ Алишер Навоий. «Хамса», Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1958, 1388-бет.

² Фурқат. Зикр этилган асар, II том, 7-8-бетлар.

икки ижодкор асарларидаги яқинлик ва ҳамоҳанглик катта. Шу боисдан ҳам, Навоий байтларини дилда тиклаб, фақат мисраларини келтириш билан чекланамиз:

*Қилиб бир неча ҳикмат ошкоро,
Ажалга қилғудек бўлди мадоро.*

*Неча илму неча фан андин ижод,
Ўлуб хосиятидин олам обод.*

*Скандар амри бирла ҳикматойин,
Қилиб ойина, андоқким, жаҳонбин.*

*Жаҳонда хоҳ баҳру хоҳ бардур,
Ўшал ойина ичра жилвагардур.*

*Агар қилса жаҳонбинлик таманно,
Боқиб, андин қилур эрди тамошо.¹*

Айтиб ўтайликки, Зокиржон Фурқат Навоий улуғлаган илму фан ва таърифлаган до-нишмандлар образларига аниқ ғоявий мақсад билан мурожаат этган. Шоирнинг нияти янги замонда илм-маърифатнинг янада парвоз этганлигини, рус олимларининг эса ўша машҳур Арасту ва Афлотунларнинг афсонавий кашфиётларидан ҳам афзалроқ ва энг муҳими, мамлакат ҳаёти, кундалик турмуш учун зарурроқ ихтиролар яратганликларини чертиб кўрсатиш бўлган:

*Скандар давлатида аҳли Юнон,
Фалотун ҳам Арасту бирла Луқмон.*

*Фунуни телгроми билмадилар,
Магар илмини ҳосил қилмадилар.*

Маълумки, Навоий, айниқса, «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Сабъаи сайёр» дostonларида халқ оғзаки ижодидан кенг ва ўринли фойдаланган, dostonлар таркибидаги қатор-қатор саргузашт-романтик ҳикоят ва лавҳалар шу манба асосида яратган. Фурқатнинг эпик ижодкор сифатидаги катта маҳоратига далил бўла олувчи «Румоли қиз ҳикояти» («Юнон юртида бир афсона») маснавийси ҳам тўла маънодаги саргузашт-романтик характерда бўлиб, унда эртак жанрига хос қатор «кўчма тугун»ларни қайд этиш мумкин. Бу ҳикоятда Навоий dostonчилик анъаналарининг (шартли-романтик лавҳалар яратиш, сюжетни қизиқарли ва динамик тузиш, Ватанга боғлиқлик туйғусини асар мазмунига сингдириб юбо-риш...) ҳам таъсири сезиларлиқдир.

Навоийнинг Саййид Ҳасан Ардашер номига битилган шеърий мактуби моҳиятда тор шахсий саломнома қобиғини ёриб чиқиб, ўз даврининг жиддий ижтимоий-сиёсий масала-

¹ Ф у р қ а т . Зикр этилган асар, II том, 7-8-бетлар.

лари юзасидан баҳс юритувчи муҳим бадий-фалсафий асар даражасига кўтарилган. Ўз қадрдонларига йўлланган шахсий шеърий мактубларни чуқур ижтимоий мазмун билан бойитиш, жамият ва ҳаётнинг муҳим масалалари юзасидан баҳо-муносабат билдириш Фурқат ижоди учун ҳам хосдир. Унинг Тошкентдан Муқимийга, Бумбайдан Маҳмудхўжага, Ёркентдан Завқий ва Тошболтуларга юборган шеърий мактублари айtilган фикрга ишончли далил бўла олади. Бу ўринда ҳам Фурқатнинг Навоийга эргашганлигини унинг ижодий тажрибасидан баҳраманд бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Шоирнинг Истамбулдан Тошкентга йўллаган ва илмда шартли равишда «Сабоға хитоб» деб юритилувчи катта ҳажмли мактубида эса «Ҳайрат ул-аброр» достонининг «Вафо бобида...» мақолоти байтларига ҳам шаклан, ҳам мазмунан жуда яқин парчаларни учратамиз.

Навоий бу мақолотда ёзма адабиётимизда биринчилардан бўлиб жонлантирилган сабо образини яратиб, унга бевосита мурожаат этади, сабога инсоний хислат-белгиларни тақаб, ўзига ҳамфикр, ҳамдам билади, сирдош ва ҳамдард тутати. Ўз илдизлари билан халқ оғзаки ижодига, кўпинча, халқ қўшиқларига бориб тақалувчи бу образ тасвирга романтик ранг ва оҳанг бахш этади, лирик қаҳрамон – муаллиф «мени»нинг ички ҳис-туйғуларини, юрак сирларини, орзу-умидлари ва дарду ҳасратларини ниҳоятда самимий ва ишончли ифода-лаш имконини яратади. Чиндан ҳам, қуйидаги байтларга диққат қилинг, улар жуда таъсирчан, сеҳрли:

*Жонни сенга топширайин, эй сабо,
Элт анинг олнида қилмай ибo.*

*Бўл қуюну бошиға эврул бaсe,
Жон доғи қўйнунгда нечукким хaсe.*

*Мендин анга арзи дуo айлагил,
Йўлида жонимни фидo айлагил!*

*Дeмoн олиб кeл чaмaни вaрдини,
Кўзумa eткyр йўлининг гaрдини.*

*Хизмaтидa гaр тoпa олсанг мaжoл,
Oнчaки, мeндин дeгacен арзи ҳoл.*

*Аввaл aёғиғa тyшyб пaст бўл,
Йўлидa тyфpoғ илa ҳaмдaст бўл!¹*

Шуниси диққатга сазоворки, Фурқатнинг зикр этилган шеърий мактубида ҳам худди шундай образ ва унинг талқинига дуч келамиз. Фурқат ҳам романтик усулга мурожаат этиб, сабони жонлантиради, уни инсонлаштиради ва энг муҳими, худди Навоий мақолотида бўлганидек, ўзига ҳамфикр ва дўст билади, эзгу истак-умидларини у билан боғлайди, шубҳа-армонларини яширмай ошкор этади, ундан мадад ва ҳамкорлик кутади.

¹ Алишер Навоий. Зикр этилган асар. 137-138-бетлар.

*...Менга йўқ сендин ўзга бир мувофиқ
Нечунким, аҳли дилсан, ёри содиқ.*

*Жаҳон паймосану чўқ тезравсан!
Фалак гардинга етмас барқдавсан!*

*Аё, боди сабо, Аллоҳ учун тур!
Ўзунгни Тошканд шаҳрига еткур!¹*

Сабо бир юз ўттиз байтли бутун манзума давомида фаол ҳаракат этувчи ижобий образ бўлиб, муаллиф «мени»нинг «элчиси», дил «таржимони» вазифасини ўтайди. Шоир унга ҳар бир ҳолатда тирик шахс – «дўсти содиқ» каби мурожаат этади.

*...Агар хат берсалар ёнингда сақла,
Ғалат айтдим, дилу жонингда сақла!*

*Кетурдилким, эрур ҳирзи амон ул,
Манга тағзийи жони нотавон ул.*

*Эрурман интизоринг келгунингча,
Ўшал мактуба восил қилгунингча.*

*Будур сўз, эй сабо, зинҳор-зинҳор,
Туганди сўз ва лекин шавқ бисёр!²*

Бу парчанинг Навоий достонидан юқорида келтирилган байтлар билан ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг эканлигини таъкидлашга зарурат йўқ деб ўйлаймиз. Аммо Фурқат юқоридаги парчани яратишда улуғ устоз достони мақолотидаги мана бу байтлардан ҳам самарали баҳраманд бўлганлигини, мавзусимиз талабига кўра, айтиб ўтишни лозим биламиз:

*...Ҳам бу нафс бошида ет раҳм этиб,
Сўнгра не осиф келтурунг мен кетиб?!*

*Гар бу таманнони қабул айласа,
Меҳр бузуғ сори нузул айласа,*

*Турмаю зинҳор етишгил манга!
Хизр ҳаёти бу хабар бил манга!³*

Қисқаси, келтирилган мисолларга асосланиб шундай хулосага келиш мумкинки, Фурқатнинг жуда жиддий бир равишда «шеър машқига Навоийнинг ўзлари рухсат бердилар», деб

¹ Ф у р қ а т. Зикр этилган асар, II том, 107-бет.

² Ўша асар, 114-бет.

³ Алишер Навоий. «Хамса», 138-139- бетлар.

фахрланиб ёзиши асло бежиз эмас: у бутун ижоди давомида улуғ шоир меросидан ғоявийлик ва бадийлик сабоғини олди, унинг илғор анъаналарини янги бир тарихий шароитда давом эттиришга, янада ривожлантиришга интилди, устоз асарларидан руҳланиб давр адабиётимизга сезиларли ҳисса бўлиб қўшилган ўнлаб янги асарлар яратди.

Фурқат Навоий асарларининг тарғиботчиси сифатида ҳам маълум хайрли ишни амалга оширди. У 1890 йилда рус шарқшунос-этнографларининг хоҳиш-эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ўзбек халқининг айрим урф-одатларини баён этувчи бир неча мухтасар рисолалар («Тўй хусусида», «Гап хусусида», «Аза хусусида») тузади. Шулар қаторида ўзбек шеърининг вазн хусусиятлари ҳақида ҳам махсус кичик рисола тузиб, рус зиёлиларига тақдим этади. Фурқат томонидан шартли равишда «Илми шеърнинг қоидаи авзонини баёни» деб номланган бу рисола бошдан-оёқ, бирор ўзгаришсиз, Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асаридан олингандир. Фурқат Навоийни мисолга олиб, ҳар бирининг вазнини махсус қайд этган 49 матлаъ ва уч рубоийни, шунингдек, «Мезон ул-авзон»да чизилган шакл-доирани ўз хусни хати билан кўчириб, қўлланма ҳолига келтирган. (Афсуски, Ш.Юсупов Навоий асарларидан кўчирилган бу қўлланма-рисолани хато равишда Фурқатнинг ўз асари сифатида «Адабий мерос» тўпламининг 1983 йил 4-сонида эълон қилиб юборган).

Фурқатнинг улуғ устоз меросига бўлган самимий ҳурмат-эҳтиромини, уни аруз илми бўйича ҳам бирдан-бир ҳакам деб эътироф этишини кўрсатувчи далил сифатида ҳам, демократ шоирнинг ўз муборак дастхати эканлигидан ҳам жуда қимматли бўлган бу қўлланма эндиликда Ўзбекистон Давлат Архивидаги Н.П.Остроумов фондида сақланмоқда.

Мундарижа

АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВ

НАВОИЙХОНЛИК СУҲБАТЛАРИ

Муаллиф ҳақида	7
Шеърятимиз соҳибқирони	10
Сўз мулкининг султони	12
Алишер Навоий ижодида умуминсоний қадриятлар масаласи	28
Меросга ихлос	33
Олам аҳлига дилхоҳ	36
Инсон гули	40
Юксак фазилатлар соҳиби	45
Ҳазалда ички руҳий ҳолат тасвири	48
Болаликнинг шеърӣ ихтиролари	54
Меҳнат, табиат талқини	59
Садриддин Айний – навоийшунос	63
От чопиб, майдонда чавгон ўйнади	67
Охирги режалар	72
Сўнгги кун, сўнгги шеър	74
Навоий ижодининг улуғворлик хусусиятлари	77
Навоийнинг сарбадорларга муносабати	84
Навоийнинг ижодий методи масаласи	95
Улуғ шоир шеърӣ услубига доир	100
Алишер Навоий лирикасининг баъзи масалалари	106
Навоий шеърӣ маҳорат ҳақида	116
Алишер Навоийнинг форсий мактублари	121
«Ҳамса»нинг яратилиш жараёни	125
Навоий эстетикасининг гултожи	135
Навоий ва Аланкуво афсонаси.....	148
Навоий дostonларида шартли тасвир	151
Истиғно водийси – орзу водийси	159
«Ҳамса»да янги ижтимоӣ тип талқини.....	164

АБДУРАШИД АБДУҒАФУРОВ

БУЮК БЕШЛИК САБОҚЛАРИ

«Ҳамса»нинг яратилиш тарихидан	167
«Ҳамса»нинг ижтимоӣ моҳияти	180
«Тили поку сўзи поку ўзи пок!»	193
Шеърӣ ҳикоят ва масалларда ҳам... ..	200
«Анда ҳар байт неча маъни ила...»	207
Топилмаган ҳазаллар	215
«Кунда юз байт...»	226
«Маърифат денгизининг дури»	234
Ўн биринчи таҳмис	245
Алишер Навоий ижодкор темурийлар ҳақида	251
Навоий ва Ҳусайний	258
Навоий ва Бобур	264
Навоий ва Машраб	272
Навоий ва Фурқат	281

УЎК 821.512.133.06(091)

КБК 83.3(5Ў)

И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Абдуқодир Ҳайитметов: Навоийхонлик суҳбатлари; Абдурашид Абдуғафуров: Буюк бешлик сабоқлари; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2022. 296 бет.

Ж.2: Абдуқодир Ҳайитметов: Навоийхонлик суҳбатлари; Абдурашид Абдуғафуров: Буюк бешлик сабоқлари. 296 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123-5-1

Илмий нашр
ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Иккинчи жилд

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ
НАВОИЙХОНЛИК СУҲБАТЛАРИ

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ
БУЮК БЕШЛИК САБОҚЛАРИ

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусахҳих: *Шохрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108 ¹/₁₆.
Cambria гарнитураси. 18,5 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.